



**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ
ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳамидулла Кароматов

**ЎЗБЕКИСТОНДА
МОЗИЙ ЭЪТИҚОДЛАР
ТАРИХИ**

Тошкент – 2008

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЗИЙ ЭЪТИҚОДЛАР ТАРИХИ

Муаллиф: профессор Ҳамидулла Саъдуллаевич Кароматов

Сўз боши – тақризчи: академик Э. В. Ртвеладзе

Координатор:	А.Н. Икромов
Жараён маъмури:	Т. В. Зайцева
Муҳаррир:	Н. М. Усмонова
Дизайнер:	И. А. Семенюк

The publication was implemented within 2006-2007 UNESCO Participation Programme of the Republic of Uzbekistan (No. 37515804UZB – Research Centre for Peace Education and Intercultural Understanding of the University of World Economy and Diplomacy).

Нашир ЮНЕСКОнинг 2006-2007 йиллардаги Иштирок дастури доирасида амалга оширилган (No. 37515804UZB – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Тинчлик таълими ва маданиятлараро ҳамжиҳатлик тадқиқотлар маркази).

Замонлар ўтиши билан диний эътиқодлар алмашиб, халқ хотирасидан кўтарилиши ҳам мумкин, аммо қадим маросимлар халқ орасида барҳаёт бўлиб, ўзида узоқ асрлар, мингйилликлар ғояси ва моҳиятини сеҳрланган кўзада сақлагандек махфий тутди.

Айнан шу сир-асрорларни баҳоли қудрат очишга жазм этган мазкур асар мозий диний эътиқодларимиздан дарак бериб, шуқуҳли ўтмиш саҳифаларини варақлар экан, Сиз азиз китобхонни аждодларимизнинг теран ва ўта бой меросига шерик қилиб, чуқур фалсафий дунёқарашини яна бир бор намоён этади.

ISBN 978-9943-340-10-7

© ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ.

© Ҳ. С. Кароматов, 2008.

*Аждодлар
руҳига
бахшида...*

*«Ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг
ҳам тарихи бетақрордир».*

Ислом Каримов

ДЕБОЧА

Муаллиф, замон нуқтаи назаридан ўзининг кенг қамровлилиги билан ҳайратлантирувчи уч жилдлик илмий тадқиқот – Ўзбекистонда дин тарихини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани хайрли ишдир. Мазкур тадқиқот шундай қадим қатламларни кўтарадикки, улар қаърида вужудга келиб, Ўзбекистоннинг қадимий аجدодлари орасида ривожланган анимизм, фетишизм ва тотемизм каби диний эътиқодларнинг илк шаклларидан тортиб, то исломнинг яккахудодлилик мақомигача кўтарилган жараёнлар силсиласи бор салобати билан кўз олдингизда намоён бўлади.

Тадқиқотчи ўз ниятининг биринчи қисмини амалга оширганга далил – қўлингиздаги рисоладир. 500 га яқин иллюстрациядан иборат мазкур тадқиқот ўзбек тилида битилгани ўта маъқул ишдир. Чунки Ўрта Осиё ва, алахусус, Ўзбекистон халқларининг диний эътиқодларига доир турли жиҳатлар рус ва европа (инглиз, немис, италян, француз) тилларида нашр этилган кўплаб мақолалар ҳамда китобларда, у ёки бу даражада, ёритилиб бўлган бир пайтда, ўзбек тилида бундай маълумотлар сезиларли даражада камроқдир. Улар ҳам бўлса, муайян диний эътиқодлар ва маросимларни таҳлил этувчи этнограф олимларнинг ишларидир. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ЮНЕСКО доирасида жаҳон миқёсида илк бор ўлкамизда Авесто юбилейини нишонлаш шарофати билан зардуштийлик ҳақида пайдо бўлган турли мақолаларнинг сони эса вақт ўта боргани сари камайиб бормоқда.

Қўлингиздаги рисола, шак-шубҳасиз, ҳақиқий тадқиқотчини ўз нияти, фикр-ғояларини амалга ошириш асносида қамраб олувчи ўта берилганлик, яъни мавзуга сингиб кетиш ҳолатининг маҳсулидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун китобдаги боб ва қисмларнинг номлари, турли тиллардаги илмий адабиётлар рўйхатига кўз югуртириш кифоя ва шу аснода асар мазмуни китобхонни беихтиёр ўз оғушига қамраб олади.

Дарҳақиқат, асарнинг мазмуни жуда кўп қатламли ва пурмаъно бўлиб, таъбир жоиз бўлса, ўта мураккаб, деган иборани ишлатган бўлардим. Чунки китобда кўп ҳолларда шу қадар чигал муаммолар ва масалалар таҳлил этиладикки, уларнинг талқини жаҳон тарихий фанида ҳозиргача турлича бўлиб, тўлиқ тушунишдан ҳали ҳам анча йироқдир.

Муаллифнинг у ёки бу диний тасаввурлар билан боғлиқ жараёнларга ўз нуқтаи назарига эгаллиги ва муайян эътиқод сиймоси ёки тимсолининг талқинига мустақил ёндашув қўллаши тўғри бўлиб,

ишонч бағишлайди. Диний эътиқод ва маросимларнинг илк, ибтидоий шакллардан борган сари мураккаб эътиқодлар томон ўзгариб, тараққий толиб боришининг рисолада баён этилиш тарзи ўзининг узлуксиз изчиллиги ва тизимлилиги билан китобхонни жалб этади ва, пиروвардида, инсоният тарихида, эҳтимол, илк монотеистик дин – зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига келтиради.

Шу маънода, асар бобларидан бири “Яратувчан аланга доми” деб номланиши бежиз эмас, чунки унда диний эътиқодларнинг ривожланиш жараёнида янги босқич зуҳур топгани кўрсатилган. Яъни мозийда гўёки мангу қолиб кетган қадимий эътиқодлар ва маросимларнинг тарих қатларига мустақкам ўрнашиб бўлган бақувват илдиэлари, замонлар ўтишига қарамай, ҳозирги кунда ҳам униб чиқиб, куртак ёзмоқда.

Асарнинг яратилиш жараёнида муаллиф жуда кўп илмий китобларни ўқиб, ўзлаштиргани ҳам тадқиқот мазмунида, ҳам адабиётлар рўйхатида ва мавзуга монанд ҳамда ўз ўрнида келтирилган иллюстрацияларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, Ҳамидулла Кароматов ўзидан олдин бу соҳада қалам тебратган олимларнинг, яъни, асосан, ўзбек ва рус археологларининг тадқиқотларига таянган ҳолда, уларнинг бетиним изланишлари ва Ўзбекистонда диний эътиқодлар тарихини ўрганиш бобида қўшган ҳиссасига тан бериб, таъзим этиши сурур ва ғурур бағишлайди.

Ушбу тадқиқотга ўхшаб, мозий эътиқодлар мавзуси шу қадар тизимли ва кўп қиррали равишда баён этилган китоблар ҳатто рус тилида ҳам йўқлигини тан олмасдан, ўзга иложим йўқ. Шу билан бирга, Хоразмнинг исломдан аввалги эътиқодлари ҳақидаги Г. П. Снесаревнинг китоби ва мавзуга оид И. М. Жабборов ва Г. Я. Дресвянская каби олимларнинг асари муайян даражада рисола мавзусига ҳамоҳанг тушади.

Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қўлингиздаги асар Ўзбекистон илмий жамоатчилиги ҳаётида катта ҳодисадир. Шак-шубҳасиз, у ўз ўқувчисини топади, чунки баён қилиш услубининг раван ва изчиллиги, тадқиқот шаклининг ўзига хослиги, Ўзбекистон ҳудудида кўҳна ўтмишда қарор топган хилма-хил диний эътиқодлар дунёсининг унутилган, аммо барчага жуда қизиқарли бўлган саҳифаларини варақловчи рисоланинг кўп қиррали мазмун-моҳияти гўё тилга киргандек, мозийдан садо беради.

Академик



Эдвард Ртвеладзе

І боб

ИБТИДОЙ ЭЪТИҚОДЛАР

ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР УЗВИЙЛИГИ

Илоҳий куч – Худони тан олиш, минтақалараро маданиятлар ва эътиқодлар орасидаги рақобат, ота-боболарнинг удумлари, диний маросим, Ўрта Осиёда эллинизм манбаи Гандхара эмас – Бактрия бўлган, Кушон салтанатининг илоҳлар пантеони, “халоскор” диний ғоялар, эрамиздан аввалги 700 йилдан то эрамизнинг 700 йилигача зардуштийлик, яҳудийлик, насронийлик ва ислом динлари пайдо бўлади, табиий диний эътиқод, Ўзбек халқининг шаклланиши минглаб йилларни ўз ичига қамраб олади, ўлкамиз аҳолиси эрамиз бошлариданоқ туркий-забон бўлган, ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизация, озиқ-овқатни овлаш ёки теришдан уни ишлаб чиқаришга ўтиш, ўлкамиз “Тош китоб”и, моддий манбалар – “Ер архиви”, Ёзма манбалар – инсон тафаккурининг маҳсулидир, минтақамиз диний эътиқодлари ҳақида деярли ҳеч қандай тасаввур йўқ, қадимдан Ўзбекистон диний бағрикенглик ва илм-фан маркази.

Инсон ўзлигини таниши билан, табиатда нимадир ҳамма нарсани ҳаракатга келтириши ва Борлиққа сабаб бўлишини тушуниб, яратувчи манба сифатида *Илоҳий куч – Худони тан олади* ва унга сиғина бошлайди. Ибтидоий жамоа тасаввурида мазкур манбани тан олиш ва унга топиниб, қурбонлик келтириш – инсон ҳаётини бошқарувчи илоҳий кучларни “юмшатиш”га тенглаштирилган ва шу ишонч асосида диний эътиқод вужудга келган. Бинобарин, бу жараённинг замон ва макон узра силжишини, яъни диний эътиқодлар тарихини ўрганмасдан туриб, инсоният учун барча замонларда энг қудратли ғоя бўлган Худого ишонч туйғусини тушуниб бўлмайди.

Илоҳий куч тушунчаси турли халқларда муайян муҳитга яраша маъно касб этиб, бир авлод умри давомида шаклланган ғоя ўзга авлод ҳаётида ўз маъносини йўқотиши ҳам мумкин бўлган. Яъни Илоҳий куч ҳақидаги инсон ғояси ўз тарихига эга бўлиб, турли даврларда бу ғоянинг жамият ёндашувидаги шакли ўзгарса-да, моҳияти ўзгармаган ва, кези келса, давлат мафкураси даражасига ҳам кўтарилган.

Қадимда инсонлар Илоҳий куч ғоясига турли номлар берган бўлса-да, ушбу кучни доим уларнинг тақдирини ҳал этувчи Худо сифатида тан олишган. Турли даврларда элату қабилалар “ўз” Илоҳий кучига ишонган, ўз эҳтиёж ва хоҳишлари, қўрқинч ва қувончларини Илоҳий куч билан боғлаб, оламни тушунишга интилишган. Сеҳр-жоду билан табиатнинг беаёвлигини юмшатишга ҳаракат қилиб, унинг турли кўринишлари – Қуёш, юлдуз, момақалдиروق, ёмғир, шамол, оловга сиғина бошлайдилар. Шу тариқа, анимизм, тотемизм, фетишизм ва бутпарастлик каби эътиқодлар вужудга келиб, уларнинг издошлари бир-бирини таъқиб эта бошлайди.

Турли ҳайвонларни ўз аждоди сифатида илоҳийлаштирганлар Зардуштни қувган, араб бутпарастлари Муҳаммад пайғамбарни «динсиз» деб атаган, яна бирлари эса Мусони тошбўрон қилиб, Исо пайғамбарни чормихлаган. Энг қизиғи – уларнинг барчаси бу ишларни Илоҳий куч йўлида қилаётганларига ишонган. Аммо эътиқодлар орасидаги бундай ғоявий кураш ўзаро алоқа борлигини билдириб, пировардида, тараққиёт омили бўлганини тан олиш керак.

Диний эътиқодларнинг юзага келишида, табиий ва инсон омилларидан ташқари, давлатчилик тури ҳам аҳамиятга эга бўлган. Ўзбекистон заминида қадимда ўз тарихий анъанаси асосида вужудга келган эътиқодлар билан келгинди босқинчилар давлатчилиги келтирган эътиқодлар ўртасида вақт-вақти билан айрим тафовутлар юзага келган. Айни пайтда, эрамик бошида Ўрта Осиё ҳудуди бўйлаб 50 дан ортиқ кичик амирликлар мавжуд бўлганлиги измаиз алмашилиб турган асрлар силсиласида турли-туман эътиқод ва диний қарашлар юзага келганлиги ва улар ўзаро тўқнашувда ривожлана борганлигига ишора этади. Улар бир-бирини инкор этган, вақт ўтиши билан айримлари йўқолиб, ўзгалари ривож топган. Шу билан бирга, уларнинг бир-бирига сингиб бориши натижасида ўзига хос қурама диний моҳият ва шакл ҳам пайдо бўлиб, ривож топган.

Ўз даврининг тараққий этган минтақалари, ёки кенгроқ маънода, минтақалараро маданиятлар ва эътиқодлар, яъни мафкуралар орасидаги рақобат ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, бу марказлар ўз эътиқодини кенгроқ омма ва масофага ёйишга интилиши табиийдир. Бир цивилизация доирасида ҳукмрон (метрополия) давлатнинг диний эътиқоди босиб олинган ўлкаларнинг юқори табақаси томонидан қабул қилиниб, шу туфайли, улар ўз қавмини бошқаришга “фатво” олган. Ўрта ва қуйи табақалар орасида эса азалий эътиқод кўринишлари ё сақланиб қолган, ё “келгиндиси” билан омукта бўлган. Акс оқим сифатида, кўчманчилар ўтроқ ерларни босиб олганида, кўпинча забт этилганлар маданияти томонидан ассимиляция қилиниб, қоришиб кетган, лекин, айни пайтда, қабул қилган динига ўз эътиқоди омилларини омукта этиб, ўзига хослигини сақлаб қолган. Оқибатда, турли эътиқодлар қурама-си вужудга келган.

Бундай йирик занжирларнинг алоҳида олинган бўғини муайян шарт-шароит, макон ва замон зайли билан ўзи ҳам минтақавий марказга айланиши мумкин бўлган. Ўлкамизда Марказ сифатида мавжуд бўлган турли маданиятлар ва цивилизациялар тизмаси бунинг исботидир.

Шуниси диққатга сазоворки, давлатчилик тараққий эта борган сари диний эътиқодлар ҳам мураккаблашиб, марказлашиб борган. Давлатчиликнинг тобора мустаҳкамланиши диний эътиқодларнинг турли-туман кўринишлари ва шакллари ҳам марказлашиб, таъбир жоиз бўлса, давлат эътиқоди даражасига кўтарилишига олиб келган. Диний рамзлар кичик содда шакллардан йирик маҳобатли маъбудхона ва ибодатхоналар миқёсига кўтарилган.

Алқисса, қадимда Ўрта Осиё территориясида турли маданиятлар ва диний эътиқодлар мавжуд бўлиб, айримлари олов учқунидек, бир чақнаб, кўҳна тарих қаърида ном-нишонсиз сўнган бўлса-да, уларнинг қолдиқлари у ёки бу кўринишда ҳозирги кунгача етиб келган. Баъзи эътиқодларнинг рамз ва маросимлари замонлар ўтиши билан урф-одатга айланиб, ҳатто ўзининг диний моҳиятини ҳам йўқотади, айримлари эртак ва афсонага айланади, бошқалари эса, вақт-вақти билан қайта тирилади ҳам ёки асрлар давомида нафақат моҳиятини, балки шаклини ҳам ўзгартирмайди, чунки ота-боболарнинг удумлари анъана, қонун сифатида халқ онгига сингиб ўтади. Неолит билан бронза даврларидаги диний эътиқод рамзларининг ҳозиргача етиб келганига мисол – айрим мазор ва мақбараларда туғ устига эчкининг бош суяклари ва шохларини

кийдириш одати. Умуман олганда, бу таомил деярли барча ўлкаларда қадимдан мавжуд бўлиб, тарихчилар унга “бағишлов” атамасини берган.

Диний эътиқодни барпо этиш ва унинг мавқеини рисоладагидай ушлаб туриш учун зарурий ва асосий муҳитлардан бири *диний маросим* бўлиб, унинг жараёни асосий ғояни ифодалашга қаратилган бўлади. Мазкур эътиқод давлат мақомига эришгач, диний маросим умумхалқ даражасига кўтарилади ва асрлар оша ҳам инсонлар онгига ҳукмронлик қилади. Шоҳлар бу эътиқод кучидан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш йўлида моҳирона фойдаланади, зодагонлар қатордан қолмасликка интилади, камбағаллар эса, кундалик ҳаёт қийинчиликларини унутиб, келгуси ҳаёт лаззати билан овуниб юради. Сидқидилдан ишонган аллома ва фидойилар унга ҳаётини бахшида этиб, дин йўлида жонини аямайди.

Замонлар ўтиши билан диний эътиқодлар алмашиб, халқ хотирасидан кўтарилиши ҳам мумкин, аммо қадим маросимлар халқ орасида барҳаёт бўлиб, ўзида узоқ асрлар, минг йилликлар ғояси ва моҳиятини сеҳрланган кўзада сақлагандек махфий тутади.

Бу борада диний анъана ва эътиқодларнинг узвийлиги ҳамда изчиллиги яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, қўшни халқларда бир хил, туташ эътиқодлар ва маъбудалар бўлиши табиий, чунки уларда мифология, фольклор, яхши ва ёмон кучлар қаторидаги сиймолар ва маросимлар бир хил ёки ўхшаш бўлган. Бир минтақа халқларида қадимги диний топинишларнинг қурамаси асосида янги диний тасаввурлар ва эътиқодлар вужудга келиши табиий бўлиб, муайян даражада тегишли ақидалар вужудга келади, десак ҳам бўлади.

Эрамиздан олдинги II мингйилликда қабилалар бирлашиб, давлатчилик шакллана бошлаган бир пайтда ўлкамизда турли диний эътиқодлар ва маросимлар ўзаро қоришиб, вақт ўтиши билан муқим тус олиши табиий бўлган. Кеч бронза даври учта асосий эътиқод анъаналарининг ўзаро таъсири билан ажралиб туради: хаома қуйиш билан боғлиқ митраистик, олов эътиқоди ҳукмрон бўлган авесточа ҳамда Сўғддан шимол ва шарқ томонда яптовчи чорвадор қабила-ларида ведалар мавзулари аралашган.^{261: 285; 391; 306}

Ўлкамизда юзага келган зардуштийлик ҳам ана шу йўсинда ҳукмрон динга айланади, бироқ Александр Македонский юришларидан сўнг яна қурама диний муҳит ўрнашади. Шу орада Турон ва Эрон халқларининг қарама-қаршилиги юзага келиб, диний эътиқодлар ҳам айри йўналишларда силжий бошлайди. Бу фарқ

ҳатто ислом даврида ҳам сақланиб, Турон авлодлари суннани қабул қилиши, Эронда эса, шигъа тарқалишида ўз аксини топади.

Зардуштийлик анъанаси Яқин Шарқ эътиқодларини сингдириб, ўлкамизда ўзига хос эътиқод яратгани аниқ. Эрамиз бошида турон-эрон ва юнон-македон диний анъаналари ўлкамизда маҳаллий эътиқодлар билан биргаликда мавжуд бўлиб, маросимларни халқнинг ўзи сайқаллаштириб боравергани аён. Бу борада бир хил соҳа илоҳларининг сиймоси уйғунлашиб, халқ уларни қабул қилиши енгиллашган. Бу ҳолат исломгача давом этган деб ҳисобланади, аммо бизнинг назаримизда, ислом даврида ҳам маҳаллий эътиқод ва маросимларимиз янги динга сингиб ўтиб, ўлкамизда ўзига хос – диний жиҳатдан мўътадил ва бағрикенг ислом шаклланади. Халқимиз исломда энг мўътадил Ҳанафий мазҳабини танлагани бунга исботдир. Ўлкамизни бошқариш учун ўз вақтида Александр Македонский юнонликларни, ислом лашкарлари эса – арабларни яшашга қолдиради. Аммо халқимиз ҳар гал келгиндиларни ўзига сингдириб, уларнинг диний эътиқодини ҳам маҳаллий тус билан қориштирган ва, натижада, асрлар давомида ўрганган таомилини амалда татбиқ этиб келаверган. Халқимиз ўз фикрини қадим сўғд, юнон, араб ёки кирилл алифбосида ифода этгани билан эътиқоднинг мазмун-моҳияти ўзгариб қолмаганидек, диний эътиқодлар соҳасида ҳам ҳар гал шунга ўхшаш жараён содир бўлаверган.

Ўлкамиз Буюк ипак йўлининг маркази сифатида барча айтиб ўтилган таъсирларни бошидан кечиради ва янгидан-янги ғоялар ҳамда рамзлар яратиб, кўҳна заминимизнинг диний эътиқодлар чорраҳасига айланади. Мазкур динлар асосида кенг қамровли маданий қатламлар вужудга келиб, меъморчилик, адабиёт, урф-одатлар, илм-фан ва санъат ривожланади.

Биз мазкур қатламларни диний эътиқодлар таҳлили давомида кўтаришга ҳаракат қиламиз, ҳозир эса, мисол тариқасида улардан бирини кўрсатиб ўтамиз. Эрамиздан олдинги асрлардаёқ, ўлкамиздан Ҳиндистонга ўтган эллин эътиқодлари ўзимизнинг маҳаллий ва ҳинд эътиқодлари билан қоришиб, юнон-буддавий ёки Гандхара деб аталувчи санъатни юзага келтиради. Натижада, Кушон санъати бошқа халқларга ўтказган таъсирининг изларини Шарқий Туркистоннинг Кучи ва Карашар ҳайкаллари ва пештоқларининг нақшларида ҳамда Ҳиндистоннинг Таксила ва Матури обидаларида кўришимиз мумкин.^{173: 124} Бактрия ва Тоҳаристонда диний эътиқодлар билан боғлиқ бу санъат намуналари маҳаллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда ривожланади ва шунга асосланиб, Г. Пугаченкова,

Ўрта Осиёда эллинизм манбаи Гандхара эмас, Бактрия бўлган, деб ҳисоблайди.^{302: 79}

М. Массон фикрича, Ўрта Осиё – Ҳиндистон маданий синтезининг энг олий ютуғи – Кушон цивилизациясининг шаклланиши бўлиб, уларнинг иккита маданий, иқтисодий ва сиёсий марказлари ҳисобланган Бактрия ва Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондаги тараққиёт асоси сифатида бронза асрининг ютуқлари хизмат қилган. Кушон империясининг турли жойларида турли динлар мавжуд бўлиб, Кушон шоҳлари Бактрия тилини сақлаб қолган ҳолда, ҳиндча бошқарув тизимини ўзлаштиради ва иккитилликни жорий этади. Тилга нисбатан бўлгани каби, диний эътиқодлар соҳасида ҳам кушонлар диний бағрикенгликни намоён этиб, ҳинд эътиқодларидан шиваизм, буддизм, вишнуизм ва жайнизмга ҳомийлик қилади. Олимларнинг фикрича, бундай ёндашув – кушонлар сиёсатининг энг муҳим ютуқларидан бири бўлган. Бундай диний бағрикенглик натижасида империяда барқарорлик сақланиб, салтанат ривожланган ва, айни пайтда, олдинги диний эътиқодлар ҳам халқ орасида эъзозланиб сақланган.^{432: 52; 260: 115}

Ўзидан олдинги даврда бўлгани каби, кушонлар ҳукмронлиги пайтида ҳам диний эътиқодлар соҳасида халқнинг турли йўналишлар доирасида ибодат қилишига монелик бўлмади. Маҳаллий илоҳлардан Митра ва Анахита, зардуштийлик тизимидан Ормузд, Веретрагна ва бошқалар, юнон илоҳларидан Зевс, Гелиос, Селен ва бошқалар билан бир қаторда, Хоразм ва Сўғдда Сиёвушга эътиқод, буддизм ва бошқа мазҳаблар биргаликда ҳукм сурди. III асрнинг иккинчи ярмида Эрондан қувилган монийлик эътиқодининг издошлари ҳам заминимизда паноҳ топди.

Ўлкамизда Кушон подшоси Канишка (78-123 йй.) ҳукмронлиги даврида буддизм давлат дини даражасига кўтарилади, аммо ўзга динлар ҳам бемалол ўз маросимларини ўтказаверади. Кушон тангаларида маҳаллий илоҳ-маъбудлар билан биргаликда ҳинд, юнон ва ўзга эътиқодларга хос илоҳлар тасвири мавжуд. *Кушон салтанатининг* (Сурхон воҳаси ҳам унинг таркибига кирганлигини унутмайлик) *илоҳлари пантеони* (Пантеон – 1) барча илоҳлар ибодатхонаси, алалхусус, 125 йили қад кўтарган Рим ибодатхонаси; 2) муқаддас жой ёки нарса; 3) буюк шахсларнинг мақбараси; 4) илоҳлар яшайдиган макон; илоҳлар тасвирларининг галереяси¹⁹⁰) ҳақида Кушон шоҳлари зарб этган тангаларда маълумот сақланиб қолган бўлиб, одам шаклидаги илоҳ-маъбуда тасвирининг тагида унинг исми ёзилган. Мазкур тангалардан маълум 33 нафар

илоҳларнинг кўпчилиги зардуштийлик тизимига мансуб бўлиб, шу билан бирга, Будда, айрим ҳинд ва юнон илоҳлари ҳамда қадимги Мисрнинг Серапис илоҳи ҳам учрайди.^{392: 128} Тадқиқотимиз давомида бу илоҳа-маъбудлар тегишли жойда мисол тариқасида келтирилган. Масалан, Бактрия илоҳлар пантеонига кирган юнон эътиқодларидан илоҳа Никани эсга олиб ўтсак бўлади. Сурхоннинг Холчаён саройида тахтада ўтирган шоҳ ва малика тепасида унинг парвоз этиши тасвирланган.

Кушонларнинг маданий ва диний мероси сўғдликларга ҳам таъсир этиб, маҳаллий ибодатхоналарнинг девор тасвирларида турли эътиқодларга оид мавзулар ёнма-ён ифодаланган. Қадимги диний эътиқодларнинг қўшни мамлакатлар динлари билан синтези асосида янги диний тасаввурлар ва эътиқодлар вужудга келиши табиий эди, лекин улар ҳали ўрганилмаган. Авесто матнлари ҳамда ўша даврга оид санъат осори атиқалари ва тангалар Сўғд ва Бактрияда турли диний тизимлар ва эътиқодлар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан, Бактрияда кўплаб тангалар зарб этилган бўлиб, уларнинг бир томонида подшоҳнинг боши, иккинчи (орқа) томонида эса, унга ҳомий худо тасвири туширилган. Улар 3 гуруҳга бўлинган: 1) антик худолар – Зевс, Посейдон, Геракл, Артемида, Аполлон, Афина ва б.; 2) маҳаллий маъбудалар – Анахита ва муқаддас ҳайвонлар; 3) бир қўлида Геракл тўқмоғини ушлаб, нурли тож кийган Митранинг синкретик сиймоси.^{309: 47}

Хоразмда ўтказилган археологик қазилмалар асносида, қатор шаҳристон ва қалъалар Кушон даврига оидлиги аниқланиб, улар орасида, жумладан, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Бозорқалъа, Қорақум қаъридаги Говурқалъа, Аёзқалъа ва бошқаларини тилга олиб ўтиш мумкин. Кушон империясининг диний бағрикенглиги туфайли эрамизнинг I-II асрларида Хоразмда ҳам ҳайкалчалар қиёфаси ўзгариб боради. Аёл ҳайкалчалари улуғвор узун кийимларда эмас, Венерага хос ҳолатда ифодаланиб, қўлларида ҳинд билагузуклари пайдо бўлади. Буддизмнинг ступа тасвирлари ва маймун ҳайкалчалари пайдо бўлади. Шу билан бирга, ўлкамиз усталари Юнон ва ўзга маъбудларнинг ҳайкалчаларини кўрган ёки афсоналар эшитиб, қурама табиатли маҳаллий илоҳларни яратганда, уларга маҳаллий тус ва анъана бергани аниқ. Шу тариқа, Хоразмга юнон таъсири ҳинд ва буддавийлик унсурлари билан қўшилиб кетган қориниқ ҳолатда кириб келади. II аср охирига келиб эса, Кушон империяси инқирозга учрайди.

Айни пайтда, эрамиз бўсағасидан бошлаб ўлкамизда сак, хионит ва эфталит қабилаларининг таъсири остида азалий қадимги эътиқод маросимлари зардуштийлик ва янги оқимлар билан қоришиб, ўзига хос анъана ва ақидалар юзага кела бошлайди.

Улардан кейин ҳукмронликка келган эфталитлар турли хил ва кўп сонли халқларни бирлаштиришга муваффақ бўлиб, уларнинг хилма-хил диний эътиқодлари мазкур даврда биргаликда муомалада бўлган. Ўрта Осиё зардуштийлиги маҳаллий Анахита ва Сиёвуш эътиқодлари билан қурама бўлиб, диний эътиқодларнинг рамзларини санъат намуналари ва тангаларда кўриш мумкин бўлган. Айни пайтда, монийлик таълимоти кенг тарқалиб, Маздак ва Будда ибодатхоналари ҳам қад кўтариб турган.^{174: 134}

VI асрда эфталитлар ҳукмронлиги туркий ҳоқонлик ва сосонийлар Эронининг бирлашган зарбаларидан қулагач, бутилоҳлар ўрнини оташгоҳлар эгаллаб, Сўғдда зардуштийлик ақидаси кучаяди. Қарши воҳасининг “Шаҳарлар онаси” – Ерқўрғон ибодатхонасининг залида турган илоҳа ҳайкали синдирилиб, устидан сувоқ тортилади ва тепасига тўртбурчак оташгоҳ ўрнатилади.¹⁸¹ Термизнинг Зартепадаги ибодатхонасида эса, аввалига, турли тасвирлар ва ҳайкаллар бўлган, кейинчалик эса, боқин натижасида вайрон этилиб, аҳоли қайтгач ёки бошқа қабилла келгач, зал ғиштлар билан терилиб, ҳосил бўлган майдончага зиналардан чиқиб, оташгоҳдаги оловга эътиқод қилишган.

Шаҳарларнинг ҳомий илоҳлари шаънига ибодатхоналар қурилади ёки қадимий эътиқодлардан қолган бутхоналар ишлатилади. Ҳукмронлар ўрнатаётган расмий эътиқод билан бир вақтнинг ўзида халқ орасида қадимги эътиқодлар ҳам сақланиб келади ва улар билан боғлиқ маросимлар ўтказилади. Масалан, Берунийнинг таъкидлашича, хоразмликларнинг “Мина кечаси” номли қадимий маросими уларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ бўлмаган.

Қадимдан маҳаллий илдиз отган эътиқодлар янги вужудга келаётган эътиқодлар билан ўзаро таъсирга кириб, янги ҳаёт касб этган. Айни бир макон ва замонда турли-туман эътиқодларнинг қурамасидан ўзига хос кўп қиррали диний тасаввурлар вужудга келиб, салтанатлар чегаралари узра кўча бошлайди, ҳар бир эътиқоднинг диний ходимлари раият учун ўзаро курашади. Ва ниҳоят, мазкур кўп хилликдан яхлит тизим сифатида Яккахудолилик динлари қад кўтаради ва бунда асосий диққат-эътибор инсон ва унинг Охиратда қутқарилишига қаратилади. Ўзига хос “халоскор”

диний ғоялар пайдо бўлади. Тарихчи Герардо Ньюли фикрича, бу даврда “сотериология (сотер – халоскор, қутқарувчи) ва эсхатология (борлиқ ва инсоннинг охир-оқибат тақдири ҳақидаги) таълимотлари диний тафаккурнинг устувор шаклига айланиб, қадимий эътиқодлар эса, нариги дунё роҳати ва азобига урғу берувчи эътиқод таъсирида аста-секин ўзгариб борган. Ибтидоий диний эътиқодларда маънавий-ахлоқий моҳият заиф бўлиб, юқори поғона – Яккахудолилик эътиқодларига ўтилиши билан инсоннинг ахлоқий нормалари биринчи ўринга кўтарилади. Ўзидан олдинги бутпарастлик ва кўпхудолилик эътиқодларидан фарқли равишда, Яккахудолилик эътиқодларида диққат-эътибор кўпроқ инсонга, унинг ахлоқига қаратилади. Юлдузларга сифиниш йўналишида астрология (нужум илми) тобора кучаяди ҳамда унда Вақт ва Тақдирни бошқарувчи универсал тартиб тушунчаси кучаяди”.^{178: 119}

Шу билан бирга, ҳар бир даврнинг ўзига хос халқ эътиқоди мавжудлиги ва ана шу эътиқод намоён бўлган илоҳлари ва рамзлари айнан шу давр учун хослиги ҳам исбот талаб этмайди. Эътиқод рамзлари ўзгариб борганини ибодатхоналар деворларига устма-уст туширилган тасвирлардан билиш мумкин. Дарҳақиқат, халқ санъати намуналари замонлар қаъридан вақт узра қатламма-қатлам намоён бўлиши олимлар томонидан қайд этилган ҳодиса бўлгани каби, эътиқод билан боғлиқ маросимлар ва ибодат жойлари ҳам шу жараёни бошидан кечиради.

Ўлкамизда бир диний мажмуада фақат битта эътиқодга сифининмаган, деб ҳисоблайди олимлар. Биз бу фикрга қўшилаемиз. Дарҳақиқат, замона зайлига кўра, ҳукмронлар ўзгарганда ёки ўзга қабилалар бостириб кирганида, аввалги дин ўрнига янгиси айнан ўша мажмуада ўз бут-илоҳларини қўйиб, маросимлар ўтказган ва келгинди ҳамда маҳаллий эътиқодлар вақт ўтиши билан қурама-лашиб, икки ёки бир нечта диний таомилни ўзида бирлаштирган. Сув илоҳаси ибодатхонаси Олов уйига айланган, оташгоҳлар эса – Будда ступасига ўрин берган. Бир мажмуада бир нечта диний эътиқод биргаликда, ёнма-ён ҳам яшаган ва диний бағрикенглик кўпхудолилик ибодат мажмуаларини юзага келтирган. Уларда битта илоҳ энг каттаси деб эъзозланган ва ҳар бир маъбуднинг ўз таъсир ва ҳимоя соҳаси бўлган. Инсонлар келиб, бир пайтнинг ўзида Сув илоҳасидан ҳосилнинг мўл-кўлчилигини тилаб, ёнидаги маъбуддан эса, жангда ғалаба ато этишини илтижо қилган. Бир

ибодатхонада маҳаллий ва эллинистик бутлар қаторасига терилиши ҳам мумкин бўлган.

Мазкур қоришма негизида турли ғоявий ва фалсафий қарашлар зуҳур топади. Шу аснода, эрамиздан аввалги 700 йилдан то эрамизнинг 700 йилигача зардуштийлик, яҳудийлик, насронийлик ва ислом динлари пайдо бўлиб, улар инсоният тараққиёти ва тарихида давлатчилик ва маданий минтақаларнинг муайян диний ғоя сифатида шаклланишини белгилайди.¹⁷⁷ Бу динларнинг кенг кўламда тарқалишига уларнинг ёзма равишда, Китоб шаклида муҳрланганлиги муҳим таъсир кўрсатган. Бу динларга, миллатидан қатъи назар, ягона Худога ишонч хос бўлиб, унинг томонидан инсонлар учун белгиланган ахлоқий нормалар тушунчаси киритилади. XX аср бошларида Европада дин азалдан мавжуд бўлиб, барча халқлар ягона Худога ишонганлиги ҳақидаги ғояни тарғиб этган “маданий доиралар” йўналиши, айниқса, Вена этнографик мактабида кучли бўлган.^{540: 1; 52}

Инсоннинг Ваҳий эмас, ўз онги ва тажрибаси орқали тушунган нарсаларини олимлар табиий диний эътиқод деб аташган. Аммо ибтидоий диний эътиқодлар табиий эътиқод сифатида ваҳий этилган динлардан фарқ қилишига қарамай, тарихнинг қуйи поғонасида вужудга келган диний урф-одатлар яккахудолилик динлари амалиётига сингиб ўтиб, бизнинг кунгача сақланиб келгани ҳайратомуз ҳолатдир. Дарҳақиқат, С. Токарев таъбири билан айтганда, ўлкамизнинг “қабилла эътиқодлари” доирасида ўзига хос ва жуда қадимги диний дунёқарашлар ётади.^{398: 6-17} Бу борада, А. Якубовский тўғри таъкидлаганидек, ўлкамиздаги қадимий диний эътиқодлар негизини ташқаридан кириб келган таъсир асосида эмас, аксинча, ўзимиз яратган қадим эътиқодларни чуқур ўрганиб, уларнинг турли динларга сингиб, таъсир ўтказганлиги билан боғлиқ ҳолда излаш ва тадқиқ этиш лозим. Асосий диққат маҳаллий диний эътиқодлар шажарасини ўрганишга қаратилиши лозим.^{463: 21}

Ибтидоий жамоамизнинг эътиқодларини таснифлаш, уларнинг келиб чиқиши ва келажак политеистик ва монотеистик динлар билан узвий алоқасини ўрганиш керак. Зардуштийликдан олдинги диний эътиқодлар “табиий” бўлиб, Авестодан бошлаб ваҳийга асосланган динлар майдонга чиқади. Чегара билмас илк ғоявий макон вужудга келиши йирик давлатчиликнинг бунёд этилишига асос солади ва инсоният янада ривожланади. Умумжаҳон миқёсидаги мазкур динлар, миллат-элатидан қатъи назар, турли жамиятларни бирлаштира олади.

Шу борада узбек халқининг этногенези устида тўхталсак тўғри бўлади. Инсон туғилиши билан бир ном олса, халқ туғилганида унинг номи бўлмайди. Кўп мингйиллар давомида у ривожланади, фақат кейинчалик ўз номига эга бўлади. *Ўзбек халқининг ҳам шаклланиши минглаб йилларни ўз ичига қамраб олади ва ўз жараёнига кўплаб қабила ва уруғларни қўшиб оладики, пировардида, уларнинг йиғиндиси халқ этногенези дейилади.* Бола туғилишидан олдин кўзга кўринмагани сингари халқ этногенези ҳам назардан четда қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам, халқ тарихи унинг номидан қадимроқ бўлиши тан олинган ҳақиқатдир.^{174: 1 8, 11} *Ўзбек халқи ўз номини олишдан анча аввал Сўғд-Хоразм-Бактрия-Қушон-Чуст-Шош қуҳна давлатчиликлари ва маданиятлари асосида ўз тараққиётининг юксак чўққиларига эришгани рад этиб бўлмайдиган воқелиқдир.*

Миллату элатлар тарих давомида тўхтовсиз кўчиб юрган ва бир-бири билан қоришиб, ўзгариб бораверган. Оқибатда, бир текис халқнинг ўзи табиатда бўлиши мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқади. Айнан шу тариқа, диний эътиқодлар ҳам турли элатларнинг хусусиятлари билан қоришиб, янгидан-янги қирралар касб этади ва, шу йўсинда, қурама шакл ва моҳиятни намоён этиб боради. Асрлар оша бориб, муайян диний урф-одат қайси дин ва миллатга мансублиги унут бўлиб, ўз маҳсули сифатида қабул қилинади. *Ўзбекларда исломий деб ҳисобланувчи наҳорда 20 ва йил оши ўтказиш одатлари бунга мисол. Аслида эса, бу – Қуёшга сиғиниш ва зардуштийликдан қолган одат: саҳарда берилиши – Қуёш чиқишига топиниш, ош бериш эса, зардуштийлар марҳумларининг суякларини хумга солиб, атрофида лаганларда таом тортишидан қолган одат, деб ҳисоблаймиз. Ибтидоий эътиқодларда шаклланган ажодларга сиғиниш, уларни хотирлаб таом тортиш одати зардуштийликда ҳам сақланади ва кейинчалик исломга ўтади. Энг қизиғи, ҳозир халқимиз бу одатларни ислом киритган, деб ўйлашида.*

Ўзбеклар ўлкага кеч келган дейилади, аммо булар кўчманчи ўзбекларнинг охирги тўлқини бўлиб, ўтроқлари ундан минг йиллар олдин шу ерларни ўзлаштириб бўлганини ва, шу тариқа, асрлар оша давом этган жараён ўз ниҳоясига етгани маълумдир.^{174: 1 8-9} Дарҳақиқат, ўзбеклар турли қабила-уруғлар йиғиндиси сифатида тўлқинсимон равишда мунтазам ўтроқлашиб, бу жараёнда Хоразм, Сўғд, Бактрия, Фарғона ва Шошда буюк цивилизация яратган турли қавм ва элатларнинг тажриба ва анъаналари омукта этилди. Шу билан бирга, ҳар бир халқ бу маданиятларга ~~ва~~ ўз ҳиссасини

қўшиб, унинг ранг-баранглиги ва бойлигини таъминлади. Пировардида, Уйғониш даври ва буюк давлатчиликнинг юксалиши ўзбеклар номи билан боғлиқлиги азалдан жумла жаҳонга аёндыр.

Қадимги Хоразм, Сўғд, Фарғона, Бактрия ва Шош элатларининг тарихи ва маданияти ўзбек халқи тарихи ва маданиятининг узвий бўлаклари бўлиб, унинг сарчашмаларини белгилайди. Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида яшаган қабилаларнинг маданияти ирмоқлардек аждодларимиз қони ва ҳаётига сингиб ўтиб, ўз изини муҳрлагани шубҳасиздыр. Моддий маданиятни ўрганувчиларни «чўллар санъати»нинг бирхиллиги доим ҳайратда қолдириб, шунинг учун сиёсий ўзгаришлар цивилизация йўқолишига келтирмаганлиги тан олинади.

Пантуркизм ҳам, паниранизм ҳам бизга ётдыр. Биз минг йиллар давомида бағрикенг халқ сифатида шаклландик ва дунёга танилдик. Ягона туркий олам йўқ бўлгани каби, ягона эроний олам ҳам йўқ. Бир тил билан боғлиқ турли халқлар ҳар бири ўзига хос оламдыр ва уларнинг ўзларидан сўрасангиз ҳам бу ҳақда худди шундай дейишади.

Турли даврларда у ёки бу минтақа турли бирикмалар таркибига киргани туфайли ўша давлатга кўпроқ мансуб бўлган. Масалан, қатор олимлар, кенг тадқиқотлар натижасида Хуросон қадим ва ўрта асрларда сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан Эрондан кўра кўпроқ Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган, деган хулосага келади.^{174, 14} XX асрдаги археологик тадқиқотлар ва ўзга изланишлар бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Ёзма манбалар бўйича, э. о. VII-VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида сўғдлар, бактрияликлар, хоразмийлар, сак ва массагетлар яшаган. Сак ва массагетларни юнон муаррихларидан Страбон (эрамизнинг I асри) ва Арриан (э. 2 асри) умумий бир ном билан – «Скиф», деб аташган. Помпей Трог (э. о. I аср) уларни «доим энг қадимги қабила, деб ҳисоблашган ва қадимийлиги жиҳатидан мисрликлар билан баҳслашган», деб ёзади. Аҳамонийларнинг топш ёзувларида «скиф» атамаси ишлатилмайди, аммо қадимда ўзга ўлкаларнинг халқларини бир сўз билан бирлаштириш ҳоллари учрашига «кельт» ва «эфиоп» атамалари ҳам мисол бўла олади.

Амударё (Окс) соҳиллари ва чўлларида массагетлар истиқомат қилган, тоғли, чўл минтақаларида эса чорвачилик билан шуғулланган саклар яшаган. Э. о. VI асрда улар ўз ерларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий-қабила иттифоқини тузишади. Антик тарихчиларнинг маълумотига кўра, саклар учта гуруҳга бўлинган. Энг

каттаси – сак-тиграхаудалар (учли қалпоқ кийувчилар) ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон ҳудудида яшаган. Иккинчиси – сак-тарадаря (дарё ортида яшовчи)лар Орол денгизи ва Сирдарё (Яксарт)нинг қуйи этакларида яшаган. Помир ва Фарғонанинг тоғли районларида сак-хаумаварка яшаган. Қанға давлатининг марказида – Сирдарёнинг ўрта оқими бўйлаб ҳам сак қабилалари истиқомат қилган ва жануби-шарқда Фарғона билан чегарадош бўлган. Э. о. V асрда Персепол саройининг девор тасвирида бу халқларнинг бир хил кийимда чизилгани ҳам хоразмликлар ва сак-массагетларнинг бир илдизга эгалигидан далолат бериб, Геродотнинг ёзма маълумотларига мос тушади. Шу билан бирга, бир нарсани унутмайлик, яъни Геродот ҳеч қачон ўзи Ўрта Осиёда бўлмаган ва ўз тадқиқотларини бировларнинг ҳикояларига таяниб ёзган. Шу туфайли, айрим жой ва элатларнинг номларида адашган. Олимларнинг санашича, Геродот ўзининг “Тарих”ида бактрияликларни 13 марта, сўғдликларни – 2 марта, хоразмликларни – 3 марта, сакларни – 11 марта, массагетларни – 19 маротаба номлаб, уларнинг моддий маданияти, анъаналари, дини ва тарихи ҳақида маълумот қолдирган. Энг муҳими – олимларнинг хулосасига кўра, *ўлкамиз аҳолиси эрамиз бошлариданоқ туркийзабон бўлган.*^{273 56} Дарҳақиқат, сакларнинг Авестода энг кўп учрайдиган номи “тура” бўлгани бежиз эмас.^{69 107}

Халқ номи ҳақидаги мулоҳазаларимизни Юртбошимиз Ислон Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” рисолаларидаги хулоса билан яқунлаймиз: “Тарихимиз каби, қадим маданияти-мизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу – табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди”.

Ғарб олимларидан Гордон Чайлд халқ ва маданият атама-ларига шундай таъриф берган эди: “Халқ” атамасини энг мозий тарихий даврларга олиб ўтмаслик учун, уни “*инсоният ҳамжамияти*” атамаси билан алмаштириш тўғридир”.^{176: 13-14}

Э. Ртвеладзенинг таъкидлашича, маданиятлар инсоният тарихининг барча даврларига мансуб бўлиб, давлатчилик эса муайян шарт-шароитлар шаклланганидагина ундан келиб чиқади. Бинобарин, диний эътиқодлар маданиятнинг таркибий қисми

сифатида давлатчилик асосларига кириши табиий бўлиб чиқади.³⁵⁷

³⁵³ Қадимги Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос маданият ўчоқлари мавжуд бўлиб, уларни юзага келтирган қадим маданият марказлари ҳали кам ўрганилган. Лекин айнан улар замирида маданият ривожланган, қадимги илк давлатчилик пайдо бўлган ва ибтидоий диний тасаввурлар ривож топган. Бу номлар Авесто, Беҳистун тош ёзуви ва рум-юнон манбаларида турлича аталади, биз эса уларнинг ҳозирги замонда одат бўлиб кетган тарихий номларини ишлатамиз.

Француз олими Пьер Амиег Ўрта Осиёда шаҳар маданияти пайдо бўлишига тўхталиб, у Месопотамия ва Ҳинд водийларининг маданиятлари ўртасида ўзига хос воситачи ролини ўйнаганини айтади ва бу минтақани Транс-Элам, деб атайти. Аниқроқ атама ҳали ўз навбатини кутмоқда, аммо Ўрта Осиё жанубида алоҳида цивилизация маркази мавжудлиги ўз исботини топди.^{465: 58} Муҳими – қадим цивилизациямиз ўлкамизда ақидапарастлик кучайишига йўл қўймади. Бир томондан, кушонлар таъсирида ҳиндларнинг сиймолари ёки айрим унсурлари маҳаллий санъатга сингиб ўтди ва, шу аснода, маҳаллий ўзлашмалар ҳинд ва атроф халқлар эътиқодига ўз таъсирини ўтказди.^{260: 112}

Айрим олимлар инсоният маданияти ва, жумладан, диний эътиқодлар тарихини инсон озиқ-овқатни ов қилиш ёки териб олиш ёрдамида топган даврга ва ҳайвон-ўсимликларни хонакилаштириши орқали эътиқодлари ривожланган – ақлий ва ахлоқий даража даврларига бўлади. Аслида, олимлар томонидан инсоният тарихини даврийлаштириш турли поғоналардан ўтиб, ҳозирги кунгача ўзгариб келган.

1768 йили шотланд файласуфи Адам Фергюссон тарихни *ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизация* босқичларига бўлади. Улар бир-биридан хўжалик юритиш характери ва мулкчилик муносабатларининг ривожланиш даражаси билан фарқланган. Ёввойилик босқичига ўзлаштирувчи хўжалик хос бўлиб, мулкчилик йўқ эди; Ваҳшийлик пайтида ишлаб чиқарувчи хўжалик ва мулкчилик пайдо бўла бошлайди; Цивилизация мақомида ишлаб чиқарувчи хўжалик ривожланиб, мулкчилик қонуний равишда мустақкамланади.

Бу ғоя кейинги асрларда ривож топади ва 1836 йили Кристиан Томсен археологик материаллар асосида уч аср – Тош, Бронза ва Металл тизимини шакллантиради.^{178: 53}

Мутаассиб мавқе тутган насроний руҳонийларининг таъқибига қарамай, европа тарихчилари машҳур “уч аср” хронологик тизимини моддий далиллар асосида исботлай бошлашади. Шу тариқа,

улар "одамни Худо яратган"лиги ҳақидаги ақидага зид чиқиб, уни инсон вақт ўтиши билан эволюцион (тадрижий) тарзда ривожланиб келганлиги ҳақидаги илмий назария билан алмаштиришга уринишадди. Бу йўналиш билан этнография шуғулланиб, унинг асосида янги мактаб – антропология пайдо бўлади. Уларнинг таъкидлашларича, қурол ва асбоблар олдин тошдан, кейин бронза, ва ниҳоят, темирдан ясалгани туфайли, инсон маданияти ва, алаҳуссус, диний эътиқодлари ривожини тош асридан темир асригача кузатиш ва таҳлил этиш тўғри бўлади.

XX аср ўрталарида Гордон Чайлд^{485: 96} *озиқ-овқатни овлаш ёки теришдан уни ишлаб чиқаришга ўтиш* палласини белгилаш учун "неолитик революция" ва "шаҳар революцияси" атамаларини киритади. Унинг мазкур таснифида ўсимликлар ва ҳайвонларни хонакилаштириш алоҳида ўрин тутади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш Ғарбий Осиёда 12000 йил олдин бошланган. У ерда ўша давр уй қўйи ва эчкиси суяклари топилган. Чўчқа ва бизонлар хонакилаштирилган пайтга келиб дон ўсимликлари ҳам ўстирилган. Мисрда 10000 йил олдин сигир, 6000 йил аввал эшак хонакилаштирилиб, 8000 йил олдин Хитойда парранда, ит ва чўчқа, шунингдек, энг муҳим овқат тури – гуруч хонакилаштирилган.^{178: 452}

Айрим тарихчиларнинг фикрича, ишлаб чиқариш жараёни ва овчилик маданиятининг юксалиши инсонни овқатга қарамликдан халос этиб, маънавий ҳаётни ривожлантирган ва шу асосда маданий ашёлар пайдо бўлиб, касб ва маданий ихтисослашув юзага келган эмиш. Бошқа тарихчилар "революция" сўзига қарши чиқади, чунки у – тез ўзгариш дегани, юқорида тилга олинган жараёнлар эса, аста-секинлик билан, яъни тадрижий йўсинда ривожланган.

Бизда бошқа савол пайдо бўлди: нега энди айнан овқат ишлаб чиқариш инсоният тараққиётини белгилаши керак. Ибтидоий замонлардан бошлаб инсонда абстракт фикрлаш қобилияти билан бирга гўзалликни ҳис эта билиш туйғуси пайдо бўлади. Тош асрида яратилган ашёлар ўз гўзаллиги билан кишини ҳайратда қолдириши фикримизга мисол бўла олади. Назаримизда, сифат силжиши инсон онги тафаккурга очилиши натижасида рўй бериб, эътиқод билан боғлиқ бўлган ва айнан шу тафаккур омили инсонни ҳайвондан ажратган. Умуман олганда эса, тахминан 300000 йил аввал шакллана бошлаган илк инсон – *неандерталлик* (Германиянинг Неандерталь водийсида топилган қадимги одам қолдиқлари номидан)нинг ўртача бўйи 165 см, миясининг ўртача ҳажми эса 1450 куб. см бўлиб, ушбу ўлчамлар ҳозирги одамнинг ўртача кўрсаткичларига тўғри

келади. Онгли инсон эса, 40000 йил олдин пайдо бўлиб, унинг скелети, бўйи ва тузилиши замонавий инсонга мос келади.

Муҳими, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан бирга сопол идишлар, тўқимачилик ва тош маҳсулотларини сайқаллаш пайдо бўлган. Пировардида, ўтроқ ҳаётга ўтиш натижасида, қадимги жамоада табақалашув рўй бериб, тўқувчилар, кулоллар, деҳқонлар, чорвадорлар, тош йўнувчилар, кейинчалик эса, темирчилар пайдо бўлади.

Овчиларда ўз территорияси бўлган бўлса, деҳқончиликка ўтиш билан ўз уйи, ўз ери, ўз сигири ва қўйи, ўз кетмони пайдо бўлади, яъни мулкчилик ривожланади. Аммо мулк пайдо бўлиши билан ўғирлик, талон-торож ва урушлар келиб чиқади. Ҳосили бўлмаган жамоа омадли жамоага хуруж этиш хавфи остида қадимги қишлоқлар мустаҳкамланиб, атрофи қўрғон билан ўралади. Қўриқловчи аскарлар пайдо бўлади, қабила бошлиғининг вазифаси ҳарбийлашиб, у сардорга ҳам айланади. Жамоада табақалар орасидаги муомала қоидалари пайдо бўлиб, уларга риоя этиш назорати қабила бошлиғи ва қоҳин зиммасига юкланади.

Бронза асрида содда овқат ишлаб чиқаришдан турли ҳунармандчилик шаклларига ўтилиши билан жамоанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти мураккаблашиб боради. Қишлоқ аҳолиси асосан “бирламчи сектор” – озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар – деҳқонлар ва чорвачиларга ва, шунингдек, “иккиламчи сектор” – ҳунармандларга бўлинади. Шаҳарда ижтимоий табақалашув рўй бериб, ҳукмрон ҳарбий ва диний синфлар шаклланади. Аввалига ҳарбий ва фуқаролик ҳоқимияти бир қўлда мужассамлашиб, шаҳар бир қанча қишлоқларни қамраб олган ҳудудга ҳукмронлик қилади. Қабила оқсоқоли ва афсунгаридан асос олган шаҳар ҳарбийлари ва руҳонийлари бирламчи сектор устидан ҳукмронлик ўрнатиб, унинг маҳсулотини ўзлаштиради. Шунинг ҳисобидан маъмурлар, аскар ва ҳунармандларга маош тўлайди. Учинчи табақага савдогарлар ҳам қўшилади.

Шу аснода, табиий-иқлимий, зироат ва ҳунармандчилик, диний ва давлатчилик марказларида аҳоли ўсиб-ривожланади, маданият юксалади. Эрамиздан 500 йил олдин Ер аҳолиси 120 млн., эрамиз бошида – 250 млн. киши бўлиб, шулардан 60 млн. нафари Жанубий Осиёда ва яна 60 млн. киши Рим империясида яшаган.^{178: 258}

Ибтидоий инсон учун Ибтидо ғоясини англаш ўта муҳим аҳамият касб этиб, у ўз ўтмиши, келиб чиқиши билан боғлиқ хотирасини сақлаб қолишга интиланган. Бу паллада инсон афсонани

ҳақиқий тарихдан ҳали ажрата олмаган. Шу тариқа, унинг ҳаёти ва диний эътиқодлари оғзаки ижод анъанасида ўз аксини топиб, вақт ўтиши билан афсоналарга айланган. Афсонавий сиймоларда инсон атроф муҳит-табиатни ва жамоаси ҳаётини акс эттириб, таскин топган. Қуёш, Ер, табиат ҳодисаларини акс эттирган асотирлар билан бир қаторда бирон жой номини ёки фараз этилган аждоддан келиб чиққан қабила шажарасини тушунтирувчи маҳаллий эртаксимон фольклор вужудга келади. Олимларнинг фикрича, ўзлаштирувчи ҳаёт, яъни фақат овчилик ёки ўсимлик овқат териш билан кун кечириш тарзида афсона, ривоят ва эртақ қаҳрамони ҳаёт фаровонлигини таъминловчи нарсаларни топиб олади ёки эгасидан олиб қочади. Ишлаб чиқарувчи ҳаёт тарзига ўтилиши билан фольклор қаҳрамонлари уларни ишлаб чиқарадиган маъбудга топинади.^{285, 175}

Овқатни теришдан уни ишлаб чиқаришга ўтиш асносида диний эътиқодлар моҳиятида ҳам ўзгариш содир бўлади. Инсон аввал руҳлардан ҳимоя сўраган бўлса, эндиликда ҳосил баракали бўлиши, уй ҳайвонлари кўпайиши ҳақида илтижо қилади. Борган сари анимизм, тотемизм ва фетишизм эътиқодлари мураккаблашиб, ер хўжалиги, чорвачилик ва ҳунармандчилик илоҳлари – қудратли олий руҳ-худолар силсиласи пайдо бўлади. Олдин ибтидоий инсон ғор ва қояларга нуқтасимон тасвирлар тушириб, сеҳр-жоду қилган бўлса, эндиликда Олий илоҳларга атаб махсус намоз-саждахоналар қурилиб, алоҳида тоифа – коҳинлар табақаси вужудга келади. Тотем-аждод ҳақидаги эътиқод асосида янги илоҳлар ярим одам – ярим ҳайвон қиёфасидаги бутларда гавдаланади. Кичик бутлар ўрнига илоҳларнинг маҳобатли ҳайкаллари яратилади. Бунга мисол, исломдан олдинги Каъбада 360 та илоҳ-бут орасида энг баланди ва каттаси Ҳубал бут-ҳайкали эди. Унинг олдида энг кўп қурбонликлар келтирилиб, кўпчилик унга сажда қилар ва нажот сўрарди.

Олдинига, эътиқод маросимлари бут атрофида рақс тушиб, айланиб юришдан иборат бўлса, эндиликда ўзига хос маъно касб этган ва муайян шаклда расмийлаштирилган жараён ва намозлар қўлланади. Шу тариқа, инсоният маданияти ва, жумладан, диний эътиқодлари ҳам тадрижий равишда ривожланиб, мураккаблашиб боради. Содда тушунчалар ўрнига чуқур фалсафий-ахлоқий тушунчалар юзага келади ва инсонлар онгига ҳукмронлик қилади.

Дарҳақиқат, континент ўртасида жойлашган Ўрта Осиё қадимги дунёнинг макрорегионларидан бири бўлиб, унинг тўридаги Ўзбекистонда хилма-хил маданият ўчоқлари ва диний эътиқодлар

вужудга келган. Айримлари ҳақида жузъий маълумотлар ёки моддий далиллар бор, ўзгалари эса ҳамон мавҳумлик қаърида ётибди.

Мозийга назар ташлаб иш тутиш хайрли дейилганидек, ўлка-миз ўтмиши ва тарихий илдизларини ўрганиш насл-насабимизни билиш омили бўлиб, бундай изланишлар қадим аждодларимизнинг олис ўтмиш зарварақларида ўзимизга хос бетакрор маданият, илм-фан, санъат дурдоналарини яратганини намоён этади.

Ҳозирги замонда у ёки бу диний эътиқод илдизлари – шажара-расининг сарчашмасига етиш мушкул вазифа бўлиб, фақат кўҳна манбалар асосидагина уларнинг генезиси ҳақида муайян хулосалар чиқариш мумкин, холос. Яъни, Инсоният тарихи каби, диний эътиқодлар тарихи ҳам икки асосда ўрганилади: моддий манбалар ва ёзма манбалар. Моддий ва ёзма маълумотлар асосида инсоният ва жумладан динлар тарихи қуйидаги йўналишларда ўрганилади: ашъвий манбаларни *археология* – “қадимотлар ҳақидаги фан” ўрганади; инсоннинг келиб чиқиши ва ривожини *антропология* – “инсон ҳақидаги фан” ўрганади; Ер куррасидаги халқларнинг урф-одатлари, хўжалик юритиш усуллари ва маданиятини *этнография* – “халқлар тавсифи фани” ўрганади.

Моддий манбалар: ёзув бўлмаган даврлар тарихини “*Ер архиви*”, деб аталувчи манбалар, яъни инсон танаси ва унинг фаолияти қолдиқлари ёрдамида ўрганиш мумкин. Инсон қолдиқларини *палеонтология*, фаолияти қолдиқларини эса, *археология* фани ўрганади ва, шу тариқа, кашф этилган қадимги шаҳарлар, қалъалар, қўрғонлар ва даҳалар, эътиқод қадамжолари, санъат ва маиший ҳаёт обидалари, тош, сопол ва металл буюмлар, тақинчоқлар ва қурол-аслаҳалар инсоният тарихидан дарак берувчи моддий маълумотлар қаторига киради.

Тоғ бағрида, асосан «нуқта услубида», яъни кичик чуқурчалар ўйиш ёрдамида тасвирланган дафн маросимлари, диний ёдгорликлар, эътиқодга тааллуқли маскан, тасвир ва рамзлар ҳам моддий манбалар қаторига кириб, ҳозиргача кам ўрганилган. Ваҳоланки, улар қадимда бир бутун ҳодиса бўлган мафкуравий ва диний тасаввурларни акс эттиради. Қадимги даврнинг санъати ва меъморчилиги рамзий диний санъатга айланади. Турли диний таъсирлар натижасида инсон ижодиётининг мазкур турлари ҳам хилма-хил бўлиб, ўзига хос кўринишлар олади.

Француз олими А. Леруа-Гуран тўғри таъкидлашича, қадимги инсоннинг дунёқараши ва диний тасаввурлари ҳақида у ўзидан кейин қолдирган моддий ашёлар далолат бера олади.^{519: 15}

Ёзма манбалар инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, унга тошга йўнилган ва сополда ишланган ҳужжатлар, ёзма манбалардаги диний матнлар, тери ёки папирусдаги ёзув қолдиқлари киради.

Айрим тарихчилар цивилизация ёзув пайдо бўлишидан бошланади, деб ҳисоблашади. Шунга асосан, Инсоният умрининг атиги 5 фоизини ташкил этувчи даврни тарихий дейишади, чунки у ёзма манбаларда из қолдирган, олдинги 2,5 миллион йил, яъни 95 фоизи эса, ёзма далилларга эга эмас. Бу даврни фақат моддий ёдгорликлар ёрдамида ўрганиш мумкин.

5100 йил аввал Миср илк сулола ҳукмронлиги остида бир давлатга бирлашиб, шу даврда иероглиф ёзувининг дастлабки намуналари, яъни тарих пайдо бўлади. Олимлар, шунга асосланиб, инсоният умрини иккига – тарихдан олдинги ва тарихий даврларга бўлади.^{176: 425} Алқисса, биринчи ёзув тизимлари 5000 йил олдин Миср ва Месопотамияда, 4000 йил олдин – Хитойда, 3000 йил олдин – Крит ва Ғарбий Европада, 2000 йил олдин – Шарқий ва Шимолий Европада шакллланган. Африка, Океания ва Американинг кўп қисмларида эса, ёзув, асосан, колониализм даврида киритилади.

2008 йили Термиз ёнидаги Дарбанд тоғли қишлоғида эра-миздан олдинги III мингйилликка мансуб бўлган “Тош китоб” (15x15x13 см) топилиб, олимларнинг фикрича, унга муқобили оламда йўқ. Тош китобнинг ҳамма томонларида пиктография – энг қадим замонларда ҳарф ўрнига расм билан ифодаланган ёзув усулида 100 га яқин тасвирлар чизилган. Улар қаторида – тоғ эчкилари, Ой, Қуёш, табиат манзараси, инсон кўзи... Шу пайтгача аниқланган топилмалар асосида, олимлар пиктографик ёзув эра-миздан олдинги IV мингйилликда Месопотамия шумерларида вужудга келган, деб ҳисоблайдилар. Ўзбек олимлари Дарбанд Тош китоби дунёдаги энг қадимги ёзувлардан бири эканлигига шубҳа қилишмайди ва Ўзбекистон замини мозийда Месопотамия, Хитой ва Ҳиндистон билан бирга энг қадимги цивилизация ўчоқларидан бири бўлганлигини дунё тадқиқотчилари ҳам тан олади. Дарҳақиқат, пиктографик ёзувлар ўлкамизда тоғ тасвирлари ва сопол идишлардан маълум бўлиб, ҳали ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Қадимги Ўзбекистонда ёзув ривожига ҳақида “Инсоният тарихи” китобида^{178: 463} келтирилган қатор жадваллардан мухтасар равишда Самарқандга тегишли маълумотлар йиғиндисини таҳлил этсак, қуйидаги хулоса келиб чиқади:

Қўллаш соҳасига биноан Самарқандда ишлатилган тиллар
(э. о. 50 йил – э. 650 йил)

Тилдан фойдаланиш соҳаси	Тиллар: э. о. 50 йил	Тиллар: эрамизнинг 650 йили
Расмий ёзув	Бузилган арамей тили	Сўғд тили
Расмий муомала	Сўғд ёки Кушон-бактрия тили	Сурия тили
Диний	Авесто ёки санскрит тили	Сурия тили
Лаҳжа	Самарқанд тили	Самарқанд тили
Тижорат	Сўғд тили	Сўғд тили

Александр Македонский эрамиздан 322 йил олдин ўлкамизга хуруж қилиб, ўзлигимизни билмаслигимиз учун барча ёзма манбаларни олов алангасида ёқади. Араблар лашкарбошиси Қутайба бостириб кирганида ҳам, ўлкамиз китобларини ёқиб юборади ва, кейинчалик, Берунийнинг “Хоразм тарихи” ҳам аланга ичида нобуд бўлади. Умуман, Ўрта Осиёнинг қадим тарихи, маданияти ва диний эътиқодлари ҳақидаги барча манбалар йўқ қилинади. Беруний бу ҳақда шундай деган: “Хоразмликларнинг ёзувини билган, ривоятларини сақлаган барча одамларни ва орасидан барча олимларни Қутайба бор имконияти билан тарқатди ва нобуд этди. Оқибатда, барчаси (ўтмишимиз ҳақидаги билимлар)ни зулмат босди ва (хоразмликларнинг) ислом келганидан олдинги тарихидан асл маълумотлар сақланиб қолмади”.⁷³

Шу сабаб, эрамиздан олдинги I мингйилликнинг биринчи ярмига доир ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи Хитой, Эрон, Юнонистоннинг қадимги ёзув ва асарларида узук-юлуқ ҳолатда сақланиб қолганини эътироф этишга мажбурмиз.

2600 йил аввал Беҳистундаги ёзувларда Доро I турли мамлакатлар ҳақида 3 тилда маълумот келтириб, улар қаторида ҳозирги Ўзбекистоннинг ўтмиш маданий ўлкалари – Сўғдиёна, Бактрия ва Хоразм кўрсатилган. Бу маълумотларни юнон муаррихи Геродот 2500 йил олдин ёзилган “Тарих” асарида тасдиқлайди. 2400 йил олдин Ксенофонт асарларида, 2200 йил аввал эса, Полибий асарларида ҳам бундай маълумотлар учрайди.

2100 йил олдин юнон муаррихи Страбон “Жуғрофия” асарида ҳозирги Ўзбекистон халқларининг қадим маданияти ва тарихи ҳақида кўплаб материал тўплаган. Улар саркардалар хуружларининг солномасида ҳам муҳрланган. Масалан, I асрда қадим Рим

муаррихи Квинт Курций Руф саркарда Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришларини тасвирлаб, ўтмишимиз ҳақида қатор далиллар қолдирган. Унинг маълумотномаларини II асрда «Александр юришлари» асарида тарихчилардан Арриан тўлдиради.

Аждодларимиз диний эътиқодлари ҳақида “Вэйши” ва “Суйшу” хитой солномаларида ҳам маълумот бор. Уларга биноан, аждодларимиз қуёшга топиниб, осмон руҳига қурбонлик келтиришган. Руҳнинг абадийлиги ва ўзга дунё мавжудлигига ишонишган. Қабилadoшлари вафот этганида, марҳум билан бирга унинг турли нарсаларини ҳам дафн этишган. Кейинчалик, улар орасида насронийлик, буддавийлик ва ўзга динлар тарқалган. 2100 йил олдин Хитой муаррихи Сима Цзян “Тарихий рисоалар”ида Хитой ва Ўзбекистон заминидаги қадимги давлатлар ҳақида маълумот келтиради.

Қадимги тарихнинг қатор ҳодисалари бизгача етиб келган урф-одатлар, санъат ва фольклор ёрдамида изоҳланиб, дин тарихини тил ва топонимика (жой номларини тарихий-жуғрофий талқин этувчи фан тармоғи) ёрдамида ўрганиш имкони ҳам мавжуд. Бизгача етиб келган антик ва Шарқ матнларидаги атоқли отлар, жуғрофий, этник ва ўзга атамалар таҳлилининг натижалари кўп нарсдан дарак бериши мумкин.

Ўзбекистонда дин тарихини яхлит тизим асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Яъни археологик ашёлар қаторига кирувчи деворий тасвирлар, рельеф, ҳайкаллар, дафн нарсалари, меъморчилик йўналишларини таҳлил этиб, таққослаш ва турлаш ёрдамида хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз. Мазкур ашёлар ҳам, ўз навбатида, алоҳида тизимни ташкил этиши туфайли, ҳар бир тур ичида ўзига хосликлар, умумий ва айри белгиларни ўрганиш ва таққослаш диққат марказига олинади. Бу турларни ва ўзга моддий ва ёзма манбаларни қамраб олувчи Зиёратгоҳлар эса, диний эътиқоднинг энг юксак рамзий ифодаси бўлиб, турли-туман қирраларни ўзида мужассамлаштиради ва, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос “эътиқод тавсифномаси” ҳисобланади. Аммо бундай тизим, ўз навбатида, Давлат, Жамият, Минтақа даражасида катта бир силсиланинг занжири, бўғини сифатида гавдаланишини ҳам унутмаслигимиз керак. Агар тизим турли давлатларда мавжуд бўлса, у инсониятга хос тарихий омил сифатида кўрилади ва умумбашарий аҳамият касб этади. Булар сирасига, биринчи навбатда, албатта, жаҳоншумул динлар киради ҳамда энг қадимий диний эътиқодлар қаторидан барча халқларда тарқалган маъбудлар

ва диний тасаввурларнинг айнан ўхшаш ва монандлиги ҳам уларни умуминсоний даражага кўтаради ва бирхилликни намоён этади.

Ғарб олимларининг таъкидлашларича, “Археологик далиллар, Геродот асарлари ва бошқа манбаларга қараганда, Ўрта Осиё динлари сифатида водийларда ҳам, даштларда ҳам, асосан, турли хил шаманликлар намоён бўлган. Диний эътиқодлар орасида политеизм (кўпхудолилик) устувор бўлиб, ҳар бир территория ёки замин ўз худолари ва сон-саноқсиз маҳаллий руҳ ва ажиналарига эга бўлган”.^{178 46}

Бу баҳодан кўриниб турибдики, минтақамиз диний эътиқодлари ҳақида деярли ҳеч қандай тасаввур йўқ ва бу бўшлиқни асл ва одил ҳамда холис далиллар билан тўлдирмасак, ўзгалар халқимизнинг мозий қатламларидаги тарихини билиб-билмасдан сохта-лаштириши мумкин.

Қизиғи шундаки, ўрта асрларда Ягона Худо эътиқоди ҳукмрон мафкуравий кучга айланишига ҳам қарамай, Европада магия, алхимия ва оккультизм каби йўналишларда сеҳр-жоду яна юзага чиқиб, авж олади. Насроний черкови бунга қарши инквизиция билан жавоб беради. Насронийлик дини ва оккультизм орасидаги курашда илм-фан черков тарафига ўтиши ва уни ёқлаб чиқиши диққатга сазовордир.

Беруний, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг қуйидаги сўзларини келтиради: ҳар бир чақалоқ Худо уни яратганига қараб туғилади, кейин эса, ота-онаси уни яҳудий, насроний ёки муғ қила(тарбиялаша)ди.^{73: 323} Ҳинду қабилаларидан бирининг вакилидан, уларнинг диний эътиқодлари ҳақида сўрашганида, шундай жавоб берган экан: “Ҳар бир кишига ўз қайиғини хоҳлаган томонга бошқаришга рухсат бериш керак». Буни бағрикенглик асослари деб атаса ҳам бўлади. Бу ҳақиқатни тушуниш учун инсоният насроний ва ислом вакиллари орасидаги кўплаб қирғинлар ва инквизицияни бошидан кечиришига тўғри келди. Аммо ҳозир ҳам барча диний оқимларда мавжуд диний фундаментализм бу содда ва, айти пайтда, асоскор тушунчага қарши чиқмоқда.

Шу билан бирга, қадимдан Ўзбекистон диний бағрикенглик ва илм-фан маркази бўлганлигини хорижий олимлардан Ричард Фрай шундай эътироф этади: “Буддизм, зардуштийлик, монвийлик ва насроний диний эътиқодларининг қурамаси исломдан олдинги Ўрта Осиёда маданий муҳит шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган диний бағрикенглик тамойилларига асос солади. Бу муҳит эса,

Бухоро каби марказларда ислом тафаккури ва илмининг гуллаб-яшнашига олиб келади”^{178: 446}

Дарҳақиқат, ўлкамиз азалдан диний бағрикенглик замини бўлганлиги туфайли, Ўзбекистондаги ислом Арабистон ёки Осиёдаги исломдан ўзининг мўътадил шакли ва моҳияти билан тубдан фарқ қилади. Аини пайтда, ўзимизнинг қадимги диний урф-одатларимиз ҳам сақланиб қолади ва узвий қисм сифатида янги дин таркибига киради.

ДУАЛИЗМ

Дуализм инсоннинг энг илк диний эътиқодларидан, эрамиздан олдинги IV – I асрларда Хоразм қудратли ва ривожланган давлатга айланади, илоҳлар дунёси ҳам яхшилар ва ёмонларга бўлинади, Борлиқ яратилишида эгизаклар роли, бўри эътиқоди, оғзи пастга қаратиб кўмилган кўзалар, йўлдош бола билан тенглаштирилган, бир нечта эгизак туққан аёлни “жаннати” дейишган, дуализм Авестода энг мукаммал шакл ва мазмунга эришади, “Тура” номини олган сак ва массагет қабилалари, Зардуштийлик дуализми яҳудий ва насроний динларининг шаклланишига ҳам таъсир ўтказган.

Тафаккурининг ибтидоий шаклланиш палласида барча халқлар дунёни дуализм асосида англаш босқичидан ўтади. Дуализм инсоннинг энг илк диний эътиқодларидан бўлиб, аввалига, бир гуруҳ инсонлар ўзга гуруҳга қарама-қарши қўйилган, кейин эса, ёруғлик-қоронғилик, яхши ва ёмон ҳайвонлар, кун-тун, иссиқ-совуқ, ёз-қиш, ҳаёт-ўлим, оч-тўқ, соғ-касал, умуман олганда, яхшилик ва ёмонлик тушунчаси вужудга келади. Шу каби қарама-қаршилиқлар дунёни икки ёрти – бир бутун қабилида англашга туртки беради. Ундан кейинги даврларда эса, яхши ва ёмон кучлар афсонавий ва эртаксимон сиймоларга айланиб, халқ онгида ҳозиргача сақланиб келган.

Инсоният эътиқоди тарихида дуализм ва монотеизм икки устувор тамал тоши сифатида мужассамлашган. Яхши ва ёвуз илоҳлар ва уларга тобе руҳлар орасидаги қураш барча ибтидоий жамиятларга хос эътиқод, деб хулоса чиқаради дин тарихчилари. Гап бу ерда уларнинг бир-биридан ғояларни ўзлаштиргани устида эмас, балки инсоният онгининг тарихий-типологик мос келиши

ҳақида кетмоқда, яъни ўлкамизда дуализм ғоялари юзага келиши ва уларнинг намоён бўлиш тарихини ўзга халқлар ва динлар амалиётидан ҳам қиёсий таққослаш ёрдамида кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. Масалан, Ригведа диний асарининг X-мандаласидаги бир неча ўн сатрида коинот ва борлиқ яратилиши, худолар пантеони ва вақтнинг даврий равишда қайтарилиши ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Уларга биноан, ҳар йилнинг бошида коинот ибтидоий тартибсизлик ҳолатига тушиб, яратувчанлик жараёни қайтариларкан. Шу асосда Ригведанинг энг қадимги коинотбоп мазмуни Янги йил маросимига бағишланган гимнлар тўпламидан таркиб топиб, олий Индра илоҳнинг ёвузлик деви билан курашиб, тартиб ўрнатиши ва олов илоҳи Агнига бағишланган гимнларда қиш қоронғилигидан сўнг Қуёш нурлари қайтиши тараннум этилади.^{347: 42}

Коинот, йил даврийлигига кўра, тартибсиз ҳолатга келганида яратувчанлик жараёнининг содир бўлиши билан илоҳлар инсон ҳаётидаги вазифаларига биноан соҳаларга тақсимланиши зид келмайди, деб ҳисоблайди олимлар ва турли халқларнинг диний эътиқодларидан мисол келтиришади. Одатда, бу матнларда ёруғлик кучлари ёвузлик-қоронғилик-тартибсизлик кучларини ифодаловчи дев-махлуқот устидан ғалаба қозониши ва, натижада, тартиб ўрнатувчи кучлар ўртага чиқиши тараннум этилган. Бу жараёнда унинг иштирокчилари сифатида турли илоҳлар ўз хусусиятларига биноан таснифланади. Ҳар бир илоҳ табиат ёки руҳий ҳолатнинг ҳомийси ҳисобланиб, само, ҳаво муҳити ва ер соҳаларига тегишли бўлади. Яъни табиатнинг муайян ҳодисаси илоҳийлаштирилади.^{347: 43-44}

Дунё яратилиши ва тартиботи ҳақидаги мазкур ёндашувлар ўлкамишнинг ҳам мозий эътиқодларини тушунишга ёрдам беради, албатта. Олимларнинг тан олишича, дунёнинг барча диний эътиқодлари учун умумий хусусиятлар хос бўлиб, шулардан бири – неолит даврининг ибтидоий дунёқарашларида ҳосилдорлик эътиқодининг эркак зоти (само, Қуёш, ёмғир) ва аёл ибтидоси (Ер, Ой)нинг дуал, яъни икки томонлама асосидир. Аввалига, озуқани териш билан асосан аёллар шуғулланганида, аёл рамзлари устувор бўлиб, ҳосилдорлик илоҳаларининг бут-ҳайкалчалари кенг тарқалган. Бироқ ерга ишлов бериш усуллари (омоч ишлатиш, қуритиш ишлари ва ирригация каналлари ўтказишнинг) пайдо бўлиши билан қишлоқ хўжалиги ва ҳайвонларни хонакилаштириш каби хатарли ишлар эркаклар зиммасига ўтади. Шу пайтдан бошлаб, эркакларнинг етакчи роли кучайиб, Қуёш ва самовий сайёралар илоҳлари ҳамда уларнинг рамзий белгилари бирламчи ўринга чиқади. Шу

билан бирга, инсон ва жамоа ҳаётида диний эътиқодлар ва маросимлар роли ошиб, илоҳларнинг ердаги вакили – дин пешволарининг одамлар орасидаги мақоми ва обрўси ортиб боради.^{170: 400}

Ёзма манбалар ва археологик топилмалар асосида биз Ўзбекистонда қадимда яшаган сак ва массагет қабилаларида ҳам икки ибтидо эътиқоди мавжуд бўлганини, яъни Қуёш ва сув, ёки олов ва сувга топинишни белгилашимиз мумкин. Страбоннинг айтишича, массагетлар Қуёшни Худо деб, унга отларни қурбонлик келтирган. Қатор олимларнинг фикрича, Хоразмнинг қадимги номи «Хвайризем» – «Қуёшли ер» ёки «Қуёш ери», дегани («хвар» – Қуёш, «зем» – ер) бежиз эмас. Эрамиздан олдинги 328 йили Хоразм македонияликларга қарши курашаётган Спитаменга паноҳ бериб, сак ва массагет аскарлари билан ёрдам беради. Спитамен мағлубиятга учрагач, сак-массагетлар қабилалари минтақасининг марказида Ўрта Осиёда ягона мустақил бўлиб қолган Хоразм куч тўплайди.^{403: 109}

Дарҳақиқат, эрамиздан олдинги IV – I асрларда Хоразм қудратли ва ривожланган давлатга айланади. Бу даврда қадимдан мавжуд Қўйқирилганқалъа, Кюнёрли қалъа ва Жонбосқалъа диққатга сазовор. Бу даврда одамлар “маскан-қўтон” шаклидаги шаҳристонларда яшашдан воз кечиб, ҳимоя вазифасини бажарувчи умумий ташқи девор билан ўралган маҳаллалар вужудга келади. Жонбосқалъа шаҳристони ўртасидан ўтган шоққўчанинг икки томонида 150-200 уйдан иборат иккита маҳалла жойлашиб, уйлارнинг гиштларида қабила уруғини билдирувчи муайян тамғалар босилгани диққатга сазовор, яъни бир қабилага мансуб иккита уруғ айрича яшаган. Худди шундай, турли тамғали гиштлар, Самарқандда ҳам топилган^{144: 314} (1-расм).



1-расм. Пардоа гиштлари
(Самарқанд, Иштихон. VI-VIII асрлар).

Жамоанинг бундай дуал бўлиниши, олимларнинг фикрича, диний эътиқодларда ҳам аксини топади: руҳлар ва, кейинчалик, илоҳлар дунёси ҳам шу тарзда икки гуруҳга, яъни яхшилар ва ёмонларга бўлинади.^{403 115}

Масалан, мўғул қабилаларининг ибтидоий тасаввурларига кўра, осмон иккига бўлиниб, улардаги худолар бир-бирига қарши турган: жами 99 тангрининг ғарбда жойлашган 55 нафари инсонларга яхшилик келтирган, шарқдаги 44 таси эса турли ёмонликлар манбаи бўлган. Кундузги ғарбий тангрилар оппоқ ва нурафшон бўлиб, “оқ осмонлар” деб аталган. Шарқийлари эса қоронғилик, зулмат, совуқлик ва ўлимни ифодалаб, “қора осмонлар” дейилган. Уларга атаб тунда қора қўй қурбонлик келтирилган.^{71 411}

Умуман олганда, дуализм таълимотида ранг муҳим роль ўйнаганига Бухоро ёнидаги Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи Варахшанинг Қизил ва Шарқий залларидаги тасвирларда бир-биридан фарқ қилувчи турли ранглар ишлатилгани мисол бўла олади. Фикримизча, улар турли маросимлар учун ишлатилган: Шарқий залда Ҳаёт дарахтининг тасвири бўлганлиги туфайли, кўк ва яшил ранглар ишлатилган: яхшилик ва ёвузлик орасидаги кураш тасвирланган Қизил залда эса қизил, сариқ ва қора ранглар устундир.^{450 151}

Дуализм ёрқин намоён бўлган мавзулардан яна бири – Борлиқ яратилишида эгизаклар роли ҳақидаги қадимий тасаввурлардир. Умуман, дунёнинг икки эгизак ака-ука орасидаги кураш асносида пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятлар кўп ибтидоий элатларда мавжуд бўлиб, дунёнинг нариги бурчагида жойлашган Америкадаги ирокез қабилалари билан зардуштийликда бир хил асносида намоён бўлишини Б. Тайлор айтиб ўтган.^{394 75}

Бу борада, Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонасида топилган хум дастасида икки қанотида иккита жўжаси ўтирган қуш ҳайкалчаси эгизаклар мавзуга боғланади.^{412: 144-145} Саян-Олтой туркий қабилаларида ҳам дунё яратилиши ҳақида сақланиб келаётган энг қадимги асотирлардан бирига биноан, жаҳон океанида сузувчи иккита эгизак ўрдак Ер ва тоғларни яратади. Улардан бири Юқори дунё, иккинчиси эса, Қуйи дунё ҳукмрони бўлиб, Ак эне (Оқ Она) амрига биноан, оламни яратади.^{300: 539} Зардуштийликда ҳам Худо ва одамлар орасида воситачиликни Каршиптар деган сув қуши ўтаган.^{328: 60} Сувда сузувчи қуш тасвири ўлкамизда кўплаб ашёларда ўз аксини топгани айнан шу мавзуга боғлиқ бўлиб,

Сурхондарёда ислом келганидан кейинчалик ҳам, XII асргача сақланиб келгани 2-расмдан аён.

Ўлкамизда бир бошли ва икки танали дев тасвирлари қадимдан маълум бўлиб, намунаси Самарқанд музейида сақланувчи бронза тағламасида акс этган (3-расм) ҳамда яна бир мисол – Термизшоҳлар саройининг ганчкори пештоқидаги тасвир (4-расм).

Бу мавжудотларнинг эгизаклар мавзуига ҳам алоқаси бўлиши мумкин: бошлари ва таналари ўзаро бирикиб кетган Сиам эгизакларини эслаш кифоя. Ўлкамизда афсункор Анқо қушининг ҳам иккита боши бўлган. Хоразмнинг Уйгарак обидасида икки бошли от ҳайкалчаси топилиб, бу мавзу ўзбеклар фольклорида икки бошли от ва икки бошли қушларда ҳам намоён бўлади. Бу сиймо қадимий мифологияда, туркий қабилаларнинг шажаравий нишонларби ва тамғаларида муҳрланади.^{114: 221; 345: 72}

Она бўри боқиб, катта қилган ва Римга асос солган эгизаклар Ромул ва Рем ҳақидаги ривоят Оҳангарондан топилган тилла буюмда



2-расм. Чироқдоннинг сузувчи қуш шаклидаги дастаси (Сурхондарё, Работ-Малик. XI-XII асрлар).



3-расм. Икки танали мавжудот (Самарқанд, XI-XII асрлар).



4-расм. Икки танали мавжудот (Термиз, XI-XII асрлар).



5-расм. Оҳангаронлик Ромул
ва Рем эгизаклари.

тасвирланиши, олимларнинг фикрича, қадим ўлкамизнинг Византия билан алоқалари асосида вужудга келган.^{345: 144} (5-расм).

Бўри билан боғлиқ мазкур мавзунинг ўлкамиздаги шуҳратини олимлар туркий қабилаларнинг тотеми (афсонавий илк аجدод) бўри бўлганлиги билан боғлашади.^{298: 28} Хитойнинг қадимги солномаларида ҳам бўри туркий халқларнинг тотеми бўлиб, қабила ундан келиб чиққани билан боғлиқ афсоналар келтирилган. Шулардан бирида қабила қирилганидан кейин ёлғиз қолган ўн яшар бола бўрилар

орасида ўсгани ва қадим туркийлар ана шу она бўридан тарқалгани ривоят қилинади. Бўри уни топиб олиб, ғорда гўшт билан боқиб катта қилади ва ундан ўнта ўғил кўради. Улардан ҳар бири ўзига хос туркий қабилага асос солиб, биттасининг туғида бўри боши тасвирланади. Қадим туркий ҳоқонлар ҳузурига келган элчилар аса, бўри туғига таъзим қилганидан кейингина қабул қилинган экан.^{75: 214, 311}

1928-1930 йилларда Л. Потапов Ўзбекистоннинг турли минтақаларида этнографик материал тўплаб, *бўри эътиқоди* билан боғлиқ маълумотларни келтиради. Унинг хулосаси бўйича, ўзбеклар орасида тадқиқот пайтига келиб ҳам исломдан олдинги диний эътиқод урф-одатлари ва тасаввурлари сақланиб қолган экан. Аслида, бўрига эътиқод кўп қадим халқларда ҳам мавжуд бўлиб, дуализмга хос қарама-қаршиликлар кураши ҳамда яхшиликни асровчи куч эканлигини ифодалаган. Рим асосчилари Ромул ва Ремдан ташқари, римликларнинг умумий илоҳий аждоди Марс ҳам бўри сифатида тасвирланган. Геродот йилига бир марта бўрига айланиш қобилиятига эга бўлган халқни тавсифлайди. Қадим германларда бўри илоҳларга аталган. Славян ва Кавказ халқларида ҳам бўри билан боғлиқ кўплаб урф-одатлар бор. Шимолий элатлар ва Америка ҳиндулари ҳам унга эътиқод қилган. Аммо бошқа халқларга нисбатан бўрига эътиқод туркий халқларда ва мўғулларда кучли бўлиб, у одамларни касаллик ва офатлардан сақловчи ҳомий сифатида кўрилган.^{298: 136}

Дарҳақиқат, туркий қабилаларда бўри сеҳр-жоду тимсоли бўлиб, унинг териси ёрдамида турли касалликлардан сақланилган. Қони тўкилса, тўкилган жойнинг устини қишда – қор билан, ёзда эса – тупроқ билан ёпишган, чунки у – “илоҳий кучук” бўлиб, ёмон ҳаво чақиришига ишонишган. Л. Потапов ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, ўзбекларда бўри чақалоқни сақлаб қолиш хислати билан боғлиқ бўлган, чунки бўри уларнинг аждоди ҳисобланган. Туғруқ қийин кўчганида, аёлнинг боши остига бўри пайини қўйишган. Хоразмликлар чақалоқнинг биринчи қўйлагини “ит кўйлак” дейишган. Чақалоқ яшаб кетсин, деб бўри жағини устидан ўгириб, исмини Бўрибой қўйишган. Чақалоқ жасадини ёмон кучлар ҳужумидан асраши учун уни бўри терисига ўраб кўмишган. Бола бешиги устига бўрининг турли тана аъзоларини тумор сифатида осиб қўйишган ва кийимига ҳам тикишган. Эркаклар ҳам бўри тиши ва ошиғини тумор сифатида тақиб юришган. Бўри фақат инсонларнинг эмас, балки дала, ҳосил, мол-мулк ҳомийси сифатида ҳам эъзозланган. Самарқандда ҳосилни асраш учун бўрининг бош чаноғини далада хомага осиб қўйишган.^{298 137}

Хоразмда одамлар ва ит суяклари биргаликда солинган оспеарийлар топилгани тотемга эътиқод билан изоҳланади.^{131 86, 109} Ю. Рапопорт тотем сиймолари вақт ўтиши билан самовий ва инсонга ўхшаш илоҳларга айланиб, фалсафий қарашлар билан бойиганлигини тўғри таъкидлайди. Зардуштийлик китобида ўлганнинг олдига Ҳурилиқо пари иккита ит билан келади, уларнинг вазифаси – бегуноҳларнинг руҳини сақлаб қолиш учун ёвуз кучларга қарши курашишдан иборат. Итлар нариги дунё қўриқчилари сифатида гавдаланади ва аввал “дафн этувчи” тотем ити бўлган.^{328: 29} Европа ва Фаластинда ҳам (жасадни) итлар билан кўмишган.^{488: 608-610}

Ўрта Осиёда нариги дунё билан боғлиқ бўри ёки ит сиймоси анъанавий бўлиб, Ерқўрғон ибодатхонасида ҳам унинг қолипиди топилган. Термиз ёнидаги Болаликтепада хоналарнинг бири ибодатхона бўлиб, ўртасида оташгоҳ жойлашган ва деворлари супа билан ўралган. Шимолий супада 9 та ит жағлари топилган.^{20 101} Тагискен қўрғонидан топилган ва эрамиздан олдинги VIII-VI асрларга мансуб бўлган қиличнинг тилла қопламасида бўрилар ўзига хос равишда тасвирланган. Далварзинтепадан топилган тилла камарбандда орқа оёқларида туриб, олд панжасини тишлаётган учли қулоқли ҳайвон тасвирланган. Нишонанинг тепа чап қисмидаги тумшуғига қараганда, бўрига ўхшайди (6-расм).



6-расм. Тилла камарбанд
(Далварзинтепа, I аср).

Беруний нарда ўйини тошлари биллурдан кучук шаклида ясалганлиги ҳақида гувоҳлик беради.^{74 172} Ўлка-мизда худди шундай нарда тошларининг сополдан ясалгани ҳам бўлган.^{60. 80} Қўҳна Урганчда Нажмиддин Кубро мақбарасида дарвишлар кучук боқишган. Авлиёнинг кучуги учишни билганлиги ҳақидаги афсонани олимлар ит-қуш Сенмурв билан боғлайдилар.^{378: 128} Умуман, хоразмликларда сув ити – сувсарни ўлдириш олдинлари ман этилган ва унинг мўйнасини фақат Хива хон-

лари кийиши мумкин бўлган. Ҳинд эътиқодларида ҳам уни ўлдирган киши жаҳаннамда қийналишига ишонишган.^{378 322}

Видевдат асарининг XIII фаргарди(боби)да айтилишича, *Ит* – *типратиконни* ўлдирган киши ўз руҳини келгуси тўққиз авлодда ўлдиради. Типратикон тасвирлари Хоразм ва Кушон Бактриясида ҳам учраб, ^{328: 31} Термиз, Хотинработ ва Шўртепа обидаларидан типратикон шаклида ишланган идишлар дасталари топилган.^{309: 53}

Олимларнинг фикрича, типратикон эраמידан олдинги II-I мингйилликларда қадим Шарқ мифологиясида илонга қарши курашувчи сиймо бўлгани дуализмга хос икки ибтидо тушунчасини изоҳлайди. Зардуштийлик талқинига биноан, типратикон дон ташувчи чумолиларнинг инига сийиб, уларни йўқ қилади. Авестода айтилишича, типратикон кечаси минглаб ёмонликнинг минглаб кучларини ўлдиради, унинг игналари эса Қуёшнинг нурлари билан таққосланган ^{406: 126; 391: 282; 545: 58; 529: 125} (7-расм).



7-расм. Типратикон шаклидаги идиш дастаси (Сурхондарё Шўртепаси, II-III асрлар).

Юқорида кўрганимиздек, дуализм нуқтаи назаридан ит ва бўри тимсоли қадимда ўлкамизда фоний ва боқий, яъни оламнинг дуал ташкил этилган икки палласини бир-бири билан боғловчи вазифасини ўтаган. Туркий мифологияда эгизаклар ҳақидаги афсона мўл ҳосил ва молга барака берувчи, бола туғилиши ва чақалоқларга ҳомий ҳисобланган илоҳа Умай-она билан боғлиқ бўлган. Рабатакда топилган Канишка ёзуви Умма деб аталган яна бир илоҳани бизга таништирди.^{358: 67-70} Туркий ҳоқонлик лашка-рининг ғалабаларидан бири ҳақида шундай ёзув бор: “Само, Умай, муқаддас Ватан (ер-сув) бизга ғалаба ато этди”.^{248: 68} Умай, худди Кўк Тангри ва Ер-сув каби, қадим туркийларда илоҳий мажмуанинг асосий худоларидан бўлган. У ҳосилдорлик илоҳаси ва болалар ҳомийси ҳисобланган. Шу билан бирга, у жанг ҳомийси ҳам бўлган.^{120 158}

Бўри ёки ит катта қилган эгизаклар мавзуи турли халқларнинг мақбараларида *оғзи пастга қаратиб кўмилган кўзалар* билан ҳам боғлиқ. Уларнинг ичида кул ёки қизил бўёқ бўлгани учун олов эътиқоди билан боғлашади. Шу одатни Хоразм археологик экспедицияси ҳам турли жойларда аниқлашга муваффақ бўлган, масалан, эрамиздан олдинги VII-V асрларга мансуб Тагискен мадфанининг ёндириш хонасида оғзи пастга қаратилган идиш топилган.¹⁸⁰ Ўлкамизда бундай кўзалар мақбаралар, шаҳристонлар ва дарё бўйларида топилган. Амударё дельтасининг Қамишли I масканида ҳам эрамиздан олдинги II мингйиллик бошига ва Тозабоғёб маданиятининг Анқа 2 ва Жонбос 33 масканларида эрамиздан олдинги II мингйиллик охирига мансуб шундай топилмалар аниқланди. Қалъалиқир 2 масканида эрамиздан олдинги IX асрга мансуб кўзалар топилган. Шунга асосланиб, бу – қандайдир қадим эътиқод билан боғлиқ одат, деб хулоса чиқаришади.^{182. 15-16}

М. Итина ўзга халқларнинг этнографик одатларидан шунга ўхшаш одатлар талқинини топиб, қиёс усули асосида ўлкамиздаги эътиқод одатини тиклашга ҳаракат қилади. Яъни эгизаклар эътиқоди барча халқларда деярли бир хил одат шаклида мавжуд бўлганлиги туфайли айрим қиёслар ўтказилади. Масалан, Африка қабилаларида эгизакларни катта хумга солиб, қалин ўрмонларда оғзини пастга қаратиб кўмишар экан. Эгизакларнинг ёмғир чақириш борасида ғайриоддий қобилиятга эга эканлигига бўлган ишонч туфайли, бемаврид ёмғир чақирмаслиги учун уларни дарё бўйида

ёки ботқоқ жойларда кўмишган. Шунингдек, туғилиш пайтида ўлган ёки онаси туғишдан олдин ўлган чақалоқларни ҳам хумларга солиб, оғзини пастга қаратиб кўмишган ва уларни “хум фарзанди”, деб аташган. Ибтидоий инсонлар эгизаклар, чақалоқлар, касал ва ногиронлар ичида ёмон руҳ борлигига ишонишган ва уларни алоҳида маросимлар билан дафн этишган. Намозгартепа масканида ҳам энди туғилиб, оламдан кўз юмган чақалоқни катта хумда оғзини пастга қаратиб кўмилгани аниқланган. Боланинг руҳи ташқарига чиқмаслиги учун кичик хумларни оғзини пастга қаратиб кўмиш одати тумор вазифасини ўтаган ва, умуман, бу одат Олов ва Қуёш эътиқоди билан боғлиқ бўлган, деб тахмин қилишади.^{182: 17-18}

Бола туғилганидаги плацента ҳам кўп халқларда чақалоқнинг кичик эгизаги саналган. Ўзбек тилида унинг “йўлдош” деб аталиши ҳам мавзуни ойдинлаштиради.^{299: 265-287; 55: 358} Б. Литвинскийнинг фикрича, *йўлдош бола билан тенглаштирилиб, уни ҳимоялаш учун турли маросимлар ўтказилган*. Бола яхши ривожланиши, унга ҳаёт ва фаровонлик ато этиш ниятида, сеҳр кучига ишониб, ерга йўлдоши билан бирга ошиқ ёки дон кўмилган. Шу тариқа, ҳосилдорлик ва фаровонлик ҳамда уй билан боғлиқлик ришталари мустаҳкамланишига ишонишган.^{232: 33}

Тошкентда XX аср бошида ҳам ўғил туғилса, унинг йўлдошини қўй ошиғи билан бирга, қизникини эса – қўғирчоқ билан ўша хона бурчагида ёки остонасида кўмишган. Айрим вилоятларда чақалоқ йўлдошини кул ичига, эшик кесакисига ошиқ-мошиқ ёрдамида осиладиган жойга, Бухоро яҳудийлари – учта дон ва иккита ошиқ билан уй дарвозаси олдида, Самарқандда – хона остонаси олдида кўмишган. Болани эгаллашга келган девнинг қўли куйиб, қочиб кетиши учун йўлдош кўмилган жой устига ўчоқда қиздирилган катта тош қўйишган. Агар оилада болалар ўлаверса, чаён нишини латтага ўраб, мис нина билан тешишган, йўлдош устига қўйиб, урчуқ билан тешишган. Айрим ҳолатларда идиш ичига солиб, дарахтларга осилган. Бу удум, умуман, нафақат Шарқ халқларида, балки Европа халқларида ҳам мавжуд бўлган.^{419: 352; 24: 147-148}

Қадимда Бухорода бараварига учта эгизак туғилса, учинчиси “назар тушган”, яъни танланган деб ҳисобланган ва, одат бўйича, салтанат ҳукмронига бағишланган ва ҳатто саройда тарбияланиб, кейинчалик, тахтга ворисликка ҳам даъво этиши мумкин бўлган. Самарқандда эса, эгизакларнинг онаси ғайри-

табий куч соҳибаси эканлигига ишонч бўлиб, қўли билан баъзи касалликларни тузатиши мумкин, деб ҳисобланган. Бундай аёлларни “қўли эм бўлади”, “қўли дард олади”, дейишган. *Бир нечта эгизак туққан аёлни эса, “жаннати” дейишган* ва ҳомий париси эшитиб қолади, деб унинг ҳақида ёмон гапиришга қўрқишган.^{393: 51} Бундай аёлларга “пари ёр” бўлиб, ўзбеклардаги “юзидан сув ичса бўлади” ибораси чиройини ифодалаган. Тепки билан оғриган беморларни ҳам ҳанузгача эгизак туққан аёлларга “тептириш”га олиб боришади.

Хоразмликлар табиб-фолбинларнинг арвоҳ ёрдамчиларини “лашкар” деб атаган, Самарқандда эса, “жамики инсу-жинсни лашкар дейишган”. Пари ҳомийлигига эришган одам ҳақида “лашкар сояси тегди”, дейишган.^{373: 29} Дунёнинг турли минтақаларида, жумладан бизда ҳам, пари сиймосидаги руҳлар билан инсоннинг жинсий алоқасига бўлган ишонч, эгизакларга нисбатан алоҳида эътиқод шаклланишига олиб келгани диққатга сазовор. Айрим тадқиқотчилар бу эътиқодни чақалоқлар туғилишида ота билан бирга онанинг ҳомий париси “иштирок этган” ва, кейинчалик, эгизаклар эътиқоди турли йирик динларнинг мифологик асосини ташкил этган, деб тахмин қилади.^{455: 360-365} Зардуштийликда бир-бирига қарама-қарши илоҳлардан Аҳура Мазда ва Ангро Манью эгизак ҳисобланган. Ўлкамизга ислом келганида, бу эътиқод Муҳаммад пайғамбарнинг неваралари Ҳасан ва Ҳусан сиймоларида акс этади ва ўғил эгизакларга ҳозиргача шу ном қўйилади. Исломда қиз эгизаклар пайғамбарнинг қизи Фотиманинг “Зухра – Ярақловчи” лақаби жуфтлаштирилиб, Фотима-Зухра юзага келган,^{400: 72} яъни энг қадимги диний эътиқодларимиз замонлар ўтиши билан янги вужудга келаётган диний тизимларга сингиб ўтади.

Шу тариқа, Бактрия, Сўғд, Чоч ва Хоразм аҳолисининг дуализмга йўғрилган диний эътиқодлари бир-бирига таъсир ўтказиб, уларнинг барчаси учун бирлаштирувчи куч сифатидаги олов эътиқоди асосида ўлкамизда зардуштийлик вужудга келгани таажжубланарли ҳол эмас. Дарҳақиқат, *дуализм Авестода энг мукаммал шакл ва мазмунга эришади*, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш кун ва тун, ёруғлик ва қоронғилик қарама-қаршилигида намоён бўлиб, зардуштийлик динининг асосини ташкил этади. Зардушт шундай деган: “Аввалига бир жуфт эгизак, икки руҳ (пайдо) бўлиб, ҳар бирининг ўз фаолият тури бўлган. Бу

– фикр, сўз ва ишда намоён бўлувчи яхшилик ва ёмонликдир. Иккисидан бирини танла. Яхши бўлгин, ёмон бўлма”.

Зардушт эътиқодига биноан, дунёда яхши ва ёмон руҳ курашади. Зардуштийларнинг олий илоҳи Аҳура Мазда иккала ибтидо эмас, фақат ёруғлик устида ҳукмрон. Чорва кўплиги ва тинчликни яхши ниятли инсонлар ёрдамида Мазда ва унинг ёрдамчилари, жумладан, осойишта чорва ҳаёти ҳомийси Арамати илоҳа таъминлаши лозим. Олимлар, бу фаолият Хоразмда эрамиздан олдинги VII-VI асрларда “Тура” номини олган сак ва массагет қабилалари орасида содир бўлган, деб ҳисоблайди. Кейинчалик, бу дуализм Турон ва Эрон орасидаги курашга ўтади.^{3: 319-320}

Зардуштийликнинг дуализми яҳудий ва насроний динларининг шаклланишига ҳам таъсир ўтказган. Ғарб олимларининг фикрича, раввинлар китобларига тобе яҳудийлар ва Бешкитобга издош қадимги яҳудийлар орасидаги эътиқодий тафовутлар дуалистик дунёқарашни ўзлаштириш ва шакллантириш асносида юзага келган. Умуман олганда, Ғарб мутафаккирларининг таъкидлашича, насроний дини Олий Худодан мустақил бўлган шайтон ва малайларининг аҳамиятига ишонади ва бунинг оқибатида ўрта асрларда инквизиция қутуради. Шу асосда, насронийлик дини монотеистик эмас, дуалистик деб аталиши ҳам мумкин экан. Чунки, унда Худо ва унинг қарама-қаршилиги – шайтон мавжуд. Авестода ҳам зардуштийлар Дуруж(ёлғоннинг исми)ни “қабих дев” тимсоли деб билишган ва уни Ахриман яратган ёвузликларда ёрдамчи деб ҳисоблашган. Унга қарши эса, эзгу ҳақиқат илоҳаси Арта курашиб, шу тариқа, дуализм намоён бўлган.

Зардуштийликнинг насроний дини билан учрашуви монийлик эътиқодининг пайдо бўлишига катта таъсир ўтказди. Монийлик ҳам, икки қарама-қарши ибтидо – яхшилик ва ёмонлик, руҳ ва материя ҳақидаги таълимотга асосланган. Монийлик, бир томондан, Худони соф яхшилик, ёруғлик манбаи ва ҳукмрони сифатида тан олса-да, иккинчи томондан эса, қоронғилик, бузғунчилик ва бетартиблик салтанатининг султони борлигини ҳам эътироф этади. Ўрта Осиёда дунё ва жамоа ҳаётини дуалистик англашни Моний таълимотидан ташқари, V асрдаги Маздак ва VII асрдаги Муқаннагача кузатиш мумкин.

АНИМИЗМ

Ҳаёт ва ўлим орасидаги фарқ, диний эътиқодлар тарихи анимизм – “руҳларга ишонч”дан келиб чиқади, “барсман” мажнунтол шохларидан таркиб топган, нафас-руҳ, иккита руҳ-жон, ўтганлар руҳларига атама “уй”, руҳнинг қуш сиймосида тасаввур этилганлиги, аجدодлар руҳлари – фравашилар, Қуёшга интилувчи руҳ, оссуарийдаги тасвирлар, фравашилар тириклар уйига келади, аждодларни хотирлаш маросими, Наврўз – “Умид куни”, байрамлар дунёвий ва диний бўлади, оламдан ўтган уста-пирлар, урф ирими, ажина-девларга ишонч, ўлим ажинаси Насуни ҳайдаш, «ижобий» ва салбий девлар, Заҳҳок, жин-фаришта – ажина-дев атамаларининг ўгирувчанлиги, анимизм эътиқоди қадимий бошланғич фалсафага замин яратади ва ривожланган жаҳон динлари матнида ҳам ўз ўрнига эга.

Дуализм кўринишларидан бири бўлган ҳаёт ва ўлим орасидаги фарқ ибтидоий инсонни жуда қизиқтириб ва, айни пайтда, қўрқитиб келган ва шу боисдан инсон уни англашга ва тушида кўрган нарсаларни талқин этишга уринган. Ҳаётдан кўз юмганидан кейин мутлақо йўқ бўлиб кетишини истамаган инсон оламдан ўтганидан кейин ҳам унинг руҳи нариги дунёда тирик қолишига ишонч эътиқодини яратган. Унга биноан, ҳар бир инсонда унинг танасини вақтинча ёки абадий тарк этувчи, аммо боғлиқлик риштасини сақловчи руҳ бор бўлиб, бир кунмас-бир кун айнан шу руҳ уни тирилтириши кутилган. Турли қадимий халқларда қут-баракаси ўзи билан кетиб қолмасин, деб марҳумни уйнинг ўзида кўмишган. Римликларда бу одатни Вергилий қуйидагича таърифлаган: ўлганларнинг руҳи уйнинг ҳомий илоҳларига айланиши ёки улар билан қўшилиши туфайли пир ёшига етиб, оламдан ўтган марҳум ташқарига чиқарилмаган.

XIX асрда ибтидоий афсоналар ва диний эътиқодларни таҳлил этган машҳур инглиз олими Э. Тайлор инсоннинг мазкур ишончини ўрганиб, биринчи бўлиб илмга «ибтидоий анимизм» (лотинча «анима» – қалб ва «анимус» – руҳ) тушунчасини киритади. Унинг таъбирича, анимизм – руҳий мавжудотларга ишонч бўлиб, бирламчи диний эътиқодни билдирган. Олим дин келиб чиқишининг анимистик назариясини далиллар билан асослаб, анимизмнинг ўзга ибтидоий эътиқодлар – фетишизм ва тотемизм билан узвий алоқасини кўрсатиб беради.

Ғарб олимларининг фикрича, анимизм назарияси иккига бўлинади. Биринчиси – тирик мавжудотлар руҳга эга ва у эгасининг вафотидан сўнг ҳам йўқолиб кетмайди. Иккинчиси – табиат-қоинот руҳлари ва қудратли худолар мавжудотларни бошқаради. Умуман олганда, бу руҳларнинг инсон ҳаёт-мамотини бошқаришига бўлган ишончдан уларга хуш ёқиш, ҳадя-қурбонлик келтириб, ўзларига нисбатан мойиллик ва кўмакка эришиш нияти пайдо бўлганлиги табиийдир. Бундай ёндашув натижасида Э. Тайлор тўғри хулоса чиқаради: “... натижада, анимизм ҳукмрон илоҳлар ва уларга тобе руҳлар, инсон руҳи ва келажак ҳаётга ишонч-эътиқодларни ўз ичига қамраб олади. Вақт ўтиши билан, бу эътиқодлар, ўз моҳиятига кўра, инсон ҳаётида чинакам топинишга айланади”. Айрим олимларнинг фикрича, *диний эътиқодлар тарихи анимизм – “руҳларга ишонч”дан келиб чиқади ва у дин нималигини тушунтириш борасида энг лўнда таърифдир.*^{384 212}

Масалан, XVIII аср Ғарб олимларидан Дж. Тодд фикрига биноан, “Энг қадимги тарихий маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: барча диний эътиқодлар аввалига марҳумлар эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, дафн маросимларида намоён бўлган”. Г. Спенсер эса, энг қадимги диний эътиқод руҳ ва келгуси ҳаётга ишонч ва марҳумларга сажда қилишда намоён бўлган, деб ҳисоблаган: ибодатхоналар мақбаралардан қад кўтарган, қурбонликлар “марҳумларга таом тортиш”дан, намозу дуолар – ўтганларга мурожат этишдан, турли диний маросимлар эса, дафн маросимларидан ривожланган.^{382: 277-281}

Инсонни руҳ жонлантиради, деган тушунча, албатта, бутун борлиқни ҳам жонлантирувчи куч борлигига ишончга келтириши муқаррар эди. Бу борада Авестода шундай дейилган:

Тухум мисол Заминни
Тутиб турар Улуғ Руҳ.
Унинг чеки-чеккаси
Бўлган эмас ҳеч қачон.

(83-б)

Шунинг учун ўрта асрларда руҳонийлар, бу куч – Худо, деса, файласуфлар уни Мутлақ ғоя деб атайди. Бу ерда яна бир масала кўтарилади: ибтидоий эътиқодлар олдинги юқори даражада ривожланган цивилизация динларининг қолдиқларими ёки келгуси диний эътиқодларнинг ибтидосими? Кўза ярмисигача бўшми ёки ярмисигача тўлами?

Шу билан бирга, қатор қабилалар олий илоҳ мақомига олдиндан ўз эътиқодларида мавжуд бўлган кўплаб илоҳлардан бирини “кўтаради”. Кўпинча, табиат илоҳлари олий даражага кўтарилиб, булар қаторида энг кўп учрайдигани – Қуёш ва Осмон. Шу тариқа, дунё халқларида диний жараён асносида Ота-само тушунчаси “самовий ота, самодаги ота”га айланади.^{394, 396} Арабларда ҳам исломдан олдин Каъбада мавжуд бўлган 360 та бут-илоҳлар орасидан Аллоҳ олий мақомга ўтган ва, шу аснода, яккахудолилик вужудга келган. Бундай тақсимотни таҳлил этган олимлар қизиқ хулосага келади: самовий илоҳлар тизмаси ерда инсонларнинг жамият поғоналарига айнан ўхшашиб кетади. Олий ҳукмрон ва унга тобе зодагонлар ҳамда халойиқ мавжуд. Яъни Олий Илоҳ, атрофидаги номдор фариштаю-авлиёлар ва, ниҳоят, оддий фаришта ва руҳлар мақоми ердаги жамиятнинг ижтимоий бўлинишига ўхшашдир.

Аҳура Мазданинг холиқ сифатида мутлақ яккалиги тарғиб этилган бир пайтда фаришталар ҳақидаги тасаввурлар ҳам халқ орасида сақланиб қолиши, урф-одатларимизнинг барҳаётлигидан далолат беради. Ўзбекларда, “Арвоҳ – ёр, пирлар мадаккор бўлсин» дейилган ҳикматнинг ҳанузгача сақлангани бежиз эмас.

Бир сўз билан айтганда, анимизм – энг қадимги диний эътиқодлардан бири бўлиб, руҳлар мавжудлигига ишонч, табиатда бор жамики нарсалар (Осмон ва Ер, Қуёш ва Ой, ёмғир, момақалдироқ, шамол, тоғ, дарё, ўрмон, ҳайвон, ўсимлик, тош, дарахт ва ҳоказолар)да онг ва фаолият юритиш қобилияти борлиги ҳамда уларда *ғайритабиий қудрат борлигига ишончни* билдирган. Шу асосда, уларга қурбонлик келтириш, сиғиниш ва маросимлар ўтказиш лозим, деб ҳисоблашган. Ҳаттоки, турли металлларнинг урилганда товуш чиқаришини, унда яшовчи руҳнинг овози, деб ҳисоблашган. Тунисда сарчашма бўйида думалоқ тошлардан конус терилган бўлиб, ичида суяк бўлаклари ва турли ашёлар топилган. Археологнинг тахминича, бу – сарчашма руҳига ҳадея. Руҳларнинг бошқа тана ёки ашёларга ўтиш қобилиятига ишонч Осиеда кенг тарқалиб, раввинлар фалсафасига биноан, 2100 та ўсимликнинг осмонда ўз ҳимоячи-қўриқчиси мавжуд бўлган. Ўсимликларда ҳам руҳ борлигига бўлган ишонч Жануби-Шарқий Осиеда буддизм таъсири остида йўқолиб кетган. Буддизм рисо-лаларида айтилишича, қадимий одамлар дарахтларнинг жони бор, деб уларни кесишмаган, аслида эса, улардан фойдаланиш мумкин.

Ўрта Осиёда ҳам дарахтлар ва шохларига алоҳида муносабат бўлгани маълум. Бу борада, олимлардан А. Писарчикнинг турли манбалар ва оғзаки хабарлардан олган маълумотларини унинг тадқиқотларидан изоҳ этамиз. Қадимдан айрим дарахтлар халқимиз тасаввурида хосиятли – енгил, ўзгалари эса, бехосият – оғир саналган. Бири одамларга яхшилик, иккинчиси эса – ёмонлик келтирган, чунки тагида ёмон ёки яхши арвоҳ-жинлар ўзига ин қурган. Алалхусус, арча хипчинлари эътиқод маросимларида ишлатилгани маълум. Бу қарашлар анимизмга тақалиб, арвоҳлар билан боғлиқлиги аён ва шунинг учун маълум бир дарахтлар муқаддас деб аталган. Ҳатто одамлар тотем-дарахтдан тарқагани ва ўлганларнинг руҳи уларда яшагани тан олиниб, унга озор бергани ёмонлик кутиши муқаррар бўлган. Мозорда ўсувчи дарахт ва буталарни синдириш ёки ёқиш жазоланишга лойиқ гуноҳ ҳисобланган. Самарқандда уларни фақат диний эътиқод уйларини қуришга ишлатиш мумкин деб, хонадонга фақат муқаддас ашё сифатида шип тагига осилган. Лайлак ин қурган дарахт муқаддас саналган, чунки у қурбақа ва илонларни йўқ қилган; бу эса зардуштийликда савоб саналган. Қора қарғалар ин қурган дарахт бехосият дейилган. Бухорода икки дарахт-устун орасидан ўтиш ёрдамида душманларнинг ёмон ниятини қайтариш мумкинлигига ишонишган.^{293: 251-260}

Ўлкамизнинг Сополлитепасида эрамиздан олдин қабрга тол шохчалари тўшалган, зардуштийлик маросимларидаги “барсман” эса, мажнунтол шохларидан таркиб топган.^{36 47} Геродот маълумотларига кўра, ўлкамизда тол хипчинларида фол очишган ва айнан улар диний маросимларда ишлатилган.^{115: 203} Бухорода толнинг ҳавони тозалаш фазилатига ишонишган ва тагида чойхоналар қуришган. Самарқанд, Сўх, Сурхондарё ва Бухорода тол тагида ухлаш шифобахш ва савоб ҳисобланган. Айни пайтда, айрим жойларда дарахт соясида ухлаш нохуш саналган, чунки руҳлар соя билан уйғунлашган. Сўхта толдан шип ясашган ва кетмон дастасини ҳам, “қўли енгил бўлсин”, деб толдан тайёрлашган, Сурхондарёда эса, биринчи баҳорги ҳайдаш учун омовчи. Бойсунда ундан бешик ясаб, чақалоқни ёмон руҳлардан ҳимоя этиш ниятида баҳорда куртак отаётган шохчаларини осиб қўйишгани маълум. Толдан ясалган тобут эса марҳумнинг гуноҳларини енгиллаштириб, жаннатга тушишига кўмак беришига ишонишган. Самарқандда ҳам марҳум, шу тариқа, енгил кўчишига ишониб, тобуткашларнинг ҳассасини ҳам толдан ясашган. Қабр устига тупроқ тортилгач,

ҳассани иккига синдиришган: бир бўлагини – бош устига, иккинчиси – оёқ томонга қўйишган. Улар куртак отса марҳум енгил кўчган, деб ишонишган. Сўхда толнинг деуу парилардан ҳимоя қилишига ишониб, дала ишлари пайтида болаларнинг ўзини тол тагида қолдиришган. Шу билан бирга, сўхликлар толни уй ҳовлисининг чегарасида ёки ташқарида экиб, уйга яқинроқ жойда эса мевали дарахтлар экишган ва қўшни қирғизлар дарахтларни пала-партиш экишганига ҳайрон бўлишган. Кўп умр кўрган дарахтлар, жумладан, тол шохларига латтачалар тақишган, “арвоқларнинг руҳи шод бўлсин”, деб. Тагига эса, экканнинг руҳига атаб пилта ёқишган. Пилта буғдой бошоқлари ва латтага ўралиб, кунжут ёки зиғир мойига ботирилган. Сўхда бу икки ёғ тури “инс-жинс, ажиналарни ҳайдовчи ва бало қайтарувчи” деб ҳисобланган ва уларнинг уруғларини тумор сифатида тақишган. Мотам маросимларидаги таомлар ҳам зиғир ёғда тайёрланган. Аммо қари дарахт қурий бошлаб, унда кавак ҳосил бўлса, худди вайрона харобалар сингари “деуу ажиналар макони”, деб ҳисобланган. Сурхондарёда шохлари чириган толни мазорда ҳам олиб ташлаш мумкин бўлган, аммо олдинга қурбонлик келтириб, тиловат қилиш лозим бўлган. Самарқанд ва Зарафшонда чақалоқнинг биринчи олинган сочини тол тагига кўмишган. Келин-куёв биринчи марта биргаликда ҳўплаган пиёла сувини ёшлар болажон бўлсин, деб толга сепишган. Самарқанд табиблари тол шохлари ёрдамида касалларга суюқлик пуркаган. Хоразм ва Самарқандда деуу ажиналарни қочирини учун фолбинлар барглари шилинган еттита тол хипчинларини ишлатган. Зарафшон водийсида қурғоқчилик пайти мулла тол дарахтига тумор осиб, тепадан Худо ҳам туморга сув юборади, деб тагидан сув сепиб турган. Баҳор пайти тол экиш савоб, шохларини синдириш эса – гуноҳ саналган. Фақат Наврўз байрамида ишлатиладиган шохларни синдириш мумкин бўлган. Яҳудийлар ҳам 7 кунлик ҳосил терими байрамининг бир кунда меҳроб атрофида тол шохлари билан айланиб, сўнгра уларнинг баргини уриб туширишган. Ҳикоятларга кўра, бир оила боқувчиси оламдан ўтганида қариндошларидан бири ҳовлисининг этагига уй қуриш учун ер талашибди. Шунда бева ўша жойга тол ниҳолларини экибди. Уларни ердан олиб ташлаган одамнинг пушти қуришига ишонч кучли бўлгани учун ҳалиги қариндош ниятидан қайтибди.^{378, 380; 375; 393; 28}

Халқ орасидаги мавжуд шунга ўхшаш урф-одатлар қадимги диний эътиқодларнинг қолдиқлари бўлиб, ўтмиш тарихдан далолат

бериши ва динини яхшироқ тушунишга омил бўлиши мумкин. Ибтидоий эътиқодда ўлимдан кейин ҳаёт давом этиши инсонлар ва турли ашёларнинг ҳам руҳи борлиги ёрдамида уқтирилган бўлса, юқори поғона монотеистик динларда, алалхусус, исломда ахлоқий мезон ва нариги дунёда жазо муқаррарлиги киритилади.

“Нафас” ва “руҳ” сўзлари ёрдамида анимизм моҳиятини ифодаласа бўлади. Қадимгилар тасавурида нафас, руҳ, соя бири-бирига турдош тушунча бўлиб, анимизм негизини ташкил этган. Инсонлар то ҳозиргача руҳ нафас орқали кириши ва баданни тарк этишига ишонишади. Инсон аксирганида эса, бошидаги тешиклардан руҳлар чиқиб кетиши мумкинлигига бўлган ишончдан соғлиқ тилаш одатини олимлар эскилик сарқити, деб ҳисоблайди. Кинна солиш пайтида табибларнинг “чиқ-чиқ” деб, ёмон руҳларни ҳайдаши бунга ёрқин мисол.

Марҳумларнинг тасвирлари, бош чаноқлари ва ҳайкал-хокдонлари руҳ-жоннинг вақтинча маскани бўлиб, муайян кунларда “руҳлаштирилиши”га ишонишган. Шунингдек, массагет-сак қабила-ларида *иккита руҳ-жон* ҳақида тасаввур бўлган: бири дарҳол танни тарк этган, иккинчиси эса, қандайдир муддат ўлган билан боғлиқ бўлган. Қорақалпоқлар тасавурида инсонда *иккита жон* бўлиб, бири ўлимдан кейин осмонга парвоз этади, иккинчиси эса, муайян муддат тана олдида қолиб, кейинчалик тириклар билан алоқа боғлайди.^{151: 259}

Эътиқоднинг ибтидоий даври билан боғлиқ бу тушунчалар Ўрта Осиё халқларида узоқ муддатгача сақланиб келган. Бунга мисол – хоразмликларда жон ва руҳ алоҳида қўрилган. Руҳ, инсон ўлгач, тириклар дунёси билан алоқаларини узмайди, аксинча, муайян кунлари ўз уйини зиёрат қилади ва ҳайвон, жумладан ит сиймосида келиши мумкин, деб ишонишган.^{378: 108, 114, 117-119}

Қадимги инсонларнинг дафн масканлари уларнинг руҳий-диний ҳаётидан далолат беради. Қадимги *мегалит мадфанлар*, меҳроблар, истеҳкомлар ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд. Мегалитик мадфанлар иблис ёки баҳайбат девлар томонидан яратилган, чақмоқ тошли болталар эса, чақмоқ урганидан вужудга келган, деган ишонч мавжуд бўлган. (Мегалит – (юнонча *megas* – катта ва *lithos* – тош) э. о. III-II мингйилликларда катта тош харсангларидан, асосан, эътиқод мақсадида терилган қурилмалар. Менгир – алоҳида турувчи тош устун. Дольмен – бир нечта тошдан ясалган хонтахтага ўхшаш қурилма. Кромлех – гир айланасига қўйилган тошлар).

Марҳум руҳи жамоа орасида қолишига ишонч туфайли қадимгилар унинг яшаш жойи сифатида *кенотаф* – бўш мақбара тиклашган. Илоҳийлаштирилган аجدодлар руҳларига эътиқод Яратувчи Худо ва Қуёшга бўлган эътиқод билан уйғунлашиб кетган.^{15: 146} Сурхондарёнинг Жарқўтон кенотафларида турли идишлар ичида бронза болта ёки пичоқлар дафн этилгани, марҳум аскар бўлиб, узоқ юртларда ҳалок бўлганидан дарак берган. Қурол-аслаҳа эса, руҳнинг кейинги ҳаётига кўмакдош бўлишига ишонишган.^{170: 139-147}

Шунингдек, аجدодлар эътиқоди доирасида, *ўтганлар руҳларига атама “уй”* қуришган: Хоразмда сағаналар шакли турар уйларнинг шаклини қайтариб, олд қисмида кичик тўртбурчак дарчалар қолдирилган. Шу билан бирга, мазорлар олдида бир нечта гипстдан *отамнинг уйи* деб аталган “уйчалар” ясашган. Улар авлиёлар мазори ёнида кўплаб учраган, чунки зиёратга келганлар, ўлимидан сўнг руҳи шу ерда қўним топишига ишонишган.^{379 111} Бухоро сағаналарида эса, руҳ ташқарига чиқиб-кириб юриши учун *тешик* қолдирилган. Бу одат дунёнинг турли халқларида маълум бўлиб, Хоразмда оссуарийларнинг тешиклари унинг ривожидан далолат беради. Қадим Хоразмнинг Говурқалъа маскани ёнида қадимги мазор очилиб, IV-VIII асрларга оид оссуарийлардаги тешиклар, зардуштийлик ақидасига биноан, ёруғлик тушиши учун қолдирилган.^{459: 85}

V-VIII асрларга мансуб Хоразмнинг Миздахкан оссуарийларининг ҳам турли жойларида тешиклар очилган. Умуман олганда, бу мазоротда III-IV асрларда 66 фоиз оссуарийларда тешик бўлса, VII-VIII асрларга келиб, улар 16 фоизни ташкил этади. Шу даврга келиб, тешиклар насронийлар жамоасининг мажмуавий мадфанидаги оссуарийлардан топилганини бу бир одат бўлиб қолгани билан тушунтиради олимлар. Шунингдек, қадим оссуарийларга ёмон кучларга қарши камон ўқи найзасини қўйишган. Ёки оссуарийнинг қопқоғи билан деворини бир жойдан тешишган, қулф осигга тақлид этиб ёки қора бўёқ билан бир чизиқ тортишган. Айримларида қопқоғининг четида чуқурчалар ўйилиб, маросим пайтлари соябон шаклидаги тахтиравон ўрнатилган.^{459: 96}

Майитларнинг ҳам руҳи борлиги ва боқий дунёдан тирикларга мадад беришига ишониб, улар шаънига турли маросимлар ўтказилган. Ўлганларни махсус қазилган қабр ёки ғорларда муайян тарзда дафн этишган. Баданига қизил бўёқ суртиб, ёнига кундалик турмуш ашёлари, тақинчоқлар, қурол қўйишган. Яъни қадим

аждодаларимиз нариги дунё ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган ва уни ўзлари яшаб турган дунёнинг давоми, деб ҳисоблашган. 30000 йил олдин марҳумларнинг суяклари оҳрага бўялган мадфанлар ўрта Европа ва Австралияда топилди. Оҳра шифобахш ёки ўзга хосиятларга эга эмас, демак, нариги дунёдаги ҳаётга ишониб, қонни қайтаришга умид боғлашган, қизил оҳрани қонга таққослаб, ҳаётни чақиритган.^{176: 300} Тарихчиларнинг фикрича, ранг берувчи моддаларнинг турли масканларда топилиши диний урфлардан далолат беради. Шу билан бирга, ранг берувчи моддаларнинг ишлатилиши эстетик ҳиссиёт ва рамзли фикрлаш пайдо бўлганидан далолат беради. Суяк ва тошларга туширилган чизиқ-расмлар илк ибтидоий ёзув бўлиши ҳам мумкин.^{493: 26, 522: 79}

Бу борада, 40000 йил олдинги мақбарадан тақинчоқлар топилгани қизиқарли. Сурхондарёнинг Бойсун тоғларидаги Тениктош ғорида ўрта палеолит даврига мансуб 9 яшар неандертал бола қолдиқлари топилган қабр атрофига эса тоғ эчкисининг шохлари терилган. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги энг қадимги бу қабр ўлкамизнинг илк диний тасаввурларидан дарак беради. Умуман олганда, ўзининг қадимийлигига кўра, Тениктош топилмаси шу пайтгача тан олинган дунё цивилизацияси сарчашмаларини қайта кўриб чиқиш кераклигини яна бир карра исботламоқда.

Ўлкамизда ўтганнинг руҳи хафа бўлмасин, деб марҳумни эҳтиром билан дабдабали дафн маросимлари ўтказиб, кузатишган, дафн меъморчилиги қад кўтарган. Қадим маросимлар ҳозирги кунгача турли халқларнинг урф-одатларида етиб келгани диққатга сазовор. Бунга мисол сифатида ўлкамизда ўтганларнинг руҳини ёдлаш учун яқинларни йиғиш, йўқлаш одатларини эслаш кифоя. Зардуштийлар йилнинг охириги ўн куни давомида қариндошларининг руҳи озиқ-овқат ва кийим олиш учун келишига ишониб, турли маросимларни ўтказган. Православ насронийлари қабр тепасида руҳни ёдлаб, ичимлик ичади, турли халқларда қабр тепасига руҳ учун таомлар қўйилади. Араблар эгасининг қабри устида, нариги дунёда миниб юриши учун унинг туясини қурбон қилишган. Айнан шу мақсадда Европада қирол ўлганида унинг хизматкорлари ва оти билан итини ҳам ўлдиришган.

Руҳ ғояси ибтидоий диний тасаввурлардан жаҳон динларига кўчиб, замонавий инсон онгида ҳам мавжуд. *“Руҳлар мадад берсин”* ибораси бунга мисол. Арвоҳлар деганда, халқимиз бобо-аждодаларни тушунишган ва ҳозирги кунларда ҳам уларнинг руҳлари уйга келади

деб, эшик-ойналарни очишади, таом тайёрланади, адашиб қолмасин, деб чироқлар ёқишади: руҳлар эса, унутилмаганини кўриб, “эшик ортидан жилмайиб мўралашган”. Руҳлар келганида, ҳидига тўйиши учун албатта бўғирсоқ пишириб, “ис чиқаришган”. Янги уйга кўчишганида ҳам, ис чиқариш учун, аввало, янги ўчоқда бўғирсоқ пиширишган. Шундан кейингина, ҳовли тўйига атаб ош дамлашган.


Хоразмликларда *руҳи равон* ибораси инсон танасини тарк эта оладиган руҳни билдирган ва шу билан *жондан* фарқ қилган.^{378: 109, 114} Кўҳна Урганчда Тўрабека-хоним ва унинг севгилисининг фожиали ўлиmidан кейин руҳлари кабутар тарзида учиб кетгани ҳақида афсона бор. Ўзбекларнинг мақоли бежиз эмас: “Қон чиқди – жон чиқди”.

Қадимги аждодаларимизнинг бундай тасаввурлари дафн хокдонларининг тузилиши ва безатилишида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Хоразм Қалъалиқир обидасининг эрамиз бошига мансуб айрим тўртбурчак оссуарийлари *қуш ҳайкалчаси* ўрнатилган қопқоқ билан ёпилган. Шундай қушли оссуарийлар кейинчалик VI-VIII асрларга мансуб Тупроққалъада, қадимги Оҳангарон территориясида жойлашган ҳозирги Ўратепа мозори ва бошқа қатор обидалардан ҳам топилгани ўлкамизда дафн маросимларининг узвийлиги ва анъанавийлигидан далолат беради. Хоразмнинг Миздахкан мазороти оссуарийларидан (56x25x54 см) бирининг қопқоғида ҳам қуш (эҳтимол товус) ҳайкалчаси ўрнатилган (8а-расм).

Қадимда мақбараларга дон ва сув учун идишлар қўйилиши *руҳнинг қуш сиймосида тасаввур этилганлиги* билан боғлиқ бўлиши мумкин. Оссуарий қопқоғидаги қанот ёйган қуш тасвири руҳнинг самога учишини ифодалайди, деворларидаги ўйма нақшлар ва шакллар ҳамда одам боши ҳайкалчаларини эса, олимлар марҳумнинг руҳи ва ҳомий фариштасини ифодаловчи фравашни, деб ҳисоблайдилар.^{257: 31.}
рис. 22: 169; 138; 89: 141 Бунга далил – Самарқанд музейида сақланувчи Лоиш оссуарийсида оғзи пўша билан боғланган коҳинлар алангали оташгоҳ олдида тасвирланиб, қопқоғида иккита фаришта ўсимлик новдалари билан парвоз этмоқда. Ён биқинидаги



8а-расм. Хоразм оссуарийсидаги қуш ҳайкалчаси.



8 б-расм. Сўғд оссуарийси (VII аср).

деворларида коҳинлар қўлидаги рамзлари билан тик туришибди ёки ўтиришибди^{143 130} (8 б-расм).

Дарҳақиқат, оссуарийдаги ҳайкалчалар ва ўйма нақшлар олий кучларга хос рамзлар бўлиб, аجدодлар руҳига сажда этиш эътиқодининг ашёвий ифодаси эканлигига шубҳа йўқ. Яъни ўзига хос ибодатгоҳ бўлган. Хоразмнинг Токқалъасида VII-VIII асрларга мансуб 100 дан ортиқ оссуарийлар, жумладан, 20 таси бутун ҳолатда топилиб, улардаги қадим Хоразм ёзувларини ўқиган В. Лившиц, ўлкамизнинг ўзига хос диний ва ижтимоий атамаларини

киритади, шулар жумласидан, хоразмча шевада мақбара ва хокдонларнинг номи: науслар – “фравартик” – “тақводорлар руҳларига мансуб”, оссуарийлар эса – “тапанкук” – “қутича, сандиқча”, деб аталган.

Хоразмликларнинг бу тасаввурлари зардуштийликдаги *фравашилар* – фаришталар сиймосида гавдаланади. Авестода *аждодлар руҳлари* – *фравашилар* фақат одамларга эмас, балки табиатдаги барча мавжуд нарсаларга хос бўлиб, уларни ҳимояловчи куч ҳисобланган. Фравашилар ёрдамида сув оқиб, ўт ўсади, Қуёш ва юлдузлар самода сузади, тақдир рўёбга ошади. Аҳура Мазда Зардуштга шундай дейди: “Мен улар кўмагида // Тутиб турибман, Зардушт // Аҳуранинг кенг Ерин”.^{12 84}

Бу маълумотларни билган Беруний шундай деган: “Фравашилар – фаришталарнинг бир тоифаси. Фазо улар билан тўла, деб тасаввур этилади. Фравашилар ҳали дунё яратилмасдан уч минг йил олдин яратилган. Улар келажакда туғилажак имонлиларнинг руҳи. Тан билан яшаб, тириклар умри тугагач, фравашилар яна асл маконига қайтади”.

Зардуштийлар ўз нияти амалга ошиши учун ҳар бир куннинг ўз фариштасига атаб “замзама” – шивирлаб намоз ўқиган экан.

Ислом келганидан кейин ҳам ўлкамизда асровчи фаришта-руҳлар ҳақидаги эътиқод сўнмаганига Берунийда шундай далил бор: “Ардибаҳишт – олов ва ёруғлик фариштаси бўлиб, унинг бу икки элемент билан табиати бир. Аллоҳ унга мазкур элементлар (олов билан ёруғлик)ни кузатишни ҳамда, айтишларича, Авестода аниқ ифодаланган қасамлар ёрдамида дард-касални дорилар ва фойдали таомлар ёрдамида даф этишни, ҳақиқатни ёлғондан ва ростгўйларни ёлғончилардан ажратишни буюрган”.^{73: 230}

Авестода Аҳура Мазда ҳақида “У қиладир ҳимоят // Беш турли жонзотларга” дейилиб, улар беш тоифага бўлинади: сувда яшовчилар, ер остида яшовчилар, осмонда яшовчилар, ер устида яшовчилар ва ниҳоят, уй ҳайвонлари. Улар Гав деб умумлаштирилади”. Авестода ҳар бир жойнинг руҳи борлиги ҳам айтилади: “Нманйа (уй) фравашиси, // Висйа (қишлоқ) фравашиси, // Зантума (туман) фравашиси, // Даҳйу (юрт) фравашилари”.^{12: 85-86} Беруний зардуштийларнинг эътиқодини таърифлаб шундай деган: “Серош – ҳар бир ойнинг баракали куни, чунки Серош – тун посбони бўлмиш фариштанинг исми. Айтишларича, бу – Жаброилнинг ўзи. Серош – жин ва жодугарларга қарши энг кучли фаришта бўлиб, жинларни ҳайдаш ва жодугарларни яқинлаштирмаслик учун тунда уч маротаба одамлар устидан ҳавога кўтарилади”. Яна бири эса, «Мурдад – бутун дунёни қўриқлаш, очлик, муҳтожлик ва касалликларга барҳам берувчи ўтлардан фойдали моддалар ва дори-дармон тайёрлаш топширилган фариштадир”.^{73: 230, 232} Рашну эса – Авестода адолат ва низом фариштаси бўлиб, Охират Куни ўтказиладиган ҳукм сўроғи чоғида гуноҳу савобларни ўз тарозусида ўлчагувчи зотдир.

Фаришталар нафақат нариги дунё, балки бу дунёда ҳам инсон тақдирини ҳал этиб, бахт-омад улашиши мумкин бўлган. Масалан, Аши илоҳа Авестода нозир фаришта бўлиб, кимга назари тушса, ўша одамга бахт, омад ёр бўлишига ишонишган. Омад сўзининг ўзи “келди”, дегани бўлиб, бахт илоҳаси Ашининг яқинлашишини билдирган. Авестода Аши илоҳасининг насл-насаби номланади:

Сенинг отанг улуғвор –
 Маъбудлар худоси ул,
 Аҳура Мазданинг ўзидир,
 Онанг Армайтиспанта (Ер маъбудаси),
 Оғаларинг Сраоша,
 Алп Рашну ва Митра.

Аши Митранинг аробасини ҳайдаган ва, айрим олимларнинг фикрича, Зардуштга айнан у ҳукмронлик риштаси – Хварно(омад)ни берган. Шу туфайли, Аши омад рамзи – қўй сиймоси билан боғлиқ бўлиб, Пойкент ибодатхонаси унга бағишланган, деган тахмин бор. Аши тасвирлари Сўғд саройларининг деворларига ҳам туширилган.^{480: 219}

Хоразмнинг Қалъалиқир 2 ибодатхонасидан топилган сувдондаги қавариқ тасвирда икки ўрқачли туя устида дарахтга яқинлашаётган бир одамни олимлар Зардушт деб ҳисоблайди (9-расм).



9-расм. Икки ўрқачли туя устидаги одам.

Зардуштийлик китобларида Аҳура Мазда Зардушт фравашисини борлиқ ибтидосида яратиб, уни Ҳаёт дарахти Хаома танасига жойлагани, олти минг йил ўтгач эса, умумқоинот миқёсида яхшилик ва ёмонлик орасидаги кураш асносида Зардушт инсон сиймосида гавдаланиб, ҳақиқатнинг илоҳий нури билан нурафшон этилгани ёзилган. Ўрта асрларгача бир афсона сақланиб келган: муқаддас сарв дарахтида Аҳура Мазда сўзи нақшланиб, Зардушт самодан сарв ниҳолини келтирган экан. Тасвирдаги дарахт ҳам сарвга ўхшаш.^{187: 227} Ўлкамининг эътиқод маросимларида арча

шоҳлари ишлатилгани ҳам бежиз эмас.

Авестога кўра, она қорнида боланинг вужудга келиши ҳам илоҳа Анахита билан боғлиқ фравашилар ёрдамида содир бўлиб, айнан улар сувлар айланиши, ўсимликлар ўсишини юзага келтиради. Инсоннинг ўлиmidан кейинги ҳаётида фравашиларнинг аҳамияти ҳақида зардуштийлик матнларидан “Катта Бундахишн” (34, 10)да шундай дейилган: “Қиёмат Куни одамлар ўлганида, уларнинг таналари ерга қўшилади, жон (ҳаёт кучи) – шамолга, сиймоси – қуёшга, руҳи эса – Худо ҳузуридаги фравашиларга ўтади”.^{471: 112}

А. Беленицкий анбиёлар ўлиmidан сўнг бадани нима бўлиши ҳақидаги “Фихрист” маълумотларини келтиради: “Унинг бадани ётади, Қуёш, Ой ва нурли юлдузлар илоҳлари эса ўзига унинг кучини, яъни сув, олов ва ҳавони тортади ва улар Қуёшга

кўтарилиб, ўзи илоҳга айланади”.⁴⁸⁶ ⁷⁰ Бу борада, оссуарийлардаги Коинот жисмлари ва уларни ифодаловчи астрал рамзлар зардуштийликда нариги дунё ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, беғуноҳлар Қуёш, Ой ва юлдузларнинг йўлини қайтара олиши ҳақидаги тасаввурларни акс эттиради. Вафотидан сўнг руҳ-жон ўз йўлини қурбонлик келтириладиган оташгоҳ – меҳроб тағламаси – Олов тахтидан бошлаб, унинг жаннатга йўли юлдузлар ва Ой маконларидан ўтади ва марҳум “шакли” Қуёш билан бирлашар экан. Аммо ҳамма руҳлар ҳам учта поғонадан ўтмайди: Ердаги ҳаётида мутаносиб маънавий раҳбарликка эриша олмаганлари юлдузлар мақомида юлдуз бўлиб нур таратиб қолар экан. Буларга нисбатан юқорироқ маънавий-руҳий поғоналарга кўтарилганлар руҳи Ой мақомида қолади. Тақводорлар Қуёш мақомида олтин тахтларда ярқираб ўтиради. Камдан-кам руҳ худолар ҳузуридаги жаннатмаконга эришади.

Ўлкамизда ўз таълимотини юксак даражада ривожлантиришга муваффақ бўлган Моний эътиқоди издошларининг келгуси ҳаёт ҳақидаги таълимотида эса, шундай дейилган: “Асил диндор ўлганида илк Одам унинг ёнига донишманд – йўл кўрсатувчи сиймосида нур илоҳини юборади ва у билан бирга учта илоҳ орқали идиш, кийим, асо, тож ва нурли гултож бериб юборади. Шунингдек, у (йўл кўрсатувчи) билан вафот этган тақводор руҳига монанд ҳурилиқо қиз келади... Улар бу тақводорни кийинтириб, (бошига) тож ва гултож тақади, қўлига идиш тутишади. Кейин у билан бирга тонг устунни (ёки “шукуҳ устунни”) ва Ой самоси узра илк Одам ёки барча тирик мавжудот онаси Нахнаха ҳузурига кўтарилишади, токи у (руҳ) азалдан ёруғлик жаннатида бўлган жойига етмагунча”.⁴⁹⁴ ⁷⁰ А. Беленицкий нур устунни ҳақидаги маълумотни Сўғд ибодатхоналаридаги деворий тасвирлар билан таққослаб, улар ўртасида шаксиз ўхшашлик бор дейди.


Зардуштийлар тасаввурида руҳ нур томон кўтарилишидан олдин, уч кун ва уч тун марҳум тепасида ўтиради, тўртинчи куни эса, Мукофотловчининг баланд кўприги – Чинвотга етиб боради. У ерда илоҳ Митра ҳамроҳлари билан инсон тақдирига ҳакамлик қилади. Биринчи қадамни савоб фикрлар самосига қўяди, иккинчисини – савоб сўзлар самосига ва учинчисини савоб ишлар самосига. Тўртинчи қадами билан эса, Чексиз нурга эришади. Сўнгра Халоскор(маъбуд)лар хаома тайёрлайди ва уни ичган руҳ тирилади. Бу кўприк дунёнинг энг баланд тоғида жойлашгани туфайли қабрларни ҳам тепаликларда ўрнатишган.^{482: 361-362; 508; 313; 15; 146}

Яна матнлардан бирида вафот этганлар қандай қилиб олдинги қиёфасига қайтиши тўғрисидаги саволга Олий илоҳ шундай жавоб беради: “(Оламдан) ўтганлар таналарининг қисмлари сақланувчи бешта маконим бор. Улардан бири ер бўлиб, унда инсонларнинг эти, суяклари ва пайлари сақланади; ўзгаси сув бўлиб, унда қони тўпланган; яна бири ўсимликлар бўлиб, улар бош ва тана сочларини сақлайди; само қатламлари ёруғлигини олов ва шамол сақлайди ҳамда ундан тирилган одамларнинг фраваписи (руҳи) қайтариб олинади”.^{237: 112}

Марҳумларнинг хоки сақланувчи *оссуарийдаги тасвирлар марҳум руҳининг бахтли келажакка ният* этиши ҳақидаги қадимгиларнинг тушунчалари ибодатхоналар ва дафн ашёларида ўз рамзий ифодасини топиб, марҳумлар руҳига бағишланган. Масалан, Токқалъадан топилган иккита оссуарий қопқоғининг пастки қисми эни бўйлаб қизил чизиқ билан бўялиб, ичида оқ рангли кичик учбурчак ва ҳалқачалар чизилган. Қопқоғнинг икки томонида доира шакли тасвирланган бўлиб, чапдаги доиранинг ичида оқ ҳалқачалар, учбурчак ва барглр ифодаланган (10-расм).

Қопқоғнинг тепа қисми оқ рангга бўялиб, ичида думалоқ дискдан икки томонга сариқ тасмалар тортилган, устида эса ҳилол Ой тасвирланган. Унинг ичида балқиб чиқаётган Қуёшга ўхшаш тасвир бор. Оссуарийдаги тасвирлар маҳоратни эмас, ўлкамизда кенг тарқалган анъанавий одатни эҳтирос билан кўрсатишга қаратилгани кўриниб турибди. Умуман, Ой ва Қуёш рамзлари ҳукмронлар тожлари, ўлкамизнинг турли минтақаларидаги оссуарий ва деворий тасвирларида кўплаб учрайди.

Шундай қилиб, оссуарийлардаги Қуёш, Ой ва юлдуз тасвирлари марҳумга юксак мақомларга эришиш ниятидаги тилак дуоси



10-расм. Оссуарий қопқоғидаги нақшлар: тепада – юза қисми; пастда – ён томонлари.

бўлган, дейиш мумкин. Бу рамзлар Шарқдан Рим империясига сингиб ўтиб, мақбаралар ва Митра ибодатхоналарида ўз аксини топади. Ҳилол Ой ичидаги ҳалқа тасвири Анахитанинг рамзи бўлган. Хоразмнинг кумуш лаганларида ҳам Анахита тожининг устида ҳилол Ой, кўтарилган қўлларида эса Қуёш ва Ой рамзлари ифодалангани

оссуарийлардаги тасвирларга мос тушади, деб хулоса чиқаради Ю. Рапопорт.^{328 107}

Шу тариқа, марҳумлар Ибтидо маконига риҳлат этади ва нурли фравашилар руҳларга айланади, аммо тириклар билан алоқасини узмайди. Бу борада, зардуштийлар йилнинг охириги 10 куни мобайнида фравашилар тириклар билан мулоқот қилиб, ёрдам бериши, инсон ҳаётига таъсир ўтказиши ва ўз ёрдами эвазига сажда ва қурбонлик талаб этишига ишонч табиий бўлган. Олим бунга турли тадқиқотлардан қуйидаги мисолларни келтиради.^{128 81} Авестода айтилишича, Хамаспадмаэдада (ўтганлар руҳини нишонлаш маросими) – Наврўздан олдинги ўн кун давомида *фравашилар тириклар уйига келади*:

Хамаспадмаэда
Кунида келиб сўрар
Тирикларнинг ҳолини.
Ўзларига намозу
Эътиқод борлигини.
(91-б)

Шунингдек, фравашиларнинг қуйидаги саволлар бергани таъкидланади: “Ким бизларни шарафлайди ва қурбонлик қилади? Ким бизни хотирлайди? Мукофотларга сазовор ким бизларни қўлларида таом ва кийим ҳамда илтижо билан кутиб олади? Орамиздан кимнинг исми номланади?... Биз кимга ўз ҳадыямизни берамиз, токи у доим битмас-туганмас ризққа эга бўлиши учун?” Шу кунларда уларга қурбонликлар келтирганларга, таскин топиб, рози бўлган фравашилар қандай дуо қилиши Авестода шундай тавсифланган:

Бу уй пода ва одам
Барокатига тўлсин,
Бу уйга йўрға, чопқир
Отлар ҳам ато бўлсин.
Мустаҳкам аробалар
Насиб этсин бу уйга.
Улар ризқу насваси
Кам бўлмасин умрбод.
(92-б)

Аждодларининг тасвири ва хокига сажда қилиш кўп халқларда қадимда одат бўлиб, мисол учун, римликлар ўз уйларида

аждодларининг сопол ниқобларини сақлаб, уларга қурбонликлар ва атама ҳадялар келтирган. Европа афсоналарига кўра, уларда ҳам мавжуд бу байрам қуйидаги ривоятга асосланган: Худо ўлган Авельнинг ота-онаси ёлворишига қулоқ солиб, унинг руҳини 10 кунга ерга қайтаради. Авель улар олдида, амрга биноан, индамасдан ўтиради. Яқинлари эса олдида бор таомларни тўплайди. Инжилда Авельнинг қайта тирилиши ҳақида ҳеч гап йўқ. Ю. Раппорт эса бу сиймони Сиёвушга ва ўтирган ҳайкал-хоқдонларга ўхшатади.^{328: 85}

Турли халқларда бундай маросимлар учун махсус кунлар мавжуд бўлиб, эндиликда ўзбеклар ҳайит кунлари хотирлаш йиғинларини ўтказади. Қадимда зардуштийларда ҳам шундай кунлар бўлганини Беруний қуйидагича таърифлаган: “Абан-Моҳ ойининг сўнги беш куни Фарваржон, деб аталади. Шу кунларда одамлар ўлганларнинг (суяги сақланадиган) дафн хумига озиқ-овқат, уй томининг тепасига эса ичимликлар қўйишган. Тирикларнинг ишончига кўра, шу кунларда ўтганларнинг руҳи мукофот ва жазо жойларидан чиқиб, ўз уйларига келаркан, таомларнинг кучини сўриб, мазасини ўзига сингдираркан. Марҳумлар ҳидидан баҳраманд бўлиши учун уй эгалари ўз уйларини исириқ билан дудлатаркан. Яна айтишларича, ўлганларнинг руҳи ўз хотинлари, болалари ва яқинларини зиёрат этиб, ишларида иштирок этаркан, аммо тириклар уларни кўрмас экан”.^{73: 236}

Қадимги Сўғд аҳолиси ҳам ўтганларини муайян кунларда эслагани ҳақида Беруний шундай дейди: “Х-ш-у-м ойининг охирида Сўғд аҳолиси ўтган аждодларини хотирлайди. Улар йиғи-сиғи қилиб, юзларини тимдалайди ва ўлганлар шаънига таомлар ва ичимликлар қўяди. Сўғдликлар Бухоро ва Сўғд қишлоқларида ҳар ойнинг муайян куни бозор уюштиради”.^{73: 265}

Беруний маълумотларига кўра, сўғдликлар ва хоразмликларнинг “Мовароуннаҳр муғлари” деб номланган тоифаси 12-ойнинг охириги 5 куни ва янги йилнинг биринчи 5 куни мобайнида ўлганларининг руҳига атаб мотам кунлари ўтказган. Беруний аждодлар руҳига бағишланган бу маросимларни форсларнинг фарваржон ойи кунлари “ўлганлар ўз тирик яқинларини зиёрат этиб, уларнинг ҳаётида иштирок этиш” маросимлари билан солиштиради. Бу ой охири баҳор келганини белгилаб, “вақт қайта тириляётган мурдага ўхшаган”, одамлар эса, Қуёшга сажда қилиб, хурсандчилик қилишган.

XIX асрда ҳам осетинларнинг хотирлаш маросими зардуштийлик таомилига ўхшаш бўлиб, марҳум тасвири унинг кийимларига ўралиб, унга сажда қилиш учун махсус “ўлганлар кечаси” ёки “ўтириш кечаси” деб номланган маросим сақланиб қолган.^{189, 193}


XX асрда Хоразмда ҳам аجدодларни хотирлашнинг ўхшаш маросими бўлиб, “арвоҳи”, деб номланган. “Муайян кечалари арвоҳлар учун махсус таомлар тайёрланиб, хоналар тозаланади ва очиқ дарвоза олдида ҳовлида махсус оловлар ёқиб, одамлар арвоҳлар келишини кутиб ўтиради”.^{377, 78} Хитой солномаларида аجدодлар хоки сақланадиган олтин хумга махсус кунлари тантанавор равишда сажда этилгани ҳақида маълумотлар бор.

Мазкур “махсус кунлар” – Наврўз арафасидаги 10 – 20 март кунлари бўлиб, фравашиларга атаб ўтказилган маросимлар турли халқларда табиатнинг уйғониш пайтида келтириладиган қурбонликларга ўхшашлиги олимлар томонидан тан олинган. Наршахий маълумотларига кўра, Варахшада йил охирида 20 кун бозор бўлиб, уни деҳқонларнинг Наврўз бозори (Наврўзи Кишоварзон), дейишган; муғлар Наврўзи (Наврўзи муғон) эса, беш кун кейин кирган.

Аббосийлар халифаси ал-Маъмун (813-833) Наврўз моҳияти ҳақида Ҳазрати Али авлодларидан бўлган Мусо ар-Ризодан сўраганида, шундай жавоб олган экан: “Бу кунни фаришталар эъозлайди, чунки шу куни улар яратилган ва уни пайғамбарлар ҳам эҳтиром айлайди, чунки шу куни Қуёш яратилган ва уни шоҳлар ҳурмат қилади, чунки у – Вақтнинг илк куни”. Шунингдек, Беруний маълумотига биноан, шу куни Зардушт Аллоҳ билан суҳбат қилишга мушарраф бўлиб, шу куни инсонларга бахтли омад улашилар экан ва у “Умид куни” деб аталган.^{73, 224, 227} Қадимгилар тасавурида, инсон баҳорги куну тун бараварлиги пайтида, олам мингйилликларининг еттинчисининг бошланишида яратилган.^{73: 59}

Ўлиб-тирилувчи табиат ҳақидаги тасаввур ўтганларнинг руҳлари тирикларнинг мададига муҳтож бўлиши ва кейин ўзлари ҳам хтоник (нариги дунё) кучларнинг мададини таъминлаши мумкинлигини билдирган. Фравашилар хтоник хусусиятлари билан чорвачиликка ёрдам бериши зардуштийликнинг қадим китобларида акс этган. Айрим олимларнинг фикрича, ўлкамиздаги маросимлар аجدодлар руҳини йиғи ва ўзини қийнаш орқали ёрдам беришга чақириб, ҳосилдорликни таъминлашга ишончдан келиб чиққан.^{328, 115}

Қадим аجدодларимиз марҳумлар шаънига ўтказилган мазкур хотирлаш зиёфатларида махсус тайёрланган эътиқод ашёларидан фойдаланиб, уларга ҳам турли рамзлар туширилган. Шулар қаторидан, лаганлардаги қуш тасвири (11-расм). Шунингдек, марҳум тепасига дафн этишдан олдин ва кейин муайян кунлар давомида чироқ ёқилиши шарт бўлгани учун махсус чироқдонлар ишлатилган. Эҳтимол, улар қуйидаги шаклда бўлган (12-расм).



11-расм. Қуш тасвирланган лаган (Сурхондарё, Бударач шаҳристон. XI аср).



12-расм. Чироқдоннинг қуш ва хўроз шаклидаги дасталари (Сурхондарёнинг Бударач шаҳристон. X-XI асрлар).

Арафа куни аجدодларимиз ўлганлар руҳларига атаб махсус таомлар тайёрлаб, очиқ дарвоза олдида ҳовлида олов ёқиб ўтиришган. Уларнинг тасавурида арвоқлар пайшанбадан жумага ўтар кечаси ўз уйини зиёрат қилар экан. Йил хотираси эса ҳайкал-хоқдон олдида ўтказилган. XVII аср муаррихи, Хива хони Абулғозихон туркийлар ҳақида шундай маълумот келтиради: яхши кўрган одамлари ўлганида, ўғли, қизи ёки укаси марҳумга ўхшатиб ҳайкал ясашган ва ўз уйларида қўйиб, уни номлашган. Олдига таомнинг энг яхши қисмини қўйиб, уни ўпишган ҳамда юзи, кўзларига мойлар суртиб, унга таъзим этишган.

Дарҳақиқат, *байрамлар дунёвий ва диний бўлади*. Дунёвийлари – бу дунё хурсандчилиги, динийлари – боқий дунё тақвоси учун ўтказилади.

Умуман, ўлкамиз эътиқодларида аجدодлар тирикларга мадад бериши ҳақидаги ишонч чуқур маънавий илдизларга эга бўлиб,

халқимизнинг ички дунёсини тавсифлайди. Ўлкамизда ҳунарларнинг мададкор руҳлари вужудга келиб, кейинчалик, шу ҳунар ҳомийси – авлиёга айланган. *Оламдан ўтган уста-пирлар* ҳам аждод сифатида кўрилиб, уларга қурбонликлар келтирилган ва бирон ишни бошлашдан олдин улардан мадад сўралган. Хоразм заргарлари ўз дўконига кириб келганида ва ундан чиқиб кетишидан олдин, усталари шаънига дуо ўқиган. Ипакчилар бир ой давом этувчи янги матони ишлаш жараёнидан олдин ва иш ниҳоясига етгач, усталари шаънига зиёфат уюштиришган. Ўлкамизда ўтган усталар хотирасига атаб, ҳунарманд шогирдларнинг уйларида навбатма-навбат таом тортилган. Турли соҳа ҳунармандлари янги устахона очишдан олдин бўғирсоқ қовурган, уйлари ва устахонасида жумага ўтар кечаси ҳамма ёқни тозалаб, ўтган усталарнинг руҳлари келишига атаб кечасига чироқ ёқиб қолдиришган. Аждодлар ва уста-устозлар руҳига сиғиниш ўзаро чамбарчас боғланган.^{378: 121-122}

Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонаси атрофидаги кулоллар маҳалласи VI асргача мавжуд бўлиб, кейинчалик, эфталит давлати қулаши оқибатида вайрон этилган. Кўпчилик уйларда ҳунар ҳомийсига бағишланган иккита ёки битта эшикли алоҳида хона бўлиб, лойдан бежирим буюм ясаб, уни тандирда яхши куйдириш ва омадли сотиш учун кулолчилик ҳунари ҳомийларига тоат-ибодат этилиб, қурбонлик келтирилган. Маҳалла уйларининг бир хонасида ерда диаметри 30 см бўлган чуқурча куйдирилмаган идиш ва хум синиқлари билан тўлдирилган. Бу – кулол ўчоғига навбатдаги хом ашёни солишдан олдин, натижа яхши бўлиши учун олов илоҳига қурбонлик келтирилган тортиқ бўлган. Ҳозир ҳам тандирда нон ёпишдан олдин “хамир учидан патир”, деб бир бўлагини итга ташлашади. Шунингдек, кулоллар маҳалласида IV-VI асрларга мансуб бўлган кичкина сопол оби нонлар топилган. Эҳтимол, новвойлар тумор сифатида ишлатган ёки барака келсин, деб уйда сақлашган. Хотирлаш маросимларида қурбонлик сифатида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Яна бир хонасида эса, сув учун кўзалар чиқарилган бўлса керак, чунки ерига сув маъбудасига атаб ёпиқ кўза ўрнаштирилган. Шунингдек, квадрат шаклидаги тўрт устунли алоҳида залда девор атрофида супалар бўлиб, марказида квадрат оташгоҳ ўрнатилган ва учта хум синиқлари топилган. Тўқувчилар маҳалласида эса тўқимачилик лангарчалари ва сўричалари қурбонлик келтирилгани аниқланган. Шундай тортиқлар Кампиртепада ва Чирикработ мақбарасида ҳам топилган.^{391: 125; 240: 217}

Хоразмда афсунгарлар фотиҳа олиш учун қадимги Қалъа-жиқда тунашган. Бу жой эса, бутун Ўрта Осиёда темирчилар пири сифатида эъзозланган Ҳазрати Довуд билан яқиндан боғлиқ. Фолбинлар, “тушимда фотиҳа берган Довуд хўжа бобо номи билан”, деб фол очиш жараёнини ўтказган. Темирдан ясалган нарсалар тумор сифатида ишлатилганини эсласак, афсунгарлик, темирчилар ва сеҳр-жоду орасидаги боғлиқлик таажжубланарли эмас, деб ҳисоблайди олимлар.^{378: 45-46}

Эҳтимол, ислом тарқалган минтақаларда темирчилар пири сифатида Довуд сайланишига Қуръоннинг 21-сура 80-ояти асос бўлган: “Унга (Довудга) сизларга зиён етишдан сақлайдиган совут ясаш санъатини таълим бердик. Бас, шукр қилувчимисизлар?!”

Фравашилар фақат жон-руҳ рамзи бўлиб қолмай, қудратли аждод-илоҳлар руҳи сифатида салобатли қудратли жангчи ёки чавандоз сифатида ҳам гавдаланган.^{Янот. XIII 45; 507: 499} Авестонинг XIII Яштида айтилган: “Улар энг қақшатқич жанглarda улкан мадад беришади. Улар ҳукмрон салтанатпеша олдига, гўёки парвоздаги гўзал қушдек учиб келишади. Улар сувлар оқимини йўналтиради, ўсимликларни ризқлантиради, Мазда ва Амеша Спенталар иродаси ила чексиз юлдузларга, ойларга ва Қуёшга амри вожиб этади, уларнинг йўли собит ва улар ўз жойлари ҳамда ўз уйи учун жангга киришади”.

Насронийлик даврида диний рамзлар сифатида қанотли фаришталар барча ибодатхоналарнинг деворларини безайди. Исломда эса, учаётган париларга айланиб, уммат учун умумий бўлган фаришталар орасига қўшилиб кетади.^{345: 57; 72} Муҳаммад пайгамбар Меърож кечаси Борақ отида парвоз этганида, саккизта қанотли фаришталар унга ҳамроҳ бўлиш саҳнаси Киев музейида сақланувчи ўлкамиз миниатюрасида тасвирланган. Фаришталар қўлида аланга ёнаётган идишлар, чироқлар ва машъала ифодаланган.^{203: 37} Самарқанднинг V-VIII асрларига мансуб сопол ҳайкалчалари ва кумуш жомида қанотли илоҳалар фраваши сифатида гавдаланади. Ҳатто ислом даврида ҳам астрономик атласларда қанотли илоҳа устига туширилган нуқталар юлдуз туркумини тасвирлаган^{345: 92} (13-расм).

Ислом ва насронийликда бундай тушунчалар аввалги бут-парастлик эътиқодларидан қолдиқ ўзлашма сифатида ўтгани аён. Инсоннинг асрагувчи ва ёвуз руҳ-фаришталари мавжудлигига эътиқод мисоли – Мункар ва Накир.

Ўлкамизда “ёмон” руҳларга ишонч XX асргача етиб келиб, уларнинг эътиборини ўзига тортмаслик учун одамлар уларни уз номи билан эмас, “нарса”, “бало” ёки “зиён”, деб аташган. Биз бу ҳолатни урф ирими, деб аташга жазм этдик, яъни у – маданиятнинг олдинги поғонасига хос белги бўлиб, одат тақозоси билан кейинги босқичга олиб ўтилган шаҳодатномадир. Урф иримларини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга молик, чунки биз хурофот, деб атайдиган кўпчилик нарсалар айнан халқ орасидаги одатларга тегишли бўлиб, уларни ўрганиш тарихий ривожланиш жараёнини тушунишга ёрдам беради.

Халқ орасида ирим сифатида баҳоланиб келаётган кўпчилик одатлар мозийда уларни юзага келтирган муайян урф-одатлар мавжуд бўлганидан далолат беради. Ўлкамизда диний эътиқодлар ўзгариб борган, аммо олдинги эътиқодга хос қатор урф иримлари сақланиб қолган ва ҳатто, янгича диний талқин ва тус олган. Бу жараёнда, одатнинг асл моҳияти унутилиб, янгича талқин олиши ҳам истисно бўлмаган.

Алқисса, Самарқандда руҳлар аҳоли томонидан учга бўлинган:

1. Инсонга ҳомий руҳлар сирасига мазорларда яшаган авлиёлар руҳлари ва “ўчоқ руҳлари”, яъни оилани асровчи кучлар кирган.
2. Инсонга душман руҳлар қаторига алвасти, ажина, дев кирган.
3. Инсонга ишқи тушувчи парилар.^{393: 12, 17}

Авестода шундай дейилган: “Еру кўкнинг орасига қурт каби, ёғилган жин-алвасти». Зардушт Аҳура Маздадан сўрайди: «Не сўз ажиналарнинг// ёвлигин барбод этар», яъни зардуштийлик динида ҳам жинлар ёвуз руҳ Аҳриман томонидан ёмонлик қилиш учун яратилган бўлиб, эзгулик кучларининг ёвлари ҳисобланган. Шуниси эътиборга сазоворки, тахминан ўша пайтларда буддавийлар на жинси, на овқатга эҳтиёжи бўлмаган гўзал самовий мавжудотларни эслашган. Аммо улар ер юзида пайдо бўлган ширин оқ кўпикни



13-расм. “Паризод” – юлдузлар туркуми, Ас-Сўфийнинг астрономик атласи, XV аср расми.

татиб кўриб, ёввойиликка тушади, натижада, гуруч ейиш, бола туғиш, уй қуриш, мулкчиликни талашишга мубтало бўлади ва аста-секин тубанлашиб боради.

Жин-ажиналар ва дев-алвастиларга қарши кураш ўзга ўлкаларга нисбатан ўрта асрлар Европасида ашаддий тус олгани қизиқарли. 1489 йили жоду ҳақида нашр этилган католиклар Папасининг “Malleus Maleficarum” (“Ажиналар тўқмоғи”) номли булла(фатво)си ҳуқуқий ва диний ҳужжат бўлиб, унда Папа Иннокентий VIII ажиналарнинг “оби-ҳавога қарши жиноятлар”га дахлдорлигини айтади: “Кўплаб эркак ва аёллар жин-шайтонлар билан шаҳвоний зинога берилиб, ўз сеҳр-жодуси, дуоибадлари ва ўзга даҳшатли қабих, ақидага зид ва жинояткорона аъмоллари туфайли эркаклар, аёллар, хонаки ва ўзга ҳайвонларга ҳамда узумзорлар, боғу-роғлар, буғдойзорлар, яйловлар ва барча ердаги кўкатларга “кўз тегиш” талафотини юборади”. Айнан шу ҳужжатда улар қандай қилиб тўфон ва бўронларни чақириши ва кучайтириши, чақмоқни эса одамлар ва ҳайвонларни ўлдиришга йўналтириши ҳақида гапирилади. Оқибатда, Европада Инквизиция оби-ҳаво айнаши, иссиқ-совуқ тушишида жодугар аёллар айбдор, деб уларни гулханда ёққан. 1740 йили ҳаво совиб кетгани туфайли, мазкур жараён тарихида энг кўп “ажиналар” оловда ёндирилиб, нобуд бўлгани ҳайратомуз аҳволдир. Европадаги бу ҳолатни Африканинг қолоқ қабилаларида ҳам қурғоқчилик пайтларида асосан қари аёллар ўлдирилгани билан таққослаш мумкин.

Ажина-девларга ишонч энг қадим замонлардан то ҳозирги кунгача сўнмагани диққатни тортади. Ўз пайтида, Беруний ўтмишга таяниб, таъкидлаган: “Жин ва шайтонларни (борлигини) аксарият мутафаккирлар тан олган. Шулар жумласидан, Арасту (Аристотель) уларнинг ҳаво ва оловсимон инсон мавжудоти эканлигини таъкидлаган. Ёки (жинларни) тан олган Яҳё-наҳвчи (VII асрлик епископ, файласуф ва таржимон) ва (ёвуз руҳларни) тавсифлаган бошқа (олим)лар айтишганки, бу – танадан чиқиб кетиб, сарсон-саргардон бўлиб юрган ва орқага қайта олмаётган қабих руҳлар бўлиб, ҳақиқат уларга қоронғи ва доим ғафлатдадир. Тахминимизча, Моний ўз асарларида шунга ўхшаш ҳолатга ишора этган, бироқ маъноси мавҳум ибора ва сўзларда ифодаланган”.^{73 259}

Хоразмда XX аср бошида ҳам ёмон кучларни ҳайдаш учун кўчирма маросими ўтказилиб, касал худди марҳумга ўхшатиб, ётқизилган ва парихон устига гўр хуштук – гўр шамларини

ўрнатиб, ёндирган. Хивада шамларни беморнинг пешонаси, елкалари, кўкраги, қўлларининг панжаси, биқинлари, тиззалари ва оёқ учларига ўрнатишган. Кейин парихон касални пешонасидан бошлаб оёқ бармоқларигача доираси билан уриб чиқиб, амр этади: “Кўч! Йиқилган уйга бор! Кўҳна мачитга бор! Ўз маконингга бор!” Олимлар Авестонинг Вендидад китобида айнан шу маросим акс этганини таққослайдилар. Мурдага теккан одамни *Насу* деб аталган ажина эгаллаб, уни ҳайдаш учун махсус коҳин касалнинг пешонасидан бошлаб елкалари, кўкраги, қўл панжалари, биқинлари, тиззалари, товонлари узра оёқ бармоқларигача сув қуйиб чиқади. *Ўлим ажинаси Насуни ҳайдаш*, Авестонинг кўрсатмасига биноан, махсус хонада ўтказилиб, ер полда махсус тозалаш чуқурчалари қазилиши ва сеҳрли доиралар чизилиши керак бўлган.^{378: 08} Эътибор беринг, бу маросимда одам танасига таъсир этиш жойлари Хоразмнинг парихонлик одатига айнан мос тушади. Қадимда ўлкамиздаги Олов уйларида эса махсус хоналар бўлиб, ерда махсус чуқурча ва қувурчалар ўйилгани ўз талқинини топади. Шу аснода, халқимизда ҳозиргача ҳам баъзан қулоққа чалиниб қоладиган “наҳс босган” деган иборанинг ҳам қадимий илдизлари очилади.

Яхши руҳлар билан бирга, одамга зиён келтирадиган руҳмавжудотлар тарихи ҳам қадим замонлардан бошланиб, турли кўринишлар олган. Шулар қаторида дев-аждарҳолар ҳақидаги тасаввурларнинг замон ва макон узра силжиши диққатга сазовор.

Қадимги сиймолар ўзига хос “ўгирувчанлик”ка мойил. Зардуштийлик динидан олдин, аждодларимиз девларни турли ҳаётий ҳолатларда ҳимоячи кучлар, деб билишган. Илон ҳам, аввалига, яхшилик ҳимоячиси, кейинчалик эса, ёмонлик рамзи сифатида гавдалангани маълум.

Эртақлардаги «*ижобий*» девлар шу қарашларнинг қолдиғидир. Девларга ижобий муносабат, аждодларимиз билан қадимий маданий илдизлари боғлиқ бўлган ҳинд халқида ҳозиргача сақланган. Дев, Дева ўзагидан тузилган исмлар шундан далолатдир. Хоразмнинг ҳам кўп жойлари “Девсолган”, “Девқалъа”, “Девкескан”, деб аталиши уларга шаҳар ва қалъалар қурувчиси сифатида қаралганидан далолат беради ва ўзга халқлардаги тасаввурлардан фарқ қилади. Хоразмда ер ости дунёсининг қадимги илоҳи Фарҳод – қурувчи ва тош йўнувчи девлар ҳомийси бўлган. Кейинчалик, бу қараш “Шоҳнома”га ўтади: Жамшид девларни,

лойни сув билан қориштириб, ғишлар ясаш ва бинолар қуришга мажбурлайди.^{378: 82}

Сўғднинг қадим эътиқодларида Деваясна ғоявий жиҳатдан кучли ривожланиб, ҳукмронларининг исмлари Девастич, Деваштич, Девдато, Девдаст бўлгани бунга далил. Деваяснанинг хусусий белгиси энг қадим шаклдаги оловга топиниш бўлган.^{504: 242-254: 35: 125}

Хионитлар ва эфталитлар ҳукмронлиги даврида Нахшабда ҳам Деваясна турларининг бири ривожланиб, зардуштийликдан олдинги энг қадим диний эътиқодлар ва Авестода тан олинган маросимларни ҳам ўзида мужассамлаштириши билан халқ орасида муқим ўрин эгаллайди. Нахшаб сув илоҳаси ўз ҳамроҳлари сифатида сув мавжудотлари ва эллинизмдан келган Силенни сақлаб қолиши бунга мисол. Чўл кўчманчилари эса, аждодлар эътиқоди ва дафн маросимларини асрагани туфайли хионит ва эфталитлар девларга сифинувчи, деб ҳисобланган.^{391: 310}

Аждод Ҳайвон – Авестода Тахма Урпи, яъни, – “тулки уруғидан”, дегани бўлиб, “Шоҳнома”да – Тахмурас номи билан маълум. У девларни тутиб, анди қилувчи ва ёвузлик маъбуди Ахриманни миниб, 30 йил ўзига хизмат қилишга мажбур этган ва, шу туфайли, эзгу дунёга зарар келтиришдан тийиб турган. Эртақларда учрайдиган девларни ўз хизматига бўйсундирган қаҳрамонлар мавзуининг илдизи шу мифологик асосга бориб тақалса керак, деб ҳисоблайди олимлар.^{12: 114}



14-расм. Девсифат ёмон кучлар намояндаси (Сурхондарё, Бударач шаҳристон. III-V асрлар).

Бироқ ёлғиз Аҳура Маздага эътиқод киритила бошланган пайтдан эътиборан, девлар қора кучлар сифатида лаънатланади. Масалан, дев Бўшйаста узун қўллари билан одамлар ғайратини тўхтатиб, дангасаликка чўктиради ва, Авестога кўра, уни енгиш – савоб ҳисобланган.^{12: 62} Аҳура Мазда шундай дейди: “Мозан девларин қирай // Улар қаҳрин йўқ қилай”. Мозан – мифологик девлар макони ҳисобланиб, зардуштийлик Эронга ёйилгач, Каспийдан жанубдаги ўлкага Мозандарон номи берилган. 14-расмда шу девларнинг сиймоси сифатида бир мисол келтирмоқдамиз.



15-расм. Ҳовончада дев тасвири.

Илоҳ Митра эса, “Девлар бошин янчувчи, // Жазосин берғу-чига // Жодугарларни янчиб”, сифатида таърифланиб, ўлкамиз ҳовончаларидан бирининг юз томонида дев бошининг пастга қарата уч маротаба тескари тасвирлангани ҳам унинг янчиб, йўқ қилинишига ишора бўлган, эҳтимол (15-расм). Аҳамият беринг, девнинг боши олдинги расмга ўхшаш.


Зардуштийлик таълимотига биноан, девлардан энг махлуқи ва инсонга зарарлиси Заҳҳок бўлиб, афсонавий қаҳрамон Фаридун илтижо этади:

Заҳҳокни ҳалок этай.
Уч оғизу олти кўз,
Макру қаллоблик ичра
Ғазабкор девдан туққан.

Заҳҳокни енгишда Фаридунга Вараҳн қушининг патлари мадад бергани таъкидланади:

Алпқомат Фаридун
Учбошли Заҳҳок илон,
Бошларини чопганда,
Шу патдан қувват олган.
(101-б)

Беруний маълумотларига биноан, Яманнинг пойтахти – Санъода қоя устидаги масжид рўпарасида қалъа қурилган бўлиб,




16-расм. Заҳҳок боши.

уни бутун дунё сув тошқинидан кейин Нуҳ пайгамбарнинг ўгли Сим барпо этган ва ичида қудуқ очган. Ўзга маълумотларга биноан, бу қалъа – Венера илоҳаси шаънига дев Заҳҳок қурган ибодатхона бўлган.^{73: 48}

Сўғд Панжикентининг V-VII асрларга мансуб айвон деворларидан бирида елкаларидан илонлар ўсиб чиққан шоҳ Заҳҳок шундай тасвирланган (16-расм).

Мазкур мавзу Сўғдга қадар икки минг йил олдин қадим Месопотамияда кенг тарқалгани маълум бўлиб, маҳаллий цилиндрсимон муҳрларида елкаларидан аждарҳолар ўсиб чиққан маъбуд акс этган (17-расм). Қадим Бактриянинг Заҳҳок ҳайкалчасида эса, илонлар икки чаккасига осилиб тушган (18-расм).

1969 йили илк бор Э. Ртвеладзе ва М. Исҳоқов томонидан тадқиқ этилган Сурхондарёнинг Бароттепа обидасидан топилган



17-расм. Елкасидан илонлар ўсиб чиққан маъбуд (Месопотамия).



18-расм. Бактриялик Заҳҳок.

қолип ҳам Заҳҳок ҳайкалчаларини ясашга мўлжалланган (19-расм).

Аммо турли замон ва халқларда *жин-фаришта* – *ажина-дев атамалари турли мазмунда ишлатилганлиги* бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб этади. Масалан, эронлик олим Б. Саркаратининг фикрича, барча зардуштийлик матнларида авесточа *Parika* ва ўрта-форсча *Parik* аёл жинслик ахриман махлуқ бўлиб, ёмонликнинг ифодасидир. У ёвуз, жаҳлдор ва нопок бўлиб, жодугарлар, девлар ва авесточа *Jahika* – дев-аёл билан бир қаторда номланади. Аммо зардуштийлик уларнинг ҳам ўлкасига келгач, ахлоқ нормалари ўзгариб, гуруҳий фоҳишабозлик ман этилади. Маъбуда ҳам рад этилиб, ахримоний махлуқ деб эълон қилинади ва девларга тенглаштирилади.^{7: 119}



19-расм. Заҳҳок ҳайкалчасини ясаш учун қолип (Сурхондарё Бароттепаси. II-III асрлар).

Шу билан бирга, “Шоҳнома”дан бошлаб “пари зот” шеърятга ўта чиройли, жозибадор, яхшилик келтирувчи ва жин-девларга қарама-қарши сиймо сифатида кириб келади. Е. Бертельс фикрича, исломнинг илк асрларида зардуштий “пари” сўзи арабча “жин” сўзи билан қўшилиб, “жин-пари” жуфтлигига айланади. Аждодларимиздан буюк мутафаккир Замахшарий XII асрда ўзининг “Муқаддимат ул-адаб” номли араб-форс қомусида арабча “жин” сўзини “пари” деб, “шайтон”ни эса “дев” деб форсчага ўгиради.

Е. Бертельс бу ҳолатни таҳлил этиб, шундай хулосага келади: жинлар исломдан олдинги арабларнинг тасавури бўлиб, Қуръонда (XV, 27) одамлардан олдин соф оловдан яратилган “Аллоҳнинг махлуқлари”, деб аталган. Қуръонга биноан, улардан айримлари исломни қабул қилган, бошқалари эса – кофир бўлиб қолган. Исломни қабул қилган жинлар мусулмонлар тасавурида парини девлар билан эмас, балки одамлар билан жуфтлаб, “сақалони” деб атади ва форсчага “пари ва инсонлар” деб таржима этилган. Қуръон муфассирларининг таърифича, “сақалони” арабча “юк”

сўзининг иккилик шакли бўлиб, “заминнинг икки юки”ни англатган. Замахшарий ҳам бу жуфтликни форсчага “пари ва мардум” – “пари ва инсон” деб ўгиради. Бу жуфтлик эса Қуръондаги “инс ва жинс” жуфтлигини билдиради. Шундай қилиб, исломдаги “жинлар” зардуштийларнинг ёвузлик рамзи бўлган девларидан тубдан фарқ қилади.^{72 124}

Е. Бертельснинг таъкидлашича, Ўратепа ва Самарқанд аҳолисининг фольклори ва маросимларида пари алоҳида ўрин тутди. Бунга мисол “пари-талбон” – “парини чақириш” маросими бўлиб, одамлар қурбонлик келтириб, турли руҳларни “чақиришган ва уларни меҳмон қилиб”, касалнинг соғайиши, қийинчиликларнинг ҳал бўлиши ва ҳоказоларни илтижо этишган. Бундай дуо шайтондан паноҳ беувчи Аллоҳга илтижо сўзлари билан бошланиб, сўнгра ёлвораётган одамнинг турли-туман ҳомий пари-руҳларига мадад сўраб мурожаат этилган. Пари-талбонда, шунингдек, парилардан девларни қувиш сўралган. Самарқандда “суфраи мушкулкуша” – “мушкулликларни даф этувчи зиёфат” бўлиб, унда ҳам руҳфаришталардан мадад сўралган.^{72 129-132}

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, анимизм издошлари руҳ инсон ҳаётини ҳам тириклигида, ҳам нариги дунёда бошқаришига ишонишган. Бундан эса, руҳларга хуш ёқиш, ғазабини келтирмаслик ҳиссиётлари пайдо бўлиб, пировардида, уларга сажда қилишга ўтилган. Шу аснода, инсон қўрқув асосида бўлса ҳам, яхши ва ёмонни фарқлаб, ўзини ножўя қадамдан тияди ва маълум бир ахлоқий меъёрлар вужудга келади. Таъбир жоиз бўлса, шу тариқа, қадимий бошланғич фалсафа ва ахлоққа замин яратилади.

Қадимгиларнинг руҳларга нисбатан ҳурмати тарихни аждодлар солномаси сифатида тушуниши ва насл-насабини эъзозлашида ҳам намоён бўлади. Ригведада художўй одамлар ўз танасида қайта тирилиши уқтирилади; брахманизм ва буддизмда ҳам ўз танасида жаннат ёки жаҳаннамда қайта тирилиши айтилади; яҳудий ва насронийларда ҳам қайта тирилиш ҳақида гапирилади, яъни ибтидоий анимизм эътиқоди ривожланган жаҳон динлари матнида ҳам ўз ўрнига эга.

ФЕТИШИЗМ

“Фетишизм” – нарсаларга сиғиниш, бош чаноғининг ўзини бутга айлантиришган, бутпарастлик анимизм ва фетишизмдан кейинги поғона, аждодлар куч-қудратининг моддийлаштирилган эътиқоди, “балбал”, “тул”, марҳум “руҳининг нури”, Фарғона водийси Қайрағоч ибодатхонасининг бутлари, Дз-си руҳига аталган ибодатхона, бутлар ўрнига олов ёқишди, Пойкент бутхонасининг 400 мисқол оғирлигидаги кумуш бути, Ибн Сино суратининг 40 нусхаси, “қўғирчоқпараст”лар, фетиш қаторидаги тумор билан боғлиқ сеҳр-жоду ва афсун (магия), қабилабоши қўлида сиёсий ва диний раҳбарлик мужассамлашган, ёмон руҳларни “ҳайдаш” маросими, тумор шакллари, тумор сифатидаги остона эътиқоди, “медицина” – “Сино давоси”, нариги дунёнинг бу дунёдан устунлиги эътиқод даражасига кўтарилади.

Ибтидоий инсон айрим жонсиз нарсалар ҳам воқеаларга таъсир этиб, ўзига керакли натижага ёрдам беришига ишонган ва улардан ҳимоя сўраган. XVIII аср мутафаккири Де Бросс, африкалик қабилаларнинг шу ният билан жонсиз нарсаларга топинишидан ҳайратланиб, бу ибтидоий эътиқодни “фетишизм” – нарсаларга сиғиниш, деб атайди. Бу атаманинг инглиз тилидаги маънолари эътиқод моҳиятини тушунишга ёрдам беради: 1 – тумор; 2 – сажда қилинадиган нарса; 3 – бут. Демак, бирон нарсани тумор сифатида кўриб, ўз олдига қўйиб, ниятлари рўёбга ошиши учун унга сажда қилиш – фетишизм, дегани.

Файласуф Кант, фетишизм атамасини ибтидоий дин назариясини тушунтириш учун қўллади. Олдинги фаслда кўрганимиздек, ибтидоий инсон нафақат одам ва ҳайвон, балки ўсимлик ва ҳаракатсиз ашёларнинг ҳам ҳаёти ва руҳи борлигига ишонган. Кант, бу ҳолатни “инсоннинг барча ташқи ҳам табиий, ҳам сунъий ашёларда худди бизникига ўхшаш жони бор мавжудотларни кўришга мойиллиги – соф фетишизмдир”, дея таърифлаган. Айнан фетишизм табиатни илоҳийлаштиришга келтирган бўлиб, Кант фикрича, “Қадимгиларнинг Коинот руҳи ҳақидаги тушунчаси ва Ер – бу катта жонли мавжудот, деган тасаввур – умумлаштирилган ва системага келтирилган фетишизмдир”.^{178: 258}

Э. Тайлор умуман руҳларга бўлган эътиқодни – “анимизм”, нарсаларда мужассамлашган руҳларга эътиқодни эса – “фети-

шизм”, дея таърифлайди, ва бу эътиқод замирида бутпарастлик пайдо бўлган, дейди.^{394: 63}

Дарҳақиқат, бутларда анимизм ва фетишизм эътиқодлари бирлашади, деб ҳисоблайди олимлар. Бу борада, эрампиздан олдинги II мингйилликка мансуб Италия ва ўрта асрлардаги Самарқанд ҳамда Кавказ бутларига ягона битта рамз – тепага қаратилган нимтухумсимон (U) шакл хослиги ҳамон *сир бўлиб келмоқда*^{345: 37} (20-расм).

Аҳамият беринг, махсус рамз ҳайкалчаларнинг бош қисмида чизилган бўлиб, хорижликларининг сиймоси схематик, яъни табиий ҳолидан йироқ кўринишда ифодаланган бир пайтда, самарқандлик бутнинг юзи аслига яқинлиги ва маҳаллий қиёфага эгалиги билан диққатни тортади.

Турли халқларда фетиш сифатида марҳум аждодларнинг бош чаноғи эъзозлангани эса, тарихдан маълумдир. Масалан, қадим яҳудийлар марҳум бош чаноғининг этини лой ёрдамида тиклаб, унга сиғинишган. Қадим Мисрда бош чаноғини алебастр билан қоплаб, марҳумнинг юз тузилишини тиклашган. Мумиялар билан қабрга бошининг оҳак шакли ёки алебастр ниқобларини қўйишган – агар асли тўкилса, қайта тирилганида, илоҳлар ниқобига қараб тиклаши учун. Кейинги босқичда марҳумнинг ҳайкалини ясаб, олдиди “қайта тирилтириш” маросимлари ўтказилган.^{512: 55}

Бир сўз билан айтганда, қадим халқлар бош чаноғининг ўзини бутга айлантиришган ва унга сажда қилишган. Шундай сопол ниқоблардан бири Хоразмнинг э. о. V асрларга мансуб Қўйқирил-



20-расм. Чапдан ўнга: Италия, Кавказ ва Самарқанд бутларидаги “U” шаклидаги рамз.

ганқалъасидан топилгани мазкур эътиқод бизда ҳам илдиз отганидан далолат беради (21-расм).

Назаримизда, бош чаноғи ва суякларни эъзозлаб сақлаш ва уларга сажда қилиш кўчманчи қабилаларнинг муқим масканга эга бўлмаганидан келиб чиққан, яъни бутун тана суякларига нисбатан чаноқнинг ўзини олиб юриши осон бўлган. Эрамиздан олдинги III асргача майитнинг тозаланган суяклари ёки бош чаноғи турли шаклдаги мадфанларга қўйилиб, исломгача эса, тозаланган бош чаноғи ва бир нечта суяклар оссуарийларда дафн этилган. Бактриянинг айрим обидаларида эркак бош чаноғининг хумда дафн этилиши эрамиздан олдинги VI-V асрларга тааллуқли. Шунга асосланиб, Ю. Рапопорт оссуарийлар аввалига бош чаноқларини сақлаш учун қўлланилган, деб тахмин қилади. Ўлкамизда бош чаноғига бўлган эътиқодга мисоллар кўплаб учрайди. Хоразмнинг Қанғақалъасида IV асрга мансуб мақбарада тўртбурчак оташгоҳ атрофида ўт ва қамиш устида 15 та одам бош чаноқлари ва табиий рангларга бўялган одам юзининг алебастр ниқоби ҳамда алебастрдан ясалган ҳайкалнинг синиғи топилган. Олимлар реконструкция қилган чаноқлар ҳозирги хоразмликларни эслатади. Худди шундай мадфан III-IV асрга мансуб Кўҳна Увайсда топилади, фақат у ерда оташгоҳ атрофида оссуарийлар жойлашиб, бу ерда ҳам мато асосли катта ҳайкал бўлаклари топилган. Бухоро воҳасининг Калканати деган жойида бош чаноқларининг мажмуавий қилиб кўмилгани ва Тошкент воҳасининг Кавардон масканида Бухородагига ўхшаш боши доирасимон, деформацияга учраган (шакли бузилган) 30 та бош чаноғи дафн этилган. Сўғдда Самарқанднинг эрамиздан олдинги III асрига оид кулоллар қишлоғида одам бош чаноқлари итларнинг суяклари билан бирга кўмилган. Кофирқалъа ёнидаги ҳовлилардан бирида ҳам инсон бош чаноқлари ва оссуарий қолдиқлари билан бирга итларнинг жағлари топилган. Фарғона водийсининг Чустида бир қабрга от ва сигир суяклари, қўй бош чаноғи ва бешта одамнинг бош чаноқлари дафн этилган. Бухоро вилоятининг Қизилқир II обидасида бир уйнинг остонаси тагида салиб шаклида қўйилган суяклар устида буқача



21-расм. Қадимги Хоразм дафн ниқоби.

боши кўмилгани эса, уйни ёмонликдан сақловчи тумор вазифасини ўтаган ва чорва кўпайишига қаратилган. Бу таомиллар зардуштийликка мутлақо ёт бўлиб, ўлкамизнинг энг қадимги тасаввурларига асосланади.^{206: 48; 391: 304; 442: 213; 368: 38; 328: 22; 162: 55; 487: 351; 546: 47-53: 32: 153}

Хулласи калом, марҳумнинг бош чаноғи эгасининг тириклигидаги хусусиятларини ўзида сақлайди ва муайян сеҳр-жоду орқали бу кучлардан фойдаланиш мумкин, деган қадимгиларнинг ишончи – фетишизм эътиқодининг кўринишларидан биридир. Бундан кейинги босқич, ўз-ўзидан, турли нарсалар ва илоҳларнинг ҳайкал-бутларига сиғинишга келтиради. *Бутпарастлик анимизм ва фетишизмдан кейинги поғона*, деб ҳисобланиши мумкин. Чунки у ўзида руҳларнинг мавжудлиги ва муайян нарсаларда мужассамлаша олишига ишончни бирлаштирган. Инсон ўз олдига кўра оладиган нарсани қўйиб, сиғинадиган илоҳи айнан шу нарсада мужассамлашган, деб топиниши тафаккурининг ибтидоий заифлигидан далолат бериб, кейинги диний эътиқодлар бу ҳолатга қарши чиқади.

Ҳайкалча-бутлар ҳолати бир-биридан фарқ қилгани табиий. Бутлар қўли ёки устидаги нарсалар, жасадининг мақоми эътиқод моҳиятини очишга қаратилган бўлиб, ўзига хос санъат даражасига кўтарилган. Санъатшуносларнинг фикрича, инсон баданининг вазиятлари мингга яқин, аммо бутлар учун икки мақом – ўтирган ва турган вазият хосдир.^{509: 231}

Ўз табиатига кўра, бутлар яхшилик келтирувчи ва ёмонлик ташувчи бўлган. Инсонлар яхшилик маъбудаларидан нажот истаб, уларга сиғинишган ва ҳайкалчаларини уйларига ва ибодатхоналарга қўйишган. Хоразмнинг Бозорқалъаси ёнидан қўлда ишланган аёл ҳайкалчасининг бошсиз танаси топилган. Ғарб олимларининг фикрича, бутларнинг бошсиз топиллиши илтимосни бажармагани учун жазо бўлган.^{507: 17} Наршахий маълумотида кўра, Бухорода аҳоли Олов уйдан муқаддас олов олиб, ҳар йили махсус маросим куни шоҳ шахсан келадиган бозордан эса, янги бутларни харид қилган. Мазкур, *бутлар сотилган бозор Моҳ (Ой)*, деб аталишидан олимлар унинг Ой илоҳи эътиқоди билан боғлиқлиги ҳақида хулоса чиқаради.^{48: 17} Беруний маълумотларига биноан, Фервердин-Моҳ ёзнинг бошланиш байрами бўлган, Тир-Моҳ – куз бошланиши, Миҳр-Моҳ – қиш бошланиши ва Дей-Моҳ – баҳор боши. Рўзидей ба Миҳр (у яна Пайкан деб ҳам аталган) хамир ёки лойдан одам шаклидаги бут-ҳайкалча ясаб, дарвоза олдига қўйишган.^{74: 239}

Наршахийнинг Бухорода сопол ва ёғочдан кўплаб бутлар яшаш таомили ҳақидаги ахбороти шу орқали тушунилиши мумкин, деб ҳисоблайди олимлар.


Пировардида, фетишизм ёғоч, лой ва ўзга моддалардан бутлар ва туморлар яшашга келтириб, руҳлар ва тотем аجدодлар куч-қудратининг моддийлаштирилган эътиқоди пайдо бўлади. Илоҳларнинг темирдан ясалган тасвирлари ҳам бўлган. Аммо улар асосан ёғочдан ишланганлигини, араблар Самарқанд ва Пойкентни ишғол этганида кўплаб бутларни ёқиб юборгани ҳақидаги маълумот тасдиқлайди. Улар мато либосларга кийинтирилиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган.^{275: 15-20} Маъбудаларнинг лой ва сопол ҳайкалчалари ўртаҳол аҳоли уйларида топиллиб, ўзига тўқ хонадонларда бронза, олтин, фил суяги ёки тилладан ясалган ҳайкалчалар ва диний мазмундаги деворий тасвирлар мавжуд бўлган. Лекин жамоанинг барча аъзолари шаҳар ибодатхонасига борган ва, шу тариқа, эътиқод ришталари ҳаммани боғлаб, жамоанинг энг юқори поғоналаридан энг қуйи қатламларигача қамраб олган. Ўзига хос ғоявий муҳит яратилиб, аҳоли тоат-ибодат, ҳукмронларга бўйсунуш руҳида тарбияланган ва илоҳий кучларга сажда қилиб, тақводор бўлиб яшашга интиланган. Жодугар ва афсунгар(шаман)лар эса, бут-туморлардан фойдаланиб, инсон онгига ўз таъсирини кучайтиради. Кейинги поғонада катта бутхоналар қурилиб, турли илоҳ-маъбудаларнинг катта ҳайкаллари ўрнатилади ва уларга сажда қилиш маросимлари шаклланади.

Эрамиз бошида Фарғона ва Хоразмда аждодлар эътиқоди билан боғлиқ бутлар алоҳида ўрин тутгани маълум бўлиб, улар ибодатхоналар ва мақбараларга қўйилган. Қашқадарё воҳасининг Ерқўрғон ибодатхонасида ҳам марҳумларнинг ҳайкаллари мавжуд бўлиб, диний маросимларда қавм-қариндошлари уларнинг атрофида хотирлашга тўпланиб, таомлар тортилган.^{84: 5-7} Сопол ҳайкалчалар уста ясаган қолипдан кулоллар томонидан бажарилиб, Хоразм обидаларидан 1980-йилларга келиб, антик даврга оид 250 та аёл сопол ҳайкалчалари ва синиқлари, эркакларники – 115 та ва бир нечта болаларники топилган. Ҳайвонларнинг ҳайкалчаларига эса, қолипда эмас, асосан, қўлда шакл берилган. Бироқ сувдон (фляга)нинг биқини ва ўймакор рельефлардаги расмлар, хум бошига ёпиштирилган ҳайвонларнинг қуббача бошлари ва ўчоқ тағлама-сидаги от боши шакллари қолипда бажарилган. Сопол буюмлар Хоразмда эрамиздан олдинги IV асрда пайдо бўлиб, IV асргача ишланган. Кейинчалик эса, ганчдан ясала бошлайди.^{105 184-18} Шуниси

диққатга сазоворки, вужудга келган заминдан четга тарқалган бут ва ҳайкалчалар баъзан асл ҳолини кўчирилган ерида сақлаб қолиб, яратилган заминда ўзга динлар билан омукта бўлиш натижасида ўз қиёфасини ўзгартирган.

Қадим Хоразмнинг одам шаклидаги ҳайкалчаларининг кўпчилиги эрамиздан олдинги V ва эрамизнинг I асрига мансуб Жонбосқалъадан топилган бўлиб, орқа томони япалоқлигига қараб, учта гуруҳга бўлинади^{402: 196-200}: 1. Бўйнида бир неча қатор маржон, чап қўли кўкси тагига қўйилган узун кўйлакли аёл ҳайкалчалари. 2. Либослари батафсил ифодаланиб, ҳаққоний тарзда тасвирланган аёл ва эркак ҳайкалчалари. 3. Турли шакл ва ҳолатдаги ҳайкалчалар жумласига қуйидагилар кирган: а) аёл ҳайкалчалари уятчан “Венера ҳаракати”да билагузукли қўллари билан кўкракларини тўсиб турибди; б) эркак ҳайкалчаларининг жинсий томони бўрттириб кўрсатилган. Кейинчалик, маҳаллий муҳитга мослаб, узун кўйлак “кийдирилган” аёл ҳайкалчаларини Анахита билан уйғунлаштириб, эркак ҳайкалчаларини – Вахш ва Сиёвуш деб ҳисоблашади. Олимларнинг фикрига биноан, мазкур қадимги ҳайкалча-бутлар қадимги Хоразм илоҳлари пантеонининг иккита энг эъзозланган илоҳи – Анахита ва Сиёвушга бағишланиб, топилмаларга қараганда, ҳар бир уйда уларнинг бути бўлган.

Аёл маъбудаларининг шакли ва кийими эътиқод ҳимоясида ўзгармаган бўлса, от устидаги чавандоз ва аждодлар тимсолидаги эркак ҳайкалчаларининг шакли ва кийими замон ва макон зайлига қараб, ўзгариб борган. Чунки улар аждодлар, шаҳар асосчилари ва қаҳрамонлар бўлган. Алқисса, V-VI асрларга келиб, аёл ҳайкалчалари кескин қисқариб, ўрнига бой либослар кийган, қўлида катта икки томонлама қилич тутган салобатли ҳукмрон ва маъбуд ҳайкалчалари кўпаяди. Ерқўрғон ибодатхонасида бундай шоҳона шахсининг 10 та ҳайкалчаси топилади. Улар катта қиличга таяниб, елкасида “Т” шаклидаги оташгоҳ ушлаган тарзда тасвирлангани ўлканинг ўша даврдаги асосий диний эътиқодидан далолат беради. Бу шахс – муқаддас оловни сақловчи ва асрагувчи шоҳ, айна пайтда, ўзи коҳин ҳам бўлган. Бу тасвир Амударё хазинаси ва Кушон даври тангаларида ҳам акс этган. Масалан, Будрач шаҳристонидан топилган тангаларга бир умумийлик хос: олд томонидаги шоҳ тасвири ёнида сўғдча, бактрийча тилларда “ҳукмрон” деб ёзилган, орқа томонида эса – икки томонида коҳинлар тик турган оташгоҳ тасвирланган (22-расм).



22-расм. Бактрия ва Сўғд тангаларидаги шоҳ-коҳин оташгоҳ олдида
(V-VI асрлар).

Яна бир тур ҳайкалчаларда юраётган от шаклидаги тахтда ўтирган шоҳона салобатли шахс эғнида совут япроқчалари аниқ кўриниб турибди.^{391 198} Назаримизда, бу – от устидаги Митра тасвири, чунки Авестода у, “олтин совут” кийиб, от устида юриши тасвирланган. Р. Сулаймонов тахт деб тахмин қилган нарса ароба бўлиши керак, шоҳона салобат эса Авестонинг “пурвиқор” ибора-сига тўғри келади:

Гилдираклари баланд
Осмоний аробани
Бошқарар, кунчиқардан
Парвоз этиб пурвиқор.

Шунга тақлид қилиб, шоҳлар ҳам ўзи зарб этган тангаларда ўзини совутда от устида тасвирлаши анъана тусини олади. Масалан,



23-расм. “Шоҳлар шоҳи, Буюк халоскор” (Далварзинтепа тангаси, I аср).

Далварзинтепадан топилган тангада шу ҳолатни кўришимиз мумкин (23-расм).

Танганинг олд томонида шуълали гардиш бор тож кийган шоҳ расми, орқа томонида эса – от устидаги шоҳдан ўнг томонда уч тишли айри шаклидаги тамға ва “Шоҳлар шоҳи, Буюк халоскор” деган ёзув зарбланган.



24-расм. Шоҳсанам бутлари.

Шу билан бирга, халқ орасида аждодлар ва ёмонликдан сақловчи бут-туморлар кенг тарқалган бўлиб, уй ибодатхоналарида ҳам уларга оила аъзолари биргалашиб сажда қилгани маълум. Хоразмнинг Шоҳсанамидан топилган юпқа ганч қатлами билан қопланиб, устидан ранг берилган бутлар термаси шулар қаторига киради (24-расм).

Шунга ўхшаш бутлар Сирдарёбўйи қабилалари ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ҳам мавжуд бўлган. Улар кенотафларда ҳам учраши мусофир-

ликда вафот этган марҳумнинг руҳини хушнуд этишга қаратилиб, анимизм эътиқодига хосдир. Бу йўналишда Ўрта Осиё туркий қабилаларида одамларнинг “балбал” деб аталган тош ҳайкаллари ўрганиш аҳамиятини олимлар таъкидлаган^{120: 151-158} (25-расм).

Айрим тадқиқотчилар, уларни машҳур туркийлар тасвири деса, ўзгалари аксинча, бу ҳайкал-бутлар – улар ўлдирган номдор душманларининг тасвири, деб ҳисоблашади. Биз иккинчи фикрга қўшилиб, бу ҳайкаллар атрофдагиларга уларнинг буюклигини кўрсатишга қаратилганлигини эътироф этамиз. X аср муаррихи Аҳмад ибн Фадлан келтирган маълумотга кўра, ўғуаларда, марҳум тириклигида ўлдирган одамларнинг тасвирини ёғочга тушириб, унга хизматкор бўлади, деб мақбарасига қўйишган.^{195: 63: 47 56}

Қадим ёзувларда ҳикоя қилинишича, Илтерес-хоқон ўлганида, қабри олдида терилган балбаллар орасида Баз-хоқон балбалини ҳам қўйишган. Энасой қирғизлари билан курашган Мочжо-хоқон қабри олдида ҳам қирғиз хоқонининг балбали қўйилган.^{268: 68} Олимларнинг фикрича, Иссиққўлда топилган балбаллар Сўғд ва Сурхондарёнинг Болаликтепа тасвирлари таъсири остида яратилган. Уларнинг ҳолати, кийими, турли ашёлари ва ҳатто қўлларининг чизмаси ҳам шундан далолат беради.^{70 81} Л. Альбаумнинг фикрича, VI асрда туркий хоқонлик кучайиб, форслар билан биргаликда эфталит давлатига қарши юришда уни вайрон этганидан кейин, аскарларининг қабрларига мағлуб бўлган эфталитларнинг балбали қўйилган. Шу сабаб, улар Болаликтепа тасвирларига ўхшашлиги таажжубланарли эмас.^{20: 194}

Балбаллар Қозоғистондан то Монголиягача учраган бир пайтда, Ўзбекистонда топилмагани, олимларнинг фикрича, туркий дафн маросими билан боғлиқ. Таншу хитой солномасида айтилишича, майитни чодир ичига қўйиб, авлодлари ва қариндошлари от ва қўйларни қурбонлик келтириб, чодир олдида ташлашади.



25-расм. Ўрта Осиёнинг туркий қабилаларига хос бўлган балбал (тош ҳайкал).

Кейин, муайян куни майитни оти ва нарсалари билан бирга ёқиб, кулини тўплашади ва белгиланган куни қабрга дафн этишади. Солномада “ўлим куни ва дафн куни мотам маросими ўтказилган”, дейилишини Л. Альбаум “дафн куни” да мақбарага келтирилган кул қўйилган, деб ҳисоблайди. “Қабр ёнида қурилган хонага эса, марҳумнинг тасвири ва иштирок этган жангу-жадали баён этилган маълумотлар ва (қатнашган шахсларнинг) тасвирлари ўрнатилган”. Шунингдек, қабри олдидаги мазкур “шуҳрат” хонасига марҳум ўлдирган одамлари сонига қараб тош ҳайкаллар қўйилган. Яъни туркий қабилаларда тош бутлар марҳумнинг ўлган куни эмас, уни дафн этиш кунда, ўз юртида ўрнатилган. Халқ марҳумни унутмаслиги учун балбаллар қўрғонларда, йўл четида ва довларда ўрнатилган. Қабр ичида эса, узоқ ўлкаларда оламдан ўтган марҳумнинг кули дафн этилган.^{20: 105, 75: 230}

Умуман, қабрларга инсонларнинг тасвирлари ва ҳайкалчаларини қўйиш одати эрампдан олдинги VI мингйилликда Тигр ва Евфрат дарёлари оралиғидан бошлаб кузатилади. Қадим Хитойда марҳум билан хотини, қуллари ва қурбонлик ҳайвонларни бирга кўмиш одати мавжуд бўлиб, кейинчалик, қабрларга уларнинг тасвирлари қўйила бошлайди.^{83: 55-56}

Ўлкамизда қадим замонларда бутлар ўрнида бир бўлак тош шаклидан марҳумнинг руҳини билдирган қўғирчоқларгача ишлатилгани маълум. XX аср бошида Зарафшон дарёбўйи аҳолиси йигит ёки қиз қабри устига жинсига монанд қўғирчоқ қўйиб, марҳум либосларидан тикилган кўйлакка ясантиришган. Тошкентда XX аср бошида ҳам қабрларга қўғирчоқ қўйишган экан. Яъни бу одат марҳумга ҳамроҳ бериб, тирикларга тегмаслигини илтижо этишни билдирган. Шунингдек, марҳум руҳи келиб, қабр тошида қўнишига ишонишган. Фарғона водийси қирғизлари XX аср бошида ҳам марҳумнинг тасвирини ясаб, унда руҳи яшайди, деб ишонишган ва номини “тул” дейишган. Уни марҳум кийимларига кийинтириб, ўтов бурчагидаги парда ортига қўйишган. Бурчақда, 40 кунгача марҳум “руҳининг нури” деб, шамлар ёқиқ турган. Меҳмонлар келганида, унинг олдида аёллар йиғи-сиғи қилиб, севикли хотини юзларини тимдалаган. Бир йилгача уни сақлашган ва кейин беванинг мотам кийими билан бирга ёндиришган ҳамда яқин-қариндошларга хотирлаш зиёфати беришган. “Манас” эпосининг қаҳрамони шундай насиҳат қилади: “ўлимимдан кейин сеvimли Гулойим тасвирим олдида туну-кун ўтирмасин ва кўз ёшларини тўкмасин”. Қозоқларда ҳам шундай одат кузатилган. Аслида, тул одати ҳақида дастлабки

маълумотлар қадим туркий қабр тоши ёзувидан маълум: “61 ёшимда кўк самода Қуёшни кўрмай қолганимда, бекам уйимда тул ясади”.^{393: 248} Рус тилининг изоҳли луғатларидан В. Радлов асарида бу сўз “бева” деб талқин этилгани ҳозирги туркий тиллардаги маъносига мос тушади. Шу билан бирга, айрим олимларнинг фикрича, тул сўзи қадим туркий лаҳжаларда “руҳ” маъносини англатган, кейинчалик эса, унинг бирламчи моҳияти унутилиб, “бева” маъносида ишлатила бошлаган.

Яқин марҳумларни қўмсаш ва соғиниш азоби енгилроқ кўчиши учун ўлкамизнинг турли минтақаларида уларнинг бут-ҳайкаллари уй ибодатхоналарида эъзозланиб сақланган. Масалан, Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонасидан таги кенгайган ёки орқа томонига таянч таёқчаси ўрнатилган бутлар кўплаб топилган. Шу жиҳати билан улар Фарғона водийсининг алебастрдан ишланган дафн бутларига яқин туради.^{391: 220} Фарғона вилоятининг эрамыздан олдинги I мингйиллик ўртасига мансуб дафн қўрғонларидан топилган кичик сопол ва алебастр ҳайкалчаларда муайян кишилар тасвирланиши асосида олимлар, бу – аждодлар руҳи билан боғлиқ одат, деб хулоса чиқаради. *Фарғона водийсининг Қайрағоч обидасининг* уй ибодатхонаси ҳовлисида катта ҳовуз бўлиб, квадрат шаклидаги залда девор тасвирлари чизилган, марказда эса, оташгоҳ жойлашган ва учта исириқдон ёнида маржон доналари сочилган. Ибодатхона катта уйнинг марказида жойлашиб, ташқи олам билан алоқаси бўлмаган. Залда бел баравар баландликда 12 та ҳайкалча топилиб, уларнинг боши танасига нисбатан катта бўлган. Обидани ўрганган олиманинг фикрига кўра, ҳайкаллар устида ранг-баранг кийим бўлган.^{82: 507-512} Оташгоҳ борлиги аждодларга сиғиниш олов эътиқоди билан биргаликда ўтказилганидан далолат беради. Исириқдонлар ва турли атама қурбонликлар маросим жараёнини ойдинлаштиради. Ҳовлида катта ҳовуз борлиги сув эътиқоди ҳам маросимда муҳим вазифа ўтаганидан дарак беради.

Баландлиги 9,5 смдан то 66,9 смгача бўлган 12 та бутдан 9 таси алебастрдан, 2 таси лойдан ва биттаси тошдан ясалган бўлиб, барчасининг пешонаси, ияклари ва ёноқларида қизил бўёқ суртилган (26-расм). Яхшироқ сақланган ҳайкалчаларнинг юзи, олиманинг тавсифига биноан, гўё икки қатламли бўлиб, ниқобга ўхшаш. Олима бу ҳолатни, илоҳа юзига ниқоб қопланган ёки эскирганидан кейин тузатилган, деб ҳисоблайди. Биз бу тахминга қўшила олмаймиз. Бу ҳайкалчаларнинг барчаси ўзига хос бетакрор қиёфага эга бўлганлиги боис, қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:



26-расм. Фарғона бут-ҳайкалчалари.

назаримизда, буни марҳум юзидан ниқоб олиш одати билан боғлиқ бўлган аждодлар руҳига сажда этиш маросимларининг бир қисми сифатида англаш мумкин. Барчасининг пепонаси, ёноқлари ва ияги қизил рангга бўялгани, қонга тақлид қилиб, бошлари қора рангга бўялгани эса – сочини билдирган.

Олима шунга ўхшаш ҳайкалча-бутлар ўлкамизнинг барча минтақаларида мавжуд бўлганини таъкидлаб, Қайрағоч ҳайкалчалари махсус ибодатхонадан топилганига урғу беради. Умуман олганда, алебастр ҳайкалчалар асосан Сирдарёбўйи минтақаларига мансуб бўлиб, эрамиздан олдинги мингйилликлардан бошлаб ўлкамизда одам шаклидаги тасвирлар ва ҳайкалчалар бутпарастлик, астрал эътиқод ва аждодларга эътиқод доирасида қўлланилган. Бу ҳақдаги ёзма маълумотлар Хитой солномалари, юнон-рум муаррихлари асарларида ҳам ўз аксини топган ва биз уларни рисоламизда турли эътиқодларга нисбатан алоҳида кўриб чиқмоқдамиз.

Масалан, Хитойнинг Таншу солномаларида ўлкамиздаги бутлар ҳақида шундай маълумот келтирилган: “Дэ-си руҳига атаб бунёд этилган ибодатхонада аҳоли унга сажда этади. Бу ибодатхонадаги тилла идишларда улар Хан сулоласининг Осмон ўғли томонидан ҳадя этилгани ёзилган”.^{75: 313} VI асрга доир Бейши солномаси янада батафсил маълумот беради: “Бу ўлкада Дэ-си руҳи ҳукмрон бўлиб, унга Ғарбий денгиздан тортиб, шарқ томондаги барча аҳоли топинади. Мазкур эътиқод йўналишидаги Самарқанддаги бутхонада Дэ-си руҳига ўрнатилган тилла бутнинг қалинлиги 5 метр ва баландлиги ҳам шунга монанд. Унга атаб ҳар куни 5 та туя, 10 та от ва 100 та қўй қурбонлик келтиришади. Қурбонлик қилувчилар сони баъзан бир неча минг кишига етади ва ҳамма нарсани еб, тамом қилишга улгуришмайди ҳам”.^{75: 275}

Хитой муаррихларининг, Дэ-си бути “Кангюй салтанатида” жойлашгани ҳақидаги маълумотини, Г. Брикина Қайрағоч жойлашган минтақа деб ҳисоблайди. Унинг хулосасига биноан, Қайрағоч бутлари, тузилишига кўра, жуда қадим замонларга мансуб бўлиб, ҳар бир уй, дала ва хўжалик ҳамда ҳунар турлари ўз бутларига эга бўлган замонларга бориб тақалади. Дарҳақиқат, Авестода ҳам қабила ва уруғ билан бирга, муайян уй ва оила руҳлари ҳам мавжуд бўлиб, ўтган аждодларнинг руҳлари ҳам шулар қаторига киргани ва тирикларнинг фаровонлигини қўриқлагани айтилган. В. Лившиц бу руҳларни фравашилар билан таққослаб, улар бут сифатида ифодаланган, деб ҳисоблайди.^{224: 140} Айрим олимлар Бухорода

бутларга сиғинишни ҳам фравашилар – аждодлар руҳига эътиқод билан боғлаган.^{168: 110}

Самарқанд ва Бухоро бутхоналари исломдан аввал ҳам ибодатхоналарга айлантирилган бўлиб, олимлар уларнинг буддавий ёки зардуштийларга мансуб бўлганига иккиланади.^{48: 41} Айрим олимларнинг фикрича, ҳайкалча-бутларни ясаш қолипларига қараганда, уй ибодатхоналари учун бутлар оммабоп равишда чиқарилган бўлиб, зардуштийлик эътиқоди кучли бўлган Ўрта Осиёнинг ғарбида улар кўплаб учрайди.^{178: 84} Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, чунки зардуштийликда бутпарастлик қатъиян ман этилган. XXII-Яштда бутларга топинувчи одам қораланади, XI-Яштда эса, Зардушт “бирлашиб ёпирилаётган бутпарастлар, девлар ва ўғриларга қарши ҳужум қилади”, дейилган. Кейинги давр зардуштийлик матнларида ибодатгўй эр жаннатга тушиши, бутларга топинган хотини эса, дўзах азобларига гирифтор бўлиши муқаррарлиги уқтирилади. Бутлар шарафига ибодатхоналар бунёд этилган мамлакатлар эса, мурдор, гуноҳга ботган ҳисобланган.^{183: 53-54}

Хитой солномаларида Бухородаги жоме масжиди Бутлар уйи ўрнига қурилгани айтилган.^{49: 61} Бу масжидни ўз кўзи билан кўрган Наршахий шундай дейди: “Мен Бухоро жоме масжидини кўрдим. Эшикларида тасвирланган сиймоларнинг юзи қириб ташланган, қолгани эса – жойида”. Бу эшиклар зодагонларнинг уйларида келтирилган бўлиб, “ҳар бирининг сатҳида ўз сиймолари бўлган”.²⁷⁶

Ислом дини кириб келганидан кейин эса, ҳайвонлар ва афсонавий рамзлар ишлаб чиқарилган. Шундай қилиб, ўлкамизда ҳайкалчалар ишлаш зардуштийлик даврида бўлгани сингари, яна бир бор узилади ва бу даврларни олимлар *сополсиз давр* деб аташади.^{309: 124-135} Шунга қарамасдан, Хоразмда эрамиздан олдинги IV асрдан бошлаб ҳайкалчалар ясаш ривож топади.^{97: 133: 105: 188}

Назаримизда, ўлкамизда турли диний эътиқодларнинг маросимлари қоришиб, умумий бир қолип вужудга келган ва ибодатга келганлар учун ташқи кўриниш эмас, ички мазмун, яъни – Олий кучга сажда қилиб, нажот сўраш муҳим бўлган.

Илк мусулмон муаррихлари бутлар ва бутхоналар ҳақида кўп ёзиб, бутпарастлик Олов эътиқодидан олдин пайдо бўлиб, унга қарши турган, дейишади. “Шоҳнома”нинг бутпарастлик ва Олов уйлари ҳақида маълумот берувчи қисми бухоролик шоир Дақиқий томонидан ёзилган бўлиб, бутлар зардуштийликка зид, дейилган. Алалхусус, бутпарастларни қувиб, ўрнига “юзта Олов уйлари дунёда бунёд этиш” уқтирилади. Шоҳ Виштасп зардуштийликни

қабул қилганида, авваламбор, муқаддас олов Миҳрбарзинга бағишланган Олов уйлари қургани ҳикоя қилинади. Бу динни бошқа ҳукмронлар ҳам қабул қилиб,

Бутхоналарда бутларни ёқишди,
Бутлар ўрнига олов ёқишди.^{445: 362}

Араб муаррихлари ўлкамизнинг барча жойларида бутпарастлик ва ҳайкаллар жойлашган ибодатхоналар ҳамда Олов уйлари бўлганини ёзма маълумотлар билан тасдиқлаб, деворлардаги тасвирларни ҳам бутлар қаторига қўшишади. Маҳаллий солнома-лардан “Кандия” маълумотларига биноан, “Самарқанд – кофирлар тўпланадиган жой бўлиб, ҳозирги жума масжиди ўрнида кофирларнинг ибодатхона ва бутлар уйи турган”. Қутайба Самарқандни босиб олганида, худди Муҳаммад пайғамбар Маккада бутлар ўрнига масжид бино этгани каби, пойтахт марказий ибодатхонасидаги бутларни ёндиради ва шу жойда масжид қуради.^{51: 49}

VIII асрда Қутайба босқинчилари *Пойкент бутхонасида 400 мисқол оғирлигидаги кумуш бут* топишгани ҳақида Наршахий ҳикоят қилади.^{276: 58} Зарафшон тепаларидаги бутхона ҳақида Балазурий маълумот келтириб, араблар у ердан турли “ўлжа ва тилла бутларни” олиб кетгани ҳақида хабар беради. Шунингдек, “Самарқандда Олов ва бутлар уйлари” борлигини таъкидлайди.^{58: 59}

Яна бир муаррих, Табарий ҳикоятига биноан, Самарқандни ишғол этган Қутайба кўплаб ибодатхоналарни ёндиради ва энг каттасининг кулга айланган харобаларидан 50 минг мисқол тилла михларни териб олишади. Бир бутнинг ичида эса, қимматбаҳо зебу зийнатлар ва 24 минг кумуш танга жамланган. Наршахий маълумоти-га биноан, Бухоро Ромитонининг бутхонасидаги қимматбаҳо нарсалар Бухоро ҳукмронларидан бирига эрга теккан хитойлик маликабону томонидан Хитойдан келтирилган экан. Бухоро уйларининг эшикларида бутлар тасвири ўйилиб, ҳар бир уйда ўз бути бўлган. Бутхона эса Аркда жойлашиб, кейинчалик, ўрнига масжид қурилади. Моҳ бозорида йилига икки маротаба бутлар сотилиб, бутини йўқотган ёки синдирган одамлар шу ердан янгисини харид қилган ва бир кунлик савдо даромади 50 минг дирҳамни ташкил этган. Араблардан Фарғона орқали қочган бир одам эса, Уструшонада ўзи билан келтирган тасвирларни ўрнатган экан. Ал-Масъудий маълумотларига кўра, у ернинг ҳукмрони Ҳайдар “фақат тилида мусулмон бўлиб, аслида ўз ота-боболари динига эътиқод қилган” ва шу “айбига” яраша, устидан ҳукм чиқарилган.^{82: 516-517}

Ислом тирик мавжудотларнинг расмини чизишни ман этган бўлса-да, нафақат Ўрта Осиёда, балки Уммавий ва Аббосий халифаларнинг саройларида ҳамда X-XI асрларда Мисрнинг Фотимий ҳукмронлари кошоналарида ҳам деворий тасвирлар бўлганлиги маълум. В. Шишкин турли ҳайвонларнинг тасвирлари ҳатто ислом пайтида ҳам мақбаралар ва мадрасаларда бўлган, дейди. Эҳтимол, булар олдинга қадимги эътиқодларимизнинг бинолари бўлгандир, турли динларнинг ибодатхоналари учун олдинги бинолардан фойдаланиш таомили кенг маълум. Ҳайвонларнинг, жумладан, Семург – Ҳумо қушларининг тасвирлари матоларда сақланиб, миниатюрада инсонлар ва ҳайвонларни тасвирлашни қатъий ман этиш ҳоллари бўлмаган. Ибн-Ҳавқал маълумотларига кўра, ўрта асрларда Самарқандда от, ҳўкиз, туя ва эчкиларнинг ёғочдан ўйилган ҳайкаллари турган. Бухоро Регистонида шу мавзуларга бағишланган суратлар бўлганини Наршахий ҳам ўз асарларида тасвирлаган. Маҳмуд Ғазнавий амри билан “Шоҳнома” устида ишлаётган Фирдавсий учун шоҳлар ва қаҳрамонларнинг суратлари бор хона ажратилган, ўғлининг ётоғида эса, шаҳвоний тасвирлар бўлган. *Ибн Сино* ҳукмронлар зуғумидан ҳижрат қилганида, султон Ғазнавий машҳур рассом Абу Наср Ироқийга қочоқ мутафаккирнинг *суратини* чизиб, 40 нусхасини турли ўлкаларга *жўнатиш* ва уни Ғазнага қайтаришни буюради. Шу суратга қараб, уни Қобус таниб қолади.^{450: 180}

Ислом ўрнашиб бўлганидан кейин ҳам Сўғда бутпарастлик сақланиб келгани ҳақида Табарий маълумот беради. IX асрнинг 30-йилларида фитнада айбланган машҳур араб лашкарбошиси Афшин бир масжиднинг имом ва муаззинини савалашга амр этгани учун ҳам қораланган. Бунинг сабаби ҳақида изоҳ берган Табарий ҳикоятига биноан, Афшин қозига шундай жавоб беради: “Сўғд шоҳлари билан тузган битимимга биноан, мен ҳар бир қавмни ўз динида қолдиришга аҳдлашганман. Бу иккиси эса, (сўғдликларнинг) бутлар жойлашган ибодатхонасига ҳужум қилиб, бутларни ташқарига чиқариб ташлашди ва уни (бутхонани) масжидга айлантиришди. Улар ўзбошимчалик қилгани ва (маҳаллий аҳолига ибодатхонасидан фойдаланишни) ман этгани учун ҳар бирига минг қамчи уришга амр этдим”.^{58: 59}

XX аср бошида, тадқиқотчиларнинг маълумотларига биноан,^{26:} ¹³¹⁻¹³³ мусулмонларни “бутпараст” деб айбламасликлари учун уларни “қўғирчоққа сиғинадилар” деб, “қўғирчоқпараст” лақабини қўллашган. “Бут” сўзи эса, фақат қувғин қилинганда ишлатилган

экан. Бутлар эркак ва аёл зотига мансуб бўлиб, бири “Эрдонабек”, иккинчиси эса, унинг хотини бўлиб, “Биҳишт-биби” ёки “Биби-Ойша” деб аталганини ҳамма бир овоздан тасдиқлаган. Биҳишт-биби “самовий Биби” маъносини англатган, Биби-Ойша варианты эса, исломга мослаштирилган ном бўлиб, унга эътиқод Самарқанднинг Каттақўрғонида яшовчи араблар орасида тарқалган. Шу ерлик аёллар дардига шифо тилаб ва, айниқса, ҳомиладорлик пайти ҳамда туғиш арафасида Биби-Ойшадан нажот сўраб илтижо қилишган. Шу билан бирга, атроф қишлоқлардаги маҳаллий аҳоли уйларида ҳам бутлар бўлгани маълум. Бутлар толдан ясалиб, қадимийлиги кўриниб турганидан, авлоддан-авлодга ўтиб келгани аниқ. Иккала бут оқ либосларга ясантирилиб, эркакнинг бошида салла, Биби-Ойшада эса – турли тақинчоқлар бўлган. Бошларига соч толалари ёпиштирилиб, устидан дўппи кийдиришган.

Бут-ҳайкаллар, балбал-тул билан биргаликда туморлар ҳам фетиш қаторига киради, чунки улар ўзининг кучи-қудратига биноан, инсонни балолардан асраш қувватига эга, деб ҳисобланган. Динлар ўзгаргани билан оммани итоатда ушлаш учун ҳукмронлар бутпарастликни йўқ қилмайди, чунки эътиқод рамзи бўлса, унга сажда қилиш ҳам осонлашади. Ибтидоий эътиқодлардан тотемизм, фетишизм, магия, табиатга топиниш одатлари XX асргача сақланиб келган туморга ишончда ўз аксини топади. Улар ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган тақинчоқлар ҳам шулар қаторига кирган. Кейинчалик, туморлар юксак бадий буюмлар шаклини олиб, анъанавий кийимларни безатади, аммо моҳияти ўзгармайди.^{80 282} Шу ўринда, тақинчоқлар ва турли ўйма ашёлар бадий вазифа бажарганми ёки диний маънога эга бўлганми, деган савол туғилади. Диний тасаввур санъат турлари ривожига таъсир ўтказган, деб хулоса қилишимиз ҳам мумкин. Ҳар холда, бу икки соҳа, назаримизда, бири-бирига чамбарчас боғланиб, узвий ривожланишда бўлиб келган. Уларнинг диний рамзларини очиш масаласи эса ҳануз ўз тадқиқотчисини кутмоқда.

Тумор тушунчаси билан сеҳр-жоду чамбарчас боғланиб, афсун (магия) маросимига айлантирилган диний урф-одатлар, асосан, бирорта натижага эришиш учун ғайритабиий олий кучларга сеҳр-жоду ёрдамида мурожаат этишдан иборат бўлган. Руҳлар ва тотем аждодлар билан “мулоқот” қилиш учун афсун бир восита сифатида ишлатилган. Инсон, овнинг яхши ўтиши, зироат униши учун ёмғир ёғиши, бирон нияти амалга ошиши ва ҳатто, иссиқ-совуқ қилиш

учун афсундан фойдаланган. Таъсир йўналишига қараб, афсун фойдали, зарарли, ҳарбий, ов-терим, касални олувчи ва ўзга турларга бўлинган. Афсун қилинган туморларнинг кучига ишонишган, ёрдам бермаса – йўқ қилишган.

Афсунгарлик қадим замонлардан буён барча халқларда мавжуд бўлиб келган. Масалан, 10000 йил олдин Австралияда болаларнинг бошини сиқиб, япалоқ қилишган. Тарихчиларнинг фикрича, бу одат боланинг чиройини очишга қаратилган. Аммо диний нуқтаи назардан, бошининг бундай шакли – шаманларнинг қиёфаси алоҳида тоифа сифатида яккалашганидан далолат беради.^{176 306}

Ибтидоий жамоада ғор ва қоя деворларига туширилган турли нуқтасимон расмлар афсун маросимларида ишлатилган. Уларнинг кўпчилиги овга бағишланган бўлиб, уларда инсон ва ҳайвонлар, ҳайвон терисини кийган инсонлар ёки яриминсон-яримҳайвон тасвирлари акс этган. Инсонлар, шу тариқа, ов омадли бўлишини тилаб, аждодларнинг руҳлари ва тотем ҳайвонлар мададига ишонган. Яъни анимизм ва тотемизм афсун тасвирлари ва маросимлари орқали ўз ифодасини топган.

Ҳар бир ибтидоий инсонлар гуруҳининг ов учун ўз ҳудуди ва ўз “оқсоқоли” – қабилабоши бўлиб, унинг қўлида наслдан-наслга ўтувчи сиёсий ва диний раҳбарлик мужассамлашган. Қабила топинган бут-худодлар қаторида энг олийси унинг аждоди бўлиб, у турли диний маросимларга бошчилик қилган.

Аммо вақт ўтиши билан диний ҳукмронлик махсус тоифа одамлар қўлига ўтади. Ўзига хос ихтисослашув юз беради. Эндиликда қабилада эркак ёки аёл (руҳ жинсий жиҳатдан аёлни танлаб, унга ўз кучини берган) афсунгари бўлиб, у руҳлар ва ғайритабиий кучлар билан мулоқот қилиш қудратига эга бўлган. Шу туфайли у, гуруҳ аъзоларининг ҳаёт-мамоти, овнинг омадли ўтиши ва озиқ-овқат етарли бўлиши, урф-одатлар авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаши керак бўлиб, қабиладошларига табиблик ҳам қилган. Хуллас, мазкур афсунгар қабила руҳонийси сифатида катта таъсирга эга бўлиб, жамоат ҳисобига яшаган ва маросимлар ўтказган. Айрим ҳолларда унинг ҳукми қабила бошлиғининг амридан устун турган.

Дарҳақиқат, одатда, афсун билан махсус тоифа одамлар – жодугар ва афсунгар, парихонлар шуғулланиб, олий кучларга инсон ёки жамоа илтижоларини “етказган” ва жавобни талқин этган.

Руҳлар билан мулоқотга киришиш асносида афсунгар-парихонлар доира ёки қўнғироқ оҳанглари жўрлигида дуолар шивирлаб, рақсга тушган, сакраган ва, шу тариқа, жазавага тушган. Одатда, улар кетидан томошабинлар ҳам жазавага тушиб, парихон ўзидан кетган ва, айнан шу лаҳзалар у олий куч ёки руҳлар билан мулоқот қилаяпти, деб ҳисобланган. Суқчи Хоразмда сув ва олов ёрдамида ёмон назар – суқни ҳайдаб чиқариш маросимини ўтказиб, бу икки муҳит эътиқоди Хоразмда қадимдан ривожланган.^{378: 42} Барча мазкур маросимларда иримини қилиш биринчи ўринга чиқиши диққатга сазовор. Европада XVIII асргача сақланган иримга мувофиқ, никоҳ пайти кимдир қулфни қулфласа ёки арқон(ип)да тугун бойлаб, сувга ташласа, келин-куёв бахтли бўлмайди. Ягона чора – қулф ёки ўша ипни топиб, ечиш бўлган.^{431: 82-87} Бу борада Муҳаммад пайғамбарга ваҳий келмай қолганида, икки аёл арқонни 11 марта тугиб, қудуққа ташлаганлари ва улар ечилгандан кейингина, яна ваҳий нозил бўлганини Қуръондаги “Ал-Фалақ” сурасидан эслаш кифоя.

Ўрта Осиёда афсунгарлик қадимий диний қатлам сифатида маълум. Геродотнинг ҳикоя қилишича, массагетлар гулхан атрофига ўтириб, унга аллақандай ўсимлик-меваларни ташлаган, ҳидига маст бўлиб, атрофида рақс тушган. Буни кейинчалик дарвешларнинг зикр тушиш ибтидоси, деб ҳисоблашади. Умуман олганда, турли халқларда рақс тушиб, айланиш – ҳаракат ва дунё ривожининг зарурий манбаи сифатида талқин этилган. Ўзбекларнинг “Ҳаракатда – баракат” тушунчасини эслаш кифоя.

Ўлкамизда афсунгар сифатида бахши, парихон ва фолбин атамалари ишлатилган: бахши шоир-ашулачи сифатида одамларни даволаган; парихон – парилар ёрдамида келажакни каромат этган; фолбин инсон тақдирини кўра билган.^{383: 58} Афсунгарлар башоратгўй ҳам ҳисобланиб, келажакни олдиндан айтинган, ўғрини топиб, касалларни даволашган. Эрамиздан олдинги мингйилликнинг иккинчи ярмида улар доира ва торли мусиқа асбобларидан фойдалангани Ўрта Осиёда топилган тош ҳайкал қўлида торли, елкасида эса зарбли мусиқа асбоблари билан тасвирланганидан ҳам маълум.^{9: 144}

Афсунгарларнинг хосиятлари авлоддан-авлодга ўтиши ва улар ҳомий руҳлари ҳимоясида бўлгани ва улар ёрдамида даволашига ишонишган. Зарафшон воҳасида XX асрда ҳам ёмон руҳларни “ҳайдаш” маросими мавжуд бўлиб, олдинига Аллоҳ номига ҳамду сано ўқилган, кейин анимизм – руҳларга ишонч доирасида

зардуштийлик руҳлари “чақирилган”.^{271: 100} XX аср бошида ёмон назар ёки зиён етказувчи алвастилар домига тушган одамнинг губорини отинойилар “ҳайдашган” ва кейин мулла келиб “дам солиб, ўқиган”, яъни қадимги эътиқодлар ислом қобиғида омукталашган. Фолбинлар эса, қўлига тасбеҳ ёки китоб олган ва ҳомийлари сифатида дарвеш-қаландарлар ёки эшонларни номлаган. Умуман олганда, Ўрта Осиё афсунгарлигини дарвешлар билан боғлашади: иккалови ҳам кулоҳ кийиб, жазавага тушган ва садр солган.

Юқорида қайд этганимиздек, афсун амалга ошишида бирорта ашёни сеҳрлаб бериш муҳим ўрин тутган. Масалан, Зардушт Аҳура Маздадан сеҳр-жодудан қутулмоқ чорасини сўраганида, шундай жавоб олади:

Қаноти кенг Вараҳн
Қушнинг олгин патини –
У билан танинг сийпаб,
Душманнинг жодусидан
Бўларсан буткул халос.^{12: 100}

Қуш патини ёмонликдан сақловчи тумор сифатида ишлатиш одати ҳозиргача ҳам урф ирими сифатида сақланиб келгани эътиборга сазовор. Чақалоқ бешиги ёки дўпписидаги укки пати уни ёмон кўз ва нафасдан, сеҳру жодудан асрашига ишонч буткул йўқ бўлмаган.

Ўлкамиз минтақаларида *тумор шакли* бир-биридан фарқ қилган ва энг кенг тарқалганлари қаторига бўйинтумор, кўкрактумор ва қўлтиқтумор кирган. Уларга тангалар, ингичка ниналар, ялтироқ овал маржонлар ва кўзмунчоқлар осилган. Туморларнинг цилиндрик ва учбурчак шакли, тадқиқотчиларнинг тахминига кўра, лингам рамзи бўлиб, шунинг учун улар болажонликка бағишланган. Бухоро воҳасида келинларнинг болажонли бўлиб, туғруқлари енгил кўчиши учун бир-бири билан занжир орқали боғлиқ учта туморни ён томонига тақишган: ўртасида учбурчак, икки четида тўғрибурчак. Квадрат ёки тўғрибурчак шаклидаги кумуш туморлар қадим замонлардан келиб, аввалига ичига илоҳларнинг бут ва ҳайкалчаларини солишган. Хоразмликларнинг пешона ва чакка тақинчоқлари одам шаклини эслатиши, эҳтимол, қадимда бутларни шундай тақиб юришганидан келиб чиққан бўлиши мумкин: хоразмликларда – гёзмунжиқ, туркманларда эса – адамлик, деб аталиши диққатга сазовор.^{80 288-291}

Юлдузларнинг муқаддас кучига қадимдан ишонч бўлиб, келиннинг боши ва кўксига Ой тасвири бор тақинчоқлар кийдирилган, пешонасига тақиладиган моҳи тилло ҳилол Ой тасвири бўлиб, бахт ва болажонлик келтиришига ишонилган. Хоразмликлар ҳилол


Ой шаклидаги бодом-Ой тақишган, ўлкамиз бўйлаб Ойбалдоқ кенг тарқалган. Кумуш заргарлик буюмларида ҳам Қуёш, Ой ва юлдузларнинг тасвири кўплаб учрайди. Заргарлик буюмларига ўрнатилган марварид доналари Ойнинг шуъласи ҳисобланган. Уларни кўп бола туғилсин деб тунлари Ой шуъласида тоблашган. Ислом даврида эса, Қуръон оятлари ёзилган қоғоз бўлакларини тумор ва бўзбанди – тўртбурчак, учбурчак ва цилиндр шаклидаги қолипларда ёнида ёмонликдан сақловчи куч сифатида олиб юришган.

Сурхондарёнинг Болаликтепа ибодатхонасида исириқдон олдида ноксимон 2,5x2 см кумуш ҳалқада яшил ранг ойнадан ишланган туморда бола эмизаётган аёл тасвирланган. Бола ушлаган Она илоҳа ва ҳомиладор аёллар ҳайкалчалари сеҳрли кучга эга бўлиб, бола туғиш рамзи сифатида Улуғ Она, Анахита ёки Ер онаси, Кушон тангаларидаги Наная эътиқодлари билан боғланган.⁵²¹ tabl. XCV, 209: 131 Мисрнинг энг машҳур илоҳаларидан Изида сиймоси бутун дунё бўйлаб тарқалиб, Бактрияда ҳам унга топинишгани азалдан маълум. Миср ҳайкалларида ушбу илоҳа, кўпинча, қўлида бола ушлаган ҳолда тасвирланиб, кейинчалик, бу мавзу қўлида Исо пайғамбар билан тасвирланган Биби Марям икона(расм)ларига таъсир ўтказганлиги шубҳасиз. Қадимги ақидага мувофиқ, Она илоҳа қўлидаги ёки ёнидаги бола насл давом этишини акс эттирган ва тумор сифатида келинларга барака берган. Қайси халқда қандай аталганидан қатъи назар, тумордаги Она илоҳа ҳосилдорлик ва наботот илоҳаси эканлиги аён. Унга барча мавжудот бўйсуниб, топиниш маросимларида шовқинли мусиқа ишлатилган.^{390: 20, 416; 71-81, табл 15-17}

Туморлар эркаклар, аёллар, болалар, ҳайвонлар учун алоҳида бўлиб, яна соҳасига қараб ҳам фарқ қилган. Масалан, Хумсонда топилган эрамиздан олдинги II мингйилликка мансуб бўлган бронза гурзининг тепа қисмида тасвирланган сигир соғаётган аёл сиймоси сеҳрли тумор вазифасини ўтаган (27-расм). Шунга ўхшаш асони Месопотамияда иморат мустаҳкам бўлсин деб, уй пойдеворига кўмишган.^{543 10}



27-расм. Асо тепасидаги тумор (Хумсон).



28-расм. Сурхондарё тумори
(эраמידан олдинги II мингйиллик).

Сурхондарёнинг Сополлитепа обидасидан топилган ва эраמידан олдинги II мингйилликка мансуб бўлган салиб шаклидаги тумор-муҳрга туширилган ҳайвонлар тасвирини тотем ва асотир-эътиқод рамзлари сифатида кўриш мумкин (28-расм).

Муҳрнинг бир томонида шер, эчки, грифон ва тўнғиз бошлари тасвирланиб, орқа томонида – тўрт томонга ўрмаловчи илонлар акс этган. Бу тумор сеҳр-жоду рамзи сифатида қўриқлаш вазифасини ўтаган, деб ҳисоблайди олимлар. Тўрт томонга йўналтирилган илонлар муқаддас маконни белгилаб, у одамни қўриқлашига ишонишган. Шу билан бирга, ов жодусида ҳам қўлланилган, дейишади. Туморлар мазкур икки томонлама маънога эга бўлгани таъкидланади: ҳам олам тузилишининг рамзи, ҳам инсонни шу орқали муҳофаза этиш қобилияти.^{31: 24: 345:10}

Бухорода илон боши тасвирланган билагузуклар бўлиб, унинг тасвири болалар чопонлари орқасига ҳам тикилган. Хиваликларнинг кенг билагузукларида қурбақа тасвирланган. Бунинг маъноси – ёмон кўз, ёмон кучлардан асраш бўлган: ажина – девлар шу ҳайвонларнинг қиёфасига киргани туфайли, ўз аксини кўриб, одамга ёмонлик келтирмаслигига ишонилган. Қундуз қўнғиз (скарабей) шохлари ҳам асровчи ва болажонлик тумори сифатида турли ашёларда ишлатилган. Балиққа муқаддас тоза мавжудот сифатидаги муносабат ўлкамизда қадим замонлардан кузатилиб, бу эътиқод Авестода ҳам ўз аксини топган ва турли туморларда ишлатилган.^{80: 284}

Ўрта Осиёда муқаддас ҳайвонлар қаторига, авваламбор, қўй ва тоғ эчкиси кирган бўлиб, туморларда энг кўп улар тасвирланган. Хоразмда қўй суяги бўлаклари – *элештерик*, турли нақшлар билан безатилиб, аёллар ва болаларнинг бош кийимига тикиб қўйилган. Қўй ошиқлари турли маржонларда ишлатилган, лавҳларда шохлари ўйилган.^{80: 284} Қорақалпоқларнинг анъанавий бош кийими – саукеледа ҳам қўй шохлари тасвирланган кумуш пластинкалар тикилиб, кўжрак ҳайкали ҳам қўй шохларига тақлид қилади. Туя

жуни ҳам турли туморлар таркибига кирган.^{152: 36} Ҳозирги кунларда бу рамзларнинг маъноси унутилган бўлса-да, анъанавий кийимларда учраб туради.

Қадимда Бухоро аҳолиси ва бошқа минтақаларда қирғовул, хўроз, товус ва каптар муқаддас кучга эга, деб ҳисобланган ва танасининг қисмлари туморларда ишлатилган. Улар “Қуёш” қушлари сирасига кириб, ҳосилдорлик ғояси билан боғлиқ бўлган.^{270:}
³⁹ Қуш мавзуси турли кийим ва қимматбаҳо буюмларда ҳозирги кунда ҳам аксини топган. Самарқандда пешонага тақиладиган моҳи тилло ва Бухорода шунга ўхшаш бибишак ва сарсузон тақинчоқларида қушлар тасвири бўлган. Айниқса, Қўқон заргарлари маҳсулотларида қушлар мавзуси кенг ишлатилган. Чаккага тақиладиган зирак ҳам қушни ифодалаган. Бу тақинчоқлар ёшларга бахт келтиришига ишонишган.^{123: 121-124}

Дарахт ва буталар ҳам ғайритабиий кучга молик, деб улардан тумор ясашган ва кийимларга тақишган. Энг муқаддас дарахтлар қаторига тут, жийда, дўлана, наъматак, анор ва бошқалар кирган. Тутдан учбурчак туморлар ясаиб, устига нақшлар туширилган, пастига маржонлар тақилган. Жийда, бодом, писта, анор, тут уруғларидан тузилган маржонлар ва ичига пиёз, саримсоқ, исирик ва гармдори тикилган халтачалар энг қадимги тумор-тақинчоқларга киради. Жийда, бодом, писта, тут ва анор доналари аёлларга серфарзандлик ато этишига ҳам ишонишган.^{378: 195 и сл.}

Арпа сомонидан ясалган учбурчак туморлар ҳосилдорлик ва болажонлик рамзи бўлган. Фарғона ва Зарафшон водийлари, Хоразм, Бухоро, Тошкент минтақаларида кенг тарқалган ёпиқ билагозук сатҳини арпа донини ифодолавчи ҳалқачалар билан безашган, кўксига тақадаган темир бўлақлар маржони жавак – арпа, деб аталган ва дон шаклидаги осма тақинчоқ (осинчоқ)лари ҳам бўлган. Ромб ёки барг шаклидаги осинчоқлар – баргак билан тож ва олдбандларни безаган. Бухоро ва Самарқанд аёллари, суюклиларининг муҳаббатини зиёда этиш учун қулоқларига кичик мевалар солинган меҳригиёли зираклар тақиб юрган. Ўлибтирилувчи табиат эътиқоди доирасида баҳорда ёшлар бош кийимлари ва сочларини гуллаган мажнунтол, лолалар ва эрта гуллайдиган бошқа гуллар билан безатишган. Бу ҳолат, айниқса, Фарғона водийсида кенг тарқалган.^{80: 287-288}

Сурхондарёнинг Биттепасидан топилган тумор бир пайтнинг ўзида ҳам кўзача, ҳам учбарг шаклида бўлганлиги ҳосилдорлик тилашга қаратилган, назаримизда (29-расм).



29-расм. Кўзача-тумор.

билан бирга, мазкур тош ўлкамизда исломдан анча олдин машҳур бўлганини ҳам инобатга олиш керак.

Тошмунчоқлар Сурхондарёда ёмон кўздан асраган, оқ нуқралари бор қора кўзмунчоқлар, кўзга ўхшаш бўлгани боис, энг кенг тарқалган тумор тури бўлиб, ёмон назардан асраш учун болаларга ҳозиргача ҳам тақилади.

Энг қадимги туморлардан бири – таркибида каури чиганоқлари бор тақинчоқлар саналган. Хоразмда улар болаларни ёмон кўздан асрагич сифатида эрамиздан олдинги III асрдан маълум бўлиб, *илон боши* дейилган. Қозоқларда каури чиганоғи “жилан баси” деб аталган ва қирғизлар ҳам уларни таққан. Ҳатто энг қадрли туя, от ва қўчқорларга ҳам шундай туморлар тақинган ёки жабдуғига тикишган. Ёмон кўздан асраш ниятида болаларнинг дўпписига тикишган, қадимги чаккалик тақинчоғида ёмон кўз тегмасин, деб қизларнинг юзи атрофини қуршаб олган. Эркаклар зиёфатида ўйин тошлари вазифасини ўтаган. Фарғона водийсида сатҳи йўлбарс терисига ўхшаш чиганоқлар “туя кўзи” дейилган. Халтачаларда кўзмунчоқ сифатида туз олиб юришган. Пичоқ ва қайчилар ҳам тумор бўлиб, туғаётган аёлнинг ёстиғи остига

қўйилган ва сўзаналарда уларнинг тасвирлари кўплаб учрайди ^{378: 38-39; 413: 69}

Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонасида топилган ва эрамиз бошига мансуб бўлган шаҳар мудофаа деворининг бир қисми, қуббаси ва камон отиш учун шинак тасвирланган кичик тилла буюм топилди. Орқасида кийимга тақиш учун тўғноғич борлиги унинг тумор сифатида ишлатилганидан далолат беради. ^{391 104}

Ўлкамиз ибодатхоналаридан топилган қўнғироқчалар, уларнинг Варахша девор тасвирларидаги ифодаси, Болаликтепа тасвирларидаги кийимларда акси тумор вазифасини ўтаган бўлиши керак, чунки унинг жаранглашидан ёмонлик ва қоронғилик жинслари қочади, деб ҳисобланган. Зардуштийлар хўроз қичқириви ҳам шу вазифани бажаришига ишонишган.

Болаликтепадаги деворий тасвирларда кийимлар қарта белгилари билан безатилгани ҳам тумор ва сеҳр-жоду вазифасини бажарган. Орадан минг йил ўтиб, мазкур рамзлар Европа карта ўйини қоғозларида пайдо бўлиши диққатга сазовор. ^{534 381}

Қадимда бирон нарса атрофида доира шаклини чизиш ёки атрофида етти марта айланиш одати жуда кўҳна илдизларга эга бўлиб, эҳтимол, доиравий ҳаракат қилиш нуқтаи назаридан Қуёш эътиқоди билан боғлиқ бўлган. Хоразмда туғаётган аёл ўрни атрофини “зиён ораламасин, ёмон куч ўтмасин”, деб ип билан ўрашган ҳамда ўгил болани хатна қилиш пайти ўрнининг атрофини арқон билан доира шаклида ўраб, доим ёнида чироқ ёниб турган. Марҳумларни доира шаклидаги қўрғон ичида дафн этиш ҳам эътиқод тушунчалари билан боғлиқ бўлгани аён. Шу тариқа, инсон бешиқдан лаҳадгача афсунгарлик рамзлари билан ўралган. ^{378: 98}

Қадимда афсунгар кучга эга тумор ашёларидан яна бири – “жада” тошидан ишланган қурбақа ва тошбақа ҳайкалчаларининг ёмғир “чақиришига” ишонч кучли бўлиб, уни бахт ва фаровонлик келтирувчи тумор сифатида тақишган. Масалан, Сурхондарёнинг Сополлитепа обидасидан қурбақанинг тош ҳайкалчаси, Варахшада ганчкори тасвири, қурбақа шаклидаги маржон донаси Хоразмнинг Тупроққалъа ва Тошкент вилоятининг мақбараларидан топилган. Тошкентнинг X асрга мансуб Бинкет обидасидан топилган идиш синиғида ҳам қурбақа тасвирланиб, Самарқандда топилган XV асрга оид панжаранинг мармар устунисида ҳам худди шу тасвир ўйилган. Ерқўрғондан топилган ақиқ(агат)дан ишланган қурбақа ҳайкалчаси Сополлитепа топилмасига ўхшаш бўлиб, ўлкамизда бронза даври қадим зироат цивилизацияларидан бошлаб, намлик ва ёмғирнинг

энг қадимги рамзларидан бири ҳисобланади. Қурбақа ёмғирлар пайти пайдо бўлиб, сув, яъни қуйи – хтоник дунё рамзи бўлган. Ҳиндистонда ёмғирни ҳозир ҳам қурбақа ёрдамида чақиришга уринишади. Ўрта Осиёда қурбақа туморларининг топилмалари Ремпель Л.И. ва Шевяков А.И. тадқиқотларида батафсил тарзда келтирилган.^{345: 37, 189; 446: 40; 166: 84-85}

Ҳосилдорлик тилаш тумор турларидан яна бири инсон жисми билан боғлиқлиги туфайли, ҳайратомуз бўлса-да, эътиборга моликдир. Масалан, V-VI асрларда Сўғдада ҳомиладор аёл тасвирлари билан бирга жинсий томони бўрттириб кўрсатилган эркак ҳайкалчалари пайдо бўлади. Қашқадарёнинг Ерқўрғонида ҳам шундай учта ҳайкалча топилиб, Хоразмнинг Бозорқалъасида тумор сифатида ишланган иккита лингам шаклидаги тақинчоқлар ва Миср худоси Бес маъбудиди ҳайкалчасини айтиш мумкин. Улар не-не замонлар оша ўтиб келган эътиқод рамзи бўлиб, ҳосилдорликка ҳомий эркак зоти намояндаларини акс эттирган. Бу рамзнинг қадимги топилмалари чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган қабилаларнинг ҳосилдорлик эътиқодларига бориб тақалади. Уларда жинси бўрттириб белгиланган, лойдан ясалган қўпол бутлар ва хум-идишларга ёпиштирилган бронза шакллари мавжуд бўлиб, XX асргача сақланиб келган.^{345: 138; 391: 212; 211: 167-179; 455: 96}

Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасидан топилган Кушон даврига оид бутун хум дастаси лингам шаклида ишланиб, даста учиди қўй боши тасвирланган. Бу шаклларни Римнинг темир “патера”лари билан уйғунлаштиришади. Ҳиндистоннинг бронза идиши бундай хумлар бошқа ўлкаларда ҳам топилганига мисол бўла олади.^{104: 238}

Дарҳақиқат, бундай туморлар бутун дунё узра кенг тарқалган бўлиб, Француз олими Де Люмле, “Францияда энг қадимги санъат намунаси ёввойи буқа ёки зебу шохидан ўйилган лингам (эркакларнинг жинсий унсури)”, деб ҳисоблайди.^{176: 258} Юнонлар ва римликлар Дионис (Вакх) байрам маросимлари пайти ҳосилдорлик рамзи – лингам тасвирини кўтариб юришган.^{454: 132} Шарқда лингамга топиниш урф бўлган жойлардаги унинг устига ўтириш одатига тақлидан, қадимги Римда келин лингам тасвирига ўтирган. Шунингдек, ҳиндлар ҳам, аввалига Шива худосига топиниш учун лингам шаклидаги устунга сиғинишгани маълум. Яъни шу туфайли, табиатнинг яратувчанлик қудратидан баҳраманд бўлиш ният қилинган.^{241: 274; 455: 306}

Самарқанд музейи ва Москванинг Эрмидажида ҳосилдорлик девлари(жин)нинг ҳайкалчалари сақланади. Улар VI-VIII асрлар Самарқандига мансуб бўлиб, оёқлари балиқтангали куракоёққа ёки туташпанжага ўхшашига қараб, олимлар уларни “Шоҳнома”даги “юмшоқоёқли” ҳосилдорлик жини Нерпатга қиёслаб, ҳосилдорлик кучларига мансуб, деб ҳисоблайдилар. Агар ҳайкалчанинг бошидаги тешикдан сув қуйсангиз, пастада бўрттириб тасвирланган линга-мидан фавворадек отилади^{345 138} (30-расм).

Сурхондарёдан ҳам шунга ўхшаш ҳосилдорлик тумори топилиб (31-расм), Бухоро вилоятининг Қизилқир II обидасидан топилган қўл ишорасининг тасвири ҳам шу қарашдан дарак беради (32-расм).



30-расм. Самарқанд ҳосилдорлик жинларининг бутлари.



31-расм. Термиздан топилган тумор.



32-расм. Асровчи тумор.



33-расм. Бактрия қабрларига қўйилган туморлар.

Кушон даври Бактриясида қабрларга шунга ўхшаш турли тумор ва тақинчоқлар қўйилгани 33-расмдан аёндыр.

Қадим Сўғдда *бало-қазолардан асровчи ва фаровонлик ато этувчи тумор сифатида остона эътиқоди бўлиб*, VII-VIII асрларга мансуб ибодат мажмуаларида унга қурбонлик келтириш Сўғднинг Афросиёб ва ўзга обидаларида кузатилган.^{43: 199-207} Яъни остона фетишизм эътиқоди даражасига кўтарилган. Ўрта Осиёда остона аждодлар руҳига эътиқод билан боғлиқ, деб ҳисоблайди тадқиқотчи, чунки қадимда остона тагида ёки ёнида дафн этиш таомили маълум. Масалан, Бухоронинг Қизилқир I ва Сеталак I мажмуаларида остонага кираверишда қоқинлар дафн этилгани ҳам шу эътиқодга тақалиб, Бактриянинг Жарқўтон ибодат мажмуаси муқаддасхонасининг остонаси тагида одамнинг кумуш ҳайкалчаси кўмилгани ҳам шу қаторга киради.^{391: 274; 367: 12} Сиёвуш қабри Бухоронинг шарқий дарвозаси олдида бўлган. Умуман, қадим дунёнинг турли халқларида уй, ибодатхона, шаҳарга кириш жойи эъзозланган ва бу мавзу адабиётда ҳам кенг талқин топган. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларининг кириш қисмида жамиятда ҳурматга сазовор арбобларнинг қабри жойлашган.

Шу билан бирга, остона уйни ташқи дунё билан боғловчи ва ёмонлик киришидан сақловчи жой ҳисобланган. Сўғдда уйга қоронғи тушганидан кейин келган меҳмон эшикдан киришидан олдин оёғи остига софланиши учун ўчоқдан озгина кул ва чўғлар ташиланган. Ҳомила хонасининг остонаси тагига ёмон кучлардан асраш учун пичоқ қўйишган. Хоразмликларда умри билан берган бўлсин деб, чақалоқнинг киндик риштасини остона устида болта ёки ўроқ билан кесишган. Ўлкамизда бундай болаларни Остонақул деб аташган. Самарқандда чиллали чақалоқ бор уй остонаси олдида мевали

дарахтнинг қозигини қоқиб қўйишган ва кираётган одам қўли билан уни уриб, ичкарига кирган. Зарафшон водийсида чилласи чиққан болани еттита уйга олиб бориб, “пирлар остонаси” деб, остонаси чангини лабига суришган, ўчоқдан эса “пирлар кули” сифатида кулини суртишган. Келин-куёвлар ёки ҳурматли меҳмонларнинг оёғи остига остонада қурбонлик қилиш одати ҳозир ҳам маълум. Шу тариқа, оиланинг янги аъзоси уй аждодлари паноҳи остига олинган ва улар шафқатига эришган. Ўлкамизда чорвани биринчи марта яйловга олиб чиқишдан олдин остона тагига ўроқ ёки болта қўйишган, жони темирдек қаттиқ бўлсин, деб. Касалликни даволаш ва ёмон кўздан асраш учун остона устида табиблар сеҳр-жоду билан боғлиқ қатор амалларни бажарган. Хоразмликларда марҳумни уйдан олиб чиқишдан олдин уч марта остона устида пастлатишаркан, тирикларни ортидан эргаштирмасин, деб.^{43 204}

Аждодлар эътиқодига сажда қилиш фақат қабрига танга қўйишда эмас, бошқа одатларда ҳам аксини топган. Афросиёбда VII асрнинг охириги ўн йиллигига мансуб зодагонлар уйлари қазиб очилганида, катта зал олдида ўлкамиз учун анъанавий уй ибодатхонаси бўлгани аниқланди. Залга кириш остонасининг тахта кесакиси тагидан махсус чуқурчада 696-698 йиллари зарб этилган Сўғд бронза тангаси топилди. Иккинчи уйнинг остонаси тагидан ҳам 710 йиллар зарбига мансуб танга чиқади. Тангалар янги зарб этилиб, ҳали муомалада бўлмагани, яъни кучи кўпроқ, деб ўйлашгани диққатга сазовор. (Бувим билан бобом ҳам менга болалигимда янги, ҳали муомалада юрмаган тангаларни ҳадя қилишарди байрамларда). Тадқиқотчи, тангалар доим остонадан чиқишда ўнг томондаги кесакига қўйилганига диққат қилиб, демак, унга муқаддас маъно берилган дейди. Мисол учун, ўзбек мақолини келтиришимиз мумкин: “ишинг ўнгидан келсин”. Хулоса тўғри: янги уй қуришдан олдин, хотиржамлик ва фаровонлик тилаб, аждодлар руҳига қурбонлик келтирилган. Қазилмаларни олиб борган Х. Охунбобоев бундай топилмалар бошқа минтақаларда ҳам мавжудлиги асосида бу ҳолни қадимий одат, деб талқин этади. Олим турли манбаларга таяниб ўтказган таҳлил шуни кўрсатдики, Зарафшон водийсида чақалоқни чўмилтирганда, тоғорага кумуш танга солинарди, келин-куёв тепасидан тангалар сочиш таомили ҳозир ҳам сақланиб қолган, жинслардан танга олса, у сарф қилинса ҳам, эгасига қайтиб келаверар экан.^{43 199-207}

Умуман, ибодатхоналарда эшикнинг кесакидан кираверишда, ён томонида атама нарсалар ташлаш учун махсус токча

қилингани маълум. Диний маросимларда ишлатиладиган синган ашёларни алоҳида жойларда кўмишган, чунки ибодатхонадан олиб чиқилиши ман этилган. Шу ернинг ўзида махсус қатламда фақат кийик ва қўй шохлари атама этиб кўмилган.^{236: 203-204}

Бир сўз билан айтганда, қадимда инсон ўзини ёмонликдан асраш ва яхшилик тилаш ниятида турли туморларни ишлатган. Шу билан бирга, халқнинг мазкур эътиқоди турли даврларда турли диний эътиқодлар томонидан таъқиб ҳам этилган. Масалан, Зардушт Аҳура Маздага ваъда беради: “Шунда мен қақшатарман // Жодугарларнинг барин”. Яъни зардуштийлик ўздан аввалги ибтидоий диний урф-одатлар, сеҳр-жодуларга ишонишни қоралаган. Ибн Сино тиббиёти эса, сеҳр-жоду ва динга асосланган даволашдан билим ва тажриба асосидаги даволашга ўтишни юзага келтиради. Бу услубнинг ёзма равишда акс этиши унинг бутун дунё бўйлаб кенг тарқалишига олиб келади ва ватандошимиз номи билан аталган “медицина” – “Сино давоси” деган соҳа пайдо бўлади.

Юқорида кўриб ўтган мисолларимиз ўлкамизда фетишизм – бутларга сиғиниш эътиқодини намоён этиб, мазкур йўналиш руҳларга ишонч билан биргаликда, инсонлар онгига ҳукмрон бўлгани аёнлашди. Шу билан бирга, назаримизда, фетишизм – ибтидоий диний тасаввур ва қарашларнинг охириги палласини белгилади. Анимизм ва тотемизм ўзининг моддий акси ва шаклини топиб, шу асосда, диний эътиқод кўринишлари мураккаблашиб боради. Бу жараён эса, пировардида, олий кучга ишончнинг руҳий шаклига олиб келади – Борлиқни яратган Худонинг яккалиги тан олинади. Диний эътиқодлар тараққиёти худди бир доирасимон ҳаракатни ниҳоясига етказиб, қиёмига эришади. Аввалига руҳлар ва аждодларнинг ҳамма нарасага қодирлиги инсонлар тафаккурида мужассамлашади, кейинчалик эса, улар инсонлар ҳаётига араллашиб таъсир ўтказишига бўлган ишонч фетишизм ашёларида моддий шакл олади. Руҳий таъсирнинг вақт ва макон узра силжиши эътиқоднинг моддий ашёларда ҳам шаклланиши мумкинлигига замин яратади.

Натижада, инсон шу хулосага келдики, агар у тинч яшашни ва омадли бўлишни истаса, мазкур ғайритабiiй олий кучларга ишониб, сажда қилиши, уларга эҳтиром билдириб, қурбонлик келтириши лозим. Олий куч ҳомийлигисиз инсон ўзини кучсиз ва ҳимоядан маҳрум, деб ҳис қила бошлади. Яъни нариги дунёнинг бу дунёдан устунлиги эътиқод даражасига кўтарилди.

ТОТЕМИЗМ

Ҳар бир уруғ ўз тотемининг номини олган ва унга сиғинган, “ўзимизники” ва “бегона” деган тушунча, “табу” – ман этилган нарса, тотем дунёнинг яратилиши ҳамда илоҳий амр ва паноҳнинг вакилидир.

Шимолий Америка қабилаларида ҳар бир уруғ ўз номини аждоди деб билган муайян ҳайвон, ўсимлик ёки нарса номидан олиб, бир уруғ ичида ўзаро турмуш қуриш ман этилган. Мазкур одат “ототем” деб номлангани асосида европалик олимлар уруғларнинг ўз аجدодларига биноан бўлиниш тизимини илм-фанга “тотемизм” атамаси билан киритади. Бир уруғ ичидаги қондош-қариндошлар, ўзида одам ва уруғ тотеми – муайян ҳайвон ёки ўсимликнинг хосиятларини мужассамлаштирган бир аждоддан келиб чиққанига ишонишган. Яъни улар ўзларини яриминсон-яримҳайвон ёки яриминсон-яримўсимлик деб ҳисоблаганлар. Бундай тасаввурларга биноан, *ҳар бир уруғ ўз тотемининг номини олган ва унга сиғинган.*^{490: 336}

Ҳозирги давр олимларининг фикрича, анимизм энг биринчи диний эътиқод бўлмаган, чунки ибтидоий инсон бу қадар абстракт фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган. Кўпчиликнинг фикрича, илк эътиқод тотемизм бўлган, чунки инсон шу орқали ўзининг атроф борлиқ билан боғлиқлиги ва алоқадорлигини англаган. Бунга мисол – ёмон руҳлардан сақлаш ва яхши руҳларнинг ҳимоясига эришиш учун болаларга уруғнинг Тотем исми берилган.

Бизнинг фикримизча, иккала эътиқод биргаликда ривожланиб, кейинги, юқорироқ поғона тафаккурига йўл очган. Анимизм кўпроқ, ибтидоий инсонлар тўп-тўп яшайдиган даврга мансуб бўлса, тотемизм – уруғлар пайдо бўлиб, уларнинг ўзгалардан фарқига урғу берилган пайтга тўғри келади.

Асрлар давомида тотем билан боғлиқ урф-одатлар шаклланади ва уларнинг қолдиқлари ўзидан кейинги диний эътиқодларга сингиб, улар билан омухталаниб боради. Тотем олдида ва атрофида қабиладошлар чопгани ёки рақс тушгани тотем аждодларнинг ўтмиш саргузаштларига ишора бўлса-да, айтилган пайтда, рақсда тотем ҳайвоннинг ташқи кўриниши ва хулқу феъллиги тақлид этиш асосий вазифани ўтаган. Тотем билан боғлиқ маросимлар асосида уруғдошлар ўзларига хос бўлган умумий жиҳатларни англай бошлайди

ва бегоналардан ўзини фарқлайди. Шу асосда, “ўзимизники” ва “бегона” деган тушунча шаклланиб боради.

Аввалига, қадимги одамлар ўзининг тотем ҳайвони ёки ўсимликни овқатга ишлатишган. Аммо инсоннинг ҳайвонга ва, аксинча, ҳайвоннинг инсонга айланишига ишонч пайдо бўлгач, тотемни истеъмол этиш ман этилади ва “табу” – ман этилган нарса тушунчаси юзага келади. Табу уй дахлсизлиги ва ўзга нарсаларнинг ҳимоя остида эканлигини билдирган. Табуни бузиш муқаррар ўлим жазосига келтирган. Шу тариқа, ибтидоий қоида-тартибот вужудга кела бошлаб, пировардида, бундай ҳолат инсониятни илк давлатчилик тамойилларига олиб келган, десак ҳам бўлади.

Замонлар ўтиши билан, тотем тушунчасидан муайян соҳа илоҳларига диний эътиқод келиб чиқади. Масалан, қадимги Мисрда фаровонлик илоҳи ҳўкиз сиймосида тасвирланган, ов илоҳи – лочин сиймосида, осмон илоҳаси – сигир ёки шохли аёл сиймосида, сув илоҳи – тимсоҳ ёки тимсоҳ бошли одам сифатида гавдаланган. Ҳозиргача Қадимги Мисрнинг ўша пайтларда муқаддас саналган мушук, шоқол ва қирғий мумиялари сақланиб қолган. Қадимги Ҳиндистонда ҳам шундай эътиқодлар сақланиб, сигирга тегмаслик табуси – шулардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Хонумон – илоҳ-маймунга аталган ибодатхоналар ва бутлар ҳам мавжуд бўлган. Европада «Айиқ эътиқоди» муомалада бўлган, дейишади, чунки ёрларда кўплаб айиқ суяклари топилган. Аммо бу табиий ҳолат бўлиши мумкин ва афсона қандай яратилишини кўрсатади, холос.

Ўлкамизда геометрик рамзлар билан бир қаторда, ҳайвонлар, қушлар ва бошқа мавжудотларнинг тасвирлари муҳим ўрин эгаллаб, ибтидоий даврда уларнинг аجدод сифатидаги тотем моҳияти билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик, бу рамзлар ҳосилдорлик эътиқоди, космик илоҳлар мажмуасининг сеҳрли рамзларига айланади.^{345 19} Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳри ёнидаги 1800та петроглифда камончилар, тоғ эчкилари, туялар, от, ит, йиртқич ҳайвонлар, илон, соляр рамзлар акс этган. Ўзбекистонда илк бор шу ерда икки ғилдиракли аробаларга от қўшилган тасвирларни кўришимиз мумкин.^{440 543} Хоразмнинг эрамиздан олдинги III аср ва эрамизнинг I асрларига доир сопол ҳайкалчаларида от, туя, қўй, аждарҳо, қадимги идишларнинг дасталарида эса, шер тасвирлари бор. Эрамиздан олдинги III асрга мансуб идиш бўлагида йўлбарс ва жайрон тасвирланган. Буларнинг ҳаммаси, ўлкамизда тотемизм ривожланганидан далолат беради.

Мазкур жараённи барча халқлар бошидан кечириб, Ю. Рапортнинг таърифига кўра, массагетлар тотемизмига иккита тасаввур хос бўлган: 1) бола туғилиши аёл баданига тотем кириши билан тушунтирилади; 2) ўлим эса, тотем ҳайвонга айланиш, яъни аслига қайтиш, деб ҳисобланади.^{328:26} Эҳтимол, шунинг учун ҳам, Хоразмнинг қадим ҳукмронларини қабила тотеми ҳисобланган буқа терисига ўраб кўмишган.^{378 189}

Тотем деганда, қабила-уруғнинг аجدод асоскори назарда тутилиб, шу билан бирга, *тотем дунёнинг яратилиши, илоҳий амр ва паноҳнинг вакили ҳам бўлгани, кўпинчалик унутилади. Биз тотем ҳайвонларнинг шу хусусиятларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.*

Борлиқ яратилишининг тотем рамзлари

Гопатшоҳ – Борлиқ яратилиши ҳамда ўсимлик ва чорванинг мўл-кўлчилик тотеми, Дрваспа – Анахита ва Изиди илоҳаларининг “аждоди”, Авестонинг энг қадимги қисмлари Эронда эмас, Хоразм ва Сўғд территориясида вужудга келган, Сўғд минтақаси “но-Эрон”, яъни “Турон”, Амударё илоҳининг номи – “Вахшу”, Ўзбекистон – шатранж ўйин турининг иккинчи Ватани, Жўмард – қассобларнинг ҳомий пири, олов-грифон коинотни қайта янгиловчи тотем, “грилл” тотеми, “Хоразм фантастик қуши” – Коинот рамзи, Бактрия тилласининг тотеми, шер-грифон (қанотли шер) ва бургут-грифон (қуш бошли қанотли ҳайвон), тилка-пора этиш мавзуси Коинот яратилиши тотемига боғлиқ, ҳайвонларнинг бир-бирини қувлаши ёки овчилар қувиши космогоник тотемдир, Сенмурв ер – осмон – сув муҳитларининг қурама тотеми, Бау, Сирин – одам бошли қуш ва фаришта (гений) – қуш қанотли одам, Сфинкс – хтоник посбон тотеми, дунё яратилиши ва уни қўриқлаш тотеми сифатидаги Аждарҳо ва илонлар, дунёнинг илк сувлардан яратилиш тотеми Макара, нилуфар тўпбарги тотеми, Ажидаҳак-Аждар ҳақидаги афсона Орол денгизи ва Сирдарё билан Амударёда кўплаб учраган осётр балиғи билан боғлиқ, балиқ – марҳумлар сукутининг хтоник тотем рамзи, офиолатрия – илонга сиғиниш, тритонлар – одам-илон тотемининг рамзи.

Инсон-ҳайвон тимсоллари турли эътиқод тушунчаларини ўзида бирлаштириб, қурама тотем сифатида турли халқларда мавжуд бўлган. Бу тасаввур дунё яратилишида хилма-хил кучлар

иштирок этганини таъкидлашга йўналтирилиб, олий илоҳлар мақоми томон қўйилган яна бир қадам бўлган. Шундай иккитомон-лама тотемлардан бири – *Гопатшоҳ* – *одам-буқа бўлиб*, *Борлиқ яратилишининг тотемизм билан боғлиқлигига ёрқин мисол* – зардуштийлик эътиқоди бўйича, хоразмликларнинг тотеми – буқа бўлганида намоён дир. Туркий сулолаларни яратган илк аждод Ўғузхон сиймоси ҳам буқа билан боғланади. Авестода илк одам – муқаддас буқа билан боғлиқ Гавумард (Каюмарс) – танасининг ярмигача одам – ярмигача буқа сиймоси мавжуд бўлиб, ўлганида ерга тушган уруғидан одамзоднинг илк аждодлари бўлмиш бир эркак ва бир аёл униб чиққан экан. Мазкур тотем тасвири эрамыздан олдинги мингйилликлардаёқ ўлкамизда собит рамзга айланиб, Хоразмнинг Шовот туманидаги эрамыздан олдинги V асрга оид шаҳристондан унинг ҳайкалчаси топилган.^{345: 52} Самарқанднинг Талли-Барзу масканидан топилган катта идиш синиғидаги буқа танали ва соқолли бошли инсон тасвирини эса, К. Тревер *Гопатшоҳ – шоҳ-чўпон*, деб номлайди ва бу атама фанга киради.^{415: 73}

Дунёнинг яратилиши билан боғлиқ мазкур тотем эътиқоди ўлкамизда кенг тарқалиб, сиймоси турли жойларда акс этган. Масалан, Ўзбекистон тарих музейида сақланувчи эрамыздан олдинги V-IV асрларга мансуб бўлган тош муҳрда Гопатшоҳнинг тасвири мавжуд (34-расм).

Хоразмнинг Қалъалиқир 2 дан топилган идиш қопқоғи устидаги қавариқ расмдаги тасвир ҳам ҳаётнинг яратилиши ва космик тузилишни ифодалаши билан диққатга сазовор (35-расм). Пастдаги,



34-расм. Гопатшоҳ тасвири.

учбурчакка ўхшаш ярим-доирачалар тоғларни ифодалаб, ер яратилишини англайди. Ўртадаги барглар Ҳаёт дарахти, икки четидаги доирачалар эса Қуёш ва Ойни ифодалайди. Яъни Гопатшоҳ пайдо бўлишидан олдин Ер ва самовий юлдузлар ҳамда Ер меҳвари – Ҳаёт дарахти яратилиб, Ер билан осмон айри этилган. Тасвирнинг марказида Гопатшоҳ – белигача буқа, тепа қисми – қанотли одам



35-расм. Хоразм Гопатшоҳи. Чапда фотосурат, ўнгда расм.

тасвирланган. Бошининг тепасида эса, қадим Шарқ тасвирларидан маълум бўлган гишт ташиш савати акс этиб,^{187: 221} шунга кўра, илк қурувчи сифатида Гавумард ва “Шоҳнома”даги Какмарс билан уйғунлашади.^{415: 82} Гавумард, илк яратилган инсон – одам-буқа, ҳайвонот ва наботот оламларини ва металларни вужудга келтирган ибтидоий космик куч билан боғланиб, ақида бўйича, инсонларга олов ёқиш, металл қуйиш, бинолар қуриш ва шаҳарлар бунёд этишни ўргатган. Бундай маълумотлар Фирдавсий ва Беруний ҳамда араб муаррихларидан Табарий, Масъудий ва Саълибий рисолаларида келтирилган. Шунга ўхшаш сиймо Месопотамияда Гильгамеш ва Энкиду бўлган. Яъни дунёнинг яратилиш тотеми ўз навбатида одамларга турли билимлар бергани орқали Борлиқ ва Инсон ҳаётининг чамбарчас боғлиқлиги эътиқодий тасвирда таъкидланади.

Айнан шу Қалъалиқир 2 мажмуасидан топилган қавариқ сопол тасвирда инсоннинг буқа билан кураши ифодаланган бўлиб, Митра буқани ўлдиришининг Европадаги тасвирларида буқа қаршилиқ кўрсатмаслигига зид равишда, одам билан курашиб, олд туёқлари билан тепмоқда (36-расм).

Доира бўйлаб жойлашган учбурчаклар тоғларни ифодалаб, оёқ остидаги доирачалар ерни билдиради. Киши найза билан буқани ўлдиarmoқда: унинг танаси Гопатшоҳга ўхшаб қотмадан келган, туёқлари ва думидан эса, буқалиги аён. Ўлкамиз тасвирининг пастидаги ёзувни олимлар “у ағдариб ҳалок қилади”, деб уқишади^{187: 224} Эҳтимол, шу сиймо асосида ҳўкизни ўлдириб, фаровонлик келтирган илоҳ Митра эътиқоди зуҳур топади (37-расм).



36-расм. Инсон билан буқа кураши. Чапда фотосурат, ўнгда расм.

Бактрия муҳрларида йиртқич ҳайвон ёки буқадан уруғ ўғирлаш тасвири бўлиб, шулардан бирида буқанинг жинсий унсуридан ўсимликлар ўсаётгани тасвирланиши борлиқ яратилиши мавзусига ишорадир. Бу мавзу кейинчалик, митраизмда ҳам униб, Митра ўлдирган буқа қони ва уруғидан ўсимликлар ва ҳайвонларнинг дунёга келиш тасвирлари Римнинг Митра ибодатхоналарида кўплаб учрайди.^{391: 232; 369; 151}

Зардуштийликда Ахриман ўлдирган буқа дунёдаги барча мева-чева ва ўсимликларга ҳаёт ато этган, деб ҳисобланади. Буқани қурбонлик келтирган Митранинг зардуштийлик мавзусига ўхшашлиги олимлар томонидан эътиборга олинган, албатта. Воқеликнинг ажабланарли жиҳати шундаки, Митра эътиқодига



37-расм. Буқани қурбонлик келтираётган Митра.

кўра, ўсимлик ва чорванинг мўл-кўлчилигини кўпайтиришга қаратилган буқани қурбонликка келтириш таомили, зардуштийликда Ахриманнинг биринчи гуноҳи, деб эълон қилинади.


Аслида, Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда буқа эътиқоди неолит давридан маълум.^{437: 26-31; 283; 113} Масалан, Бактриянинг эра-миздан олдинги иккинчи

мингйиллигига мансуб бронза муҳрида иккита илон боши шаклидаги қайиқ ичида турган буқа тасвирланган (38-расм).


Айнан шу даврга оид Бактрия минтақасида Ҳаёт дарахти ёнидаги буқанинг тилла нишонадаги тасвири иккита эътиқодни боғлаб, тепадаги нуқрачалар осмон муҳити, Қуёш ва юлдузларни, пастдаги учбурчаклар – Ерни ифодалаган рамзлар ҳисобланади.

Осмон билан Ер орасида вужудга келган ҳаёт эса, илк буқа шаклида ифодаланган (39-расм).

Орадан 3000 йил ўтгандан кейин ҳам бу мавзу Самарқанддан 6 км нарида жойлашган Талли-Барзу обидасида XI-XII асрларга мансуб сопол лавҳда Ҳаёт дарахти, буқалар ва юлдузлар тасвирлари нақшланганида намоён бўлади (40-расм). Бу тасвирда уч жуфт буқа орқа оёқларига кўтарилган, яъни геральдик (башоратгўй, жарчи) ҳолатда турибди. Ҳар бир жуфтлик орасида Ҳаёт дарахтининг расми, унинг фонида эса, юлдузчалар ва ҳалқачалар чизилган. Ҳар жуфт буқа тепасида қиллол Ой ва орқа томонида билинар-билинимас оташгоҳ тасвири кўриниб турибди. Сўғд обидаларидан бирида топилган катта хум бўлагида ифодаланган аланга олган оташгоҳ тепасида турган буқа тасвири ҳам унинг диний маросимдаги



38-расм. Икки илонли қайиқдаги буқа.



39-расм. Ҳаёт дарахти олдидаги буқа тасвири.



40-расм. Ҳаёт дарахти олдидаги буқалар. (Самарқанд, XI-XII асрлар).

ўрнини кўрсатади. Олимнинг фикрича, қадимда бу тасвирда *Ҳаёт дарахти ёнида ҳайвонларнинг геральдик тасвири* қурбонгоҳ ёнидаги сажда тасвири билан уйғунлашган.⁴²⁻⁹¹

Шунингдек, юқорида айтиб ўтганимиздек, Талли-Барзу масканидан топилган катта идиш синиғидаги ҳўкиз танали ва соқолли бошли инсон тасвири *Гопатшоҳ* – шоҳ-чўпонни акс эттирган бўлиб, халқ орасида кенг тарқалгани маҳаллий илдиэларидан дарак беради. К. Тревер VI асрга мансуб зардуштийликнинг паҳлавий тилидаги китобларида келтирилган тасвирни эслатади: “Гопатшоҳ (макони) Эранвеж, Хванирас кишварида бўлиб, оёғидан танасининг ярмигача – буқа, танасининг ўртасидан юқорига қараб эса – одам. Ва у, доим денгиз (дарё) бўйида ўтириб, худоларга суюқликлар қурбонлик келтиради”.^(Мевок-е-храт. 62-боб. 11) Бу тасвир айнан Талли-Барзу топилмасига монанд келиб, Ассирия ёки Эрон тасвирларидан тубдан фарқ қилади, яъни Гопатшоҳнинг қанотлари йўқ. Бу рамз Эрон давридан олдинги қадимги маҳаллий маданий анъаналарга бориб тақалади, демак, у “зардуштийликдан олдин пайдо бўлиб, Эрон маданиятидан олдинги маданиятдан асос олади”, деган ғарб олимларининг фикрига олима ҳам қўшилади. Талли-Барзу Гопатшоҳи бу хулосага далил беради, чунки у қадимий матнларнинг тавсифига айнан мос тушади. Қўшимча маълумот сифатида яна бир қадимги зардуштийлик матнидан иқтибос келтиради: “Гопатшоҳ Гопат ўлкасидаги... Дайтия дарёси қирғоқларида ҳукмронлик қилади. У, Ходайаш (исмли) буқага қараб туради ва, шу орқали, бутун инсониятга баркамоллик ато этилади”.^{415: 75}

Авестода бу рамз ўлкамиз билан боғлиқлигига шубҳаланмаган олима, “Дайтия” дарёсини ҳеч иккиланмасдан Зарафшон, дейди (С. Толстовга кўра эса – Амударё) ва Гопатшоҳ – қадимий тотем эътиқоди бўлиб, ҳосилдорлик рамзи бўлмиш сув эътиқодига қўшилган, деб ҳисоблайди. “Го – буқа” сўзига “Пати – ҳукмрон” қўшилиши орқали атама ҳосил бўлган ва, кейинчалик, ўзга тилли муҳитда “шоҳ” сўзи қўшилиши қизиқ. Эҳтимол, “Гопати – шоҳли мол чўпони” бўлиб, “Гопатшоҳ” – чўпон-шоҳ маъносини англатади, деган хулоса назаримизда ўта қизиқ. Мифологияда Афросиёбнинг укаси Агрерат Сўғдиёнада Гопатшоҳ деб номлангани айтилган.^{415: 75} Гопатшоҳнинг сув билан боғлиқлиги асосида қадим халқимиз уни афсонавий қаҳрамон шоҳлар билан уйғунлаштирган. Шу шажарада сув деви – Афросиёбнинг аждоди ҳисобланган. *Гопатшоҳ дунё яратилишининг тотемик эътиқоди* бўлиб, вақт ўтиши билан илоҳлар пантеонидан ўрин олади.^{415: 76-77}

Юқоридаги матнда келтирилган Ходайаш исмли илк буқа эса, Авесто бўйича хаома билан абадий ҳаёт ато этувчи тотем бўлиб, унинг танасидан ўсимликлар ва шифобахш гиёҳлар ўсиб чиқиб, уруғидан эса, фойдали ҳайвонлар унган. К. Тревер қатор гарб олимлари ва зардуштийлик матнларига таяниб қуйидаги талқинни беради: Гопатшоҳ қўриқловчи Ходайаш буқаси Авестода асосий сиймолардан бири бўлиб, номининг маъноси “доимо тоза” дегани. У тириклигида сув билан боғлиқ бўлиб, марҳумлар тириладиган пайтда унинг ёғидан ва хаома шарбатидан инсонларга боқий умр ато этувчи таом тайёрланади.

Авестонинг Бундахишн китобида ёзилган: “Буқа Эронвежда... Дайтия баракали дарёсининг ўнг қирғоғида яратилиб, оппоқ бўлиб, Ой каби ярқираган. Ва, у (буқа) ўлганидан кейин, уруғи Ой нурида софланиб, уруғидан турли ҳайвонлардан бир жуфтдан, танасидан эса, дунё узра турли набототлар ўсиб чиққан”^{(XIV-606. (XXVIII, 6-14)}

Беруний маълумотларига биноан, “Рўзи Миҳр куни Ой аробасини етакловчи буқа пайдо бўлади. Бу буқа нурдан (яралган бўлиб), шохлари тилла ва туёқлари кумуш; у бир пайт пайдо бўлиб, кейин ғойиб бўлади. Кимки уни кўришга муваффақ бўлса, унга қараб туриб, тилаган нарсасига эришади”^{73: 240}

Гопатшоҳ – эркак бўлса, аёл-сигир сиймоси қадимда “Дрваспа” деб аталиб, ўлкамизда Анахита илоҳа ва Мисрда Изиди илоҳаларининг “аждоди” ҳисобланади. Сурхондарёнинг Қизилчатепа обидасидан топилган сопол илоҳа ҳайкалчаси бошидаги тожда Ой ва иккита сигир шохлари тасвирлангани мавзуимизга яқин туради (41-расм).

Дарҳақиқат, Одам Ато билан Момо Ҳаво мавзуси барча халқларда мавжуд бўлиб, номларигина фарқ қилади, холос, мазмуни эса – ўзгармайди.

Зардуштийлик дуализм эътиқоди бўлгани учун Аҳура Мазда буқадан сўнг дарёнинг чап қирғоғида илк одам Гайомартни яратади: “Қуёш каби ярқираган... Ер маркази жойлашган Дайтия дарёси қирғоғида яратилган; Гайомарт чап қирғоғда бўлган, буқа эса – ўнг қирғоғда”^{415: 83} Гайомарт ўлганидан кейин уруғи Қуёш нурида софланиб, 40 йилдан кейин ердан илк бир жуфт



41-расм. Дрваспа тасвири.

одам униб чиқади.^{(XV. (XXXIII, 6-8)} Ой чап томон ва чорва билан боғлиқ бўлиб, Қуёш ўнг томон ва инсонларга қарашли. Ўсимликлар эса ер билан боғланган. Шу тариқа, одамлар баҳорги экиш мавсумидан олдин ҳосилдорликни ошириш мақсадида уй ҳайвонларининг лойдан ясалган ҳайкалчаларини далага ташлаган.

Кўриб турганимиздек, дунё яратилишининг тотемлари сифатида Авесто барча борлиқ ибтидоси сифатида илк буқани ва унинг эгизаги Гайомарт – илк одамни атайди. Зардуштийлик гимнларида мазкур илк буқа ва одам борлиқ негизида жойлашиб, Ахриман ёмонлиги натижасида ўлганидан кейин, буқа баданидан 55 тур дон, 12 тур шифобахш ўсимликлар ўсиб чиқиб, ўз насл уруғидан эса, буқа ва сигир пайдо бўлиб, улардан 272 тур фойдали ҳайвонлар дунёга келади. Гайомарт баданидан эса турли темирлар вужудга келиб, насл уруғидан илк эркак ва аёл юзага келади. Гайомарт илоҳий поғона баландлигидан илк одам ва ниҳоят, илк подшоҳ даражасига ўтади ва одамлар яшаши учун дастлабки шаҳарларни бунёд этади. Туркий қабилалар фольклорида ўрта асрларда бу сиймо “Буха-ноин” ва “Буқа-хон” номлари билан сақланиб келган. К. Тревер шу таҳлил асосида ўзининг қуйидаги энг муҳим хулосасига келади: *Авестонинг энг қадимги қисмлари Эронда эмас, Сўғд территориясида вужудга келган.*^{415, 85}

Гайомарт, матнларга қараганда, Ормузд (само) ва унинг қизи Спендармад (ер) фарзанди бўлиб, эронлик қоҳинлар унинг асл келиб чиқишини бекитиш ниятида, унга янги исм бериб, Гайомарт деб аташади, аслида эса, у Гавумард – буқа-одам. Кейинчалик, бу сиймо буқани ўлдириб, ҳаёт яратувчи Митра илоҳида гавдаланади. Митра – само билан, буқа эса – Ер билан боғланади.^{415, 71-80}



42-расм. Гопатсноҳ – қанотли одам-буқа тасвири.

Эрамизнинг V асрига мансуб эронлик Сосонийлар сулоласининг муҳрларида ҳам қанотли Гавумард – Гопатшоҳ тасвирлари мавжуд (42-расм). Аммо Самарқанд топилмаси Эрондаги Гавумард тасвирларидан минг йил қадимгироқ бўлиб, орқасида қанотлари йўқлиги билан фарқланади. Шу асосда, олима К. Тревер, Туронда бу расм маҳаллий негизга эга бўлиб, барчага маълум маънони англатган ва Аҳамонийлар давридан олдинги, “кўҳнароқ” қатламда топилгани боис, унинг Эронга ҳеч бир алоқаси йўқ, дея хулоса чиқаради. Бинобарин, турли халқлар ўз тараққиёти асносида бир хил натижаларга келиши табиий. Авестога асосланиб, олима Сўғд минтақаси “*но-Эрон*”, яъни “*Турон*” давлатларига мансублигини таъкидлайди ва Видевдатда бу ўлка “*gava – гава*” деб аталиши асосида бу сўз “*гав – буқа*” маъносини англатишига эътибор қилади. Муҳими – қадимги тотем исми асрлар қаърида қолиб кетмасдан, бутун ўлкага ном беради. Тотемнинг дунёни яратиш мазмунини ўзининг моддий, яъни минтақавий ифодасини топади.

Ғарб олимлари ҳам Сўғдиёнанинг иккинчи номи “*Gava*” бўлган ва, эҳтимол, бу – пойтахтнинг номи бўлган, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, Авестода айтилган: “*Гава, унда сўғдликлар яшайди*”. Баъзи олимлар, Гава – “Сўғднинг қалби” бўлган, деб ҳисоблайди ва санскритда у “*go*”, дейилиб, Гава умумлашма тарзида “шоҳли чорва подаси, мол-мулк” маъносини англатган ва яйловларга бой минтақага тегишли бўлган. Бу маълумотлар асосида олима “Гава” номи эрамиздан олдинги VI асргача Сўғднинг иккинчи эмас, аксинча, биринчи – энг қадимги номи бўлган, дейди. Ғарб олимларидан Томашек, “Гава” – хитой матнларидаги “*ho*” ёки бошқача ёзилишдаги “*hoa*”, айнан Авестодаги “Гава, Гау”га тўғри келишини таъкидлаб, Самарқанддан 60 км наридаги Нарпай каналида жойлашган Каттақўрғонга ишора этади ва далил сифатида араб муаррихларидан ибн Яъқуб бу шаҳарни Кушания деб, уни “Сўғд шаҳарларининг қалби” сифатида таърифлаганига таянади.^{415: 71-72:}

468: 509, 466: 5; 463: 96-97

Бу ўлка зардуштийлик матнларида “Эронвеж” деб номланишига тўхталиб, олима эронликлар уни “муқаддас кўл ва муқаддас дарахт ва муқаддас қушлар жойлашган муқаддас ер – афсона ва эртаклар ҳамда йўқотилган жаннат салтанати”, деб аташини эслатади. Ғарб олимларининг фикрича, бу ўлка Эрондан ташқарида Зарафшон қирғоқларида жойлашиб, марказий мамлакат бўлган ва унда Зардушт яшаган, у эса Эронвеждаги Дарая (Аму-дарё) бўйида туғилган. Демак, зардуштийлик Хоразм ва Сўғд минтақасида

юзга келган. Эронлик коҳинлар эса, мазкур “йўқотилган жаннатни” ва янги динни ўз ўлкасига боғлашга уриниб, уни “Эрон-веж – Янги Эрон” деб атаганлар. Ғарб олимлари ҳам буқа Эронда ўша пайтларда хонаки чорва кўпайтириш сифатида кенг тарқалмагани ва унча хуш кўрилмагани асосида, *Гопатшоҳ афсонаси Эрондан ташқарида, ундан шарқ томонда, яъни бизнинг ўлкамизда яратилган*, деб ҳисоблайдилар.^{415: 80}


Аввалига, Гопатшоҳ – ўлкамизда чорва моллари ҳомийси ва сувлар қўриқчиси бўлмиш илоҳий инсон-буқа сиймосини ифодалаган. Кейинчалик, Сўғд минтақаси билан боғланган ва, ниҳоят, шу минтақа Гава ҳудудининг ҳукмрони Гопатшоҳга айланади. Кейинчалик, Сўғдда Амударё хазинасидан топилган узук-муҳрда одам-буқа Гопатшоҳ тасвири устидан *Амударё илоҳининг номи “Вахшу”* деб ёзилган. Тилла тангалардаги арамей ёзуви ҳам Вахшувар (юнон талаффуз-ёзилишида – “Оксиарт”) атамасини акс эттирган.^{357: 129}

Э. Ртвеладзенинг фикрига биноан, бу ўлка Туркистондан Хитой томон кетадиган йўлда жойлашган.^{356: 73} Беруний ёзиб қолдирган маълумотлардаги *Вахш илоҳининг* исми Авестода учрамайди, бироқ Хоразм, Сўғд ва Бактрияда бу илоҳ кенг эъзозланган. Хоразмнинг Қалъалиқир 2 обидасидан топилган хоразмий ёзувларда “Вахшдатак” – “Вахш илоҳи томонидан яратилган”, деган исм учрайди. Яъни бунда Окс – Амударё ҳомий илоҳи назарда тутилади. Тупроққалъада “Вахшбарак” – “Вахш самараси” деган исм қайд этилган. Эрамиздан олдинги IV асрда яшаган бир бактрияликнинг исми “Вахшувазда” – “Вахш мадади” бўлиб, эрамиздан олдинги II асрда яшаган бактрияликнинг исми эса “Митра-Вахшу” – “Митра ва Вахш илоҳлари яратган” бўлгани ёзма маълумотлардан аниқланган. Бактрияликларнинг “Вахшвурд” – “Вахш келтирган”, “Вахшмарег” – “Вахш хизматкори”, “Вахш-амш” – “Вахшга монанд”, “Вахшванинд” – “Ғолиб Вахшу” сингари исmlари IV-IX асрларга мансуб ҳужжатларда учрайди. IV-IX асрлар мобайнида топилган ҳужжатлардан Сўғднинг турли колонияларидаги сўғдликларнинг исmlарида ҳам бу илоҳ кўплаб учрайди: “Вахшбурт” – “Вахш (туфайли) қозонилган”, “Вахшбантак” – “Вахш қули”, “Вахшвадбар” – “Вахш инъоми”, “Вахшмрук” – “Вахш хизматкори”, “Вахшпарн” – “Вахш шуҳратига молик”.^{187: 193}


Буюк Кушонлар империясининг асосчилари Кадфиз I ва Кадфиз II (эрамизнинг II асрлари) зарб этган тангалар ўша давр

диний эътиқодларидан далолат беради. Шулар қаторидан Сурхондарёнинг Кампиртепа обидасидан топилган тангаларнинг олд томонида ўнг қўлини оташгоҳ узра узатган шоҳдан чап томонда уч тишли айри, ўнгда – тамға, орқа томонида эса – Нанди буқаси олдида турган илоҳ Шива тасвирланган (43-расм).


Худди шундай танга Далварзинтепадан ҳам топилиб, олд томонида қўлини оташгоҳ томон узатган шоҳ, орқа томонида эса – Нанди буқаси олдида турган илоҳ Шива тасвирланиб (44-расм),



43-расм Кадфиз II тангалари (Кампиртепа, I-II асрлар).



44-расм. Далварзинтепа тангаси (I-II асрлар).



45-расм. Буқа тасвирланган гемма
(Сурхондарё, Будрач шаҳристон.
VI-VIII асрлар).

Сурхондарёнинг яна бир обидасидан топилган геммада ҳам ўхшаш сиймо муҳрланган (45-расм).

Шулардан бирининг олд томонида тасмалар тақилган тождор шоҳ оташгоҳга нимадир қурбонлик қилмоқда. Қурбонгоҳ олдида уч тишли айри, ортида эса, шоҳ рамзи – тамға тасвирланган. Танганинг орқа томонида буқа ёнида Охшо илоҳ тасвирланган^{155: 77} (46-расм).

Ўлкамизнинг V асрга мансуб эфталитлар тангасида эса, шоҳ тожида буқа

боши ва қуш қанотлари тасвирланган (47-расм).

Панжикентда топилган муҳрли қумуш узукда буқа-зебу тасвири моҳирона ишланган. Айнан шундай тасвир Муғ тоғида топилган Сўғд архивидаги сопол буллаларда ҳам мавжуд. Катта хум ичига солинган буқани ифодаловчи бронза обдаста ва чироқдон атама қурбонлик ашёлари сирасига кириши аниқ. Бу нарсалар маълум диний маросимда ишлатилган. Панжикентнинг девор тасвирларида ҳам буқа билан боғлиқ саҳналар мавжуд. Шулардан бирида “Калила ва Димна” тўпламидан ҳикоя қилувчи суратда шоқолларнинг иғвоси туфайли, шер ва буқа орасида чиққан жанжал тасвирланиб, у энг биринчи иллюстрация ҳисобланади. Яна бир тасвирда отлиқларнинг буқа туёқли ва бошида буқа шоҳлари бор девлар билан кураш саҳнасини олим, Гопатшоҳнинг бузилган сиймоси, деб тахмин қилади. Бизнинг фикримизча, бу Гопатшоҳ эмас, аксинча, унга ўзини ўхшатиб, инсонларни чалғитишга уринаётган девлар ҳийласи бўлиши керак. Олимнинг Гопатшоҳ инсонларга доимо яхшилик келтирувчи сифатида ифодалангани ҳақидаги талқини ҳам шунга далил бўла олади.^{62: 92}

Қашқадарё Саритепасида соляр (Қуёш билан боғлиқ) рамзлар билан бўялган сопол буқа ҳайкалчаси топилган.^{145: 23} Хоразмнинг Замахшар қишлоғидан XII-XIV асрларга мансуб сопол буқа ҳайкалчаси топилган, Тошқалъадан топилган ва XIV асрларга мансуб бўлган сопол идишда ҳам буқа тасвирланган.^{437: 27}

Самарқандда топилган VII асрга доир сопол идишнинг жўмраги буқа боши шаклида ишланиб, унда қандайдир фазо юлдузининг рамзи чизилгани диққатга сазовор (48-расм). Бундай идишлар Хоразмда ҳам топилган бўлиб, уларда акс этган буқа шохлари орасидаги юлдузли ҳалқалар тасвири, эҳтимол, Қуёш ва юлдузлар рамзи бўлган.

Умуман, Сўғднинг VI-VIII асрларга мансуб ашёлари орасида буқа ҳайкалчалари ва тасвирлари кўп учрайди. Буқанинг сопол ҳайкалчалари ва жўмраги буқа боши сифатида ишланган идишлар Афросиёб, Қовунчи, Кофирқалъа, Қува ва бошқа шаҳристонларда ҳам қайд этилган. Тошкент ёнидаги Қанғқа шаҳристонидида топилган VI-VII асрларга мансуб идишларда ҳам буқа бошлари тасвирланган.^{42: 46} Лойдан ясалган буқа бошлари ўлкамизда хумларнинг



46-расм. Буқа ва Охшо илох.



47-расм. Буқа боши ва қуш қаноти шаклидаги ҳукмрон тожи.



48-расм. Буқанинг сопол бошидаги фазовий рамзлар (Самарқанд, VII аср).



49-расм. Фил суягидан ишланган шатранж доналари
(Далварзинтепа, II аср).

жўмрагига ёпиштирилиши, ҳинд ва туркий мифологиядаги сув муҳити билан боғлиқлигидан келиб чиқади.^{301: 215} АҚШ музейидаги кумуш буқа боши шаклидаги ритон ҳам Сўғдда ишлангани тан олинган. Таққосланг: Хитойда сўғдлик колонист(кўчманчи)лар яратган дафн тошида ҳам мотам маросими зиёфатида тўрда ўтирган энг мартабали шахс қўлида буқа бошли ритон тасвирланган.^{62: 80: 542: 289-311: fig. 3, 536: 9-28}

Далварзинтепадан топилган шахмат доначаларининг бири буқа шаклида ишлангани эса, алоҳида эътиборга сазовор (49-расм). Буқа ва фил шаклидаги доначалар дунёнинг энг қадимий шахмат ўйин тури – “шатранж”га оид бўлиб, унда тўрт киши иштирок этган. Япон тадқиқотчиларининг хулосасига биноан, Ўрта Осиёда илк топилма бўлмиш мазкур шахмат доначалари дунёдаги энг қадим-гиларидан бири бўлиб, *Ўзбекистон бу ўйин – шатранж турининг иккинчи Ватани* эканлигидан далолат беради.^{144: 269, 90-расм}

Ўлкамизда дунё яратилиши тотеми – Гопатшоҳ билан боғлиқ эътиқодий тасаввурлар вақт ўтиши билан унут бўлади, аммо халқ орасида у ёки бу кўринишда, кўпинча, моҳияти идрок этилмаган равишда сақланиб келади. Масалан, Кўҳна Хоразм Миздахканидаги XVII асрга мансуб Шамуннаби ва Жўмард қассобнинг мазорлари хоразмликларда муқаддас жойлар ҳисобланиб, айрим олимларнинг тахминига кўра, зардуштийликда илк одам – Гавумард эътиқоди билан боғлиқ.^{194: 86} Ўлкамизда *Жўмард – қассобларнинг ҳомий пири* бўлиб, Самарқандда унинг қабри ёки дўкони бўлган жойни кўрсатишади. Ривоятларга кўра, у оддий одам бўлган, лекин ўта бой бўлиб, ҳаммага текинга гўшт улашган.


Маҳаллий аҳоли чорва касалининг олдини олиш ва тўхтатиш учун Шамуннаби авлиёга эътиқод билан боғлиқ бўлган турли маросимлар ўтказган ва уни олимлар Библиядаги Самсон билан уйғунлаштиришади. Амударёнинг чап қирғоғида Шиш пайгамбар (насронийларда – Сиф) мақбараси бўлиб, рўпарасидаги ўнг қирғоқдаги Кофирқалъа ҳам унинг ҳақидаги ривоятлар билан боғланган. Мазкур обидаларнинг барчаси, – дея хулоса қилади С. Толстов, – Гавумард (Каюмарс) билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳамроҳи – буқа эса, Авестода номланган муқаддас Дайтия (Амударё) дарёсининг қирғоғида яшаган.^{403: 87}

Шу билан бирга, Борлиқ яратилишининг тотем рамзлари бошқа мавжудотлар билан ҳам боғлиқ бўлган. Бунга мисол – Хоразмнинг эрамиздан олдинги IV-III асрларга мансуб сопол сувдонлари ва ритонларидаги от танали, бургут бошли, қанотли грифон тасвирлари.^{404: 167} Шулардан бири, Қўйқирилганқалъа мажмуасидан топилган IV асрга мансуб сувдондаги тасвирлар дунё яратилиши ҳақидаги энг қадимги тотемистик диний тасаввурларни ифодалайди (50-расм). Бу тасвирни олимлар реконструкция қилиб, қуйидаги расмни чизишган (51-расм).

Расм тепасидаги қанотли махлуқот от – грифон бўлиб, пастдагиси – ғоз. Қадимги дунё диний тасаввурларида фантастик от-




50-расм. Сувдон (Эрамиздан олдинги IV асрга мансуб Хоразмнинг Қўйқирилганқалъаси).



51-расм. Сувдонда тасвирланган “Хоразмнинг ғаройиб қуши”ни тилкалаётган грифон саҳнасидаги космогоник мавзу.

грифон Қуёш ва Олов билан боғланиб, Ҳаёт дарахти олдида тасвирланган. Дунёни ўз алангаси домида яратувчи Олов илоҳи Агни эса, улкан оловли қуш шаклида ифодаланган. Алқисса, Қўйқирилганқалъа сувдонидаги тасвирда олов-грифон коинотни қайта янгилаб, ўзгартириш учун фазовий ғозни тилка-пора этмоқда. Аҳамият беринг, ғоз фантастик тарзда тасвирланган, яъни орқасида – эркак боши ва олд томонида, – кўксига аёл боши ифодаланган. Ҳамла қилаётган грифон эса, уларни бир-биридан айри этади. Шу туфайли, осмон ердан ажратилади ва оралиқ атмосфера муҳити вужудга келади. Олимларнинг талқинига кўра, ғоз устидаги бош – Осмон-ота, пастдаги тасвир эса – Ер-она рамзи бўлган.³²⁹ 58-59, 64-65

Будда ҳам ғоз тимсолини олгани ҳақида ривоятлар бўлиб, Ҳиндларнинг Ригведасида ғоз – Қуёш, ёруғлик ва Олов рамзи сифатида “илоҳларни ўз кўксига жойлаган”. Бундай тасвирлар дунё санъатида кенг маълум бўлиб, одамлар ва ҳайвонларнинг қўшма расми сифатида “грилл” номини олган (52-расм.).



52-расм. Антик давр гриллидаги космогоник мавзу.

Ўлкамизда ҳам бундай тасвирлар мавжуд бўлиб, Бартимдан топилган қумуш лагани Ю. Рапопорт Хоразмга мансуб, деб эътироф этади ва ундаги фантастик қуш расмини Қўйқирилганқалъа сувдонидаги расм билан таққослайди. Айнан шундай космогоник саҳна бошқа ўлкалардан топилган Хоразм ашёларида ҳам тасвирлангани савдогарлар қадимий эътиқодларимизни узоқ масофаларга олиб ўтганидан далолат беради (53-расм). Хулоса – лагандаги тасвирда ҳам дунё ва илоҳларнинг вужудга келиши ҳақидаги афсона акс этган.^{334: 38} Қуш тасвири ҳозирги мавзуимизга алоқадор бўлиб, чап тарафдаги махлуқот Макара тасвирининг дунё яратилиш тотеми сифатидаги таҳлилини кейинроқ келтирамиз.



53-расм. Бартимдан топилган Хоразм жоидаги космогоник мавзу.

Ю. Рапопорт бу тасвирлардаги “Хоразм фантастик қуши”ни коинот рамзи, деб ҳисоблайди. Авесто матнларига кўра, худонинг тартибот қоидаларини ердаги одамларга Зардушт билан мулоқот қилган ғоз Каршипт нозил этиб, “(илоҳ) Йиманинг Вараси(жаннатмакон жойи)га Қонун келтирган ва қушлар тилида Авестони ривоят этган”. Яратувчан қуш Авестода илк Каршипт ғози сиймосида мужассамлашгани Хоразм қадим эътиқодларининг асрдан-асрга ва макондан-маконга силжиганини кўрсатади.

Дунё яратилишининг рамзий саҳнаси акс этган Қўйқирилганқалъа сувдонидаги тасвирда ғозни тилкалаётган Хоразмнинг ғаройиб от-грифонига қайтадиган бўлсак, у – бир шохли бўлиб, шунга ўхшаши Окс ибодатхонасининг Амударё хазинасидан ҳам топилган (54-расм).





54-расм.
Амударё грифони.
Э. о. V-IV асрлар.

Умуман олганда, грифон сиймоси билан юнон ва форслар Бактрияда танишиб, Юнонга ўз муаррихлари томонидан Бактрия афсоналари асосида олиб кирилган. Эрамиздан олдинги V аср охири ва IV аср бошига мансуб Ктесийнинг “Индика” асаарида Бактрия грифонлари ҳақидаги ҳикояти қисман сақланиб қолган.^{323: 19-25} И. Пьянковнинг фикрича, Ктесий ўз ҳикоятини Геродот маълумотлари ва бактрияликлардан эшитган ривоятларини бирлаштириб, қайта ишлаган ва, кейинчалик, мазкур бадиий тўқима узуқ-юлуқ тарзда турли муаллифларда турлича ривоят қилинган.

Қисқача қилиб, бу маълумотларни шундай изоҳлаш мумкин: “Бактрияликлар... олтинни тоғлардан қазиб олишади, аммо у ерда грифонлар яшайди. Бу тўрт оёқли қушларнинг оёғи ва тирноқлари шерникига ўхшаш, ўзлари эса улкан гавдаси билан бўрига ўхшашиб кетади. Қаноти бўлса-да, уча олмайди... Кўкрагидаги патлари қизил, баданидаги эса қора, қанотлари оппоқ, бурни бургутникига ўхшаш, кўзларида олов чақнайди. Шулар туфайли, у ердан олтин олиш қийин... бактрияликлар эса, грифонлар туширган олтинни териб олишади... Грифонлар фақат фил ва шерга қарши кураша олмайди... Олтин изловчилар қоронғи тунлари грифонлардан бекиниб тилла излайди... ҳиндларда грифонлар Қуёшга бахшида ҳисобланиб, тўрттасини Қуёшни ифодаловчи бутлар қўйилган аравага қўшиб ҳайдашади... Бактрияда тилла жуда кўп...”^{323: 22}.

Далварзинтепа обидасининг эрамиз бошига мансуб бўлган тилла қуймаларида (55-расм) вазни ҳақида маълумотлар берилиб, “Илоҳ Митра бергани”, деган ёзув^{144: 271} мавжудлиги Қуёш эътиқоди билан



55-расм. 2000 йиллик Бактриянинг тилла қуймаси (Далварзинтепа, I аср).

боғланади. Шунингдек, мазкур топилма Кушон империясидаги тилла муомаласидан дарак беради ва фаровонлик илоҳ Митра томонидан берилиши ҳамда унинг Қуёш ва ярқировчи нарсалар билан боғлиқлигини ҳам кўрсатади, назаримизда.


Грифонлар тиллани қўриқлагани ҳақидаги афсона эрамиз бошига мансуб бўлган самарқандлик аскар белнишонасида ўлжасини тилкалаётган грифон тасвирида ҳам акс этган ва унинг марҳум билан қабрга қўйилгани рамзий маъно касб этади, дейиш мумкин (56-расм).



56-расм. Аскарнинг белнишонаси (Самарқанд Орлот қабристонини, 2-қўрғон. I-III асрлар).

Варахша Қизил залидаги филлар устидаги йигитларнинг грифонлар билан олишуви сахнаси эса тиллани ўғирлаш ҳақидаги қадим юнон муаррихлари ҳикоятларининг маҳаллий кўринишларидан бири бўлиб, йигитлар тасвирдаги дарахтларнинг тилла меваларини узишга ҳаракат қилмоқда (57-расм).

Грифонлар фақат “филларга қарши тура олмайди”, деган қадимий ибора шу тариқа ўлкамиз диний эътиқоди ва санъатида ўз аксини топади. Асрлар оша ривожланиб келган мавзу Варахшада янги мақом олиб, грифонлар маҳаллий сулола ҳукмронлигининг ҳимоячиси, рамзи ва туморига айланади.^{52: 85-87}



57-расм. Варахша девор тасвирида грифонлар.



58-расм. Кўҳна Термиздаги ўйма фил тасвири.

Кўҳна Термизда ҳам тошда ўймаkori ишланган фил тасвири шу мавзу билан боғлиқ (58-расм).

Юнон муаррихларининг маълумотларига кўра, аҳамоний шоҳлар тиллани Бактрия ва Ҳиндистондан олганига асосланиб, Л. Альбаум, грифон ва бошқа тасвирлар тилла буюмлар билан Эронга

кириб борган ва у ерда ўзлаштирилган, деб хулоса қилади. Бактрия тилласи Персеполда сақлангани туфайли, грифонларнинг у ердаги тасвири Бактрияни забт этиш ва тиллани қўриқлаш мавзуини намойиш этган. Хоразмнинг эрамиздан олдинги IV асрига мансуб Қалъалиқир ибодатхонасидан ҳам грифон ҳайкалчаси (59-расм) топилган бўлиб, кейинчалик, грифон ижобий ҳайвон тусини олиб, одамларга ёрдам бергани афсоналардан Будда динига сингиб ўтади. Масалан, Термиз Фаёзтепасидаги Будда ибодатхонасидан топилган лавҳадаги грифон тасвири I–III асрларга мансуб (60-расм).

Ўлкамизда турли ҳайвонлар ва инсон танаси қисмларини ўзида бирлаштирган фантастик ҳайвонларнинг тасвирлари қадимда кўп учрайди. Умуман олганда, қанотли ҳайвонлар қадимда Шарқ, Византия, Русь, Шарқий ва Ғарбий Европани қамраб олган. Юнонларда грифон икки хил қиёфада тасвирланган. Бири – Бактриядан келган қанотли, бургут бурунли, аммо танаси шерга ўхшаш махлуқот бўлиб, олтинни қўриқлайди. Ҳомий илоҳи – Аполлон. Иккинчи сиймоси – Мисрдан келиб, “Зевс худосининг учли бурунли сукут сақловчи итлари” дейилади.^{323: 22}

Ўлкамизда ҳам қадимда икки тур грифон кенг тарқалган: *шер-грифон (қанотли шер)* ва *бургут-грифон (қуш бошли қанотли ҳайвон)*: яъни ҳайвон – ер рамзи бўлиб, қуш – самони ифодалаган ва, айти пайтда, иккалови ҳам ўз турининг ҳукмрони сифатида Қуёш рамзи бўлган. Шулар қаторида бургут бошли ва шер танали грифон қадим Шарқда алоҳида ўрин тутиб келганлиги эрамиздан олдинги III мингйилликдан яхши маълум. Ўлкамизда эса, Бактрия Сополлитепасидан топилган муҳрларда тасвирланган грифонлар эрамиздан олдинги II мингйиллик ўртасига мансублиги билан чуқур таҳлилга йўл очади.^{36: 99} Яъни ўлкамиз грифонларининг Шарқда

кенг тарқалган сиймодан фарқ қилиши маҳаллий санъат ва эътиқод намуналарига таянганидан далолат беради. Эрамиздан олдинги III асрга мансуб кумуш лаганда бургут бошли ва йўлбарс танали грифон тасвирланганига асосланиб, Г. Пугаченкова Шарқда шер танали грифон маҳаллий шароитда Амударёбўйи йиртқичи – йўлбарсга алмаштирилганига эътибор қаратади. Ҳақим ат-Термизий мақбараси ёнида топилган грифон тасвирланган рельеф ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради: грифон боши жаҳлдор бульдогга ўхшаш ит шаклида ифодаланган.

Алқисса, эрамиздан олдинги IV-III асрларда Бактрия ва Сўғддан грифон сиймоси кўчманчи сак ва скиф қабилалари орқали Семиречье ва Олтойга тарқаган ҳамда шу асосда Жанубий Сибирь ва Қозоғистонда “ҳайвонлар услуби” ривожланган, деб ҳисоблайди олима. Шулардан бир намуна сифатида Туркий хоқонлик даврига оид Семиреченск қурбонгоҳларидаги тасвирларни эслатиб ўтиш мумкин. Нисада топилган грифонлар эса, Аршакийлар сулоласининг рамзи ва, айна пайтда, ёмонликдан сақловчи эътиқод тумори сифатида кўрилиши мумкин. Эрондаги зардуштийлик даврига хос Сенмурв эса, Бактрия-Тоҳаристоннинг ит танали грифонлари таъсири остида ривожланган бўлиши эҳтимол.^{305: 72-73, 81}

Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи Варахшада топилган медальонда катта қулоқли ва ништа ўхшаб иккига бўлинган думи-



59-расм. Бургут-грифон
(Хоразм. Қалъалиқир. Э. о. V аср).



60-расм. Бургут-грифон
(Термиз. Эрамиз боши).

нинг учи тепага кўтарилган фантастик ҳайвон тасвири бор бўлиб, Қизил залидаги девор тасвирларидан бирида ҳам мазкур фантастик ҳайвон расми акс этган: орқа оёқлари – мушукникига, олд оёқлари эса – йиртқич қушникига ўхшаш. В. Шишкиннинг тахминича, бу – шер танали, бургут бошли ва қанотли фантастик грифон қуши. Худди шундай шаклли махлуқот эрамиздан олдинги III мингйилликка мансуб Суз шаҳридаги муҳрда ҳам акс этган.

Дунёнинг турли муҳитларини ўзида мужассамлаштирган грифонлар билан курашувчи шоҳ саҳналари яхшилик ва ёмонлик орасидаги курашда дуализм ғояларини ифодалаб, дунёнинг яратилиш ва янгиланиш жараёнларини рамзий маънода билдиради. Шу билан бирга, турли даврларда турли халқларда грифон баъзан – ёмонлик, баъзан эса – яхшилик ҳомийси бўлган. Грифонлар муҳрлар ва жомларда тасвирланганидан Г. Пугаченкова грифон ёмон кучлар ва сеҳр-жодуга қарши тумор сифатида ҳам қўлланган, деб ҳисоблайди.^{305: 71-72}

Дарҳақиқат, грифонлар нафақат дунёнинг янгиланиши, балки уни ҳимоя қилиш ҳам тотеми бўлиб, бир жуфт йиртқич ҳайвон ёмон кучлардан ҳам ўнгдан, ҳам чапдан сақловчи тумор вазифасини ўтаган. Амударё хазинасидан топилган билагузукдаги бир жуфт шохли шер-грифон сиймоси дунёнинг деярли барча халқларида маълум (61-расм).

Бунга Кампиртепа обидасидан топилган исириқдоннинг шер-грифон шаклидаги тағламаси ҳам мисол бўла олади (62-расм). Ўзбекистонлик олимлар бу ҳайкалчани тиклаб, 63-расмдаги тасвирни чизишгани диққатга сазовор. Исириқдон эса, ўз моҳиятига кўра, қурбонликлар келтириб, илоҳлардан ҳимоя ва мадад сўрашга мўлжаллангани грифоннинг ҳимоячи вазифасини таъкидлайди.



61-расм. Амударёнинг шер-грифони. Э. о. V-IV асрлар.


Эрамиздан олдинги V асрга мансуб Қалъалиқир обидасидан топилган грифон тасвирини деворга ўрнатиш учун ясалган қолип ва айти шу даврга оид Амударё хазинасидаги грифон тасвирлари бор тилла тақинчоқлар, билагузуклар ҳамда Термиздан топилган грифон тасвирли гемма, бу сиймо Хоразм, Бактрия ва Сўғдда халқ орасида яхши танилганидан далолат беради. Шу даврдаги Бакт-

риянинг бронза ҳайкалчасида шохлари бурама бўлиб, қанотлари ёйилган шер-грифон тасвирланган (64-расм). Шунга ўхшаш қанотли шер-грифон Самарқанднинг VII асрга мансуб девор тасвирида ҳам мавжуд (110-расмни қаранг).

XII асрда Термиз ҳукмронлари саройининг деворларида ганчада ўйилган қанотли шер-грифон танасида эса юлдузчалар акс этгани (65-расм) мазкур мавжудотлар дунёнинг космогоник яратилиши билан боғлиқлигига ишора қилади. Шу даврга мансуб Термизнинг мис ойнасида ҳам мазкур тасвир мавжудлиги^{142 126}



62-расм. Исириқдон оёқчаси (Кампиртепа, э. о. II аср – эрамининг I асри).



63-расм. Шер-грифон шаклидаги бронза исириқдон (қайта тикланган шакли).



64-расм. Бактриялик шер-грифон. Э. о. V-IV асрлар.



65-расм. Термиз грифони.

эса, бу сиймо халқ орасида маълум бўлиб, кенг тарқалганидан далолат беради.


Ўлкамиз афсоналари асосида дунё узра учирма бўлган грифон сиймоси асрлар оша ҳам сақланиб қолади. Масалан, X аср охирига мансуб Самарқанд лаганида грифон тасвири бўлиб, XII асрда усталар уни меъморчилик ва ўзга санъат турларида кенг тасвирлайди. Шу даврда шаҳарларда ҳунармандчилик ривожлангани ва қишлоқлардан аҳоли кўчиб келиши асосида халқ эътиқоди ва афсоналарида чуқур ўрнашган грифон сиймоси, таъбир жоиз бўлса, ўзининг иккинчи ҳаётини бошлайди. Ислол даврида бундай тикланиш турли саволлар туғдириши табиий. Шу даврга оид Термиз шоҳларининг қабул зали деворларининг тепа панносида тадқиқотчилар шер ва грифонларнинг жуфт тасвирини топади. Улар орасидаги ҳалқа ва юлдузлар тасвири эса, астрономик рисолаларда ҳам учраши асосида олимлар, бу грифонлар астрал эътиқод мазмунига эга бўлиб, ўзи ва атрофидаги рамз-нақшлар “самовий” ва афсунгарлик вазифаларини ўтаган, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, уларнинг жуфт тасвирланиши геральдик маънода ишлатилишига ишора этиб, XII аср Термиз ҳукмронларининг рамзи – герби ва, айни пайтда, ҳимояловчи тумори бўлган, деб тахмин қилишади. Г. Пугаченкованинг, мўғул босқинидан кейин ўлкамизда бу тасвир муомаладан чиқади, аммо йиртқич ҳайвонларнинг ҳимоячилик вазифаси Шаҳрисабз Оқсаройидаги XV асрга оид жуфт шерлар тасвири ва Самарқанддаги XVII асрга оид Шердор мадрасасида кийикларни тилка-пора этувчи шерлар тасвири сақланиб қолади, деган хулосаси алоҳида таҳлил талаб этади.^{305: 82-84}

Дарҳақиқат, ўлкамизда шер ёки рамзий жиҳатдан унга турдош грифон ва бургутнинг кийик, эчки ёки буқани тилка-пора этиш мавзуси қадимда кенг тарқалган бўлиб, олимлар уни афсунгарликка боғлаб ёки асоирий тарзда талқин этишга иккиланадилар. Ўтхўр ҳайвонларни тилкалаётган йиртқичлар мавзуси қадимий Шарқда эрамиздан олдинги мингйилликлардан бошлаб Коинот яратилиши ва вақт-вақти билан қайтадан янгиланиб туриши ҳамда шу жараён билан боғлиқ йил фасллари алмашуви, табиатда кечакундуз бараварлиги кунлари ҳақидаги эътиқодий тушунчалар билан боғланган. Кейинчалик, ўлкамизда бу кун Қуёш тақвимининг янги йили – Наврўзга боғланган ва шоҳона ҳукмронликнинг геральдик рамзи мазмунини ҳам касб этади.^{433: 83; 391: 161}

Осиё қитъасида бу мавзу эрамиздан олдинги IV мингйиллик охиридан бошлаб, табиатнинг баҳорги янгиланишини ифодалаган

ва курашаётган ҳайвонлар астрономик моҳият касб этган: Буқа (яъни Плеяда юлдузлари) ва Кийик (Кассиопея юлдузлари) туркумлари ўрнини Шер юлдузлар туркуми эгаллаши баҳорги экиш мавсуми бошланишини билдирган. Мисрда эрамиздан олдинги IV мингйилликка мансуб ханжар дастасида кийикни овлаган шер тасвири^{101 49} ва Амударёнинг Окс ибодатхонасидан топилган тасвир буни тасдиқлайди (66-расм). Шер ва буқа орасидаги кураш эса – Наврўз кечаси юлдузлар туркумларининг самодаги жойлашувини ифодалаган. Айрим муҳрларда шер ва грифон буқани тилка-пора этиш тасвири эрамиздан олдинги II мингйилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб учрайди.^{205: 78; 500: 161-170}

Тилкалаш саҳнаси сак ва скиф қабилаларининг санъатига хос “ҳайвон услуби” буюмларида ҳам намоёндыр.^{205: 58} Ўлкамизда бу сиймо маҳаллий эътиқодларга қоришиб, шер ўрнини баъзан йўлбарс, буқа ёки эчки ўрнини эса икки ўркачли туя эгаллайди. Бунга мисол – Бухоро вилояти Лавандак қўрғонидан топилган э. о. IV-III асрларга мансуб камарнинг бронза қоплағичида туяга йўлбарснинг ҳамласи акс этган^{288: 53} (67-расм).



66-расм. Кийикни тилка-пора этаётган шер (Амударё хазинаси).



67-расм. Йўлбарснинг туяга ҳамласи (Бухоро вилояти, эрамиздан олдинги IV-III асрлар).

Ғарб олимларининг фикрича, бу саҳна ўлкамиздан кейинчалик Олтой ва Хитойга кўчади. Хитойда “шер” сўзининг ўзи Сўғддан ўзлаштирилган, грифон ва у билан боғлиқ тасаввурлар ҳам Ўрта Осиёдан силжиган, туя эътиқоди эса, Бактрия ва Бухорода шаклланиб, кейинчалик у ерларга кўчган экан.^{506: 46; 531}

Илк ўрта асрларга келиб, шернинг буғуга ҳамласи кумуш идишларда ўз аксини топади ва бадий жиҳатдан нафис услубда бажарилади (68-расм). Россия тарих музейида сақланувчи Самарқанднинг XII-XIII асрларга мансуб сопол медальонида йиртқич ҳайвон буқани тилкаламоқда. Буқа тагида нуқралар доираси ичида Қуёшнинг рамзи – диск тасвирланган.^{345: 107} Шу вақтга доир Афро-сиёбдан топилган идишда ҳам буғуни тилкалаётган йиртқич ҳайвон расми бўлиб, XVIII-XIX асрларда бу мавзу Бухородаги Рашид ҳовузининг тош тарновида ҳам акс этган.^{362: 117; 345: 107}

Сўғдда топилиб, VI-VIII асрларга мансуб бўлган суякда ўйилган шахмат донасида ўрдакни тилкалаётган йиртқич қуш тимсоли (69-расм) Хоразмнинг XI-XII асрларига мансуб сопол буюмларида йиртқич қуш қуёшни тилкалаши ва Термизшоҳлар саройидан топилган XII асрга мансуб медальонда эса бургут қуёнга ҳамла этиши билан ҳамоҳанг тушади (70-расм).

Шарқда ҳайвонларнинг бир-бирини қувлаши ёки овчилар қувиши саҳнаси космогоник маънога эга бўлиб, табиатда барча нарсалар ва фасллар бир-бирини алмаштириши ва ўрнига келиши маъносини англатган. Сўғд шаҳристонларидан бирининг деворида бир-бирининг кетидан қуваётган кийик, фил, тўнғиз, ит, қуён ва йўлбарс тасвирланган. Фирдавсий “Шоҳнома”сида кун ва тун бир-бирини қувиши ва ҳеч қачон ета олмаслиги ҳайвонларнинг овдаги ўз ўлжасини қувиши ва қочиши билан таққосланган. Ов қувиши муҳрланган тасвирлар ҳақида батафсил маълумотни профессор А. Ҳақимов китобидан олиш мумкин.^{434: 63-72}

Самарқанднинг эрализ бошига мансуб бўлган камарбандида ҳам ҳаётнинг мазкур космогоник моҳияти 71-расмдаги ов саҳнасида акс эттирилган: учта камончи кийик ва тоғ эчкиларини овламоқда.

Космогоник тушунчалар билан юлдуз туркумлари ва сайёралар жойлашуви ҳам боғлиқ бўлиб, мунажжимлар томонидан батафсил ўрганилган. Бу борада, зодиак – юнонча “зоон” – ҳайвон” сўзидан олинган атама бўлиб, инсонлар ва ҳайвонлар шаклида ифодаланган юлдуз туркумларини ифодалаган. Улар 12 та бўлиб, Қуёшнинг фалакдаги йўлини белгилаган. Беруний маълумотида биноан, Овен (Қўй) юлдузлар туркумининг рамзи қўзичоқ бўлган,



68-расм. Шернинг буғуга ҳамласи
(Кумуш жом, Эрмитаж).




69-расм. Бургут
ўрдакни тилкалаши
(Сўғд, VI-VIII асрлар).



70-расм. Бургутнинг қуёнга ҳамласи
(Термизшоҳлар саройи, XII аср).



71-расм. Камарбанддаги ов тасвири
(Самарқанд вилоятининг Орлот қабристони, I-III асрлар).



72-расм. Юлдузлар туркумлари (чапдан ўнга) Паризод (Дева)
ва Қанотли от (Пегае).

Дева (Паризод) – бошоқ, Стрелец (Ўқотар) – камон, Водолей (Қовға) – челак, Балиқ – ҳут балиғи. Юлдуз туркумларининг осмондаги жойлашуви ўзгариб турган ва шунга қараб инсон тақдири ва табиат ҳодисалари ҳам ўзгариб боради, деб ҳисоблашган. “Шоҳнома”да айтилишича: “Қўйдан тортиб Тарозигача, Қуёшнинг мақомига қараб, Ер унинг нури билан ёритилади, Балиққа келиши билан эса, Ер устида зулмат қоронғилашади”. Ислом даврида ҳам мазкур астрал рамзлар сақланиб қолади ва астрология (нужум илми) билан боғланади. Уларга қараб, фол очишади ва башорат қилишади. X аср юлдуз туркумларининг *ас-Сўфий тузган атласида тасвирланган рамзлар* 1435 йили Самарқандда нусха олиниб, тана узра чизилган нуқталар юлдузларнинг жойлашувини билдирган.^{345 112} (72-расм).

XI-XII асрларда астрологик ва астрономик тушунчалар Термиз, Самарқанд ва Наманганда ишланган бронза идишлари ва сиёҳдонларда ҳам ўз аксини топади.^{319: илл 196, 19} Бундай рамзлар ва тасаввурларнинг келиб чиқиши қадимий халқ эътиқодлари билан боғлиқ бўлиб, асрдан-асрга ва бир ўлкадан иккинчисига кўчиб ўтган. Л. Ремпель таърифига биноан, мазкур халқ эътиқодлари билан астрал-тақвимий маросимлар ва уларнинг рамзи – 7 сайёра уйғунлашган: Баҳром (Марс), Кейван (Сатурн), Ормузд (Юпитер), Миҳр (Қуёш), Анахита (Венера), Тир (Меркурий) ва “айланувчи Ой”. Мазкур еттита сайёра (Қуёш, Ой ва бешта сайёра) эътиқоди – энг қадимгиларидан бўлиб, нафақат собийлар – юлдузларга топинувчилар, балки кўплаб халқларда табиат кучларини эъзозлашнинг етакчи ифодаси бўлган.^{345: 114} Алишер Навоий ҳам ўзининг “Сабъаи сайёр” асарида шу эътиқодга ишора этгани эътиборга молик.

Айрим олимлар Пойкент, Иштихон ва бошқа обидаларда турган улкан бутлар Қушонлар давридаги сайёралар эътиқоди билан боғлиқ бўлган, деб тахмин қилади.^{58 48} Берунийнинг таъкидлашича ҳам, собийлар сайёраларга бутларга топингандек, сажда қилишган. Қуёш рамзи – шер бўлган, Ой – буқа, Марс – бўри, Меркурий – аждарҳо, Венера – кабутар, Юпитер – бургут ва Сатурн ҳам бургут. Ал-Хоразмий, Шаҳристоний ва Беруний маълумотларига кўра, собийлар Зардушт келишидан олдин мавжуд бўлган экан.^{345 115} Яъни зардуштийликнинг қатор сиймо ва рамзлари ўзидан олдинги диний эътиқодлар қатори астрал тасаввурлардан ҳам озуқа олган бўлиши мумкин.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турганидек, турли тотем-ҳайвонлар муайян юлдузлар ва сайёралар туркумлари билан боғла-

ниб, ҳар бир муҳитнинг ўз рамзи бўлган. Эҳтимол, одамларнинг турли рамзларни бир мавжудот танасида бирлаштириб, уларнинг яратувчанлик ва ҳимоячи қобилиятини кучайтириш ниятидан ғаройиб мавжудотлар пайдо бўлиб, санъатнинг хилма-хил турларида ўз аксини топган.

Бунга мисол Авестодаги Сенмурв бўлиб, Ригведа бўйича, бу муқаддас қуш ерга халоскор Сомани келтиргани айтилган. *Сенмурв – ўзида ҳайвон-қуш-илоннинг тана қисмларини бирлаштирган мавжудот бўлиб, тасвири рамзий маънода ер – осмон – сув муҳитларининг қурама ифодасини билдирган.* Масалан, Самарқанд девор тасвирларидаги сенмурвнинг боши – итники, қанотлари – қушники ва орқа қисми тангали балиқ думи сифатида ифодаланган (73-расм).

Қашқадарё вилоятининг Кўҳна Фазли шаҳристонидagi сопол идишда ҳам Сенмурв тасвири топилганлиги унинг сиймоси ўлкамиз узра кенг тарқалганидан далолат беради. Киев музейида Самарқандда ишланган сенмурвнинг сопол тасвири (74-расм) мавжуд бўлиб, Россиянинг музейларидан биридаги қадимотда эса, сенмурв тасвири яхшироқ сақланган (75-расм).



73-расм. Сенмурв тасвири
(Самарқанд, VII аср).

Сенмурв ислом даврида ҳам сақланиб қолади, бунга мисол – унинг XV асрга мансуб астрономия бўйича араб рисоласидаги тасвири (76-расм) бўлиб, ўлкамизда бажарилган “Шоҳнома” вариантининг миниатюрасида денгиз тубида яшовчи баҳайбат махлуқотлар ҳам мазкур Сенмурв тасвиридан илҳом олгани аниқ кўриниб туради (77-расм).

Дунё яратилишининг тотеми сифатида Сенмурв ўлкамизда Ҳаёт дарахти – “барча уруғлар дарахти” билан боғлиқ афсоналарда барҳаёт яшайди. Масалан, ўрта

асрларга мансуб Оқтепа медальон-туморида Сенмурв, мевалари тугилиб, шохлари эгилган дарахтда ўтириши тасвирланган. Яъни фаровонлик рамзини билдиргани аниқ Олимларнинг фикрича, ислом даврида Сенмурв ўрнини борган сари Семурғ эгаллайди ва у ҳам мевалари фарқ пишган дарахтда ўтирган ҳолатда тасвирланади. Мўғуллар босқинидан кейин ўлкамиз Семурғи Шарқдан келтирилган дарахт устидаги Феникс қуши (фын, фын-хуан) билан уйғунлаштирилади.^{345 67; 113: 252}

Тотемнинг ҳимоячи вазифаси турли халқларда қаҳрамонларнинг осмонга катта қуш устида кўтарилиши ҳақидаги афсоналарда акс этиб, эраמידан олдинги XXIII асрга доир қадим Вавилоннинг цилиндрсимон муҳрида бургут устида учган қаҳрамон Этан ҳақидаги ривоят шунга мисол. Авестода Кобус, ўз тахтини кўтарган бургутлар ёрдамида самога парвоз этади. Араб афсоналарида шунга ўхшаш қаҳрамоннинг исми Нимвруд бўлган. “Шоҳнома”да бургутларни минган



74-расм. Сенмурвнинг сополдаги тасвири (Самарқанд, XI аср)



75-расм. Сенмурв тасвири.



76-расм. XV аср астрономия бўйича араб қўлёзмасида Сенмурв тасвири.



77-расм. Ўлкамизнинг “Шоҳнома” варианты миниатюрасида Сенмурв тасвири.



78-расм. Золни самога кўтараётган Семурғ (Самарқанд, XI-XII асрлар).

Кайковус парвози тасвирланиб, яна бир қаҳрамон – Золни самога кўтариб кетаётган Семурғ тасвири XI-XII асрларга мансуб Самарқанднинг бронза сандиқчаси ва XV асрга доир Самарқанд миниатюрасида акс этган (78-расм).

Варахшанинг Ши-молий залидаги қисман сақланган тасвирда дарахт тепасида ўтирган, қуш патлари билан қоп-

ланган аёл расмини В. Шишкин аёл-қуш, деб талқин этади. Бу қуш – Ҳумо ёки Семурғ тасвири, деб ўйлаймиз. Айнан Семурғ Ҳаёт дарахтидан ерга фаровонлик уруғларини сочишини эсланг.

Бундай сиймо қадим Миср пирамидалари матнларида Бау деб аталган: инсон ўлимидан сўнг самога учаётган унинг руҳи шу қиёфада ифодаланиб, манзилига эришгач, “эху” – “ёрқин”га айланган ва, шу сабаб, бу қуш афсонавий Бенну – Осирис (Қуёш) илоҳининг руҳи ҳисобланган. Шарқдан бу сиймо юнонларга ўтади ва денгизчиларни жозибалаб, ҳалок этувчи сиреналар ёки одамларнинг руҳини ўғирловчи гарпиялар сифатида жуда машҳур бўлиб кетади. Қадим Ҳиндистонда эса, бу сиймо самовий мусиқачи сифатида Киннара номи билан маълум бўлиб, тангалар ва муҳрларда рафиқаси Киннари билан бирга тасвирланган. Бу мавзунинг хитойча варианты Кўч масканидаги Будда ғорларида ҳам учрайди. Ўрта Осиёда эса, Ҳумо қуши, деб аталган.^{264: таъл. XXIV} Сибирь қадимотлари орасида бу қушнинг тилла ҳайкалчаси бор. Маросимларда ишлатиладиган хумдаги қуш тасвирининг тарихи Бактрия Жарқўтонидан топилган мурғоби идишидан бошланади. Фарғонанинг XI-XII асрларга мансуб мис лаганида Ҳумо – аёл-қуш тасвири нақшланган ва ҳатто бизнинг кунларгача ҳам Самарқанд носкадуларида Ҳумо қуши от, Қуёш ва юлдузлар билан бирга тасвирланади. Ҳумо қушининг сояси тушган одам “ҳумоюн” бўлади, яъни бахтга эришиб, шоҳона ҳукмронликни эгаллайди.^{450: 211-212: 40} Бу ғоя Авестода ҳам акс этган: *Саэна иррға* – Семурғ улкан қанотларининг сояси фаровонлик, тўқлик келтирувчи ёмғирли булутга ўхшатишган.

Афсоналарга кўра, Ҳумо қуши, уни илондан қутқарган халоскорига узум токи уруғини келтиради ва ундан май яратилади. Р. Сулаймоновнинг тўғри таъкидлашича, бу мавзуда юқори ва қуйи дунёларнинг курашидан ташқари, Ердаги мавжуд барча ўсимликларнинг уруғини Ҳаёт дарахтидан келтириб берувчи Семурғ қуши мавзуи ҳам мужассамлашган.^{391 206}

Мифология ва эътиқод буюмлари намуналарида барча қанотли мавжудотлар илоҳий сифатларга молик бўлиб, одам-қуш қаторига сириш – одам бошли қуш ва фаришта (гений) – қуш қанотли одам тасвирлари киради.¹⁹⁹ Умуман, мусулмон мамлакатларида думи ранг-баранг товланувчи аёл-қуш жуда жим-жимадор усулда тасвирланиб, Ҳаёт дарахтини қўриқлаган. Ўрта асрларда ислом санъатида сфинкслар, аёл-қушлар ва жаннатий Ҳаёт дарахти бир мавзунини ташкил этиб, Шарқ шеърятининг мумтоз анъаналари ана шу ғоя билан йўғрилганлиги олимлар томонидан аллақачон тан олинган. Масалан, Эрмитажда сақланувчи X-XII аср кумуш жомини Икки дарё оралиғидаги ўлкамиз минтақасига доир, деб ҳисоблашади. Унда нақшланган аёл-қуш қўлида узум токи ва атрофида чирмашган новда тимсолида ҳаётнинг қайта янгиланиши ва ҳосилдорлик мавзуи ифодаланган. Айнан шу даврга оид Самарқанд бронза патнислари ва хумларида аёл-қуш ўсимлик нақши марказида тасвирланиб (79-расм), Самарқанднинг VI-VIII асрларга оид оссуарийсида (80-расм) ва



79-расм. Аёл-қуш тасвири
(Самарқанд, X аср).



80-расм. Оссуарийдаги аёл-қуш
тасвири (Самарқанд, VI-VIII асрлар).

VIII-X асрларга доир сопол буюмларида ҳам сирийлар тасвирланган (81-расм).

Одамларни кўтариб учаётган ҳимоячи қуш мавжудотлар тасвирдан ташқари, одам-шер, одам-йўлбарс, одам-бўри ва шунга ўхшаш шакллардаги *Сфинкс* номли сиймо бўлиб, қадимги Мисрда ва ўрта асрларда Европа ҳамда мусулмон дунёсида юзага чиқади. Миср сфинкси – шер танали, эркак бошли махлуқот бўлиб, юнон сфинкси аёл бошли ва кўкракли, қанотли мавжудотдир. Қадим Ўрта Осиё афсоналари ва эътиқодларида уларнинг иккала тури ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Холчаён саройидаги деворий тасвирларда шер танали сфинкс тасвири мавжуд. XII-XIII асрларда Самарқанд ва Фарғона минтақаларида аёл-сфинкс тимсоли тарқалади. Умуман олганда, аёл-ҳайвон худди аёл-қуш сингари афсунгар сиймодир.^{345 50}

Сфинкснинг кичик чинни ҳайкалчалари марҳум билан қабрга ҳам қўйилиб, Қадимги Мисрда улар қўриқчи ва ёмон кучлардан сақловчи вазифасини ўтагани улардаги ёзувданоқ маълум бўлади: “Ё, Априй (Миср фиръавни), мен сенинг маконингни қўриқламоқдаман, мен сенинг дарвозангни ёпаман, мен ташқаридан хуруж қилувчини қуваман, мен душманларни ханжарлар билан ҳалок этаман, мақбаранг остонасида ёмонликни тубан этаман, мен сенинг душманларингни (ўз) маконида пароканда этаман ва абадул-абад ўша ердан чиқмасликлари учун тамбалаб ташлайман”. Шунинг учун ҳам, қадимги мисрликлар сфинксни *bel-hit* (бел-хит), яъни “*посбон*” деб атаган.


Қоҳира музейида сақланувчи тилла билагузукдаги бир жуфт сфинкс ҳам тумор сифатида қўриқловчи вазифасини ўтагани аён (82-расм).

Мисрдан сфинкс Юнонга “кўчиб ўтади” ва Ўрта Осиёга қаердан келгани аниқ эмас. Бироқ эраמידан олдинги VI-V асрларда Миср маданияти Бактрия ва Сўғд билан алоқада бўлганлиги тасдиқланган далилдир. Ўлкамизда ҳам сфинксга ўхшаш фантастик мавжудотлар қўриқловчи ва ёмон кучлардан асровчи вазифаларига молик бўлганлиги азалдан маълум бўлиб, Авестода тилга олинган қуш шамойилидаги Иштар илоҳа ана шулардан биридир^{231: 14} (83-расм).

Шундай тотем ҳимоячиларидан бири Самарқанднинг VI-VIII асрларга мансуб сфинкснинг сопол ҳайкалчаси (84-расм) ва Амударё хазинаси буюмлари орасидаги тилла нишонадаги сфинкс тасвиридир (85-расм).



81-расм. Сополда сиринлар тасвири (Самарқанд, VIII-X асрлар).



82-расм. Қоҳира музейидаги сфинксли билагузук.



83-расм. Сфинкс (э. п. II-I асрлар).



84-расм. Самарқанд Сфинкси (VI-VIII асрлар).



85-расм. Сфинкс тасвирланган тилла нишона (Амударё хазинасидан).

Амударё сфинксининг бошидаги тож ибодатхона-қалъа девори тепасидаги аррасимон тишларни эслатиши ўлкамизга хос белги бўлиб, бу кўриниш марҳумларни ва улар билан дафн этилган қурбонлик тортиқларини қўриқлаш мавзуига туташади. Аслида, бундай тожли илоҳалар шаҳар ҳомийси бўлгани ҳам маълум. Худди шундай тишли тож Юнон-Бактрия шоҳи Андрагор зарб этган тангаларда ҳам учрайди (86-расм).

Эрмитажда сақланувчи кумуш лаганда тасвирланган тўртта аёл расмида ҳам қалъа деворининг аррасимон тепаси ифодаланган. Олимлар уни Хванинда илоҳаси, деб ҳисоблайди. Бироқ Астарта илоҳаси ҳам шундай тожда тасвирланиб, бу тимсол қадим Бактрияда сфинкс сиймосидаги шаҳар ҳомийси эътиқоди халққа таниш бўлганига ишора қилади.^{231 18-19}

XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда мис буюмлардаги “жўш урган ўсимлик нақшлари орасида” доира ичига зарблаб босилган сфинкс тасвирлари хос бўлиб, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд музейларида сақланувчи бронза лаганлар ва тағламалардаги тасвирлар бунга яққол далил бўла олади. Масалан, XI-XII асрларга мансуб Афросиёб сопол ҳунармандчилиги устахонасининг учта жомида (87 а-расм) ва айнан шу даврда Мовароуннаҳр ва, алаҳусус, Самарқанд учун анъанавий бўлган мис зарбли патнисларда сфинкс тасвирлари мавжуд^{434 110} (87 б-расм).

Бу тасвирлар ёмонликдан сақловчи ва фаровонлик келтирувчи тумор сифатида ишлатилгани Кўҳна Термиздан топилган XI-XII асрларга мансуб бронза патнисга битилган ёзувда ифодаланган эгасига қудрат, фаровонлик ва бойлик тилагидан ҳам аён (88-расм).

Термизнинг XII асрига мансуб бронза ойнасида тасвирланган бир жуфт сфинкс атрофида зарбланган кувий ёзувда ҳам айнан шу тилаклар битилган (89-расм).




86-расм. Юнон-Бактрия тангасида аррасимон тож тасвири.

Сфинкс думларининг учларида Ой ва Қуёш рамзлари борлигидан, эҳтимол, юлдузларнинг жойлашуви ойна эгасига омад башорат этишини билдирган ва, шунинг учун ҳам, мазкур эътиқод мусулмон санъатида узоқ асрлар муомалада бўлиб келган, деб ҳисоблайди олимлар.



А



Б

87-расм. Бронза хум ва бронза патнисдаги сфинкс тасвирлари (Самарқанд).



88-расм. Бронза патнисдаги сфинкс тасвири (Термиз).



89-расм. Сфинкс тасвирланган бронза ойна (Термиз).

Шулар қаторида дунё яратилиши ва уни қўриқлаш тотеми сифатидаги Аждарҳо ва илон тасвирлари ўлкамизда кенг тарқайиб, айрим тимсоллари қурама моҳиятга эгадир. Масалан, Бухоро рисолаларидан бири бўлмиш “Ихтиёроти бадийи” номли асарнинг (1541 йил) миниатюрасидан Аждарҳо сиймоси ўлкамизда қадим замонларда қанотсиз, ўрта асрларда – қанотли, ва, кеч ўрта асрларда – тўрт панжали, илон танали ҳайвон шаклида ифодалангани аёнлашади. Мазкур “кўпқисмли” махлуқотлар турли муҳитлар рамзларини ифодалаган: қаноти – самони, катта очилган ҳайбатли даҳани – оловни, илон бадани эса – ер ости ва сувни.^{59: 11-87; 470: 140: 391: 278, 287}

IV-V асрларда Сўғдга бостириб кирган Сирдарёбўйи қабила-ларида ҳам Аждарҳо сиймоси кенг тарқалган бўлиб, Туронда уларнинг турли шаклдаги тасвирлари янада кўпаяди. Хионит ва эфталитлар даврида ўлкамизда илоҳ ва маъбудаларнинг боши устида учар аждарҳо ва бошқа ҳайвонларнинг тасвирлари кўплаб учраб, аждарҳо шаклида ишланган асо ва байроқ-туғлар ҳам мавжуд бўлган. Ҳинд-сак тангасида эса, аждарҳо меҳроб олдида турган отнинг тепасида парвоз этмоқда. Эронда бу ҳолат кузатилмаслиги, ўлкамизнинг маҳаллий эътиқодлари ривожланганидан далолат бериб, унинг ўз заминимизда вужудга келганини кўрсатади.^{391: 281}

Шунингдек, Қадимги Турон афсоналарида Аждар – Ажидаҳак сезиларли ўрин эгаллаб, “Шоҳнома”да Рустамнинг аждоди ҳисобланади. Рустам эса, онаси Рудобанинг шажарасига кўра, Заҳҳокнинг авлоди сифатида бутпараст бўлиб, зардуштийликка қарши чиқади. Бу борада, “Шоҳнома”да Рустам аввалига, аждарҳо-илон томонида бўлиши, кейинчалик эса, унга қарши қурашувчи қаҳрамон сифатида куйланиши диққатга сазовор.^{150: 175-182}

Назаримизда, аждарҳо мақомининг бундай ўзгариши, зардуштий коҳинларининг ақидалаштирилган ташвиқоти туфайли, аждарҳо ёвузлик маъбуди Ахриманнинг ҳамроҳи қаторига ўтиши билан боғлиқдир. Шу туфайли, сув илоҳаси ҳам у билан биргаликда тасвирланмай қўяди. Бироқ зардуштийлик даврида Ажидаҳак ёлгон ташувчи ёмон сиймолар қаторига қўшиб қўйилганига қарамай, исломгача аҳоли орасида ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Ва ҳатто, исломдан кейин ҳам халқ орасида унинг сиймоси сақланиб келганига Сурхондарёнинг X асрига мансуб ҳайкалча мисол бўла олади (90-расм).

Шу билан бирга, қадим замонларда шоҳлар аждарҳони курашда мағлуб этиб, юртига фаровонлик келтиргани ва, шу

орқали, ўз ҳукмронлигини тасдиқлагани маълум. Масалан, қадимги Вавилон салтанатининг ҳомий илоҳи, ёруғлик кучларининг пешвоси Мардук (яҳудийча Мордухай) инсонларни қутқариш учун зулмат тартибсизлигининг ҳукмрони – аждарҳо Тиамат билан курашиб, уни енгади.^{528: 133} Бу мавзу Вавилон ва Хоразм муҳрларида тасвирланган (91-расм).

Кейинчалик, шоҳкоҳинларнинг аждарҳо билан курашиб, ғалаба қозониши ва халқи ҳамда ўлкасига тинчлик ва фаровонлик келтириш мавзуси III-VI

асрларга мансуб Қарши тангасида (92-расм) ўз аксини топиб, худди шундай мавзу Амударё хазинасининг тош лавҳида бир қаҳрамон шер-аждарҳонинг устига миниб олиш саҳнасида ҳам намоён бўлади (93-расм).

Бактрия Тиллатепасининг 2000 йил олдинги шоҳлар мақбараларида Аждарҳо сиймоси энг кўп учраб, сув илоҳасининг икки ёнида ҳам аждарҳолар (94-расм) тасвирланган.^{368: 33}



90-расм. Жиловланган аждарҳо боши (Сурхондарё, Будрач шаҳристон. X-XI асрлар).



91-расм. Мардук аждарҳони енгиши. Вавилон ва Хоразм муҳрлари.



92-расм. Қашқадарёлик аждарҳо билан кураш.



93-расм. Шер-аждарҳо билан курашаётган қаҳрамон (Амударё хазинаси).



94-расм. Иккита аждарҳо орасидаги илоҳа
(Бактрия, эрамиздан олдинги I аср).

Ўлкамизга аждарҳо тотеми доирасида Ҳиндистондан келган яна бир тимсолга Варахша саройининг ганчқори пештоғидаги шохли илон-аждарҳонинг ўйма тасвири мисол бўла олади (95-расм). Бошида, шохга ўхшаш қулоқлари диккайган камалаксимон ранг-баранг илон – қадимий халқларда ёмғир ва сув тошқинлари билан боғлиқ бўлиб, олимларнинг фикрича, ҳар ўн йилда бир неча юз метр ер сатҳини қопловчи денгиз сувларининг ҳаракати билан тушунтирилади. Шунинг учун, камалаксимон илон тимсоли эрамиздан олдинги IX-VII мингйилликдаги сув тошқини даврида тоғ тасвирларида пайдо бўлади. Яъни гап дунёда энг қадимги диний эътиқод ҳақида кетмоқда.^{176: 312} Самарқанд вилояти ҳудудида худди шунга ўхшаш илонбадан ҳайвон тасвирланган олтин нишона топилган (96-расм) ва Эрмитажда сақланувчи ўлкамиз қадимотларидан бир идишнинг аждарҳо шаклидаги дастаси ҳам шунга ўхшашдир (97-расм).



95-расм. Шохли аждарҳо (Варахша).



96-расм. Илонбадан ҳайвон
(Ўзбекистон).



97-расм.
Ҳайвон-илон-аждарҳо.


Қашқадарёнинг Ерқўрғон шаҳар ибодатхонасидан топилган аждарҳо бошининг ҳайкалча-қолипи, Афросиёбдаги Вархуман саройидаги туялар устида чизилган шахслар қўлидаги асонинг бош қисми ва Панжикент ибодатхонасида фравашилар қўлидаги асонинг бош қисмидаги тасвирлардаги мавжудотнинг ҳам боши илонга ўхшаб чўзинчоқ, кўзлари лўппи бўлиб, ҳиндларнинг шохли Макара номли мавжудотига ўхшаб кетади.^{391 217} Эрамизнинг биринчи асрларида Термиздаги Зартепа обидасидан топилган хум дасталари ҳам, назаримизда, фантастик Макара шаклида ишланган.

Қадим ҳинд адабиётида дарахтлар ва ўсимликлар илоҳлари (Якша ва Якшини)нинг турмуш қуриши ҳосилдорлик билан боғлиқдир. Мазкур эътиқод доирасидаги маросимлар эса, сув муҳитидан дунёнинг босқичма-босқич яратилишини акс эттиради: ўсимликлар ва қушлар дунёси ҳамда никоҳ орқали ҳайвонлар ва инсонлар вужудга келади. Мазкур дунёқараш буддавийликнинг *палий* матнларидаги ибтидоий сувлар ва улардан аста-секин турли мавжудотлар яратилишининг тавсифида батафсил баён этилган.^{100: 150}

Дунёнинг илк сувлардан яратилиш афсонаси кўп халқлар (жумладан, Миср, Икки дарё оралиғи, Океания, Америка)га маълум бўлиб, яратувчи сифатида кўпинча қурт, калтакесак, чаён ва бошқа махлуқотлар намоён бўлади. Уларнинг ўзига хос белгилари қуйидагилар: ёйсимон эгилган бадани ва сузгич шаклидаги думи. Қадим ҳинд эътиқодларида мазкур белгиларга эга бўлган мавжудотларни олимлар Макара, деб номлайди. Сув илоҳалари билан боғлиқ дунё эътиқодларида уларнинг ҳамроҳи сифатида фантастик денгиз аждарҳоси *Макара* ҳам намоёндыр. Масалан, Ҳиндистоннинг асосий сув маъбудаси Ганга унинг устида ўтиргани, эҳтимол, дарё вакиллари унга тобе этганлигининг рамзидир. Макара ҳам, аждарҳо каби, сув илоҳаларининг қуйи – ер ости қисмининг вакиллари билан бири бўлган. Ҳинд мифологиясида сув муҳити ва ҳосилдорликнинг қуйи поғона маъбуди ва ҳаётбахш куч манбаи сифатида тасвирланган Макаранинг бир нечта тури маълум: фил ёки тимсоҳ бошли, балиқ танали ва сузгич ёки қисқичбақа панжаси шаклидаги думли. Кўп ҳинд қавариқ тасвирларида учрайдиган Макара оғзидан ўсиб чиқаётган тўпбарг ёки гуллар ва барглар шодаси сифатидаги нилуфар – Коинотнинг космик сувлардан яратилиш рамзи ҳисобланади.^{100: 151, 127: 253; 391: 280}

Термиз ёнидаги Қоратепа буддавий ибодатхонасидан топилган диаметри 12 см бўлган дискда тасвирланган *нилуфар тўпбарги* кўп қадимий маданиятларда тотем рамз маъносини ўтаб, Коинотнинг


“марказ-чекка” шаклидаги тизимини ифодалаган. Тўпбарг маркази – Коинот маркази (киндик, меҳвар)ни билдириб, Атхарваведага биноан, “сувлар ўртасида турган тилла меҳвар” бўлиб, унинг 8 та барги дунёнинг фазовий маконини шакллантирувчи 4 та асосий ва 4 та оралиқ йўналишларига мос тушган (Хоразм Қўйқирилган-қалъасидан топилган салкам икки ярим минг йиллик астролябия айнан шу шаклда ишланган). Минг баргли нилуфар эса, ривоятларга биноан, тоғлар, дарё ва водийларга ибтидо берган.^{100 149} Айнан шу маъноларга молик Қоратепа дискида нилуфар тагида сув муҳити ва ҳосилдорликнинг қуйи поғона илоҳи, ҳаёт кучи бағишловчи Макара тасвирланган (98-расм).




98-расм. Макара махлуқотининг турлари.

Бу силсилада Макара оғзидан ўсиб чиқаётган 8 баргли нилуфар ва алоҳида барглар (99-расм) Коинотнинг фазовий сувлардан яратилганлиги рамзи ҳисобланиб, қушни туғаётган тотем Макара тасвири эса мавжудотлар яратилишини акс эттирган (100-расм). Бир-биридан қарама-қарши томонга қаратилган бу иккита Макара турли жинсга мансуб бўлиб, қадим ҳинд мифологиясида одамлар ва ҳайвонлар яратилишини ифодалаган. Оламнинг яратилиши ҳақидаги мазкур тасаввур, юқорида айтганимиздек, буддавийлик матнларидан маълум. Нилуфар ва Макара тасвирлари асосида олима қуйидагича хулоса қилади: Қоратепа дискида дунёнинг Макон ва Вақт узра яратилиш жараёни акс этган.^{100 150}

Юқорида кўрганимиздек, дунёнинг яратилиш мавзуи сув муҳити ва аждарҳо билан боғлиқ бўлган. Бу борада сув илоҳаларининг ҳам аҳамиятини унутмаслигимиз лозим. Айрим ғарб олимларининг фикрича, сарчашма суви маъбудалари Сўғд ибодатхоналарида турли рамзлар билан бирлашиб, аждарҳо оғзидан шиддатли сув оқими уфуришининг тасвирлари сўғдликларнинг эътиқодида у, сув ҳомийси бўлганини ифодалайди. Яна бир тасвирда илоҳа Анахита аждарҳо устида ўтирибди. Бироқ айрим ибодатхоналардаги илоҳаларни сув билан эмас, ҳосилдорлик билан боғлаш ва Нана илоҳасига ўхшатишга уринган ғарб олимларининг^{523: 231-352} талқинига Р. Сулаймонов қарши чиқиб, Кушон давридан бошлаб, ўлкамизда Нананинг ҳамроҳи шер бўлганига асосланади.^{391 289}



99-расм. Макара ва нилуфар тўпбарги.



100-расм. Макара ва қушлар.

Ҳинд-европа мифологиясида ҳам аждарҳо сув қўриқчиси сифатида гавдаланади. Авестода уч бошли аждарҳо Ажидаҳак ўз юртида Ардви (Анахита)га қурбонлик келтириши ҳам бунга далил бўла олади. Уч бошли аждарҳонинг энг қадимги тасвири Бактриянинг Ҳасанлу ибодатхонасидаги тилла идишда топилиб, у Анахита эътиқоди билан боғланади. Дарҳақиқат, ўлкамизда Аждарҳо тасвири турли буюмлар ва ибодатхоналар деворларига туширилиб, уни Анахита эътиқоди билан, аниқроғи, илоҳанинг қуйи – ер ости қисмидаги ва сув муҳити вазифалари билан боғлашган.^{207 34-39}

Авестода номланган уч бошли аждарҳо Ажидаҳак олимлар орасида турли баҳсларга асос солиб, назаримизда, юқоридаги таҳлилга бир мисол бўла олади. Р. Сулаймонов, олимлардан А. Бивар, М. Дандамаев ва А. Рибакларга таяниб, “Ажидаҳак” таржимаси “Дахлар аждарҳоси”, деганига урғу беради. Унинг фикрича, *Аждар ҳақидаги афсона Орол денгизи ва Сирдарё билан Амударёда кўплаб учраган осётр балиғи билан уйғунлашиб*, Волга бўйидаги Астрахань шаҳри ҳам лисоний тизмага биноан, осётрга топиниш билан боғлиқ: Аштархан, Осётер, Аштар, Аждар. Эътиқоднинг масофа ва замон узра силжиши натижасида у афсонавий илон – Аждарга айланади.³⁰¹ Мазкур ҳолат сак қабилалари орасида аждарҳога эътиқод кенг тарқалганини ойдинлаштиради. Айрим олимлар, Шаҳрисабзда XX асргача сақланиб келган Малик Аждар мазорига сиғиниш эътиқоди ҳам айнан шу тариқа изоҳланиши керак, деб ҳисоблайдилар.^{259: 17-98}

Балиқ, марҳумлар сукутининг хтоник тотем рамзи сифатида Самарқанддаги Руҳобод мадфани эшигида тасвирланиб, XIV асрга мансуб Қусам ибн Аббос мақбараси эшигининг қулфи ҳам балиқ шаклида ишланган. Шу пайтга доир Самарқанд мақбараларининг айрим қабр тошлари балиқ шаклида ишлангани эса халқ орасида узоқ вақт ҳукм сурган маълум анъанавий эътиқоддан далолат беради.^{345 37}

Балиқ коинотнинг пастки қисмини ифодалаб, кўп халқларнинг дафн маросимларида ҳосилдорлик ва фаровонлик рамзи сифатида ишлатилган.²⁴⁷ Шунингдек, Варахша ўймаси, Болаликтепа девор тасвиридаги кийимларда балиқ расмлари кўплаб учрайди. Доира ичида тасвирланган иккита балиқ қадим замонлардан “кун ва тун” рамзи бўлиб, тилла балиқчаларни тумор сифатида тақиб юришган. Қалъалиқир 2 да топилган кўплаб балиқ суяклари ва тангачаларидан маълум бўладикки, улар қурбонлик келтирилиб, шу ернинг ўзида

маросим дастурхони ёзилган. Бухоронинг Варахшасида балиқлар шаршара ёки тўлқинлар оқимида тасвирланган (101-расм). Термиз Айритом обидасидан топилган бронза ойнанинг орқа томонида ҳам тўлқинлар узра сузаётган иккита балиқ қавариқ усулда тасвирлангани анъанавий мавзудан дарак беради (102-расм).

Бухородан жанубдаги бир шаҳристон катта сарчашма ёқасида вужудга келиб, Нурота номини олган ва бу ернинг аҳолиси ҳовуз ва ариқларда бемалол сузиб юрган маринка балиғига тегмаган, чунки уни муқаддас деб билишган.^{135, 134} XX аср бошида ҳам Нурота мозоридаги қабр тошларида маринка тасвири ёки ҳайкали бўлган.



101-расм. Варахша саройидаги балиқ тасвири.



102-расм. Бронза ойнанинг орқа томонида иккита балиқ тасвири (Айритом. X-XI асрлар).

Балиқ таомлари учун ишлатилган ва танасидек чўзиқроқ уй идишларида балиқ расмлари чизилган. Шулардан бири оқ мрамрдан ясалган чўзинчоқ лаган бўлиб, бургут бошли қуш-балиқни ифодалайди. Умуман, Нурота сўзаналарида ва ўзга буюмларда учрайдиган турли ҳайвонлар тасвири бу ерда одатий ҳол бўлиб, шу ерлик усталар Ҳозғон сув ҳавзасининг жўмрагини эснаётган шер ва гаройиб балиқлар шаклида ишлаган. Тарновларнинг пасти ҳам турли ҳайвонларнинг бошлари шаклида ишланганига мисол тариқасида Термиз Фаёзтепасидаги буддавий ибодатхонанинг тарнови шер боши шаклида ишланганини келтириб ўтиш мумкин.^{154: 226-233}

Амударёнинг қадим номига биноан аталган “Окс цивилизацияси” ўлкамизда кўҳна санъат ва кундалик ҳаёт ашёларини маданий мерос сифатида қолдириб, жумладан, турли нарсалар ёки донни сақлаш учун ишлатиладиган идишларнинг қопқоғини турли реал ва фантастик ҳайвонлар тасвири шаклида ишланган муҳрлар билан ёмон кўздан сақлаш учун “ҳимоялашган”. Шулардан, аждарҳо тасвирланган муҳрлар Окс цивилизациясида аёл илоҳаси билан боғлиқ бўлган. Баъзи олимларнинг фикрича, аслида Ажидаҳак – Ахриман яратган *илон* бўлиб, асрлар давомида зардуштийлик коҳинлари ёрдамида у, ёвузлик ва қоронғилик салтанатининг ҳукмронига айлантирилган экан. Дарҳақиқат, аждарҳо сиймоси билан илон эътиқоди туташиб, қадимда тотем сифатида тушунилган илон марҳумлар ва руҳлар эътиқоди билан боғланиб, абадий ҳаёт рамзи мақомида турли илоҳларнинг ҳамроҳи бўлган. Бу борада, илон Ҳаёт дарахти билан ҳам тасвирлангани эътиборга моликдир.^{402: 258; 488: 38-75; 391: 287}

Аслида, *офиолатрия* (қадимги юнонча *ofis* – илон ва *latreia* – сиғиниш) – *илонга сиғиниш эътиқоди* ибтидоий ва қадимги элатларга хос бўлиб, қадимги дунё динларида илон дунёнинг яратилиши жараёнида ёруғлик ва яхшилик рамзи бўлиб, хтоник – нариги, ер ости дунёсининг рамзи сифатида турли илоҳлар фетиши ҳисобланган.^{164: 468} Бу борада Далварзинтепада тасвирланган илоҳа ёнидаги коҳинанинг қўлидаги илон шаклидаги билагузук хтоник элемент сифатида рамзий маъно касб этади. Тошкент тарих музейидаги оссуарийда марҳумни қўлидан ушлаб илоҳлар ҳукмига етаклаб кетаётган илоҳа тасвири ҳам унинг хтоник моҳиятига ишора этади. Илоннинг қўрғошиндан ишланган танаси Ерқўрғондан топилиб, Сўғд шаҳристонларидан биридаги деворий расмда илоҳа аждарҳо устида турибди, бош кийимида чўтир илон ўрнашган, ёнида эса, қўриқчиси – қанотли бўри тасвирланган.^{62: 123}

Умуман, илон ҳам, аждарҳо сингари, сув илоҳасининг ҳамроҳи бўлиб, унинг энг муҳим вазифаси ер ҳосилдорлигини таъминлаш бўлган. Илон ҳосилдорлик рамзи сифатида эркакка хос яратувчанлик моҳияти билан боғлиқ бўлиб, қадимда Ўрта Ер денгизидан то Узоқ Шарққача турли халқларда ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлганига Зевс илон қиёфасида маъбудалар олдига кириши ва Александр Македонскийни онаси илондан туққани ҳақидаги афсоналарни эслаш кифоя. Мисдан ясалган илон бути эса, XX асргача Хитойда император каналининг ҳомийси ҳисобланган.⁴⁵⁵
412: 391; 287; 436: 150

Шош воҳасига тегишли Қовунчи маданиятига мансуб жомда ҳам ингичка илон тасвири топилгани эҳтимол, олов эътиқоди билан ҳам боғлиқ бўлган бўлиши мумкин, чунки айрим оташгоҳлар тағламасининг икки томонида илон тасвири бор. Бунга қиёсий мисол – Бухоро воҳасининг Қизилқирда IV-V асрларга мансуб шундай тағлама топилган.^{391: 280; 273: рис 13, 16}

Оролбўйи Еттиосор маданиятига хос сопол буюмларда ҳам илонларнинг ёпиштирилган тасвирлари кўплаб учраши хионитларнинг ҳукмронлик даврига мос келиб, Сирдарёбўйи қабилалари Сўғд ва Хоразм воҳаларига сингиб ўтади ва Бактрия ҳамда Фарғонага сезиларли таъсир ўтказди. “Нахшаб маданиятида Еттиосор маданияти таъсири устувор турса, Кеш, Самарқанд ва Бухоро моддий маданиятида Қовунчи маданиятининг таъсири кўпроқ сезилади”.^{391: 281; 211: 167-179; 212: 251}

Масалан, Бактрия таркибидаги ҳозирги Сурхондарёнинг э. о. VIII-VII асрларга мансуб сопол идиши синиғида илон (103-расм) тасвирланиб, бу анъана сақланиб қолади ва орадан салкам икки минг йил ўтгач, IX-XI асрларда бир қозонда айнан ўша ҳолатда қайтарилади (104-расм).


Фарғонанинг Сўх туманидан топилган эраמידан олдинги III мингйилликка мансуб иккита илон шаклидаги қора хризолит (олтин яшил рангли қимматбаҳо тош)дан ишланган тумор эса, ўлкамизда энг қадимги тошдаги илон тасвиридир^{107: 48-55} (105-расм).

Александр Македонский босқинидан кейин ўлкамизда эллинизм таъсирида сув эътиқодида *тритонлар* – *одам-илон тотемининг рамзий* тасвири пайдо бўлиб, бунга Панжикент девор расмлари мисол бўла олади: шаҳар ҳомийси бўлган сув илоҳаси тритонлар қуршовида тасвирланиб, тахмин бўйича, улар дарё рамзи бўлган.

Қадим Юнон ва Ҳиндистон санъатида тритон намуналари кўплаб учраб, Миср илоҳларидан Изид ва Серапис илон оёқли



103-расм. Илон тасвирланган сопол
идиш синиғи (Сурхондарё,
Бандихон, э. о. VIII-VII асрлар).



104-расм. Илон
тасвирланган қозон бўлағи
(Сурхондарё. IX-XI асрлар).



105-расм. Сўх тумори (эрамиздан
олдинги III мингйиллик).

сиймо тарзида тасвирланган. Тритон сиймоси Кушон санъатида ҳам кенг тарқалган бўлиб, Сўғдада унинг сополдаги ўймакори тасвири бор. Одам-балиқ сиймоси ҳам ана шулар сирасига киради. Тритонлар Сўғд дарёларининг тимсоли ҳамда Сув илоҳасининг ҳамроҳлари сифатида маҳаллий эътиқодларга мос келиб, аҳоли тасавурида аждарҳо ёки илон билан уйғунлашган.^{59: 11-87, 301: 280; 345: 50, рис 18}



106-расм. Илонлар
чирмашган йигит
(Сурхондарё, Зартепа).

Илон тотеми мавзусида ўлка-мизга четдан келтирилган акс таъсир ҳам учрайди. Бунга мисол – Сурхондарёнинг Чимқўрғон (эрамизнинг биринчи асрлари) ва Зартепа (II-V асрлар) ҳайкалчаларида эркак кишининг оёқларига илонлар чирмашаётгани тасвирланган (106-расм). Бадани таранглашган ва мускуллари бўрттириб кўрсатилган бу ҳайкалча Ватикан музейидаги Лаокоон ҳайкали билан ўхшашлиги туфайли, олимлар уни кичик нусхаси, деб тахмин қилишади. Қадим юнон афсонасига кўра, Лаокоон коҳин бўлиб, Троя шаҳрини қутқаришга уринган. Душманлар ҳада этган катта ёғоч от ҳарбий ҳийла бўлиб, ичида душман аскарлари бекинган бўлишига диққат қаратган. Жаҳли

чиққан Посейдон иккита катта илон ёрдамида Лаокоон ва унинг икки ўғлини ўлдиради. Зартепадаги ҳайкалча қадим юнон шоири Вергилий тасвирлаган мавзуга айнан мос тушади.^{309: 118}

Шу тариқа, қадимий эътиқодий рамзлар асрлар ва динлар узра ўзининг сирли моҳиятини сақлаб келади ва улкан халқ оммаларининг улкан масофаларда силжиши жараёнида ўз изини қолдиради. Ўрта Осиё территориясида қабилалар шимолдан жануби-ғарбга силжигани сайин маҳаллий қадимги эътиқодлар келгинди диний тасаввурлар билан қоришиб, бир қатор тотем ҳайвонлар ва улар билан боғлиқ илоҳа-маъбудлар ўзининг айрим хусусиятларини йўқотади ва, айна пайтда, ўзга белги-рамзларни касб этиб боради. Энг муҳими, Яқин Шарқ тотем рамзларининг маҳаллий тимсоллар билан қурамаси эрамиздан олдинги I минг-йиллик бошида содир бўлиб, ҳали эллинизм кириб келмаган эди. Яъни мазкур эътиқод ва тасвирлар ўзимизнинг маҳаллий заминда вужудга келгани тан олинган.

Илоҳийлаштирилган ҳукмронлик тотемлари

Шоҳлар ҳукмронлигини илоҳийлаштириш тотеми, шер – Борлиқ шоҳи ва Қуёшнинг тотем рамзи, душманлардан сақловчи тотем тумор, бургут – ҳам астрал, ҳам сулола тотеми ҳамда Қуёш ва ҳукмронлик рамзи, илоҳийлаштирилган ҳукмронликнинг тотеми туя, йўлбарс ва туя рақобатдош қабилалар тотеми, Амир Темурнинг саҳналаштирилган томошалари, шоҳлар ҳукмронлигининг илоҳий рамзларини келтирувчи товуслар, ҳукмронликни илоҳийлаштиришнинг от тотеми, Фарғонанинг “самовий отлари”.

Шоҳлар ўз ҳукмронлигининг илоҳий моҳиятини бўрттириб кўрсатиш учун турли илоҳларнинг тотем рамзи бўлган муқаддас ҳисобланган ҳайвон шаклидаги тахтда ўтирган. Ўлкамизда маҳаллий ҳайвонларга қараб, аждодларнинг тотемига биноан, ҳукмронларнинг тахти ҳам мослаштирилгани табиий.^{450: 203} В. Шишкиннинг мазкур хулосаси тотемизмнинг яна бир қирраси – шоҳлар ҳукмронлигини илоҳийлаштириш вазифасига тааллуқлидир.


Дарҳақиқат, ҳайвонлар шаклидаги тахтда ўтирган шахслар қадим тангалар, ҳайкалчалар ва девор расмларида тасвирланиб, баъзи олимлар уларни илоҳийлаштирилган шоҳлар деса, ўзгалари – илоҳнинг ўзи, деб ҳисоблайди. Қашғар ҳукмронининг тахти тилла шер шаклида бўлиб, Кушон ва Фарғона ҳукмронлари эса тилла қўй шаклидаги тахтда ўтиришган.^{73: 272-276} Византиялик элчи Земарх 568 йили туркий хоҳон ўрдасида турли бутларни, тўртта товус устидаги ўрин ва кумушдан ясалган кўплаб ҳайвонларнинг тасвирини кўрган. Умуман, Шарқда ҳукмронларнинг тахти ва ўрнини турли ҳайвонлар тасвири билан безаш, оёқларини уларнинг шаклида яшаш кенг тарқалгани азалдан маълум. Қадим Мисрда малика тахти эчки тасвири билан безалган. Яна бир тахт икки шер устига ўрнатилиб, Рим курсисида иккита грифон тасвири бўлган. Бобилда илоҳлар ўзларининг рамзий ҳайвонлари устида тургани қизиқ. Қурбонгоҳ, туғ ва бошқа нарсаларда ҳам мазкур рамзлар акс эттирилган бўлиб, масалан, “Шоҳнома” қаҳрамонларининг туғларида фил, шер, бўри, аждарҳо ва туя тасвирланган, яъни шу аснода, қайтарилувчан мавзунинг инсонлар онгига таъсири кучайиб борган.

Эрамизнинг биринчи мингйиллигида ўлкамизда ҳайвонларни тасвирловчи буюмлар ҳаққоний, яъни ҳаётга яқин тус олиб, қимматбаҳо ва ноёб тошлар билан безатилади. Ҳозирги замон етакчи Ғарб олимларининг хулосасига биноан, мазкур усул илк ўрта асрлар Ғарбий Европа санъати намуналарига асос солади ва Шарқда ҳам ўз таъсирини ўтказди.^{178 446} Хитойнинг Тан сулоласи (618-907 йиллар) солномаларида ҳам Ўрта Осиёдан келтирилган маҳсулотлар ва санъат дурдоналари ҳақида маълумотлар кўп учрайди.

Бу борада, ўлкамиз қадим қабилаларининг диний эътиқодларида зооморф (олий кучларни ҳайвонлар сифатида тасаввур этиш) ва антропоморф (илоҳларни инсон шаклида) тасвирлашнинг мутаносиблиги қизиқ масала бўлиб, яриминсон-яримҳайвон тотем тимсоли ўз ифодасини топади. Авестода ҳам илоҳлар турли ҳайвонлар қиёфасини олиши таъкидланган бўлиб, шулар қатори ўлкамизда эрамиздан олдинги IV асрдан маълум илоҳ Митранинг тимсоли шер бўлган.

Ҳайвонлар шоҳи *Шер – Борлиқ шоҳи ва Қуёшнинг тотем рамзи* бўлиб, у қадим замонлардан буён шоҳларнинг ҳукмронлик белгисига айланган. Шимолий Бактрияда топилган эрамиздан олдинги I асрга доир лавҳ бунга изоҳ бўла олади (107-расм).

Шерлар устидаги тахтда ўтирган ҳукмрон бошидан ўнг томонда тож кўтарган фаришта, чап томонида эса, тик турган пешволаридан бири, бизнинг назаримизда – шаҳзода тасвирланган. Кўп олимларнинг фикрича, шернинг турли маъбуд ва илоҳалар билан тасвирланиши ҳайвонлар илоҳаси эътиқоди ва тотемизм



107-расм. Шоҳ ҳукмини илоҳийлаштириш саҳнаси.

билан боғлиқ бўлиб, шер устидаги аёл – илоҳа-маликани акс эттирган.^{153: 59} Шу тариқа, ҳайвонот оламнинг ҳукмрони шер устида ўтирган одамлар ҳукмрони шоҳга илоҳа тож кийдириши тасвирида шахс ва унинг сулоласининг ҳукмронлигини илоҳийлаштириш саҳнаси акс этган.

Сўғд обидалари девор тасвирларидан бирида шер устидаги тахтда илоҳа-малика ўтирибди ва, олимларнинг тахминига кўра, қаҳрамон Рустамга илоҳийлаштирилган ҳукмронликка фотиҳа бермоқда. Шип тагидаги ёғоч пештоқда эса, қанотли ва қанотсиз шерлар тасвирланиб, бошқа хоналарнинг тузилишига қараганда, қўлида Ой ва Қуёш ушлаган илоҳа рамзлари бўлган. Тепадаги ёйсимон тоқчаларда эса, турли илоҳ-маъбудаларнинг расми ёғочда ўйилган. Бирида – арава устида камон ушлаган Қуёш илоҳининг тасвири аниқ-тиниқ сақланиб қолган.^{66: 82} Шунингдек, деворий тасвирларда шер шаклидаги тахтда ўтирган илоҳ рўпарасида тиз чўккан коҳин гулдонга ўхшаш исириқдонга қошиқ билан исириқ солиши акс этган. Варахшада эса, туя шаклидаги тахт олдида айнан шундай маросим ўтказилаётганлиги тасвирланган.

Сўғдда шер бошли Сенмурв ер ва ер ости дунёси илоҳасининг тахтини рамз сифатида безаган (108-расм). Сурхондарё обидаларида қанотли шер тасвирлари гемма ва муҳрларда (109-расм) акс этиб, Самарқанд деворий тасвирида Афросиёб ҳукмрони қабулига келган элчиларнинг либосида зарбланган қанотли шер (110-расм) тасвири, назаримизда, шоҳ шахсининг илоҳий тотем ҳимояси остида эканлигига ишора этган.



108-расм. Илоҳа тахтидаги Сенмурв тасвири (Сўғд, VII аср).



109-расм. Геммада қанотли шер-грифоннинг ўйма тасвири (Сурхондарё Бароттепаси. I-III асрлар).



110-расм. Қанотли
шер тасвири

Олимлар хулосасига биноан, Шарқда тилла, кумуш ва мис идишлар, одатда, шоҳ саройларида ва диний ибодат ҳамда маросимлар пайтида ишлатилган. Масалан, тилла жомларда илоҳларга суюқлик ато этилиб, Ассирия шоҳлари саройида шер боши ритонларда нақшланган. Шунингдек, олимлар Мисрда эрамиздан олдинги III мингйилликда шер бошли – инсон танали жанговар Сехмет илоҳа эъзозлангани, Сурияда битилган солнома қадимги шоҳлар ибодатхона қуриб, унда шер ва бургутга сиғингани, Бобилда шер Нергал илоҳи бўлгани, Шумерда – шер тасвири эрамиздан олдинги XXIII асрда муҳрларда учраганини эслатади. Аммо барча санаб ўтилган ва яна бошқа шерларнинг тасвирларини таққослаб, олима, Хоразм шаклидагиси ҳеч қаерда йўқлиги ва, шу туфайли, ўз заминиде яратилганлиги ҳақидаги хулосани илгари суради. Шу билан бирга, шер бошли Сехмет илоҳа тасвири Хоразм сиймосига энг яқин бўлиб, идишдан ичаётган одам оғзи очилганида шер турли дев ва ёмон кучларни қувишига ишонинган, эҳтимол, деб ҳисоблайди.^{103 49}

Бу хулосага қўшилиб, бир нарсага эътибор қаратмоқчимиз: Шоҳ ҳукмронлигини илоҳийлаштиришнинг тотем рамзи бўлмиш шернинг сарой идишларидаги тасвири эгасини турли бало-офатлар ва ёмон кўздан сақловчи тумор бўлган. Яъни ҳукмронликка фатво бериш билан бирга уни асрагани ҳам аён. Бунга мисол – Термиз атрофида жойлашган Зартепа ва Чингизтепада сопол идишларда ёпиштирилган шер боши тасвирлари топилиб, пешонасида жимжимадор тожга ўхшаш маржон тақинчоқ бор.^{6 22}

Хоразмда Амударёнинг ҳам ўнг, ҳам чап қирғоқларида топилган сопол идишлар учун уларнинг дастаси устидан идиш гардишига қаратиб ишланган шер боши тасвирлари хос бўлиб, улар асосан эрта кангюй (эрамиздан олдинги IV-III асрлар) даврига оид улкан обидаларда учрайди. Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қалъалиқир




111-расм. Шер боши шаклидаги идиш дасталари (Хоразм, Қалъалиқир 2).

1 ва 2, Қўзалиқир бунга мисол бўлиб, аммо энг кўпи шоҳларнинг сарой-ибодатхонаси бўлган Қўйқирилганқалъадан топилган. Хумларнинг баландлиги 35-50 см, таги 16-24 см, гардиши 10-14 см, энг кенг жойи 25-30 см.^{103: 49}

Хоразмнинг Жонбосқалъасида топилган хум дастаси учун ҳам унинг юқори қисмига ёпиштирилган шер боши хос бўлиб, у тишлари билан гўёки хум гардишини ушлаб турибди. Эрамиздан олдинги V асрга мансуб Қалъалиқир 2 ибодатхона-қалъаси суғориш иншоотлари ва каналларини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган бўлиб, ундан топилган шер бошли идишлар, назаримизда, *душманлардан сақловчи тотем тумор* вазифасини бажарган бўлиши керак (111-расм).

Хоразм Тупроққалъасида эшик кесақисига қоқилган учта бронза шер боши ҳайкалчалари остона ва уйни ёмон кучлардан *асровчи тумор* вазифасини ўтагани аён.^{413: 55} Айнан шу иўналишда қозон дастасидаги шер ҳайкалчаси (112-расм) ва идишни қўриқловчи шер



112-расм. Шер шаклидаги қозон дастаси (Сурхондарё, Бударч шаҳристон. X-XI асрлар).



А



Б

113-расм. Идишни қўриқловчи шер боши
(Хоразм, эрамиздан олдинги V аср).

тасвирлари (113-расм) бадийлиги билан ҳайратлантиради ва, эҳтимол, диний маросимлар ашёлари қаторига кирган.

Айнан шу мажмуадан илк бор шер бошлари ёпиштирилган икки дастали амфорасимон ритон топилган (114-расм).

Тадқиқотчиларнинг фикрича, шер бошлари алоҳида қолипда ясалиб, қуриган хумга лой билан ёпиштирилган. Энг нафис тасвирлар бошнинг икки томонини алоҳида қолипда қуйиб, кейин бирлаштирганда чиққан. Шернинг юқори жағи кўриниб, пасткиси йўқлиги туфайли, худди гардишни тишлаб тургандек туюлган. Амударё хазинасидаги тилла хумни тишлаган шер бошининг тасвири ҳам айнан шундай. Аммо ҳатто битта обидада топилган бош ҳайкалчалари ҳам турли қолипларда ясалиб, кўз, бурун, сочининг тасвирланиши билан бир-биридан фарқ қилади. Аммо Хоразмдан чекка жойлардаги кўчманчи қабилалар минтақаси томон узоқлашган сари бу тасвир ўзининг аниқлиги ва бадийлигини йўқотиб борган. Бироқ бундан унинг мазмуни ўзгармаган, албатта, фақат айрим маросим жиҳатлари қўшилган бўлиши керак.



114-расм. Шер дастали амфора.

Фарғонанинг Қува идишларида шер ромблар доирасида тасвирланиб, Самар-


қанднинг VIII-XIII асрларга доир оссуарийларида орқа оёқларида тик туриб, қўриқловчи мақомида акс этган.^{341: 107; рис. 41-3} Қашқадарё Ерқўрғонининг кулолчилар маҳалласида топилган, тили чиқарилган шер юзининг (“киртимукха”) қолипи Амударё хазинаси, Тагискен ва Иссиқ қўрғонларидаги топилмаларга ўхшашдир. Бундай тасвирлар Самарқанд деворий тасвирлари ва сопол буюмларидаги ёпиштирилган нақшларда ҳам мавжуд.^{391: 217} Шимоли-шарқ тарафдан қадим Хоразм таркибига кирган Баланди дафн иншоотидан тошдан ясалган шер ҳайкалчаси ва Катта Фарғона канали қурилишида бошлари бир-бирига қараган бир жуфт шер ҳайкалчасининг топилмалари^{255: 52} ҳамда Термизнинг Фаёзтепасидаги Будда ибодат-хонасининг тош ҳовузидаги шер боши тасвирлари (115-116-расм) бу тотем рамз ўлкамизда кенг тарқалганига ишора этади.

Вақт ўтиши билан, шер сиймоси исломда – Алига (Асадуллоҳ – Аллоҳнинг шери), насронийликда эса – Исо пайғамбарга мансуб этилади. Умуман олганда, ислом даврида шер ўзининг эътиқод рамзи сифатидаги ҳукмронлик мавқеини йўқотиб, оддий ҳайвонга айланади. Р. Сулаймоновнинг фикрича, Нахшаб тангаларининг орқа томонидаги тасвирда аждарҳо устида ўтирган ҳукмрон шерни ўлдириши, III-IV асрлардаги эътиқодда *аждарҳо шерга қарама-қарши қўйилганини* ифодалайди. Сўғд тангаларида шерни мўлжаллаб, ёй тортаётган камончи тасвирланган. Худди шундай тасвир Хоразмнинг Қалъалиқир 2 обидасидан ҳам топилган (117-расм).

Сўғд обидаларидан бирининг девор тасвирида қоплон ва йўлбарс териларини кийган сулола асосчиси – қаҳрамон-шоҳ боши



115-расм. Шер боши. Фаёзтепа, Термиз.



116-расм. Фаёзтепа. Шер боши шаклидаги жўмракли ҳовузча.



117-расм. Шерга камон отиш (Хоразм, Қалъалиқир 2).

атрофида осмондан тушаётган учта аждарҳо думли қанотли шер кўрсатилган. Нахшаб илоҳаси илонбадан аждарҳо билан тасвирланиб, пойтахти Ерқўрғонда эса, ҳукмдорнинг муҳрида аждарҳо устида ўтирган шоҳ тасвирланган. Унинг қўлидаги қамчи коҳинлар табақасига мансублигини билдириб, рўпарасида турган илоҳа бир қўлида ҳукмронга жом узатиб, иккинчи қўлида аждарҳонинг жиловини ушлаган. Аждарҳо эса, Илоҳанинг муқаддас ҳайвони сифатида Қашқадарёнинг тотем ҳайвони бўлгани учун ҳукмрон ундан бошқарув ришталарига фотиҳа олганини ёки илоҳа ёрдамида ўзига бўйсундирилганини билдиради. Яъни ҳукмрон Сув илоҳасидан самовий ва дарё сувларини бошқариш ва, шу орқали, воҳанинг фаровонлигини таъминлашга руҳсат олади. Мазкур мазмун III-V асрларда Сўғд мафкурасида етакчи бўлиб, қишлоқ хўжалигига таянган ўтроқ қабилаларга хос бўлган.^{391 281, 288-289}

Шер тотемининг ҳукмронликни илоҳийлаштириш қудратини кучайтириш учун қушлар шоҳи бургут билан қурама тимсол қадимдан пайдо бўлади. Масалан, олимлар Қадимги Миср илоҳларидан бири шер бошли бургут бўлгани ва унинг мис тасвири эрамиздан олдинги 3000-йили ибодатхона эшиги тепасида осилгани

ҳақида маълумот беради. Сурияда битилган солномадан қадимги шоҳлар ибодатхона қуриб, унда шер ва бургутга сиғингани, Месопотамияда эса, шерга сиғиниш бургут билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик, эрамиздан олдинги I мингйиллик ўрталарига келиб бутун Осиё бўйлаб тарқалгани маълум.^{103: 49}

Авестода Веретрагна ва Фарн илоҳларининг кўринишларидан бири ҳисобланган бургут – қушлар шоҳи сифатида ҳам астрал, ҳам сулола тотеми, нариги дунё билан мулоқот воситачиси ҳамда Қуёш ва ҳукмронлик рамзи ҳисобланган.^{391: 122, 196, 217}

Бухорхудотларнинг Варахша саройи Шарқий залининг 11 м узунликдаги жанубий деворида ҳукмронлик мавзуидаги яхлит расмнинг марказида тахтда ўтирган улкан шоҳ тасвирланиб, либосларда турли рамзлар орасида бургутлар акс этгани шоҳона мавқеидан далолат беради. Шунингдек, бургут тасвири Ўрта Осиё шоҳларининг тожини безаган. Масалан, Кушон ва Хоразм шоҳлари зарб этган тангаларда бургут шоҳ тожининг тепасида жойлашиб, эрамизнинг илк асрларига мансуб Хоразм тангаларида шоҳлар бургутсимон дубулғада тасвирланган. Яъни ҳукмроннинг Қуёшга ва қушлар шоҳига тенг шоҳона салобатини акс эттирган.^{96: 29}

Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонасидан бургут тасвири бор учта бир хил нишона ва кизил лойдан жуда моҳирона ишланган сопол ҳайкалчаси топилган. Эҳтимол, у – маросимларда ишлатилган идишларни безаган бўлиши мумкин.

Бургутнинг эрамиздан олдинги II мингйилликка мансуб муҳрлардаги тасвирлари Сурхондарёнинг Сополлитепа ва Жарқўтонида топилган.^{339: 31} Хоразмнинг думалоқ муҳридаги бургут қанотларини ёйиб, панжалари қўзичоқлар боши шаклида тасвирлангани ва икки томонида Ой ҳамда Қуёш акс этгани космогоник, яъни дунё яратилишининг эътиқодий маънога эгаллиги шубҳасиз (118-расм).



118-расм. Бургут – эътиқод рамзи.

Шундай муҳрлар Ўрта Осиёда э. о. III мингйилликдан бошлаб кенг тарқалган ва умумлашма сиймо касб этган, десак ҳам бўлади (119-120-расмлар). Таққосланг, ислом даврида ҳам X асрнинг ас-Сўфий атласида, яъни орадан тўрт минг йил ўтгач, юлдуз туркумлари ўхшаш йиртқич қуш шаклида тасвирланган (121-расм).

Қўйқирилганқалъадан топилган эрамиздан олдинги V-IV асрларга мансуб бўлган муҳрларда бургут бошли грифон ва кийик тасвирлари акс этиб, хумларга ҳам шундай муҳр босилган.^{197 216-218}

Қанотли илоҳ – гений (фаришта ва сирина) Бактрияда бронза давридаги муҳр ва туморлардан маълум сиймо бўлиб, қурбонлик келтирувчи шоҳ ёки коҳин маросимини муқаддас мақомга кўтарган. Ўлкамиз ҳукмронлари саройларида сириналар санъатнинг турли шаклларида ифодаланишига мисол – Хоразмнинг Тупроққалъасида II-III асрларга мансуб сиринанинг ёмон сақланиб қолган расми (122-расм), Бухорхудотларнинг Варахшадаги саройида VIII асрга оид



119-расм. Ўрта Осиё учун умумлашма бургут тасвири.



120-расм. Ўрта Осиё учун умумлашма бургут тасвири.




121-расм. Бургут шаклидаги юлдуз туркумларининг расми.

ганчдан ясалган иккита ўймакор сириин ҳайкалчаси (123-расм) ва ниҳоят, Сўғд Панжикентда ҳам бир жуфт сириин тасвири (124-расм).

Қадим замонларда мазкур фаришта шон-шуҳрат келтирувчи илоҳ бўлган бўлса, Шарқнинг эрта ўрта асрларида у ҳукмронликнинг тотем рамзи бўлган. Ўлкамизда маҳаллий илоҳалар ҳам қанотли бўлганига Тихе-Хванинда мисол бўла олади (125-расм).



122-расм. Одам бошли қуш – сириин (Хоразм. II-III асрлар).



123-расм. Одам-қушнинг ганч тасвири (Варахша).



124-расм. Одам-қушлар тасвири (Сўғд).



125-расм. Тихе-Хванинда илоҳаси (Бактрия).

Тихе илоҳаси юнон мифологиясида шаҳарлар ҳомийси бўлиб, айрим олимлар уни Бактрия муҳитида Авестодан маълум Хванинда илоҳаси билан тенглаштирадилар. Унинг қанотли тасвири эрамиз бошидаги икки аср давомида Кушон тангаларидаги зарбдан маълум. Унинг қиёфаси маҳаллий аёллар намунаси бўлиб, юнонча аслидан фарқ қилади, бироқ ортидаги қанотлари бу сиймо диний эътиқод билан боғлиқлигига шубҳа қолдирмайди.^{307: 86}

Оссуарийларда нақшланган қанотли генийлар одамни асровчи фаришта сифатида ёки ҳайкалчаларда шон-шуҳрат рамзи сифатида тасвирланади. Ўлкамизда фаришта-асровчиларни, зардуштийлик анъанасига биноан, фраваша деб аташгани бизга маълум. Авестонинг XIII Яштида айтилган: "Улар энг қақшатқич жангларда улкан мадад беришади. Улар ҳукмрон салтанатпеша олдига гўёки парвоздаги гўзал қушдек учиб келишади. Улар сувлар оқимини йўналтиради, ўсимликларни ризқлантиради, Мазда ва Амеша Спенталар иродаси ила чексиз юлдузларга, ойларга ва қуёшга амри вожиб этади, уларнинг йўли собит, ва улар ўз жойлари ҳамда ўз уйи учун жангга киришади".^{345: 57; 72: 75} Шулардан бири Ника – ўлкамизда ғалаба илоҳасининг тимсолига айланиб, унинг сиймоси Кушон даври тангаларида зарб этилади, Холчаён ва Тупроққалъада ҳайкаллари ўрнатилади, кичик ҳайкалчалари уй ибодатхоналарига кенг тарқалади. Хуллас, олимларнинг фикрига биноан, Ника илоҳаси ўз қанотларида бутун дунёни кезиб чиқади.

Мазкур тотем тимсоллари монотеистик динларда ҳам сақланиб қолиши эътиқодлар узвийлигини намоён этади. Насронийлик даврида диний рамзлар сифатида қанотли фаришталар барча ибодатхоналарнинг деворларини безайди. Исломда эса мазкур рамзлар учаётган париларга айланади.

Илоҳийлаштирилган ҳукмронликнинг тотем ҳайвонларидан яна бири – қадим замонларда мадҳ этилган туя бўлиб, тимсоли Шарқ мифологиясида кўп учрайди. Мисрда унинг илк ўйилган тасвирларидан бири Ассуан тоғида эрамиздан олдинги III минг-йиллик ўртасига мансуб. Ўлкамизда ҳам оддий ва қанотли туя-грифонларнинг тасвирлари кўп бўлиб,^{245: 161. рис 28} ўрта асрларда энг ажойиб тимсоллардан бирига айланади.

Дарҳақиқат, туя ҳукмронлик тотеми бўлиши билан бир қаторда, афсоналарда одамларга яхшилик келтирувчи рамз сифатида ўлкамизда кенг маълум. Масалан, Алпомиш туя сутини ичиб, баҳодирга айланади. Айримларнинг фикрича, у энг қадим афсона-

ларда туя ўғли бўлган, шунинг учун ўзини “нор” деб атайти. “Гўрўғли” да суюқлисини қидириб кетган қаҳрамонга осмондан қанотли қора туялар ҳужум қилиб, ўзи билан олиб кетади, бошқа бир қаҳрамон – Авазни эса, қора туя отасининг жасади олдиға етаклайди.

Термизнинг Зартепасида эрамининг биринчи асрига доир сопол ва пушти ранг тош тузи бўлагидан ясалган туя ҳайкалчалари топилгани изоҳ талаб этади.^{20: 36} Қадим хитой муаррихларининг таъкидлашича, ўлкамизда 5 хил рангдаги мавжуд туз – тозалик, меҳмондўстлик ва садоқат рамзи бўлиб, қасам ичганда тасдиқловчи восита сифатида ишлатилган.^{75: 250} VI асрдаги византиялик муаррих Прокопий Кесарийский ёзиб қолдирган маълумотга кўра, Ёздигард ўғли Парвиз (457-484) эфталитлар билан бўлган жангларнинг бирида асирликка тушади, катта бадал пули эвазига озод бўлиб, минбаъд чегарадан ўтмасликка туз устида қасам ичади. Аммо, орадан кўп ўтмай, такроран эфталитларга қарши юришга чиққанида, эфталитлар подшоси ўз “шоҳ туғининг учига форс подшоси қасам ичган туз бўлагини осиб қўяди”.^{20: 37} – иқтибос келтирилган манба: Прокопий Кесарийский. История войн римлян с персами. Книга первая, СПб., 1876. с. 36 **Демак**, V асрда ҳам туз устида қасам ичиш одати сақланиб қолган ва ўлкамизда тан олинган. Халқимизнинг “Нон ва туз ҳаққи” иборасини ҳам эслаш кифоя.

Кушон давлатининг асосчиси Кадфиз I тангаларида илк бор туя расми зарб этилиб, VII-VIII асрларга мансуб туя тасвири тангалар Тошкентнинг Мингўрик ва Оқтепа шаҳристонларидан ҳам топилган.^{57: 194} Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонасидан чавандозсиз икки ўркачли туя тасвири ва ҳайкалчасининг синиқ бўлаклари топилган. Темирдан ишланган қанотли ва қанотсиз туяларнинг ҳайкалчалари ҳам ўлкамизда кўплаб учрайди.^{280: табл 49}

Қадимда сакларнинг бронза чирогбонидаги тасвирилардан йўлбарслар қуршовида турган иккита туя ҳайкалчалари маълум, шунингдек, тилла узукда оёқларини букиб ётган туя тасвири мавжуд.^{35: илл. 51. 57} Таовис шаҳрининг ёнидаги қўрғонли мазоротдан топилган эраמידан олдинги I асрга мансуб камарнинг бронза ҳалқасида ҳам мавзуимизга алоқадор тасвир бор: олд оёқларига тиз чўккан икки ўркачли туянинг бўйнига олд оёқларини тираган йўлбарс унинг ўркачини тишлаб олган, туя эса йўлбарснинг орқа оёғидан тишлаб олган.^{289: 60} Бундай камарбандлар Сўғда VIII асрда ҳам ишлатилгани маълум. Қадим ўлкамизда бундай камар ҳалқалари бошқа мақбаралардан ҳам топилганига эътибор қаратиб, олим унинг тасвири эътиқод жиҳатидан сеҳрли кучга эга тумор бўлган, деб ҳисоблайди. Азалдан камар билан белини ўраб олишнинг ўзи сеҳр-жоду кучига

эга бўлиб, ўз атрофида доира чизиб, ўзини ёмон кучдан асраш ёки доира ичига ёмон кучларни қамаш тушунчаси мавжуд бўлган.

Бухоро адабий мактаби таъсирида шаклланган “Қутадғу-билиг”да лашкарбошига лозим бўлган ўнта хусусият орасида, туянинг қасоскорлиги тилга олинади. Эҳтимол, туя ва йўлбарс рақобатдош қабилалар тотеми сифатида тасвирланган бўлиши мумкин. Қорақалпоқларда XX аср бошида ҳам йўлбарс тирноқларини тумор сифатида тақишган ва муқаддас туя жума кунлари авлиёларни зиёрат қилишига ишонишган.

Бухорхудотларнинг тахти оддий ёки қанотли туя устига ўрнатилган бўлиб, Хитой солномаларининг маълумотларига биноан, Бухоро ҳукмрони баландлиги 2 м келадиган туя шаклидаги тахт устида ўтирган. Фу-хо минтақасида эса, ҳукмрон тахти олдида еттига 1 м баландликдаги тилла туя ҳайкаллари турган.^{75: 272-276} Самарқанднинг туя тасвирланган сопол лавҳлари ва ҳайкалчалари маълум бўлиб, кўҳна пойтахт атрофида топилган, бронзадан қуйилган туя оёғини олимлар катта ҳайкалнинг бир бўлаги деб ҳисоблашади.^{450: 203}

Афросиёб сопол лавҳида (VI-VIII аср) ҳукмрон иккита туя шаклидаги тахтда ўтиргани тасвирланган (126-расм). Сўғд сопол лавҳларидан бирида туя устида ўтириб, қўлида кичик туя ушлаган одам тасвирланиб^{452: 60} (127-расм), Ўрта Осиё буддавий ибодатхонасидан топилган яна бир нишонада ҳам аёл ва эркак илоҳлар (шоҳ ва малика?) қўлида туя ҳайкалчасини кўтариб туришибди^{450: 60} (128-расм).

Афросиёб девор тасвирида аёл ва эркак илоҳлар қўлидаги жомдан олов алангалари кўтарилмоқда, деб ҳисоблашган, аммо чап томондаги илоҳ қўлида туя ҳайкалчаси борлиги аниқ кўриниб турибди (129-расм).



126-расм. Афросиёб ҳукмрони туя шаклидаги тахтда (VI-VIII аср).


Сўғд Панжикентидаги девор тасвирида туя ва тоғ эчкиси шаклидаги тахтда ёнма-ён ўтирган аёл ва эркак (130-расм) акс этиб, туя томонида ўтирган илоҳнинг кийимида Қуёш рамзи, қўй томонидаги илоҳнинг кийимида эса – Ой рамзи тасвирланган. Аҳамият беринг, илоҳлар бўйнига қўнғироқлар осилган қўй устида ўтирибди. Қўй эса, ўлкамизда шоҳона фарн – омад рамзи бўлган ва демак, лаганда туя ушлаган илоҳа шоҳга илоҳий ҳукмронлик рамзини келтирмоқда.




127-расм. Туя устида ўтирган одам (сопол лавҳ).



128-расм. Туя ушлаган илоҳлар (сопол нишона).



129-расм. Туя ушлаган илоҳлар (Афросиёб девор тасвири).





130-расм. Қўлида туя ҳайкалчаси ушлаган илоҳ.

Яъни тахтда шоҳ ва малика ўтирибди ёки илоҳа ўз ёнидаги шоҳга илоҳийлаштирилган ҳукмронлик рамзини узатиб, фотиҳа бермоқда. Шу уйнинг залида зиёфат пайти тасвирланган одамларнинг боши тепасида ҳайвонлар орасида аждарҳо думли қанотли туя ва қанотли қўй тасвирлари ҳам бор. Яна бир уйда тахтда ўтирган иккита илоҳ қўлидаги патнисда ҳайвонлар тасвирланиб, эркак илоҳ патнисида туя бор. Ак-Бешим обидасининг бронза рельефида жуфтлик ёнида туя ётибди.^{86 81}

Бухоро воҳасида энг кўп эъзозланган тотем ҳайвони туя бўлиб, тасвири 300 йил давомида Бухоро тангаларида зарб этилган. Шулардан бири – Бухоро бронза тангасининг олд томонида туя расми, ортида эса – оташгоҳ акс этган^{272: 116} (131-расм). Олимлар, танга V асрга мансуб бўлиб, кейинчалик, ислом даврида оташгоҳ ўрнини араб тилидаги ёзув эгаллаган, дейди.^{256: 42, 329: 99} Умуман олганда, бу рамз Сўғд ва Бухоро ҳукмронларида сулола белгиси сифатида маълум бўлиб, сакларда ҳам туя тасвири қурбонгоҳ-оташгоҳ билан тенглаштирилган.

Тангалардаги расмдан хулоса чиқарса бўлади: демак, туя шаклидаги тотем эътиқоди Оловга эътиқод билан бирлашиб, халқ орасида муқим мақомга эга бўлган. Аҳамият беринг, ўлкамизда туяни “нор” дейишгани, араб тилида “олов” маъносини англатади. Ўлкамиз ибодатхоналари, сарой ва шахсий уйларида деворларида акс этган оташгоҳ ва қурбонгоҳ ёнида сажда қилаётган диндорлар тасвирларида ҳам шу икки эътиқод рамзлари ва белгилари бирлашгани кузатилади. Жумладан, туя шаклидаги тахт ёнидаги қурбонгоҳ ёки оташгоҳ олдида тиз чўкиб турган одамларни, олимлар коҳинлар ва диндорлар, деб талқин этадилар. Масалан, Бухор-худотларнинг қароргоҳи бўлган Варахша саройининг девордаги тасвирларидан бирида қанотли туя шаклидаги тахтда қўлида кўчма қурбонгоҳ кўтариб ўтирган шоҳ-коҳин расми бор (132-расм).



131-расм. V аср Бухоро тангаси.

Гулдонга ўхшаш исириқдонда эса қурбонлик келтириш тасвири бор: қанотли туя шаклидаги тахтда ўтирган шоҳнинг чап қўли томонида жом ушлаган одамлар жойлашган, ўнг томонидаги одамлар эса, қурбонлик келтириладиган тош

олдида маросим ўтказишга шайланиб ўтирибди^{449: 68} Бизнинг мавзуимиз учун энг қизиғи – расмдаги қанотли туя тасвири (133-расм) бўлиб, Россиянинг Эрмитаж музейида сақланувчи Сўғд идишида тасвирланган шунга ўхшаш қанотли туя моҳияти олимлар учун сир бўлиб келмоқда (134-расм).

Аҳамият беринг, туянинг қанотлари табиий ўсиб чиққан ҳолда эмас, худди махсус тақилгандек ифодаланганлиги асосида, олимлар, бу расмда бирор маросим акс этган, деб ҳисоблашади. Варахша деворида чизилган йўлбарс устидаги пўшада турли тасвирлар борлиги, отнинг



132-расм.
Туя шаклидаги тахтда
ўтирган ҳукмрон.



133-расм. Варахша девор
тасвирида қанотли туя
шаклидаги тахт.



134-расм. Қанотли туя. VII аср.

туёқлари эса, турли рангларга бўялгани ҳам аллақандай маросим ифодаланганига ишора этади.^{450: 262}

Бизнинг назаримизда, бу иккита тасвирда ҳам халқ орасида маълум бўлган ва кўп асрлар давомида саҳналаштирилган тарзда қайтарилган анъанавий маросим акс эттирилган. Дарҳақиқат, бу борада 1404 йили *Амир Темур* Ҳиндистонга қилган ғолибона юришдан қайтишига атаб уюштирилган *саҳналаштирилган томошалар* ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай деган: “Самарқандликлар ёғоч, қамиш, арқонлар ва палослардан ясалган кўплаб туяларни олиб чиқишди. Дунё аҳлига ўз маҳоратини кўрсатиш учун туя нусхасини ясаб, ичига бекинишди”. Мазкур томошаларда иштирок этган Испания қиролининг Соҳибқирон ҳузурига юборилган махсус элчиси Клавихо ҳам шундай маълумот қолдирган: “Шу кунини... шоҳ филларини яшил, қизил ва яна бошқа рангларга бўяшди”.^{193: 292} Шулардан келиб чиқиб, Л. Ремпель қуйидагича хулоса қилади: қанотли туя ва бошқа ҳайвонларнинг ғайритабиий кўринишлари халқ орасида кенг маълум бўлган эътиқод ёки мифологик маросимларни акс эттирган.^{344: 100}

Ясама қанотли туя иштирокидаги маросимлар биз юқорида кўриб ўтган Бактриянинг олтинини қўриқловчи грифонлар ва улардан бекиниб, тилла қидирадиган одамлар мавзуи билан боғлиқ бўлиши мумкин, деб тахмин қиламиз. Самарқанднинг X асрга мансуб лаганида қанотли туя-грифон тасвири учраши Сўғда унинг

тотем сифатида эътироф этилганлигини намоён этади ва тилла қидирган одамлар чўлнинг оғир шароитларида туя устида олис масофаларни босиб ўтишини ҳам таъкидлайди (135-расм).

Туя халқ орасида нафақат сувсиз чўл шароитида олис масофаларни босиб ўтиш ёки озиқ-овқат ҳамда кийим манбаи бўлибгина қолмай, зардуштийликда ҳаёт давомчиси сифатида эъзозлангани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зардуштийликка бинонан, туя Веретрагна (Баҳром)




135-расм. Туя-грифон
(Самарқанд. X аср).

илоҳнинг кўринишларидан бири ҳисобланиб, Авестода туя шаклида намоён бўлиши – энг қудратли ҳаёт давомчиси сифатини билдиради. Тошкент Тарих музейида сақланувчи геммада ҳам қанотли туя тасвири бўлиб, иккинчисидан – Баҳром ва унинг суюклиси Озоданинг туя устида қочиши ифодаланган.

Эътиқод мавзулари ёки афсонавий қаҳрамонлар ва илоҳларнинг ботирликларини талқин этган мазкур томошаларнинг асл моҳияти вақт ўтиши билан хотирадан ўчиб, тасвирлар ғаройиб мавзуларга айланган. Ю. Рапопорт шу хусусиятга эътиборни қаратиб, қанотли туя сиймоси ўлкамизда 2000 йил давомида турли тимсолларда ҳаёт кечираётганига аҳамият беради. Масалан, Хитой солномалари Бухо, Баго (Бухоро) ҳукмронлари саройларида туяга ўхшаш ҳайратомуз страус қушлари боқилгани ва вақт-вақти билан Хитой ҳукмронларига ҳаё сифатида юборилгани ҳақида маълумот қолдирган. VII-VIII асрларга мансуб солномаларда оёқлари “туяникига ўхшаш” қуш ҳақида гапирилиб, одатда, у “туяқуш” деб аталган. Бухоро воҳасининг қадимги шаҳристонларидан бири – Шаҳри-вайрон, араблар босқинидан кейин, унда товуслар кўп бўлгани учун Тавоис (товуслар шаҳри), деб аталган. Наршахий маълумотида биноан, бу ерда катта бозор бўлиб, бошқа минтақалардан ҳам одамлар келган экан. Туянинг мазкур кўринишлари куч-қудрат ва ҳукмронлик герби сифатида намоён бўлиб, кейинчалик қорахонийлар хоқонлигида мансаб-мартаба белгисига айланади.^{96: 18} Олим, XX асрнинг иккинчи ярмида Қашқадарё вилоятида сопол ҳуштакчалар ясовчи кулолга дуч келиб, қизил ва бинафша рангларга бўялган қанотли туя шаклидаги ҳуштакка кўзи тушиб қолади. Самарқандликлар эса “авлиёлар каттакони” тушга туя шаклида кириши ҳақидаги қадимги афсонани сақлаб қолган.^{344: 101}

Хоразмшоҳлар тожида икки ўрқачли туя тасвири III асрлардан маълум бўлиб, ислом дини кириб келишидан олдин VII асрда муомаладан чиқади. Аммо VIII асрдаги Хоразм тангаларида яна пайдо бўлиб, Токқалъадан топилган VII-VIII асрларга мансуб тангаларда товус бошли туя тасвири бор. Шунингдек, товус дафн маросими билан боғлиқ нарсаларда тотем сифатида ифодалангани маълум.^{131: 114, 117}

Шоҳлар ҳукмронлигининг илоҳий рамзларини келтирувчи товуслар тасвири ҳам ўлкамиз эътиқодий санъатида тотем рамзи вазифасини бажарган. Масалан, Афросиёб ҳукмрони қабулига



136-расм. Афросиёб девор тасвиридаги элчилар кийимининг тасвири.



137-расм. Қурбонлик ғози.

келган элчилар кийимида илоҳий ҳукмронлик инъоми сифатида маржон келтирувчи товуслар тасвирланган (136-расм).


Аҳамият беринг, товус қуёш рамзини ифодаловчи нуқралар доирасига олиниб, тўрт томонида Қуёш ва Ой рамzlари берилган, ҳар бир тўртта тасвирнинг ўртасида эса Ҳаёт дарахти жойлашган. Яъни товус дунё ва фазовий борлиқ вакили эканлиги ҳамда Афросиёб шоҳига ҳукмронлик илоҳий амр ила берилганига ишора этилмоқда.



138-расм. Гулчамбар тутган товус.

VII асрга мансуб Самарқанддаги Вархуман саройидаги деворда меҳроб олдида илоҳга қурбонликка келтирилаётган муқаддас ҳайвонлар орасида отлар ёнида муқаддас оппоқ ғозларни кўришимиз мумкин. Қадим тасаввурларга кўра, от ва ғоз ўрта, юқори ва қуйи дунёлар орасидаги воситачи бўлган (137-расм).

Хоразмнинг Яккапарсон мажмуасидан топилган катта ёғоч муҳрда тумшугида гулчамбар тутган товус



139-расм. Тилла тухум қўювчи ғоз ривояти.

тасвири (138-расм) ҳам шоҳона инъомни англатади, яъни товус – илоҳлар элчиси сифатида танланган шахсга ҳукмронлик рамзини келтирмоқда.

Шу билан бирга, ғоз ҳақида турли афсоналар ҳам битилган бўлиб, шулардан бири – тилла тухум қўювчи, яъни омад келтирувчи ғоз саҳнаси Сўғд ибодатхоналаридан бирининг деворида тасвирланган (139-расм).

Ўлкамизда VI-VIII асрларда товус мато, металл ва девор тасвирларида бўйнида шарф ёки шода маржон, тумшугида ҳурмат тасмаси билан ифодаланиши айнан шу мавзуга бағишланган бўлиши мумкин (140-расм). Афросиёбда VII асрга мансуб девор пештоқида тасвирланган товуслар ўртасидаги мевали лагандаги анор эса, ҳосилдорлик ва фаровонлик рамзини ифодалайди (141-расм).

Умуман олганда, ўлкамиз обидаларида тасвирланган қушлар муайян афсонавий ёки/ва диний эътиқод мазмунларига эга бўлган. Масалан, Варахшада ганч пештоқларда бир хил шаклдаги какликлар тасвирланган. Қизил залнинг деворларида ҳам турли ҳайвонларнинг қатор бўлиб бир томонга юришини тасвирловчи расмларга ўхшашлари дунёнинг кўп халқларида қадимда кенг тарқалган. Қатор бўлиб кетаётган ёки учаётган қушлар тасвири



140-расм. Товус (Сурхондарё, Денов. VI-VIII асрлар).



141-расм. Афросиёб девор тасвиридаги товуслар.

кўп халқларда учраб, само рамзини билдирган. Олимларнинг фикрича, бу тасвирлар шунчаки деворларни безаш учун эмас, балки чуқур диний-афсунгарлик, сеҳр-жоду маъносига эга бўлган. Турли махлуқларга қарши кураш ва ҳайвонлар тасвири тумор вазифасини ўтаб, ёвуз кучларни қўрқитиб, яқинлаштирмаслик ва олий кучларнинг паноҳи ҳамда мададига эришишга қаратилган.^{450: 207-211}

Урта асрларга мансуб ўлкамиз тангаларининг бир томонида – от устидаги шоҳ, иккинчисид аса – ҳукмронлик рамзларини узатувчи илоҳа^{391: 289} тасвирлангани ҳам ҳукмронликни илоҳийлаштиришнинг от тотеми мавзуга боғланади. Аслида ҳам, дунё эътиқодларида от муқаддас саналиб, 2000 йил олдин ўлкамизда массагет қабилалари Қуёш эътиқоди доирасида отни қурбонлик келтиришини Геродот қуйидагича таърифлаб берган: "Худолардан фақат Қуёшга эътиқод қилишади ва унга отларни қурбонлик келтиришади. Бу қурбонлик маъноси шундан иборатки, илоҳлардан энг тезига – ҳайвонларнинг энг тезини бахшида этишади" (Геродот, I, 216). Бу маълумотларни яна бир қадимги муаррих Страбон ҳам

тасдиқлайди: “Худо, деб фақат ягона Қуёшни тан олишади ва унга қурбонликка отларни келтиришади” (Страбон, XI, 8, 6).

Қадим сак тилида қуёш “*urmay-sde*” – “Армай-сде”, дейилгани Б. Литвинский талқинида Аҳура Мазда номига мос тушади. Ғарб олимларининг фикрича эса, “Олий илоҳ”, дегани. Биз эса, Аҳура Мазда – “Доно илоҳ”, деб таржима қилинишига эътибор қаратамиз. Авестода Қуёш Аҳура Мазданинг “кўзи” дейилиб, Олов эса – ўғли ҳисобланган ва унинг муқаддас руҳи билан уйғунлашган^{234 36-37} бўлиб, Қуёшга топиниш қуйидаги мисраларда муҳрланган:

Отлари учқур зотга
Эҳсон этарман Хаома
Шарбатин сочиб ўтга,
Барсман новдаларини
Этарман хайру эҳсон.
Эзгу каломлар ила
Ҳақ сўзин дилда тутиб,
Қуёшга топинурман.

Туркий халқларда *от тотемининг эътиқоди икки турда бўлган:*

1. Илоҳга қурбонлик келтирилиб, маросим зиёфатида ишлатилган, териси эса қурбонлик ёғочига осилган; 2. Илоҳлардан бирига аталиб, алоҳида белги, кўпинча, Қуёш рамзи – салибсимон свастика билан муҳрланган ва подада қолиб, унга нисбатан алоҳида табу ва маросимлар киритилган.^{300 166} Ўрта Осиёда қадимда отларга свастикасимон тамға босиш кенг тарқалган бўлиб, унинг энг биринчи намуналари кўчманчи қабилаларнинг сопол идишларининг нақшида, Тулхар мақбарасининг маросим билан боғлиқ тош термасида ва Хоразм тангаларида учрайди.^{282: 114: 391: 215: 96: 102}

Шарқ халқларида, алаҳхусус, туркий қабилалар мифологиясида от нариги дунё – “ўлганлар олами”га элтувчи восита ҳисобланган. Қадимда ўлкамизда ўлганларнинг отлари эгаси билан кўмилмаса, ёли билан думини қирқиб, ҳадея этишган ёки яйловга ҳайдашган. Кўпчилик сопол от ҳайкалчаларининг ёли қирқилгани шундан келиб чиқади, яъни эҳтимол, айнан уларни марҳум билан қабрга қўйишган ва хотира маросимларида ибодатхоналарга қурбонлик келтиришган. Шунингдек, ўлкамизда уйларни қуришдан олдин, пойдеворига отнинг боши ёки танаси қурбонлик келтирилганлиги маълум. Фарғона, Тошкент мадфанлари ва Самарқанддаги Улуғбек обсерваторияси ёнида топилган қабрларда одам билан бирга от эгари ва жабдуқлари дафн этилган.

Олимларнинг фикрича, отни хонакилаштириб миниш эра-миздан олдинги III мингйилликдан бошланиб, Бактрияда чавандоз тасвирланган муҳрнинг энг биринчи топилмаси ҳам айнан шу пайтга тўғри келади. От астрал рамз бўлиб, устидаги чавандоз эса – Қуёш илоҳи Митранинг сиймоси, деб ҳисобланади. Дарҳақиқат, Фарбда Қуёш илоҳи Гелиос ва Шарқда унга мос илоҳ Митра ҳам қанотли отлар қўшилган аравада юришган. Сиёвушнинг ҳам қора тулпори қанотли бўлгани мавзуга чамбарчас боғланади. Муҳаммад пайғамбарнинг қанотли Бурак исми оти бўлиб, Меърож кечаси унда самога кўтарилиш саҳнасини Бухоронинг XVI-XIX асрларга доир миниатюраларида кўриш мумкин. Шунингдек, Авесто илоҳларидан Митра, Веретрагна, Хварно, Сиёвуш, Вайю ва Тиштрия от қиёфасини олгани диққатга сазовор.

Ўлкамизда отнинг тотем сифатидаги эътиқоди дуализм билан ҳам боғланиб, оқ ва қора от тимсолларида қуйидаги маъноларни англатади: ёруғлик ва қоронғилик, кун ва тун, ёз ва қиш. Фирдавсий “Шоҳнома”сида оқ ва қора отлар бир-бирини қувиб, ҳеч қачон ета олмаслиги кун ва туннинг қувлашмачоғига ўхшатилганлигини ажойиб шоирона муболаға дейиш мумкин. Ҳатто XIX асрда ҳам Ўратепа масжидининг мозаикасида қора ва оқ отлар тасвирланган. Қўшни тоғда эса, Ҳазрат Али минган Дулдул отнинг туёқ изларини кўрсатишади. Авестода Тиштрия илоҳ оқ от сиймосида гавдаланади ва дев тимсолини намоён этган қора от билан курашади.^{345: 28}

Кушон тангаларида илоҳа қўлидаги асонинг тепа қисмида от боши тасвирланган. Термизшоҳлар саройидан топилган XII асрга

доир медальонда от ёнидаги илоҳа қўлида ов қулпини ушлаб турибди.^{153: 56} Хоразмдаги Қўйқирилганқалъадан эса икки шохи от тасвирлари билан безатилган ва гўшт қовуриш учун мўлжалланган айри топилиб, шунга ўхшашлари Жонбосқалъа ва Бозорқалъадан ҳам маълум.

Қадим Бактрия замини Зариасп, яъни “Тилла отли” деб аталган бир пайтда, Хитой ҳукмронлари Фарғона отларига ишқибоз бўлиб, жуда катта маблағлар сарфлагани тўғрисидаги маълумотлар кенг тарқалган. Қуёшга бағишланган учқур



142-расм. Фарғонанинг қадимий самовий отлари.



143-расм. Болаликтепа девор тасвири.



144-расм. Қанотли отлар тасвири (Афросиёб).

отлар мавзуи билан (Даван) *Фарғона отлари "самовий отлар"*, деб номлангани ҳамоҳанг келади (142-расм).

Қанотли от қадим Шарқ маҳсули бўлиб, юнонларнинг Пегаси ундан учирма бўлган. Умуман, бу мавзу дунё халқларининг санъат турларида кўплаб учрайди ва ўлкамизда ҳам бу тимсолга мисоллар мавжуд: Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи бўлмиш Варахшада қанотли учар от расмлари Сўғд обидаларининг деворий тасвирларида одамлар расмининг устида парвоз этаётган отларга мос тушади. Сурхондарё Болаликтепаси деворларида тасвирланган қанотли от эса (143-расм) Афросиёб деворий тасвирида Самарқанд ҳукмрони ҳузурига келган Чағониён элчилари кийимида ҳам акс этгани диққатга сазовор (144-расм). Сурхондарёнинг яна бир обидадан топилган идишдаги муҳрда шунга ўхшаш қанотли от тасвири эса мазкур сиймо ўлкамизда кенг тарқалганидан далолат беради (145-расм).



145-расм. Идишдаги муҳрда қанотли от тасвири (Эшонбоботепа, Сурхондарё. VII-VIII асрлар).

Қадимги Хоразм муҳрларида гиппокамп – қанотли от-илон тасвирланиб, ^{402: 208 табл 83, рис 10} Юнон-Бактриянинг эрамыздан олдинги III-II асрларига мансуб кумуш лаганида чизилган филнинг тўқимида ҳам унинг тасвири зарбланган (146-расм) бўлиб, Сўғд обидаларидан бирида эса, от-қуш-илон тасвирланган (147-расм).

Хоразмнинг эрамыздан олдинги IV-III асрларга доир Қўй-қирилганқалъа обидаси сувдонида ҳам от-грифон ифодаланиб, эрамыз бошига мансуб бўлган Далварзинтепадан топилган муҳрларда эса гиппокамп тасвири ўзининг бадий ижроси билан ҳайратлантиради (148-расм). Боши, бўйни ва олд оёқлари – отники, илонсифат танасидан қанотлар ўсиб чиққан, бурама балиқ думининг учи айри каби иккиланган фантастик жонивор эса, кишини ғаройиб эътиқодлар оламига етаклайди (149-расм).

Хоразм шаҳристонларидан бирининг “Ҳазорасп” – “Минг от” деб аталиши, афсоналарга кўра, Сулаймон пайғамбарга бориб тақалади. У, сарчашма сувига маст қилувчи шарбат қўшиб, сув ичгани келган мингта учар отнинг қанотларини кесиб, одамларга хизмат қилишга ўргатган экан.



146-расм. От-илон тасвири.



147-расм. Қанотли от-илон (Сўғд Панжикенти).



148-расм. Гиппокамп тасвирли тош муҳр (Далварзинтепа. I-II асрлар).



149-расм. Мармар лавҳда гиппокамп тасвири (Далварзинтепа, I аср).



150-расм. Қалъалиқир от ҳайкалчаси.



151-расм. От ҳайкалчаси. Самарқанд. Ўрта асрлар.

Қанотсиз отлар қаторида Хоразмнинг Қават 3 масканидан эрамиздан олдинги II мингйилликнинг учинчи чорагига мансуб ибтидоий тарзда лойдан ясалган от ҳайкалчаси топилган. Хоразмнинг эрамиздан олдинги V асрга мансуб Қалъалиқир 2 ибодатхонаси топилмаси (150-расм) ва Самарқанднинг эрамизнинг ўрта асрларига мансуб от ҳайкалчалари (151-расм) ўзаро ўхшашлиги билан ўлкамизда мустақам ўрнашиб олган анъана мавжуд бўлганини исботлайди.

Қадим аждодларимизда *найзага илинтирилган от думи “туғ”* деб аталган ва уни махсус аскар – туғчи кўтариб юрган. Туғ учига баъзан тотем ҳайвон тасвири қўйилган, яъни жангда ҳам уруш илоҳидан, ҳам қабила аждод-ҳомийсидан мадад сўралган. Уни тик қўйиш урушнинг бошланиш рамзи бўлиб, узун найзаларга илинган туғлар хоразмликлар қўшинида азалдан машҳур. Ўлкамизнинг қадимги дафн маросимларида ишлатилган шамдон ва исириқдонлар ҳам от ҳайкалчаси устига ўрнатилгани, унинг, айти пайтда, хтоник тотем рамзи бўлганидан далолат беради.^{204 83: 368 34}

ИБОДАТ – ҲАҚИҚИЙ ҚУРБОНЛИКДИР

Марҳумлар ва руҳий жонзотларга қурбонлик қилиш таомили, ҳайвонни ўлдиришга “рухсат берувчи” ҳайвонларнинг «эгаси», дафн қурбонликлари икки турга бўлинган, “Ригведа” – ўлкамиз маросимларини қиёс асосида тушуниш омилидир, “буюк ва уй қурбонликлари” келтириш маросимлари, ибодат – ҳақиқий қурбонликдир, инсон ҳаёти давомида бешта қурбонлик келтиради, Ригведа ва Авесто учун умумий жиҳатлардан бири – сома-хаома эътиқоди, Атхарваведа – “афсунлар ўқишнинг муқаддас билими”, диний маросимларда турли қоҳинлар иштирок этган.

Биз юқорида кўриб ўтган анимизм, фетишизм ва тотемизм диний эътиқодларига бир умумий хусусият хос бўлган, яъни *марҳумлар ва руҳий жонзотларга қурбонлик қилиш таомили*. Бу борада, ибтидоий замон ғорларидаги ов саҳналари одамлар томонидан ҳайвонни озуқа учунгина ўлдиришни билдириб қолмай, балки қурбонлик келтириш саҳнасини ҳам акс эттирган. Яъни инсонлар илоҳлар ва арвоҳлардан муайян нарсалар ёки ҳимоя сўраб, уларга атаб ҳайвонларни қурбонлик келтирган.

Ғор санъатининг ривожини афсоналар ва ибтидоий диний тушунчалар билан боғланиб, жумладан, шаклланаётган қурбонлик келтириш маросимларини ифодалайди. Тарихчиларнинг фикрича, овчилар ва терувчиларнинг жамоаларидаги бадиий шаклларнинг аксарияти маросимлар билан боғлиқ бўлган. Қоя тасвирлари туширилган ғорларда одамлар диний маросимлар учун тўпланган. Француз муаррихи Брейлнинг фикрича, муз даври ижоди,

жумладан, қоя тасвирлари афсунгарона хосиятга эга бўлиб, овчиларнинг тирик қолишига хизмат қилган. Айнан шу мақсадда инсонлар яримодам, яримҳайвон сифатида тасвирлангани эса, назаримизда, ўзида тотем ҳосиятларини акс эттирган. Ҳайвонларни ўлдириш тасвири овга омад келтиришига, бир-бирига қовушаётган ҳайвонлар тасвири эса, уларнинг насли кўпайишига илтижо бўлган. Вақт ўтиши билан ғор меҳроблари ўрнига очиқ майдонларда жойлашган улкан диний қурилмалар вужудга келади. Бу – диний тасаввурлар мураккаблашиб борганидан далолат беради, десак бўлади. Шу алфозда, қадимда энг аввал тасвирий санъат ривожланиб, унинг доирасида амалий-безак санъати (тош, кийик шохлари, фил суягидан ясалган буюмлар) ва қоя тасвирларини ажратиш лозим.

Эрамаздан олдинги 12-7 мингйилликларни қамраб олган мезолит (Ўрта тош) даврида ўлкамиз тоғларида тасвирлар пайдо бўлади. Улар э. о. 6-4 минг йилликларни ўз ичига қамраб олган неолит (янги тош) даврида мукамаллашади. Тоғли ҳудудларда бундай тасвирларнинг икки тури кенг тарқалади: бўёқ (охра) билан бажарилган расмлар ва ўйилган тасвирлар. Бундай тасвирларнинг Ўзбекистонда диққатга сазоворларидан – Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Теракисой ва бошқа жойлардаги 100 дан ортиқ тасвирларни айтиб ўтиш мумкин. Уларда шер, йўлбарс, ҳўкиз, тулки, бўри, жайрон ва бошқа ҳайвонларни ҳамда узун қиличлар, найзалар, қопқонлар ва бошқа ов ашёларини кўриш мумкин.

Овчиликнинг қадимги инсон ҳаётидаги аҳамияти туфайли ёввойи ҳайвонларнинг тимсоллари илоҳ-маъбудларнинг рамзи сифатида муҳрланган. Бу борада овчилик ва деҳқончиликка хос диний эътиқодлар, уларнинг ўхшашлиги ва фарқларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Реал ҳайвон тасвирлари билан бирга антропоморф (илоҳ) тасвирларининг ривожини ва тарихини бунга ёрдам бериши мумкин, деб ўйлаймиз. Бу икки йўналиш “ҳайвоний – инсоний” ва “аёл – эркак” ибтидоларининг қарама-қарши қўйилишини, яъни дуализмни билдиради.^{30: 33}

Е. Антонованинг фикрича, барча қадимги халқлар тасаввурида ов жараёни ҳайвонни ўлдиришга “рухсат берувчи” уларнинг «эгаси» ҳақидаги мураккаб тасаввурлар билан боғлиқ бўлган.^{30: 21} Дарҳақиқат, ўлкамизнинг қадимги овчилари овдан олдин, ҳозирги тил билан айтганда, театрлаштирилган томоша қўйишган: овчилар ёйнайзалари билан ов қилишмоқчи бўлган ҳайвон терисига кийинган қабиладошлари билан мураккаб диний маросим рақсига тушишган

ва “ҳайвонни” муайян маъбуд шаънига қурбонликка келтириб, ҳақиқий овга рухсат ва омад сўрашгани мамлакатимизнинг Зараутсой ва бошқа тасвирларда ўз аксини топган.

Масалан, Зараутсой дарасида тоғ бағрига туширилган энг қадимги тасвирлар инсонларда диний тасаввурларнинг пайдо бўлишидан далолат беради. Расмда одамлар икки хил кийинган бўлиб, бир гуруҳи ҳайвонларга, иккинчиси эса – овчиларга тақлид қилаётгани тасвирланган. Ҳайвонларга найза ўқталиб, рақс тушишган ва, шу тариқа, сеҳр-жоду ёрдамида омад келишига ишониб, Олий кучнинг мададига таянишган.

Ҳайвонларни хонакилаштириш етарли озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан бирга диний маросимлар учун қурбонлик тайёрлашга ҳам туртки беради. Туркия, Крит, Юнон ва бошқа ўлкаларда томошабинлар ҳузурида ҳўкизни арқон билан жилоблаб, қурбонликка келтиришган. Француз олимларининг фикрича, бу одат, Испанияда ҳозирга қадар ўтказиб келинаётган коррида ўйинларида қадимги хусусиятларини сақлаб қолган.^{487, 161} Рус олимлари ҳам ҳўкиз билан боғлиқ ўйин-қурбонликка ўхшаш одатлар Сибирда сақланиб қолганига ишора этади.^{130, 96} Амударё хазинасида Окс ибодатхонасига аталган лавҳлар орасида туяни қурбонликка келтириш саҳнаси эса тиллада акс эттирилган (152-расм).

Инсон тириклигида ўзи қурбонлик келтирган бўлса, вафотидан сўнг унинг нарсалари ва оти билан ити ҳам қурбонликка келтирилиб, у билан бирга дафн этилган. Аскарларни – ёй-аслаҳаси, деҳқонни

– кетмони, овчини – камони, аёлларни эса – зебу-зийнат буюмлари ва уй анжомлари билан кўмишган. Яъни нариги дунёда ҳам эгасининг руҳи билан бирга ашёларнинг ҳам руҳи тирилиб, хизмат қилишига ишонишган. Шу асосда, дафн қурбонликлари қаторига кирувчи нарсалар ва маросимлар ҳам вужудга келади. Э. Тайлорнинг фикрича, дафн қурбонликлари икки турга бўлинган. Биринчиси – одам ва ҳайвонлар қурбонлик эти-



152-расм. Туя етаклаган киши тасвири (Окс ибодатхонаси).

либ, турли ашёлар ҳам инъом этилган. Иккинчиси – қурбонликка келтирилганларнинг руҳлари марҳум руҳига хизмат қилишига қаратилган.^{394: 244}

Масалан, Европа мамлакатларида черков, кўприк ёки қаср қуришдан олдин бирор одамни ёки бегуноҳ бир гўдакни тирик-лайн пойдеворга қориб, қурбонликка келтиришган. Бу жараён маъбудага сифиниш ёки диний талваса натижаси сифатида содир этилиб, қурбонликка келтирилувчи одам эса, коҳина томонидан ўлдирилган.^{394: 86-87}

Қадимги римликлар дин соҳасида ҳам фуқароларининг хусусий тушунчасини жамоа тушунчасидан ажратган. Фақат давлат қарорига биноан бахшида этилган бино, меҳроб, ҳайкал, ер, пул ёки ўзга нарсалар муқаддас, деб ҳисобланган. Шахслар томонидан ўз диний эътиқоди йўлида бахшида этилган айнан шу нарсалар эса муқаддас ҳисобланмаган. Диний маросимлар учун ишлатиладиган янги жамоат ибодатхонаси бунёд этиш уч босқичдан таркиб топган: ният қилиш, келгуси ибодатхона учун ер ажратиш ва уни дуои-фотиҳа ила муқаддаслаштириш ҳамда битган ибодатхонага фотиҳа бериш. Бу жараён махсус давлат ходимлари томонидан бажарилган, алоҳида шахс эса – ўз ерида, жамоат тартибига зид келмаса, ўз шахсий ибодатхонасини барпо этиши мумкин бўлган. Масалан, Римда зодагон аёллар табақаси томонидан “Зодагонлар камтаринлиги” ибодатхонасига киритилмаган консулнинг оми табақага мансуб хотини ўз уйида ибодатхона очади ва уни оми аёллар иштирокида “Омилар камтаринлиги” деб фотиҳа беради. Аксарият ҳолларда бундай жойлар, мақбаралар сингари, норасмий муқаддас хусусиятлар касб этган.^{376: 179-180}

Хитой императори йилига икки маротаба ибодатхонада Конфуцийга қурбонлик келтирганида, унинг руҳи келишига ишонишган. Конфуцийнинг ўзи айтган: “Руҳларга атаб қурбонлик қилиш керак... Улар турли нарсаларга кириб, яхши одамларни уларга атаб қурбонлик келтиришга мажбурлайди. Улар жуда кўпчилик бўлиб, атрофимизда ва устимиздадир”.

Қатор тарихий ҳодисалар ҳамда давлат ва халқлар тақдирини қўшни давлат-элатлар мисолига мурожаат этмасдан туриб, тушуниш мушкуллиги барча олимлар томонидан тан олинган воқелиқдир. Алалхусус, ўлкамиз диний эътиқодларининг қадимдан ўзаро алоқада бўлган халқлар ғоялари билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсир этгани аён бўлиб, ўз мозий тарихимиз маъносини тушунишга ёрдам беради.

Бу борада, э. о. II мингйиллик охирига мансуб ҳинд мадания-тининг энг қадимги осори атиқаси бўлмиш "Ригведа" ўлкамиз маросимларини қиёс асосида тушунишга ёрдам бериши мумкин. Ригведа – "Алқовлар (гимнлар)ни билиш", дегани бўлиб, илоҳларга қурбонлик келтириш пайти ижро этилган мадҳиялар тўпламидир. Унинг асосини диний-мифологик тизим ташкил этиб, инсон ҳаётининг турли маросимларига доир матнлари ҳозирги кунда ҳам қўлланиши, диний анъаналар сўнмаслигининг ёрқин намунасидир.

Айни пайтда, Ригведа тасвирлаган тарихий ҳодисалар, давлат ва халқлар тақдирини қўшни ўлкалар, жумладан, бизнинг диёри-миз мисолига мурожаат этмасдан туриб тушуниш мушкул. Халқ-ларимиз орасидаги қадим алоқаларни инобатга олсак, асар матни ўз мозий тарихимиз маъносини тушунишга ва ҳиндларнинг ҳам кўҳна одатлари биз билан боғлиқлигини идрок этишга ёрдам беради. Ундаги диний эътиқодлар қадимдан алоқада бўлган халқлар ғоялари билан боғлиқлиги ва улар ҳаминша ўзаро таъсир этганлиги аён. Унутмайликки, қадимда халқларнинг турли сабабларга кўра жуғрофий-маконий силжиши асосида қурама этнослар ва урф-одат ҳамда маросимлар юзага келгани шубҳасиздир.

Олимларнинг фикрича, Ригведа тарихи, Каспий денгизидан шимолда, бир сўз билан айтганда, Болқон ярим оролидан то Урал-гача бўлган масофада яшаган ҳинд-европа қабилаларининг бир қисми жанубга силжишидан бошланади. Бир тахминга биноан, улар Кавказ орқали ўтади, иккинчиси бўйича эса – Волга дарёси ва ҳозирги Ўрта Осиё орқали кўчишади. Муҳими, эрамиздан олдинги II мингйиллик бошида уларнинг кўчиши ниҳоясига етади.^{347: 4}

Яъни мазкур қабилалар ўлкамиздан силжиш ва ўтроқлашиш жараёни асносида қадимги диний эътиқодларимиз билан танишгани, биз эса уларнинг маросимларидан хабардор эканлигимиз қадим эътиқодларимизни тушуниш учун яна бир жиддий омил бўла олади. Айни пайтда, Кавказ халқлари, славянлар ва Ўрта Осиё халқларига хос бўлган қадимий диний эътиқодлар ва рамзларнинг ўхшашлиги ҳам, эҳтимол, шу тариқа, изоҳланиши мумкин.

Мазкур тўқимада эътиборимизни қурбонлик келтириш одати ва маросимларига қаратишга ижозат берасиз, азиз китобхон. Ригведада қурбонлик маросимларини қандай ўтказиш ҳақида кўрсатмалар бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтган. Аввалига, асосий диққат шоҳ, қабила ёки жамоа томонидан келтириладиган "буюк қурбонликлар"га қаратилиб, улар муқаддас ваҳийга асосланган. Вақт ўтиши билан "уй эътиқоди" ҳам тартиблаштирилиб, алоҳида

таклиф этилган қоҳин эмас, балки оддий уй эгаси ҳам уни ўтказиши мумкин бўлган. Турли мазҳаблар “буюк ва уй қурбонликлари” келтириш маросимлари, меҳробни қуриш қоидалари, диний дуолар (мантра) ва художўй хулқ бўйича муқаддас матнларни ақида-лаштиради.^{173: 51-52}

Эрамиздан олдинги I мингйиллик бошига мансуб *Атхарваведа* – “афсунлар ўқишнинг муқаддас билими”, дегани бўлиб, олов қоҳинларининг илк аждоди Атхарван номидан келиб чиқади. Мазкур маросимда ўқиладиган дастлабки веда ёки тегишли афсунлар оловга қурбонлик суюқлиги сепилганида олов қоҳинлари томонидан ўқилган. Бошқа учта Веда сома қурбонлиги келтириш билан боғлиқ бўлиб, шоҳлар маросимларида қўлланган, Атхарваведа эса уй ибодатхонасида уй эгаси томонидан келтириладиган қурбонлик маросимларига бағишланган. Асар қадимий халқ урф-одатларига асосланиб, унда инсоннинг сеҳр-жоду дуолари ёрдамида ўзига яхшилик ва душманларига офат тилаши деярли барча халқларда мавжудлигини кўрамай. Аҳамият беринг, Атхарваведада яхшиликка қаратилган дуолар ижобий баҳоланиб, ўзгаларга ёмонлик келтирувчилари қораланган.^{41: 14}

Эрамиздан олдинги I мингйиллик ўртасига доир “уй қурбонлик маросимлари”нинг “*Ашвалаяна-Грихьясутра*” китоби биз ўрганаётган даврга дахлдорлиги билан албатта қизиқиш уйғотиб, фойдали таққослаш ва таҳлилга асос солиши шубҳасиз. Китобда инсоннинг бешикдан то лаҳадгача келтириши лозим бўлган қурбонликлар турлари ва уларга мос маросимлар тавсифланган. Ваҳоланки, бу китобда ҳиндлар ва ҳиндлардан ўзга халқларнинг одат-маросимлари қайд этилиб, умумлашма ҳолатига келтирилган. Ҳиндистон билан қадимий алоқаларимиз эса, исбот талаб этмайдиган ҳақиқат.

Буюк қурбонликларда ёқилувчи “учта муқаддас олов” таърифидан кейин сувда пиширилган таомлар – “пиширилган қурбонлик” келтириладиган уй маросимлари талқинига ўтилади. Улар уч хил бўлган: оловга қурбонлик, оловсиз қурбонлик ва браҳманларга тортиқ этиладиган қурбонлик. Яъни “кимдир бир боғ ўтин билан қурбонлик келтиради, кимдир – суюқлик сепиш билан, кимдир эса – диний матнни билиши билан”. Шу уч тоифадан бири бўлмиш оловга қурбонлик келтирувчи ўтинларни ёқиб, “Мен фалончи илоҳга қурбонлик келтирмоқдаман” деб ўйлаши керак. “Энг муҳими, ибодатни канда қилмаслик, чунки ибодат – ҳақиқий қурбонликдир”.^{44: 1.1}

Аждодларга қурбонлик сифатида таом жанубга қараб келтирилиши керак, чунки у томон ўлим худосининг макони саналган. Эҳтимол, шу боисдан, қадимда ўлкамиздаги Олов уйлари жанубга йўналтирилган. Ёвуз девларга эса, шимол томонга қурбонлик келтирилган, чунки улар совуқ томонда яшайди, деб ҳисобланган. Аталган илоҳга муқаддас саналган ўт, эритилган ёғ ва олов маъбудига атамани “эгасига” етказиши учун алоҳида қурбонлик келтирилган.^{44: I. 2,3}

Қайнатилган таом қурбонлиги ҳақида у тўла ва янги Ой кунлари келтирилиши таъкидланиб, “кимга аталганлигини айтиб, ҳар бир илоҳга идиш ўртасига тўрт сиқимдан дон ташлайди, сўнгра тўрт маротаба донлар устидан сут сепеди. Кейин донларни қайнатади ва муқаддас ўт устида ёндирилган оловга ташлаб, атаган илоҳларининг номини ёдлаб, бахшида этади. Устидан махсус қурбонлик келтириш қошиғи билан 2 марта эритилган ёғ сепеди: бу эса қурбонликнинг икки кўзи ҳисобланади. Ўт ёнига покланиш рамзи сифатида бир тўла идиш сув сепеди. Қолган таомни браҳманларга беради”.^{44: I. 10}

Ҳайвонларни қурбонлик келтириш учун оловдан шимол томонда жойлашган махсус сатҳ тозаланади, қурбонликни ювиб-тозалаб, олд томонидан гуруч ва арпа донлари солинган сув билан пуркайди ва жонини чиқаради. Қисмларга бўлиб, оловда пиширади.^{44: I. 11}

Инсон ҳаёти давомида бешта қурбонлик турини адо этиб бориши уқтирилади: худоларга қурбонлик оловга келтирилади; ғайритабиий мавжудотлар, уй, ўсимлик ва бошқа нарсаларнинг ҳомий руҳларига “бали” қурбонлик; аждодларга атаб хотира қурбонлиги; Браҳман (ибодат ва билим илоҳи)га қурбонлик – муқаддас матнларни ўрганиш; инсонларга қурбонлик – уларга меҳмондорчилик орқали содир этилади.^{44: III. 1}

Марҳум ёндирилгач, унинг уйида уч кун овқат тайёрлаш ман этилган, чунки уй ўчоғидаги оловга ўлим нафаси теккан. Эҳтимол, шунинг учун ўзбекларда марҳум чиқарилган уйда уч кунгача овқат тайёрлашмайди. Ёндирилгандан ўн кун ўтгач, кекса қариндошлари суякларни идишга тўплашади, оқава сувлар тегмайдиган жойга кўмиб, таҳорат қилишади ва хотирлаш қурбонлиги келтиришади.^{44: IV. 4, 5}

Ригведа бўйича қурбонлик келтириладиган жой тепалик ва кимсасиз бўлиб, ибодатхоналар номланмаган. Биз кейинги бобда кўриб чиқадиган олов эътиқоди билан боғлиқ “платформа” – очиқ майдон ибодатхонаси айнан шу таснифга мос тушади ва кенг минтақаларда бир хил маросимлар ўтказилганидан ва биз келтираётган таққослаш ҳам ўринли эканидан далолат беради. Бу жойда

қурбонликнинг махсус сомони тўшалиб, илоҳларни унга ўтиришга таклиф этилган; муқаддас олов (агни) ёқилиб, унга қурбонлик суюқликлари тўкилган. Сома ўсимлиги қурбонлик келтирилган ҳолда шу жойга ўсимлик новдалари қўйилган, шарбатини тош билан сиқиб олишган ва махсус идишларда сув билан аралаштиришган.

Ригведа ва Авесто учун умумий жиҳатлардан бири – сома-хаома эътиқоди бўлган. У билан боғлиқ афсона ва шарбатидан ичимлик тайёрлаш усули ва маросими ҳам ўхшаш: бургут олиб келган ўсимликлар подноси баланд тоғ тепасида ўсади; шарбатини сиқиб, толали ғалвирдан ўтказишган, сут билан қориштиришган; қурбонлик келтириш жойида “барасман” – қурбонликнинг махсус сомонини тўшаб, махсус коҳин ибодат қилиши лозим бўлган. Бу борада ибодат дуоларини рамзий шаклда иккига бўлиш мумкин: аввалига илоҳ ёки/ва аждоднинг ўзига хос хусусиятларини санаб, алқаганлар, кейин эса унга мурожаат этиб, нажот ва илтимослар изҳор қилинган. Илтимос қисми икки турда бўлган: ўзига мадад, бойлик, соғлиқ ва ҳоказолар сўралган ёки душманларига ёмонлик тилаб, ёмонлик ва ёмонлардан асраш тиланган.^{347: 18, 36, 38}

Илоҳларга энг муҳим қурбонлик сома(хаома)дан ташқари сут, эритилган ёғ, донлар, нон кулчалар, асал, арпа ичимлиги ҳамда ҳайвонлардан эчки, қўй, буқа, сигир, от қурбонлик келтирилган. Қурбонлик муайян шахс – “бююртмачи” талабига биноан ўтказилиб, унинг номидан коҳинлар илоҳлардан ғалаба, фаровонлик, фарзанд, узоқ умр ва ҳоказоларни сўрашган. Ибодат охирида талабгордан яхши садақа олишган ва бу томони шу қадар муҳим бўлганки, муқаддас матнларда ҳатто унинг ўрни алоҳида таъкидланган.^{347: 18, 36, 38}

Юқоридаги маълумотлар билан таққослаганда, Хоразмнинг Қалъалиқир 2 ибодатхонасидаги кичик ўчоқларда турли нав унлардан ёпилган маросим патирлари ва ҳайвон ҳайкалчаларининг моҳияти аёнлашади. Бу анъана Ўрта Осиёда XX асргача етиб келиб, бола ушлаб ўтирган аёл ҳайкалчасини кулча шаклида ёпиш учун қолип топилган.²⁴⁷ Хамир бўлагини парчалаш ҳайвонни қурбонлик келтиришга тенглаштирилган, мусаллас эса унинг қонини ифодалаган.^{430: 59}

Қадим Шарқда, вақт ўтиши ва ахлоқий мезонлар мустаҳкамланиши билан, ҳайвонлар шаклидаги ритон(идиш)лардан ичимлик-суюқликлар сепиш ҳақиқий ҳайвонларни қурбонлик келтиришга тенглаштирилган. Бу борада Хоразмда эрамиздан олдинги IV-I асрларда ибодатхоналарда тайёрланиб, диний мақсадларда фақат от шаклидаги маросим ритонлари ишлатилгани

диққатга сазовор.^{187: 233} Хоразмнинг Қалъалиқир 2 ибодатхонасидан топилган муқаддас ичимликка мўлжалланган ритоннинг пастки қисми от шаклида ишланганлиги унинг дафн маросимларида хтоник тотем рамзи сифатида қўлланилганидан далолат бериши мумкин (153-расм).

Ригведа бўйича диний маросимларда турли қоҳинлар иштирок этиб, уларнинг вазифалари ҳам турлича бўлган: қурбонлик ичимлигини сепувчи қоҳин, сома ўсимлиги шарбатини ғалвирда софловчи қоҳин, сомани қурбонлик келтириш учун савоб қилаётганнинг хотинини келтирувчи қоҳин, оловни ёқувчи қоҳин, қурбонлик пайти турли аъмолларни бажарувчи қоҳин, қурбонлик пайти муқаддас гимнларни ижро этувчи қоҳин (браҳман) ва қурбонлик келтирувчи қоҳиннинг ёрдамчиси.^{347: 271-272} Қурбонлик келтирувчи қоҳинлар ҳақида 154-расм тасаввур бериб, уларнинг оқ кулоҳлари ўлкамиз обидаларидаги деворий тасвирларни тушунишга анча ёрдам беришига эътибор қаратамиз. Назаримизда 155-расмда ҳам ўлкамизнинг қадимги қоҳини тасвирланган, чунки бошида тож шаклидаги пешонабанд, соч-соқоли эса зоҳидларникига ўхшаб ўсиб кетган.

Ригведа маълумотларини зардуштийлик матнлари ҳам тўлдирди. Авестода Аҳура Мазда қурбонликни ёдлаб, Зардуштга насиҳат қилади:



153-расм. От шаклидаги ритон.



154-расм. Қурбонлик келтириш саҳнаси.

Менга сиғин, о, Зардушт,
Тун сиғин, кундуз сиғин,
Хайру эҳсонлар қилгин,
Сидқу қурбонлар қилгин.

Унинг гапига кириб, Зардушт
Ардви Сурага қурбонлик қилади:

Сўйдириб юзта тойни,
Келтириб мингта молу
Беҳисоб қўю пода.

(20-б)



155-расм. Коҳин
(Сурхондарё, Боботепа,
V-VI асрлар).

Бундан ташқари, Ардвига уч бошли Ажидаҳак, қудратли Фаридун, енгилмас Киришаспа, қабиҳ тур Франғрасйон, шижоатли Кавйўан (афсонавий кайёнийлар сулоласининг “Шоҳнома”да Кайковус шаклида келган вакили “Авесто”да шундай аталади), Хусрав паҳлавон, довюрак жангчи Туса («Шоҳнома”да Тус), қушга айланган Пурва, Жамасп, Сайу-Жидрийнинг учта ўғиллари, Наотар қавм Вистаруш қурбонлик келтиришади.¹²⁻²²

Кун ботганидан кейин Ардви Сурага эҳсон бағишлаш номақбул ҳисобланган, чунки шомдан кейин қилинган эҳсонга қоронгилик қаърида девлар, ножинс махлуқлар ташланади. Эртаклардаги жинларнинг тунги базмлари шу анъананинг фольклордаги давомидир. “Пок Ардви Сура эса – нурафшон эзгу сиймо бўлиб, девлар ишғол этган ердан кетади ва эҳсонлар унга етиб бормайди”.¹²⁻²⁹ Буни Ардви Сура шундай изоҳлайди:

Қоронги оқшом чўккач,
Бу қурбонликлар томон
Шоша, оёқ чалишиб,
Шармсиз сўкишлар-ла,
Ер-кўкни ҳаром қилиб,
Олти юз-у яна минг
Дев бирдан ташланганда,
Эҳсон эса мен томон
Интилади ҳар қачон.
Лекин мен унда йўқман.

(29-б)

Зардушт Аҳура Маздадан Тиштрийага қандай қурбонлик қилиш кераклиги ҳақида сўраганида, шундай жавоб олади:

Хоҳи оқ, хоҳи қора,
Лекин ола бўлмасин.

Авестонинг Веретрагна (Баҳром) илоҳига ҳам қурбонликка фақат бир хил рангдаги чорвани қайратиш мумкинлиги уқтирилган: “Ола қўй, эчки, молни қурбонлик қилиш маъқул ҳисобланмаган. Ўзбекларда қора қўчқор сўйиб эҳсон қилиш одати шундан. Қурбонлик учун ургочи ҳайвон сўйиш ҳам расм бўлмаган».^{12: 81}

Авестода қурбонлик қилиш ман этилган одамлар тоифасига қуйидагилар киритилган:

Аблаҳ ва фоҳиш инсон,
Қотил, кофир, беимон,
Ёвуз ва бузуқ аёл..
(81-б)

Қиёфаси мўъминдек,
“Гоҳ” (муқаддас матнлар)ни
дилдан қуйламас.
(103-б)

Умуман олганда, ўлкамизнинг катта ибодатхоналари улкан масофаларга хизмат қилувчи диний мажмуалар бўлиб, уларга турли жойлардан келганлар ўзининг яшаш масканига хос атама ҳадялар ва қурбонликлар келтиргани туфайли, бир жойнинг ўзида бир даврга оид турли эътиқод ашёларини ўрганиш ва хулоса чиқариш имконини бериши билан муҳимдир.

II боб

ЯРАТУВЧАН АЛАНГА ДОМИ

ЖАННАТМАКОН “ҚУЁШЛИ ЎЛКА”

Оловнинг инсон томонидан жиловланиши, зардуштийликда 5 тур олов, энг муқаддас Олов Хоразмда ёқилган, “Олов уйи”, бутлар ўрнига олов ёқишди, Зардушт Авестони Самарқанддаги Олов уйи хазинасига жо этди, Сўғд – “олов билан покланган”, қиёсий таҳлилга мурожаат, Қуёш ўғли – илоҳ Йиманинг фаолияти Хоразм – “Қуёш ўлкаси” билан боғланган, Йима – шоҳ ва коҳин, Вара – алангали абадий макон, жаннатмакон “Қуёшли ўлка”, Чахра ва Чағра – Хоразм тоғининг қадимги номи, платформалар – ернинг баланд нуқталари самодаги илоҳга яқин туради, ўлкамиз чахортоклари, саккиз япроқли иншоот.

Тарихчилар оловнинг инсон томонидан жиловланиши ярим миллион йил аввал содир бўлган, деб ҳисоблайдилар. Олдинига, “асраб олинган олов”, яъни ёнғин ёки чақмоқ натижасида аланга олган дарахтларнинг оловини “эстафета” сифатида авайлаб сақловчи усул юзага келади, кейинчалик эса, инсон олов “яратишни” ўзлаштиради ва, пировардида, ўчоқ пайдо бўлади. Ибтидоий инсон ҳаётбахш оловни фетиш сифатида илоҳийлаштириб, замонлар оша тафаккур кучи билан яратилган худолар пантеонидан Олов илоҳи етакчи ўрин олади.

Хоразм, Бактрия, Сўғд, Чоч, Даван овчилик маданиятларида оловга топиниш эраמידан олдинги IV мингйилликда аланга олиб, Тупроққалъа, Тиллатепа, Ерқўрғон, Афросиёб, Қутлугтепа, Шоштепа, Далварзинтепа, Жарқўтон, Мингўрик, Оқтепа ва бошқа

кўплаб ибодатхоналарда ўзига хос маросимлар шакллангани ва, кейинчалик, зардуштийликка ўтгани эътироф этилади.

Мозийда ўлкамиз аҳолиси орасида олов эътиқоди нақадар кучли бўлгани ҳақида ўша давр муаррихлари шундай деган: "Қайси илоҳга қурбонлик келтиришларидан қатъи назар, аввало, улар намоз ила оловга мурожаат этади"^{368: XV. III. 16} Ўлкамиз қаҳрамони Широқ босқинчилар лашкарини адаштириш учун нотўғри йўлдан олиб кетаётганида, душманининг лашкарбошиси – подшоҳ Дорога "абдий олов ва муқаддас сув" номи билан қасам ичгани ҳам тарихий далил.^{295: XII. 12} Манбаларга кўра, юрт озодлиги учун курашган Муқанна ғалаба қозонишга кучи етмаслигини англагач, Сино қалъасидаги оташгоҳнинг муқаддас алангасига ўзини ташлайди.^{361: 306}

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмида яшаган қабилаларнинг диний эътиқод тушунчаларига назар ташласак, ёндириш ва қабрда аланга олдириш уларнинг дафн маросимида хос таомил бўлганлиги аниқланади. Бактрия ибодатхоналарида муқаддас аланганинг сўндирилмасдан сақланиши ва Хоразм обидаларида тозаланган суюқларнинг дафн этилиши олимларни бу минтақа зардуштийликнинг эътиқодасотирий анъанаси шаклланган минтақа бўлиб, кейинчалик, унинг асосида зардуштийлик таълимоти вужудга келган, деган хулосага келтиради.^{392: 127}

Авесто матнларида айтилишича, дунёни яратиш учун Худо аввалига ўз вужудидан нурланувчи, думалоқ ва узоқдан кўринадиган "олов шаклини" яратади.^{329: 86} Шу боис, Олов – зардуштийлик худоси Аҳура Мазда яратган етти унсурдан бири сифатида Қуёшдан тортиб то уй ўчоғидаги оловгача муқаддас саналган. Зардуштийликда катта ва кичик фазовий оловларнинг Ердаги инъикоси тушунчасига биноан, фазодаги Қуёш нурига – Ердаги ибодатхоналарнинг эътиқод оловлари алангаси, юлдузлар шуъласига эса – инсон кўзларининг нури мос келар экан. Шу боис, оловнинг иссиқлик моҳияти жамики мавжудотларда бор, деб ҳисоблангани учун диний маросимларда келтириладиган муқаддас қурбонлик тўғридан-тўғри илоҳлар ҳузурига етишига ишонилган.^{513: 118; 391: 234}

Зардуштийлик даврида олов илоҳий адолат – "арта" тимсоли сифатида кўрилган. *Зардуштийликда 5 тур олов* бўлган: 1) илоҳлар ва шоҳларнинг самовий олови (чақмоқ); 2) тирик мавжудотларнинг олови ёки иссиқлиги; 3) дарахтларнинг ҳаётий иссиқлиги; 4) тоғ олови (вулқон); 5) ердаги – сунъий олов.^{77: 10-11} Оловга тоза, қуруқ ўтинлар, хушбўй ўтлар ва барглар ҳамда думба ёғи – "заотра" қурбонлиги

келтирилиб, оловга тортиқ ҳисобланган. Шу тариқа, олов ўсимлик дунёсидан иккита ва ҳайвонлар дунёсидан битта тортиқдан куч тўтлаб, авж олган. Бу қурбонликлар кунига уч маҳал – кунчиқарда, пешинда ва кунботарда келтирилган, деб ҳисоблашади. Биринчи хўроз қичқириғи билан олов қоҳинлари ўрnidан туриб, олов ёқишлари лозим бўлган. Сув эса 14 турга бўлиниб, унга қурбонлик сепмоқ уч нарсдан таркиб топган: сут ва иккита ўсимлик барглари шарбати. “3” рақами муқаддас саналиб, сув кучи билан вужудга келган ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини ифодалаган. Зардуштийлик маросимларида учта қурбонлик нарсаси бўлган: хаома – муқаддас ўсимлик шарбатининг бошқа ўсимликлар шарбати ва сут билан қоришмаси; драунах – хамиртурушсиз патир; миозда – таом, дон ва мевалар. Ибодатхоналарда ўтказиладиган ибодат маросимларида “барсман” – аввалига илоҳлар ўтирган тағламанинг шохлари, турли хил идиш-товоқлар, олов учун темир идиш, дарахт бўлағи, от ёли (қили) ёки буқа жуни билан ўралган темир ҳалқа ва мусиқа асбобларидан флейта, дўмбира ва кимвал ишлатилган.^{142: 45-52; 77: 11}

Дин тарихи мутахассиси Шаҳристоний қадимий диний эътиқодларнинг замонлар ўтиши билан ўзгара бориши ҳақида шундай ёзган: “Виштаспагача шохлар собийларнинг динини тутган. Улар юлдузларга сажда қилган ва, айниқса, иккала фазовий жисм [Қуёш ва Ой]ни эҳтиром этган... Зардушт ҳам аввалига уларга сажда қилган, бироқ кейинчалик, бу борада кўплаб чалкашликлар ва маъносизликлар мавжудлигига амин бўлиб ва оловни худога яқин деб, олов эътиқоди (“амали”)ни юксалтирди, чунки олов (ёруғлик) унинг (худонинг) ёруғлигидан пайдо бўлиб, табиат кучларидан энг олий ва энг афзалига мансубдир. Шунингдек, у сувга ҳам эътиқод қилишни буюрди, чунки сув – яратувчанлик асоси ва ер фаровонлигининг омили”.^{77: 12} иқтибос олинган манба: Al-Shahrastani. Kitab al milal wa al nihal, t. 1, Ed. Cureton. London, 1848, p. 431

Дарҳақиқат, қадим замонлар ва ўрта асрларда ибодатхоналар вақти-вақти билан илоҳ-маъбудаларини ўзгартириб турганлиги тарихдан маълум. Янги босқинчилар келиши ёки ҳукмронлар ўз эътиқодини ўзгартира бориши баробарида, ибодатхонада ўрнатилган илоҳлар ва эътиқод маросимлари ҳам ўзгара борган. Бир иншоотнинг ўзида аввалига бутлар, кейин маъбудалар ҳайкаллари ва тасвирлари, кейин эса олов меҳроблари ва ниҳоят, масжидлар жойлашган. Буддавийлик ибодатхоналарига оташгоҳ қўйилган ва аксинча, оташгоҳ ўрнини меҳроб эгаллаган. Бундай ҳолат, умуман олганда, барча давлатлар ва халқлар учун хос бўлиб, эътиқод

марказлари халқ таомили ва хотирасида маълум бир жой билан боғлиқлиги жиҳатидан қизиқдир.^{387: 7-50}

Алқисса, зардуштийлик битикларида энг муқаддас Олов ҳақида маълумот берилиб, биринчиси – Фробак (бошқа манбаларда – Хурдод) илк шоҳ Жамшид томонидан Хоразмда ёқилгани таъкидланади. Аммо кейинчалик, бу олов Зардуштнинг ҳомийси шоҳ Виштасп томонидан Фарбий Эронга кўчирилади. Бу маълумотларни келтирган А. Беленицкий, форс мифологияси энг мўътабар оловни Хоразм билан боғлаши жуда муҳим, деб тўғри урғу беради.^{58 54} Қадимда Ўрта Осиёда – “Atarmihr” – “Олов илоҳи ва Митра яратган” ва “Atarfarnah” – “Олов илоҳи ва фарн (омад илоҳи) яратган”, деган исмлар бўлгани ўлкамизнинг қадим диний эътиқодларидан далолат беради.^{230 6. 8}

Аввалига одамлар уй ўчоғида қурбонлик келтирган, кейин эса, муқаддас олов ибодатхоналари ёки, Беруний айтганидек, “Олов уйи” пайдо бўлиб, уларда оташгоҳ эмас, оловнинг ўзи сажда марказига айланади. Мазкур олов ибодатхона оташгоҳидан уй саждагоҳларига кўчирилганида, агар ўчиб қолмаса, муқаддас кучини йўқотмаган. Шу сабабли, оташпарастлар муқаддас абадий олов тарқатиш манбаи бўлган машҳур Олов уйларини зиёрат қилиб келган. Шулардан бири – Хоразмдаги икки қатор деворли Тупроқ-қалъа ибодатхонаси бўлганлиги қазилмалар билан тасдиқланган ва дунё олимлари томонидан тан олинган.^{402: 61: 262 44}

Ибодатхоналардаги катта олов ва уй саждагоҳларидаги бегоналардан йироқ кичик оловлар ўлкамизда Эрондан бир ярим минг йил олдин ёқилганини олимлар эътироф этишади. Зардуштийлик Хоразмдан Эронга тарқалганида эса, қоҳинлар томонидан ақида сифатида шакллантирилган зардуштийликда фақат оловга топинишга рухсат этилган бўлиб, улар ўзларининг барча маросимларида аланга олдида ибодат қилишган, бутлар эса ман этилган.^{478: 12: 478: 60-65/ 85-90} Бизнинг ўлка ибодатхоналарида эса, оловга топиниш маросимларида аждодлар руҳига ҳамда турли илоҳларнинг ҳайкал ва тасвирларига ҳам ибодат қилинган. Яъни турли эътиқодларга хос маросимлар бир-бирига сингиб, омухталашиб бораверган.

Мусулмон муаррихлари бутпарастлик ва бутлар уйлари Олов эътиқодидан олдин пайдо бўлиб, унга қарши турган, дейишади. “Шоҳнома”нинг бутпарастлик ва Олов уйлари ҳақида маълумот берувчи қисмини ёзган бухоролик шоир Дақиқийнинг маълумот беришича, бутлар зардуштийликка зид бўлган. Бутпарастларни қувиб, уларнинг бутхоналари ўрнига “Дунёда юзта Олов уйлари

бунёд этиш” уқтирилган. Шоҳ Виштасп зардуштийликни қабул қилганида, авваламбор, муқаддас олов – Миҳрбарзинга бағишланган Олов уйлари қургани ҳикоя қилинади. Бу динни бошқа ҳукмронлар ҳам қабул қилиб,

Бутхоналарда бутларни ёқишди,
Бутлар ўрнига олов ёқишди.^{445 362}

Бухоро ва Пойкентнинг Олов уйлари Фаридун ва унинг ўғли Тур томонидан бино этилгани ҳақида “Шоҳнома”да ривоят бор. Фирдавсий Пойкентни Кандиз деб, у ердаги Олов уйи ҳақида шундай ҳикоят қилади:

Фаридун Кандизни бунёд этиб,
Ул Кандизда Олов уйи қурди.
Занд-Авестони зарҳал чизиб,
Паҳлавийда Кандиз деб номлади,
Аммо ҳозир уни Пойкент дерлар.
(таржима бизники)

“Шоҳнома”га биноан, Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав жангдан қайтиб, Бухорода тўхтади ва унинг биринчи қилган иши шундай бўлади:

Фаридун ўғли Тур бино этган,
Олов уйига ҳайқариб кирди.
Қоҳинларга тилла - кумуш атаб,
Оловга лаълу жавоҳир сочди.
(таржима бизники)

IX асрда Нишопурда паҳлавий тилида битилган жуғрофий асарда Самарқанддаги Олов уйи ҳақида шундай маълумот бор: “Кават ўғли Ковус Самарқанд пойтахтига асос солди. Ковус ўғли Сиёваҳш уни кўтарди. Сиёваҳш ўғли Хусрав туғилгач, Вараҳран (илоҳ) мўъжизакор оловин ўрнатди. Шундан сўнг, *Зардушт* динни келтирди. (Шоҳ) Виштасп амри ила тилло лавҳларда Китоб ёзуви (авесточа ҳарфлар) билан 1200 бобни битди ва (*Авестони Самарқанддаги*) ўшал Олов уйи хазинасига жо этди. Кейин эса, лаънатга мубтало Скандар [Искандар Зулқарнайн] уларни ёқиб, етти ҳукмроннинг диний битикларини денгизга улоқтирди. Етти ҳукмрон

дегани: у ерда (Самарқандда) еттита ҳукмрон бўлган – Жом, Фретон, Манучеҳр, Ковус, Кайхусрав, Лоҳрасп ва Виштасп. Сўнгра малъун тур Фрасиак (мазкур) илоҳлар масканин девлар ини, бутхонага айлантирди”. А. Беленицкий, “етти ҳукмрон” иборасини биринчи таржимон нотўғри равишда “етти Олов уйи”, деб ўгиргани кейинчалик бошқа матнларга ҳам сингиб ўтганига эътибор қаратади. Аслида, ибодатхона битта бўлган.^{58: 54}

Наршахий ёзади: “Ромитон шаҳристониди Афросиёб қурган Олов уйини муғлар Бухородаги Олов уйдан қадимгироқ, деб хабар беришади”. Араб босқинидан кейин ёзган муаррихлардан Табарий маълумотларига кўра, VIII аср бошида ўлкамизнинг Тавоис (Товуслар) шаҳристониди “Олов уйи ва илоҳлар уйи” мавжуд бўлган. Балазурийнинг айтишича, Қутайба Самарқанд аҳли билан битим тузганида, мазкур битимда уларнинг “бутлар ва олов уйлари” арабларга топширилиши ҳақида алоҳида банд бўлган. Наршахийга биноан, Бухорода “Бозор ўрнида Олов уйи пайдо бўлади... ва ислом келгач ҳам у жойида қолади ва, кейинчалик, мусулмончилик кучайганидан сўнг, у ерда масжид қуришади. Эндиликда, у – Бухоро масжидларидан биридир”.^{58: 56}

Беруний ўз “Хронология”сида қайд этишича, Сўғд тақвимидаги биринчи ойнинг 28-кунида “Бухоро муғлари (маъжужлари)нинг байрами бўлиб, “Ромуш-оғам”, деб аталади. Шу куни улар (Бухоро яқинидаги) Ромуш қишлоғининг Олов уйида тўпланишади. Еттинчи ойнинг иккинчи кунида эса, сўғдлик муғлар “ўз Олов уйларида жамланишиб, тариқ уни, ёғ ва шакардан тайёрланган таомларни ейишади”. Хоразмликларнинг байрамларини санаганида, Беруний уларни “маъжусийлар”, яъни муғ-зардуштийлар, деб аташига А. Беленицкий алоҳида диққат қаратади. Умуман олганда, “Сўғд” номи Авестода *Сугда*, *Сухда*, эрамиздан олдинги VI-IV асрларга мансуб қадим форс ёзувларида эса, *Сутуда* деб аталган ва маъноси аниқ эмас. Аксарият ҳолларда, уни “ёнмоқ” феълдан асос топган деб, қадимий тилимизда Сўғд – “олов билан покланган”, “соф, тоза” маъносини англатади, деб талқин этишади.^{21: 5}

Араб лашкарбошиси Қутайба сўғдлик коҳинлар ва эътиқод китобларини нобуд этгани тарихдан маълум. Беруний дин арбобларини “харабид” (“хирбад”) деб атайди, бу ном эса олов эътиқоди коҳинларини билдирган.^{58: 57}

Аввалига, Искандар Зулқарнайн ва, кейинчалик, араб босқинчилари қадимги диний эътиқодларимиз ва китобларимизни ҳамда ибодатхоналарни вайрон этиб юборганлиги туфайли ўлкамиз

қадимотлари ҳақида ёзма манбалар деярли қолмаган. Шу сабаб, ўлкамиз ибодатхоналарида оловга эътиқод билан боғлиқ диний маросимларни аниқлик билан тиклаш мушқул вазифа, чунки улар турли тарихий босқинлар пайтида нафақат ўз эътиқод рамзларини, балки умуман диний йўналишларини ҳам ўзгартириб юборгани туфайли, олдинги дин билан боғлиқ моддий ашёлар ва меъморчилик обидалари нест-нобуд қилиб юборилган. Нобуд этилган деворий тасвирлар ва синдирилган ҳайкаллар бунга яққол мисол бўла олади. Шу сабаб, биз қиёсий таҳлилга мурожаат этишга мажбур бўламиз. Аммо бу усул, фақат бизнинг ўлка учунгина эмас, балки барча халқлардаги қадимги диний эътиқодлар ва урф-одатларни ўрганивчи олимлар учун ҳам хосдир.

Қадим халқларнинг деярли барчасида олов эътиқоди мавжуд бўлиб, тарихий жараён умумийлиги ва ундан келиб чиқувчи инсон тафаккурининг маҳсули бўлган диний маросим ва тартиботлар ҳам, табиийки, ўхшаш бўлган, яъни умумий йўналишни билиш алоҳида ҳолатларни талқин этишга асос бўла олади.

В. Иванов^{163: 266} бу маросимларни ўрганиш ўзга ҳинд-европа қабилаларининг эътиқодларини тушунишга ҳам калит беради, деган хулосасига биз ҳам қўшилаемиз. Дарҳақиқат, ўлкамизда босқинчилар ёзма манбаларни йўқ қилиб ташлаган бир пайтда археологик топилмалар ва этнография маълумотлари ҳамда ўзга юртлардаги турдош диний маросимларни ўрганиш урф-одатларимизнинг туб моҳияти ва зоҳирий кўринишини аниқлаш борасида ягона манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қиёслаш асосида ҳукм чиқариш кўҳна замонлардан буён ўрнашиб қолган услуб эканлиги фикримизга далилдир. Дунёнинг бир-биридан олис минтақаларида яшаб, ҳаёт кечираётган халқларнинг бир хил эътиқод ва маросимлар яратгани инсоният ягона жамоа эканлиги ва унинг тарихий ривожланиш мароми ўзаро ўхшаш қиёсий-турдош ёндашув ва ҳолатларни юзага келтирганидан далолат беради. Ўлкамиз ва, умуман, Осиё қитъасида сўнмас муқаддас олов эътиқоди барча замонларда кучли бўлганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Қадим Тоҳаристонда хат бошида ёзилган “олов паноҳида ривожланинг”, деган ният ҳам, бу эътиқоднинг таъсирчанлигини кўрсатади. Қадим хеттларда олов эътиқоди номи Ҳинд олов эътиқоди таъсирида Агни номини олиши ҳам қиёс ҳаққонийлигига исбот бўлиши мумкин. ^{113: 49}

Оловни муқаддас сақлаш тамойили давлат ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасидаги жиҳати билан кўп халқларда устувор

ўринга кўтарилган. Айрим матнларда илоҳийлаштирилган тахт ва илоҳийлаштирилган оташгоҳга қурбонлик келтириш маросимлари тавсифланган. Эрамиздан олдинги II минг йилликда хеттлар салтанатида оловга эътиқод ҳақидаги ёзма битиклар ва ғарб олимларининг тадқиқотлари асосида В. Иванов қатор қизиқарли маълумотлар келтиради:^{183 266-272} одамлар турли муҳит худоларини “оловдан, самодан, ердан” чақиришган; олов ёрдамида софланиш (таҳорат олиш) таомили бажо келтирилган; қурбонликка келтирилган ҳайвонларни ёндириш маросимининг ўз қоидалари бўлган; сеҳр-жодуга қарши олов ёқиш ва, ҳатто, уй можароларига қарши алоҳида оловли маросимлар ўтказилган. “Юзгат” номли маросим ҳосилдорлик илоҳи Телепинус билан боғлиқ бўлиб, кечки пайт “илоҳ олдида олов ёқилган”. Маросимда ишлатилган ашёлар ҳам ёндирилган, яъни олов эътиқоди илоҳларга топиниш билан барабар юрган.

Шунингдек, хетт матнларида олов айрим инсон ва бутун жамиятни ҳам нобуд қилиш кучига эгаллиги тан олиниб, давлат пойтахти вайрон бўлмаслиги учун шоҳ раиятга доимий оловни сақлашни (ўчирмасликни) қуйидаги сўзларда уқтиради: “агарда оташгоҳ оловини (сўндирмасдан) сақламасангиз, илон келиб, шаҳарни ўз домига ютади”. Ибодатхона коҳинларига ҳам оловни сақлаш бўйича насиҳатлар берилган: “Оловга тааллуқли нарсаларга жуда эҳтиёткор бўлинг. Агарда ибодатхонада тантанавий маросим ўтказилаётган бўлса, оловни бекаму-кўст сақланг... акс ҳолатда, сиз ва насл-насабингиз қирғинга учрайди”. Хетт салтанати сарой пешволарига эрамиздан олдинги 1250-йили ёзилган насиҳатлар китобидан махсус “олов одами” мансаби бўлгани маълум. Маросимга биноан, саройнинг “ишлар бошқарувчиси” олов одамларини номма-ном чақирганида, улар сафдан чиқиб, кўрсатмаларни тинглаган.

Кеч Авесто ёзма обидаларидан Вендидад, Бундахишн, паҳлавий матнларда ва Фирдавсий достонида илк оташгоҳни ёққан *Қуёш ўғли – илоҳ Йиманинг фаолияти Хоразм – “Қуёш ўлкаси” билан боғланган*. Орол бўйида мадфанларни ёндириш кенг тарқалганига асосланиб, олимлар, Йима салтанати Оролбўйи қабилалари территориясида яратилиб, унинг ўзи эса, хоразмлик бўлган, деб ҳисоблашади. Олимларнинг фикрича, Оролбўйи қабилаларининг Йима илоҳи ва Ҳиндистоннинг Яма илоҳи бир-биридан фарқ қилади: Ҳинд диний матнларида Яма – “дафн маросимлари илоҳи” деб аталиб, унинг бирламчи вазифаси марҳумларни ёндириш бўлган, яъни ўлим мавзуи устун турган. Оролбўйидаги аждодларимиз


тасаввурида эса Йиманинг маданий фаолияти, ёвузлик кучларига қарши туриши, тартиб ўрнатиши ва квадрат шаклидаги жаннатмакон ўлка яратиши устувор бўлган. Шундан қуйидагича хулоса чиқарилади: “ҳинд-европа ва, айниқса, Оролбўйи эътиқод иншоотларининг геометрик тузилиши (тархи) тартибсизликни енгиш ғоясини белгилайди”^{525: 46; 508: 69; 527: 190-323; 220: 12-13}

Йима биринчи бўлиб ўзида *Шоҳ* (Қуёш ўғли сифатида инсонларнинг ҳукмрони) ва *Коҳин* (биринчи бўлиб одамларга олов бериб, оташгоҳ қурган) сифатларини мужассамлаштирган. Кейинчалик, барча шоҳлар шу икки вазифани ўзи бажаришга ҳаракат қилган ва зарб этган тангаларининг бир томонида – ўз тасвирини, ортида эса – оташгоҳ ёки бирор илоҳ сиймосини акс эттирган. Қуёш ўғли Йима яратган жаннат – квадрат шаклидаги Вара номли жойда бўлиб, олов туфайли абадийликка эришган. “Вара” тушунчасининг қадимги тоҳар, болтиқ, хетт ва Авесто тилларидаги “вар” (var) – “ўрамоқ, қамраб олмақ, чегараламоқ” маъносидаги ўзагининг умумий ҳинд-европача “вер” (uer) феъли билан мос тушишига олимлар эътибор қаратгани^{408: 188} қиёсий таҳлилимизга яна бир далилдир.

Вара – алангали абадий макон тариқасида тушунилгани туфайли, биринчи мингйиллик бошидан ерда қад кўтарган ибодатхоналар ва оташгоҳлар унинг шаклини қайтаради ҳамда “Ҳаётни ташқи хуружлардан ҳимоя қилган квадрат шакли алангали руҳий борлиқ маконига айланади”^{220: 15; 472: 83}

Авесто китобларидан Бундахишн, ривоятлар, Ибн-ал-Фақиҳ ва бошқа манбаларнинг маълумотига биноан, маздаизмнинг энг эъзозланган уч тур оловларидан биринчиси, юқорида қайд этганимиздек, – коҳинлар табақасининг ҳомийси Фробак (Ҳурдод ёки Адарҳурра) олови Йима томонидан Хоразмда ёқилган, иккинчиси – жангчилар ҳомийси олови Озарбайжонда ва учинчиси – деҳқонлар ҳомийси олови Хуросонда аланга олдирилган, яъни Хоразм – зардуштийлик динининг энг қадимги ва энг мўътабар Оловининг Ватани, деб тан олинган.^{402: 17}

Шу тариқа, Варасимон шаҳристонларнинг марказида Олов уйлари жойлашиб, жамоа ҳаётининг марказига айланган. Қадим Хоразмнинг эрамиздан олдинги VI-IV асрларига мансуб Қалъалиқир (1000x700 м) ва Кўзалиқир (1000x400 м) обидалари айнан шу тўртбурчок шаклида қурилган бўлиб, “Девор-уй шаҳристони” турига киради, яъни уйларнинг орқа томони шаҳристон девори бўлиб, ўртада катта очиқ майдон қолган (156-расм).



156-расм. Хоразм. Девор-уй шаклидаги Кўзалиқир шаҳрстони (эрамиздан олдинги VI аср).

Кўзалиқир майдонининг ўртасида жойлашган катта бинодаги оссуарийлар қолдиқларига биноан, уни марказий дафн ибодатхонаси – наус, деб ҳисоблашади. Шу билан бирга, ўртада катта очиқ жойни чорва учун қўтон деб, Авестонинг Вендидад китоби II-фаргардидан Йима бунёд этган “тўртбурчак Вара” истеҳком-шаҳрстонини далил келтиришади: “33. Ва Йима Варани қурди, ҳар тўрт томонига от чопиши узунлигига (3 км) ва у ерга дон, мол, одамлар, ит, қушлар ва қизил алангаланган оловларни олиб ўтди. У Варани... одамлар учун яшаш маскани... ва мол учун қўтон қилди”^{402. 80-82}.

Эрамиздан олдинги VI асрда ижод этган муаррих Гекатей Милетский ўз асарларида “Хорасмия” шаҳрини номлаган. Айрим олимлар мазкур кўҳна шаҳарни эрамиздан олдинги VI асрга мансуб (кўплаб синиқ кўзалар топилган) Кўзалиқир шаҳрстони билан уйғунлаштиради. Хоразм номини олимлар турлича талқин этади: “Қуёш (халқи) ери”, “Ҳосилдор ўлка”, “Чорва учун яхши истеҳкомлари бор ўлка”, “Масканлари мустаҳкам деворли ўлка”, “Яхши “вара”ли ўлка”. Охиргиси Авестодаги Варага мос тушади. Ғарб олимларининг фикрича, U – “яхши”, Vара – “?”, zmi – “ер”, дегани.^{76. 368-370; 514. 177} Ю. Рапопорт “Вара”ни тўғри талқин этади: илк одам ва ер салтанатини тартибга келтирган Йима барча тирик мавжудотга мудҳиш совуқдан паноҳ бериш учун ҳамма томони ўралган қалъа қурган. Бу атама буддизм, насронийлик ва исломга таъсир этган Авестода учрайди. Зардуштийлик анъанаси Йима

(Жамшид) фаолиятини Хоразм билан боғлайди: шу ерда у қоҳинларнинг илк олови – Зардушт динининг рамзини ёққан.^{334: 25}

Юқорида таъкидлаганимиздек, олимлар илоҳ Йимани Хоразм билан боғлаган экан, Варани ҳам айнан шу ердан – жаннатмакон “Қуёшли ўлка”дан излаш мантиқан тўғри бўлади.

Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасида ёндириш билан боғлиқ “марҳумлар уйи” бўлиб, унда хон ёки Хоразмшоҳ кўмилган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди С. Толстов. Марказий иншоот атрофида қоҳинлар ва хизматкорлар яшаган. Оссуарий қопқоқларидан бирида топилган тасвир бино тарҳини қайтаради ва, эҳтимол, у астрал мақсадларга ҳам хизмат қилган. Дарҳақиқат, 6 метр қалинликдаги деворларида ердан осмон томон қия қилиб очилган дарчалар юлдузларни кузатишга қаратилган бўлиши мумкин. Иккинчи қаватдаги мустаҳкам пойдевор, эҳтимол, астрономик квадрант тағламаси бўлгандир.^{406: 133-134}

Самони нега ибодатхонадан туриб кузатиш керак, деган саволга жавоб бериш учун қуйидаги далилларга мурожаат этайлик: эрамиздан олдинги II асрда марҳумлар ёндирилган бир минтақанинг номи Авестода Чахра деб аталган. Баёнийнинг Хива солномаларида Хоразмнинг марказий тоғ тизмаси ҳам Чағра деб номланиши диққатга сазовор. Я. Фуломов, бу – Хоразм тоғининг қадимги номи бўлиб, Авестода номланган минтақа айнан Хоразм тоғининг ўзи, деб ҳисоблайди.^{134: 22}

Чахра сўзи эса, «ҳалқа», «ғилдирак» дегани бўлиб, балким шу тоғ этагидаги воҳада очилган Қўйқирилганқалъанинг доира ичидаги салибсимон меъморий тарҳидан келиб чиққан, деб хулоса чиқаради олимлар. Марҳумларни мадфанларда ёндириш таомили ҳам айнан шу тоғлар этагидаги мазкур ибодатхонада археологлар томонидан очилган.

Дарҳақиқат, ибодатхона тарҳи Қуёш рамзлари билан боғлиқ бўлиб, Хоразм сўзининг ўзи кўплар томонидан “Қуёш ери” деб талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Бу атама, олимларнинг фикрича, Ўрта Осиёда иқлим жиҳатидан Хоразмга тўғри келмайди, бироқ айнан Хоразмда Қуёшга сиғиниш эътиқоди кучли бўлганига мос тушади. Геродот ҳам, массагетларда Қуёш эътиқоди кучли, деб таъкидлаганини эслатамиз. Аслида, Хоразм Авестода муносиб ўрин олган бўлиб, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли эътиқодларини бир жунбушга келтириб, қориштирган ўлкадир. Шу билан бирга, майитларни ташқарига чиқариш ҳам айнан шу минтақада одат бўлганлиги Страбон маълумотларида келтирилганини инobatга олсак, нега оссуарий шу ерларда келиб чиққанлиги

аёнлашади. Шу асосда Ю. Рапопорт тўғри хулоса қилади: демак, Сирдарёбўйи қабилаларидаги салибсимон тарҳли дафн мажмуалари айнан шу эътиқод билан боғлиқ бўлган ва уларда майитларни ташқарига чиқариш ҳамда ёндириш таомиллари қўлланилган.^{326: 5}

Зардуштийларнинг қадимги китобларида шундай дейилган: “Жам ўз ҳукмронлиги пайти нимаики қилган бўлса, учта Олов ёрдамида амалга оширди. У Atur xvarrah(олови)ни унга муносиб бўлган Хоразмнинг Xvarrahomand номли тоғида ўрнатди...”,^{85: XII, 5} яъни илк олов айнан Хоразмда ёндирилганлиги зардуштийлик сарчашмаси аслида қаерда бўлганини исботлайди. Шундан сўнг Зардушт, инсоният тарихидаги ўзигача ўтган барча пайғамбарлар сингари, ўз юртида эътироф топмайди ва ўзга ўлкаларга қочишга мажбур бўлади. Араб афсоналарига биноан, Зардушт ўзи қўним топган ўлка ҳукмрони Виштаспни янги динга ўтиради ва ундан Жамшид ёққан муқаддас оловни Хоразмдан топишни илтижо этади. Пировардида, “Виштасп ҳукмронлиги даврида, илоҳий ваҳийга биноан, олов Хоразмдан кўчирилади”.^{85. XII, 5}

Аслида ҳам, ўлкамизда Олов уйлари қад кўтарган бир пайтда, Геродот форсларда на ибодатхоналар ва на худоларнинг тасвирлари бўлмаган, дейиши қизиқ. Ҳозирги кунларда Форс вилоятида археологик қазишмалар ўтказган олим Р. Гиршман ҳам эрамиздан олдинги VIII асрда диний маросимлар учун ибодатхона бўлмаганини тасдиқлади.^{116: 53} Маросимлар ўтказиш учун баланд платформа (очиқ саҳн, майдонча) кўтарилиб, унда оташгоҳ ва ашёлар учун махсус жой ажратилган ҳамда Муқаддас оловни сақлаш учун алоҳида кичик хона ўйилган. Очиқ само тагида ўтказиладиган диний маросимлар пайтида бу олов ташқарига олиб чиқилган. Подшоҳ Кир Аҳамонийлар империясини (эрамиздан олдинги 550-330 йиллар) барпо этганида, юнон ибодатхоналаридан қолишмайдиган иншоотлар барпо этиш ниятида баландлиги 14 м ва эни 7 м келадиган ва ташқи маҳобатли зинапоя билан белбоғланган махсус минора-оташгоҳ кўтариб, тепасидаги кичик хонада муқаддас олов сақланган. Кейинчалик, Доро ҳам Персеполнинг диний марказида шундай минора қуради. Икки минора орасида эса, йўнилган катта тошлардан муқаддас платформа кўтариб, уни Тахти Рустам дея номлашади. Александр Македонский бостириб кирганидан кейин, Эронга минглаб юнонлар кўчиб келади ва Парфия ҳукмронлиги остида илоҳларининг тасвирлари туширилган ўз ибодатхоналарини қуради. Форслар бундан ўрнак олиб, Бадри-Нишонда тасвирлари чизилган илоҳий жуфтлик – Анахита ва Митрага бағишланган тўрт устунли

ибодатхона қуришади. Аҳура Маздага бахшида маросимлар очиқ само остида, Митра ва Анахитага бағишлов эса, ибодатхоналарда ўтказилган.

Авестода Митра – самовий маъбуд, Ардви Сура Анахита – дунё сувлари маъбудаси бўлиб, Замйад алқови Ер маъбуди – Замга бағишланган. Бизгача етиб келган биринчи 9 банди тоғларга бағишланиб, олимларнинг фикрича, “Авестода тоғ чўққисига олиб чиқиб, бахшида этилган қурбонликлар ҳақидаги хабарлар, зардуштийлик оташгоҳлари эса, муқаддас тепалик, супа каби қурилмалар устида бўлиши, даҳмалар баланд жойларга ёки сунъий дўнглик – платформалар устига қурилгани бежиз эмас. Зеро, *ернинг баланд нуқталари самодаги илоҳга яқин туради, деб ҳисобланган*”.¹² 109 Уларнинг сони ҳақида Авестода шундай дейилади:

Сервиқор кўркам тоғлар
Ер узра шунчадирки,
Улар сони муғлару
Жангчи, қаҳрамон эрлар,
Барча чўпону деҳқон
Эҳсон дастурхонидан
Қанча олса ризқ нонин
Шунчалар тоғлар сони.

(111-б)

Бу сатрларда 3000 йил олдин жамиятимизнинг табақалангани ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовор. Чунки, шу тариқа, ўлкамизда илк давлатчилик пайдо бўлгани тасдиқланади.

Олимларнинг таъкидлашича, Канишка ҳукмронлиги даври (II аср)да Бактрияда маҳобатли зинапоялар билан ўралган баланд платформада тўрт устунли шийпон (очиқ зал) ва само остидаги оташгоҳ бир меъморий мажмуага бирлашади. Шу тариқа, баландликда жойлашиб, тўрт томони очиқ бўлгани учун олов алангаси узоқдан кўринадиган “чахорток” вужудга келади. Қизиғи шундаки, Кушонлар сулоласи буддизм издошлари бўлишига қарамай, раият майлига ён босади ва оташпарастлик ибодатхоналарини бино этибгина қолмай, ўзлари ҳам маросимларда иштирок этади.⁴⁹⁵ 63:

116: 37-40

Мазкур маросимларнинг шаклланиши эса мозий тарихимиздан ибтидо олади. Ўлкамизда эрамиздан олдинги II мингйиллик ўрталарида катта ибодат мажмуалари юзага келиб, шулар қаторидан


Жарқўтон Олов уйи эрамиздан олдинги II мингйилликнинг учинчи чораги ва I мингйиллик охирига мансубдир. Унинг марказида жойлашган 31x13 м саҳнлик очиқ платформадаги тўртта устун оралиғи меҳроб вазифасини ўтаб, алоҳида турган супали хоналарда эътиқод маросимлари ўтказилган. Ҳовлининг шарқий қисмидаги қудуқларга тош ётқизилган йўлак давомида думалоқ меҳроблар жойлашганлиги ҳам диний эътиқод маросимларидан дарак беради. Ғарбий қисмида темирчилар устахонаси ва мусаллас тайёрлаш хонасида ибодат учун керакли ашёлар тайёрланган.^{39: 49}

Шундай платформалардан яна бири – Қадимги Бактрия (ҳозирги Сурхондарё воҳаси)даги Пишактепа бўлиб, томонлари 20 м майдончанинг ғарбида бутун отни қурбонлик келтиришга мўлжалланган махсус жой ҳам бўлган. Жанубидаги кичик хоначаларда муқаддас кул, атама буюмлар ва суяклар қолдиқлари топилган. Шу асосда, майдонча майитларни ёндириш билан боғлиқ маросимлар мажмуаси, деган тахминга бориш мумкин. Бироқ эрамиздан аввалги VI асрда Пишактепа устидан қум ва тошлар тортилган. Мазкур ҳолатни шу пайтга келиб, майитларни ёндириш таомили зардуштийликнинг очиқ жойга олиб чиқиб, тозаланган суякларни кўмиш одатига ўрин берганлиги билан тушунтириш мумкин.^{37: 30-40}


Пिशактепага ўхшаш муқаддас майдончалар Бактриянинг Шеробод воҳасидаги Жондавлаттепа ва Қизилтепа қўрғонлари, Қарши воҳасининг Ерқўрғон ибодатхонаси, Хоразмнинг Кўзалиқир ва ўлкамизнинг яна кўплаб жойларида археологлар томонидан очилган. Масалан, Қизилтепа ибодатхонасида 10x12 м платформада олов ёқилиб, у – шаҳристоннинг энг тепа жойида бўлгани учун, узоқ-узоқлардан кўриниб турган. Самарқанд ёнидаги Кугаиттепа Олов уйи 6 м баландликка кўтарилган зинали платформада жойлашиб, атрофи девор билан ўралган. Усти очиқ платформада ёғоч ходалардан ясалган чодир ичида олов ёқилган. Умуман олганда, ибодат мажмуалари меъморчилигининг бир-биридан фарқ қилиши уларда турли диний маросимлар ўтказилганидан далолат беради. Бактрия ибодат мажмуаларининг доирасимон тузилиши уларда ибодатга келганлар айланасига ҳаракат қилганига ишора этади.^{291: 32-34; 363: 32; 391: 238; 425: 150-151}

Бухоро вилоятининг эрамиз бошига мансуб Сеталак I обида-сининг тепасидаги платформада ҳам ёқилган катта гулханлар алангасига қурбонлик идишлар ва суяклар ташланган, кейинчалик, уларнинг устидан лой тортилган ёки тупроқ аралаш қум сепилган.

Диний эътиқодлар шаклла-нишининг бирмунча кечроқ даврларига келиб эса, ана шундай гулхан устида одам суяклари дафн этилган, аммо у ёндирилмаган ва тозалангач, атамалар билан бирга совиган кул устига кўмилиб, устидан қалин лойсувоқ тортилган. Тўрт томонидан ярим доира шаклидаги буржлар билан ўралган обидага энг кечки даврда яна тўртта ярим доира қўшилиб, саккиз *япроқли иншоотта* айланади^{206: 92-93, 96} (157-расм). Эсланг, I бобда Макара мавжудоти ва 8 тўпбаргли нилуфар гули дунёнинг космогоник тузилишини акс эттиргани таълиқ қилинган эди.



157-расм. Бухоро воҳасидаги Сеталак обидасининг тикланган шакли.



158-расм. Сопол бўлагидаги тамға тасвири.

Сеталак Олов уйи буржларнинг ярим доиралари билан тўрт томондан қуршалган квадрат шаклида қурилгани Қуёш эътиқоди рамзларига ишора этиб, обидадан топилган бир сопол бўлагидаги тасвири ҳам бу фикрни тасдиқлайди тамға (158-расм). Бизнинг назаримизда, ўнг томонда нуқралардан тузилган доира Қуёш рамзи бўлиб, унинг икки томонидаги илон изига ўхшаш чизиқлар сувни ифодалаган. Чап томондаги тасвирда эса, олов ёндирилган оташгоҳ ёки ўсимликлар тутатилган исириқдон акс этган.

Ўлкамиз Олов уйларининг само остида маросимлар ўтказилган платформаларида катта гулханлар ёқилган ва, шу билан бирга, ибодатхона ичида ҳам оташгоҳлар бўлган. Мазкур гулханлар узоқлардан кўриниб турган ва инсонлар онгига таъсир ўтказгани аён.

ДОИРА ИЧИДАГИ САЛИБ

Йирик обидаларнинг марказида ибодатхона жойлашган, доирасимон ташқи девор ёки иншоот ичидаги тўртбурчак ибодатхона, қадим аجدодларимизнинг диний ва фазовий дунёқарашлари, квадрат – фоний дунёнинг тўрт томонини ифодалаб, доира эса – Қуёш, осмон рамзи сифатида боқий дунёни билдирган, Ғарб ва Шарқни бир андаза билан ўлчаш нотўғри, доира ичидаги салиб, марҳум устига ёғочдан чодир қуриб, ёндириш маросими, инсон уруғи (tohm) – “олов уруғи”, Коинот шаклини қайтарган мадфанлар, “Дафн гулханига мадҳия”, “шлак қўрғонлари” маданияти, Тошкент воҳасининг Шоштепа ибодатхонаси.

Қадимги замон диний меъморчилигида Бактрия ва Сўғднинг ибодатхоналари Сирдарёбўйи сак қабилалари меъморчилигидан фарқ қилиб, Хоразм эса, ўз анъаналарига эга ўлка сифатида ажралиб турган. Тўртбурчак шаклидаги афсонавор Вара Хоразмнинг илк шаҳристон-ибодатхона тури бўлиб, кейинги асрларда мазкур тарҳ ривожланиб, мураккаблашиб боради. Шу тариқа, улугвор обидалардан Тупроққалъа, Тагискен, Чирикработ ва Қўйқирилганқалъа, Қалъалиқир, Говурқалъа ва Жонбосқалъа каби илк мадфанлар бунёд этилади. Умуман олганда, эрамиздан олдинги VI асрдан бошлаб қадим Хоразмда эътиқод меъморчилиги Бактрия, Сўғд, Чоч ва Фарғона шакллари қайтармасдан, ўзига хослигини сақлаб келган ва сарой мажмуаси ибодатхоналари бунга мисол.

Шу билан бирга, Хоразм Тупроққалъаси, Сурхондарёдаги Далварзинтепа ва Қашқадарёдаги Ерқўрғон шаҳристонлари каби йирик обидаларнинг марказида ибодатхона жойлашганлиги анъанавий тус олади. Хоразмликлар, сак ва массагетларнинг ибодатхоналари шарққа қаратилган бўлиб, эътиқоднинг муҳим ва муҳим белгиси ҳисобланган. Эътиборга сазовор бўлган жиҳати: ўлкамизда қадимда ибодат-эътиқод меъморчилигининг муайян илоҳ ва маъбудалар билан боғлиқлиги кўзга ташланмайди. Кушон даври тангаларида турли илоҳларнинг акс эттирилиши эса, бундай диний бағрикенгликни тасдиқлайди.^{391: 246}

Ўлкамиз Олов уйларига умумий тузилиш хос бўлиб, жумладан, Тупроққалъа, Тагискен, Чирикработ ва Қўйқирилганқалъа каби илк мадфанлар доирасимон ташқи девор ёки иншоот ичида

жойлашган тўртбурчак ибодатхона туридаги Олов уйлари бўлиб, олимлар бундай тарҳни эътиқод рамзлари билан боғлашади. Мазкур ибодатхоналарнинг марказида жойлашган устунли катта зал атрофи махсус хоналар ва гир айланма даҳлизлар билан ўралган. Эҳтимол, айланма даҳлизларда оловнинг энг олий кўриниши – Қуёш ҳаракатини ифодаловчи маросимлар ўтказилгандир. Умуман олганда, марказда устунли зал, атрофида турли даҳлиз ва хоналар, олдида эса – ҳовлига қараган айвони бўлган ибодатхона меъморий тарҳи ўлкамизда учрайдиган диний обидаларда устувор бўлиб қолади. Ўлкамиз Олов уйларига хос шундай тарҳли илк ибодатхоналар эрамиз бошидан буддавийлик меъморчилигига сингиб ўтади ва бу услуб Х асргача Бактрия ва Сўғдда сақланиб келади.³¹⁰

23-41; 381: 141

Кўриб турганимиздек, ибодатхона тарҳи Коинот, Борлиқ ва Инсон тақдири билан боғлиқ бўлиб, А. Беленицкий қадимий ибодатхоналарнинг тузилиши ҳақида муаррихлар берган маълумотлардан келиб чиқиб, изоҳлар беради. Юлдузларга топинувчи собийлар ўз ибодатхоналарининг тарҳига муҳим эътибор бериб, турли илоҳ ва юлдузларга бағишланган ибодатхоналарнинг шакли ҳам турлича услубда қурилганлиги ҳақида Масъудий шундай деган: “Собийларнинг Дунё тартиби ибодатхонаси, Зарурат ибодатхонаси ва Жон ибодатхонаси тарҳи доира шаклидаги бинолар бўлган. Сатурн ибодатхонаси – олтибурчак, Юпитер ибодатхонаси – учбурчак, Марс ибодатхонаси – тўртбурчак, Қуёш ибодатхонаси – квадрат шаклида, Венера ибодатхонаси – квадрат ичидаги учбурчак шаклида, Меркурий ибодатхонаси – чўзинчоқ тўртбурчак ичидаги учбурчак, Ой ибодатхонаси – саккиз бурчак шаклида бўлган”.⁴⁸⁶

¹³² Наршахий ҳикоятига кўра эса, Бухоронинг Регистон майдонида қурилган сарой ҳадеб бузилавергач, у таянган устунлар Катта Айиқ юлдузлар туркуми шаклига монанд равишда қайта тикланди ва шундан сўнггина собитлашди.^{216: 21}

Ўлкамиздаги Олов уйларининг ташқи ва ички меъморий тузилишидаги ўзига хос тарҳ қадим аждодларимизнинг диний ва фазовий дунёқарашларидан далолат беради. Қадимда мақбаралар марҳумлар руҳларининг уйи сифатида кўрилгани туфайли, уларнинг тарҳида бир марказга эга доира ва квадрат шакли диний маъно касб этиб, коинот тузилишининг рамзини билдирган. Тагискеннинг энг қадимги, эрамиздан олдинги IX асрга мансуб мадфани квадрат ичига олинган доира тарҳини қайтарган.^{218: 129; 220: 10}

Ғарб олимларининг тадқиқотларига таянган Л. Лелеков эътиқод ибодатхоналарининг шакли аввалги замонлардаги мақбара-ибодатхона ва маросимлардан келиб чиққан, дейди. Ҳинд-европа мифологиясида мақбара микрокоинот сифатида кўрилиб, тарҳи ҳам коинот тузилишини қайтарган. Бу халқларнинг диний-мифологик тизимлари дунёни, яъни еру осмонни доира ичидаги квадрат шаклида тасаввур этгани учун қадим ва кейинги дафн иншоотлари ҳам доира ичидаги квадрат ва баъзан квадрат ичидаги доира шаклини қайтарган. Мазкур макрокоинот тузилишига биноан, қадим халқларда квадрат шаклидаги мақбара дунёнинг тўрт томонига қараб йўналтирилган, чунки уларнинг тасаввурида, яхши худолар айнан ўша ерда ўрнашиб олган. *Квадрат – фоний дунёнинг тўрт томонини ифодалаб, доира эса – Қуёш, осмон рамзи сифатида боқий дунёни билдирган.* Қадим Ҳиндистоннинг муқаддас оташгоҳлари доира ва квадрат шаклларида бўлганлиги олов эътиқодидан дарак бериши муқаррар. Бундай шаклларнинг (доира ичидаги квадрат ёки тескариси) рамз сифатидаги ҳиндча номи “мандала” ёки “янтра” бўлиб, уларга биноан, ҳинд буддавийлигига хос меъморий шакл – ступалар қад кўтарган. Оташгоҳларнинг квадрат ва доира шакли ҳам шу тушунча билан боғлиқ бўлган.

Алқисса, Оролбўйи дафн маросимлари ва меъморчилиги макрокосмос (Коинот), мезокосм (диний маросим) ва микрокосм (руҳ) бирлигини ифодалаган, яъни диний меъморчилик дафн иншоотлари ва диний маросимларга боғлиқ бўлган. Мисол тариқасида, олим қуйидаги тизмани таклиф этади: Тагискен мақбараси (эрамиздан олдинги IX-VI асрлар), Қўйқирилганқалъа (эрамиздан олдинги IV аср), Чирикработ (эрамиздан олдинги IV – III асрлар), Баланди-2 (эрамиздан олдинги III аср) ва улардан кейинги Олов уйларидан – Мансуртепа ва Кўҳихўжа. Буларнинг барчасига квадрат ёки доира шаклидаги мандала-космограмма хос. Мазкур тузилишга қараб, парфияликлар ва сосонийларнинг Олов уйлари, кейинроқ эса, шарқий насроний ибодатхоналари қурилади. Квадратга олинган доира тарҳи кейинчалик Бухоро ва Кўҳна Урганчнинг машҳур мақбараларида ўз аксини топади. Ўлкамизнинг 3000 йил олдинги мақбара-ибодатхоналаридан тортиб, то Амир Темур иншоотларигача узвий анъанавий алоқа мавжудлиги шубҳасиздир. Бундай ёндашув ўлкамизда меъморчилик фақат кеч ўрта асрларда шакл олди, деган фаразларни инкор этиб, ўз заминимизда қадимдан ривож топганига далолатдир. Бир сўз билан

айтганда, архитектура мутахассислари ўз тадқиқотларини қадим рум ва юнон услубларини ўрганиш билан чеклаб, кўҳна Шарқнинг космогоник рамзий маъноларга бой фалсафий меъморчилигини назар доирасидан ташқарида қолдиришади.^{220: 10-17, 27^а, 12^а} Тарихчилар бўлса, юнон-рум меъморчилигига маълиё бўлиб, “ўзлари яратган атамаларга қурбон бўлишади”.^{519: 5}

Бу эса, *Ғарб ва Шарқни бир андаза билан ўлчаш нотўғрилигини* кўрсатади. Шарқда илоҳ ва авлиёларнинг вазифаси – дунёвий бетартибликни йўқотишдан иборат бўлгани аён. Тўрт минг йил олдин ҳам кўҳна Шарқ матнлари ва афсоналарида жаннатмакон қасрлар ва муқаддас ибодатхоналар квадрат ва доирасимон тарҳга эгаллиги таъкидланган.


Табиийки, аждодлар эътиқоди доирасида дафн ва маросимларнинг турларига биноан, унинг ривожини сифатида турли меъморий инпостлар яратилади. Кейинги давр Тагискен мадфанларида ташқи квадрат йўқолади, аммо *доира ичи салиб* билан бўлинади. Эра-миздан олдинги I мингйилликнинг иккинчи ярмида Хоразм ва сак қабилаларининг мадфанлари ҳам шу тарзда қурилади.¹⁹⁷⁻²²⁷⁻²²⁹ Доира ичидаги салиб шаклида бунёд этилган мазкур ибодатхоналар, олимларнинг таъкидлашича, аждодлар руҳига сиғиниш маросимларида ўзига хос маъно касб этган. Барчасида аждодлар руҳи хотирасига атаб, аввалига майит билан бир хонада, кейинчалик, алоҳида хоналарда олов ёқилган, яъни аждодларга эътиқод оташ-парастлик билан уйғунлашган.

Салиб шакли ҳам космограмма жиҳатидан дунёнинг тўрт томони билан боғлиқ бўлиб, қадимги мифологик қараш ва эътиқодларни акс эттирган. Хоразм, Шош, Сўғд ва Фарғона минтақаларининг салибсимон обидалари горизонтал бўйича тўрт қисм ва вертикал бўйича уч қисмга бўлингани зардуштийликда ҳам дунё етти кишварга, яъни: тўрттаси – горизонтал ва учтаси – вертикал сатҳлари бўйича бўлинганига мос тушади.

Доира, салиб, свастика бутун дунё бўйлаб олов, Қуёш ва ҳаётнинг, учбурчак эса – ернинг рамзлари бўлган. Яна бир кенг тарқалган рамз “қармоқли ромб” бўлиб, Фарғона водийсида уни, омадли ов рамзи сифатидаги тоғ эчкисининг тўртта боши, деб талқин қилишган. Ромбнинг ўзи аёл ибтидоси рамзи бўлгани маълум, илмоқлари билан эса, ҳосилдорлик чақирувчи сеҳр-жодуни билдирган, деб ҳисоблашади. Унинг Ҳаёт дарахти рамзи билан бирга учраши ҳам айнан шунга далилдир. Турли композиция-

ларда у турли халқларда турли рамзлар билан ер, ўсимлик ва аёлни билдирган. Кейинчалик қармоқли ромб кийим ва тасвирларда оддий нақш сифатида сақланиб қолади.^{23 14-16}

Хоразмнинг эрамиздан олдинги асрларига мансуб Чирикработ маданияти минтақасида квадрат, салибсимон ва доира шаклидаги дафн мажмуалари ва қўрғонлари очилган (159-расм).



159-расм. Чирикработ маданиятига хос дафн мажмуаларининг шакли.

Квадрат мадфанларининг ўлчамлари 30x30 м ва 19x19 м, баландлиги эса 7 м ва 2 м бўлган. Думалоқларининг диаметри 15-40 м бўлган. Мазкур мадфанларда марҳумларни ҳам ёндириш, ҳам ёғоч тобут, замбил ёки қамиш тагламага қўйиш одатлари қўлланилган бўлиб, айланма даҳлиз билан ўралган салибсимон тўртта хонада дафн маросимлари ўтказилган. Чирикработ мадфанлари ҳозирги кунгача маълум бўлган барча мажмуалар ичида зардуштийликда қонунлаштирилган даҳмалар тавсифига энг яқин туради.^{217: 135-137}

Умуман олганда, салибсимон тарҳли ибодатхоналарнинг тарқалиши Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимбўйи минтақасида яшган қадимги қабилаларнинг жануб ва шарққа сингиб ўтиши билан

боғлиқ, деб ҳисобланади. Буларга мисол – Тошкент воҳасидаги Шоштепа ва Биловуртепа, Чилонзор Оқтепаси, Фарғона водийси Каркидон сув омбори ёнидаги иншоот, Бухоро воҳасининг Қизилқир I ва Сеталак I, Қарши воҳасидаги Киндиклитепа, Чағониёндаги Биттепа каби дафн мажмуалари. Арктепа сингари, тўртбурчак девор ичидаги салибсимон ибодатхоналар тури ҳам аждодлар руҳига бағишланган. Атрофи девор билан ўралган Бухоро қадимдан тўрт қисмга бўлиниб, маркази Тоқи заргаронда салиб шаклида туташгани ҳам мазкур тарҳнинг аҳамиятини кўрсатади. Эрондаги Нушижон ибодатхонаси ўлкамиздаги Дашли 3 тарҳидан намуна олган, деган тахмин бор, чунки ўз заминида бундай тарҳ асли бўлмаган.^{354: 194-210; 391 258; 423; 114-118; 424 109-140; 117: 38; 118: 45-70, 533: 129-140}

С. Толстов ва Ю. Рапопорт қадим Хоразм салтанатига кирган қуббали Бобишмулла (эрамиздан олдинги IV – II асрлар) маскани ва мадфанини ҳам ўрганиб, 21x21 м салибсимон шаклидаги дафн иншоотининг ташқи периметри бўйлаб ўтган даҳлизлар дунё тарафларига йўналтирилиб, бурчакларида 5x5 м ўлчамлардаги дафн заллари жойлашганини аниқлайди. Бундай қуббали иншоотлар қадим Рим меъморчилигида эрамиздан олдинги I асрда пайдо бўлади, Бобишмулла эса эрамиздан олдинги IV асрга мансуб бўлиб, маҳаллий илдизлари аниқ, деб хулоса қилади С. Толстов. Хоразмнинг эрамиздан олдинги III асрга мансуб Баланди-3 дафн иншооти ҳам ичида думалоқ камера атрофидаги хоналар жойлашувининг “салибсимон” – свастика шаклига моликлиги ўлкамизнинг қадим маҳаллий анъаналарини ифодалайди. Унда ўтказилган дафн маросимлари, топилган ашёларга кўра, ёндириш таомили билан боғлиқ бўлган. Цилиндрсимон Чирик-2 иншоотида ҳам ёндириш маросимлари ўтказилганлиги олов излари ва қолдиқлардан маълум. Шу атрофда жойлашган, эрамиздан олдинги IV-II асрларга мансуб бўлган Асар иншоотида эса, марҳумлар оёқлари ўймакор ёғоч тобут ёки замбилларда дафн этилиб, ёнига қўйилган атама ҳадялар сопол эмас, ёғоч идишлар, тўқима саватлар ва суяк тақинчоқлардан иборат бўлган. Дафн этишнинг турли шакллари атроф аҳоли турли диний эътиқодларга сиғингани ва улар бир-бирига нисбатан диний бағрикенг бўлганлигидан далолат беради. ^{406: 181-184; 129: 72; 214: 178; 101: 197-207}

Ўлкамиз ибодатхоналарининг деворий тасвирлари ва оссуарий расмларида қадимда *марҳум устига ёғочдан чодир қуриб, ёндириш маросими* акс этган. Бу удум барча минтақаларимизда мавжуд бўлгани тарихий далилдир ва унда қадим аждодларимизнинг дафн маросимлари чуқур фалсафий ва диний маънога эгаллиги аёнлашади. Масалан, қадим Сирдарё қабилаларида мақбара ёки олов ўчоқ устида ёғочлардан рамзий чодир ясаб, уни ёқиб юбориш одати бўлган. Олимларнинг фикрича, бу одат Коинотнинг асоси оловдан пайдо бўлиш ғоясига тақалиб, Авесто, Ригведа ва юнон фалсафасида акс этган. Ташқарига чиқариш одати ўрнашганидан кейин ҳам олов ёқиш халқ маросимларидан ўчмайди, чунки алангасида ёндирилган майит руҳи тўғри осмонга кўтарилишига ишонч сақланиб қолади. Ҳатто оссуарийлар олдида ҳам оташгоҳда олов ёқилиб, хотирлаш маросимлари ўтказилган. Зардуштийлик ёндиришни макруҳ деса-да, дафн гулхани тушунчаси барибир сингиб ўтади. Оташ Баҳром олови ёқилганида тури ва келиб чиқиши бўйича

16 оловдан ташкил топиб, биринчилар қаторида майитни ёққанда ишлатилган олов эсланади.^{499: 20 pl. I-XLVIII}

Умуман олганда, қадим халқларда марҳумнинг уйини ёндириш одати бўлганлиги маълум.^{473: 208, 220} Бу одат “Шоҳнома”да ўлган қаҳрамонларнинг сарой ва чодирлари ёндирилиши, Оролбўйи қабилаларида эса, дафн иншоотлари ёқилишида ўз аксини топган. Қадим туркийларда ва бошқа халқларда қурбонликка келтирилган ҳайвонларнинг суяклари ҳам куйдирилган.^{53: 389}

Хитойнинг Таншу солномасида айтилишича, туркий қабила-ларда марҳумни чодир ичига қўйиб, авлодлари ва қариндошлари от ва қўйларни қурбонлик келтирган. Кейин марҳумни оти ва нарсалари билан бирга ёқиб, кулини тўплашади ва муайян куни қабрга дафн этишади. Солномада “ўлим куни ва дафн куни мотам маросими ўтказилган”, дейилишини Л. Альбаум, “дафн куни” мақбарага марҳумнинг хоки қўйилган, деб ҳисоблайди.^{211: 59} “Қабр ёнида қурилган хонага эса, майитнинг тасвири ўрнатилиб, иштирок этган жанглари номланган”.^{75: 231}

Қадимги ёзма маълумотлар ҳозирги кун топилмалари билан ҳам тасдиқланади. Я. Фуломов Бухоро ёнидаги Қизилқирда эрамиздан олдинги асрларга мансуб мадфанни очиб, далиллар асосида шундай хулосага келади: “унда марҳумларни мол-мулки, идиш-товоқлари, пичан ёки ўриб боғланган донли ўсимликларни қуриштига мўлжалланган сўри ёки сўкчаклари билан ёндиришган. Кейин кулини идишга солиб, шу ерда қолдиришган”.^{133: 160}

Самарқанд ёнидаги Кугаиттепа Олов уйи 6 м баландликка қўтарилган зинапояли платформада қурилиб, унинг иккита эшиги бўлган: бири марказда жойлашган супали ва ўртасида оташгоҳ жойлашган зал атрофидаги даҳлизга олиб кирган, иккинчиси эса, ташқарига олиб чиққан. У ерда, атрофи девор билан ўралган усти очиқ платформада ёғоч ходалардан ясалган чодир ичидаги марҳум билан бирга ёндирилган.^{425: 151}

Самарқанд ёнидаги V-VII асрларга мансуб Кофирқалъа ҳам квадрат ичидаги солибсимон тарҳга эга бўлиб, унинг деворларида олов изи қолган ингичка ўйма ариқчалар бўлгани ёндиришдан дарак беради.^{206: 119}

Ю. Рапопорт бошчилигидаги экспедиция эрамиздан олдинги I мингйилликнинг ўрталарига мансуб Хоразм Чирикработида қадимги мақбараларни очди. Энг қадимгиларидан ҳисобланувчи мазкур қўрғонларда ҳукмронлар дафн этилиб, кейинчалик, атрофида кичик шаҳристон пайдо бўлган. Унинг жануби-шарқий

томонида эрамиздан олдинги IV-III асрларга мансуб доирасимон деворлар ичидаги квадрат шаклидаги мадфан ичкарасида дунё тарафларига аниқ йўналтирилган уч метр қалинликдаги иккита девор марказда кесишиб, бизга маълум салибсимон шаклдаги 4та квадрат (ҳар бири 5,9x5,9 м) хонани ҳосил қилади. Марҳумни ёндириш ҳужралари бўлган бу хоналарнинг деворий супалари тагидаги пол пахса гишт билан терилиб, устидан сомонли юпқа лойсувоқ тортилган. Ҳужралар атрофини эни ярим метрли даҳлиз гир айланиб ўтган ^{406 139-148}.

С. Толстов деворларнинг сувоғи устидан яна 10-16 см бақувват қора сувоқ қилингани ва унда бир-биридан 25-30 см масофада диаметри 10 см бўлган ходалар тик-бўйлама ўрнаштирилганига ҳайрон қолади. Аммо уларнинг ўрнатилиш жойларида куйган ёғоч бўлаклари ва кул қолгани, майитнинг Ҳаёт дарахтини ифодаловчи ёғоч чодир билан қўшиб ёндирилганидан далолат беради, бизнингча. Биз юқорида эслаганимиздек, ўлкамиз ибодатхоналарининг девор тасвирлари ва оссуарий расмларида қадимда марҳум устига ёғочдан чодир қуриб ёндириш маросимининг тасвирлари бунга далил бўла олади.

Эрамиздан олдинги IX – VI асрларда Қўйқирилганқалъа, Чирикработ ва бошқа дафн мажмуаларида мадфанни майит билан ёндириш таомили тарқалиб, Оролбўйи қабилаларининг мадфанларида ёнгин излари то бизнинг III асргача кузатилади. Масалан, Орол бўйидаги Тагискен обидасида махсус усул билан пахсадан терилган мадфан бутунлигича ёндирилган. Олимларнинг фикрича, бу маросимда Оловга эътиқод аждодлар руҳига сажда билан боғланиб, Коинот оловдан яратилгани ва инсон руҳининг ўлмаслиги ҳақидаги тасаввурлар ўзаро бирлашиб кетган. Ҳатто илоҳлар абадийлиги руҳий борлиқнинг асоси ҳисобланган олов билан боғланган. Бегуноҳ диндорлар руҳи айнан шу ибтидо билан қўшилиши ҳақидаги ақидадан нариги дунёдаги ҳаёт тушунчаси келиб чиққан ва у соф абадий ёруғлик сифатида тасаввур этилган.^{247: 98} Зардуштийлик китобларидан бирида инсон уруғи (*tohm*) “олов уруғи” деб аталади, яъни фарзанд туғилиши барча нарсаларнинг пайдо бўлиш ва ўз ниҳоясига етиш жойи бўлган Коинот олови алангаси билан таққосланади.^{15: 145, 553- 268-276}

Инсон руҳи тақдирининг дунёнинг фазовий ва руҳий ибтидосига қай даража бўйсунушидан марҳумларни ёндириш орқали абадий ёруғликка шерик қилиш ғояси униб чиқади. Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиёдан ташқари, бу назария қадим Юнонда ҳам

маълум бўлган. Марҳумни мақбара билан ёндириш одатида А. Лелеков коинотнинг алангада янгиланиш ва покланиш мазмунини кўради, яъни олам янгиланиши билан инсон, аниқроғи, тақводорлар руҳининг янгиланиши ва абадийлашуви ўзаро боғлиқ бўлади. Дарҳақиқат, Авесто матнларига биноан, тақводорлар коинотнинг илк алангали ибтидосига дохил бўлиш орқали жаннатга киришлари айтилган. Славянларда ҳам бир пайтлар марҳумни “домовина” (уй) деб аталувчи махсус қурилмада ёндиришгани шу мазмунга боғланади, деб хулоса чиқаради олим. Авестода охиратда олов борлиқни янгилаши ҳиндларда Агни оташгоҳларини қуриш билан ҳамоҳанг келади. Муқаддас руҳ тушунчаси эса, насроний динига Авестодан ўтганини олимлар тан олади.^{218: 129-131}

Қадим диний-фалсафий назариялар, жумладан, Авесто (8 маротаба) дунё бир кунмас–бир кун улкан ёнгин домида қайта янгиланишини уқтириб, олов ва аждодлар руҳига эътиқод ҳаминиша ўзаро уйғунлашган ҳолда тушунилган (масалан Тагискенда), аммо зардуштийлик дини таъсири остида улар айри тасаввур этилган, деб ҳисоблайди тадқиқотчи. Олов Ригведада “муқаддас тартиб посбони” сифатида “саодатга элтувчи”, яъни абадий ҳаёт ато этувчи бўлиб, бу дунё ва нариги дунё билан инсоннинг руҳий моҳиятини бирлаштирувчи муҳит мақомида эътироф этилган. Илоҳлар қурбонлик келтириб, унинг янги порлоқ руҳини яратган, чунки самовий олов чексиз борлиққа элтган.

Шундай қилиб, қадимги аждодларимиз тасаввурида *Коинот шаклини қайтарган мадфанлар* ёнгини алангасида руҳ покланиб, самога кўтарилиши ва у ерда ҳаётга қайта тирилиши ва такомилга эришгач, худолар ҳузурида қолиши ғояси тушунилган, яъни қадимгилар тасаввурида тақводорлар руҳи олдин ердаги алангага кириб, кейин Қуёш, Ой ва Чақмоққа тушган ва шундан кейингина илоҳнинг комил ва абадий оловига эришган. Турли оловлар таснифи «Маҳабҳарата»да берилиб, Гераклит ва қадим ҳинд-европа матнларида дунё чексиз оловли янгиланишлардан ўтиб, ўз такомилли сари ривожланиб бориши айтилган. Қуёш рамзи ҳисобланувчи четлари алангаланган свастика тасвири ҳам мазкур доиравий берк узлуксиз ҳаётни ифодалайди.

Аммо Авесто ўзидан олдинги доиравий ривож ўрнига бир чизиқли ривожланиш тизимини яратади. Моддий дунё Аҳура Мазданинг руҳий ижоди тариқасида бунёд этилади ва охирида алангада янгиланиб, яна асл руҳий ҳолатига қайтади. Авесто қадим ҳинд эътиқодининг чексиз даврийлик тушунчасини инкор этади.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, бу тизимни кейинчалик насроний дини мерос қилиб олиб, уни ўз таълимотида қайтаради. Муҳими – дунёнинг моддий охирати ва руҳий янгиланиши олов билан боғлиқлигида. Олов – Аҳура Мазданинг бадани бўлиб, бирламчи унга сажда қилиш лозим.^{220: 10}


Ригведанинг “Дафн гулханига мадҳия”си(Х. 16)да Агни илоҳ алангасида марҳум ёндирилганидан сўнг “ҳаётдан йироқлаштирувчи йўлга отланиб, // Худолар изнига ўтади дарҳол”. // Қуёш билан бирлашсин кўзи, шамол билан эса – руҳи! Аталганидек, қоришгин само ва ер билан! // Ёки хуш кўрсанг, сув билан аралашгин, // Ўсимликларда суякларинг илдиз отсин!” Шу Алқовдан марҳум билан биргаликда эчки қурбонлик сифатида ёндирилгани, марҳум танаси ёнларига “алангадан ҳимоялаш учун” сигир ёки эчки бўлак-лари қўйилгани, бош томонига эса худоларга аталган сомали жом қўйилганини биламиз. Марҳум ёндирилган гулхан ўрнига янги олов ёқилиб, унда худоларга ўтган аждодлар руҳига атаб қурбонлик-лар келтириш маросими ўтказилиши мумкин бўлган. Шу тариқа, дафн гулхани аждодларга қурбонлик гулхани билан “ярашган”: “Марҳумларни олиб кетувчи Агни // Ҳақиқатни мустаҳкамловчи аждодларга қурбонлик келтириши лозим”. Шундан сўнг Агнига илтижо этишган: “Биз сени хурсандчиликда алангалатамиз, // Хурсанд бўлиб, хурсанд аждодларни келтир, // Қурбонлик таомидан татиш учун”.

Шундай маросимлар ўтказилган обидалардан бири – Хоразмнинг Яккапарсон мажмуаси ёнидаги “2-қаср” бўлиб, турар жой хоналари ва маиший ўчоқлар йўқлиги билан олимларнинг эътиборини ўзига тортган (160-расм).

Иморат марказидаги III асрга мансуб фундамент қаватида гумбазли 7x7 м ўлчамли хонанинг ўртасида катта оташгоҳ жойлашганидан олов эътиқоди билан боғлиқ маросимлар ўтказилгани аён бўлади (161-162-расмлар). Кейинги асрларда бу хона гумбази тепасидан 18x18 м ўлчамли




160-расм. Хоразмнинг Яккапарсон обидаси (самолётдан олинган расм).



161-расм. Яккапарсон гумбазли минораси.

зал қад кўтаради, аммо пастда қолиб кетаётган гумбазга зарар етказишмайди ва авайлаб атрофини ўраб олишади, яъни диний нуқтаи назардан, гумбазли хона VIII асрда ҳам одамлар томонидан муқаддас, деб эъзозлангани аён бўлади.^{281: 92-95}



162-расм. Гумбазли минора (чапда – реконструкция, ўнгда – ичкаридан ҳозирги кўриниши).

Олимларнинг фикрича, минора шаклидаги оссуарийлар мазкур гумбазли ибодатхона тарҳини қайтариб, Қўйқирилганқалъа ва бошқа эътиқод мажмуаларининг ташқи кўринишига айнан ўхшашдир. Яъни бундан, эътиқод масалаларида ўлкамизда қадимда муайян анъаналар ва намунавий тарҳлар мавжуд бўлган, деган хулоса келиб чиқади. Шунга ўхшаш обидалар барча минтақаларимизда учрайди.

Эҳтимол, мазкур жойда муқаддас сўнмас олов сақланиб, маросимлар пайти ташқарига олиб чиқилган бўлиши мумкин. Кичик от ҳайкалчаларининг топилиши эса, бу ерда от эътиқоди билан боғлиқ маросимлар ўтказилганига ишора этади. Амударё оролларида бирида ибодатхона рўпарасида икки орқа оёғида тик турган от ҳайкали бўлган.^{375: 90-109}

Назаримизда, отнинг ўзи айри равишда, эътиқод сиймоси сифатида кўрилмасдан, Сиёвуш эътиқоди рамзи сифатида қабул қилиниши тўғри бўлади: Сиёвушнинг чавандоз тимсолида Хоразм тангаларида 1000 йил давомида зарб этилгани ҳам, шаксиз, бунга далилдир.

Олимларнинг таҳлилига кўра, бундай ибодатхоналарда сув ва оловнинг роли катта бўлган. Мазкур ибодатхонанинг ҳам III асрга мансуб қатламида ҳовуз бўлиб, сопол коризлардан унга сув келтирилган, рўпарасидаги деворда эса, учта сопол кошинли оташгоҳ ва ёнидаги хонада бта хум бўлган. Олима шунга ўхшаш гумбазли хона Хоразмнинг Бургутқалъа воҳасидаги иморатларда ҳам учраганлигини айтиб, деворлар атрофидаги супа устида кичик оташгоҳ ўрнатилганини мисол келтиради. Хонанинг деворлари жаранглаш даражасигача алангада куйдирилганини таъкидлаб, бу ҳодисага изоҳ бермайди.^{280: 95-96}

“Жаранглаш даражасигача куйдирилган деворлар” ва хона тепасидаги гумбаз бу жойда марҳумнинг ёғоч чодир шаклидаги сохта иккинчи гумбаз остида ёндирилганидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам бу хона 5 аср давомида, иморат қайта-қайта қурилишига қарамай, доим эъзозланиб сақланиб келган. Демак, унда аждодлардан кейинги авлодлар боқий дунёга кузатилган, бу одат йўқ бўлганидан кейин ҳам аждодлар руҳига ҳурмат-эҳтиром туйғулари уни муқаддас саждагоҳ каби асрашга ундаган ва унинг тепасида хотирлаш маросимлари ўтказилган.

Н. Аванесова ўрганган Бўстон-IV мазоридан уч хил дафн этиш услуби учрайди: диний маросимлар маркази, ёндириш орқали дафн этиш ва алоҳида рамзий мадфанлар. Шулардан диний маросим марказида ёндириш ўчоқлари, қурбонлик оташгоҳлари, кенотафлар бу обиданинг 78 объектида учраб, атама оташгоҳлар, идишларда кўмир қолдиқлари ва охра, суякларда охра ҳамда гиштларга кул ва кўмир қўшиш билан ажралиб туради, яъни бунда Олов эътиқоди яққол намоён бўлади. Марҳумни сопол тобутга солиб ёндиришган ва унинг атрофида уч томондан – шарқ, ғарб ва жанубдан катта гулханлар ёқишган. Мазкур оловхона ёнида маросимлар учун ишлатилган оташгоҳ-меҳроб, эътиқод суюқликлари тўкиш учун меҳроб, таом учун оташгоҳ-меҳроб ва кенотафлардан иборат эътиқод маркази очилган. Қурбонлик оташгоҳининг икки томонидаги кенотафларга, олима тахминига кўра, ўзига фаровонлик ва осойишталик тилаб атама ҳадялар қўйилган. Қурбонлик оташгоҳи ёнида алангага ёғ ва ўсимликлар ташлаб, атама қурбонликлар қўйиладиган квадрат шаклидаги оташгоҳ жойлашган. Унинг ёнида эса, ҳайвонларни қурбонлик келтириш учун махсус оташгоҳ бўлган.^{9: 46-49}

Қадим Хоразм салтанатининг чеккаларидаги Инкардарё бўйида қум остидан топилган қишлоқлар ва дафн қўрғонлари ўзгача бўлиб, С. Толстов уларни, эраמידан олдинги VI-V асрларга мансуб “шлак қўрғонлари” маданияти, деб атайди.^{408: 181-182}

Диаметри 10 м бўлган ер парчаси атрофида доира шаклида чуқурлиги 20 см, эни 1 м келадиган хандақ қазилган. Уни тошлар билан тўлдириб, ана шу ўзига хос пойдевор тепасига 1 м баландликда олдиндан юқори ҳароратли ўчоқларда куйдирилган шлак бўлакларидан девор терилган. Доира ичидаги сатҳ устига қум аралаш майин тупроқ тўкилган ва ўртасида ёғоч чодир тагида ёндириш маросими ўтказилган. Сўнгра тепасига лой аралаш қумдан қатлам тортилган.

Бунга мисол – Хоразмнинг эрамиздан олдинги VII-VI асрларга мансуб Уйгарак қўрғонлари. Диаметри 20 м келадиган сатҳ ўртасига қўйилган марҳум тепасидаги ёғоч чодир билан бирга ёндирилган. Унда топилган иккита ўймакор бронзали от ҳалқаси бадий жиҳатдан нафис бўлиб, бирида грифон бошлари, иккинчисида эса – шохлари буралган иккита архар тасвирлангани дафн маросими бахшидаларидан дарак беради.^{406: 184-185}

Л. Лелеков, қадим Римда ёғочлардан ясалган квадрат сатҳда майитни ёндириб, кейин марказий нуқтасидан арқон тортиб, атрофида доира чизишгани ва шунга қараб, баланд қўрғон сепишганини эслатиб, бу одат славянларда ҳам бўлганини айтади. Оролбўйида эса, марҳумни квадратсимон ёғоч чодирда ёндириб, устига доира шаклида пахса қўрғон қўйишгани ўзига хос. Оролбўйи мақбараларида дафн этилган қабила бошлиқлари ҳам ҳукмрон, ҳам коҳин бўлган ва, демак, қадимгиларнинг удумига биноан, ҳаёти давомида оташгоҳлар яратиб, аланга олдириган ва қурбонлик келтириш маросимларини бошқарган. Ақида бўйича эса, ибодатхоналардаги оташгоҳлар “қурбонлик келтирувчи марҳумнинг бадани” сифатида эъзозланган. Тадқиқотчи хулоса қилади: Скандинавиядан тортиб то Ҳиндистонгача мавжуд бўлган бирорта қадим маданиятда Оролбўйи (Тагискен, Чирикработ ва бошқа) дафн мажмуаларида бўлгани каби бўрттириб шакллантирилган дафн маросимлари кузатилмайди.^{220: 7-10}

“Қўрғон” деганда, мақбара тепасидаги ердан тупроқ ёки тошлар ташлаб, бўртиб чиққан тепалик назарда тутилади. Айнан шу маънода, бу сўз туркийдан рус тилига кириб келган. Зарафшон водийсида ўтказилган қазишмалар бу ердаги қўрғонларнинг кўтармаси қўл остидаги бор мавжуд материалдан эмас, махсус терилгани О. Обельченко томонидан аниқланди.^{287: 51} Қадим Сўғднинг эрамиздан олдинги I мингйилликка доир қўрғон мақбаралари катталиги ва терилган материали бўйича ҳам фарқланар экан: сариқ тупроқдан,

тош аралаш тупроқдан, фақат тошдан ёки тупроқнинг ўзидан. Бухоро воҳасида қўрғонлар тупроқдан, Дарғом бўйи даштида эса – тошдан кўтарилган. Шундан тадқиқотчи қўрғонларнинг материали муайян диний маросим туридан дарак беради, деган хулосага келади. Ёрни қўрғон шаклида қабр устига кўтариш муайян диний маънога эга бўлиб, самони ифодалайди ва, шу тариқа, марҳумнинг нариги дунёга ўтишини енгиллаштиради. Айрим олимлар қўрғонни сув эътиқоди ёки тошга тотем сифатида сиғиниш билан ҳам боғлашган. XI аср араб муаррихи Гардизий туркий қабилалар тош ёрдамида самодан ёмғир тилашганини таърифлаган. XIV аср муаррихи Рашид ад-Дин эса, туркий қабилаларда душманига қарши курашда тошдан илтижо қилиб, қор ва бўрон тилаш маросими ҳақида маълумот беради. Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда тахт учун талаш ишосида 1451 йил июнь ойида Абу Саид Самарқандни ишғол этади. Манбаларда ҳикоя қилинишича, ўзбек жангчилари даштдан ўтиш пайтида сеҳр ишлатиб, “яда” тоши ёрдамида қор ёғдиради ва хуросонликлар саросимага тушади.^{52: 165} “Яда” атамаси авесточа *jatu* – “сеҳр” сўзидан олинган ҳисобланиб, ўзбек тилидаги жоду сўзини билдириши эътиборни тортади. Бундан эса, жодугар сўзининг маъноси келиб чиқади. Қозоқ ва қирғизларда XX аср бошларида ҳам “жай-тош” ёрдамида фолбинлар оби-ҳавога таъсир ўтказиши ёки одамларга ёмонлик йўлиқтириши ва зиён-заҳмат етказишига ишонилган.^{56: 120-121}

Хоразмнинг Тагискен дафн иншоотлари қўрғон шаклида бўлиб, унинг шимолий қисмида жойлашган ва бронза даврининг эраמידан олдинги IX-VIII асрларига мансуб бўлган мадфан алоҳида диққатга сазовор. Дафн қўрғонининг томонлари 18 м бўлган тўртбурчак шаклидаги ташқи деворлари дунё томонларига биноан йўналтирилиб, ичида диаметри 14 м бўлган доирасимон бино қурилган. Унда айлана бўйлаб бир-биридан 1,6 м масофада 12та ғиштин тўртбурчак устунлар терилиб, шу тариқа, улар билан девор орасида айланма ташқи даҳлиз пайдо бўлган. Марказга яқинроқда эса, тўртбурчак шаклида яна 8та устун ўрнатилиб, улар мажмуанинг тўртбурчак шаклидаги марказий хонасини ташкил этган, яъни тўртбурчак ичида доира ва унинг ичида тўртбурчак шаклдаги мадфан вужудга келиб, унга эса, қуйидаги дафн ашёлари қўйилган: сопол идишлар, бронза қуроллари, бронза ва тилла тақинчоқлар ва ҳоказолар.

Доирасимон даҳлиз устунлари ташқари қисмидан юпқа девор билан ўралиб, ичкари томонида гил ўриндиқлар ўрнатилган. Ички

марказий хона устунлари девор билан боғланмаган. Шу тариқа, квадрат ичидаги доирасимон даҳлиз, ўз навбатида, устунли квадрат шаклидаги очиқ камерани ўраб турган. Устунлар ёнидан ердаги 15–20 см келадиган чуқурчаларга *хода*лар тиқилиб, диний маросимга биноан, улар, марказий камерага қўйилган майит билан бирга ёндирилган. Бундай мажмуаларда қабила ёки уруғ бошлиғи дафн этилиб, атрофида қариндош-яқинларининг кичик мақбаралари жойлашган. Тагискеннинг яна бир мадфанида ёндириш камерасининг ҳар бир бурчагида идишлар турган: бирида фақат хумлар, иккинчисидан – товоқлар ва шунга ўхшаш. Ўроқсимон бронза пичоқлар, бронза ниналар, тилла тақинчоқлар ва юздан ортиқ бронза михлар ҳам топилган.^{406: 81-85}

Қадим Хоразм Еттиосор маданиятининг илк босқичлари (эрамизнинг биринчи беш асри)да дарёлар қирғоғига яқин жойларда 2 – 3 қаватли ўта мустаҳкам қалъалар атрофида қўрғон мақбаралар пайдо бўлиб, бу ердаги барча қишлоқлар ҳимояланган. Бу маданият Тошкент воҳасига таъсир ўтказди ва баҳорий (богар) зироатчилик ва ўтроқ чорвачилик иккала минтақанинг ривожини учун бир хил асос яратган. Сирдарёнинг Тошкент воҳаси оқимидаги баланд ўнг қирғоғи узра жойлашган Шаушукумтепа, Аҳмадтепа, Қанқа каби шаҳристонларида, Еттиосор маданияти таъсирида, янги турдаги мақбара ва мадфанлар кенг тарқала бошлади, яъни ер ости катакомбаларида мажмуавий дафн этиш ҳоллари камаяди. Бу таъсир Тошкент воҳасида кенг тарқалиб, III – IV асрларда Фарғона водийсининг курум ва муғхона шаклидаги дафн иншоотларига, Сўғд, Уструшона ва янада жанубийроқ минтақаларнинг қўшни районлари ҳамда Бухоро воҳасининг олисроқда жойлашган Сеталак ва Қизилқир шаҳристонлари каби жойларга етиб боришини ҳам олимлар қайд этган.^{215: 170-175; 90: 38-51; 286: 57-65; 420: 91-97; 235: 26}

Тошкент воҳасининг Шоштепа ибодатхонаси ўз атрофида, аввало, қишлоқ, кейинчалик эса – Тошкент шаҳрининг вужудга келишига асос солди. Мақбара мажмуасининг махсус хоналарида аجدодлар руҳига атаб маросимлар ўтказилган, майитнинг ўзи эса намозгоҳ ва меҳробли қўшни хонада жойлашиб, оташгоҳ яна бошқа бир хонада ўрнатилган. Оташгоҳ четига шохлар ва ёғоч қаламчалар тиқилиб, ёндирилган. Шу аснода, майит устида ёғоч чодир ёқиш одатига тақлид этилган. Ўлкамиз қадим қабилалари орасида ёғоч қаламчалар ва шохлар алоҳида ўрин тутган. Хипчинларда фол ҳам очишган. Сак қабилаларида қабр устига

шоҳлар ёки чўл шароитида қамиш қўйилиб, кейин қўрғонча тортилган. Эрамиздан олдинги IV асрга мансуб Қалъалиқир 2 думалоқ ибодатхона хоналаридан бирида аёл маъбуданинг сопол ҳайкалчаси билан бирга кўмилган буғдой новдалари бошоқли ўсимликларнинг эътиқод билан боғлиқ аҳамиятидан далолат беради. Олимлар қуйидагича хулоса қиладилар: Сирдарёнинг қуйи оқимидан салибсимон дафн уйлари Чирчиқ дарёси томон силжигани сайин дафн эътиқоди ва кўмиш шакли ўзгариб боради. Майит устида ёқиладиган ёғоч чодир ўрнига мақбара қурилади. Энг қизиғи, кейинчалик, Оролбўйи қабилаларининг ўзи ҳам майитни ёқишдан воз кечади. Эрамиз бошларига келиб эса, зардуштийлик таъсирида Шоштепа ва Оролбўйида дафн этиш шакли ёндиришдан ташқарига чиқаришга ўтади. Бу таомил Бактрия, Сўғд, Хоразм, Фарғона ва Шош учун бирхиллашади.^{391: 258; 423: 114-116}

Шу йўсинда, Тошкент воҳасида аждодларга сиғиниш маросимлари ва меъморчилиги ривожланиб, Шоштепа, Кугаиттепа ва Қанқада майитлар қалъа ташқарисига қўйилиб, ичкарида фақат хотира маросимлари ўтказилган. Келгуси асрларда аждодлар руҳига сиғиниш учун махсус хоналар ишлатилиб, девор атрофларида супалар ва марказида тўртбурчак оловдон жойлашган. Шу тариқа, Тошкент воҳасида аждодларга сиғиниш эътиқодининг сак қабилалари мақбараларидан тортиб то кейинги маросимлар ривожининг ҳам моҳиятини тушуниш имкони пайдо бўлади.^{391: 257-258; 138: 45-47}

Шу билан бирга, ўлкамизнинг бошқа турдаги қўрғонларида Ҳаёт дарахти мавзуи ёндириш эмас, кўмиш маросими асосида бажо келтирилганлиги диққатга сазовор, яъни турли замон ва эътиқод кириб келишига қарамай, аждодлар руҳига сиғинишда мазкур ғоявий асос сақланиб қолаверган. Марҳум, мадфан марказида қазилган ўзига хос “ер ўрин”га ётқизилган, тагига ўт ва қамиш тўшалган, устига шолчалар ёпилган, қабрни тупроқ билан тўлдиришдан олдин устига хода ва қамиш босишган, бу қатламнинг устига 30-40 см ер тортишган, устини текислаб, яна бир қават ёғоч ва қамиш билан ёпишган ва ниҳоят, ерли қўрғон (кўтарма) кўтаришган.^{406: 185-186; 391: 258, 423: 116}

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Ҳаёт дарахтига биноан, вертикал бўйлаб уч қисмли бўлиниш, Ҳаёт дарахти эътиқодига оид рамзлар, Ҳаёт дарахти ва тоғ эчкиси, Гаокерна дарахти, Ҳаёт дарахти устун сифатида тасвирланган, геральдика – сулола шажараси – дарахт, кийик ва дарахт, “арчасимон” чизиқлар, “Вақ-вақ” дарахти, Ҳаёт дарахти ва занданачи, Ҳаёт дарахтининг эътиқодий тарихи беш минг йил, “Ҳаёт дарахти” мавзуининг илдизлари, умумбашарий мерос ва маданиятга бетараф ёндашишга даъват.

Ўлкамизда юқорида тасвирланган мадфанлар тури, яъни меҳроб хонасида чодирсимон декоратив ёғоч устлама, мақбара ва деворлардаги дарахт шохлари ва ёғочлар, оссуарийларда ўсимликларнинг нақшинкор тасвирлари – “муқаддас хаома” ҳам, олимларнинг фикрича, осмонни англаган ва қадимда турли халқларда дунё тузилишининг намунаси сифатида эътиқод этилган жаҳоншумул Ҳаёт дарахтини билдирган. Зардуштийлик ақидасига кўра, барча ўсимликларнинг уруғлари келиб чиққан бу Дарахт, Ворукаш денгизи ёнидаги Анахита илоҳасининг сарчашмаси олдида ўсади. Бу сарчашмага инсонлар ва мавжудотларнинг руҳлари қайтиб, Дарахт тепасида яшовчи барча қушлар подшоҳи Семурғ уруғларни сепеди, Тиштрия илоҳи эса, уларни ёмғир билан ерга сочади ва ҳаёт даврийлигини таъминлайди. Спираль тасвири эса, сув оқимини ифодалаб, самовий ва ер сувларининг рамзи бўлган.⁷⁷

14, 342: 95; 297: 13


Прометей оловни худолардан ўғирлаганида ўсимлик танасида ерга олиб тушади, Зардуштнинг оловли хварно-омади ҳам хаома ўсимлиги танасида сақланган. Бу тимсоллар – оловнинг Ҳаёт дарахти билан алоқаси ҳақидаги қадим тасаввурлардан келиб чиқадиган эътиқод бўлиб, Қарши воҳасининг Ерқўрғон ибодатхонаси устунларида дарахт расми олти марта қайтарилиб, оташгоҳлар билан кетма-кет тасвирланган. (Қадим Шарқ цилиндрсимон муҳрларида кетма-кет қайтарилувчан диний тасвирлар азалдан маълум). Ерқўрғон дарахтида Семурғ тасвири йўқ, аммо ердаги ҳаёт равнақини таъминловчи бир жуфт уйқу билмас бургутлар

тасвирланган. Сак қабилалари шоҳ ва қоҳинларининг дафн маросимларида иштирок этувчи аёлларнинг бош кийимида ҳам дарахт тасвири акс этган.^{222: 170; 16: 83; 297: 13; 342: 93; 303: 91}


Бу борада барсман хипчинлари, Оролбўйи сакларида ёғоч чодирлар ва қабр қўрғончаси тагидаги дарахт шохларининг маъноси ойдинлашади, деб ҳисоблайди Р. Сулаймонов. Қадимгиларнинг тушунчасига биноан, дарахтнинг илдиз қисми пастки ер ости дунёсини ифодалаган, танаси – ўрта дунё, яъни ерни, тепа қисми эса, худоларнинг самовий дунёсини билдирган. Яъни бунда *Ҳаёт дарахтига биноан, вертикал бўйлаб уч қисмли бўлиниш* намоён бўлади: қабрнинг ўзи ер остида – қуйи дунёда жойлашган, тўсинлардан терилган мадфан ўрта дунёни ифодалаган, устидаги шохлар эса юқори дунёнинг рамзи бўлиб, қабрнинг думалоқ кўтарма қўрғончаси само гардишини билдирган. Буддавийликдаги Ступа ҳам қўрғон дафн иншооти билан боғлиқ бўлган ва унда Будданинг ёндирилган хоки сақланишига мўлжалланган. Будда эса, асли сак қабиласидан келиб чиққан, деб ҳисоблайди олимлар. Афсоналарга биноан, биринчи саккизта ступа Устоз ўлимидан кейин яратилиб, кейинчалик атама ступаларга сажда қилиш буддизмга хос белги бўлиб қолади, яъни айрим олимларнинг фикрича, буддавийлик ступалари сак қабилаларининг дафн маросимлари билан боғлиқ.^{391: 261; 492: 108}

Бактрия ва Гандхаранинг қадимги ступаларининг асоси квадрат ёки салиб шаклида бўлганлиги ўлкамиздаги дафн мажмуаларининг шаклига мос тушади ва мазмунан Ҳаёт дарахти билан боғланади. Олимларнинг фикрича, асрлар оша энг қадим замонлардан буён бизгача етиб келган машҳур эътиқод рамзларидан бири – Ҳаёт дарахти бўлиб, унинг тепасида яшовчи қушлар самони ифодалаган, ўртадаги туёқли ҳайвонлар ер рамзи бўлган, илон-балиқлар эса, ер ости дунёсини ифодалаган. Ромб билан салиб ҳам дарахт рамзи бўлган. Шу тариқа, ибтидоий инсоннинг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари инсоният тарихида илк космогоник тизимга асос солади ва шу қадар ишончли ҳамда собит бўладики, кейинчалик буддизм ва насронийликка ҳам сингиб ўтади.^{345: 98; 410: 204} 163-расмда дунёнинг деярли барча халқларида кенг тарқалган Ҳаёт дарахти эътиқодига оид рамзларнинг тасвири келтирилган (изоҳ учун каталогни қаранг).

Тадқиқотчилар бир нарсага эътибор қаратган: Ҳаёт дарахти, Қуёш, илоҳа, қушлар, отлар ва бошқа бир қатор рамзлар азалдан



163-расм. Дунёнинг турли халқларида Ҳаёт дарахтининг рамзлари.



164-расм. Ҳаёт дарахтининг рамзий тасвири.

бир бутун тизимни ташкил этиб, уни фақат ўқий билиш қолган. Ибтидоий тафаккур тарзининг мифологияга айланиши жуда ўзига хос рамзий тизим яратиб, бутун дунёни тавсифлайди.^{366: 13-19} Шу борада, Ўрта Осиёдаги Ҳаёт дарахтининг энг қадимги тасвирларидан бири эрамиздан олдинги II мингйилликка доир эътиқод ёдгорлиги рамзларида акс этган (164-расм).

Аслида, Ҳаёт дарахтининг тасвири эрамиздан олдинги IV мингйилликдан бошлаб Шарқда кенг тарқалиб, Анат илоҳаси ва табиатни ҳар йили янгилаб, ҳайвон ва ўсимликларга ҳаёт берувчи ўроқсимон асо ушлаган Ваал илоҳи билан боғлиқ бўлган (165-расм).

Ҳаёт дарахти тоғ эчкиси ва Онаилоҳа билан бирга ифодаланиши, умуман, Шарқда ўсимлик илоҳи эътиқоди тоғ эчкиси билан боғлиқ бўлиб, эчки ва қўй қурбонлик сифатида кўрилганидан келиб чиқади (166-расм).

Мазкур мавзу Сўғднинг VI-VIII асрларга мансуб кумуш жомида тасвирланган Ҳаёт дарахтининг икки томонидаги бурама шохли тоғ эчкилари расмида ўзининг узлуксиз анъанавий ривожини намоён этади (167-расм).

Бу тасвир жуда қадим намуналарга ўхшаш бўлиб, 4500 йил олдин Оссуриянинг цилиндрсимон муҳрларида учрайди: дарахт учбурчаклар – ер рамзи устида жойлашиб, икки томонида турган тоғ эчкилари тепасида солиб-юлдузлар ифодаланган.^{345. 99}



165-расм. Дарахтнинг икки ёнидаги эчкиларнинг геральдик тасвири (эрамиздан олдинги XIII аср).



166-расм. Диний маросим тасвири (эрамиздан олдинги IV мингйиллик охири).



167-расм. Ҳаёт дарахти ва тоғ эчкиси тасвирланган кумуш жом (Сўғд, VI-VIII асрлар).

Эрамиздан олдинги V асрга мансуб Хоразмнинг Султон-Увайстоғ обидасида тош устун қоши(капитель)да ҳам одам юзли қўй боши йўнилган (168-расм).

Бактрия, хусусан, Термиз обидаларининг ҳам шунга ўхшаш устун қошларида замонлар узра турли диний эътиқодларга мансуб турли ҳайвонлар ва фантастик мавжудотлар тасвирланган бўлиб, ўлкамизнинг диний бағрикенглиги ва бир маконда асил сиймолар халқ эътиқодида сақланиб келганлигидан далолат беради. Аммо олимларнинг тан олишларича: “мазкур устун қошлари, шак-шубҳасиз, маҳаллий илдишларга эга, чунки улар Бактрия заминида кашф этилган ва айнан шу ерда мазкур ўзига хос синтез вужудга келган”.³¹⁸ Шунитаъкидлаш лозимки, бундай устун қошларининг тарихи кўҳна мозийдан бошланган.



168-расм. Ибодатхона пештоқи.

Одам ва Дарахт мавзуи ўлкамизда халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, турли талқинларга йўл очади. Эрамиздан олдинги VI-V асрларда ҳайкалчаларнинг олд томони ярим устун тарзида қавариқ ишланганлиги илоҳ дарахтда макон топиши ҳақидаги тасаввурлар билан уйғунлаштирилади: дарахт кўп халқларда илоҳийлаштирилган тотем сифатида одам аждоди бўлганлигини эслаш кифоя. Хоразм сувдонларида ҳам дарахт расми олдида турган икки кийик расми бор. Хоразм қадим эркак ҳайкалчасининг қўллари дарахт шохлари сифатида тасвирланиб, кўксиде ифодаланган учбурчакнинг учи пастга қаратилган ва, демак, табиатнинг яратувчанлик кучларини ифодаловчи илоҳий рамзни билдирганлиги мисол қилиб келтирилади.¹⁹⁷⁻²¹¹⁻²¹² Хоразмнинг Қалъалиқир 2 обидасидан топилган сувдонда Ҳаёт дарахти олдида яқинлашаётган икки ўрқачли туя устидаги одам тасвирини эса Зардушт деб ҳисоблашади (169-расм).



169-расм. Ҳаёт дарахти ва Зардушт (?).

Тасвирдаги дарахт эса, эҳтимол, Авестода номланган *Гаокерна* дарахти бўлиб, уни хаоманинг бир тури бўлиб, танасидан сутсимон доривор модда ажратиб чиқарган, деб ҳисоблашган:

Гаокерна дарахти ҳақиға
Сидқидилдан намоз ўқийлик
Ул қудратли ва кучли
Гаокерна дарахтини
Намоз ичра алқайлик.

Дарахтларда руҳлар ўзига макон топганига ишонч кучли бўлганидан, ўлкамиз мозорларидаги дарахтларга ният қилиб, латталар осиш одати ҳам келиб чиққан. Хоразмда марҳумни ердан ажратиш учун сағанани ердан *изоляция* қилишган. Бунинг учун ер устига йўғон ғўлалар ва тепасига ташланган сомондан таркиб топган мустаҳкам фундамент ўрнатилган. Сомон қаватининг юпқалигидан, олимлар, у рамзий маънога эга бўлган, деб ҳисоблашади.^{378: 151}

Ўлкамизнинг Сополлитепасида эрамиздан олдинги қабрга мажнунтол шохчалари тўшалган, зардуштийлик маросимларида эса, “барсман” мажнунтол шохларидан таркиб топган.^{36: 47} Амударё хазинасидан топилган тилла лавҳда муқаддас барсман ушлаган коҳин тасвирланган (170-расм).

Аслида, *Ҳаёт дарахти* кўп ҳолларда устун сифатида тасвирланган бўлиб, баъзан дарахт ва тирик мавжудотларнинг қурама тасвиридан ўзига хос бетакрор тимсоллар яратилган. Масалан, эрамиздан олдинги I мингйилликка доир Вавилон муҳрида зироат илоҳи ифодаланган (171-расм).

Унинг қўллари ва баданидан дарахт шохлари ўсиб чиқиб, бошида буқа шохлари кўрсатилган. Олимларнинг фикрича, қадимий Шаркнинг бир жуфт буқа, шер ва грифонлар билан безатилган устун қошлари шу




170-расм. Барсман хипчинларини ушлаган коҳин.




171-расм. Зироат илоҳи (Вавилон, э. о. I мингйиллик).

манбадан ибтидо олган.^{345: 100} Мисрдаги девор тасвирларидан бирида чодир марказида турган устун Ҳаёт дарахтини акс эттириб, ҳомий арвоҳлар макони ҳисобланган ва турли халқларда уй устунига бўлган ҳурматни тушунтиради^{94: 56} (172-расм).

Илк ислом давридаги бронза лаганда ҳам Ҳаёт дарахти ва устунлар тасвири мавжуд^{94: 55} (173-расм).



172-расм. Қадим Мисрнинг девор тасвири.



173-расм. Бронза лаганда Ҳаёт дарахти ва устунлар.

Орадан 1700 йил ўтгач, X-XI асрларда Сўғднинг ибодатхона ва уйларининг оташгоҳлари ва безак унсурларида ўзига хос устун ва устун қоши шаклланади (174-расм).



174-расм. Девор ва оташгоҳларнинг устун ва устун қошлари (Самарқанд, X-XI асрлар).

Пастқам лавҳ доирасимон асосга таяниб, дарахт танаси тепага қараб торайган ва барглари хилма-хил шакл олган. Кейинчалик,

парсимон асос ўрнини кўза эгаллайди. Мазкур тарҳли устунлар VI-VIII асрларга мансуб науслар ва оссуарийларнинг юзасидаги тасвирларда ва нақшларда кўп учрайди: устуннинг икки томонидаги нуқралар доирасида Қуёш расми ифодаланган³⁴⁵⁻¹⁰⁰ (175-расм).

Кўза ичидан ўсиб чиқувчи Ҳаёт дарахти ислом даврида ҳам, XIV-XVII асрларга доир Самарқанд мавзолейларининг нақшлари, обидалар мозаикаси ва қабр тошларида ўз аксини топади (176-расм).



175-расм. Наус устунининг икки томонидаги Қуёш рамзи (Самарқанд).



176-расм. Мармар қабр тошида Ҳаёт дарахтининг тасвири (Самарқанд, XV аср).

Энг қизиғи, мазкур устун ва рамзлар XX аср бошида ҳам Самарқанд уйларининг деворларида мавжуд бўлган: ўйилган арklar ичида юлдузлар, дарахтлар, сув кўзалари тасвирланган (177-расм).

Устун тепасида ромбчалар, квадратлар ва салиблар рамзини чизиб, кичик тахмончада чироқ ёқишган, яъни ислом ўрнашиб бўлганига ҳам қарамай, энг қадимги Ҳаёт дарахти ва олов эътиқоди маросимлари халқ онгида ғира-шира тушунилган равишда давом этаверган.³⁴⁵⁻¹⁰⁰

Авестода “Ёруғлик салтанати” тавсифида “қимматбаҳо дарахтлар” бир қатор ўсиши, уларнинг бебаҳо мевалари доимо фарқ пишганлиги, улар сўлмаслиги ва



177-расм. Устун (Самарқанд, XX аср).

чиримаслиги ва, демак, улар “дарҳақиқат, абадий мавжуд бўлиши” таърифланган. Бир ярим минг йил ўтгач, Абдурахмон Жомий ҳам мазкур Ҳаёт дарахтини шоирона дид билан мадҳ этади.

Хоразмнинг Тупроққалъасидаги Кийиклар залида ҳам Ҳаёт дарахти мавзуи энг нафис ишланган санъат намуналари қаторига киради. Олимлар^{413: 91-93} девор расмларини реконструкция қилиб, 178-расмдаги саҳнани қайта тиклашга муваффақ бўлган.




178-расм. Тупроққалъа кийиклар залидаги тасвир.

Ўнг томонда узум токи, чап томонда қизил анорлари пишган анор дарахти, тепада шер-грифон, ўртада кийик ва пастда, расм қолдигига қараганда, эҳтимол, тритон тасвирлари мавжуд бўлган. Мазкур саҳна қадимги аждодларимиз учун диний эътиқод рамзлари бўлган: қанотли грифон – олий, самовий ибтидо рамзи; тагидаги кийик – Ер муҳитини англаган; пастдаги тасвир эса, ер ости хтоник дунёси сувларини ифодалаган. Грифон ва кийиклар анъана бўйича Коинотнинг учта дунёсини ифодаловчи Ҳаёт дарахти олдида тасвирланиб, узум ва анор ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи ҳамда ҳосилдорлик илоҳаси рамзлари бўлган.

Биз олимларнинг бундай таҳлилига қўшилаемиз, чунки мазкур рамзлар бутун дунё бўйлаб қадимда бир хил мазмунни англагани маълум.^{413: 93}

Айнан шу шер мавзуси XII асрда Самарқанднинг сопол буюмларидаги тасвирларда ислом даврида ҳам, нафақат сақланиб, балки ривожланиб намоён бўлиши мазкур эътиқод ўлкамизнинг барча минтақаларида халқ орасида нақадар чуқур илдиз отгани ва эъзозланганидан далолат беради (179-расм).

Сополда нақшланган мазкур тасвирларда шерлар бир-бирига юзланиб ва тескари ўгирилиб ифодалангани, назаримизда, геральдика – сулола шажараси хусусиятларидан келиб чиқади. Аҳамият беринг, шажара, яъни насл-насабнинг тарихий авлодомаси ҳам, араб тилида дарахт, дегани.



179-расмлар. Ҳаёт дарахти ва шерлар (Самарқанд, XII аср).

Қадим халқларда ҳосилдорлик тилаш маросимларида дарахт ва шохлари ҳамда кийик аҳамиятини кўп олимлар таъкидлаган. Масалан, Қалъалиқир 2дан топилган сувдонда кийик ва дарахт тасвирланган (180-расм).

Баҳор байрами билан кийик ва Ҳаёт дарахтининг узвий боғлиқлиги барча эътиқодларда кузатилади. Дионисий мистерияларининг иштирокчилари кийик терисини қоплаган, ҳинд мифологиясида эса, кийик бошли ҳосилдорлик илоҳи мавжуд. Хоразмнинг эрамиздан олдинги IV-II асрларига мансуб гемма (нақш ўйилган тош)ларида камон ўқи санчилган кийик тасвирлари кўплаб учрайди. Доира шаклидаги Говурқалъа-3 ибодат мажмуасидан топилган геммада ҳам камон ўқи санчилган кийик тасвири бор (181-расм).



180-расм. Ҳаёт дарахти ва кийик.



181-расм. Ярадор кийик (Хоразм).

Хоразмдан топилган илк ўрта асрларга мансуб думалоқ бронза муҳрларидан бирида дарахт устидаги кийикка қилич санчиш тасвири бор, яъни эътиқод маросимларида кийикни қурбонлик келтириш одати кенг тарқалган бўлиб, бу одат халқ орасида муайян тасаввурни юзага келтирган. Айнан шу қурбонлик тури табиатнинг янгилиниши, уйғониши ва қадим хоразмликларга ризқ берилишини таъминлаган. Кейинчалик, Европада Митра эътиқоди буқани ўлдириш билан уйғунлашган бўлса, хоразмликларда Митра кийикни қурбонлик келтириб, табиат тирилишини таъминлаган. Кийик қадим шарқ халқларида қуёшли илоҳ бўлгани ҳам шунга ишора этади^{24:}⁵³. Эрон шоҳи Шопур II кийик устида ўтириб, уни қурбонлик келтираётган тасвири ҳам Митра кийик устида кийик шохини ушлаб ўтирган тасвирига мос тушади.^{418: 55, рис 18} Тахти Сангиндан топилган калта қиличда кийикни ушлаб турган шер тасвирида олимлар шоҳ ёки илоҳ, эҳтимол, Митра рамзини кўришади.^{294: 94}

VII-VIII асрларга мансуб Сўғднинг кумуш лаганларида ҳам кийик ва Ҳаёт дарахтининг тасвирлари юксак бадиий дид ва маҳорат билан ишланган (182-183-расмлар).



182-расм. Сўғд кумуш идишида кийик тасвири (VIII аср).



183-расм. Сўғд кумуш идишида кийик тасвири (VII аср).

Хоразмнинг Хумбузтепасидан топилган ва эрамиздан олдинги VII-IV асрларга мансуб бўлган сувдонда Ҳаёт дарахтининг икки томонида турган буғу тасвирланиши ҳам шу мавзуга боғлиқ.^{249: 56}

Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи бўлган Варахша саройининг Шарқий залида ганч нақшларининг сақланиб қолган қисмларига асос-

лангиб. Баландлиги 2-3 м келадиган дарахт тасвири бўлган, дейди В. Шишкин. Қизил залнинг деворида ҳам катта дарахт тасвири бўлиб, Шарқда кенг тарқалган тасвирларга таяниб, олим, дарахтнинг икки тарафида грифонлар турган, деб тахмин қилади. Яъни бу билан қадимдан Шарқда яхши маълум бўлган геральдик тасвирга ишора этилади.^{450 65}

Варахшанинг энг катта, Қизил зали деворларидан бирида сувоқ устидан “арчасимон” чизиқлар тортилган. Шу ердан ярим доира шаклидаги муҳр топилиб, юз томонида 3та вертикал ва 3та горизонтал чизиқлар, уст қисмида ҳам арча шохларига ўхшаш чизиқчалар туширилган. Худди шундай расми бор тошчалар кўп жойлардан топилган. Баъзилар, бу расмда қўлларидан найза ушлаб турган одамнинг рамзий ифодаси деса, бошқалар ҳассалар ушлаган одамнинг схематик расми ёки қабила-уруғнинг рамзи, деб талқин қилишган. Аммо тасвирда умуман одам расми йўқ. Бу маълумотларни келтирган В. Шишкин ҳам унинг моҳиятига баҳо бермайди.^{450 67} Бизнингча, Варахша ибодатхонаси аждодлар руҳига бағишланганидан, девор ва муҳрдаги “арчасимон” чизиқлар марҳум устига ўрнатиладиган ёғоч чодир рамзи бўлиб, Ҳаёт дарахти тумори сифатида фаровонлик тилаш ёки ўтганларни хотирлашга бағишланган. Хоналардан бирида ер қатламларидаги кул аралаш турли ҳайвонларнинг суяклари бу ерда қурбонлик келтирилганидан далолат беради.

Қадимда Бактрия таркибига кирган Сурхондарё вилоятининг обидаларида бир вақтга мансуб бир хил шаклдаги Ҳаёт дарахти расмлари турли ашёларда топилиб (184-расм), шулардан бири эса, уй томининг четларига – сувтушарга ўрнатилгани эътиборга сазовор (185-расм).



184-расм. Ҳаёт дарахти
(Далварзинтепа. I-II асрлар).




185-расм. Том сувтушарида Ҳаёт дарахти
тасвири (Сурхондарё, I-II асрлар).

Шунга ўхшаш шакл асрлар оша, минг йилдан кейин ҳам шу минтақада қайтарилиши халқимиз эътиқодларидаги анъанавийликдан далолат беради, албатта (186-расм).

Афсоналар ва эътиқод матнларида Ҳаёт дарахти тепасида Семурғ қуши ўтириб, турли ўсимликлар уруғларини дунёга сочиши мавзуси қадим замонлардан бошлаб тасвирий санъатда ўз инъикосини топган. Аксарият ҳолларда, дарахт ёки бута (чаноқ) атрофида иккита қуш тасвирланган. Самарқанднинг X асрга мансуб сопол бўлагиди ҳам айнан шундай саҳна акс этган (187-расм).



186-расм. Ҳаёт дарахти
(Сурхондарё,
Будрач шаҳристиони.
XI аср).



188-расм.
Ҳаёт дарахти
атрофидаги қушлар
(Самарқанд, X аср).



187-расм. Оташгоҳдаги дарахт ва қушлар
тасвири (Самарқанд, X аср).

Самарқанднинг X асрга мансуб оташгоҳининг олд томонида Ҳаёт дарахтининг тагида иккита қуш, ўрта шохларида иккита буқа ва тепа қисмида Қуёш доираси ичидаги ҳиллол Ой ҳамда дарахт тепасида иккита Семурғ қуши тасвирланган (188-расм).

Ҳазнида ХІ асрга доир мармар лавҳда эса, афсонавий “Вақ-вақ” дарахтида йиртқич ҳайвонлар, сфинкс ва сиреналар ўсиб чиқиши тасвирланган (189-расм).

Мисрнинг қадимги пардасида иккита турли дарахт тасвирланган. Насронийларда ҳам икки дарахт орасидаги шахслар ёки саҳналар маънавий покланиш ва халос бўлиш мазмунини англатган^{94 55} (190-расм).

Бу парда хонадонларда тумор вазифасини ўтаган ва, кейинчалик, марҳумни эҳтимол, “сўнгги йўл”га чиқаришда ишлатилган бўлиши керак.

Ҳаёт дарахти билан боғлиқ рамзлар ўлкамиз матоларида ҳам ўз аксини топгани маълум. Бельгия ибодатхоналаридан бирида сақланувчи матонинг орқа томонида сўғд ёзувида “занданачи” деган номи ва ўлчов бирлиги берилган (191-расм).



189-расм. Вақ-вақ қушлари ўсадиган Ҳаёт дарахти.




190-расм. Қадимги Миср пардасида Ҳаёт дарахти.



191-расм. Занданачи матосида Ҳаёт дарахтининг тасвири.

Мато ёзуви Сўғднинг VIII аср Муғ тоғи ҳужжатлари ёзувига мослигидан олимлар уни, бир-икки аср олдингироқ даврга мансуб, деб хулоса чиқаради. Матода Ҳаёт дарахтининг икки томонида турган қўй тасвирланган. Европанинг бошқа музейларида ҳам нақши ва расмлари билан шундай ва шунга ўхшаш матолар борлиги асосида олимлар қатор умумлашма хулосаларга келади.^{64: 66-67; 543: 145}

Франциянинг Нанси шаҳри музейида, 820 йили келтирилган занданачида Ҳаёт дарахтининг икки томонида турган шерлар тасвири доирага олиниб, унинг чеккаларидаги учбурчаклар Қуёш рамзларини ифодалайди ва бу ҳолатда композиция жиҳатидан геральдик маъно ифодалангани аниқ (192-расм).



192-расм. Занданачи матосидаги Ҳаёт дарахти тасвири.

Бундай занданачи матолари Европа музейларида 11 дона бўлиб, энг қадимгиси VI асрга мансуб. Уларнинг мавзу жиҳатидан ўхшашлиги албатта анъанавий маънони билдиради. Хитой хроникаларида VIII асрда Самарқанд ва Бухородан Хитойга нозик ҳарир, зардўзи матолар, парча ва номи таржима қилинмаган яна бир тур матолар юборилгани ва уларнинг сифати олий бўлгани қайд этилган. Шу пайтга тегишли араб муаррихларининг рисолаларида ҳам шу ҳақда маълумотлар мавжуд. Қутайба Сўғд ва Хоразм ҳукмронларидан солиқ сифатида турли матолар олган.^{75: 310; 374-122} XIV-XVII асрларда бу мато “зендень”

номи билан кўплаб миқдорда Россия шаҳарларига ҳам олиб чиқилгани ҳужжатлардан маълум.

Самарқанд ёнидаги Муғ тоғидан топилган матода ҳалқалар четидаги нуқралар, ўртасида эса – ўсимлик нақши Қуёш рамзлари ва ҳосилдорликни билдиради. Олимлар занданачи нақшлари Сўғд ва Хоразмнинг деворий тасвирлари билан мос тушишига эътибор қаратадилар. Луврда сақланувчи сомонийлар лашкарбошиси

Бухтегимга тегишли занданачида бир-бирига қараб турган икки филнинг оёқлари орасида грифонлар, четида эса – туялар ва қушлар тасвирланган. Варахша саройида грифонлар филларга ҳужум қилиши тасвирланган.^{69 74-75}


XII асрга мансуб Хоразм ёзувида эса, занданачи туридаги матолар хоразмча ва бухороча бўлиб, бир-биридан фарқ қилиши айтилган. Бухоро яқинидаги Занданачи қишлоғи ҳақида Наршахий шундай маълумот келтирган: “Бу ердан “занданачи” деб аталувчи пахта (асосли) матолар олиб чиқилади. Улар яхши сифатли бўлиб, катта ҳажмда чиқарилади. Бухоронинг кўп қишлоқларида шундай мато тўқилади ва уни занданачи деб аташади, чунки бу матони биринчи бўлиб шу қишлоқ аҳли чиқара бошлаган. Бу ердан матони Ироқ, Форс, Кирмон, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларга олиб чиқишади. Барча шоҳлар ва зодагонлар ўзига ундан либослар тикади ва уни парча нарҳида харид қилади. Аллоҳнинг ўзи бу қишлоққа қут-барака ато этсин”. Шунингдек, Бухоронинг Вардана қишлоғидан ҳам яхши сифатли занданачи хорижга олиб чиқилгани қайд этилган.^{276 33}

Ўлкамизда ипак матолар ишлаб чиқариш санъати борасида қадимда юксак маҳорат чўққиларига эришилган бўлиб, турли обидалардан топилган ашъвий далиллар ана шундан дарак беради. Масалан, э. о. асрларга мансуб Хоразмнинг Тупроққалъасидаги деворий тасвирда ипак ипини йигираётган аёл расми ҳам бу ўлкада ипакчилик кенг тарқалганидан далолат беради (193-расм).

Ипакчиликда турли асбоблар ишлатилгани ҳақида э. о. I асрга мансуб Холчаён обидасидан топилган ип тўплагич тасаввур беради (194-расм).



193-расм. Ип йигираётган аёл тасвири.
Тупроққалъа.



194-расм. Ип тўплагич
(Холчаён, э. о. I аср –
эрамининг I асри).

Фил суягидан одам қўли шаклида ясалган мазкур ип тўплагич учуда бош ва кўрсаткич бармоқларининг туташувидан, ораларида ҳосил бўлган думалоқ тешикдан ипак қурти толалари ипга жамланган. Ҳар бир ип ўрамаи 10-20 ипак толасидан таркиб топиб, ип тўплагич “кафтида” ип излари қолган.^{144: 301} Мато тайёр бўлганидан кейин унга сайқал берилган ашёлардан бири – шиша-тош Самарқанднинг XIV-XV асрларга мансуб қатлаמידан топилгани ипакчилик ўлкамизда замонлар оша сақланиб ва ривожланиб келганига шубҳа қолдирмайди (195-расм).



195-расм. Ипак матоларга жило берувчи шиша-тош (Шоҳи Зинда, XIV-XV асрлар).

Юқорида кўрганимиздек, Ҳаёт дарахтининг эътиқодий тарихи беш минг йилни қамраб олади ва макон узра турли халқларни ўз соясига олади. Ҳаёт дарахтининг мозий илдиэларига қайтадиган бўлсак, э. о. IV мингйиллик бошига мансуб Шумер муҳрида қўлида саккиз япроқли гул-розетка ўсимлигини ушлаб турган эркакнинг икки томонида марказга қараб орқа оёқларига сапчиб турган иккита буқа тасвирланган. Икки чеккада симметрик тарзда икки боғ қамиш ҳалқасидан ўтказилган тасма-кокил бўлиб, икки томондан гулга иккита қўй бўйин чўзмоқда.^{198: 49-50.}

Муҳрларда ҳайвонлар, илон ва қушларни ҳамда дарахт ёки унинг рамзи бўлган арча игналари шаклини тасвирлаш ҳам Шарқда эрамиздан олдинги IV мингйилликдан маълум.

Эрамиздан олдинги III мингйилликка мансуб бўлган Шумер санъати лавҳида Ҳаёт дарахти ўртада бўлиб, икки томонида бир-бирига симметрик равишда ҳайвон, одам ёки одамсифат махлуқлар тасвирланган. Шунга ўхшаш тасвирлар э. о. I мингйилликда янги Оссурияда ҳам қайтарилади (196-расм).



196-расм. Ҳаёт дарахти (эрамиздан олдинги VIII асрга доир муҳрдаги тасвир).

Горизонтал чизиқ жиҳатидан уч қисмга бўлинган (тана – дарахт – тана) бу тасвир рамз даражасига кўтарилган: дарахт сиймосида хурмо дарахти, кедр ёки оддий бута – қамиш ифода-лангани асосида урғу дарахт турига эмас, умуман, ўсимлик моҳиятига қаратилган, деб ҳисоблаш тўғри. Баъзи ҳолларда, дарахтдан икки томонга сув шаршараси оқиб тушиши тасвирланган. Дарахтнинг икки томонидаги турли ҳайвонлар ва одам қиёфасидаги илоҳлар эса, сув ва ўсимлик рамзлари билан ҳосилдорлик, жамики мавжудотлар туғилиш ёрдамида насли давом этишини англатган. Шу тариқа, “муқаддас дарахт” мавзуи қадим Шарқда кенг тарқалади. Айрим олимлар бу мавзуни қайсидир халқ ёки диний оқимга боғлашга уринишлари Ҳаёт дарахти билан боғлиқ асл мазмунни ўзгартирмайди, албатта.

Олимлардан Г. Комороци^{198: 47-52} бизнинг қўл остимизда бўлмаган ғарб олимларининг кенг адабиёти асосида, “Ҳаёт дарахти” мавзуи қуйидаги “учта илдиздан ўсиб чиққан”, деб ҳисоблайди:

1. Инжилнинг қадим қисмидаги Эдем боғи ҳақидаги ҳикоятда “Ҳаёт дарахти” номланган.

2. Евросиё халқларининг фольклорида космик макон рамзи сифатидаги “Жаҳон дарахти” тушунчаси бўлган.

3. Қадим Икки дарё (Тигр ва Евфрат) оралиғи санъатида дарахт мавзуи кўплаб учрайди.

Бироқ қатор олимлар, миххат (клинопись) битикларига асосланиб, “Ҳаёт дарахти” атама ва тасвир сифатида илк бор эрамиздан олдинги XXII асрда, яъни Инжилдан 17 аср олдин, Месопотамияда қурилган ибодатхона дарвозасида акс этган, деб ҳисоблайди. Аммо Г. Комороци, эрамиздан олдинги V асрга доир Инжилдаги “Ҳаёт дарахти” ўз яҳудий илдизларига эга, деб, унинг Олд Осиё (Месопотамия) санъатидан “ўсиб чиққанлиги” ҳақидаги тадқиқотларни рад этади. Мақсад – атамани қадим Шарқ маданияти билан эмас, қадим яҳудий Инжил билан боғлаш. Бизнинг фикримизча, бу ноўрин ёндашув: ахир, яҳудийлар ҳам Шарқ халқларининг бири сифатида умумий меросга эгаллиги шубҳа туғдирмайди. Шунга ўхшаш уринишлар Нуҳ пайғамбар (Ной) қиссаси Инжилдан Қуръонга ўтгани ҳақидаги тадқиқотларда ҳам кузатилган. Аммо Ироқнинг Бобилида эрамиздан олдинги V мингйилликка оид миххат битикларида айнан шу мавзу акс этгани аниқлангач, қатор олимлар инсоният учун умумбашарий мерос ва маданиятга бетараф ёндашишга даъват этишгани маълум.

ОЛОВ УЙЛАРИ

Қадим Хоразмнинг Қалъалиқир ибодатхонаси, Адуриан ва Дори Миҳр, уч хил олов тури ва сажда этиш маконлари, биринчиси – саждада шоҳлар иштирок этадиган ибодатхоналар, иккинчиси – шаҳар Олов уйлари, учинчиси – уй саждагоҳи.

Қадим Хоразмнинг Қалъалиқир ибодатхонаси (эрамиздан олдинги V аср) ва Говурқалъасида (эрамиздан олдинги III аср) махсус хона бўлиб, деворларидаги тоқчаларда рангтасвирларнинг изи қолган ва арксимон тахмон тагида 1 м гача баландликка зинали тагкурси (ҳайкал ўрнатиладиган махсус супа – постамент) кўтарилган. Равоқ деворлари узоқ муддат ёнган олов алангасидан пишиб куйган ва, олимларнинг фикрича, бу уйни иситиш учун ишлатилмаган, чунки физика қонунларига биноан, иситиш учун олов кўпроқ иссиқлик бериши учун, одатда, пастдан ёқилади. Аланга изига қараганда, у махсус таглама ёки оташгоҳда ёқилган. Олимнинг фикрича, бу икки ибодатхонанинг махсус ҳужраларида абадий олов сақланган ва маросимлар залига кўчма оташгоҳларда олиб чиқилган. Тўртта ёғоч устун уч зинали асосда турган кўза шаклидаги тош ўриндиққа ўрнатилган. Бу қурилма кейинчалик кўп асрлар давомида Хоразмда устувор бўлгани асосида олим унинг диний маъно касб этишига мойилроқ: устун-дарахт ўсиб чиқувчи “ҳаётбахш суюқлик идиши”. Афғонистоннинг Шоторак обидасида айнан Хоразм кўзаларининг шаклини қайтарувчи асос устида ўсимлик маъбудлари ёки ўрмон руҳи ва фаришталари турибди. Хоразмнинг айрим обидаларида топилган грифон қуши Семурғни ифодалаб, “фарн – омад ярқираши”ни билдирган. Ҳаёт дарахтининг рамзи бўлган устун тагидаги уч зинали асос айнан уч поғонали дунё тоғини ифодалаган: тоғ ва дарахтнинг бирга тасвирланиши мифология ва санъатдан кенг маълум. Дунё тоғи атрофида тўртта тоғ бўлиб, уларнинг тепасида биттадан дарахт ўсган. Бу ҳолат, фикримизча, дунёнинг тўрт томонини ифодалаб, $4 + 3 = 7$ рақами эса зардуштийликда дунёнинг вертикал ва горизонтал тақсимланишини англатганини ҳам унутмайлик. Энг олий олов – Оташ Баҳром ёндирилиш маросимида оташгоҳнинг таг қисми “тахт”, устига аланга билан

қўйилган жом эса “тож” деб аталган. Оловнинг келтирилиши “тахтга ўтириш” деб қаралган. Арксимон токчалар “илоҳ дарвозаси” сифатида кўрилган бўлиши эҳтимол, девордаги тасвирлар эса – диний мазмун касб этгани аниқ.^{332: 142-148; 475: 193; 498: 152; 477: 52}

Олимларнинг фикрича, Хоразмдаги шунга ўхшаш Олов уйлариининг махсус кичик хоналарида муқаддас олов қоҳин томонидан оташкадуда сўндирилмасдан сақлаб турилган ва маросимлар пайтида устунли катта залдаги оташгоҳ-меҳробга олиб чиқилган. Беруний айнан шундай Олов уйларида Митра шаънига ёки “агам” номли байрам кунлари ун, ёғ ва шакардан пиширилган таомлар тортилганлиги тўғрисида маълумот қолдирган.

Кейинчалик, бу тизма зардуштийликка ўтиб, Эронга етиб борганида, олов ибодатхоналари икки қисмдан таркиб топади: *Адуриан* – муқаддас олов сўндирилмасдан сақланадиган хона ва *Дори Миҳр* – маросимлар ўтказиладиган пайтда, адурианда сақланадиган оловдан кўчирилган аланга махсус оташгоҳда ёқиладиган устунли катта зал. Айрим олимларнинг фикрича, залда олов бир ёки кўп илоҳлар ҳайкаллариининг рўпарасида ёқилиши ҳам мумкин. Хоразмнинг Жонбосқалъа Олов уйи бунга ёрқин мисол бўлиб, мазкур обида мажмуи оловни сақлаш хонаси (*Адуриан*) ва қурбонлик келтириш маросимлари ўтказиладиган хона (*Дори Миҳр*)дан иборатдир. Уларга маросим таоми ва суюқликлар тайёрланадиган ошхона, ўтинхона қўшилади. Адурианда темир жом (оташдон)да сўнмас олов сақланиб турган ва унга фақат қоҳинлар яқинлашиши мумкин бўлган. *Дори-Миҳр*га эса қоҳинлар билан бирга қурбонлик келтиришга аҳоли ҳам кириши мумкин бўлган. Ўртадаги оташгоҳ ёнида хаома тайёрлаш учун хонтахта ва қурбонлик таомлари бор идишлар турган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қадим Олов уйлари ҳам айнан шундай тузилишда бўлиб, шоҳона олов сўндирилмасдан алоҳида сақланган ва ундан аланга маросимлар хонасига муайян қурбонлик учун олиб чиқилган. Шунингдек, тоза шоҳона оловдан уй ибодатхоналарига ҳам аланга кўчирилган.^{402: 90-98; 102: 105-112; 391: 262; 538: 472; 498: 147-148}

Олимларнинг фикрича, ўлкамиз Олов уйлариининг мазкур икки қисмли тарҳи Сўғд ва Чочнинг ярим овал шаклидаги, арксимон оташгоҳи бор икки қисмли ибодатхоналарига ҳам хос бўлиб, бу тарҳ ислом даврида ҳам сақланиб қолган. Айрим зардуштийлар жамоалари ихтиёридаги Олов уйлариининг тарҳи ва ундаги маросимлар, уларни араб истилосидан олдинги ўлкамиз иншоотлари билан таққослашга имкон беради. Ғарб олимларининг кузатишлари

ва далил-исботлари асосида М. Филанович бу имкониятдан моҳирона фойдаланиб, қуйидагича хулосаларга келади: бу ибодатхоналарнинг олов сақланувчи оташгоҳи тепасидаги чодирсимон шип адуриан ёки гумбаз, деб аталган. Анъана бўйича, пахса гиштлардан терилган думалоқ оташгоҳ олови сандал ёқилғи ёрдамида ўчмасдан сақланган. Ибодатхонанинг иккинчи зали – деворларида расмлар чизилган Дори Миҳрда маросимлар пайти ишлатиладиган чуқур жомли кўчма оташгоҳлар, қурбонлик келтириш учун ишлатиладиган ашёлар терилган кичик хонтахталар, ичимлик ва таомлар учун идишлар сақланган. Адуриандаги оловни фақат махсус ҳуқуққа эга бўлган коҳин сўндирмасдан авайлаб сақлаган, Дори Миҳрда ўтказиладиган маросимларда эса, жамоа аъзолари ҳам қатнашган. Шунингдек, жамоа зиёфатларга тўпланадиган катта зал, коҳин яшайдиган хона, ошхона ва чуқур қудуқ ҳам бўлган. Ибодатхона ҳовлисида анор дарахтлари ва маросим ичимлигини тайёрлаш учун хушбўй рута (ёки бошқа ўсимликлар) ўсади.^{425: 153-154}

Умуман олганда, зардуштийлик ибодатхоналаридаги олов турларини тадқиқотчилар уч даражага бўлади.^{477: 46; 498: 147-176; 425: 155}

1. Адурианда шоҳ ва коҳинлар томонидан муқаддас мақомга кўтарилган Оташ Баҳром алангаси.

2. Дори Миҳрда коҳинлар ва тақводор диндорлар иштирокида ўтказиладиган диний маросимлар олови.

3. Мадфан-қалъа залининг ёнидаги кичик хоналарда ёнувчи додгоҳ олови жамоанинг кўзга кўринган намояндаси вафотидан сўнг аждодлар руҳига бағишланган уй ибодатхоналарига кўчирилган.

Қарши воҳасининг қадимги пойтахти Ерқўрғон ибодатхонасини тадқиқ этган олим Р. Сулаймонов, турли манбаларга таяниб, қуйидаги уч хил олов турини белгилайди.^{391: 159}

1. Марказий ибодатхона оташгоҳида сақланувчи абадий сўнмас олов.

2. Дафн маросимларида очиқ майдонлар (платформа)да катта гулханлар ёқиш учун кўчириладиган абадий олов.

3. Уй ибодатхонасида қурбонлик келтириш учун абадий оловдан кўчма оташгоҳларда келтириладиган олов.

Шунга биноан, оловга *сажда этиш маконлари ҳам учга бўлинган*. Биринчиси – саждада шоҳлар иштирок этадиган улкан ибодат мажмуалари. Иккинчиси – жамоа кундалик ибодат этадиган шаҳар ибодатхонаси. Учинчиси – уй ибодатхоналари, яъни оилавий саждагоҳ. Уч тур орасидаги фарқ қурбонлик келтириш маросими билан белгиланган.

Биринчиси – саждада шоҳлар иштирок этадиган ўзига хос меъморий услубга эга бўлган маҳобатли ибодатхона мажмуаси бўлиб, меҳроби қурилгандан сўнг, ақидага биноан, бир йил ўтгач ибодат бошланган. Бундай ибодат мажмуаларида шахсий ҳаёт учун хоналар бўлмаган. Улар фақат муқаддас жой сифатида ишлатилган ва ҳозирги кунда дунё бўйлаб ўнга яқин вайроналари сақланиб қолган.

Эрамиздан аввалги асрлардан бошлаб Хоразмнинг сарой мажмуаларида аждодлар сулоласи ва шажаранинг ҳомий илоҳларига бағишланган Олов уйлари мавжуд бўлиб, улар юқорида зикр этилган биринчи турга киради. Шулар жумласидан, эрамиздан олдинги VI-V асрларга мансуб бўлган Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Қалъалиқир ва Кўзалиқир, эрамиздан олдинги III-II асрларга мансуб бўлган Говурқалъа, эрамиздан олдинги II-I асрлардаги Жонбосқалъа сарой ибодатхона мажмуалари археологик қазилмалар натижасида тасдиқланган далиллар асосида Олов уйи ва илоҳларга сажда марказлари сифатида тан олинган. Уларнинг марказий залида катта оташгоҳ ва деворларида турли илоҳларнинг тасвирлари ва ҳайкаллари жойлашган, қўшни хоналардан бирида эса, абадий сўнмас олов сақланувчи оташкаду ўрнатилиб, муқаддас саналган кул ҳам алоҳида жойда авайлаб тўпланган. Олов уйларида муқаддас абадий олов оташкадусини ёруғлик, шамол ва ўзга таъсирлардан сақлаш лозим бўлгани маълум. Меъморий жиҳатдан диаметри 25 м келадиган доирасимон иншоот ичидаги тўртбурчак ибодат биносининг тури Хоразмнинг эрамиздан аввалги IV-II асрларга мансуб Қалъалиқир 2 ва Говурқалъа Олов уйларида ўрганилиб, ғиштдан ишланган оташгоҳлари ҳам квадратсимон бўлганлиги аниқланган. Олимларнинг тахминига кўра, шоҳ ҳукмронлиги кучайганда, у кўчманчилар билан бирлашиб, коҳинлар қароргоҳи бўлган мазкур ибодатхоналарни эрамиздан олдинги II асрда вайрон этган. Шундан сўнг Хоразмда шаҳар ёки шоҳ қароргоҳидан ташқарида ибодатхона қуриш ман этилади.^{335: 141-157; 391: 149-150; 171: 158; 406: 144; 218: 7-18; 97: 5-109}

Хоразмда Тозабөгёб ва Қалтаминор катта ўқ ариқлари орасида жойлашган **Қўйқирилганқалъа** каби диний мажмуалар катта минтақага хизмат қилувчи шоҳ сулоласининг ибодатхонаси бўлиб, турли жойлардан келган зиёратчилар ўзи яшайдиган ерга хос атама ҳадялар ва қурбонликлар келтиргани туфайли, бир даврга оид турли эътиқод ашёларини ўрганиш ва хулоса чиқариш имконини бериши билан муҳимдир. Қўйқирилганқалъанинг 9 ҳимоя буржли

ташқи деворидан 15 м ичкарида диаметри 40 м келадиган истеҳком бўлиб, унинг 18 қиррасида 5 тадан шинак ўйилган.^{402 102}



197-расм. Қўйқирилганқалъа (Хоразм, эраמידан олдинги V аср).

Хоразмнинг яна бир шоҳ сулоласининг ибодатхонаси – Миздахкан, Ал-Мақдисий маълумотиға биноан, “атрофида ўн икки минг қаср ва катта рустак мавжуд бўлган катта шаҳристондир”.^{402: 123}

Тупроқалъа обидаси, Хоразмнинг пойтахти – Кят билан бир пайтда мавжуд бўлганлиги унинг шоҳ сулоласининг ибодатхонаси бўлганини исботлайди. Унинг марказ сифатида кучайишини олимлар Кушонлар ҳукмронлигининг сусайиши ва Хоразмшоҳлар сулоласининг ривожини билан тушунтиради. Айни даврда Эронда ҳали бундай ибодатхоналар бўлмагани диққатга сазовор. Дарҳақиқат, Тупроқалъа сарой мажмуаси шоҳларнинг шажара эътиқоди – аждодларга сиғинишга бағишланиб, унинг “Рақс тушаётган ниқоблар” зали эса, аёл маъбуданинг ибодатхонаси бўлган. Яъни бир мажмуада бир нечта эътиқод йўналишлари мавжуд бўлиши диний бағрикенглик ва динлараро тотувликдан далолат беради. Умуман олганда, бу эътиқод мажмуаси дунёвий (шоҳ) ва диний (коҳин – диний раҳбар) ҳукмронлик бир шахс қўлида бирлашишига мисол бўла олади.^{330: 275-285}

Эраמידан аввалги I мингйилликнинг биринчи ярмидаги Бактриянинг шоҳона ибодатхоналари қаторига олимлар, шунингдек, Тоголок 21, Жарқўтон, Тиллатепа ва Бўстон IV обидаларини киритган. Уларда оловхоналар бўлиб, алангага суюқликлар қурбонлик келтирилган, айримларида эса – рамзий чодирда марҳумлар ёндирилган. Катта квадратсимон зал атрофида айланма даҳлиз бўлиб, унга жанубдаги дарвозадан кирилгани зардуштийликка хос

жиҳатлардан бўлган. Марказида зинали баланд сатҳда тоза кул билан тўлдирилган меҳроб жойлашган.^{368: 6-46} Айрим олимларнинг фикрича, шунга ўхшаш мажмуаларда зиналардан шоҳ, айна пайтда ўзи қоҳин ҳам, кўтарилиб, ёнаётган оловга сажда қилган.^{547: 9-40; 427: 124}

Бухорога яқин Варахша шаҳристонининг марказида VI-VII асрларга мансуб бинонинг ўртасида 7x5,5 м ўлчамли катта зал деворлари тагида супалар жойлашиб, марказида 75x95 см ва баландлиги 20 см оташгоҳ бўлган. В. Шишкин бу бинони Олов уйи ёки чойхона деб иккиланади.^{445: 123} Бизнинг фикримизча, бу – айнан Олов уйи бўлиб, шаҳар аҳолисига ибодатхона сифатида хизмат кўрсатган. Залга қўшни хонада ерда зичланган кул қолдиқлари топилиши, бу жой – муқаддас кулдон бўлганидан далолат бериб, тахминимизни тасдиқлайди. Агар чойхона бўлганида кулни алоҳида хонада сақлашга ҳеч қандай сабаб бўлмасди. Саройнинг Қизил залидаги шунга ўхшаш бино эса, ҳукмрон Бухорхудотлар сулоласининг аждодлари эътиқодига бағишланган мадфан ва, айна пайтда, ибодатхона бўлган. Худди шундай тақсимланиш Тупроққалъа ва Ерқўрғонда ҳам мавжуд бўлган.

Варахшанинг энг катта – Қизил залида иккита кўтарилган супани В. Шишкин шундай изоҳлайди: бирида шоҳ ўтирган, иккинчисида эса – оташгоҳ ўрнатилган. Дарҳақиқат, деворлари супа билан ўралган қўшни хонада топилган танганинг олд томонида ҳилол Ой тасвири тож кийган шоҳ, ортида эса – оташгоҳ акс этган.^{445: 60} Шу хонанинг деворларидан биридаги сувоқ устидан туширилган “арчасимон” чизиқларнинг нима учун керак эканлигини тадқиқотчи аниқламаган. Бизнинг фикримизча, бу иншоот аждодлар руҳига бағишланган ибодатхона бўлиб, мазкур нақшлар Ҳаёт дарахти мавзуини билдирган. Хоналардан биридаги ер қатламларида кўзга ташланадиган кул аралаш турли ҳайвонларнинг суяклари бу ерда қурбонлик келтирилганидан далолат беради.

Мазкур шоҳона Олов уйи атрофида қатор шаҳар ибодатхоналари жойлашиб, шу тариқа, муқаддас оловни тарқатиш осонлашган. Фикримизнинг исботи сифатида, шаҳристон атрофларида ҳам Олов уйлари мавжуд бўлганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Варахша ёнидаги Ромиш маскани Наршахий асарида Бухоронинг энг қадимги қишлоқлари сифатида тилга олинади ва уни Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав барпо этган, дейилади. Шунингдек, Кайхусрав бу ерда Олов уйи бино этган ва муғлар уни Бухоро ибодатхоналаридан ҳам қадимийроқ, деб ҳисоблашган. Ромишдаги Олов уйи ҳақида Беруний ҳам қимматли маълумотлар қолдирган.^{445: 136}

Варахшадан шимол томонда олимлар эрамиздан олдинги асрларга мансуб қатор обидаларни топишади. Шулардан бири Қизилқир бўлиб, доирасимон деворлар ичида квадрат зал жойлашиб, атрофи тор даҳлиз билан айланасига ўралган. Олимлар унга таъриф беришмаган, аммо бу шакл Олов уйи ва зардуштий ибодатхоналарига хослигини инобатга олиб, аниқ хулоса чиқаришимиз мумкин.

Тошкентда VII-VIII асрларга мансуб **Мингўрик сарой** ибодатхонаси атрофида кейинчалик пойтахтимиз даҳаларидан бири шаклланиб, у Чоч ҳукмронлари – тудунларнинг деворий тасвирлари билан безатилган сарой мажмуасига кирган. Унинг марказида 7x7 м ўлчамли зал атрофи кўмакдош ва асосий даҳлиз билан ўралган. Залда тўртта устун бўлиб, супалар билан ўралган деворларида рангли тасвирлар чизилган. Шарқ томонга кенгая борган супа маросим маркази ҳисобланган. Зал марказида жойлашган арксимон оташгоҳда олов изи ва тоза кул топилиб, қўшни даҳлизда ҳам оташгоҳ бўлган.^{59: 167} Тадқиқотчи, унинг торлигидан келиб чиқиб, ёрдамчи даҳлиз, деб ҳисоблаган жой, бизнингча, абадий олов сақланувчи хона бўлиши керак. Супаларида сақланиб қолган ўзига хос зйнохой шаклидаги идишлар бу ерда маросимлар ўтказилганида суюқлик ишлатилганлигини исботлайди.

Илк ўрта асрларга доир Чочнинг иккинчи йирик шаҳристиони – **Қанқа** қалъасида ҳам худди шундай зал яхшироқ сақланиб қолган. Унда иккита том бўлиб, пастдагиси – девордаги тешиқларга кўра, оташгоҳ устидаги чодирсимон шип бўлган. Бу мажмуада кўза ва исириқдон синиқлари топилганлиги маросим туридан далолат беради.^{91: 46}


Иккинчиси – жамоанинг кундалик ибодатлари ва диний маросимлар учун хизмат қилган **шаҳар Олов уйлари** бўлиб, уларни кўпинча “Дори Миҳр” – Митра уйи деб аташгани диққатга сазовор. Бу уйларда оловни сўндирмасдан сақлаш учун махсус олов оташгоҳи, намозхона ва ибодат маросимлари учун ишлатиладиган алоҳида хона бўлган. Муқаддас саналган кул ҳам махсус хона ёки ибодатхона ташқарисидаги махсус жойларда кўмилган.^{539: 135} Мазкур ибодатхоналар қаторида энг қадимгиларидан бири эрамиздан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида тез суръатлар билан ривожланган **Жарқўтон** Олов уйлари бўлиб, қурбонлик келтириш учун махсус ибодатхоналар қад кўтарган.^{362: 127} Мажмуанинг ғарбий қисмида қурбонлик маросимларида ишлатиладиган хаома тайёрлаш

учун май сиқиш анжомлари, полларида махсус ганч сувоқ қилинган кичик ариқчалар бўлган. Муқаддас кулни сақлаш хонасида топилган мис хипчинларнинг қолдиқлари эса, олимларнинг тахминига кўра, эҳтимол, дунёдаги энг қадимий барсома хипчинлари бўлиши мумкин. Амударё хазинасида ҳам қадимги барсоманинг темир, тилла югуртирилган ва мис хипчинлари топилган. Марказий майдончада ўзига хос маросимлар ўтказилиб, бу – оловга сиғинишнинг энг қадимги шакллари сифатида ўзга дунёга ўтиш билан боғлиқ бўлган.^{40 70}

Мажмуанинг шарқий қисмида оловга сиғиниш учун деворга қадалган думалоқ ва тоқчасимон оташгоҳлар ҳамда кулни сақлаш учун махсус хона мавжуд бўлган. Шунингдек, деворлардан бирига тақалган бир нечта олов ўчоқларида бронза ва темир эритилиб, маросим ашёлари қуйилган.^{369: 88,235}

Эрамыздан олдинги IV асрга мансуб Хоразмнинг Елхазар ибодатхонасида узун даҳлизнинг икки томонида жойлашган саждагоҳларда иккита тоқча бўлиб, бирида оташгоҳ, иккинчисида эса – маъбуд ҳайкали турган.^{333: 44} Деворларига рангтасвирлар югуртирилганидан, бу ибодатхонада турли илоҳлар шаънига олов ёқиш ва қурбонлик келтириш маросимлари ўтказилган, деб ҳисоблашади.^{392: 129}

Хоразмнинг эрамыздан олдинги IV ва эрамызнинг I асрларига мансуб Жонбосқалъа шаҳристонидаги Олов уйининг деворлари тагида маросимлар учун махсус супалар бўлиб, уларнинг марказида кўтарилган овал шаклидаги оташгоҳда сўнмас муқаддас олов ёнган (198-расм).



198-расм. Жонбосқалъа шаҳар ибодатхонаси.

Устидаги темир қурбонлик лавҳи маросимларда хизмат қилган, муқаддас кулни ташлаш ман этилганлиги боис, у босилиб, устидан лойсувоқ тортиб борилган. Ёнидаги катта залда эса хотира маросимлари ва жамоа йиғинлари ўтказилган. Бу ҳолат XX асрда ҳам тоғли қишлоқларда сақланиб келади: масжид ёнида “оловхона” бўлиб, унда фақат эркаклар тўпланган, олов атрофида ўтириб, таомлар тановул қилган ва мусофирлар ҳам шу ерда тўхтаган экан.^{402: 97-98} Хорижий тадқиқотларга таяниб, С. Толстов мазкур одат, яъни эркакларнинг махсус уйда тўпланиши деярли барча халқларда, Шимолий Америкадан тортиб то Ҳиндистонгача мавжуд бўлганлиги ва у ерда диний маросимлар ўтказилганлигини таъкидлайди.

Тошкентнинг Чилонзор Оқтепасида очилган IV-V асрга мансуб ибодатхона ташқарисидан худди квадрат шаклидаги мудофаа қалъасига ўхшаб, бурчакларида думалоқ ёки арксимон буржларда жанговар шинаклар ўйилган. Хоналардан бирида тоза кул сақланиб, алоҳида хонада қурбонлик учун ишлатиладиган бугдой ва арпа донлари қолган. Марказдаги зал ўртасида тўғрибурчакли оташгоҳ ўрнатилган. Бу – шаҳар ибодатхонаси ёки шаҳар ҳукмронининг сулола саждагоҳи бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади.^{425: 148}

Шунга ўхшаш яна бир мажмуа Тошкентнинг Юнусободидаги Оқтепа бўлиб, оташгоҳли хона ва даҳлиздан ташқари яна бир катта квадрат зали мавжуд. Марказидаги иккита устун тагида, изларига қараганда, кўчма оташгоҳ ўрнатилган. Деворлардаги тешикларга қараганда, бу зал тепасида ёғоч ходалардан чодир ўрнатилган. Поли бошқа хоналардан сал кўтарилган.^{425: 152}

Шу маълумотларга таяниб, М. Филанович қуйидагича хулоса қилади: Чоқ шаҳар Олов уйларининг марказида оташгоҳ жойлашган зал, ёнида эса – абадий олов сақланган хона, даҳлиз ва яна битта каттароқ залда вақт-вақти билан олов ёқилган. Япалоқ шип билан ёпилган зал деворлари рангли тасвирлар билан безалган. Тепасида чодирсимон ёғоч ходалар ўрнатилган зал деворларида тасвирлар бўлмаган.

Айрим Олов уйлари ислом келганидан кейин ҳам сақланиб қолган. Бунга мисол тариқасида, Зарафшон қирғоғидаги Жартепа-П квадрат тарҳли ибодатхонасини эслатиб ўтиш мумкин ва бу оташгоҳнинг тепасидаги деворга тасвирлар (ёмон сақланган) чизилган. Ундаги уч кишидан биттаси қолганларига нисбатан икки барабар катта қилиб чизилгани кўзга ташланади. Мажмуани ўрганган олимларнинг фикрича, илоҳ ҳайкали олдида эҳсонлар

келтираётган ёки оташгоҳга сажда қилаётган ҳомийлар тасвирланган. Ҳомийларни ибодатхоналарда тасвирлаш ўлкамизда кенг тарқалган одат эканлигини инobatга оладиган бўлсак, бу тахмин ҳақиқатга яқин кўринади. VIII асрга мансуб бу ибодатхона Самарқанддан бир кунлик масофада, Зарафшон дарёсидан Дарғом канали чиқадиган жойда қад кўтарганлиги, олимларнинг фикрича, арабларни ўзга эътиқод ибодатхонасига чидамли бўлишга ундаган. Яъни Самарқандни сув билан таъминловчи аҳолининг қадимий эътиқодига нисбатан айрим енгилликлар берилган, шу билан бирга, ибодатхонада ҳайкаллар ўрнатилмаганлиги ўзаро келишувдан далолат бериши мумкин.^{67: 77-91}

Сув бўйида жойлашган яна бир обида – Окс (Амударё – Вахш билан Панж дарёлари қўшиладиган бурундаги) Олов уйи Ўрта Осиёда энг яхши сақланиб қолган мажмуа бўлиб, турли хоналарнинг вазифасини тушунишга имкон беради. Устунли зал ёнидаги хона ёки иккита хонада оташгоҳларда, Қуёш нурлари ва оддий одамлар нигоҳи тушмайдиган жойда сўнмас олов сақланган ва унга фақат коҳинлар кириши мумкин бўлган.^{294: 155-157}

Учинчиси – уй саждагоҳи (ибодатхонаси) бўлиб, ўлкамизнинг қадимги уйларида бир тур хона ажралиб туради: тўғри тўртбурчак хонанинг узун деворида аркли тахмон тагида кўтаринки оташгоҳ жойлашиб, тепасида тутун чиқиши учун дарча бўлган; ёнидаги токча аланга дудидан қорайиб кетган; учта бошқа девор тагида супалар жойлашган бўлиб, оташгоҳ рўпарасидаги супа эстрада шаклида олдинга бўртиб чиқарилган; хона поли бошқа хоналарга нисбатан сал кўтарилган бўлиб, уни олимлар “капелла” деб атайдилар (биз уни мазмунига биноан “уй саждагоҳи” деб атаимиз). Бойларнинг уйларида улар катта зал ёнида жойлашган, камбағалларда эса – алоҳида меҳроб-оташгоҳ бўлган.^{109: 67-72} Бу хоналарнинг деворларида диний ва мифологик мавзудаги тасвирларда маросим зиёфати иштирокчилари ва оташгоҳ тепасида қурбонлик келтираётган коҳинлар ифодаланган. Муайян жойларда суяклар асраб кўмилгани бу хоналар ҳақиқатан ҳам уй саждагоҳи бўлганлигидан далолат беради ва у муайян илоҳ орқали аждодлар руҳига сиғинишга бағишланган.

Сўғд шаҳристонларидаги уйларнинг ибодат залларида илоҳ ва қўлида қурбонлик учун кўчма исириқдон билан сажда қилаётганлар бирга тасвирланган. Ёнидаги кичик ибодатхонада девор тагида оташгоҳ жойлашиб, тасвирлар бўлмаган. Олимларнинг

фикрича, бу кичик хона уй эгаларининг оилавий эътиқод турларига бағишланган, деб тахмин қилинади. Бизнингча, бу – оловхона бўлган, яъни унда шаҳар ибодатхонасидан келтирилган муқаддас олов ўчмасдан сақланган.

Айрим олимларнинг мулоҳазаларига қараганда, уй саждагоҳларининг деворий супалари оила аъзоларининг ўз ўтган аجدодлари руҳига аталган маросимда тановул қилиш имконини берган. Девордаги эркак ва аёл тасвирлари ҳамда ҳайкаллари илк аجدодлар руҳига бағишланган, ёнидаги катта залда эса – турли илоҳларнинг ҳайкал ва тасвирлари жойлашган. Залларнинг тепасида матодан чодирсимон қўшимча шип ўрнатилган. Уй саждагоҳларида Адуриан ва Дори Миҳр тузилиши диний эътиқод маросимларидан далолат беради.^{138: 79-82} Сўғд Панжикентининг уй саждагоҳлари ўзидан минг йил олдинги Хоразм Тупроққалъасининг тарҳи ва мазмунини қайтариши билан диққатга сазовор. Деярли барча зодагонлар уйида аждодлар руҳига бағишланган уй ибодатхонаси бўлган (199-расм).



199-расм. Ўзига тўқ сўғдликнинг уйи (VII-VIII асрлар).

Уйлардаги оилавий саждагоҳ оловига чўғи шаҳар ибодатхонасининг сўнмасдан сақланувчи муқаддас оловидан олинган бўлса, уни диний урф-одатга биноан, сўндирмаслик тақозо этилган. Шаҳар ибодатхоналарида илоҳнинг ҳайкали ёки тасвири рўпарасида ибодат қилинган, уйда эса тоат-ибодат тоқчадаги кичик кўчма исириқдон ва оташгоҳ олдида бажо келтирилган.

Оилавий саждагоҳлар ўлкамизнинг деярли барча жойларида топилиб, махсус хона уй ибодатхонаси вазифасини ўтаган ва уларнинг кўпчилигида, оташгоҳдан ташқари, деворида иккита токча бўлган. Каттасига турли илоҳ-маъбудлар ҳайкали ёки тасвири ўрнатилган. Бу – ҳунармандларнинг касбига оид ҳомий маъбуд ёки аждод ва уй ҳомийсининг руҳини ифодаловчи бирорта рамз – фетиш бўлиб, унга сажда этилган. Олимларнинг фикрича, уй саждагоҳларида сеҳр-жоду орқали ният аташ учун кичик оташгоҳлар ҳам бўлган. Бундай хона бўлмаган тақдирда уйнинг катта ўчоғи ёки қулай токча аждодлар ва уй ҳомийлари руҳига мурожаат этишга мос тушган.^{37n: 189} (200-расм).



200-расм. Сўғдликнинг уй ибодатхонаси (V-VIII асрлар).

Олимлар уй саждагоҳларини икки турга бўлади: қадимгилари – ўлкамиз жанубида, Бактрия ва Сўғдда; нисбатан янгилари эса – Чочда очилган. Биринчи турдаги саждагоҳлар алоҳида хоналарда жойлашиб, девордаги токчалар ва деворий рангтасвирлар билан ажралиб турган. Қаршининг Ерқўрғон уй ибодатхоналарида оташгоҳ ва ҳайкалчаларнинг қолдиқлари топилган. Бойларнинг уйларида деворда рангтасвирлар чизилган, олов ёқилиб, исиріқ тутатилган, гул, мева, уруғлар атама этилган.^{391: 264}

Масалан, Сурхондарё вилоятида Пишактепа мадфани ўрта-сидаги иккига бўлинган даҳлизсимон хонада марҳумларнинг хоки дафн этилган, атрофга қурилган хоналар эса, ёмон руҳлардан сақлаш учун шағал ва қум билан тўлдирилган. Битта хона – ёндириш учун, иккинчиси эса – маросимлар ўтказишга мўлжалланган бўлиб, мазкур ибодатхона эрамиздан олдинги VII-VI асрларда ёнидаги Кучуктепа маскани зодагонларининг оилавий мадфани вазифасини бажарган.^{37 30,40-41} Фарғонанинг V-VI асрларга мансуб Қайрағоч хонаки бутлар ибодатхонасида аждодлар руҳига атаб ёки дафн маросимлари пайтида олов ёқилган.^{82: 507-512}

VI-VII асрларда Сўғд ва Чоч минтақасига тақасимон оташгоҳлар ўрнатилган икки хонали уй ибодатхоналари хос бўлган. Булар – Юнусободдаги Мингўрик ва Оқтепа ибодат мажмуалари, Чочдаги Қанқа, Бухородаги Варахша саройи ибодатхонаси,

Қаршидаги Қалъаи Заҳҳоки Морон ва бошқалардир. Бухоро воҳасининг Пойкентида тақасимон оташгоҳ IX асргача сақлангани маълум.^{44: 58, 159 167; 391: 265} Шу билан бирга, тўртбурчак оташгоҳлар ҳам кенг тарқалган.

Хотинработда I – II асрларга мансуб уйнинг ўртасида квадрат шаклдаги хона деворларида (қолдиқларга қараганда) тасвирлар бўлгани алоҳида вазифа бажарганидан далолат беради. Далварзинтепада ҳам айнан шу даврга мансуб 8 хонали уйнинг марказида алоҳида зал бўлиб, ўртада оташгоҳ ва деворга тақалган пастқам устунга маросим буюмлари қўйилган. Залига фақат айланма даҳлиздан кириш мумкин бўлиб, деворидаги токчада кул топилган. Ўчоқ кичиклигига қараганда, ундан иситиш учун фойдаланилмаган ва тагидаги кул қатламидан иккита бактриялик илоҳаларнинг сопол ҳайкалчалари топилганидан бу зал ибодатхона бўлган, деган хулосага қўшилмай иложимиз йўқ. Бу икки уй ўртаҳол аҳолига мансуб бўлгани эса кўпчилик қадим аجدодларимиз уйларида алоҳида ибодатхоналар бўлганидан далолат беради. Бактриянинг Ой-Хоним мажмуасида 70x70 м ўлчамли квадрат шаклидаги зодагонлар уйининг марказида ҳам катта квадрат зал бўлиб, унга марказий эшикдан ёки уч томонидан гир айланган даҳлиздан кирилган. Ўлкамиз уй ибодатхоналарининг тузилиши, оташгоҳлар ва илоҳа маъбудаларнинг муайян жойлашиши асосида кейинчалик айланма даҳлизлар марказидаги зал – ибодатхона тарҳли “Худо уйи” келиб чиққан, деб хулоса қилади Г. Пугаченкова. Бу тарҳ Термизнинг Қоратепа буддавий ибодатхонасида ҳам ўз мантиқий давомини топгани меъморчилик шакллари турли диний эътиқодларда қурама бўлганлигидан далолат беради, назаримизда.^{310: 39-40}

Афросиёб шаҳристонининг марказида VI асрда катта пахса платформада деворлари рангтасвирлар билан безатилган маҳобатли иншоот қурилади. 650-655 йилларда Самарқанд Қанқа пойтахти мақомини олгач, мазкур иншоот устидан кенгайтирилган сарой мажмуаси барпо этилади. Марказида даҳлизлар ёрдамида бирлашган иккита квадрат ва битта тўғри бурчакли катта заллар қурилади. Заллар ва даҳлизлар девор тасвирларига бой бўлган. Араблар босқинидан кейин сарой ҳувиллаб қолади ва VIII аср бошидагина унинг устидан Самарқанд зодагонларининг икки қаватли уйлардан таркиб топган маҳалласи қад кўтаради. Шу ерда археологик қазилмалар ўтказган олимлар асосий урғуни уй ибодатхоналарига беради.^{42 10}

Шулардан бири деярли квадрат шаклида бўлиб, кириш рўпарасидаги арксимон равоқли токчада иккита шахс тасвирланган, тўртта девори бўйлаб товуслар расми бор фриз ўтган. Олимлар, бу тасвирларни VII аср билан белгилаб, уларни диний мазмунга эга бўлган, деб ҳисоблашади.^{21 15-19.452: 60} Иншоотни ўрганган Х. Охунбобоевнинг, бу икки шахс – Анахита ва Митра бўлиб, ибодатхона дафн ва аждодлар эътиқоди билан боғлиқ, деган фикрига қўшиламиз, чунки, дарҳақиқат, товуслар унинг рамзи бўлиб, ўлкамизнинг бошқа обидаларида ҳам улар кўплаб учрайди. Масалан, Қашқадарё оссуарийсида Митра ва Анахита қўлида астрал рамзлар билан тасвирланган.^{243: 46-51}

Зодагонлар маҳалласида 750-йилларга мансуб яна бир уйнинг ибодатхонаси квадрат шаклида бўлиб, шимолий қисмида деворга тақалган оташгоҳли меҳроб жойлашган.^{42: 11} Оташгоҳ лола шаклида ишланганлиги маросим пайтида суюқликлар тайёрланганига ишора қилади ва бунда меҳроб марказидаги анор дарахтининг тасвири Анахита илоҳасининг рамзини англатади. Зал деворларига ўсимлик нақшлари тортилгани ҳам Анахитанинг ҳосилдорлик ҳомийси вазифасига мос тушади.

Яна бир уй ибодатхонасининг меҳробида тасвирланган икки дастали идишдан ўнг томонда – гуллаган дарахт, чапида эса – мевали ҳосил берган дарахт ифодаланган. Дарахтларнинг тагида ҳалқа чизилган.^{42: 14-15}

Тадқиқотчиларнинг фикрига таяниб, Х. Охунбобоев Афросиёб уй ибодатхоналарининг кичик хонасида олов сақланган, залида эса, аждодлар руҳига ва ҳомий илоҳларга сажда қилинган, деб ҳисоблайди. Учта қурбонлик келтирилган: хаома-қурбонлик, аждодлар руҳига бахшида-қурбонлик ва гуллардан қурбонлик. Суюқлик ва олов учун алоҳида идишлар ишлатилгани тўғри таъкидланган. Шу билан бирга, махсус ўйилган чуқурчалар ҳам, эҳтимол, қурбонлик келтиришга мўлжалланган бўлиши мумкин. Хаома қурбонлигини келтиришдан олдин идишда сувга муқаддас мақом берилади: Хурмо пальмасининг баргини олти тилим қилиб кесиб, унга анор дарахтининг шохини қўшишади. 6 шохли анор дарахтининг тасвири Панжикентда ҳам борлиги асосида, тадқиқотчи, мазкур қурбонлик турида сув эътиқодига ишорани кўради. Яъни Афросиёб ва Панжикент анор дарахти меваларининг сони тасодикий эмас, деган хулоса чиқарилади. Эҳтимол, олтита анор шохи сувни эътиқод жиҳатидан поклашга хизмат қилган бўлиши мумкин. Митра ва Анахитани рамзлари орқали ифодалаш эса ислом

дини ҳукмрон пайтда ман этилиб, хавфли бўлган. Икки томондаги дарахтлардан бири – гуллаш палласида, иккинчиси эса – мева берган фаслида тасвирланиши ўлиб-тирилувчи табиат билан боғлиқ. Заллардаги устунлар эса, Ҳаёт дарахтининг рамзи сифатида Қадим Шарқ халқларида уйнинг ҳомий руҳлари маскани ҳисобланган. Шунинг учун, Афросиёб уй ибодатхоналарининг бирида устунга дарахт расми чизилган. Афросиёб ва Панжикентда топилган гулдондан кўтарилувчи устун тасвири эса, олимларнинг фикрича, сув эътиқоди билан боғлиқ. Хоразмда қабр олдида бир нечта ғиштдан тузилган “арвоқ уйи” ҳозиргача қўйилади. Зарафшон воҳасида эса, қабр устига иккита ғишт ёки япалоқ тошдан “чироқхона” ўрна-тилади.^{42: 20; 378; 111; 296 269}

VIII аср ўртасида Самарқандни араблар босиб олганида, деҳқонлар шаҳарга қайтганидан сўнг, ўз маҳалласини тиклаганида, ичкари қоронғи хоначаларда ёки даҳлизларнинг берк қисмида оташгоҳларни тиклайди.^{42: 16} Сўғдада X асргача деворий оташгоҳли кичик уй ибодатхоналарида уч оёқли чилимдонлар ишлатилган, ваҳоланки, илоҳлар тасвирлари ислом таъсирида йўқ қилинган эди.^{532: 81-89. fig 9.10}

ОТАШГОҲ АЛАНГАСИ

Олов уйлари жамоа тўпланадиган ўзига хос жой, оташгоҳ марказий ўрин эгаллаган, одам шаклидаги оташгоҳ, “ўчоқ соҳибаси” ва “ўчоқ-бобо”, турли оташгоҳлар, оловтаглама турлари ва “ўчоқ ҳақи”, Чоч Фарғонага таъсир ўтказган, кул муқаддас ҳисобланган.

Қадимда халқимизнинг бирорта йиғин, маросим ёки байрамини олов гулханисиз ўтказмагани маълум бўлиб, *Олов уйлари жамоа тўпланадиган ўзига хос жой* мақомига кўтарилган. Беруний маълумотларига кўра, хоразмликларнинг зардуштий тақвимида биноан, тўртинчи ойида *Ажгор* деган кун бўлиб, “ёнаётган чалакуйик ўтин” ёки “аланга” маъносини аңлатган. Митрага бағишланган еттинчи ой эса, *Аздаканд-Хвар* – “ёғ билан ёпилган нон ейиладиган кун” байрами билан бошланиб, “бу куни одамлар қиздирилган тандирлар атрофида ташқаридаги совуқдан паноҳ

топиб, ёгда қориштирилган нон ейишган". Айни шу ой бошида сўғдликларда ҳам маросим зиёфати (М-н-и-д – Хвара) ўтказилиб, шу куни улар ун, мой ва шакардан тайёрланган таомни Олов уйларида тўпланиб, биргаликда тановул этишган.^{74: 254, 257; 102 108; 227; 161-169}

Олов уйларида ўтказиладиган барча маросимларда оташгоҳ марказий ўрин эгаллагани аён бўлиб, у – Ер, осмон, Қуёш, илоҳлар ва борлиқ билан уйғунлаштирилган, яъни Коинотнинг оловдан яратилганига ишора этилган. Мониёлар таълимотида эса, шахс иродасининг дунё охирати тақдири билан уйғунлиги ҳақидаги ғоя олов билан боғлиқ бўлган. Оташгоҳлар зинапояли устун-асос тепа-сида ўрнатилган идиш шаклида бўлиб, кўчма оташгоҳлар эса, оёқчада турувчи това бўлган. Масалан, Хоразмнинг эрамиздан олдинги IV асрга мансуб бўлган оташгоҳининг тепа қисми қуйидагича бўлган (201-расм).

Кушон тангаларида олов моҳияти бўлган илоҳ Фарро эса, қўлида оловли жом – кўчма оташгоҳ билан тасвирланган (202-расм).

Самарқанднинг Биянайман оссуарийларида ҳам кичик кўчма оташгоҳлар ушлаган одамлар тасвирланган. VI-VIII асрларга мансуб Чағониён тангаларининг олд қисмида шоҳ расми, ортида эса – оташгоҳнинг икки томонида турган икки коҳин тасвири бор.^{313: 250-261} Қашқадарё воҳасида Саритепа-2 ва Қизтепа обидаларида I-III асрларга мансуб 10-15 см баландликдаги кўчма сопол оташгоҳлар топилиб, юз томонида ҳиллол Ой шаклидаги иккита қавариқ нақшлар борлигидан, унинг эътиқод ашёси сифатида ишлатилганлигини англаш мумкин.^{145: 23-24}



201-расм. Оташгоҳнинг тепа қисми (Хоразм, Қалъалиқир – 2).



202-расм. Фарро илоҳ кўчма оташгоҳ билан.

Жигирбент ибодатхонаси биз юқорида зикр этган катта байрамларни хоразмликлар ва сўғдликлар Олов уйида ўтказишганига мисол бўла олади. Унинг ички хонасида коҳинлар сўнмас оловни авайлаб сақлашган, маросимлар залида эса, одам шаклидаги оташгоҳ алангасига қурбонлик келтирилган ҳайвонларнинг ёғи ташланган. Зардуштийларда мотам маросимида оловга ёғ билан бирга ўша ҳайвоннинг жуни, шохининг бўлаклари ва хушбўй ўсимликлар ташлангани ҳам маълум.

Аммо бу Олов уйи ҳам араблар хуружи пайтида вайрона этилади. Араб лашкарбошиси Қутайба Хоразмга келганида қадим битиклар ва обидалар билан бирга олов коҳинларини ҳам қирганлиги ҳақида Беруний ёзиб қолдирган маълумотлар мавжуд. Қадимги эътиқодларимиз илдизи йўқ қилиниб, зардуштийлик анъанасига биноан, айнан Хоразмда аланга олдирилган илк “коҳинлар олови” – Атур Фарнабаг шу тариқа сўнади.

Шунга асосланиб, олимлар қуйидаги хулосага келадилар: демак, X асрга мансуб Жигирбент оташгоҳи хоразмликларнинг бутпарастлик ва оловга сиғиниш билан боғлиқ эътиқодларнинг қурамаси сифатидаги энг қадимги диний тасаввурлари ва рамзларининг қолдиғидир. Оташгоҳнинг яхши сақланиб қолишига сабаб – ўлкага араблар бостириб келганида, уларнинг тазйиқидан қутулиш учун ана шу оташгоҳ устига лойсувоқ тортилганлиғидир: акс ҳолда,

уларни бутпарастликда, яъни ширк келтиришда айблаб, жазолашлари муқаррар эди.

Алқисса, Жигирбентнинг 144 см узунликдаги оташгоҳи инсон шаклини қайтариб, бош қисмида нуқталардан ташкил топган учта ҳалқа ўйилган, четларида эса, ромбчалар ва соляр (Қуёш) рамзлари чизилган (203-расм).

Оташгоҳ шаклининг бундай муайян маънога эгаллиги Сурхондарёдан топилган шунга ўхшаш шаклдаги тумор билан тасдиқланади (204-расм).

Умуман олганда эса, оташгоҳларни одам шаклида ифодалашга интилиш қадим замонларданоқ маълум бўлиб, подиум – кўтарилган сатҳ оташгоҳларининг одам шаклидаги



203-расм. Жигирбент оташгоҳи.

нухалари Месопотамия ибодатхона-ларида ўрнатилган.^{102: 109-110}

Одам шаклидаги Жигирбент оташгоҳини тадқиқотчилар “Она-олов” ва “ўчоқ соҳибаси” эътиқодига боғлашади, чунки у аёл баданига ўхшаш бўлиб, ромбчалардан нақшлар туширилган: бу эса, қадимий дунёда доим аёл рамзи бўлган. Шу билан бирга, оташгоҳдаги Қуёшли (соляр) рамзлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган “ўчоқ-бобо” эътиқодига ҳам бориб тақалиши мумкин. Қадимда олов соҳибаси билан бирга унинг эри – олов руҳи ҳақидаги тушунча мавжуд бўлган. Яъни бу ўринда олимлар, ромб ва соляр рамзлари эру хотин тимсоли бўлиб, сўнмас шоҳона оташгоҳ оловидан бошқа ўчоққа аланга кўчириш маросимлари эру-хотиннинг бирлашишини англатган, деб хулоса қилишади.^{102: 109}



204-расм. Тумор (Сурхондарё Бароттепаси. II-III асрлар)

Айрим олимларнинг фикрича, матриархат даврида вужудга келган “Она-олов” сиймоси уй ўчоқлари билан уйғунлашиб, антик даврда ўчоқнинг аёл сиймоси билан боғлиқлиги Гестия илоҳаси эътиқодида энг ёрқин равишда намоён бўлган. Гестия сўзининг асл маъноси “ўчоқ” бўлиб, қурбонлик алангасини ва, умуман, қурбонлик келтиришни англатган. Унинг эътиқоди давлат миқёсига кўтарилиб, унга бағишланган оташгоҳ энг муҳим ҳукумат биноси – Акрополда жойлашган. Ҳукумат аъзолари айнан шу ерда юқори мартабали меҳмонларга зиёфат берган. Геродот ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, ўлкамизда энг юксак илоҳа Табити – “иситувчи” дегани бўлиб, Гестия билан уйғунлаштирилган.^{115: IV.59: 2: 448}

“Веда” эътиқодида эса, оташгоҳ эркак сиймосида гавдаланиб, ғиштлари унинг тана аъзолари саналганлиги диққатга сазовор. Оташгоҳ, шунингдек, Қуёш билан уйғунлаштирилиб, ўртасидаги кичик чуқурча киндик билан таққосланганлиги ҳақидаги тадқиқотчилар фикрини рад этиш мушкул.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, ўлкамиз оташгоҳларининг шакли муайян тарихий-диний мазмунга молик бўлиб, Жигирбент оташгоҳи бошидаги учта ҳалқани олимлар қуйидагича

шарҳлайди: самовий, Ер ва Ер ости оловлари сиймоси; зардуштийликда эътиқод оловларининг учта поғонаси рамзи сифатида коҳинлар, аскарлар ва деҳқонлар табақаларига хос олов турларини билдирган. Дори Миҳр – Митра уйи, дейилганига таяниб, олимлар Хоразм Олов уйидаги мазкур оташгоҳни Митра номи билан ҳам уйғунлаштиришади.^{102: 115}

Қадимда ўлкамизда эркак жинси олови – Қуёшнинг ердаги тирик ифодаси ҳисобланиб, унинг рамзлари 4 от қўшилган ароба ва тош устун бўлган. Аёл зоти олови Ойга бағишланиб, рамзлари дарахтлар ва 3та ҳўкиз қўшилган аробадан иборат бўлган. Отлар сони ойнинг фазалари сонига мос келган ва фазасига кўра, яхши ёки ёмон илоҳа, деб ҳисобланган. Эркак зоти оловига сукут сақлаган равишда, қонли қурбонликлар келтирилган, аёл зотига эса, мусиқа, ашула ва рақслар билан исириқ, нон ва май аталган.^{145: 2} Олима бу маълумотларни XIX аср ўрталарига мансуб оммабоп китобдан олганлиги учун, улар илмий аҳамиятга молик эмас ва биз учун бир ёндашув сифатида муҳим, холос.

Ҳиндистон оташгоҳларининг шакли ва моҳиятини таҳлил этган олимлар қуйидаги хулосага келадилар: думалоқ шаклдаги *гархатая* – “уй соҳибасининг олови”, уй ибодатхонасининг оташгоҳи бўлиб, уй ўчоғига қаровчи аёл киши билан боғланган; иккинчиси – *квадрат* шаклидаги *ахавания* – эркак коҳинлар томонидан ёқиلىб, унда илоҳларга қурбонлик келтирилган; учинчиси – *ярим доира* шаклидаги *дакшин* – “жанубий” бўлиб, асосан, ёмон кучлардан сақловчи тумор вазифасини ўтаган.^{250: 126}

Шу тавсифга таяниб, Т. Ширинов **Жарқўтон** ибодатхонасидан топилган бта думалоқ ва 2та квадрат оташгоҳни қуйидагича тушунтиради: квадрат шаклидаги оташгоҳлар дунёнинг тўрт томони билан уйғунлаштирилиб, Коинот тузилиши билан боғланган. Яъни квадрат шакли борлиқнинг асосий унсурлари бўлмиш “олов – сув – ер – ҳаво”ни ифодалаган. Думалоқ шаклдаги оташгоҳлар эса, Қуёш эътиқоди билан боғланади, чунки ғилдирак, ҳалқа ва диск тасвирлари ҳамиша Қуёш рамзи бўлиб келган. Зардуштийликда Аҳура Мазданинг рамзи олов бўлиб, яшаш макони Қуёшда жойлашган. Дарҳақиқат, ўлкамизда доирасимон деворлар ичидаги квадрат ибодатхона тарҳи қадимда айнан шу тушунчалар билан боғлиқ бўлган.

Ибодатхона ҳовлисининг сатҳи кириш эшиги жойлашган жанубдан шимолга қараб кўтарилиб, ўртасидан ётқизилган йўлак, иккита думалоқ оташгоҳ узра ўтиб, тўғрида – кўмиб ташланган

қудуқ устидаги энг катта, диаметри 150 см келадиган оташгоҳга тақалган. Ҳовлидаги платформанинг тўртта бурчагида, илгари устунлар қад кўтариб, ўртасида квадрат оташгоҳ жойлашганлиги туфайли, Т. Ширинов уни ибодатхонанинг маркази, деб ҳисоблайди.^{447 87}

Иккинчи квадрат оташгоҳ темирчилар устахонаси рўпарасида жойлашганлиги учун Т. Ширинов уни эркакларнинг уй оташгоҳи, деб ҳисоблайди (бизнинг фикримизча, бу – устахона, яъни ҳунармандлар яхши маҳсулот тилаб, қурбонлик келтирган ва тоат-ибодат қилган оташгоҳ ҳам бўлиши мумкин). Битта думалоқ оташгоҳ “мусаллас тайёрлаш хонаси” да жойлашиб, ўртасида ярим думалоқ чуқурча бор. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи уни Ҳиндистондаги “дакшина” – тумор олов оташгоҳи, деб ҳисоблайди. Бу хона – “абдий ҳаёт ато этувчи” муқаддас хаома тайёрлашга мўлжаллангани ва уни аёллар тайёрлагани асосида, оташгоҳ думалоқ, деган хулосага келади.

Т. Шириновнинг таҳлили ва тахминларини қабул қилиш ёки рад этиш мумкин, албатта. Аммо бу ерда энг муҳими – қадимги эътиқодларимизни қиёсий солиштириш ёрдамида тушунтиришга урингани ҳақиқатан ҳам оқилона ёндашув бўлганлиги шубҳасиз. Фақат шу йўл билан, яъни тахмин ва хатолар асосида тажриба орттирибгина, ҳақиқатга яқинлашмоғимиз мумкин. Қандайдир гипотеза янги далиллар очилиши билан ё кучайиб, ё пучга чиқиб боради. Муҳими – бир жойда туриб қолмаймиз.

Далилларга таянадиган бўлсак, ўлкамизда турли оташгоҳлар мавжуд бўлиб, асосийлари қуйидагидан иборат: уларнинг энг кўп тарқалган тури – тўртбурчак шаклидагилари бўлиб, тухумсимон (овал) шаклидаги ўчоқлар эса, мисол учун, Хоразмнинг Жонбосқалъаси ва Самарқанд Қўрғонтепасида топилган. Жарқўтонда топилган обидалар орасида думалоқ ёки квадрат шаклидаги гиштин ўчоқлар бўлиб, шунингдек, уларнинг марказида ерда терилган ўчоқнинг тўрт томонидан пастқам лой тўсиқ тортилган. Олимлар бу тур оташгоҳни тўрт устунли олов ибодатхоналарига ўхшатиб, чахортук, деб номлайдилар.

Хоразм Тиллатепасида салибсимон ўчоқ бўлиб, маросимлар пайти унинг бош томонида шоҳ турган, қолган икки томонида эса, хаома солинган идишлар ва барсома хипчинлари қўйилган, деб тахмин қилади олимлар. Фарғона водийсида маҳаллий эътиқодлар ривожланиб, эрамиздан олдинги III-II асрларга мансуб Султонобод ибодатхонасида топилган салиб шаклидаги марказий катта ўчоқнинг тўрт томонида кичикроқлари жойлашганлиги дунёнинг тўрт

томонини англаган бўлиши керак. VII-VIII асрларга мансуб тўрт-бурчак Заврақтепа ибодатхонасининг марказидаги муқаддас оташгоҳнинг атрофи даҳлизлар билан ўралган. Олимларнинг мулоҳазаларига қараганда, Фарғонада олов эътиқоди водийда кучли бўлган аждодлар эътиқоди билан бирга бажо келтирилган.^{82: 5-7; 4 40-44}

Қалъалиқир ибодатхонасининг оташгоҳ-меҳроби деворга тақалган зинали баландлик сатҳи шаклида бўлган; Кушон даври Бактрия ва Сўғд ибодатхоналарида катта квадрат шаклидаги баланд саҳна бўлиб, тепасига оташгоҳ ёки илоҳ ҳайкали қўйилган (масалан, Қарши воҳасидаги Ерқўрғон ибодатхонаси). Варахшанинг энг катта Қизил залида кўтарилган иккита супани В. Шишкин шундай изоҳлайди: бирида шоҳ ўтирган, иккинчисида эса – оташгоҳ ўрнатилган. Дарҳақиқат, деворлари супа билан ўралган қўшни хонада топилган танганинг орқа томонида оташгоҳ акс этган.^{445 60}

Панжикент I ибодатхонасида деворга тақалган нимустун шаклидаги оташгоҳ маълум бўлиб, олимлар уни “пилястр-меҳроб” деб атаган; зардуштийлик таъсири остида Сўғд ва Чочда тақасимон оташгоҳлар кенг тарқалганлигига II-III асрга мансуб Афросиёб уй ибодатхонаси ва Зарафшон қишлоқларидаги деворга тақалган тақасимон ўчоқларни мисол қилиб келтириш мумкин. Айнан шундай ўчоқлар Варахша саройининг ибодатхонаси, Қанқа қалъаси, Қалъаи Заҳхоки Морон ва Бухоро воҳасининг Пойкентида мавжуд бўлган. Олимларнинг фикрича, тақасимон ўчоқлар Сўғд ва Чочдан ташқарига тарқалмаган.^{467: 123-136}

“Т” ҳарфи шаклидаги оловдонлар ўлкамизда топилмаган, аммо Ерқўрғондаги туморда аёл маъбудаси билан бирга шундай ўчоқ тасвири борлиги халқимиз ундан хабардор эканлигидан далолат беради.

Қанқа ёнидаги кулолчилар маҳалласида уй ибодатхонаси очилиб, унда меҳроб, тоза кул сақланадиган жой ва суюқликлар чиқариш учун мўлжалланган ариқчалар топилган. Оташгоҳнинг йиқитилган арк шакли – фалак гардишининг рамзи бўлиб, ундаги олов диний маъно касб этган. Бу таомил Тошкент воҳасининг Мингўрик ва Оқтепа масканлари ҳамда Сўғдда тарқалган.^{88: 41,48} Қашқадарёнинг VI-VIII асрларга мансуб Сариқтепа катта ибодатхонасида арксимон токча тагида оташгоҳ бўлганлиги аниқланган.²⁴⁴^{109. 114} Умуман, арксимон равоқли токча олдида деворга тақалган оташгоҳ ўрнатилган уй ибодатхоналари шу давр учун одат тусига киради. Уларда аждодлар руҳига сажда қилиш билан бирга, маҳаллий ҳамда уй соҳиби эътиқод этган илоҳларнинг бутлари қўйилиб, ибодат қилинган ва исириқдонларни тутатиб, қурбонлик

келтирилган. Арксимон оташгоҳ мазмунини кўҳна рамзлар ёрдамида қуйидагича тушуниш мумкин: илоҳ Шиванинг рақсга тушиш саҳнаси, пуч ва сохта умидлар шайтони устидан ҳақиқий борлиқнинг руҳий ғалабасини билдириб, одатда, алангали тақасимон арк ичида ифодаланган. Арк – коинотни, аланга эса – коинотнинг руҳий оловли янгиланишини англатган.^{218: 131} Арк шаклидаги оташгоҳ Хоразм ибодатхоналарида ҳам бўлган (205-расм).

IV-VIII асрларда Сўғд оташгоҳларига оловга чидамли қум аралашмали сополдан ясалган ўчоқтагламалар хос бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Нурота тизмасининг тоғолди минтақасида биринчи асрларда шаклланган Қовунчи маданиятида кенг тарқалган. Бу маданий минтақанинг энг қадимги маркази бўлмиш Тошкентда ҳозиргача ҳам ўчоқбоши атамаси мавжудлиги диққатга сазовор. Нурота туркманлари, асли қадимда, сомонийлар даврида Ўрта Сирдарёдан кўчган қабила бўлиб, уларда ҳозиргача “ўчоқ бошига мой тўкилди” ибораси сақланиб қолган. Яъни ўчоқ ёққанда оловга зътиқод жиҳатидан мой қурбонлик келтирилганлигини билдиради. Ўзбекларда ҳам “ўчоқ ҳақи” ибораси шу мазмунда ишлатилади.

Пастга қараб кенгаювчи тўртбурчак шаклидаги мазкур тағламаларнинг ўртасида кул учун тешиклар бўлган. Тағламали ўчоқлар қурбонликка келтириладиган ўсимликлар ва мойни ёндиришга мўлжалланган, деган тахмин бор. Хоразм ва Оролбўйи минтақаси маданиятида ҳам, хусусан, Қўйқирилганқалъа ва Катта Ойбукирқалъада мазкур тағламалар мавжуд бўлган. Чоч ва Бухоро воҳасининг Қовунчи маданиятига мансуб ўчоқтагламаларида қўй боши тасвирлари бўлган. Афросиёбда V-VI асрларга мансуб уч оёқли кичик исириқдонлар ва қўй боши шаклида ишланган ўчоқтаглама топилиб, Эронда шунга ўхшашлари учрамаган.

Самарқандда эрамиздан олдинги I мингйиллик ўртасига мансуб ўймакор исириқдонлар ва қўй боши тасвирланган оташгоҳ



205-расм. Арксимон оташгоҳ.

тағламалари топилган. Сўғд уйларининг ибодат залларида илоҳ ва қўлида қурбонлик учун кўчма исириқдон билан сажда қилаётганлар бирга тасвирланган. Бухоро водийсидаги Қизилқир Ида топилган ўчоқтағламаларнинг тепаси қўй бошлари шаклида ишланган.^{206: 30}

Самарқанд Сўғди территориясидаги Булоқбошидан топилган тўртта оташгоҳ тағламалари диний маросимларда ишлатилган рамзий маънолардан далолат беради. Биринчи иккита оташгоҳ тағламаси ғаройиб махлуқот шаклида ишланганидан, у ёмон руҳларни ҳайдашга мўлжалланган, деб фараз қилиш мумкин (206-расм).

Учинчи ва тўртинчи тағламаларда қўй ва буқа бошларининг тасвирлангани омад-фаровонлик келтириш билан боғлиқ бўлган (207-расм).



206-расм. Махлуқот шаклидаги оташгоҳ тағламалари
(Самарқанд. Булоқбоши, II-IV асрлар).



207-расм. Қўй ва буқа боши шаклидаги оташгоҳ тағламалари
(Самарқанд. Булоқбоши, II-IV асрлар).

Бухоро воҳасининг IV-V асрларга мансуб Қизилқир масканидан топилган ўчоқтаглама марказидаги тешикнинг икки томонида илонлар тасвирланган. Айнан шундай илон тасвири Тошкент воҳасининг Сойлиқ қишлоғидаги тагламада ҳам топилган. Оловтагламаларда бир жуфт илон тасвири борлиги эса, бу мавзунини хтоник илоноёқли илоҳа ҳамда елкасидан бир жуфт илон ўсиб чиққан Заҳҳок билан таққослашга асос беради. Хатра Олов уйи меҳробида қўлида иккита илон бор эркак илоҳ тасвири ҳам мавжуд. Нурота тоғ ёнбағирларида эса эчки, буқа ва аёл кокилли антропоморф тасвирлар учраган. Қаршининг Нахшабида оловтагламаларда ҳам, чироқларда ҳам қўй, буқа ва от тасвирлари учрайди. Оловтагламалар ўртасидаги икки шох оралиғига ўхшаш тешик, олимларнинг фикрича, кейинчалик Сўғд ҳукмронларининг тамғасини эслатади ва, шу ўртада, эфталит ҳукмронларининг буқа боши шаклидаги бош кийими ҳам диққатни ўзига тортади. Қадимги Хитой ёзувида эса, бу рамз буқа ёки қўйни ифодалаган. ^{125: 53; 212: 252; 391: 270; 87: 70; 315: 34-36; 406: 259} рис. 68; 98: 66-74; 188: 445; 453: рис. 113, 210; 160-168?; 429: 388. рис.110; 273: Рис.13, 16

Олимларнинг фикрича, бу тасвирлар, асосан, хионитлар давридаги Еттиосор маданиятининг таъсири бўлиб, дарҳақиқат, хионит даври Сирдарёбўйи қабиаларининг Сўғд ва Хоразм воҳаларига оммабоп равишда кўчиши ҳамда Бактрия, Марв ва Фарғонага сезиларли таъсир ўтказиш даври бўлганлиги илмий изланишлар ва тадқиқотлар билан аниқ исботланган. Эрамиз бошларидан ўлкамизда Сирдарёнинг ўрта оқими ва ирмоқларида Қовунчи маданияти шаклланиб, қўшалоқ қўй ёки бошқа ҳайвонларнинг бошлари шаклидаги ўчоқтагламалар ишлатилиб келади. III-IV асрларда бу қабиалар Сўғд сари силжиб, асосий эътиқод маркази сифатида Шоштепа маскани шаклланади.

Чоч Фарғонага таъсир ўтказгани тадқиқотчилар томонидан тан олинди, бу ердаги мақбаралар ва улардаги дафн ашёларидан дастасиз кўзалар, сувдонлар қўйилгани илк бор бунга асос берган. Жом ва товоқларнинг дастаси ҳайвонлар, кўпроқ қўй бошларининг ясамаси билан тугалланган. Баланд цилиндрсимон оёқчали исириқдонлар ва қўй боши билан безатилган ўчоқтагламалар Қайрағоч ва Сирдарё ҳавзаларига хос.^{62: 102}

Ўлкамизнинг турли минтақаларидаги Олов уйларида нафақат ўчоқларда, балки муқаддасхона ўртасидаги ерда ёки ташқарисида девор тағларида ҳам олов ёқилган. Ёнгандан кейин қолган кул эса, ибодатхонадаги махсус хоналарда ёки меҳроб ёнида авайлаб

сақланган, чунки у ҳам муқаддас ҳисобланган, шу боисдан, унга ўзга нарсалар ташланмаган. Ерқўрғонга ўхшаб ибодатхона ташқари-сида махсус жойда тўпланиб, қатламма-қатлам лой билан сувалгани ҳам маълум. Бухоронинг Сеталак I мажмуасида жуда катта гулханлар ёқилиб, кулига ўша ернинг ўзида ер аралаш лой тортилган. Шу тариқа, кул софлиги, яъни муқаддаслиги сақланиб, атама ҳадялар ва маросим зиёфати қолдиқлари билан бирга сақланган. Ўлкамизда олов ва кул эътиқодининг негизи, асосан, Коинотнинг бошланишида олов турганлиги тўғрисидаги тасаввурдан келиб чиқади, деган тахмин ҳам бор. Шу билан бирга, ичкаридаги оташкаду кули абадий оловдан қолганлиги туфайли унинг ичига ҳеч нарса қўшилмаган. Ташқарида ёқилган гулханларга ҳам ана шу оловдан “тутатқи” олинган бўлса-да, уларга овқат, ҳайвонлар ва атама ҳадялар қурбонлик сифатида ташланган. Зардуштийлик ақидаси ривожлана боргани сари, ўлкамизнинг қадимий олов эътиқоди ҳам ўзгариб боргани аниқ. Кул эътиқоди ўтроқ қабила-ларда ер унумдорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, чунки кулнинг ўғит сифатида ишлатилиш ҳоллари ҳозир ҳам учраб туради. Ерқўрғон ибодатхонаси ташқарисидаги култепада ичи кул ва атама ҳадялар билан тўлдирилган катта хум топилган. Худди шундай хум ва шунга ўхшаш топилмалар Бухоро воҳасининг ғарбидаги Сеталак II мажмуасида ва Нортена ибодатхонаси марказидаги ўчоқда, Хоразмнинг Катта Ойбукирқалъа ибодатхонасида ҳам бор. Олимлар бу хумлар қандай маросимни билдиришини аниқлашмаган. Бизнинг фикримизча, улар айрим инсонлар ёки жамоаларнинг бирон ниятни кўзлаб ёки аждодларни хотирлаб, улардан мадад сўраш учун ёққан катта ва кичик оловларининг кули бўлиши мумкин. Кўзланган нияти мустажоб бўлиши учун кулнинг муқаддас софлиги йўқолмасдан туриб, уни хум ва идишларда кўмилган. Бухоро воҳасидаги олов эътиқоди билан боғлиқ Сеталак I ибодат мажмуаси жанубга қаратилган бўлиб, унда кўп қатламли кул орасида қурбонликка келтирилган ҳайвонларнинг суяклари ва идиш синиқлари аралашганлигини кўрамиз. Ерқўрғон ва Сеталак I култепалари уларда учрайдиган қурбонлик суяклари ва кулолчилик синиқлари билан бир-бирига ўхшашиб кетади. Аммо Ерқўрғон култепаси бу ерда кўплаб атама ҳадялар – тақинчоқ безаклар, темир совут бўлаклари, ёй ўқи найзачалари ва бошқа нарсалар топилганлиги билан ажралиб туради. Р. Сулаймоновнинг фикрича, Ерқўрғон ибодатхонаси шаҳарнинг ҳомий илоҳасига бағишланган, Сеталак I эса, эҳтимол, аждодлар руҳига сиғинишга бағишланган

бўлиши мумкин. Оролбўйида бундай култепалар исломгача ҳам маълум бўлиб, қурбонликка келтирилган ҳайвонларнинг суякларини кулда кўмиш одати Ўзбекистонда ХХ асргача сақланиб келган. Култепага атама ҳадялар солиш одатининг ҳам зардуштийликка ҳеч бир алоқаси йўқ. Шунингдек, Р. Сулаймоновнинг фикрича, Ерқўрғон ибодатхонасидан топилган ва тоғ биллуридан ясалган қавариқ линза топилмаси олов эътиқодининг мазмунидан далолат беради. Яъни бевосита Қуёш нуридан ҳосил қилинган олов зардуштийликка хос қайта-қайта покланишга муҳтож бўлмаган; иккинчидан эса, оловнинг бевосита манбаи бўлмиш Қуёш Митра эътиқоди билан боғлиқ бўлган. ^{279: 56; 403: 171; 391: 271; 373: 258, 373; 111: 51-74; 422: 151, 537: 548: 605-627}

“ХАОМА ЧАНОҒИ” ИБОДАТХОНАСИ

Хаома – ибодат пайти ният ва сўзни илоҳга йўналтиришга кўмакчи восита, урвара, хтоник эътиқод, қабр устига ташланган тупроқ ҳам гулхан алангасида софланган, Самарқанднинг Биянайман оссуарийсида тасвирланган илоҳлар, илоҳа Хаома, исириқдоннинг медальонида илоҳлар тасвири, исириқдонларнинг турлари, дуалистик маздаизм, “Хаома чаноғи” ибодатхонаси, Сўғд ибодатхонасидаги саҳналаштирилган маросим, қавариқ лавҳнинг сирли тасвирлари, эътиқод маросимлари, Митрага қасам, зардуштийликдаги бразман (bragman) ва ведаларга хос брахман (brahman), “сув – аёл, олов эса – эркақдир”, ўлкамизда денгиз ва дарё сувига қурбонлик келтирилгани, Чинвот кўприги, Харонга ҳақ тўлаш, итоаткорлик илоҳи Соруш, марҳумнинг яхши ва ёмон аъмоллари тарозута солиниши, “руҳ ҳисоботи”, виждон илоҳаси Дин, Қалъалиқир 2 мажмуаси ўтмишни тушунишга бир калит.

Хаома – тийраклик бахш этувчи муқаддас ичимлик сифатида ибодат пайти ният ва сўзни илоҳга йўналтиришга кўмакчи восита саналган. Таърифга биноан, “хаома – игнабаргли бутасимон ўсимлик – эфедранинг хушбўй сиқилган сувига сут қўшиб, узоқ шопириш натижасида ҳосил бўлувчи суюқлик. Уни диний маросимларда ичиш худога чин дилдан, ҳушёр туриб, идрок ва туйғу билан мурожаат қилиш воситаси ҳисобланган. Уни асраш, жамоатга етарли миқдорда йиғиб, кўпайтириш учун катта сопол идишлар ишлатилган бўлиб,

унинг хум, дея аталиши авесточа хаома (дегани)... Хаома – уч қатламли муқаддас тимсол: Хаома – маъбуд; хаома – игнабаргли ўсимлик; хаома – сут қўшиб тайёрланадиган ичимлик”.^{12: 96, 104}

Авестода ёзилган: “Баракотли сувлар номи-ла биз ул бахшида-га сажда қиламиз, унда эса (ўзида) хаома мавжуд, унда сут мавжуд, унда қоидага биноан жойлашган анор дарахти мавжуд; Баракотли сувлар ҳаққи, биз хаомага сажда этамиз. Биз тош ҳовончага сажда этамиз, биз темир ҳовончага сажда этамиз”. Авестода Ахриманнинг вайронгарона ҳужумидан сўнг илоҳа Амурдад барча ўсимлик турларини ниш урдириш учун илк ўсимликни териб олади. У “урвара” деб аталган. Маросим шарбатида урварани анор дарахтининг шохи ифодалаб, урварам деб аталган. Бу муқаддас шарбат янги сувларни вужудга келтириш учун маросим охирида ибодатхона қудуғига тўкилган.^{121: 52}

Хаома тайёрланувчи ўсимликлар хтоник эътиқод (қадим юнон тилида *chthon* – Ер)ни англатиб, Ер илоҳларига сажда маросимлари ўтказишни билдиради. Само ёки фазо илоҳларига қарама-қарши қўйилиб, қуйи олам маъносини англатгани туфайли, аждодларга сиғиниш эътиқодига боғлиқлиги аёнлашади. Хаома зикр этилган хусусиятларига биноан, дафн маросимларида ҳам муҳим ўрин тутган. Баъзи қабрларга “учлик” дафн идишлари, яъни – ёғоч, сопол ва темирдан ишланган учтадан идиш-товоқ қўйилган. Марҳумнинг боши, Ер ости дунёсига кириш ҳисобланган ғарб томон йўналтирилиб, тирилганида Шарқ томонга туриши осонроқ бўлсин, деб юзи билан тепага қаратилган. Бош томонига эса, тирилтириш хусусиятига эга бўлган хаома қўйилган.^{15: 150} Шу билан бирга, Ер ва унинг ҳосилдорлиги атрофида мужассамлашган мифология, диний маросимлар ва эътиқодларни ҳам хтоник деб аташ мумкин.

Анахита(Ардви Сура)га қурбонлик келтириш ҳақида Авесто матнларида шундай дейилган:

Қўлда тутиб барсман,
Сутли хаома эҳсон
Айласин ихлос қилиб.

Шу билан бирга, муқаддас ичимлик номи илоҳ исмидан келиб чиққани ва у ўзга илоҳларга ният қилиши Авестонинг ўзида айтилган:

Шифобахш, кўркам, гўзал
Олти кўзли Хаома,
Шунда тилак сўради.

Авестонинг Миҳр-яшт ва Хаом-яштига биноан, хаома суюқлигини сепиш турли эътиқод маросимлари ва, алалхусус, Митра илоҳига эътиқодда асосий ўрин эгаллаб, Сўғдда кенг тарқалган. Умуман, ўлкамизда катта оташгоҳларда олов ёқиilib, унга Митра номига қурбонлик тариқасида турли хушбўй шароблар тўкилгани «Авесто»да шундай таърифланади:

Отлари учқур зотга,
Қудрату мадад берган,
Эҳсон этарман Хаома
Шарбатин сочиб ўтга.

Дархақиқат, ўлкамиз мадфанларида қурбонгоҳ(қурбонлик ўчоғи)га хаома сепилиб, тош устига қурбонлик таом ва ичимликлар қўйилган ҳамда ўтганлар руҳига атаб исиріқдонларда махсус хушбўй ўсимликлар тутатилган. Қабр устига ташланган тупроқ ҳам гулхан алангасида софланган. Шу билан бирга, олов ибодатхоналарининг меъморий ва эътиқод борасидаги ўхшашликларига қарамай, диний маросим ашёларининг ҳар хиллиги ибодат этишдаги мавжуд фарқларга ишора қилади. Айримларида хаома тайёрлаш учун хум, тоғора ва кўзачалар бўлиб, алоҳида хоналарда суюқликни тўплаш учун алебастр полда чуқурчалар ўйилган. Хумлар ва ерда эфедра дарахти шохларининг қолдиқлари, бошқа ўсимликларнинг уруғлари ва улардан хаома тайёрлаш учун мўлжалланган тош ҳовончалар ҳам топилган.^{370: 81-84}

Самарқанднинг Челак туманидан топилган эфталитларга мансуб жомда бир ҳурилиқо қўлида гул ва ҳовонча тасвирлангани ҳам, албатта, диний маросим ашёлари қаторига киради.^{345: 83} Самарқанднинг Биянайман номли жойидан топилган оссуарийлардан бирида эса, илоҳлар тасвирланган (208-расм).



208-расм. Биянайман оссуарийсидаги илоҳлар тасвири.



А. Борисовнинг фикрича, бу тасвирда “Зардуштийлик космологиясининг тўртта асосий тамойили, тўртта муқаддас муҳит – ер, олов, ҳаво ва сув илоҳлари ва рамзлари ифодаланган. Қўлида бошоқ ва ҳовонча ушлаб турган чапдан биринчи аёл – Ер илоҳаси Армати (алоҳида катталантирилган расми ўнг томонда келтирилган). Б. Ставиский бу илоҳа бошқаларига нисбатан кўпроқ, 38 та оссуарийда учрашига урғу беради.^{385: 163} Б. Кастальский унинг қўлидаги бошоқ муқаддас ўсимлик – хаома бўлиб, ўзи эса *илоҳа Хаома* дейди. Бу ўсимликдан абадий ҳаёт ато этувчи шарбат тайёрланиб, зардуштийлик маросимларида у муҳим роль ўйнаган. Авестода у тоғда ўсувчи “зари-гауна – зарҳал рангли” дейилган. 9-Яснада айтилишича, “Вивахвант, Атвйа, Трита ва Парушаспа хаома ўсимлигини илк бор кетма-кет тўрт марта сиқишганидан сўнг, эвазига ҳар бирдан ўғлон туғилади. Вивахвантда Йима (Жамшид) туғилади, Атвйада эса – Трайутаун (Фаридун) туғилиб, у – уч бошли, учта оғизли ва олти кўзли аждарҳо Даҳҳак (Заҳҳок)ни ўлдиради. Тританинг ўғли Кершасп (Гуштасп) бўлади ва Парушаспадан – Зардушт пайғамбар туғилади”^{иқтибос келтирилган манба: 461. 167}

Хаома Сўғдда азалдан маълум илоҳа бўлиб, унга бағишланган дуолар қадим лаҳжада ўқилган. Яъни Авестонинг бу илк қисми Хоразмда шаклланган, кейинчалик эса, Эронда коҳинлар томонидан ақидалаштирилган. Одамлар илоҳа Хаомадан девлар ва Ахриман юборувчи гуноҳлардан сақлашини илтижо этганлар. Хаома шарбатини тайёрлаш усуллари ва ибодат маросимида кўп худолар иштирок этиши алоҳида сатрларда қайд этилган.^{504: 255}

Самарқанднинг Жартепа II ибодатхонасидан топилган VII аср охирига мансуб *исириқдоннинг* пастки қисмида эни 5см келадиган тўртта *медальонда илоҳлар тасвирланган*. Биринчисининг чап қўли кўксига қўйилган, юзи баравар кўтарилган ўнг қўлида эса, бир шохда лоласимон гул ёки анор тасвирланган. Бундай рамзга эга илоҳа, Ф. Гренэ таърифига кўра, ўсимлик оламининг ўлиб-тирилувчи “ҳамиша тирик халоскори” – илоҳа Амурдад бўлиб, оссуарийларнинг деворларида ҳам унинг тасвири учрайди.^{5: 66, 72} Афросиёб хоналаридан бирининг деворий тасвирида ҳам икки томонида анор дарахти бор оташгоҳ тасвирланган.^{346: 194}

Иккинчи расмдаги илоҳа кўйлагининг олд томонида иккита олти япроқли тўпбарг безак (розетка) тасвирланган. Елкалари ортидан кўриниб турган ҳилол Ойга кўра, бу – Ой илоҳаси бўлиб, унинг тасвири Кушон даври тангаларида ҳам учрайди.^[5: 67, 73] Шунингдек, Қашқадарё воҳасида I-III асрларга мансуб Саритепа

ва Қизтепа обидаларидан топилган 10-15 см баландликдаги сопол оташгоҳларнинг юз томонида нақшлар орасида ҳилол Ой шаклидаги иккита қоплама безак бор. Яъни рўзғорда эмас, эътиқод ашёси сифатида ишлатилгани аён.¹⁴⁵⁻²⁴

Учинчи расмдаги маъбуднинг юзи бараваридаги ўнг қўлидаги кичиккина оташгоҳдан аланга кўтарилмоқда. Қўлининг иккита ўрта бармоғи букланган, қуйлагининг елкаларида тўпбарг безаклар тасвири. Бу – оссуарийлардаги тасвирлардан энг маълум сиймо бўлиб, Ф. Гренэ томонидан зардуштийликда “ўлмас халоскорлар” (Амеша Спентлар)дан бири, Ардвахишт билан уйғунлаштирилган.^{121 50-51}

Тўртинчи расмда, боши атрофида шувълала ёғду бор шахс тожининг сақланиб қолган қисмида Қуёш эътиқодига хос рамзлардан – доира ичидаги ҳалқача чизилган. Муаллифлар, бу исириқдонда тасвирланган илоҳлар кўп соҳаларга ҳомийлик қилган, деб ҳисоблашади, чунки қўлларида ва атрофидаги тасвирларда турли нарсалар акс этган.⁵⁻⁷⁰ Исириқдон илоҳ-маъбудаларнинг қаҳрини қайтарувчи эътиқод буюми ҳисобланганини эсласак, расмнинг эътиқод жиҳатидан тумор вазифасини ўтагани аёнлашади.

Дарҳақиқат, Олов эътиқоди турли шамдонлар, *исириқдонлар* ва оташдонлар билан боғлиқ бўлиб, Нахшаб(Қашқадарё)да шамдонлари от, қўй ёки ўзга ҳайвон шаклидаги ҳайкалча устига ўрнатилган ва қисмларга бўлинган думалоқ оташдон ўзига хослиги билан ажралиб туради. Термиздаги Болаликтепа ибодатхонасидан топилган исириқдон тагдонининг марказида қандайдир аёл маъбуданинг бош тасвири ёпиштирилган. Япалоқ идишининг ичидаги деворлари ярим сантиметрлик куюк билан қопланиб, дон уруғи қолдиқлари исириқ тутатишганидан далолат беради.²⁰⁻⁷¹

Масалан, Тошкент воҳасидаги Харашкет (Қанқа)дан ҳам V-VIII асрларга мансуб бўлган тўртбурчак оташгоҳ топилиб, ўртасида ёнган ўсимлик қолдиқлари ва устида уч оёқли кичик исириқдон топилган. Ёнидаги хонада тоза кул сақланиб, оташгоҳ томонга қиялатиб қувурлар тортилган: улардан қурбонлик суюқликлари тўкилган, деб ҳисоблайди тадқиқотчилар.^{92 85-114} Шубҳасиз, бу топилма – Олов уйи бўлган, аммо ислом даврида устига чармчилар устахонаси қурилиб, ҳовуз қазилган. Шу тариқа, қадимги эътиқодларимизга қарши кураш олиб борилган. Бу ибодатхона олдинги уй тепасидан қурилганига кўра, уй ибодатхонаси бўлган, дея тахмин қилиш мумкин.


Далварзинтепада III асрга мансуб кулоллар маҳалласи ибодатхонасидан топилган эътиқод ашёлари орасида гулдон шаклидаги исириқдонлар, чироқдонлар ва саккиз қисмли оловдон мавжуд.^{312 176-222}

Айрим оташдонларга лолақизгалдоқ ўсимлигининг лойдан ясалган шакли ёпиштирилишига қараб, у қай турдаги исириқ тутатишга мўлжаллангани аёнлашади. Оролбўйи Чирчиқ-2 мақбарасида чаноғи топилгани ва Миздахкан оссуарийсида Митра ҳайвонларидан ҳисобланган шернинг бу ўсимлик чаноқлари билан туширилган тасвири ҳам бор. Афросиёбда қанотли от боши устида кичик лолақизгалдоқ бошоғи шаклидаги исириқдон, Фарғона водийси ибодатхонасида эса, гулдон шаклидаги исириқдоннинг ўсимлик чаноғи шаклидаги идиши топилган. Эфедра билан аралаштирилган турли ўсимликлар маст қилувчи шароб тайёрлашда қўлланилган. Сополлитепадаги айрим ниналарнинг боши ҳам ғунча шаклида ишланган. Сўғд деворий тасвирларида ифодаланган ёнаётган шарчалар – думалоқ нарсалар ҳам ўсимлик чаноғи бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Панжикент ва Жартепа ибодатхоналарининг нақшида ҳам ўсимликлар чаноғи ва гулларини кўриш мумкин. Айрим оташдонларга бу ўсимликнинг лойдан ясалган чаноғи ёпиштирилганидан, у қайси турдаги исириқ тутатишга мўлжаллангани аёнлашган. Афросиёбдан топилган бир исириқдоннинг тепа қисми қанотли от бошига ўрнатилган лола бошоғи шаклида ишлангани диққатга сазовор. Фарғона водийси ибодатхонасида гулдонга ўхшаш исириқдоннинг лола-қизгалдоқ чаноғи шаклидаги идиши топилган. Лолақизгалдоқ эса, эфедра билан бирга, қурбонлик шароби тайёрлашда қўлланилган. Қадим Сополлитепадаги айрим тикиш ниналарининг ип ўтказиладиган томони ҳам чаноқ шаклида ишланган. Сўғд деворий тасвирларида ифодаланган ёнаётган думалоқ соққачалар ҳам чаноқ бўлиши мумкин. Панжикент ва Жартепа ибодатхоналарининг нақшида ҳам лолақизгалдоқ чаноғи ва гулларини кўриш мумкин.^{460: 132, рис. 54, 99: 48; 391: 269-270}

Геродотнинг таъкидлашича, олис мозийда ўлкамизда бирон муҳим қарор қабул қилишдан олдин, муқаддас ҳисобланган ўташёларни тутатиш таомили анъанага айланган экан. Бу борада, ишлатилган исириқдонларни ўрганиш масалани анча ойдинлаштиради. Эрамиздан олдинги IV-III мингйилликлардан Месопотамия ва Ҳиндистон, кейинчалик эса, ўзга ўлкаларда диний эътиқод маросимларида ишлатилган исириқдонлар икки хил бўлган: баландлиги 35 сантиметргача бўлган, олиб юриладиган кўчма ва баландликда турадиган катта тури.^{183: 149, рис.7-14, 10: 482}

Ўлкамизда исириқдонларнинг турли нусхалари кўплаб топилган бўлиб, Далварзинтепада III асрга мансуб кулоллар маҳалласи ибодатхонасидан топилган эътиқод ашёлари орасида гулдонсимон

исириқдонлар, чироқ деб аталадиган шамдонлар ва саккиз қисмли оловдон бор.^{312: 176-222} Саккиз рақами муқаддас ҳисобланганлигини унутмайлик. Қўй бошли исириқдон фарн – илоҳий омад рамзи бўлиб, хонадон аъзоларига бахт-фаровонлик келтирувчи тумор сифатида ишлатилгани аён (209-расм).



209-расм. Далварзинтепа. Қўй бошлари шаклидаги уч оёқли исириқдон, I-II асрлар.



210-расм. Шимолий Бактрия исириқдони.

Исириқдон тасвирлари ибодатхоналар деворларида ҳам сақланиб қолган. Шаҳар ибодатхоналарида илоҳнинг ҳайкали ёки тасвири рўпарасида маросим ўтказилган бўлса, уйда эса – кичик токча олдида ибодат қилинган. Исириқдонлар аҳолининг тақвимий диний байрамларида ва кундалик ибодатда ҳам ишлатилиши мумкин бўлган. Ўлкамизда э. о. I мингйиллик ўртасига ва эрамиз бошига мансуб ўймакор исириқдонлар кўплаб топилган (210-213-расмлар).



211-расм. Кампиртепа исириқдони.



212-расм. Кампиртепа исириқдони. I-II асрлар.




213-расм. Йўлбарс шаклидаги исириқдон қисми.

Уларнинг тасвирлари ибодатхона деворларида ҳам сақланиб қолган. Уларда, илоҳ рўпарасида қўлида қурбонлик учун кўчма исириқдон ушлаб сажда қилаётганлар тасвирланган. Шулардан бири – Варахша залининг деворий тасвири: унда Бухорхудот тахти рўпарасида тиз чўкиб ўтирган одамлар орасида қўнғироқчалар осилиб турган катта исириқдон турибди. Ўтирганлардан бири қўлидаги узунчоқ хипчинни олов алангаси устида ушлаб турибди. Бизнинг фикримизча, бу – эътиқод маросимларида ишлатилган муқаддас барсман хипчини. Ўнг қўлидаги идишда – оқ чаноқлар, исириқдонда ҳам оқ-пуштиранг думалоқ нарсалар ёрқин аланга бериб ёнмоқда. Исириқдон махсус тағламага ўрнатилиб, ундан кўплаб қўнғироқчалар осилиб тушган. Тағламанинг баланд конуссимон устунининг ўрта қисмида ётган туя устида қўлида исириқдон ушлаб ўтирган одам тасвирланган. Юқори қисмида эса, ҳалқалар ичида розетка-салиблар тасвирланган. В. Шишкиннинг тахминича, туя – тахт вазифасини ўтамоқда, устидаги одамнинг чап қўлидаги кичик исириқдон эса, исломдан олдинги маҳаллий тангаларнинг олд томонидаги тасвирга ўхшаш. Танганинг орт томонида эса – доим туя тасвирланган. Исириқдон олдида ўтирган одамлар тепасида қанотли учар от расми бор. Бир ёш йигит эса исириқдон томон қўллари узатиб ўтирибди.^{445 161} Панжикент деворий тасвирларида ҳам тахт рўпарасида айнан шундай исириқдон тасвирланиб, исириқдон олдидаги йигитнинг қиёфаси варахшаликнинг айнан ўзи бўлиб, қўлларидаги ханжарлари ҳам ўхшашиб кетади. Олимларнинг, бу – халқ орасида ўрнашиб бўлган диний маросимда ибодат хизматини ўтаётган коҳинлар, деган хулосаси тўғри. Болаликтепа, Панжикент ва Варахша ибодатхоналари тасвирларининг буддавий, насроний ёки моний диний эътиқодларга ҳеч бир дахли йўқ, чунки улар бу эътиқодларга ётдирлар. В. Шишкиннинг фикрича, уларда дуалистик маздаизм – маҳаллий Сўғд диний эътиқоди намоён бўлиб, исириқдонлар ишлатиш айнан унинг маросимларига хос бўлган.^{445 208}

Эрампдан олдинги IV-II асрларга мансуб бўлган Қалъалиқир 2 обидаси ҳосилдорлик ва ўлиб-тирилувчи табиат илоҳларига бағишланган бўлиб, ўлкамизнинг Хоразм ва бошқа минтақаларидаги диний ибодатхоналардаги эътиқодлар ва уларда ўтказилган маросимлар ҳақида атрофлича тасаввур бериши билан эътиборга сазовор. Мажмуадан топилган шох шаклидаги ритонлар, икки жўмракли кўзасимон қўшқулоқ сопол идиш(амфора)лар, қавариқ нақшли сувдон (фляга)лар, дастасида қавариқ ҳайкалчалар тасвирланган хум-идишлар, чироқ,

оташгоҳ ва исириқдонлар эътиқод маросимларидан дарак бериб, олимлар бу осори атиқаларнинг айнан шу жиҳатига диққат қаратадилар.¹⁸⁷

Мажмуада алоҳида маънога эга бир қатор жойлар бўлиб, уларга биноан, ўтказилган диний маросимлар жараёнини тиклаш мумкин. Масалан, мажмуанинг шимоли-шарқий (расмда пастки чап томонда) девори тўлқинсимон шаклда бўлиб, дарвоза ёнида иккита хона билан тугалланишини олимлар хаома ўсимлигининг танаси ва бошоғига ўхшатади. Биз уларнинг фикрига қўшилиб, мазкур тарҳли обидани ўз шаклига кўра, «Хаома чаноғи» ибодатхонаси, деб аташга жазм этдик (214-расм).



214-расм. «Хаома чаноғи» ибодатхонаси.

Бошоқ шаклидаги иккита хонадан жуфт эшик орқасидаги 2-хонанинг девори олдида турли кўза-идишлар ва уларнинг марказида икки дастали ритон ва жом қўйилганлиги кўринади. Хона марказида эса буғдой ва тариқ донларининг лойда муҳрланган изи топилган. Эҳтимол, шу тариқа, ҳосилдорлик маросими бажо келтирилгандир.

Ундан олдинги хона ўртасида эса ўрада бир хил қилиб кесилган сомон новдалари сақланган. Бу хоналардан кичик эшик орқали девор ичидаги даҳлизга кирилиб, кўприкдан ўтгач, мажмуа марказида жойлашган асосий оташгоҳ-меҳробга кирилган. Кўприк туширилгач, ички дарвоза ёпилган ва марказий оташгоҳ олдида фақат қоҳинлар маросим ўтказган. Раият эса, мажмуанинг катта кириш қисмидаги саҳнда ўтказиладиган маросимларда иштирок этган, яъни ўзига хос ичкари ва ташқари меҳроблар бўлган. Раият ташқаридан туриб, ичкаридаги саҳналаштирилган маросимни кузатган ва унда, эҳтимол, турли сирли намойишлар ижро этилган. Бунга мисол қилиб, *Сўғд Панжикентидаги саҳналаштирилган маросимни келтириб ўтиш мумкин.*

Сўғд ибодатхонасида бир хона деворий тасвирлари ва ҳайкаллар йўқлиги билан тадқиқотчилардан Б. Маршак эътиборини жалб этади. Бу хонага яқинлашиш учун маҳобатли хоналардан ўтилган ва диндор руҳий ҳолатга тушгани аниқ, аммо супалар билан ўралган катта хонада ҳеч бир зеб-зийнат бўлмаган. Унга кираверишда эса – кўчма оташгоҳ ушлаган одам худди хона ичига кирётгандек кўринишда тасвирланган. Эшик рўпарасидаги деворнинг маркази бир рангли бўлиб, икки четида тасвир бўлган. Аввалига расмсиз қисмини “илоҳ тахти” деб ўйлашган, аммо кейинги топилмаларга кўра, тахтнинг бир рангли бўлмаганлиги аён бўлади. Олим бундан қуйидагича хулоса чиқаради: демак, маросим турига қараб, ўртада алмаштириладиган расм ёки ҳайкал ўрнатилган. Икки четида ниқоб таққан, қўлида мусиқа асбоблари, қоп ва жом ушлаган раққослар, мусиқачи ва актёрлар тасвирланиб, айримлари яланғоч бўлган. Марказий девор супаси айтарли кенг эмас, балки торроқ бўлганига аҳамият берган олим унинг икки ёнида 26см баландликда ва 1,35м узоқликда иккита тўсин 50см ичкарига ўрнатилганини кўради. Шу супага эшикдан киришга параллель равишда бир-биридан 3,5 м кенгликда иккита катта тўсин полга ётқизиблиб, ичкарига мустаҳкамлик учун киргизилган экан. Ўрта асрларда Сўғд аҳолиси қалъаларни забт этиш учун ишлатилган зарб машиналарини яхши билгани асосида олим, бу хонада айланма ғилдирак ва арқонлардан иборат кўтариш механизми ёрдамида диний мавзулардаги турли оғир “экранлар” кўтарилиб-туширилган бўлиши мумкин, деб тахмин қилади. Эшик кенглиги 1,75 м, ердаги тўсинлар ораси эса 3,5 м бўлиши диндорга кўринмайдиган балласт (посанги тарзидаги) оғирликларни ўрнатиб, керакли пайтда уларни бўшатиш ёрдамида мўъжизакор равишда айрим “экранлар”ни кўтариш ва тушириш имконини берган. Бундан ҳайратга келган диндорнинг эътиқоди


ошиб, жазавага тушган. Ўлкамиз деворий тасвирларида учрайдиган фантастик учар ҳайвонлар тасвирлари, балким улар ҳақиқатан ҳам кўтарилгандир, деб фараз қилишга ҳам олиб келади. Айнан шундай механизмлар қадим Юнон театрида ва Ҳиндистоннинг ибодатхоналарида ишлатилгани олим тахминига далил бўлиши мумкин. Олим ўз тахминига далил сифатида Низом ул-Мулкнинг «Сиёсатнома» асарига мурожаат қилади: Маздак ва Муқанна ўзларига тарафдор орттириш учун турли «мўъжизалар»дан фойдаланганлар. Маздак муқаддас олов ёнида турганида, ер остида бекинган киши акс-садо оҳангидаги овозда гапиргани маълум. Муқанна эса, Мовароуннаҳрда механизм ёрдамида тоғ ортидан «ясама» Ойни кўтарган. Саъдий «Бўстон»ида арқон ёрдамида катта бут қўлларини ҳаракатга келтиришган. Сўғд ҳужжатларидан бирида «гапирувчи» илоҳлар ҳақида ривоят қилинади. Панжикент ибодатхоналаридан бирида ҳам ер ости ўраси бўлиб, унда одам гапириши ёки тўсатдан пайдо бўлишига имкон яратилган. Олим яна бир қизиқ хулоса қилади: девор тасвирларида тождор шоҳ ва элчилар Сўғд ҳукмрони қабулига келганларида уларга диний мавзуларда саҳналар кўрсатилган. Биз бу фикрга қўшиламиз, дарҳақиқат, шу тариқа, насроний, моний ва буддавий динлардан фарқли ўлароқ, қоҳинларнинг ўлкамиздаги қадимги маҳаллий диний эътиқодларга урғу бериши табиий, албатта. Айланма даҳлизларда мусиқачи ва актёрлар жойлашиб, улар навбатма-навбат томошабинлар олдида чиқиб, диний ҳамда мифологик мавзуларни саҳналаштирган.^{254: 95-103}

Алқисса, ибодатхона залининг деворларида рангли тасвирлар бўлганлиги қолдиқлардан маълум, аммо, афсуски, уларни тиклаб бўлмайди. Нақшинкор безаклардан бирида хаома рамзи ифодалангани ибодатхонанинг асл моҳиятидан дарак беради, назаримизда (215-расм).



215-расм. Хаома ўсимлигининг рамзи.

Деворларда қандай тасвирлар бўлгани ҳақида обидадан топилган қавариқ лавҳ (рельеф)нинг ўнг томонидаги ўсимлик сурати ҳам тасаввур бериши мумкин, назаримизда (216-расм).




216-расм. Диний ақидалар акс этган сувдон тасвири (Хоразм).
Чапда – фотосурат, ўнгда – расм.

Хаома (сома) Қуёш чиқиш томони – шимоли-шарқ билан боғлиқ бўлиб, энг биринчи намоз қуёш чиқишидан олдин зардуштийларда хаомага бағишланган ва кейин Митрага алқов (мадҳия) ўқилган. Рельефда ҳам хаома ўсимлиги шимоли-шарқда тасвирланган.^{187 89}

Қадим аждодларимизнинг жаҳаннам шимолда жойлашганлиги ҳақидаги тасаввурига биноан, ибодатхонанинг кириш қисми ҳам шимолга йўналтирилган, аммо баланд ва қалин девор билан мустаҳкамланган. Дарвозаси оддий эшик эмас, махсус хоналарига қараганда маҳобатли кириш мажмуаси бўлган. Олимларнинг тадқиқ этишларича, кириш мажмуасида кўп одамлар иштирокида махсус маросимлар ўтказилган. Бу ерда кичик маросим хумчалари ва дон солинган идишлар қурбонлик сифатида келтирилгани ҳам шунга ишора қилади. Ибодатхонанинг ўзига эса фақат қоҳинлар ва, эҳтимол, ҳукмронлар киришга ҳақли бўлган. Айвонида маросим зиёфатлари ўтказилган ва атрофидаги 20га яқин махсус хоналарда ашёлар сақланган ҳамда маросимга керакли буюмлар тайёрлаш учун тандир-ўчоқлар жойлашган. Шунингдек, деворларда одам боши ёки кўкраги баландлигидаги 25x25 см ўлчамли кичик тандирчаларда диний маросимларда ишлатиладиган бўғирсоқ ва кичик қатлама-кулчалар тайёрланган. Эҳтимол, шу тариқа қурбонлик келтирилиб, ис чиқарилган. Дарвозадан кирганда чап

томондаги хонадан топилган хумлар ва шер бошлари шаклидаги икки дастали ритонга қараганда, бу ерда маросим суюқлиги сақланган. Махсус жойларда деворга 50 сантиметрлик квадрат шаклида ўйилган оташгоҳлар бўлган. Деворлар юпқа бўлса, уларга оташгоҳ тақалиб жойлашган. Шунингдек, деворларда ҳайкалчалар қўйиш ва қурбонлик келтириш учун олдига кичик саҳн бўртиб чиққан махсус токчалар ўйилган. Қалъа деворлари ортида кўринмайдиган ибодатхона диаметри 24 метрлик доира шаклида бўлиб, 2 м баландликдаги платформада жойлашган. Тепа қисмида шинаклар (камончилар учун ўқ отишга мўлжалланган девордаги тешиклар) ўйилган (217-218-расмлар).



217-расм. Ибодатхона-қалъа деворининг олд томони.



218-расм. Камончиларнинг шинакли даҳлизи.

Душман қалъага кирганида ҳарбий тактика жиҳатидан деярли ер бараварига ўйилган шинаклардан оёғига ўқ отиш имкони берилгани қизиқ, албатта.

Доирасимон ибодатхона тепасидаги очиқ платформадан коҳинлар юлдузларни кузатиши ва зироатчилик учун муҳим аҳамиятга эга кеча-кундуз бараварлиги кунини аниқлаши мумкин бўлган. Мазкур ибодатхонага ўхшаш бўлган Қўйқирилганқалъа ва Говурқалъа 3 дунёнинг тўрт томонига қараб йўналтирилган горизонтал ва вертикал тарҳи ҳамда тарихига биноан, диний маросимлар ва мунажжимлар амалиетини тиклаш мумкин.^{187: 8-27}

Доирасимон ибодатхона атрофидаги хоналарда, топилмалар асосида, маросим учун патир, бўғирсоқ ва кулчалар пиширилган; ўсимликлардан шарбатлар сиқилган; хотирлаш зиёфатлари берилган; поклаш жараёни ўтказилган. Умуман, ибодатхона дунёнинг тўрт томонига қараб йўналтирилиши ва вертикал бўйлаб

Ҳаёт дарахти рамзи сифатида учга бўлиниши ўлкамизнинг кўплаб диний мажмуаларига хос меъморий тарҳни акс эттиради ва муайян диний эътиқодларга, эҳтимол, ҳосилдорликка бағишлангани шубҳа қолдирмайди. Раиятга ажратилган саҳнда икки дастали ритон топилиб, икки киши бараварига иккита жўмрагидан ичиши мумкин бўлган. Шунга қараб, олимлар дарвоза ичидаги майдончада токчалардаги илоҳлар тасвири олдида туриб, битим ва ўзга инсонлар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган удумлар пайти илоҳ олдида муқаддас ичимлик хўплаб, қасам ичилган, деган хулосага келадилар. Қўйқирилганқалъадан топилган илоҳа Анахита ҳайкалчаси қўлида ҳам айнан шундай қўшқулоқли сопол (амфорасимон) идиш тасвирланган.^{187: 88}




219-расм. Қўшқулоқли сопол кўза тутган илоҳа.

Назаримизда, битим пайти *Митрага* қасам келтирилган, чунки Авестога кўра, айнан у битимлар ҳомийси ҳисобланган. Мажмуанинг кириш дарвозаси ва доирасимон ибодатхонанинг кириш эшиги шарққа йўналтирилгани ҳам *Митра* – Қуёшга бағишланганлиги аён.

Мажмуага кириш майдонининг (тахминан 50х60 м) баланд ва қалин деворларида шинаклар бўлмаган ва улар орасидаги майдонда акустика яхши бўлиб, деворларида, юқорида айтганимиздек, қурбонлик ва бахшида ҳадялар келтириш учун махсус токчалар ўйилган. Шимолий қисмида кириш дарвозаси ёнида катта оташгоҳда олов ёнган. Олимларнинг тахминига кўра, мазкур катта майдонда халқ оммаси билан асосий

диний маросимлар ўтказилган. Одамлар деворлар ёнида туриб, ичкаридан муқаддас оловни олиб чиқаётган қоҳинларнинг эътиқод ва афсоналар билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини кузатган; қишки ва ёзги Қуёш туриши даврларида кийикни қурбонлик келтириш маросими ўтказилган. Мажмуадан топилган қавариқ нақшнинг чап томонида кийикнинг қурбонлик келтирилиш тасвири ҳам шунга бағишланган бўлиши мумкин ^{187: 91} (220-расм). Дарҳақиқат, кийикни



220-расм. Қанариқ сопол лавҳда кийик тасвири.

муайян кунларда, яъни турли юлдузлар туркумларининг ўзаро жойлашувига мувофиқ равишда қурбонлик келтириш таомили чуқур диний маънога эга бўлган.

Доирасимон Қалъалиқир ибодатхонасини олимлар зардуштийликдаги бразман (brazman) ва ведаларга хос брахман (brahman) тури билан таққослайди. Бразман атамаси “самовий” дегани бўлиб, олимлар уни диний эътиқод, муқаддас маънода “илоҳий” деб талқин этишади. Ксеркс ёзувларида Аҳура Мазда Арта илоҳаси билан бразманда, яъни махсус ибодатхонада мақом топгани таъкидланган. Ёзувда девларга қарши кураш қайд этилганлигини олимлар, зардуштийликдан олдинги бутпарастлик динлари билан боғлайдилар.^{1: 138}

Ведалардаги брахман атамасини олимлар қуйидагича изоҳлашади: “бундай ибодат биноси ўзининг асл тарҳига кўра, умумжаҳон Ҳаёт дарахти билан уйғунлашган бўлиши керак. Диний маросим матнлари брахман-ибодатхона тузилишига мослаштирилган жараён мароми билан ҳамоҳанг бўлган... Бутун маросим брахман номини олиб, уни бажараётган коҳин ҳам шу сабаб, брахман деб аталган бўлиши мумкин”.^{411: 72} Олимнинг фикрига кўра, мазкур

брахман тарҳи кейинчалик, Ғалаба (Триумф) аркларига намуна бўлган ва Қалъалиқирга кириладиган маҳобатли арксимон дарвоза ҳам шунга мисол бўла олади. Унинг иккита катта пилони (устуни) бир жуфт Ҳаёт дарахтининг рамзи бўлиши мумкин: дарахт атрофида доим бир жуфт ҳайвон тасвирланганини унутмайлик. Дарвоза тепасига маросим кунлари илоҳларнинг ҳайкаллари ўрнатилиб, қурбонлик келтирилган, эҳтимол. В. Топоров Веда матнларида кўп учрайдиган илоҳий дарвоза маъносидаги “брахман дарвозаси”, “брахман шаҳристони, брахман қароргоҳи” сўзларига эътибор қаратиши Қалъалиқир 2 кириш мажмуасига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Шарққа қаратилган дарвоза мажмуаси Қуёш эътиқодига боғлиқ маросимларда ишлатилиб, ибодатхона тепасидаги майдончадан юлдузларни кузатиш имкони бўлгани ҳам яна бир далил бўла олади. Олимнинг фикрича, Ҳаёт дарахти мавзуининг кириш дарвозаси ва доирасимон ибодатхонада қайтарилиши табиий, чунки ибодатхонага фақат коҳинлар кирган, кириш майдончаси эса оммавий маросимлар ўтказишга мўлжалланган. Доирасимон ибодатхонани қандайдир сабабларга кўра умуман тарк этишдан олдин (катта ёнғин, эҳтимол, босқинчилар билан боғлиқ бўлган), коҳинлар, муқаддас олов сўнмасдан сақланувчи ва таҳорат қилиш хоналарини бегоналар макруҳ этмасин, деб гишт билан териб ташлаганлар.^{187: 159}

“Хаома чаноғи” ибодатхонаси сув билан боғлиқлиги табиий бўлиб, мажмуа атрофидаги сувли хандақ ва ичкаридаги қудуқ буни тасдиқлайди. Катта оташгоҳ эса, *оловга эътиқод сув эътиқоди билан ёнма-ён қўлланганига* ишора этади ва бу ҳолат ўлкамизнинг қадимий эътиқодлари учун таажжубланарли эмас. Авесто матнларидан бирида айтилишича, “шундай қилиб, сув ва олов – битта муҳит бўлиб, улар алоҳида турлар учун она ва отадир”, “сув – аёл ва олов – эркакдир: улар биргаликда яратилгани учун сингил ва ака ҳисобланади”.^{329: 66}

“Ака-сингил” ғояси Бактриядан топилган муҳрдаги икки киши тасвирида аксини топади. Олимлар ўша давр тангаларидаги расмлар билан таққослаш асосида, муҳрда олов илоҳи Фарро ва сув илоҳаси Ордохшо тасвирланган, деб ҳисоблашади^{386: 124-125} (221-расм).

Яъни олов ва сув эътиқодлари эгизак сифатида кўрилган ва ибодатда уларга аталган махсус маросимлар ўтказилган бўлиши эҳтимол. Кушон тангаларида ҳам илоҳ Фарро зарб этилган (222-расм).


Умуман олганда, Зулқарнайн бостириб киришидан олдин, *ўлкамизда денгиз ва дарё сувига қурбонлик келтирилгани билан*



221-расм. Кушон Бактриясининг муҳрида
илоҳлар Фарро ва Ордохшо тасвири.



222-расм. Кушон даври
тангаларида илоҳ Фарро
тасвирлари.



боғлиқ далолатлар бор. Олов уйларининг атрофида махсус сув ҳавзалари, қудуқлар ва ариқлар мавжудлиги, уларнинг турли маросимларда ишлатилганлиги ҳамда покланиш манбаи бўлганлигидан дарак беради. Зардуштийликда эса, сув – Анахита илоҳаси ва самовий сувлар ҳомийси Тиштрия билан боғлиқ. Одатда, зардуштийлар ҳавза ва қудуқларга қурбонлик сифатида хушбўй суюқликлар тўккан. Қарши воҳаси, Бухоро ва Хоразмда кушон даври ибодатхоналарининг полида махсус жойда ўйилган чуқурчалар ва ариқчалар ҳамда кўмма хумлар ҳам қурбонлик суюқликларини тўкишга мўлжалланган. Тўрткўлтёпа ибодатхонасида эса, даҳлиз полидан ўтказилган ариқча уни иккига – баландроқ ва пастроқ қисмларга бўлиб, пасткисида овқат келтирилган сопол идишларнинг қолдиқлари кўплаб топилган. Геродотнинг ҳикоя қилишича, самодан тушган олтин жом қоҳинлар қўлига тегиб, шоҳларни тахтга кўтариш маросимида қўлланилган, кўчманчи қабилалар эса, қасам ичганида, сопол жомдан қон аралаш май ичган. Ерқўрғонда топилган муҳр қолипидида аждарҳо устида ўтирган ҳукмронга жом узатаётган илоҳа тасвири айнан шу маънода илоҳиётга мансуб этишни билдирган. Пойкентдаги Олов уйидан топилган 300та бир хил жом уларнинг қадим ўлкамиз маросимларида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. III–IX асрларнинг Еттиосор маданиятига хос яхши мустаҳкамланган, кўп қаватли катта шаҳристонлар доим дарё ирмоғи ёки сув ҳавзаси яқинида жойлашиб, атрофида юзлаб ва минглаб мадфанлар вужудга келган. Табиийки, шу ерда махсус ибодатхоналар қад кўтариб, айримларида, сув вазифасини бевосита дарёлар бажарган. Эҳтимол, Жартёпа ибодатхонаси ҳам Зарафшон дарёсининг ҳомийси бўлган руҳ билан боғлиқ бўлгандир. Оролда жойлашган ибодатхоналар ҳам сув илоҳларига бағишлангани аён. Термиз билан Афғонистон орасидаги оролдаги мажмуа шунга мисол бўла олади. Зарафшон дарёси руҳига бағишланган ибодатхона Самарқанд ва Панжикент оралигида қурилади. Далварзинтепанинг сув ҳавзаси олдида аёл маъбудасига аталган ибодатхона мавжуд бўлган.^{391: 273; 115 IV, 70: 67- 91; 350: 75; 25: 40-46; 402: 108; 145: 125; 143: 74; 443: табл. 356; 371: 172}

Амударё бўйидаги Окс ибодатхонаси ҳам юқоридаги мулоҳазаларга мисол бўла олади. Қадимда Ўрта Осиёда “Вахшувар” – “Вахшга ишонувчи”, яъни Окс – Амударёга топинувчи деган исмлар бўлгани қадим диний эътиқодлардан далолат беради.^{230 6-8} Амударё хазинасидаги эраמידан олдинги асрга мансуб ҳассада Ҳаёт дарахти олдида кўзаларда сув келтириб, қоҳинлар ёрдамида Окс илоҳига қурбонлик қилиш маросими акс этган.^{21: 91-94}

Ибодатхоналаримиз қатори Қалъалиқир 2 ҳам ташқи муҳитдан сувли хандақ билан ажратилиб, катта осма кўприк ўрнатилганлиги қадимий диний эътиқодларимизга хос бўлган яна бир таомил билан боғлиқдир. Гап, тириклар дунёси бу фоний оламдан утиб кетганларнинг “нариги” дунёсидан катта дарё билан ажратилиб, устидан ташланган *Чинвот кўприги* билан боғлиқ ривоят ҳақида кетмоқда. Қадим замонлардан бошлаб кўҳна маданиятлар яратган давлатларда тириклар дунёсидан марҳумлар дунёсига ўтиш учун, аввало, марҳумнинг нарсалари, кейинчалик эса, танга “тўлаш” одати мавжуд бўлган. Юнон-римликларда бу тўлов, дарёдан ўз қайиғида олиб ўтувчи шахснинг номига биноан, “Харон ҳақи”, деб аталган.

Қадимда марҳум билан унинг нарсалари дафн этилиб, қабрларга тангалар ҳам қўйилгани маълум. Айрим олимларнинг фикрича, қабрга танга қўйиш одати қадим Мисрдан бошланиб, нариги дунёга ўтиш учун ҳақ сифатида кўрилган. Шунингдек, фиръавнларнинг пирамидаларига ёғоч ёки сополдан ишланган кема намуналари қуирилган. “Ортига қаровчи”, деб аталган кимса марҳумни шу кемаларда нариги дунёни ажратиб турган дарёдан олиб ўтиши пирамида матнларида ёзилиб, бу тасаввур қадим Шумер ва Вавилонда ҳам эрамиздан олдинги II мингйилликдан маълум. Айни пайтда, фақат дарёдан ўтиш ҳақи эмас, балки йўлда овқат сотиб олиши ёки нариги дунёда яхши муносабатга эришиши учун ҳам танга солинган. Юнон мифологиясида *Харонга ҳақ тўлаш* учун марҳум тишлари орасига бир танга қистирилган. Аммо бу борадаги сўнгги тадқиқотларда тангани қўлига ёки идишга ҳам жойлашгани айtilган. Австрияликларда XX асрнинг ўрталарида ҳам марҳум чўнтагига танга солишгани маълум. Шу билан бирга, айрим мазорларда фақат ўндан бир қисм қабрларда танга топилгани бу одат мажбурий бўлмаганлигидан далолат беради. М. Дьяконов айрим олимларнинг, бу одат ўлкамизга Юнондан “Харон ҳақи” сифатида кириб келган, деган хулосасига қўшилмайди, чунки айнан шу одат қадим Хитойда ҳам тилла ёки



223-расм. Идишларни қурбонлик келтириш саҳнаси.

бошқа қимматбаҳо буюмларни қўйиш тарзида мавжуд бўлган. Демак, Бактрияда ҳам бу одат чуқур маҳаллий илдизларга эга бўлиши мумкин.^{146: 161, 177: 517-211}

Марҳумни танга билан дафн этиш одати ўлкамизнинг турли мазоротларидан маълум бўлиб, эрамиздан олдинги I мингйилликдан бошлаб кўплаб тангалар топилиб, улар марҳумлар юрагининг устига, оғзига ва қўлига қўйилган. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Биттепа обидасида марҳумлар қўлида ва оғзида тангалар билан дафн этилган. Кўҳна Термизнинг IV-V асрларга мансуб Қўрғонида марҳум қўлига кумуш танга қистириб ёки қўли олдига мис тангалар ташлаб кўмишган. Самарқанддан жануб томондаги III асрга мансуб Сазағон қўрғонларидан бирида марҳум кўкрагида кумуш танга, исириқдон ва ўсимликлар ёндирилган қозонча топилган. Танганинг олд томонида – шоҳ, ортида эса – камон отаётган одам тасвири бор.²⁸⁷⁻⁶⁸ Хоразм ва Фарғонада марҳумни кўтаришганида устидан майда тангалар сочиш одати ҳам бўлган.^{238: 150-153; 196: 58}


Туркий қабилаларда баъзан марҳумнинг юраги тепасига “омади келиб, руҳи ҳам хушнуд бўлсин”, деб танга қўйишгани маълум. Олов ёқиб, унга қурбонлик сифатида таом ва ичимликлар қўйишган, дафн жараёнидан қайтиб эса, мотам зиёфати уюштиришган. Марҳум эркак бўлса, от ёнида, аёл бўлса – туя ёнида маросимлар ўтказиш ҳам қўлланилган. Эркак киши ўлса, ўтовининг олд томонидаги баланд жойига эгар осиб, унга кийимларини қадашган. Йигит ўлса, туғга қизил латта бойлашган. 20 кун ўтгач, марҳум чиқарилган уйда яна мотам маросими ўтказилган ва оловга таом билан ичимликлар ташланган. Суюкли отининг думини кесишган ва 40 кун давомида чироқ ёқишган. 40-кун эса, мазорда мотам маросими ўтказишган. Шундан сўнг, ярим йиллик ва ниҳоят, йиллик маросим ўтказилган. Бир жойдан бошқасига кўчиш пайтида, эркак марҳумнинг эгар ва либосларини отнинг устига тескари қилиб осилган, марҳума бўлса – туя устига.¹⁹⁰⁻¹¹⁸

Эрамиз бошланганидан кейин ҳам науслардаги оссуарийлардан тангалар топилгани бу одатнинг анъанавий тус олганидан далолат беради. Масалан, Сўғд оссуарийларининг қопқоғи ярим доира шаклида бўлиб, тепасида дастаси ёнида тешик бўлган ёки иккита лавҳ билан ёпилиб, орасида тешик қолдирилган. Оссуарийлар ичида ёки ёнида VII-VIII асрларга мансуб бўлган ўртаси квадрат тешикли Сўғд тангалари қўйилган.^{383: 37}

Зардуштийликда марҳум руҳини ёмон кучлар эгаллаб олмаслиги учун тепасида уч кун мобайнида турли маросимлар ўтказилиб,

намоз ўқилган. Шу пайт, ёнида илоҳ Соруш ўтирган ва тўртинчи куни Ер билан Осмонни ажратиб турувчи (марҳумларнинг яқинлари кўз ёшидан ташкил топган) шиддатли ва баҳайбат дарё устидан Чинвот (ажратувчи) кўпригига олиб бориши ва у ерда ҳукм чиқарилиб, марҳумнинг яхши ва ёмон аъмоллари тарозуга солиниши айтилган. Алқисса, тўртинчи куннинг тонгида адолат илоҳи Рашну олдида марҳумнинг барча фоний аъмоллари учун “руҳ ҳисоботи”ни берган: яхши ва ёмон ишларини илоҳ тилла тарозуга ташлаган. Кейин у Чинвот кўпригидан ўтиши керак бўлган. Аброрлар учун Чинвот кўприги тўққиз найза энидек кенг, аммо гуноҳкор қадам босиши билан у қилдек ингичкалашади ва руҳ пастга – жаҳаннамга думалайди. Биянайман оссуарийсида қўлида тарозу ушлаган Рашну тасвирланиб, Сўғд ибодатхоналаридан биридаги девор тасвирида эса, Чинвот кўпригидан боши билан пастга қараб қулаётган гуноҳкор марҳумлар ифодаланган. Ҳукмдан сўнг иккита ит билан гўзал ҳурилиқо пайдо бўлади ва беғуноҳ руҳини жаннатга, Чексиз ёруғлик салтанатига ўтказади. Сўғдлик монийларда ҳам шундай тасаввурлар бўлгани маълум. Гуноҳи ва яхшиликлари тенг бўлганлар руҳи эса “абдий муқимлик макони”да, яъни аросатда қолган. Охират пайтида Зардуштнинг ўғли Саошйант жаннат, жаҳаннам, “абдий муқим макон” ва Чинвот кўпригини ҳам вайрон этади ва марҳумларни тирилтиради. Бошқа муҳитлар қаторида ер, сув ва олов ҳам марҳумларни тирилтириш жараёнида иштирок этиши туфайли, уларнинг рамзлари оссуарийларда акс этган. Шунинг учун ҳам, аجدодларимиз марҳумларнинг суягини авайлаб сақлаган ва уларга сиғинган.^{383: 53-57}

Самарқанднинг Биянайман оссуарийларидан бирида мазкур тасаввурларни изоҳлайдиган шундай тасвир бор (224-расм).



224-расм. Биянайман оссуарийсидаги илоҳлар тасвири.

Икки бармоғини кўтариб турган чапдан учинчи шахсни Ю. Якубов *итоаткорлик илоҳи Соруш*, деб ҳисоблайди. У Митра каби, ҳеч қачон ухламайди, Қуёш ботгач тўртта от қўшилган аробада осмонга кўтарилиб, ёмон руҳларни ҳайдаб, ер ва одамларни ҳимоялайди. Соруш ғазаб ва ёмонлик деви Хашмга қарши курашиб, саҳарда одамларни хўроз қичқариқлари ёрдамида намозга уйғотади ва шу сабаб, хўроз унинг ердаги ҳамроҳи ҳисобланади. Соруш нариги дунёда ўлганларнинг руҳини қабул қилади ва тарозу олдида туриб, яхши ва ёмон ишларнинг миқдорини ўлчайди. Муғлар, девларни ҳайдаш учун марҳум тепасида уч кун намоз ўқиган. Тўртинчи куни эса, Соруш унинг руҳини Чинвот кўпригига олиб кетган. Ўлкамизда қадимда мавжуд бўлган танга қўйиш одатини европалик ва рус олимлар, ўзларига тушунарли Харон шахси билан, зардуштийлар – Соруш билан боғлашлари тушунарли, аммо биз бу одатни изоҳлаш учун Азроил исмини қўллашимиз ҳам мумкин.

Илоҳ икки бармоғини кўтариб туришини олим, яхши ва ёмон аъмолларни ўлчаш белгиси, деб талқин этади.^{161 169} Тошкентнинг Тарих музейида сақланувчи оссуарийдаги тасвирда илоҳ Соруш бир қўли билан марҳумни етаклаб, иккинчи қўлидаги исириқдонни тарозу ушлаб ўтирган илоҳ Рашнуга узатиши ифодаланган (225-расм).



225-расм. Оссуарийда тасвирланган Қиёмат куни саҳнаси.

Олимларнинг таъкидлашича, мазкур саҳна Қадим Шарқдан бошланиб, Шумер муҳрида шунга ўхшаш ҳолат тасвирланган^{145: 115} (226-расм).



226-расм. Қиёмат куни марҳумни Ой илоҳи ҳукмига келтириши.

Орадан минг йиллар ўтганидан кейин, XIII асрда насроний динида ҳам Қиёмат куни марҳумнинг яхши-ёмон аъмоллари тарозуда тортилиш тушунчаси айнан шунга ўхшаш сахнада акс этади (227-расм).

Қадим эътиқодлар асрлар оша халқ орасида сақланиб келишига мисол тариқасида қуйидаги одатни келтирамиз: Хоразмда Кийик-соғган деб аталмиш жойдаги афсонага кўра, қадимда Анбар-она ўғли Ҳуббини қидираётганида кийикни соғади ва бу маскан қадамжога айланади. Унинг олдида тарозу ушлаган бир шайх ўтиради: тарозунинг тош қўйилган палласи пастга қараган бўлиб, уни зиёратчига “бу – сенинг гуноҳларинг”, деб тушунтиради. Зиёратчи бошқа паллага тош қўйиб, тарозуни оғдиради, яъни “яхши ишлари” устун келади ва эвазига шайхга ҳадя беради. Бу сахнада қадимги Қиёмат куни ва



227-расм. Насроний дини фариштаси Михаил Қиёмат кунида.

Чинвот кўпригида тарозу ушлаган ҳакам мавзуси минг йиллар оша сақланиб қолганлиги, айниқса, таажжубланарли ҳол.^{380: 85} Ўлкамизда ҳозир ҳам ўтганлар руҳига атаб садақа бериш ва мазорларда пул ташлаб кетиш одати қадим эътиқодларимиз рамзи кундалик одатга айланганидан далолат бермайдими, ахир.

Оссуарийда тасвирланган ўнг томондаги маъбудани Ю. Якубов *виждон илоҳаси Дин* деб ҳисоблайди. Ўнг қўлида – инсоннинг яхши ва ёмон аъмоллари сақланувчи сандиқча, чапида эса – унинг калити. Бу илоҳа Чинвот кўпригида инсон руҳини кутиб олганида, марҳумнинг яхши аъмоллари кўпроқ бўлса, ёш қиз қиёфасини олган, ёмонлиги устун келса, қари ялмоғиз кампир сифатида гавдаланган. Бизнинг фикримизча, бу – Анахита тасвири. Қўйқирилганқалъада малика хокдони Анахита қиёфасида тасвирлангани бунга мисол бўла олади.

Кўриб турганимиздек, *Қалъалиқир 2 мажмуаси* ўзида мозий эътиқодларимиз маросимларини мужассамлаштириб, *ўтмишни тушунишга бир калит* бўла олиши билан қимматбаҳо тарихий манбадир. Афсуски, мазкур обида, ўзга тарихий ёдгорликларимиз сингари, бизгача бутун ҳолатида етиб келмаган, аммо халқ хотирасида муқаддас жой – зиёратгоҳ сифатида доим эъзозланган. Доирасимон ибодатхонани қандайдир сабабларга кўра (эҳтимол, босқинчилар ёндиришган), умуман тарк этишдан олдин, бировлар макруҳ этмасин,

деб коҳинлар муқаддас олов сўнмасдан сақланувчи махсус хона ва таҳорат қилиш жойларини ғишт билан териб ташлаган.^{187: 205}

Хуллас калом, “Хаома чаноғи” ибодатхонаси ёнғин натижа-сида харобага айланиб, эрамизнинг биринчи асрларида даҳма сифатида ишлатилади. Бу ҳолат ҳам, ўз навбатида, унинг халқ орасида катта минтақанинг диний эътиқод маркази сифатида машҳур бўлганидан далолат беради.

“ШАҲАРЛАР ОНАСИ” – ЕРҚЎРҒОН

Нахшаб – инсониятнинг қадимги маданият марказларидан бири, дунёвий (шоҳ) ҳамда диний (коҳин) ҳукмронлик ришталари ўзаро бирлашиб кетган, эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда Ерқўрғон ибодатхонаси, “тул” маросимини ўтказиш, эрамиздан аввалги VI асрдаги ибодатхона, Ерқўрғон даҳмаси зардуштийлик ақидасига мос тушиши, барашномгоҳ – таҳоратхона, “сагдид” номли таҳорат маросими, ит – хтоник кучларнинг ҳосилдорлик ва ер ости дунёси воситачиси ҳисобланган, Ерқўрғон зардуштийлик дафн маросимини яққол намоён этади, тўқимачилик дастгоҳлари, 12 аср давомида ибодатхона эътиқоди камида уч маротаба ўз йўналишини ўзгартиради, “ўчоқ каттакони”, “келин гулхани”, зулматдан нафратланинг.

Юқорида кўрганимиздек, Олов эътиқоди Аждодлар руҳига сиғиниш билан биргаликда ривожланиб, тўрт минг йил олдин қабр тепасида қурбонлик келтиришдан улкан ибодатхона мажмуалари барпо этишгача кўтарилди. Мазкур эътиқод марказлари шаҳар ва унинг ташқарисидаги бошқа бинолардан кескин фарқ қилиб, ўзига хос мақом ва мавқега эга бўлган. Ўлкамизнинг кўп жойларида мадфан ва ибодатхона вазифасини ўтаган мажмуалар атрофида деворлар кўтарилиб, хонадонлар қурилади, яъни шаҳар қад кўтариб, унинг асосида илк давлатчилик пайдо бўлади.

Замон ва сиёсат зайли билан ибодатхона мажмуаларида диний эътиқод ва у билан боғлиқ маросим ва ашёлар ўзгариб боради, лекин Олов уйларида аждодлар руҳига сиғиниш мазмун-моҳияти жиҳатидан сақланиб қолаверади. Турли динлардан бир шингилдан ўзлаштирилган одатлар вақт ўтиши билан маҳаллий аҳоли томонидан ўзининг асл одатлари ўрнида кўрилади. Шу тариқа, асрлар оша, аждодлар руҳига эътиқод олов устида қурбонлик келтириш,

қабрга марҳумни қурол-аслаҳа ва овқат билан кўмишдан то мураккаб ва ақида тусини олган маросим қоидалари мақомигача кўтарилади.

Ўлкамизда бундай ибодатхона мажмуалари юзлаб учрайди, десак хато бўлмайди. Афсуски, ҳали уларнинг жуда кам қисми ўрганилган ва ўтган юз йил давомида умумлаштирилган диний тадқиқотлар олиб борилмаган ҳисоби. Фақат ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб қатор олимлар ўлкамиз қадимотларини очиб, кўҳна маданиятимизга оид қатор тадқиқотларни қолдирган. Биз шуларга асосланиб, баҳоли қудрат эътиқодлар тизмасини ойдинлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мазкур мажмуалардан бири – ўлкамизнинг *Нахшаби инсониятнинг қадимги маданият марказларидан* бўлиб, Бактрия ва Сўғд чегарасидаги Қарши водийсида жойлашган ва дунёга маълум ва машҳур бўлган бу икки цивилизациядан озуқа олган. Шу ривожланган заминда очилган Ерқўрғон дафн ва ибодат мажмуаси эса, ўлкамизда мавжуд бўлган шаҳар Олов уйларининг турли жиҳатларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан алоҳида диққат-эътиборга сазовор бўлиб, уни ҳар қанча ўргансак арзийди. Унинг тарихида Олов эътиқоди билан аجدодлар руҳига сажда қилиш эътиқодининг замон узра силжиши ва ўзга динлардан одатлар ва маросимлар ўзлаштиришини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, шу заминда вужудга келган Қарши воҳасининг “Шаҳарлар онаси” – Ерқўрғон 2900 йил олдин девор билан ўралиб, эрамиздан олдинги IX асрдан то эрамизнинг VI асригача, яъни 1500 йил давомида Қашқадарё воҳасининг пойтахти, Сўғднинг Самарқанддан кейинги иккинчи шаҳри – Нахшабнинг диний маркази бўлиб келган. Эфталитлар давлати қулагач, туркий ҳукмронлик даврида Қашқадарё маркази Насаф шаҳрига ўтади. У эса, араблар босқинига қарши сўғдликларнинг кураши ва Муқанна қўзғолонининг марказига айланади, IX-XII асрлар орасида эса юксалиб, Қорахонийлар даврида шуҳрат чўққисига эришади. Биз учун муҳим жиҳати шундаки, Ерқўрғон ибодатхонасини ўрганиш осон, чунки вайрон бўлганидан кейин устига ҳеч нарса қурилмаган. Самарқанд, Хива ёки Бухоро албатта кўпроқ далиллар бериши мумкин, аммо бу шаҳарлар минг йиллар давомида жойидан қўзғалмаган ва аҳоли уларда яшаш асносида маданий қатламлар бири иккинчисини устма-уст қоплагани туфайли, қазиш ишлари қийинлаштирилган.^{391: 7}

Ерқўрғон мажмуаси Р. Сулаймонов томонидан чуқур ва батафсил ўрганилгани ва қиёсий таҳлилга яхши асос беришини

таъкидлаган ҳолда, фурсатдан фойдаланиб, олимга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ерқўрғон ибодатхонаси диний эътиқод маркази мақомида фақат атрофдаги қишлоқлар эмас, балки бутун Нахшаб аҳлининг байрам ёки диний маросимлар ўтказиш жойига айланган. Одамлар қурбонлик келтириш майдончасида жамланиб, катта саҳналаштирилган маросимлар ўтказган. Эсланг, исломдан аввал ҳам Макканинг марказида 360 бут-илоҳлар ва қурбонлик майдончаси бўлгани туфайли, у барча арабларнинг топиниш ва эътиқод марказига айланиб, барча араблар йилига икки маротаба унга ҳаж зиёрати қилишган.

Меъморий жиҳатдан Ерқўрғон ибодатхонаси ўзининг тарҳи билан Оролбўйи қабилаларининг қадимги дафн иншоотлари ва қўрғонларига жуда ўхшашиб кетади. Бунга мисол – марказий залдаги супалар, марҳумларнинг айланма хоналарда сақланиши ва бинонинг баланд очиқ платформаси.

Вақт ўтиши билан мажмуа марказидаги ибодатхона ҳукмрон саройи билан қўшилиб кетади ва шу билан дунёвий (шоҳ) ҳамда диний (коҳин) ҳукмронлик ришталари ўзаро бирлашиб кетганини ифодалайди. С. Толстовнинг таъкидлашича ҳам, Хоразмнинг илк шаҳарларида аввалига марказда жамоа ибодатхонаси жойлашган бўлса, эрамиз бошларига келиб, марказда ҳукмрон қароргоҳи қад кўтаради.^{391 8}

Бир сўз билан айтганда, Ерқўрғон сулола мадфанида мужассамлашган барча маросимлар ўлкамиздаги дафн аҳидаси ва қадимги аҳолида аждодлар руҳига бўлган эътиқоднинг замонлар оша ривожланиб борганлигидан далолат беради.

Узунлиги 70 м ва баландлиги 11 м келадиган Ерқўрғон марказида қад кўтарган икки зинали қуббасимон иншоотнинг ғарбий ва шарқий биқинларида маросим майдончалари жойлашиб, шаҳарга қараган томони дабдабали кириш мажмуаси бўлган. Мадфан зиналари йирик маросим байрамлари арафасида вақт-вақти билан ганч сувоқ қилинган. Қуббали дафн иншоотлари меъморий анъана жиҳатидан эрамиздан олдинги IX-VIII асрларга мансуб бўлган Тагискен мажмуасига бориб тақалади. Ерқўрғон мадфани тепасидаги тишсимон тарҳ эса Сўғдда учрайдиган энг қадимги тарҳлардан ҳисобланади.

Эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда Ерқўрғон ибодатхонаси 13,2x7,5 м ўлчамли тўртбурчак хона бўлган. 15 та арксимон токчалар ўйилиб, ҳар бир томоннинг марказдагиси каттароқ бўлган. Шимолий деворининг марказий токчаси тагида энли тўғрибурчак саҳн

кўтарилиб, унга қурбонлик тортиқлар қўйилган бўлиши керак. Битта токчада эса – эркак кишининг кўкраккача сақланиб қолган тасвирида кўзлари ўта пурмаъно, бошида учли қалпоқ ва атрофида ёрқин нимб қолдиқлари сезилади. Р. Сулаймоновнинг фикрича, улар бажарилиш услубига кўра, Хоразмдаги Тупроққалъа ва Купшон даври Бактрияси топилмаларига ўхшаш бўлиб, Сўғд ҳудудида топилган энг қадимий осори атиқалар сирасига киради. Марказий девор токчаларининг бирида квадратлар ичига сариқ охра билан кичик салиблар чизилган. Ибодатхона деворларига турли мазмундаги расмлар чизилиб, токчаларда ибодат ашёлари жойлашган ва улар ҳам тасвирлар ва бутлар билан безатилган.^{391 93-97}

Ибодатхонага кириш эшигининг рўпарасидаги деворнинг энг катта тахмонида Илоҳ ҳайкали жойлашган. Демак, марказдаги илоҳ ҳайкали асосий бўлиб, қолган токчаларда турли соҳа илоҳ-ҳомийларининг бут-ҳайкалчалари қўйилган, дея тахмин қилсак бўлади. Худди инсонлар жамиятига ўхшаб, улар сиғинган худолар ҳам табақалангани тан олинган тизма бўлиб, улар орасида “Бот Худо” ва турли соҳаларга ҳомийлик қиладиган ўз илоҳ-маъбудалари бўлган.

Иккинчи тахмин: марказда шу қабилага асос солган аждодининг ҳайкали жойлашиб, атрофида у яратган сулола вакиллариининг ҳайкалчалари қўйилган (228-расм).

Бунинг таажжубланарли жойи йўқ, чунки шу мажмуанинг ўзида дунёвий ва диний ҳукмронлик бир қўлда мужассамлашганлиги аён. Яъни қабила бошлиғи – ҳам шоҳ, ҳам коҳин бўлган. Шу тариқа, иқтисодий-хўжалик бошқаруви ришталари ғоявий-маънавий йўналтириш билан бирга бир киши қўлида уйғунлашган. Албатта, бундай шароитда унга аждодлар руҳига эътиқодни мустаҳкамлаш ҳам қарз, ҳам фарз бўлган.

Қадимда, Ерқўрғон ҳайкал-бутларига ўхшаш бўялган ҳайкаллар ўлкамиз мақбараларида ҳар йили ўтказиладиган маъракаларда марҳумни ифодалаш учун ўрнатилиб, атрофида яқин



228-расм. Ерқўрғон ҳукмрони ҳайкалининг боши.

қариндошлари тўпланган. Юқорида таҳлил этганимиздек, олимлар бу одатни туркийзабон халқларда кенг тарқалган “тул” маросимини ўтказиш билан боғлашади: йиллик хотирлаш маъракасида яқин қариндошлар даврасининг ўртасига марҳумнинг тасвири ёки ҳайкали қўйилган, рўпарасида қурбонлик келтирилиб, турли хотирлаш маросимлари ўтказилган. Фарғона ва Сирдарёнинг ўрта оқим қабилаларида ҳам мадфанларга ва ибодатхоналарга бутлар қўйилиши қадимда кенг тарқалган. Фарғонада Қайрағочдан топилган турли бутлар аждодлар руҳига сажда пайти ишлатилган. Аждодларимиз тасавурида марҳумнинг сийратини ифодалаган бут-ҳайкалда нариги дунёда яшайдиган руҳи макон топиб, айнан у абадий бўлган. Олдинига олимлар тул маросими фақат туркий халқларда мавжуд бўлган деб ҳисоблашган, аммо кейинчалик, шундай маросимлар Пасха оролларида, хитойликлар, Африка қабилалари, славянлар ва бошқаларда ҳам кенг тарқалгани исботланади. Тул маросимининг маъноси қуйидагича бўлган: қўғирчоқ марҳумнинг тимсолини ифодалайди, шунинг учун уни боқиш керак ва шунда ундаги руҳ тирикларга ёрдам беради.^{497; 402; 120; 391; 299; 237; 52-53; 278; 259}

Устунли залда дафн маросимлари ва аждод-фравашилар эътиқоди билан боғлиқ ҳар йиллик хотирлаш зиёфатлари ўтказиш одати, Хитой муаррихларининг айтишларича, Тошкентда ва, Беруний таъкидлашича, хоразмликларда ҳам ривож топган. Мақбара мажмуаси ўлкамизда анъанавий равишда дафн этиладиган гўрхона ва хотирлаш маросимлари ўтказиладиган зиёратхонага бўлинган. Самарқанд ва Бухорода сақланиб қолган мақбаралар шунга мисол.^{391; 150; 403; 201-203; 73; 236; 75; 272}

Р. Сулаймоновнинг тахминича, ибодатхона деворларига турли мазмундаги расмлар чизилган бўлиб, токчаларга ибодат ашёлари қўйилган ва тасвирлар билан безатилган. Дарҳақиқат, зал устунларидан бирида, марказий девордаги ҳайкалга қаратилган томонида, баландлиги 40-50 см келадиган иккита одам тасвири мавжуд. Бирининг чап қўлида атама учбарг, ўнг қўлида эса – ип ўралган йигириш урчуғи, иккинчисининг ҳам чап қўлида учбарг, ўнг қўлида эса – қандайдир ҳалқасимон нарса, эҳтимол, гулчамбар. Устун сатҳидаги бошқа тасвирларни икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси – тоғ тепасидаги фантастик қуш ва дарахт тасвири. Иккинчиси эса – оташгоҳ. Яъни биз олдин кўриб чиққан Ҳаёт дарахти мавзуи ўлкамиздаги қадим анъана ва узлуксизликдан далолат беради. Битта расмда аллақандай уч томли ибодатхонага ўхшаш бино акс этган. Р. Сулаймоновнинг, устундаги бу тасвирлар ибодатхонанинг илк

даври – эрамиздан аввалги IX-VIII асрларга тегишли бўлиб, марказий девор тахмонида жойлашган илоҳнинг катта ҳайкалига боғлиқ, деб ҳисоблаши бежиз эмас.^{391: 110}

Ерқўрғонда топилган каптар, каклик ва бошқа қушларнинг ҳайкалчалари ҳам нариги дунё тушунчаси билан боғлиқ бўлган, чунки ўлкамиз афсоналарига биноан, марҳумнинг руҳи танани каптар тимсолида тарк этади, шунинг учун уни ўлдириш гуноҳ саналган. Шунингдек, от устидаги чавандознинг бўялган ҳайкалчалари топилган. Баъзилари сак қабилаларига хос учли қалпоқларда тасвирланганлигига кўра, эҳтимол, от устидаги эркакларнинг сопол ҳайкалчалари энг муҳтарам ва эъзозланувчи аждодларнинг тасвири бўлиб, маросимлари зардуштийликдаги фравашилар эътиқодига яқин туради. Эгнидаги шоҳона либослари, бўйнидаги тилла камар ва пешонасидаги йирик тошли тож уларнинг оддий одам бўлмаганидан дарак беради. Айрим отлар чавандозсиз бўлиши эса, қадим от эътиқодига тақалади: Самарқанддаги Вархуман саройи деворидаги маросим рангтасвирида илоҳга қурбонликка ёки ҳадяга келтирилган от расми бор. Ерқўрғон ибодатхонасида топилган от ҳайкалчасининг думбасида тамғаланган свастика тасвири от Қуёш илоҳига бағишланганидан далолат бериб, свастиканинг илмоқсимон учлари хионит-эфталит даврига оид Хоразм тангаларидаги тамғаларга ўхшаш. Марказий девор токчаларининг бирида тўртбурчак шакллар ичига сариқ охра билан чизилган кичик салиб тасвирлари мавжуд.^{328: 6-88; 391: 150, 214-215; 216: 33-109; 278: 375}

Залнинг катта тахмони тагига катта сатҳ кўтарилиб, унинг иккита кенг зиналаридан юрилмаган, улар атама ҳадялар қўйиш ва қурбонлик келтириш учун ишлатилган. Битта зинанинг лой сувоғига кўмилган иккита атама бронза ойна (кўзгу), бу даврга келиб, ибодатхона аёл маъбудасига бағишланганидан далолат беради. Р. Сулаймоновнинг фикрича, бу даврда Ерқўрғон ибодатхонаси шаҳар ҳомийси илоҳасига бағишланган. Археологик қазилмалар билан боғлиқ далилларга қараганда, яна вақт ўтиши билан, унинг ўрнини эркак илоҳ ҳайкали эгаллайди.

Мазкур қатлам топилмалари ва тасвирлари ибодатхона аввалига шоҳ сулола ва қабиланинг ҳомий илоҳларига бағишлангани ва шунга яраша маросимлар ўтказилганидан далолат беради. Бу давр анимизм, тотемизм ва бутпарастлик эътиқодлари билан боғлиқ бўлган.

300 йил ўтгач, эрамиздан аввалги VI асрда, 15та токчадан фақат 3таси қолади: шимолий, ғарбий ва шарқий деворларда. Шарқий ва ғарбий токчаларнинг баландлиги ва чуқурлиги камайтирилиб,

шарқий токчанинг тагига атама ҳадя ва қурбонликлар қўйиш учун супа тепасига зинасимон сатҳ қўшилади. Яъни илоҳлар мажмуаси ўзгаради ва, шунга мос равишда, сиғиниш меъморчилиги ҳам ўзгаради. Айнан шу марказий шимолий девор супасининг нишабли сатҳида олов ёқилган. Яъни ибодатхона Олов уйига айланади. Кейинчалик, зал уч хонага бўлиниб, ўртадагисида оташкаду, икки ёнидаги хоналарда эса, бахшида атамалар ва яроқсиз ҳолга келган эътиқод буюмлари (исириқдон, қозон ва ҳоказолар) сақланади.^{391: 256: 406: 545} Марказда жойлашган устунли катта зал атрофи махсус хоналар ва гир айланма даҳлизлар билан ўралади. Балки айланма даҳлизларда оловнинг энг олий кўриниши – Қуёш ҳаракатини ифодаловчи маросимлар ўтказилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ерқўрғонда аёл маъбудаси ҳайкалининг ўрнига олов меҳроби пайдо бўлган. Айрим олимлар, ҳовли, айвон ва муқаддасхонанинг бир-бирига нисбатан чизиқ тизмали боғлиқлигини уларда ўтказилган маросимларнинг анъанавий равишда бир хиллигини сақлаб қолганлиги билан тушунтиришади. Ерқўрғон ибодатхонасининг ҳовлисига кирган одам айвон деворидаги турли тасвирлар, токчалардаги ҳайкалчаларга рўпара бўлиб, муқаддасхона тўридаги илоҳа ёки маъбуд томон баландлашиб борган зиналардан кўтарилган. Панжикент ибодатхоналарида худди саҳнага ўхшаш ўйин усуллари қўлланганини эсланг. Барча ибодатхоналардаги мавжуд олов меҳроби эса, диний таъсирни кучайтириб, ибодатга келганларнинг воқелиқдан узилиб, эътиқод оғушига киришига ёрдам берган.^{338: 57}

Айнан шу э. о. VI асрдан бошлаб эрамизнинг III асригача Ерқўрғон ибодатхонасидан топилган атама ҳадялар сирасига сопол қолдиқлари ва қурбонлик этилган турли ҳайвонларнинг суякларидан ташқари, камон ўқининг темир найзачалари, ҳарбий совут нуқралари, кичик бронза михлар, каури чиғаноғи, майда шиша маржонлар, қадим дунёда деярли барча ўлкаларда муқаддас ҳисобланган Бухоро буғусининг шохлари, зар югуртирилган йирик саккизқиррали бронзадан ясалган юлдуз кабилар ҳам кирган. Тилладан ишланган шаҳар мудофаа деворининг бир қисмини акс эттирувчи буюм тумор вазифасини ўтаган бўлиши керак. Мазкур атама ҳадяларнинг барчаси ибодатхонада – кул тагидаги лой қатлами остидан топилгани оловга сажда пайтида қилинганидан далолат беради.

Ибодатхонанинг марказий, шимолий девордаги катта токча ҳам ғиштин девор билан териб, ёпилади ва тагига диний маросимлар учун ишлатилган учта нарса кўмилади: типратикан шаклидаги

тилла тумор (229-расм), агат(ақиқ)дан ўйилган Силен ҳайкалчаси ва кичкинагина қурбақа.

Буларнинг ҳаммаси – зардуштийлик дини кириб келганидан дарак берган: Зардуштийликка биноан, илонларни ейдиган типратикан, инсонлар ризқининг асоси – донни ташувчи чумолиларни йўқ қилади. Ўша даврда типратикан ҳайкалчалари ва тасвирлари Хоразм ва Бактрияда кўплаб учрайди. Шу билан бирга, типратикан қайси диний қатламга мансублигини аниқ



229-расм. Тилла типратикан ҳайкалчаси (Ерқўрғон).

айтиш қийин, чунки у, зардуштийликдан олдин ҳам аҳоли томонидан эъзозланган. Бу қурама сиймода диний эътиқодларнинг бир-бирига сингиб, аралашиб кетиши ёки қадим эътиқод рамзимиз зардуштийликка ўтганидан далолат беради.

Ерқўрғонда сўнмас муқаддас олов алоҳида хонада сақланиб, унинг кули ҳам муқаддас ҳисобланганлиги учун ибодатхонадан ташқарида махсус жойда тўпланиб, қатламма-қатлам лой билан сувалган. Меҳроб атрофидаги кул уюмларида суяк ва сажда анжомлари – суюқлик учун идиш-товоқ мавжудлиги зардуштийликдан олдинги қадим оловга сиғиниш шаклларида далолат беради. Зардуштийликда олов ва кул муқаддас саналган, шунинг учун ўзга нарсалар ташланмаган.^{478 167}

Зардуштийлик эътиқоди даврида ибодатхонада оловга топиниш урфи сақланади ва бу одат турли эътиқодлар билан биргаликда қурама шакл касб этади. *Ерқўрғон даҳмаси зардуштийлик ақидасига мос тушишга* мисол сифатида жануби-ғарбий қисмида майитларни ташқарига қўйиш учун тошдан терилган платформа мавжудлигини келтириб ўтиш мумкин. Айнан шу усул ўрта асрларда Самарқандга зардуштийлар юборган мактубда кўрсатилган.^{352 140}

Даҳманинг ғарбий қисмида унинг минорасига тақалган кенг майдон маркази бўйлаб пишиқ ғиштдан ишланган йўлак ўтади ва Р. Сулаймонов уни, мажмуанинг ибодатхонасидан камида 30 м узоқликда жойлашиши шарт бўлган *барашномгоҳ – таҳоратхона*, деб тахмин қилади. Барашном – зардуштийликда дафн маросими ўтказишнинг энг муҳим қисми саналиб, суякларни тозалайдиган ходимлар ҳамда қоҳин ва майитнинг қариндошлари унда таҳоратдан

ўтиши мажбурий бўлган. Унда ўтказилган таҳорат пайтида, покланувчининг оёғини тупроққа тегизмасдан пишиқ ғишт терилган йўлакдан олиб юришган ва шундан сўнггина таҳорат ниҳоясига етиб, одам наҳсдан покланди, деб ҳисобланган. Таомил бўйича, таҳорат учун муқаддас саналган буқанинг сийдиги, кейин қум ва охирида маросим учун тоза сув ишлатилган. Таҳорат асносида ўнг томондаги қоҳин покланувчининг устидан буқа сийдиги, қум ва сув қуйиб келган, чап томондаги қоҳин эса “тўрт кўз”, деб аталувчи итни етаклаб, “сагдид” номли таҳорат маросимини ўтказган. Диний маросимларда зардуштийлар олдин итига овқат бериб, шу пайт намоз ўқишган ва кейин ўзлари таомларга қўл урган. Ит ёмон кучларни қувиш хосиятига эгаллиги туфайли, “барашном” маросимида иштирок этган. Бу хусусият кўпроқ “тўрткўз”, яъни кўзларининг тепасида иккита доғи бор итларга хос, деб ҳисоблашган. Шу “кўзлари” билан бу итлар ёмонликни пайқашган. Рус халқида ҳам қора итнинг кўзлари устида оқ доғи бори ёмон кучларни пайқашига ишонишган. Хоразмда XX асргача кўзлари тепасида доғи бор “дўрткўзли ит” макруҳ ҳисобланиб, ҳовлида бунақа ит тутишмаган.^{378: 319; 268: 13}

Айнан шундай итлар инсонлар руҳини овлаши ва нариги дунё остонасида кутиб олиб, ҳамроҳ бўлишига қадим ҳиндлар ишонишган. Авестода эса, ит йўқ уй мустаҳкам бўлмаслиги ва унинг ўлими инсон ўлимига тенглашиши айтилган. Уни ҳам даҳмага чиқариш уқтирилган ва Чинвот кўпригида иккита ит посбон бўлиб туриши айтилган. Шунинг учун, итларни яхшилаб боқиш керак, чунки улар нафақат уй ва подани қўриқлайди, балки эгаси тириклигида яхши қараган бўлса, Чинвот кўпригида ёрдамга келади. Чинвот кўприги олдида ёмон кучлар келиб, марҳум руҳини эгаллаб олишга уринади, ердаги итлар руҳни ердаги ёвуз кучлардан, самовий итлар эса, самовий ёмонликдан ҳимоялайди. Яъни мазкур итлар ер ва само қатламларини қўриқлаши туфайли, инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Аввалига, Аҳура Мазда илк одам Гопатшоҳни ёвуз кучлардан қўриқлашни еттига “Халоскор”га топширади. Аммо улар буни удалай олмаганидан сўнг, бу вазифани “сариқ қулоқ” (Зарринго) итга топширади ва у Митра билан Чинвот кўпригида бегуноҳлар руҳларини ҳимоялайди. Марҳум хонадонидан кимдир қоҳинга бориб, абадий ҳаёт рамзи бўлган битта тухум берган ва “фалончининг руҳи йўлга чиқди”, деган. Қоҳин тухумни тиловатлар қилиб, кўмир чўғларида димлаган ва, шу тариқа, софланган тухумни “тўрткўз” итга берган ва у билан марҳум уйига бориб, “сагдид” – “ит ёрдамида

кўриш” маросимини ўтказган. Ит майит кўксига қўйилган нон бўлақларини еган заҳотидан, марҳум руҳини қўриқлаган. Таҳоратдан сўнг дафн либоси кийинтирилган ва “сагдид” иккинчи марта ўтказилган. Учинчи сагдид даҳмага киришдан олдин бажарилган. Дафндан кейин уч кун давомида марҳум уйи ва даҳма ёнида олов ёқилган.^{478: 52}

Хитой муаррихи Вэй-цзе маълумотига биноан, Самарқанд атрофларида VII асрда ҳам, майитларнинг этини еб, тозаловчи махсус итлар боқилган. Эҳтимол, шу сабабдан, Тўйтепадан топилган оссуарийда ит боши тасвирланган.^{341: 107-108}

Ит зардуштийликдан олдин ҳам ўлкамизда тотем сифатида эъзозланган. Умуман олганда, кўп халқлар мифологиясида ит нариги дунё билан боғлиқ ҳайвон сифатида кўрилган ва кечаси увиллай бошлашини ўлим яқинлашиши билан уйғунлаштиришган. Юнон диний мифологиясида *ит хтоник кучларнинг ҳосилдорлик ва ер ости дунёси илоҳи ҳисобланган* (турли халқларнинг мифологиясида итлар ҳақидаги маълумотни тўлиқ равишда кўришингиз мумкин).^{238: 161-169} Ўлкамизда қадим замонларда итларни ўлган хўжайини билан бирга ёки алоҳида дафн этиш одати бўлиб, Хоразмдаги эрамиздан олдинги I мингйиллик ўрталарига мансуб бўлган Дингилжи масканидан топилган учта ит бош чаноғининг мадфани маълум.

Қиш пайти майитни ташқарида тозалаш имкони бўлмагани туфайли, Ерқўрғон ибодатхонасининг ғарб томондаги хонасида марҳумни баҳоргача сақлашга мўлжалланган махсус жой – ката бўлган. Зардуштийлик талабларига биноан, полига ғишт ётқизиблиб, кириш жойи ҳам ғишт билан териб ташлангани ҳам шундан далолат беради. Ерқўрғон ибодатхонасининг шарқий томонидаги майдон эса, суяклар қўйилган катта хокдонлар сақланадиган наус вазифасини ўтаган. Диний йиллик байрамларда унга хумлар қўйилиб, хотирлаш маросимлари ўтказилган. Аммо олимлар уларнинг ҳақиқатан ҳам наус (қадимий Хоразм шеvasида “фравартик”) бўлганига шубҳаланишади.^{499: 27, 391: 298} Шу ердан тилла ва ўзга тангалар топилиши ўлкамиз мақбараларида тарқалган “Харон ҳақи” одатини билдиради, яъни нариги дунёга тинч ўтиш учун рамзий ҳақ тўлаш.^{384: 48: 460: 144: 322: 145}

Ерқўрғон зардуштийлик дафн маросимини яққол намоён этади. Марҳум икки устунли залнинг ўнг томонидаги тўртбурчак баланд супага ётқизиблиб, руҳига бахшида намоз ўқилган. Бошидан жануб томонига оташгоҳ қўйилган. Шарқий томонидаги учта чуқурчага, эҳтимол, қурбонлик тариқасида хушбўй суюқлик тўкилган. Зал

ёнидаги хонада эса, хумларда аёл ва эркак суяклари сақланиб, ёнида уларни тасвирлаган ҳайкалларнинг синиқ бўлаклари топилган. Бу эса, мазкур хона наус ёки уздана, яъни суяклар сақланадиган жой бўлганидан далолат беради. Наусда хокдонлар олдида лойдан ясалган ҳайкал синиқлари топилган. Лой ҳайкаллар ўрнатиш одати илк бор Оролбўйи хионитларининг Қангагирқалъа ва Кўҳна Увайсдаги ҳукмронларнинг дафн мақбараларида акс этган: марказда оташгоҳ бўлиб, атрофида тозаланган суяклар туюмлари жойлашган. Маросим пайтида бўялган лой ҳайкаллар ишлатилган. Залдан шарқдаги хонада кўплаб кичик оташгоҳлар ва маросим тановулида ишлатиладиган идиш-товоқлар топилгани боис, уни хотирлаш хонаси, деб ҳисоблашади.

Ерқўрғон аجدодлар мажмуаси зардуштийликнинг дафн маросимлари маҳаллий урф-одатлар билан қоришиб, даврлар оша сиёсий ва ирқий муҳит ўзгаришига мослашиб борганлигини кўрсатади. Қадим замонлар ва ўрта асрларда ибодатхоналар ўз илоҳ-маъбудаларини ўзгартириб турган. Буддавийлик ибодатхоналарига оташкаду қўйилган ва аксинча бўлган ҳолатлар ҳам маълум. Янги босқинчилар келиши ёки ҳукмронлар эътиқодининг ўзгаришига қараб, ибодатхона бағишланган эътиқод ва илоҳлар ҳам ўзгарган. Аввалига бутлар, кейин маъбудалар, кейин эса олов меҳроблари ва ниҳоят, масжидлар жойлашган. Бундай ҳолат, умуман олганда, барча давлатлар ва халқлар учун хос бўлиб, эътиқод марказлари халқ таомили ва хотирасида муайян бир жой билан боғлиқлиги туфайли қизиқдир.^{387 7-50}

Эрамизнинг III асрига доир қатламда эса, наусларда суяк сақланадиган хумлар олдида 200 дан ортиқ ва баъзи ҳолларда шу ернинг ўзидаги ҳайкал олдида тўқиш дастгоҳида ип йигириш учун ишлатиладиган лангарчалар атама этилган. Шунингдек, *тўқимачилик дастгоҳлари* ҳам топилиб, улар қадимда қабр ичига ҳам қўйилган. Эҳтимол, улар тақдир илоҳасига бахшида бўлгандир. Унинг тасвири Тупроққалъа сарой ибодатхона мажмуасидаги дафн маросими тасвирида мавжуд. Р. Сулаймоновнинг фикрича, бу ҳолат Ариадна илоҳаси билан боғлиқ одат. Ариадна нариги дунё илоҳаси сифатида инсонлар тақдирининг ипини ўз қўлида ушлаган ва, айти пайтда, ип йигириш ва тўқимачилик соҳаларининг ҳомий маъбудаси бўлган. Бу атама ҳадялар ҳинд эътиқодлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, Кампиртепа ва Чирикработда ҳам топилган. Ўрта Осиёда тўқишнинг машҳур ҳомийлари Деви-Сафед ва Биби-Пайшанба ҳамда тўқувчилар ҳомийси Биби-Расанда маълум бўлиб, сешанба куни эса – одамларга жаннатга тушишга мадад берувчи Биби-Сешанбага

бағишланган. Бу “момолар” – қадим урф-одатларнинг афсонага ўтган шаклидир, деб ҳисоблайди Р. Сулаймонов.^{422 152 391 301-302, 81: 47}

Шу тариқа, тахминан 12 аср давомида Ерқўрғон ибодатхонаси эътиқоди камида уч маротаба ўз йўналишини ўзгартиради ва даврлар ўтиши билан аҳоли топинадиган илоҳ-маъбудларнинг ҳам ўзгариб боришини акс эттиради. Бу мажмуа қарийб араблар истилосига қадар фаолият юритади ва атроф қишлоқларнинг марказий ибодатхонаси вазифасини ўтайди.

Келтирган далиллардан қуйидагича тахмин чиқариш мумкин: салкам 3000 йил олдин қурилганида, бу ибодатхона аجدодлар эътиқоди билан боғлиқ марказий ва иккинчи даражали илоҳ-маъбудлар саждагоҳи бўлиб, Олов эътиқоди билан боғлиқ маросимлар эса оташгоҳ атрофида ўтказилгани қадим аجدодларимизнинг ибтидоий диний эътиқод-тасаввурларини акс эттирган.

Умуман олганда, Олов уйлари ҳатто Ислом кириб келганидан кейин ҳам сақлангани мазкур эътиқод халқ орасида чуқур ўрнашганидан далолат беради. Хоразм Жигирбентида X асрда ҳам Олов уйи очилган. Самарқандда эса, сомонийлар даврида X асрда оташ-парастлар мавжуд бўлиб, уларга Шаҳристон (Афросиёб)га келувчи сув қувурларини назорат этиб, тартибда сақлаш топширилган. Эвазига улар солиқларни пул билан тўлашдан озод этилган.^{54 163} Истаҳрий ва Ибн-Ҳавқал ҳам Самарқандда X асрда Олов уйлари мавжуд бўлганидан дарак беришади.^{58: 57}

Плано Карпинийнинг 1246 йилга мансуб маълумотларида ҳикоя қилинишича, туркий қабилаларда марҳум ҳукмронни дафн этишгач, иккита гулхан ёқиб, ёнига иккита найза санчишган ва учларидан арқон тортишган. Шу икки олов орасидаги арқон тагидан марҳумнинг яқин қариндошлари ўтиб, покланиши лозим бўлган. Шу пайт икки томонда турган икки аёл дуолар ўқиб, уларнинг устига сув пуркаган.

Осиёда оловга сиғиниш барча поғоналарда мавжуд бўлиб, қозоқ ва қирғизларда XX асрда ҳам сақланиб қолган. 1740 йили ёзилган Жонас Ганвейнинг “Саёҳатнома”сида Боку ёнидаги Каспий денгизи соҳилларида мавжуд қудуқларда учрайдиган сўнмас олов ҳақида гапирилади. Уларнинг тепасида ёйсимон 3-5 метр баландликдаги тош ибодатхоналар қад кўтариб, меҳробдан газ кўтарилиб, ёниб турган ва унга сиғинишган.

Хоразмда XX асрда ҳам қаландархоналарда катта думалоқ ўчоқлар атрофида дарвишлар сажда қилгани маълум.^{379: 88} XX аср бошида Самарқанднинг Каттақўрғондаги айрим қишлоқларида

Ўчоқпарастлик сақланиб қолиб, Боғли қишлоғида алоҳида девор билан ўралган жойдаги ўчоққа сажда қилишга атроф қишлоқлардан одамлар келгани маълум. Ораларидан сайланган мўйсафид “Ўчоқ каттақони” ёки “Ўчоқ эгаси” сифатида қурбонликлар келтирган, яъни ўзига хос қоҳин вазифасини бажарган. Ривоятларга кўра, қишлоқ чеккасидаги учта катта тош улар учун муқаддас саналиб, уларга зиёрат қилинган. Бу тошлар устида туғ ўрнатилиб, жойнинг ўзи оловга сиғиниш ҳомийси саналган “Нажмиддин-ота” номи билан аталган. Бу эса, мазкур ҳолат Хоразмдаги Кубравий дарвишлар мазҳабининг асосчиси Нажмиддин Кубро билан боғлиқ эмасмикан, деган савол туғдириши табиий ва, айти пайтда, жуда қизиқарли. Бу эътиқодга риоя қилмайдиган аҳоли ҳам ўз мушкулотларига ечим ва касалликларига шифо тилаб, мазкур Ўчоқ шайхига мурожаат этганлиги қизиқ, албатта. Мазкур жойда қўй ёки эчки қурбонлик келтирилиб, шайхга териси ва боши берилган. Гўштидан қурбонлик таоми тайёрланиб, шу динга эътиқод қилувчилар чақирилган, ўзгалар қатнашмаган. Қурбонлик суяклари тўпланиб, бир жойга кўмилган, қонини эса, шайх беморнинг бадан аъзоларига тегизган. Панж дарёсининг тепа оқимида бирор эпидемия пайдо бўлганида, қишлоқнинг ҳар бир уйи олдидан қизил буқани олиб ўтишган экан ва аҳоли унга қўлини тегизиб “мани балоим сенга ўтди”, дер экан. Кейин буқани мазорда қурбонлик келтириб, қонини бир идишга тўплашган ва мазор ёнидаги дарёга тўкишган экан. Гўштини пишириб мазор тепасида ейишган, боши, оёқлари, ичаклари ва суяklarини терисига ўраб, дарёга ташлашган. Таомдан сўнг шайх 3 тадан 7 тагача пилик ёқиб, ўчоққа қадаган. Кафтларини уч марта оловга яқинлаштириб: “Омин! Касалга шифо бергин!” деб дуо тортган ва бу жараённинг “тавоф” дейилиши диққатга сазовор. Шунингдек, мой сепиб, “Айланай, Ўчоқ-Бобо, садағангиз кетай!”, дейиши, зикр тушгандаги айланма ҳаракат қилишга уйғунлашади. (Ўчоқ кулини тўғри келган жойга ташламаслик одати менинг ёшлигимда ҳам бўлиб, онам алоҳида жойга кўмишни тайинлар эдилар ва, акс ҳолда касал келади, деб уқтирардилар). Самарқандда беморнинг оиласида “жаҳр” ёки “зикр” уюштиришган, эшон ёки ҳалифини чақириб, қўй ёки эчкини қурбонлик келтириб, қатнашганларга гўштини тарқатишган. Аёллар жаҳрида отинойилар дуолар ўқиб, доира чертган ва қурбонлик таоми ейилган. Агар оила камбағал бўлса, қўй ўрнига бозордан қўйнинг бошини олиб, жаҳр уюштиришган. XX аср бошида, тадқиқотчиларнинг маълумотларига биноан, келин эрининг уйига кириши билан уйдаги “ўчоққа таъзим” қилган ва кейин руҳларни

рози қилиш учун исириқ тутатишган. Айрим жойларда ўчоққа мой тўкишган. Тошкентдаги “келин салом” маросимларида биринчи салом, одатда, ўтган аждодлар руҳига бағишланган. Уй аъзоларидан бири касал бўлганида пилик ёқилган. Рамазон келганида арвоҳларга атаб пилик ёқилиб, ўчоққа тиқиб қўйилгани халқ эътиқодининг нақадар кучли эканидан далолат беради. Жума ва якшанба кечаси ҳам муайян аждод руҳига атаб пиликлар ёқилган ва мазор ҳамда қари дарахтлар тагида ҳам пилик қўйилган. Ўзбекларда “Арвоҳ урсин!” ва “Ўчоқ урсин!” деб қарғашгани ҳам халқ эътиқодидан дарак беради.^{26 135-137}

Олдинги замонларда Бухорода куёв келиннинг уйига қоронғи тушганида келганида уй олдида катта гулхан ёқилиб, келинни ўз уйига кечаси олиб келганида ҳам уйи олдида катта “келин гулхани” ёқилган. Ўратепада ҳам куёв жўралари билан келин уйига кечаси машъаллар ёқиб боришган ва келинни олиб келишганида эса, катта гулхан ёқилган. Масалан, Фарғона Чустида келинни кечқурун олиб келишганида уй олдида катта гулхан ёқилиб, атрофида уни уч марта от устида ёки пиёда айлантириб, кейин уйга олиб киришган.^{192 132-134} Келинни қоронғида олиб келишганида оловни ёритиш учун ёқишган, деган хулосага қўшила олмаймиз. Назаримизда, бу одат олов эътиқоди ёмон кучларни ҳайдаб, барака келтириши билан боғлиқ бўлган.

Хоразмда ХХ аср бошларида ҳам келинни эрининг уйига олиб киришдан олдин ҳовлида катта гулхан ёқилган ва унинг устидан келин ўтирган арава ўтган. Яқин қариндошлар икки томонга туриб, ташкил этган йўлакдан келин уйга кирган. Шу тариқа, унинг йўлини ҳеч ким кесиб ўтмаган ва ёмон ният қилганлар бўлса ҳам, зарари тегмаган.^{178 132}

Оловнинг тозалаш хусусияти уй ўчоғидан тортиб дафн гулханларигача маълум бўлиб, табиблар ҳам унинг бу кучидан фойдаланган. Ўлкамизда қадимда сафардан қайтганлар уйига киришдан олдин ҳовлида олов ёқиб атрофини айланган ва устидан ҳатлаб ўтган. Ўрта Осиёда ХХ аср бошларигача сафар ойининг охириги чоршанбасида олов билан тозаланиш маросими ўтказилган: кўчаларда ва дарвоза олдида бало-қазолардан қутулиш ниятида гулханлар ёқилиб, устидан сакраб ўтишган ва идиш-товоқларни синдиришган. Беруний ҳам қадим халқларда идишларни синдириш ва олов байрамлари ҳақида тегишли маълумот ёзиб қолдирган. Хоразмликлар идишларини олов устида “ўтга ялатиб”, поклаган, туғмаган аёллар қорнини олов устида тоблаган. Ўчоқ оловини ўчириш ман этилган: ўзи ўчиши керак бўлган. Устига сув қуйиш эса ўлим келтиришига баробар деб, ишонилган. Халқимизда сақланиб қолган “Ўчоғингга сув қуйилгур!” ибораси шу

қадим иримларнинг қолдиғи. Ўлкамизда ўтин ифлос бўлса, ўчоққа қўйишдан олдин сув билан тозаланиши ёки қуёшда қуритилиши Авестода ҳам айтилган. Қаландархоналар ўртасида катта ўчоқ жойлашгани сўфилар исломдан олдинги оташпарастлик иримларини сақлаб қолганидан далолат беради.^{378: 180-192}

Оловга топиниш эътиқодида турли диний қарашлар мужассамлашиб, аёл илоҳаларга ишониш ва ҳайкалчаларига сифиниш шундай синтезнинг бир қисмидир. Дарҳақиқат, қадим дунёда аёл ҳайкалчалари барча мамлакатларда кенг тарқалиб, уларни, ов билан боғлиқ сеҳрли рақс ижрочилари ёки тотем аждод, деган тахмин юзага келади. Ўзга олимлар аёлларнинг жуссаси катталигидан келиб чиқиб, бундай қарашларни ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлайди. Олим бу ҳайкалчаларни аёл зоти ҳукмронлик қилган матриархат даври билан уйғунлаштириш, уларда илк Она, уруғ ибтидоси ва, шу билан бирга, ов билан боғлиқ сеҳрли рақслар ижрочисини кўриш назариясининг тарафдори. Шу билан бирга, уларни “уй ўчоғини асровчи”, яъни “ўчоқ соҳибаси”, деб ҳисоблайди. Улар айнан ўчоқ олдида кўплаб топилиб, этнографик маълумотлар ҳам шуни таъкидлайди: 1) оила ва уруғ ўчоғи ҳаёт фаровонлиги рамзи сифатида диний эътиқод даражасига кўтарилган; 2) ўчоқни “хўжайин” ёки “соҳиба”, “олов онаси” сифатида кўриб, “ўчоқ соҳибасига” уйланган “ўчоқ руҳи” сиймоси ҳам мавжуд бўлган. Оила бошқа жойга кўчишидан олдин уйининг “олов руҳи” улар билан бирга кўчишини тилаган. Олтой туркий қабилаларида мазкур сиймо “ўт-эна” деб аталиб, унга қурбонлик келтиришган, “Ўчоқ бувилари”ни ифодаловчи латта қўғирчоқлар эса наслдан-наслга ўтиб борган. Одамлар бирон нарса тилаганида оловга хушбўй ўсимлик, ичимлик ва бошқа нарсаларни қурбонлик келтиргани, овқатланишдан олдин биринчи луқма оловга ташлангани кўп халқларда маълум. Қадим юнонлар оила ўчоғининг ҳомийси Гестия (гестия – ўчоқ дегани) эътиқодини эъзозлашган, римликларда у Веста деб аталган.^{397: 12-13}

Олов уйларида оташгоҳ атрофида ўтказилган эътиқод маросимларида дуализм – ёруғлик билан қоронғилик орасидаги кураш ўз аксини топган ва бу мавзу, ўз пайтида, И. Бунин томонидан шоирона дид билан ифодаланган:

Ёруғлик ҳукмрони толмасдан,
Қоронғилик билан олишмоқда.
Тепаликларда оловларни ёқинг
Ва зулматдан нафратланинг.

III боб

АЁЛ ЗОТИ

ИЛОҲАЛАРИ

ЎЛКАМИЗ ОНА-ИЛОҲАСИ

Ўлкамиз аёллари қадимдан юксак ҳурматга сазовор бўлган, Борлиқ Онаси, Шарқий ва ўзга эътиқодлар қоришмаси, Она-илоҳа ҳайкалчалари, Хоразм пантеони, бола ушлаган Она-илоҳа, “Хоразмлик Мадонна”, хум дастасидаги қуш, ҳомиладор аёл ҳайкалчалари, ҳосилдорлик илоҳасига қурбонлик, халқимизнинг болажонлиги.

Ўлкамиз аёллари қадимдан юксак ҳурматга сазовор бўлгани олимлар томонидан аллақачон эътироф этилган. Наршахий маълумотида кўра, Бухоро шоҳининг беваси тахтда ўтириб, ҳукмронлик қилган пайтида, ибодатхоналарда унга илоҳаларга эътиқод қилингани каби, чуқур эҳтиром билан сажда қилишган. Унинг сиймосида малика ва илоҳа моҳияти мужассамлашган. Ўлкамиз девор тасвирларида ҳам малика илоҳа сиймосида ва илоҳа малика мақомида тасвирланган.^{345: 84}

Халқимизда аёлга бўлган эҳтиром ифодаланган санъат турларида унинг гўзал сиймосини тасвирлашга эътибор берилгани таажжубланарли ҳол эмас. Эрамиздан олдинги IV асрда Македонскийнинг юришларида ҳамроҳларидан бири бўлган Харес Милитенский ҳикоятига кўра, Ўрта Осиё “ибодатхоналари ва қасрлари ҳамда уйларида расмлар бўлган”. Улардан бирида Мидия шоҳининг укаси Зариандр ва сак қабиласининг гўзали Одатиди бир-бирини тушида кўрганидан кейин авж олган муҳаббат тараннум этилган. Бу қадимги афсона Авестода ҳам тасвирланган. Шунга асосланиб, В. Шишкин ўлкамизда тасвирий санъат эллинизм даврида эмас, ундан олдин пайдо бўлганига ишора этади.^{450: 43}

Шарқ диний эътиқодлари Рим диний тасаввурлари билан ўзаро қоришиб, Ғарбнинг нуфузли олимлари “турли, аммо бир-бирига яқин маъбудалар сиймоси табиат ва инсон, умуман олганда, *Борлиқ Онаси* ҳақидаги ягона тушунчага мужассамлашади”, деб ҳисоблайди.^{487 17}


Дарҳақиқат, қадимда Самони – Ота, Ерни эса – Она-илоҳа деб ҳисоблашган ва барча халқларда аёл маъбуда сиймоси мавжуд бўлиб, улар қаторида Артемида Эфесская, Кибела (Фригияда), Ма (Каппадокияда), Анаитис (Понтда), Купапа ёки Хебат (лувия ва хетт территорияси)ни эсласа бўлади. Туркиядаги Хебат ҳайкалчаларини келгуси Кибела ёки Геката билан боғлашади: “Геката – хтоник ва, айна пайтда, Ой маъбудаси бўлиб, Жанубий Анатолияда саждагоҳ сифатида эъзозланган”.^{518 116}

Александр Македонский вафотидан сўнг, унинг салтанати бирлаштирган Юнон, Рим ва ўзга мамлакатлар доирасида шарқий ва ўзга эътиқодлар қоришмаси асосида турли илоҳлар пантеони вужудга келади. Шулар орасида Мисрдан – Изида, Анталиядан – Кибела, Марказий Осиёдан – Митра эътиқодлари саҳнага чиқади. Нисбий бағрикенглик муҳитида кўплаб диний эътиқодлар, маросимлар, фалсафий қарашлар биргаликда ривожланади ва ўзаро таъсир этади.^{178: 65}

Мазкур даврда ўлкамизда кўп юнон аскарлари ўтроқ бўлиб қолади ва уларнинг диний эътиқодлари аҳоли орасида ёйила бошлайди. Натижада, эллинизм таъсирида Бактриянинг Кушон даври тангаларида илоҳалардан Афина, Артемида, Ника ва илоҳлардан Зевс, Аполлон, Посейдон, Геракл, Дионис, Диоскурлар сиймолари зарб этилиб, уларнинг деворий тасвирлари ва ҳайкаллари яратилади. Г. Пугаченкованинг фикрича, юнон илоҳлари ўлкамизга кириб келганидан сўнг, уларнинг маҳаллий эътиқодлар билан ўхшашлиги борлари асрлар оша қурама шаклда халқ эътиқодида барқарор қолган, ўзгалари эса, ҳатто зодагонлар орасида ҳам сақланиб қолмаган. Маҳаллий аҳоли назарида, Афродита сиймоси Анахита билан, Геракл – Веретрагна ёки Окшо билан, Зевс – Ормузд билан, Аполлон – Митра билан, Диоскурлар эса, Ашвинлар билан мужассамлашади. Бактрия тангаларида Гелиос – Митра билан, Селена – Ой илоҳаси Моҳ, Гефест – Олов илоҳи Атшо билан уйғунлашади. Ника, Геракл ва Афина илоҳлари Холчаён саройида шоҳлар сулоласининг ҳомийлари сифатида тасвирланади, бироқ кийимлари маҳаллий бўлиб, қиёфаси ҳам маҳаллийлашади. Ника илоҳаси тилла тангаларда ҳам авесточа Ванинда қиёфасини олади. Хоразм тангаларида тасвирланган чавандоз тепасида парвоз

этаётган Ника Холчаён саройида – ҳайкалда, Зартепада эса – бут-тумор шаклида ифодаланган. Олиманинг бир хулосаси ўлкамиз эътиқодларини ўрганишда очқич вазифасини ўтайди: халқаро савдо учун зарб этилган тилло ёки қумуш эмас, балки оддий халқ орасида муомалада бўлган мис тангалардаги тасвирлар диний эътиқодларни тушуниш учун муҳимроқ, чунки уларда маҳаллий илоҳлар устувор эътиборга олингани шубҳасиз. Мис тангаларда тасвирланган фаровонлик илоҳаси, сув ва сахий она Ер ҳомийси Ордохшо, сув билан боғлиқ Нана, шамол ва, умуман, ҳаво илоҳи Вадо, оловни ифодаловчи Атеш ва Фарро, Амударёга боғлиқ сув илоҳи Окшо, Қуёш илоҳи Миҳр ва Ой илоҳаси Моҳ шунга мисол³⁰⁹ 127-128; 317: 21-24 (230-расм).

Уларнинг ҳар бирида ўзига хос рамзи бўлган. Миҳр боши атрофида нурли нимб, чап томонида қилич; Моҳ елкаси ортида ҳилол Ой, чап қўлида эса скипетр (салтанат рамзи – асо) ва қилич; Атеш (назаримизда, бу исм “Оташ” деб ўқилиши тўғри бўларди) қўлида тож ва болға; шамол илоҳи Вадонинг тез чопаетгани тиззалари букилганидан аён бўлган; Нана – боши атрофида гардишсимон шуъла, қўлидаги калта скипетр тепасида эса, от боши тасвири, чамаси. Ордохшо илоҳаси тахт устида фаровонлик шоҳи ва тож ушлаб ўтирибди, яъни – тинчлик ва шоҳ билан халқнинг фаровонлиги ҳомийси рамзлари.³¹⁷ 27-28



230-расм. Қадим Вадо ва Окшо илоҳлари (Канишка тангалари).

Аммо V-VI асрлардан бошлаб аёл маъбудаларнинг ҳайкалча-лари кескин равишда камайиб, ўрнини эркак маъбудлар эгаллай бошлайди. Матриархатдан патриархатга ўтиш даври бошланиб, шоҳлар ва эркак илоҳларга сажда қилиш ва эркак аждодга топиниш кучаяди. Аёл маъбудалар уй меҳробларига кўчиб, аёлларнинг турли диний маросим ва урф-одатларида сақланиб қолади. Шу билан бирга, айрим олимларнинг фикрича, ўрта асрлар тизими ўрнатилганидан кейин (VI-VIII асрлар), Хоразм ва Сўғд давлат диний эътиқодларида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб, Хоразм пантеони бошида коинот соҳибаси – Буюк илоҳа туради. Бу ўзгаришлар эҳтимол, давлат ислоҳоти натижасида содир бўлади. Мақсад – хоразмшоҳлар ҳамиша тарқоқ беклик-хонликларни ягона марказлашган давлат тизимига бирлаштиришга интилган.¹⁴⁰ 109-113

Мазкур эътиқодни халқ орасида ўрнатиш учун ўша давр маҳаллий санъат турларидан фойдаланиб ясалган ҳайкалчалар алоҳида ўрин тутган. Улар яратилиш жойига қараб, бир-биридан фарқ қилган. Хоразм ва Сўғдда зардуштийлик кенг тарқалган, Бактрияда эса бир пайт буддизм устувор эътиқодга айланган ва, шунга биноан, ҳайкалчаларнинг шакли ва кўриниши ҳам ўзгариб борган. Маъбудаларнинг аксарият кичик сопол бутлари қолипларда бажарилган, аммо қўлда ясалганлари ҳам учрайди. Энг қадимгиларининг боши атрофида нурли шуъла ифодаланганларидан яхши сақланган нусхаси Кампиртепада топилган. Маҳаллий ҳунармандчилик устахоналарида топилган махсус қолиплар уй ибодатхоналари учун ҳайкалчалар ва тумор сифатида тақиладиган кичик бутлар оммабоп равишда чиқарилганидан дарак беради. Бундай ҳайкалчалар зардуштийлик кучли бўлган минтақаларда кўпроқ учрайди.^{178 94}

Лойдан ёки тошдан ясалган бундай ҳайкалчалар қадим Шарқда кенг тарқалиб, асосан, зироат маданиятига мансуб жойлардан топилгани учун ҳосилдорлик маъбудаси – *Она-илоҳа ҳайкалчалари* бўлган, деб ҳисоблашади. Мазкур ҳайкалчаларнинг бажарилиш услуби ва тури бир хил бўлиб, улар эрамиздан олдинги IV мингйилликнинг иккинчи ярмига мансуб. Бир парча лойдан қўлда шакл берилган ва аёллиги бўрттириб ифодаланган, 12-15 см баландликдаги мазкур ҳайкалчаларнинг қўллари конус шаклида ишланиб, айримларининг тепа қисмида тешик борлиги, тумор сифатида тақиб юрилганидан далолат беради. Одатда, улар оловда куйдирилиб, баъзилари бўялган ҳам.

III-IV асрларда Қарши воҳасидаги Нахшабда сопол илоҳалар ҳайкалчаларини яшаш санъати ривожланиб, бадий нафислиги ва тана нисбатларининг ўзаро мутаносиблиги билан ҳайратлантиради. Маъбудалар қўлида ўз вазифасини акс эттирувчи турли буюмлар пайдо бўлади. Ҳайкалчаларнинг орқа томонига ишлов берилмаган, яъни улар ибодатхоналарда ва уй меҳробларида деворга тақаб қўйилиб, олд қисми сажда учун безатилган. Тупроққалъа, Хоразм, Афросиёб, Холчаён деворий тасвирларида аёллар турли жисм мақомларида чизилгани муайян мавзуга бағишланган саҳна иштирокчилари эканлигидан далолат беради. Сопол ҳайкалчалар олов меҳроблари ёнида топилгани уларнинг эътиқод маросими ва сеҳр-жоду учун ишлатилганидан ҳам далолат бериши мумкин.^{391: 222-223; 184: 183-189}

Аёл маъбудалар ўтирган тарзда тасвирланиб, паст қисми бўрттириб ифодалангани қадимги инсон-деҳқоннинг диний тасаввурларига биноан, ҳамма нарса ердан униб чиқади, деган тушун-

чаларига мос келган ва айнан шу хислатни улар аёлга мансуб этган. Бу – қадимгиларнинг хтоник – ер ости диний эътиқодига, яъни ҳамма нарса ердан униб чиқиши ва унга қайтишига боғлиқ бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ўтирган ҳолатда тасвирланган аёл маъбудалар шаклидан тик турган эркак маъбудларга ўтиш, “тепа – эркак” ва “қуйи – аёл” силсиласида туғувчи “қуйи” билан фикрловчи “тепа” тушунчалари солиштирилади.¹⁶⁵

Ҳайкалчаларнинг паст қисми думалоқ ёки учли бўлгани учун уларни тикка қўйиб бўлмасди. Паст думалоқлигини баъзи олимлар ҳосилдорлик маъбудаси тиззасида ўтиргани учун шундай тасвирланган, учли таги эса, махсус асосдаги тешикка тиқилган, орқа томони япалоқ бўлганидан, улар деворга таянган, деб ҳисоблашади.^{181: 25; 464: 213}

Бу фикрларни тўғри, деб эътироф этиш баробарида, битта қўшимча қилсак бўлади: илоҳа хтоник хусусиятга эга бўлгани учун, эҳтимол, уй ибодатхоналаридаги оташгоҳ ёнида уни бир қутичадаги тупроққа тиқиб, олдига қурбонлик ва атама ҳадялар қўйишган ва мўл ҳосил тилаб, сиғинишган. Ўлкамизда бундай махсус хоналар одамларнинг уйида бўлгани археологик қазилмалардан кенг маълум. Шу билан бирга, уларни экиш пайти далага олиб чиқиб, ерга кўмишган ёки шийпонларда сақлашган. Айрим жойларда топилган ҳайкалчалар шаҳристонлардан чеккада бўлгани ҳам шунга ишора этади.

Бундай ҳайкалчалар шаҳар ибодатхонасидаги катта ҳайкалдан нусха олингани Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонаси мисолида тасдиқланади. Оташгоҳ рўпарасидаги тахмонда катта илоҳа ҳайкали атрофида турли маросимлар ўтказилган ва атама ҳадялар қурбонлик келтирилган. Ерқўрғоннинг ҳунармандлар маҳалласида эса, ҳар бир уйда кичиккина ибодатхонаси бўлиб, кичик оташгоҳ ёнидаги токчада шаҳар ибодатхонасидаги ҳайкалнинг кичик нусхалари турган.³⁹¹

Шунга ўхшаш илоҳа ҳайкалчалари ўлкамизнинг хонадонларида топилиши унинг аёллар орасида ҳосилдорлик ва уй-оила фаровонлиги ҳомийси сифатида жуда машҳур бўлганидан далолат беради. Шу сифатлари билан у Амударё воҳасининг маҳаллий илоҳаси сифатида Авестога кирган Аши-Ванухи илоҳасига жуда яқин туради.^{527 262} Аммо бу ҳайкалчаларнинг ташқи қиёфаси, олиманинг фикрича, Кушон тангаларидаги қўлида фаровонлик похи билан тахтда тасвирланган салобатли Ордохшо илоҳасига ўхшаш. Улуғ илоҳа ҳайкалчаларининг қўлида идиш, мева, ойна, тож, гул тасвирланиб, исмининг моҳияти Амударё (Вахш, Окс)дан ибтидо олади. Сурхон воҳасининг Далвар-зинтепасида унинг катта ҳайкали ўрнатилган бўлиб, ёнидаги девор тасвирларида унга узатилган қўлларида чақалоқларни кўтарган эркак

ва аёллар ифодаланган. Яъни оила ўчоғи, фаровонлик ва бола туғиш ҳомийси илоҳаси эътиқодига ишонганларнинг ўз фарзандларига фотиҳа олиш маросими тасвирланган. Уйларнинг кичик токчаларида кичкина оташгоҳлар ва исириқдонларда олов ёқилган ва қурбонликлар келтирилгани икки диний эътиқоднинг қурамасидан далолат беради.^{309 130-131}

Деярли барча ўлкаларда бундай илоҳа бутларининг мавжудлиги ҳамма учун бир хил бўлган эътиқод таъсири ёки бўлмаса зироатчилик билан шуғулланган халқлар бир-биридан мустақил равишда бир хил ҳосилдорлик эътиқодига келган, деб хулоса қилиш мумкин.

Қадимги дунёнинг деярли барча халқларининг тасаввурида бола ушлаган Она-илоҳа ва ҳомиладор аёллар тасвирлари ва ҳайкалчалари сеҳрли кучга эга бўлиб, бола туғиш рамзи сифатида Улуғ Она, Анахита ёки Ер Онаси эътиқодлари билан боғланган. Ҳиндистонда бир қўлида – қилич, иккинчиси билан эса, бол улашаётган Она-илоҳа эътиқодига деярли барча шаҳар ва қишлоқларда ибодатхоналар мавжуд бўлган. Унга гуруч, сут, ширин нонлар ва бошқа нарсалар қурбонлик келтирилиб, гулчамбарлар ва рангбаранг чойшаблар ҳадя этилган.^{521: tabl XCV: 209: 131} Қадимги Миср ҳайкалларида қўлида бола ушлаган ҳолда тасвирланган энг машҳур илоҳалардан бири – Изиди сиймоси бутун дунё бўйлаб тарқалиб, Бактрияда ҳам унга топинишгани маълум. Кейинчалик, бу сиймо насроний динида Исо пайғамбарни қўлида ушлаб турган Биби Марям иконаларига бадий таъсир ўтказгани олимлар томонидан тан олинган. Қадимий ақидага мувофиқ, бола ушлаган Она-илоҳа насл давом этиши ғоясини ифодалаб, тумор сифатида келинларга серфарзандлик баракасини берган.^{390: 20: 416 71-81. Табл 15-17}

Бизнинг ўлкамизда ҳам кўплаб учрайдиган чақалоқ эмизаётган ва ёнида болалар турган аёл тасвирлари ва ҳайкалчалари Она-илоҳа эътиқодини ифодалайди. Масалан, Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасида тахтда ўтириб, бола эмизаётган аёл ҳайкалчалари кўплаб топилиб, С. Толстов уларни “Хоразмлик Мадонна” деб атаган (231-расм).

Шунга ўхшаш сиймо Сурхондарёнинг Болаликтепа ибодатхонасидан топилган яшил ранг шиша буюмда ҳам акс этган. Исириқдон рўпарасида ўтириб, бола эмизаётган аёл тасвирланган мазкур медальон V-VI асрларга мансуб бўлиб, бўйинга тақиладиган тумор вазифасини ўтагани аниқ (232-расм).

Айнан шу Сурхондарёнинг бошқа обидаси – Далварзинтепа кулоллар маҳалласи ибодатхонасидан топилган I асрга мансуб ҳайкал мажмуаси синиқларидан Г. Пугаченкова шундай хулоса чиқаради: супада иккита аёл ҳайкали бўлиб, марказдагисининг ёнида ўғил бола

турган, иккинчисининг олдида эса, қизалоқ ўтирган. Олимларнинг тахминига кўра, марказий ҳайкал – оналикнинг ҳомий илоҳаси бўлиб, ёнига қизи билан келган аёл, ундан ўғил ато этишини тиламоқда. Уларнинг юз тузилиши маҳаллий қиёфада бўлиб, бошқа хоналардан оташгоҳ, исириқдон ва чироқлар топилган. Кўзалардан бирида тоғ эчкисининг боши тасвирланган.^{139: 133} Айнан шу обиданинг шимолий ибодатхонаси илон ва ўсимликлар билан боғлиқ аёл маъбуда эътиқодига бағишланиб, қўлида бола ушлаган ҳайкал – бола туғиш ҳомийси бўлганига ишора этади.^{350: 81} Бу борада Сурхондарёнинг яна бир обидаси – Кампиртепадан топилган ҳайкалчада эчки оёқли болани қўлида ушлаган аёл тасвирлангани эътиборга сазовор (233-расм).



А



Б

231-расм. Она-илоҳа – “Хоразмлик Мадонна”.



232-расм. Она-илоҳа
(Сурхондарё, Болаликтепа, V аср).



233-расм. Бола ушлаган аёл (Кампир-тепа, э. о. I аср – эрамизнинг I асри).

Ўлкамиздан топилиб, хорижий музейларда сақланувчи лаган ва жомларда Она-илоҳа билан бирга тасвирланган эчки бошли ва шер танали мавжудот ҳамда атрофидаги раққосалар илоҳанинг хизматкорлари саналган. Яна бир лагандаги тасвирда эчки бошли киши оташгоҳ олдида қўлида узум бошини ушлаб турибди. Бу – Хоразмнинг ниқоб кийган шоҳ-коҳини қурбонлик келтирмоқда, деган талқинга биз ҳам қўшиламыз.^{140: 36-38, 113} Яъни эчки бошли шоҳ-коҳин ва эчки оёқли бола ушлаган илоҳа мавзулари шу тариқа бир-бирига туташади ва ўқувчини тотемизм билан боғлиқ қадим асотирлар қаърига тортади.

Олимларнинг фикрича, қадимги Хоразм Тупроққалъасининг “Шоҳлар зали”да тасвирланган илоҳ-маъбудалар орасида бола ушлаган Анахита ҳайкали марказий ўринни эгаллаган.^{474 64-68} Бола ушлаган маъбудалар ҳайкалчалари Қарши воҳасининг Ерқўрғон ибодатхонасида ҳам кўп топилиб, бирининг чап қўлида бола, ўнг қўли эса, Нахшаб учун анъанавий ҳолатда – биқинининг пастига тиралган. Иккинчи ҳайкалча – болани икки қўлида ўз олдида кўтариб турган аёлни ифодалаган. Баландлиги атиги 2,5 см бўлганлиги боис, Р. Сулаймоновнинг фикрича, у – кўп шаклли композицияларда ишлатилган. Бунга эътироз билдирмаган ҳолда, унинг кичиклиги туфайли, уй меҳробида тургани ёки тумор сифатида ёнида олиб юрилгани билан ҳам тушунтириш мумкинлигига эътибор қаратамыз.

Назаримизда, Афросиёб сопол ҳайкалчалари болали илоҳанинг яна бир турини аке эттириб, ўзида Хоразм ва Нахшаб хусусиятларини бирлаштирган¹⁵⁷ (234-расм).



234-расм. Она-илоҳа (Афросиёб, биринчи асрлар).

Ерқўрғон ибодатхонасидан топилган бир хумнинг сопол дастаси бола ушлаган Она-илоҳа ҳайкалчаси сифатида ишланган. Болали аёлнинг айнан шунга ўхшаш сопол ҳайкалчаси хум дастасининг тепа қисмига ёпиштирилган бўлиб, паст қисмида маҳорат билан ўйилган қушга туташиб кетган. Унинг боши жўмрак устида жойлашиб, ёйилган иккала қанотида ўрнашган болаларининг ҳам қанотлари ёйилган. Р. Сулаймоновнинг фикрича, бу – диний маросимларда ишлатиладиган хум бўлиб, ичидаги суюқлик Она-илоҳа ва афсонавий самовий қуш томонидан “қўриқланган”. Мазкур сиймолар қадим Нахшаб илоҳлар туркуми ва мифологиясининг эъвозли маъбудалари қаторига кирган.

Бу сюжетда ҳосилдорлик ва туғилиш билан боғлиқ Она-илоҳа ҳамда илоҳий эгизаклар рамзлари тўғрисида ҳикоя қилувчи иккита энг қадимги мифологик мавзу чамбарчас боғланган. Иккала сюжет ҳам қадим Шарқ, Марказий Осиё ва Юнон-Рим дунёсининг ўтроқ ва кўчманчи муҳотида кенг тарқалган. Бу мавзу ҳам овчилар, ҳам ибтидоий деҳқонлар доирасида маълум бўлиб, биринчисида – овладиган ҳайвонлар ва териладиган ўсимликлар баракаси билан боғлиқ бўлса, иккинчисида – ишлов берилган ер ва хонакилаштирилган мол унумдорлигига қаратилган.³⁹¹



235-расм.
Сопол ҳайкалча
(Кампиртепа, э. о. I аср –
эрамизнинг I асри).

Мазкур мавзунинг халқ орасида тарқалганидан Сурхондарёнинг Кампиртепасидан топилган ҳайкалчада бир қўлида қуш, иккинчисида эса – яланғоч бола ўтирган аёл тасвирлангани дарак беради (235-расм).

Шунингдек, Она-илоҳа билан ҳомиладор аёл ҳайкалчалари боғлиқ бўлиб, бола туғаётган Она-илоҳа сиймоси энг қадимги замонларга бориб тақалади ва Изиди, Гера, Тиннит ҳамда бошқа аёл маъбудалар айнан ундан қолип олади. Ерқўрғон ибодатхонасидаги эрамиздан аввалги биринчи мингйилликнинг иккинчи чорагига мансуб оёқларини кенг очган ва жинсий томони бўрттириб кўрсатилган яланғоч ҳомиладор аёлнинг сопол ҳайкалчаси Ўрта Осиё учун ноёб топилма. У ибодатхонанинг ғарбий деворида жойлашган олов меҳроби остида топилгани ҳомиладорлик тилаш маросими олов эътиқоди билан боғлиқ бўлганлигидан далолат беради. Яна бир топилмада ҳомиладор аёл ҳайкалчасининг сутга тўлган кўкраклари бўртиб чиққан, думалоқ қорнида киндиги ажралиб турибди. Ҳомиладор аёл бутлари ва кичик ҳайкалчалари ҳомиладор аёллар томонидан вақтинча тумор сифатида ишлатилган бўлиши мумкин, деган тахмин бор. Ерқўрғондаги топилмалар орасида аёл ҳайкалчалари эркак сиймоларига нисбатан анча кўп учраб, асосан маҳаллий ва эллинистик турларни намён этади.^{495-152; 391: 209-210}

Ҳайкалчаларда илоҳанинг оналик хусусиятлари бўрттириб кўрсатилади ва ҳаётни давом эттириш мавзуи биринчи ўринга чиқади. Ҳайкалчаларга чизилган турли геометрик рамзлар сеҳр-

жоду ва тумор вазифасини ўтагани аён. Илоҳалар асосан тўрт турга бўлинган: Она-илоҳа, айни пайтда, унинг ўзи ҳаётни вужудга келтирган; ҳайвонлар онаси ёки ҳайвонлар ҳукмрони; Она-уруғ ва Она-ер. Табиатнинг яратувчанлик кучлари, ҳосилдорлик ҳомийси сифатидаги Олий илоҳа барча халқларда ҳамма даврларда олий мақом тутган ва асрдан-асрга силжиб ўтаверган. Бу жараёнда олимлар қизиқ бир хусусиятга аҳамият қаратган: турли минтақаларда қатор вазифаларига қараб, одамлар унга турли исмлар берган. Шу билан бирга, исми ўзгармаган равишда, вазифалари ва ҳомийлик соҳалари ҳам ўзгариши мумкин бўлган. Бу йўналишда маҳаллий илоҳа четдан келтирилган сиймолар билан “чатишиб”, янги белги-хусусият ва вазифалар касб этган. Ҳар бир илоҳа, дуалистик нуқтаи назардан, ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик кучларини ифодалашни мумкин бўлган. Бундай “ўгирувчанлик” ибтидоий диний эътиқодлардан то жаҳон динларигача бўлган масофани босиб ўтган. Юқорида қайд этганимиздек, VI-VII асрларга келиб, Она-илоҳа сиймоси халқ тасаввурида жонланиб, эътиқодлар соҳасидан қаҳрамонлик эпосигача кенг тарқалади.^{258 86; 345: 79; 253: 35; 29; 32}

Масалан, сўғдликларда ҳосилдорлик ва никоҳга кираётганларнинг ҳомийси сифатидаги илоҳа “Artivax” – “Хайрли Арти” деб аталиб, фикримизча, Она-илоҳа сиймосидан шажара олган. Унинг болалар қуршовидаги сиймоларидан бири Афросиёб сопол нишонасида ёрқин тасвирланган (236-расм).



236-расм. Сўғдлик Она-илоҳа.



237-расм. Она-илоҳа ҳайкалчаси қолипи.

Хоразмнинг яна бир обидаси – Қалъалиқир 2 дан қўлида чақалоқ ушлаган ҳайкалча қолипи маълум (237-расм). Қолип ёнида топилган тағлама устидаги дон янчиш ҳовончаси, дон солинган саватлар ва деворда ўйилган кичик тандирчаларга асосланиб, олимлар, мазкур қолипни маросим қулчаларини ёпиш учун ишлатилган, деб ҳисоблайди^{187: 184}. Бошидаги тож ва қўйлагидаги Ҳаёт дарахти тасвирига биноан, биз бу илоҳани ҳосилдорлик билан боғлиқ Она-илоҳа ҳайкалчаси, деб ҳисоблаймиз.

Болаликтепа обидасининг деворларида тасвирланган аёл ва эркаклар икки бармоғини ўзига хос шаклда ушлаши эса махсус рамзий маънога эга: “бу ишора Сабазий (исмли) илоҳга хос бўлиб, у ўзида Она-илоҳа ҳамда ёш ўлувчи ва тирилувчи худо эътиқодларига хос белгиларни мужассамлаштиради”. Олиманинг фикрича, бу эътиқод ўлкамизга монийлик билан кириб келган бўлиши мумкин.^{304: 65} Л. Альбаум Болаликтепада тасвирланган диний маросим на буддизмга ва на зардуштийликка хос эмас, балки ҳосилдорлик илоҳаси билан боғлиқ ва у турли эътиқодларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, дейди. Ибодатхона супаларидаги ит жағлари зардуштийликдан, ойналар – буддизмдан, исириқдон, оташгоҳ ва кул қолдиқлари – Оловга топинишдан, тумор, туздан ўйилган туя ва турли ўсимликларнинг уруғлари – ҳосилдорлик илоҳасига қурбонлик келтиришдан дарак беради. Далил сифатида Л. Альбаум хитой муаррихлари тасвирлаган қадимий диний қурбонлик маросимига бағишланган мадҳияни келтиради: “Вақти келганда, қоидага биноан, // Келтирдинг қурбонликка ҳам тариқ, ҳам дон, // Ва мутаносиб равишда, уларни ёйдинг, // Ҳар бир донда янги ҳаёт дебочаси бор”.^{448: 287, 437} Л. Альбаумнинг тахминича, уруғларни қурбонликка келтириш асносида мусиқачилар кичик супада ўтириб, асбобларини чалишган ва одамлар маросим таомини еган. Мусиқа асбобларининг қисмлари ибодатхонадан топилгани бунга далилдир.

Мазкур эътиқодлар қурамаси Болаликтепа ва ўлкамиздаги бошқа ибодатхоналарда турли дин вакиллари бирга ибодат қилгани ёки бир нечта эътиқодга бараварига ишонганидан далолат бериши мумкин. Ҳосил териб олингач, турли соҳаларнинг ҳомий илоҳлари шаънига умумлашма маросимлар ўтказилган бўлиши эҳтимол.

Она-илоҳанинг юқорида кўриб ўтилган хусусиятлари, сиймосининг халқимиз орасида замон ва макон узра эъзозланиб, сақланишига келтиради. Турли пайтларда ўлкамиз аҳолиси уни турли исмлар билан атайди, аммо моҳияти ўзгармайди. Масалан,

қадимги Бухоронинг Ромитон атрофларидаги XIX асрга мансуб Ҳазрати Қиз-биби мақбара тошида Қуръон оятлари билан бирга, “Бу улуғ Оғойи Бузрукнинг мунаввар марқади”, деган ибора ёзилган. В. Шишкин фикрича, “Оғойи Бузрук” – Буюк Хоним ва маҳаллий халқ номлашида “Қиз-биби” ёки “Сулаймон қизи”га эътиқод Она-илоҳага қадимий эътиқоднинг минг йиллар оша халқ хотирасида сақланиб қолган шаклидир.^{450 135-136}

Бир сўз билан айтганда, Она-илоҳага эътиқод асрлар оша бизнинг давргача етиб келгани халқимизнинг болажонлигини яққол ифодалайди.

РИЗҚ ЎСТИРГИЧ АНАХИТА

Зироат – худолар инъоми, Анахитага бағишланган Авестонинг энг муҳим мадҳлари Хоразм билан боғлиқ, Илоҳанинг ҳомийлик соҳалари, “Шифобахш сувларига шараф”, “Ордохшо” (“Окшо”) – “Амударё”, “Хоразм – Жайхундан жамики фойдани олишга эришган ўлка”, Зардуштийликда сув муҳити Анахита билан боғланиб, унга Аҳура Мазда тўртта от беради, “Бактрия Афродитаси”, “шарфли илоҳа” – Анахита, қатқат бурма кўйлакли илоҳа ҳайкалчалари, маъбудага ҳамроҳлик қилувчи ҳайвонлар, “момо арвоҳлар”, Анбар-она ва унинг ўғли Ҳубби, дарё сувларидаги руҳлар – аранглар, Қирқ-қиз – жасур эркесвар қизларнинг Ватанни ҳимоя қилиши, Венера тасвирлари, Анахита ва унга уйғунлашган илоҳалар ҳайкалчаларини таснифлаш, илоҳа рамзлари, тахтга кўтариш рамзи, тўртқўлли илоҳа сиймоси, ҳилол Ой ва Қуёш рамзлари шоҳ сулоласи аждодлари эътиқоди билан боғлиқ.

Одам томонидан ўстирилган биринчи ўсимлик ва хонакилаштирилган ҳайвонларнинг пайдо бўлиши ибтидоий қишлоқ хўжалиги маъбудаларини вужудга келтириш баробарида, қатор афсоналарга асос солади. Масалан, Ўрта Ер денгизи минтақасида асосий афсонавий сиймолардан бири – инсонларни ер ҳайдашга, буғдой ва арпа ўстиришга ўргатган маъбудалар бўлган: Мисрда – Изиди, Юнонда – Деметра, Римда – Церера. Месопотамияда – Он номли инсон-балиқ маъбуди. Хитойда – ҳўкиз бошли Шень-Нун худо, ацтекларда эса – қанотли илон Кетцалькоатль. Инкларда Ота-Қуёш ўз қизи Койани инсонларни қишлоқ хўжалигига ўргатиш ва

цивилизацияни тарқатиш учун ерга юборади. Барча мазкур афсоналарда аёл ёки эркак маъбуд нафақат зироатга ўргатгани, балки цивилизация келтиргани ва ҳуқуқ ўрнатгани ҳамда турли санъатларга ўргатгани марказий ўрин эгаллайди. Таъбир жоиз бўлса, қадимги афсоналарда “зироат – худолар инъоми” деган фикр сингдирилади.^{176: 404}

Ҳосилдорлик эътиқоди ибтидоий замонларда ов жодусида қўлланган қўпол ишланган бутлардан бошлаб, то юксак бадий савияда бажарилган Она-илоҳа ҳайкалларигача ўлкамизда кенг тарқалиб, Шарқу Фарб сиймоларини ўзида қориштирган ва асрдан-асрга силжиб бораверган. Чорвачилик ва ер хўжалигини табиат инъоми, деб билган инсон бу соҳаларга ҳомий маъбуд-илоҳаларни “яратгани” таажжубланарли ҳол эмас. Дарҳақиқат, яратувчанлик маъбудаси Ер узра ҳукм суриб, ҳайкалчалари ясаладиган лойга турли ўсимлик донлари қўшилгани диққатга сазовор.^{29 178} Лойдан ёки тошдан ясалган бундай ҳайкалчалар Шарқда қадимда жуда кенг тарқалиб, асосан, зироат маданиятига мансуб жойлардан топилгани учун Она-илоҳанинг ҳосилдорлик ҳомийси вазифасига урғу берилади.

Фарб олимлари Авестодаги Урва шаҳристонини Урганч билан уйғунлаштириб, ҳосилдорлик илоҳаси Анахитага бағишланган Яшт (V, 54, 57) сатрларида у муҳим ўрин эгаллаганига эътибор қаратади. Маркварт Авестода таърифланган афсонавий Айрьянем Вэджони Хоразмда жойлаштирган ва бошқа қўплаб олимлар билан зардуштийликнинг машҳур Ворукаш денгизини Орол денгизи, деб ҳисоблайди. Агар бу хулосаларни қабул этсак, *Анахитага бағишланган Авестонинг энг муҳим мадҳлари Хоразм билан боғлиқ бўлиб чиқади.*^{402: 200}

Дарҳақиқат, Хоразмнинг Қалъалиқир ибодатхонасидан Ўрта Осиёда ҳосилдорлик маъбудасининг энг қадимги сопол ҳайкалчаси топилган.^{406 167} Шу обидада эрамиздан аввалги IV асрга мансуб аёл маъбуданинг сопол ҳайкалчаси билан бирга бошоқсиз буғдой шохлари маҳсус кўмилганлиги ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлиқ маросим ҳақида тасаввур беради.^{97 29}

Анахита Яқин Шарқ илоҳаларининг нусхаси эмас, балки ўз заминида вужудга келган маҳаллий Она-илоҳа бўлиб, кейинчалик, зардуштийликка киради. “Авесто”да унинг номи “покиза”, “илоҳий софлик» маъносини англатган, Геродот эса уни «Табит» деб атаган. Бу сўзнинг ўзаги «Таб» – “нур, ярқираш” дегани бўлиб, бу маъбуда ҳақида маълумот беради ва “Қуёш ўлкаси” Хоразмда, Митра (Қуёш) эътиқоди билан жуда кенг тарқалгани тушунарли бўлади.^{178: 328}



238-расм. Анор ушлаган илоҳа Анахита.

Кушонлар шоҳи Канишка даври тангаларида 15га яқин қадим орий ва 10га яқин юнон-рум, ҳинд ва месопотамиялик маъбуд-илоҳалар тасвири бўлиб, Аҳура Мазда ва Анахита тасвирлари охириги Кушон даврига мансуб. Шунингдек, Хоразмда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Амударё қирғоғидаги Бозорқалъа, Қорақумдаги Кофирқалъа, Аёзқалъа, Бургутқалъа ва Жонбосқалъа ҳамда Сўғднинг Афросиёб ва Талли Барзу шаҳристонларидан топилган Анахитанинг энг қадимги, ўзига хос услубда лойдан ясалган ҳайкалчалари узун кўйлак, елкасига катта рўмол ташланган, қўлида анор ёки бошқа ашёлар ушлаган улуғвор аёл сифатида тасвирланган. Бу сопол ҳайкалчалар Ўзбекистонда топилган энг қадимги санъат намуналари ҳисобланади. Яъни бу ҳолат мазкур диний эътиқод қадим Ўзбекистон территориясида кенг тарқалганлигини яна бир бор яққол тасдиқлайди.^{134; 249; 386: 77}

Шунга мисол сифатида Далварзинтепадан топилган I асрга мансуб бўлган ўтирган аёл ҳайкалчасини келтириш мумкин.^{178: 161-165} У Бактрия учун хос бўлиб, чап қўли тиззаси устида, ўнг қўлида эса, думалоқ нарса, эҳтимол анор ёки ойна, боши тепасида – шуълали гардиш (238-расм).



239-расм. Ҳайвон устида ўтирган илоҳа (Далварзинтепа, V-VI асрлар).

Далварзинтепанинг сопол нишонасида йўл-йўл чизиқли ҳайвон устида ўтирган илоҳа тиззасигача совут кийган бўлиб, бошидаги ромбсимон дубулға атрофида шуълали гардиш тасвирланган. Гардиш атрофида эса – ҳалқачалардан ташкил топган ярим камалак тасвирланиб, елкаларидан бурма тасмалар тушган. Ўнг қўлида – анорга ўхшаш нарса, чапида эса – уч тишли айри^{144; 280} (239-расм).

Ҳосилдорлик илоҳаси нега йиртқич ҳайвонлар билан тасвирланишини тушунишга уринган олимлар шундай хулоса қилишади: мазкур илоҳалар деҳқончилик билан боғлиқ, аммо аслида, улар аввалига овчилик илоҳалари

бўлган. Масалан, Кибела ва унинг Ҳиндистон, Миср ва Осиёдаги “адаш” Она-илоҳалари аввалига тоғ ва турли йиртқич ҳайвонларнинг соҳибалари бўлган.^{455: 417} Қадим хоразмликлар тасаввурида йўлбарслар Амударё билан уйғунлашган, чунки улар айнан шу дарё тўқайларида яшашган. Натижада, уларнинг Амударё ҳомийси Анахита билан боғлиқлиги табиий бўлган.^{378: 257-258} Шу боисдан, Сўғд ва Фарғона орасидаги минтақага мансуб жомда акс этган шохнинг никоҳ маросимидаги йўлбарс терисининг тасвирини ҳам айнан шу ҳосилдорлик мавзуи билан боғлашади.^{416: 117}

Илоҳанинг ҳомийлик соҳалари “Авесто”да унга бағишланган алоҳида яштда саналган:

Аё, Зардушт, намоз ўқи,
Ардвининг тўлиб оққан
Шифобахш сувларига.
Ризқ ўстиргичга шараф,
Пода ундиргичга шараф.

“Пода ундиргичга шараф” иборасини Хоразмнинг Зартепасидан топилган ҳайкалча изоҳлайди: иккала қўли кўксидagi аёл ҳайкалчасининг елкаси тепасида қўзичоқ тасвирланганидан, тадқиқотчилар бу сиймони чорва ҳомийси Арамати, кенгроқ маънода эса – Анахита билан уйғунлаштирадilar.^{6: 22-24}

“Шифобахш сувларига шараф” иборасида Анахитанинг сувлар ҳомийси сифати мужассамлашгани ва, шу орқали, сув манбаи бўлган дарёларни ҳам илоҳийлаштириш ҳолати ажабланарли эмас. Шарқда сув – ҳаётни англатиб, қадимда Зарафшонни «шарафли», «мўътабар» дейишган. Амударё бўйидаги Окс ибодатхонаси ҳам бунга мисол бўлиб, Кушон даври тангасида дарё суви илоҳаси зарбланган (240-расм). Кўриб турганимиздек, танганинг чап томонида, сув илоҳаси тасвири ёнида “Ордохшо” (“Окшо”) – “Амударё” ёзуви бўлиб, Авестода Ардвисура-Анахита деб номланади, лекин бу жуғрофийдан кўра, кўпроқ диний атама бўлиб, фақат дарёга эмас, маҳаллий олий илоҳа – сув маъбудасига нисбатан ҳам ишлатилган. Бактрияда эъзозланган



240-расм. Бактриялик дарё суви илоҳаси.

маҳаллий Она-илоҳа қаторига кирган Ордохшо ҳайкалларининг топилган бош қисмидан улар Далварзинтепанинг кичик ибодатхоналарида машҳур бўлгани аёнлашади.^{318: 133}

Илоҳа номларининг турлича ёзилишини узун Амударёнинг қирғоқларида яшовчи халқларнинг ҳар бири бу илоҳаларни ўзича аташи билан тушунтириш мумкин. Беруний ёзиб қолдирган маълумотга биноан, Амударё бир пайтлар Вахш деб номланган ва бу атама Амударё ҳомий илоҳининг хоразмча исми бўлган. Эрамиздан олдинги V асрда ижод этган “Тарих отаси” Геродот Амударёни “Аракс” деб атаган. Александр лашкари Амударё бўйига эрамиздан олдинги IV асрда чиққанида, антик муаррихлар уни Окс деб номлайди. “Окс денгизи” ва “Окс ботқоғи” – Орол денгизининг антик даврга оид номларидир. Ўзбек муаррихи Я. Ф. Гуломов, юнонлар Окс исмини қадимги сак-массагетларнинг “Укуз” номидан олган, деб ҳисоблайди. Туркий тилларда Амударёнинг Окуз номи XVI-XIX асрларгача сақланиб келиб, ҳозир ҳам Амударёнинг дельта шохобчасига нисбатан айнан шу ном ишлатилади. Амударё ўз йўлини 4000 м баландликдаги Ҳиндикуш музликларидан бошлади ва 2000 км ўтгач, 300 км узунликда ястаниб ётган Хоразм воҳасида унинг оқими секинлашади. Бу ерда тошиб, ўз заррин сувларини ирмоқларга бўлади. Шу тариқа, минг йиллар давомида унумли ерлар пайдо бўлади ва ана шу ҳолатга асосланган Ю. Рапопорт Хоразмни – “Амударё тухфаси” деб атайди.

Айни пайтда, Окс қадимдан маҳаллий Вахш номини ақс эттирган, деб ҳисобланади. Ҳозир ҳам Аму ҳавзасининг энг йирик дарёларидан бири шундай аталади. Беруний қадимги Хоразм байрамлари орасида Вахш-Ангамни эслаб, “Вахш – сувларни, жумладан, Жайхун дарёсини назорат этиш учун қўйилган фариштанинг исми”, деб таъкидлайди. Вахш дарёси илоҳи хоразмликларда қадимдан эъзозланган: III аср ҳужжатларида “Вахшубарак” – “Вахш илоҳининг тухфаси” деган исмлар учраши бунга далил. Илк бор қудратли Амударёни кўрган араблар уни Библиядаги Гихонга таққослаб, “Жайхун” деб аташади ва фақат XIV асрда муаррихлардан Рашид ад-Дин “Амударё” атамасини қўллайди.

Антик давр муаррихлари кетидан европаликлар, Амударё ва Сирдарё Каспий денгизига қуйилади, деб ҳисоблашган. Бундан фарқли равишда, араб-форс манбаларида ва хариталарида, улар Каспийга эмас, алоҳида жойлашган “Хоразм денгизи”га қуйилади, деб кўрсатилган. Рус географларининг 1723 йили олиб борган тадқиқотларидан сўнг, Амударё Каспийга эмас, Орол денгизига

қуйилиши муҳрланади. Эрамиздан олдинги асрлардаёқ Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги қадимги суғориш ерлари 3,5 – 3,8 млн. га бўлган.^{406: 95}

Бир сўз билан айтганда, ўлкамизда сув муқаддас ҳисобланиб, саҳро қуршовида қолган Хоразм учун сув манбаи бўлган ягона дарёнинг аҳамиятини X аср араб муаррихи Ал-Истаҳрий бир жумла билан шундай ифодалаган: “Хоразм – Жайхундан жамики фойдани олишга эришган ўлка”.^{334 15} Александр Македонский ўлкамизга бостириб киришидан олдин, аҳоли орасида денгиз ва дарё сувларига қурбонлик келтирилганида, қадимги далолатларга биноан, “Кўл, дарё ёки чашма олдига келиб, чуқурча қазишади ва қони унга оқишини мўлжаллаб, қурбонлик келтирилаётган ҳайвонни бўғизлашади”.^{389: xv. III, 14}

Авестода одам яратилиши Қуръон талқинига яқин бўлиб, ҳаётбахш сув билан боғлиқлиги эътиборга сазовор:

Сўнгра бир томчи сувга
Сўнгак, соч, эт берарман.
Ичин бутун этарман,
Оёқ-қўл, тирноқ ила
(Инсон шаклин берарман).

Сувнинг муқаддас қудрати тан олиниб, унга бағишланган кўплаб маросимлардан бири – Наврўз куни таҳорат олиш ҳақида шундай дейилган: бу кун мавжудотлар, дарахтлар, ўсимликлар ҳамда сувни тозалашга ҳомий бўлган сув фариштаси Харузга бағишланган бўлиб, одамлар саҳарлаб туради ва сув олдига – каналлар ва ҳовузларга боради. Оқар сувдан кўзаларни тўлдириб, бахт-омад ёр бўлсин деб, устларига сув сепишади.^{73: 228-229}

Шу тариқа, ўлкамизда қадим замонлардан сувга ҳомий маъбуда ва илоҳалар мажмуаси ҳамда уларга аталган ибодатхоналар ва ўзига хос эътиқод маросимлари шаклланади. Шулар қаторида қуйидагиларни тилга олиб ўтиш мумкин: Самарқанд атрофларидаги минтақа – Зарафшон ва Дарғом дарёлари оралиғида IV асрда маҳобатли ибодат мажмуаси шакллана бошлайди. Бу мажмуа Зарафшон дарёсининг руҳи ёки маъбудига бағишланган, деган тахмин бор. Сўғднинг қадимий қавариқ сопол лавҳ(барельеф)ларидаги тасвирларни олимлар ўз пайтида Зарафшоннинг дарё илоҳаси билан боғлаб, Кушон ва Эфталитлар даври топилмаларига қиёслашган. Эҳтимол, Жартепа ибодатхонаси ҳам Зарафшон дарёсининг ҳомий руҳи билан боғлиқ бўлиб, Термиз билан Афғонис-

тон орасидаги оролда ҳам ибодатхона мавжуд бўлган. Бактриянинг яна бир обидаси – Далварзинтепа сув ҳавзаси олдида аёл маъбудасига аталган ибодатхона қад кўтариб турган. Умуман олганда, Сирдарёнинг ўрта оқимида ўрта асрларда аёл илоҳаси билан боғлиқ ибодатхона мажмуалари учраб, Чочдаги Банукет ва Арис дарёси маъбудаси шаънига бунёд этилган Арсубанукет шаҳарчаси бунга мисол. Одатда, зардуштийлар ҳавза ва қудуқларга қурбонлик сифатида махсус тайёрланган хушбўй суюқликлар тўккан. Олимпларнинг фикрича, Ерқўрғондан топилган аёл маъбудаси ҳайкалчаси бўйнидаги кўзасимон бўйинтақинчоқ қурбонлик ичимликлари учун кичик рамзий идиш ҳисобланган. Қарши воҳаси, Бухоро Пойкенти, Хоразмда Кушон даври ибодатхоналарининг махсус жойида ўйилган чуқурча-ариқчалар ва кўмма хумлар қурбонлик суюқликларини тайёрлаш ва тўкишга мўлжалланган. Тўрткўлттепа ибодатхонасида эса, ариқча даҳлиз полини иккига – баландроқ ва пастроқ қисмларга бўлиб, пасткисида овқат учун сопол идишлар қолдиқлари кўплаб топилган. Геродот ҳикоятига биноан, самодан ташланган олтин жом коҳинлар қўлига тушиб, шоҳларни тахтга кўтариш маросимида қўлланилган, кўчманчи қабилалар эса, қасам ичганида сопол жомдан қон аралаш май ичган. Ерқўрғонда топилган муҳр қолипида аждарҳо устида ўтирган ҳукмронга жом узатаётган илоҳа тасвири илоҳий фотиҳа маъносини англатган. Пойкентдаги Олов уйдан топилган 300та бир хил жомлар қадимда ўлкамизда уларнинг маросимлардаги муҳим вазифасидан далолат беради.^{391:}

273; 66: 192; 115: IV; 70: 67 91: 350: 75; 25: 40-46; 402; 108; 145; 143: 74; 361: 57; 92: 371; 172

Ўлкамизнинг сак қабилаларида сув илоҳасига эътиқод юнон Бактрияси қулашидан кейин яна кенг тарқалади. Ардвисура-Анахита энг қадимги шаклида Сирдарё бўйларида яшовчи сакларнинг дарё илоҳаси бўлган, деб ҳисоблайди ғарб олимплари. Осиё ва Шарқнинг сув илоҳалари Сирдарё бўйларидаги сув илоҳаси қиёфасида қурамалашиб, эрамиздан бир минг йил олдин ўзига хос қиёфа касб этади, яъни эллинизм ўлкамизга кириб келишидан анча аввал сув илоҳаси вужудга келади.^{527: 190-323; 328; 71: 391; 276}

Турли жойларда унга ибодатхоналар қурилиб, катта ҳайкаллар қад кўтаради. Жангда ғалаба ёки ҳукмронликка фатво олиш учун минглаб молу қўй қурбонликка келтирилади. Муҳими, Сирдарё бўйидаги афсоналар ва диний қарашлар маъбуда билан узвий боғлиқ бўлиб, Хоразм ва Бактрияда зардуштийлик диний эътиқодида ўзига хос қурама шакл ва моҳият касб этади.

Зардуштийликда сув муҳити Анахита билан боғланиб, унга Аҳура Мазда тўртта от беради:

Тулпорлари Ёмғир, Ел,
Сувли Булут бирла Дўл.

Зардуштийлик таълимотига биноан, Анахита ва Тиштрийа илоҳалари ердаги ва самовий сувларга ҳомийлик қилган. Айрим ибодатхоналарнинг дарёлар бўйида ёки оролларда қурилиши ҳам шу билан боғлиқ бўлган. Ҳаёт дарахтидан Сенмурв барча ўсимликлар уруғини сочади, уларни Тиштрийа ёмғир суви билан бирга Ерга туширади ва ҳаёт давом этади.^{77:14} Авестода Зуҳал – Сириус юлдузи билан боғлиқ Тиштрийа маъбудга бағишланган Яшт – Алқовда, унинг самога чиқиши ёмғирни чақириб, борлиқ покланишини ифодалайди:

Шунда самода пайдо,
Бўлганида Тиштрийа.
Отдан-да кучли сувлар,
Келар Кўкдан оқароқ.
(73-6)

Натижада, “Қурғоқ йил, қаҳатчилик // Ёвузларнинг суюнчи” чекиниб, ҳосилдорликка йўл очилади.

Шунингдек, илоҳа Анахитани соҳа ҳомийси жиҳатидан Юнон Афродитаси билан таққослашади, у эса, аввалига Ой, юлдузлар ва ёмғир илоҳаси бўлган. Ёмғир ерни ҳосилдор этиб, ўсимликларни ўстиргани туфайли, ҳосилдорлик илоҳасининг вазифаси ўталган. Бактриянинг Тиллатепа мақбарасидан топилган тақинчоқда аёл илоҳанинг тасвирини олимлар “Кушон Афродитаси” деб номлаган (241-расм).

Чап елкасининг тепасида қўлида камон ушлаган, қанотли Эрот тасвирига биноан, бу ҳайкалча – севги илоҳаси Афродитанинг маҳаллий варианты – “Кушон Афродитаси” деб хулоса чиқарилган. Юнон-Римда кенг тарқалган асл нусхасидан фарқли равишда, илоҳага маҳаллий аёлларга хос қиёфа берилгани зътиборга сазовор. Шу обиданинг бошқа қабридан топилган тақинчоқда “Бактрия



241-расм. “Кушон Афродитаси”.



242-расм. “Бактрия Анахитаси”.



243-расм. Анахита шаклидаги шилдироқли сирға.

“Афродитаси” тасвирланган ва уни “Бактрия Анахитаси” деб ҳам ҳисоблашади^{308 61-62, 123} (242-расм). Мазкур Анахита сиймоси машҳур бўлганини унинг қиёфаси акс этган сирғалар ҳам тасдиқлайди (243-расм).

Илоҳанинг сув ҳомийси сифатида эъзозланганига Хоразм Қўйқирилганқалъасида эрамиздан олдинги IV асрга мансуб “шарфли илоҳа” ҳайкалчалари мисол бўла олади. Хоразмнинг “шарфли илоҳа” – Анахита ҳайкалчасининг шарфи елкаси оша оқиб тушаётган сув оқимининг рамзи бўлиб, кўйлагидаги ромб шакллари эса, Шарқ эътиқодларида балиқ рамзини билдиргани маълум. Тўлқин-спираль шакли ҳам Анахитанинг рамзи бўлган. Бундай ҳайкалчалар кўйлагининг бичими ва ундаги тасвирлар турлича бўлган, аммо елкаси узра ташланган шарфни қўли билан тутиб туриши ўзгармас рамз бўлиб қолаверган. Эрамизнинг биринчи асрларида бошқа шаклдаги ҳайкалчалар пайдо бўлишига қарамай, шарфлиси энг кўп учрайди. Кейинги ўринларда ҳомиладор аёл тимсолини ва ойна ушлаган маъбудаларни ифодаловчи ҳайкалчалар туради. Шу асосда, “шарфли илоҳа” Хоразмда энг муҳим илоҳа бўлиб, ўлкамизда кенг тарқалган, деб хулоса қилади олимлар.^{105: 189-191} Бунга далил – сурхондарёлик “шарфли илоҳа” бўлиб, чап елкаси узра рўмол ташланган, ўнг қўлида эса, мева – сув билан боғлиқ ҳосилдорлик рамзи тасвирланган (244-расм).

М. Воробьева эрамиздан олдинги V асрдан Хоразмда “шарфли илоҳа”дан кейин энг кўп учрайдиган (55 та) ҳайкалчаларнинг бир оёғи тагига букланган, иккинчисининг тиззаси кўтарилган ҳолатда

ўтирган илоҳани ифодалаганига диққатни қаратади. Узун кўйлаги устига ташланган катта рўмолнинг учи қўлида, иккинчи қўли эса, биқинига тақалган. Бошида рўмол йўқ, сочлари икки томонга таралиб, бўйнига икки томондан гажак туширилган. Олиманинг фикрича, хоразмликлар тасавурида маҳаллий ва хориждан келтирилган маъбудалар ва уларга хос белги-рамзлар ягона сиймо – Анахита ҳайкалчасида бирлашган.

Бу рамзлар Хоразмга хос бўлиб, олиманинг моҳиятини Оссурия-Вавилон халқларининг сув эътиқоди билан таққослайди. Шу билан бирга, бу ерда гап оддий ўзлаштириш ҳақидагина эмас, балки тарихий жараён умумбашарий миқёсда кечганлиги туфайли, давр тақозоси билан турли халқларда ўхшаш


эътиқодлар вужудга келганлиги ва, шу аснода, уларнинг рамзий тасвирлари ҳам бирхиллашганлиги хусусида кемоқда, деб аниқлик киритади. Мазкур эътиқод қадим Шарқда самовий сувларни ерга ато этиш мавзуси билан боғлиқ бўлиб, турли санъат соҳаларида ўз аксини топган. Илоҳа кўйлагининг сув оқимида ўхшаб товланиши, устидан оқиб тушаётган шаршарани ифодаловчи параллель чизиқлар ёрдамида акс этиб, унинг атрофида эса, балиқлар тасвирланган. Далварзинтепадан топилган I асрга мансуб қат-қат бурма кўйлакли илоҳа ҳайкалчалари бунга мисол бўлади (245 – 246-расмлар).




244-расм. Сурхондарёлик илоҳа (Совринжонтёпа, II-III асрлар).



245-расм. Сув илоҳаси.



246-расм. Илоҳа ҳайкалчаси (Далварзинтепа, I-II асрлар).



247-расм. Илоҳа ҳайкалчаси (Сурхондарё Култепаси, III-IV асрлар).

Мазкур кичик ҳайкалчаларнинг либосидаги чизиқчаларга қараганда, улар – илоҳа Анахита, деб ўйлаймиз. Жисмидаги тешик эса, унинг осма тумор бўлганидан далолат беради. Бактриянинг яна бир обидаси – Култепа учун хос бўлган ўтирган илоҳа ҳайкалчаси либосининг чизиқлари ҳам мазкур сув муҳитининг рамзи ўлкамизда оммабоп тус олганидан далолат беради (247-расм).

Ибтидоий замонларда вужудга келган сув соҳибасига сиғиниш ва шу билан боғлиқ ҳосилдорлик илоҳалари эътиқодининг қолдиқлари Ўзбекистон аҳолиси орасида XX асргача “момо арвоҳлар” тушунчасида сақланиб қолади. Улар ёрдамида чақалоқ туғдириб олинган ва касалликлар бартараф этилган.^{393: 18-27}

Диний анъанага биноан, маъбуда-илоҳаларга ҳамроҳлик қилувчи ҳайвонлар ёрдамида уларнинг аввалги, яъни зооморф (ҳайвонларга тақлид этувчи) сиймолари аниқланган. Ўлкамизда сув илоҳаси қадимда икки кўринишда тасвирланган: қўлида ойна, ёнида илонлар ёки аждарҳолар (бунга мисол Ерқўрғон ва Далварзинтепа ибодатхоналари); иккинчиси – тўртқўлли маъбуда – сенмурвлар, иккиқўллиси эса – аждарҳолар устидаги тахтда ўтириб, тожида нилуфар гули тасвирланган. Булардан биринчиси – ўлкамиздаги қадимий эътиқодлар билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – қурама сиймолар натижасидир. Бактриядан топилган тилла нишонда уч томонидан сув аждарҳолари жойлашган, юқори қисмида гуллаган ўсимлик ва қушлар бор маъбуда тасвирини ҳам Анахита деб ҳисоблашади. Вақт ўтиши билан, зардуштийлик дини таъсирида илоҳа тасвирларидан аждарҳо йўқолади, чунки у, юқорида кўрганимиздек, Авестода ёвузлик маъбуди Ахриман ҳамроҳи сифатида қораланади. Анахитанинг ҳамроҳлари қаторига, шунингдек, илон ва балиқ кирган. Илон – сув илоҳасининг асосий вазифаларидан бири – ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлган. Балиқ – дарё бўйи аҳолисига озуқа бўлгани туфайли, унга алоҳида эътибор берилгани табиий. Назаримизда, мазкур сув мавжудотларининг ҳаммаси ҳам Авестодаги тавсифга мос келмаслиги, ўлкамизда қадимдан эътиқоди кучли бўлган сув илоҳасининг ўзига хослигини яна бир бор намоён этади.^{66: 75-89; 391; 292; 368}

Зардуштийлик таълимотида (Видевдата, XIII, 50-51) мурда итлар Анахита ҳукмронлик қилувчи сув оқимиға тушиб, унда яшовчи сувсар ва қундузлар ҳам Анахитанинг сув итлари – тотеми ҳисобланган. Шунинг учун, Анахита уч юзта “сув итлари” – қундузлар мўйнасидан тикилган либос кийиб, мазкур зооморф тимсоли ўлдирилса, унда мужжасам руҳлар қайта ҳаётга қайтмаслигига бўлган қатъий ишонч туфайли, бу қилмиш учун қаттиқ жазо белгиланган. Типратикан ҳам “ит” ҳисобланиб, уни ўлдирган киши, келгуси тўққиз авлодда ҳаётга қайтиши мумкин бўлган ўз руҳини ўлдиради, деб ҳисобланган. Типратикан тасвирлари Хоразм сопол ҳайкалчалари орасида учраши, унинг нақадар эъзозланганидан далолат беради.^{328 31} Яъни инсон тафаккури мураккаблашган сари, у сиғинадиган эътиқод сиймолари ҳам мукамаллашиб борган.

Дарҳақиқат, *Авестода Анахита сифатларидан бири – инсон зотини давом эттириш бўлган:*

Ардви барча эрларнинг
Томчи сувин поклайди,
Барча аёл зотининг
Бачадонин софлайди.
*Аёллар туғруғини
Айлайди эсон-омон.*

Анахитанинг ҳосилдорлик ва у билан боғлиқ сув муҳити ҳамда туғилиш илоҳаси сифатидаги вазифалари ислом тарқалганидан кейин ўлкамизда мусулмон авлиёлари зиммасига тушади. Шулар қаторида – Муҳаммад пайғамбарнинг қизлари Биби Фотима ёки “мусулмонлаштирилган” авлиё аёллар сиймоларидир. Қашқадарё воҳасида ёмғир чақириш маросимида Сус-хотинга мурожаат этишган. Хоразмликларда бу вазифани ўтаган *Анбар-она* Хоразмда исломни тарқатган Ҳаким отанинг рафиқаси ҳисобланиб, олимлар, “аёллар диний эътиқоди”, деб атаган йўналишда у Анахитанинг меросхўри сифатида мужжасамлашган.^{378: 234-244} Олдин Анахитага мансуб бўлган ҳомийлик соҳалари унга ўтиши қадим эътиқоднинг замона зайлига мослашиш мисоли бўла олади.

Хоразм мифологиясида сув илоҳаси *Анбар-она* бўлиб, унинг дарё тубида яшовчи ўғли Эр Ҳубби – Амударё сувларининг хўжайини бўлган. 1936 йили Я. Ғуломов Амударёнинг оқсоқол қайиқчиларидан *Анбар-она* ва ўғли Ҳубби ҳақидаги бир ривоятни ёзиб олади: самовий сувлар илоҳаси гўзал ўғлини ўғирлаганидан кейин, *Анбар-она* йиғлаб, дарё бўйида уни излаб юради. Қишлоқ-

лардан бирида “Тур, болам!”, деб илтижо қилганидан қишлоқ “Дурғадик” номини олади. Айнан у биринчи қайиқни ясаб, одамларни қайиқчиликка ва сувда жанг қилишга ўргатади. Амударёда кема ва қайиқларнинг олд қисмига паноҳ рамзи сифатида ёғочдан Анбар-онанинг ҳайкали ўйилган, ислом дини кириб келганидан кейин эса, унинг юзини чопиб ташлашади, аммо икки кокили сақланиб қолади. Шу сабаб, туғмаган аёллар кема бошига ўтиб, сиймосига қарата ният қилишган.^{134: 30}

У бир вақтнинг ўзида ҳам Эр Ҳуббининг волидаси, ҳам самовий сувлар илоҳаси сифатида мужассамлашади. Иккинчи сифатида Анахита сиймосига мос тушади. Алқисса, Анбар-она аёллар, оналик ва ҳаёт, шу жумладан, ўсимликлар ҳамда туғилиш ҳомийси бўлиб, Наврўзга сумалак учун дон ўстиришганда, барака тилаб унга илтижо этишган. Доялар туғруқ қабул қилаётганида ундан мадад сўраган ва “менинг қўлим эмас, Анбар-она қўли”, деб дуо қилган.^{378: 96; 186: 65}

Анбар-она қабри Самарқандда ҳам маълум бўлиб, самарқандликлар бу авлиё аёлни Шоҳизинда (Тирик шоҳ) – Қусам ибн Аббос билан уйғунлаштиради. Анбар исмини эса, бузиб талаффуз этилган “амбайи шоҳ” (шоҳнинг аммаси), деб ҳисоблашади.^{378: 242-243}

Ўғли Ҳубби ҳам ғойиб авлиё бўлгани учун қадамжолари кўп, лекин қабри йўқ. Бу жиҳатлари билан Ҳубби қадимги илоҳлар билан уйғунлашади. Арабларда Таммуз сув илоҳи саналиб, “сув қаърининг асил фарзанди”, деб аталган. Адонис ва Осирис илоҳлари ҳам сув билан боғлиқ бўлган. Мисрда мотам кийимларидаги аёллар сочларини ёйиб, Адонис ҳайкалини денгиз тўлқинларига ташлашган. Ўлиб-тирилувчи илоҳларга бағишланган ибодатхоналар сув бўйида жойлашгани ҳам бежиз эмас.^{378: 250-254}

Ривоятларга кўра, Анбар-онанинг ўғли Султон Ҳубби Амударёда қайиқни қутқаради, халос бўлганлар унинг шаънига қурбонлик келтирган ҳўкизни тирилтиради, отаси ва укалари билан низо чиққанида каптарга айланиб, туйнукдан учиб кетади. Одамларнинг Ҳубби дарё сувларида ғойиб бўлганлиги, аммо тирик қолгани ва қайтиб келишига ишонишгани ўлиб-тирилувчи табиат эътиқодининг ёрқин кўриниши, албатта. Шу жиҳатлари билан Хоразм афсонаси қадим Шарқнинг буюк илоҳалари ва уларнинг эри ёки яқинлари билан содир бўлувчи фожиага туташлиги диққатга сазовор. Ҳубби эса, Амударё сувлари хўжайинига айланиб, Хоразм воҳасини сув билан таъминлаш учун “аранглар” билан курашади. Олимларнинг фикрича, Хоразмда париларни сув билан уйғун-

лаштиришни қадимги Анахита илоҳасининг эътиқоди пайдо бўлишидан олдинги даврда дарё сувларидаги руҳлар – аранглар ҳақидаги тасаввур билан боғлашади. Улар гўёки, дарё оқими ва сатҳининг баландлигини бошқарган, сув тошқинлари ва кема ҳалокатларига алоқадор бўлган. Муқаддас кучга эга бўлган айрим авлиё ва қаҳрамонлар уларга қарши курашиб, енгишига ишонч бўлган. Шунинг учун Султон Ҳубби қайиқчиларнинг ҳомийси ҳисобланган. Аранглар чўлда сувсиз қолган одамларга ёрдам бергани ҳам ривоятлардан маълум. Бу жиҳати билан улар сув париларига ўхшашлиги шубҳасиздир. Қайиқчилар кемага чиқишдан олдин қурбонлик келтиришган, Амударё сувларига қонини тўкиб ва ёмон кўздан асраши учун кема учига туз сепишган. Умуман, ўлкамизда ва, жумладан, Хоразмда муқаддас саналувчи ҳовуз, қудуқ, чашмалар кўплаб учрайди ва қатор мазор ҳамда муқаддас қадам-жолар ҳам улар билан боғлиқ. Хоразмнинг кўп каналлари у ёки бу авлиё номи билан боғлиқ: авлиё унинг ҳомийси ёки Амударёдан ариқ очган пири саналган. Масалан, Полвон ота Амударёдан Хива томон кетаётганида, ҳассаси билан ерни чизиб борган издан ариқ юзага келиб, ундан сув келган ва бу ариқ ҳозир ҳам Полвонёп деб аталади. Қадим ривоятларда Амударёни Фаридун қазигани туфайли номи “Белкандаи Фаридун” – “Фаридун белкуракда қазиган” бўлган. Навоийнинг Фарҳоди ҳам белкурак билан тоғдан сув очиб, каналга йўналтиришини эслайлик.^{378. 233-237}

Анахита тимсоли билан унга ҳамроҳлик ва ходималик қилувчи жанговар қизлар сиймоси ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, Қирқ-қиз (*Амазонкалар*) – жасур эркесвар қизларнинг Ватани ҳимоя қилиши ҳақидаги умумжаҳон мавзуси ўлкамизда ҳам ўз аксини топган. Хива ёнидаги “Олма отишган” шаҳристони харобаси аждарҳо олиб қочган ер остидаги гўзал қиз афсонаси билан боғлиқ бўлиб, Хонқада эса Гуллибиби (Гуллар бекаси) эътиқоди мавжуд бўлган. Унинг мазоротида аёл шайхлар бўлиб, аёлларнинг зиёрат маросимлари ўтказилган ва жаҳрларни ҳам аёллар бошқарган. Мазоротда эрга тегмасликка ваъда берган ҳур қизлар хизмат қилган. Анахитанинг қадим Шарқ ибодатхоналарида ҳам бокира қизлар тўйдан олдин яшашгани маълум. Хоразмда мазкур ҳур қизлар йўналиши тасаввуф доирасида анчагача мавжуд бўлган. Ўзларини илоҳга хизмат этишга бағишлаган ҳур қизлар ер остида ғойиб бўлгани билан боғлиқ қадамжолар Хоразмда кўплаб учрайди ва улар Қирқ-қиз, деб аталади. Бу ишонч Анбар-она орқали Анахитага бориб тақалади, деб ҳисоблайди олимлар. Ҳозирги Беруний шаҳри ёнида гўзал чавандоз қиёфасида

тасаввур этилган Қулли момо қабри бўлиб, ўтмишда унинг атрофида 20га кириб улгурмаган ёш одамларни дафн этишган.^{378: 266-262}

Алқисса, ўлкамизда турли эътиқодлар қурамаси асосида муайян илоҳалар пантеони шаклланиб, "келгинди" илоҳалар диёримизда маҳаллий сиймолар билан уйғунлашади.

Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасида аёл маъбудалари асосан икки турда бўлган: 1) кийимсиз аёл ва 2) узун кўйлак кийган Анахита.

Биринчи турига эрамиздан аввалги биринчи асрларда Бактрия ва Сўғдада қўллари билан кўкраги ва қорнининг пастини тўсиб турган кийимсиз маъбуда ҳайкалчалари мисол бўла олади. Айнан шундай ҳайкалчалар Сурхондарёнинг Далварзинтепасидан ҳам топилган^{179 161-165} (248-249-расмлар).



248-расм. Ибтидоий илоҳа
(Хоразм, Қўйқирилганқалъа,
эрамиздан олдинги IV-III асрлар).



249-расм. Кийимсиз ҳайкалча
(Далварзинтепа).



250-расм. Кийимсиз ҳайкалча.



251-расм. Сурхондарёлик
"Венера" (V-VI асрлар).

Сурхондарёнинг V-VI асрлар ҳайкалчаси ва Хоразм Жонбосқалъасининг эрамиздан олдинги I асрга мансуб бўлган кийимсиз ҳайкалчаси бир қўли билан кўксини тираб, иккинчиси билан пуштини тўсиб турибди. Олимларнинг фикрича, бу ҳайкалчаларнинг мақоми *Венера тасвирларига* хос бўлиб, юнонлар билан эрамиздан олдинги асрда кириб келган ва маҳаллий аҳолига ёт бўлган^{402: 199, табл.74} (250-251-расмлар).

Аммо бу борада бошқа олимларнинг фикрича, Хоразмнинг Жонбосқалъасидан топилган илоҳанинг сопол ҳайкалчаси “уятчан ҳаракат билан олдини тўсиш” мақомини, Ғарбнинг яланғоч Венера ҳайкаллари билан уйғунлаштириш нотўғри, чунки бундай истиҳола ва ибто айнан Шарқнинг ўзига хос услубдир.^{104: 238} Айрим европалик олимларнинг уларни қадимги эротика (шаҳвоний тасвирлар) деб ҳисоблашига С. Токарев қўшилмайди, чунки у пайтда кийимнинг ўзи бўлмаган ва ибтидоий одам учун бу томони қизиқиш уйғотмаган.^{317: 53}

Бу тасвирни қадим Хитой афсоналари билан солиштирган олимлар шундай хулосага келади: илоҳ юборган ўсимлик уруғининг туғилиш пайти акс эттирилган. Ундан эса, барча наботот намуналари пайдо бўлади.^{448: 453} Дунё халқларида “Венера” деб аталувчи яланғоч аёлнинг қадимий ҳайкалчалари кўплаб топилиб, белидан пасти кенг, катта кўкракли шаклларига қараганда, олимлар уларни ҳомиладорлик ва ҳосилдорлик илоҳалари деб ҳисоблашади.^{176: 238}

Ҳайкалчаларнинг иккинчи турига мисол – Далварзинтепанинг эрамиздан олдинги II асрга мансуб узун кўйлакли тик турган аёл ҳайкалчаси, сочлари орқасида бир ўрамга тугилган (252-расм).

Фикримизча, бу – яхлит бир сиймо эмас, турли илоҳа-маъбудаларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган терма тимсол, десак тўғрироқ бўлади. Масалан, Хоразм сопол ҳайкалчаларининг узун кўйлак, плаш ва пўпа каби кийимлари эллинизм, юнон-рум таъсиридан келиб чиқади, деган фикр ўрнашиб қолган. Аммо айрим олимларнинг айтишича, юнонларнинг ўзи бу кийимларни қадим Шарқдан ўзлаштирган.^{391: 224} Г. Пугаченкова ҳайкалларнинг бу турини “Улуғ бактриялик илоҳа” деб хулоса чиқаради.



252-расм. Узун кўйлакли илоҳа.

Эрамиздан олдинги даврда Анахита ҳайкалчалари кўпроқ учраб, эрамиз бошида Она-илоҳа устувор туради. Бола эмизиб ўтирган аёл ҳайкалчасини олимлар барча мавжудот эмас, одамлар илоҳаси, деб тахмин қилади. Кўза ва жом ушлаб турган ҳайкалчани ҳам Анахита сиймоларидан бири дейишади. Қалъалиқир 2 ибодатхонасидан топилган дастасига аёл боши ёпиштирилган шаклдаги хум учрайди ва бу, назаримизда, Анахита тасвиридир (253-расм).

Шу обидадан топилган тик турган аёл шаклидаги ҳайкал-хокдон Авестодаги фравашилар тасвирига ўхшайди: сукут сақловчи бўйи баланд, кенг яғринли, қорнидан тепаси белбоғ билан турбандланган. Шунингдек, Қўйқирилганқалъадан қўлида анор ушлаган башанг либослардаги Анахита ҳайкалчалари кўплаб учрайди.

Қалъалиқир 2 топилмалари Хоразмнинг ўнг ва чап қирғоқдаги ҳудудларида уларнинг ўзига хос турлари мавжуд бўлганидан далолат беради. Чап қирғоқда, асосан, ўтроқ ва ярим кўчманчи аҳоли яшагани бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шунга биноан, олимлар чап қирғоқ территорияларига хос ҳайкалчалар орасида “Бурма кўйлакли аёл” ва “Бир дастали кўза ушлаган аёл”ни таснифлашади.

Шу билан бирга, Хоразмнинг ўнг қирғоғига хос “ромблар маржони”, шарф ва ёпинчиқли илоҳалар ҳайкалчалари чап қирғоқда учрамаганига эътибор қаратишади. Ваҳоланки, ўнг қирғоқ ҳайкал-хокдонларида ҳам аёл ҳайкалчаси кийимида ромб ва ромб-учбурчак шакллари ҳайкалчалар тасвирини қайтаради. Олимлар, бу ҳайкалчалар иккинчи даражали илоҳалар, эҳтимол, уй ҳомийларини ифодалаган, деб ҳисоблашади. Ёш қизларга ўхшаган ҳайкалча эса, балким бокира Гестия (“ўчоқ соҳибаси”)ни акс эттирган бўлиши мумкин. Қалъалиқирдан топилган ҳайкалчаларни



253-расм. Аёл дастали хум синиғи.

5 турга бўлишади^{187: 174} ва, шунга таяниб, ўлкамиздаги *Анахита ва унга уйғунлашган илоҳалар ҳайкалчаларини ҳам қуйидагича таснифлашга уринишлар* мавжуд.

1. Яхлит кўйлакли аёл (254-расм).

Далварзинтепадан ҳам эрамиздан олдинги I асрга мансуб бўлган шунга ўхшаш пўша ташлаб ўтирган илоҳа ҳайкалчаси топилган (255-расм).

Сўғд, Бактрия ва Нахшабдаги ҳайкалчаларнинг кийими жуда ўхшашлигига эътибор қаратиш керак. Бухоро воҳаси ва Бактриянинг эрамизнинг бошидаги сопол ҳайкалчалари ва тангаларида ҳам маъбудалар ўхшаш кийимларда ифодаланган.^{450: рмс.73: 307} Масалан, I-II асрларда Холчаён, Далварзинтепа ва Мирзақўлтепа ибодатхоналарида топилган “Бактрия илоҳалари” тасвирларидаги кийимлар паст қисмида кенгайиши билан ҳам ўхшашиб кетади.^{318: 20-42; 274: 376-383; 292: 87-98, рмс.II}


2. “Бурма кўйлак”ли ва ўнг қўлида учбарг ёки гул ушлаган ҳайкалча (256-расм).



254-расм. 1 ва 2 турга оид ҳайкалчалар.



255-расм. Пўшали ҳайкалча




256-расм. Иккинчи тур ҳайкалчалари.

Бухоро вилоятидан ҳам шунга ўхшаш қадимги илоҳаларнинг ҳайкалчалари топилган (257-расм).


3. Кийимсиз ҳайкалчалар (258-расм) .

4. Қўза ушлаган аёл (259-расм).

Уларга Самарқандга доир ҳайкалчаларнинг намуналари яқин туради (260-расм).




257-расм. Бухоро илоҳалари.



258-расм. Кийимсиз ҳайкалчалар.



259-расм. Бир дастали
кўза ушлаган аёл.



260-расм. Самарқанд илоҳалари.

Анахита ҳомийлик қилган соҳалардан яна бирини ифодаловчи Авестонинг “Ризқ ўстиргичга шараф” сатрини Сўғд тасвирларидаги илоҳа рамзларидан анор, ўсимлик танаси ва шохлари, донли ўсимликлар, турли мевалар, учбарг, идиш, ойна, фаровонлик шохи ҳамда гуллар изоҳлайди. Ўлкамизнинг қутисимон оссуарийларида тасвирланган анор гули, товус ва кабутар, само жисмлари Анахитага хос белгилар бўлган. Қадим Шарқда, эрамиздан олдинги III мингйилликдан бошлаб, зиёфат пайти тахтда ўнг қўлида жом ва чап қўлида мева ёки гул ушлаб ўтирган илоҳа тасвири маълум. Бу тасвири Янги йил байрамида илоҳлар қовушгандан кейин ўлкада ҳосил мўл-кўллигини ва туғилишни таъминлашга бағишланган маросим, деб ҳисоблашади. Янги йил байрамлари ҳосилдорлик байрами билан қўшилиши табиий бўлган.

Варахша марказидаги шаҳар (бизнинг тахмин бўйича) Олов уйдан аёл ҳайкалчаси топилган^{450: 122-123}. Бошининг тепасида тешикли нимбга ўхшаш қисм, чап қўли қорни устида, ярим букилган ўнг қўли эса, кўксининг устида. Ортидаги фонда узум тасвирланган. Варахша чеккасидан ҳам шундай ҳайкалча топилиб, ўнг қўлида кўкси даражасида анорга ўхшаш думалоқ нарса ушлаб турибди, чап қўлидаги нарса эса – ноаниқ. В. Шишкиннинг тахминича, бу – Анахита тасвири, деган фикрга қўшиламмиз, чунки анор унинг рамзий меваси ҳисобланган. Варахша атрофидаги эрамиздан олдинги биринчи асрларга мансуб бўлган Оёқтепа 2 обидасидан топилган ва қолипда ясалган бешта сопол ҳайкалчалар ўнг қўли кўксида, пастга туширилган чап қўлида қандайдир нарса ушлаб турган узун кийимли аёлни ифодалайди. Бешта ҳайкалча бир-бирига айнан ўхшаш, фақат катта-кичиклиги билан сал фарқ қилади, чунки турли қолипларда қуйилган.^{450: 142}

Қўйқирилганқалъада қўлида анор ушлаган Анахита ҳайкалчалари кўплаб учрайди. Анор доналарининг кўплиги серҳосиллик ғоясини ифодалагани туфайли, у Анахита рамзи бўлиб, шу сабаб, келин сепига қўйиладиган нарсаларда унинг тасвири кўп бўлган. Худди шунга ўхшаб, жийда ва тут ҳам алоҳида эъзозланган, чунки улар ер ҳосилдорлигини ҳамда аёлларнинг бола туғиш қобилятини оширишига ишонилган. Баҳорда, экин ишларини бошлашдан олдин, далага бир неча сиқим жийда ташланган. Тутни эса, кесиш ман этилган ва қуриган шохини олиб ташлашдан олдин калима келтирилган. Муқаддас тутлар тагида қурбонлик келтириб, ис чиқаришган ва бўғирсоқ пиширишган. Ислом дини кириб келиши билан бундай дарахтлар бирор авлиё билан боғлиқ, деган эътиқод



261-расм. Қўлида мева ушлаган Афросиёб илоҳалари.

262-расм. Гул ушлаган илоҳа ҳайкалчаси (Сурхондарё Бароттепаси. III-IV асрлар).

пайдо бўлади, яъни халқ қадимги тасаввурларини янги диний муҳитга мослайди.^{378: 196-201}

Самарқандда топилган ва эрамизнинг биринчи асрларига мансуб бўлган сопол ҳайкалчаларда илоҳанинг ўнг қўлида мева, Сурхондарё ҳайкалчасида эса гул тасвирланган (261-262-расмлар).

Афросиёбдан топилган сопол ҳайкалчанинг кўкси баравар кўтарилган ўнг қўлидаги гулчамбардан пастга тушган тасма учидан тухумсимон кичик нарса осилган. Чап қўлидаги думалоқ нарсанинг тепасида уч қиррали устлама. Бу ҳайкалча эрамиздан олдинги II аср – эрамизнинг IV асрларида Сўғд учун хос бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, гулчамбар, эҳтимол, шоҳликка кўтариш рамзини билдиради. Зартепа ва Эски Термиздан топилган ҳайкалчаларнинг қўлида тахтга кўтариш рамзи сифатида ҳалқа бор. Илоҳа Анахитанинг тахтга кўтариш вазифаси Авестонинг Ардвисур Яштида акс этган. Ҳукмронлик ато этувчи Анахита сиймоси ўлкамизда кенг тарқалиб, кейинчалик Сосоний Эрон тасвирларига кўчади.^{161: 78-80} Авестога биноан, "Анахита бошида юзлаб қимматбаҳо тошли саккиз қисмли, ароба шаклидаги тилла тож бўлган". Жарқўтон ибодатхонасидаги 8 та олов меҳроби ва ҳайкал бошида ҳам саккиз қиррали тиллақош (диадема) бўлиши чуқур маънога эга, чунки бу рақам Анахита билан боғлиқ астрал рамз ҳисобланган. Зухро юлдузи 8 ой – тонг юлдузи, 8 ой эса – шом юлдузи сифатида балқиб чиқади. Унинг саккиз йиллик айланиш даври Ернинг 5 йиллик

айланиш даври билан мос тушади. Митранинг рамзий рақами ва кўринишлари сони эса 5 бўлган. А. Асқаровнинг фикрича, Жарқўтон ибодатхонасининг нарсалар сақлаш қисмида 8 та хона бўлгани ва Сополлитепадаги 8 даҳа ҳам бежиз эмас.^{442: 5, 8}

Кушонлар даврида зарб этилган тангаларда илоҳа чап қўлида анор тўла фаровонлик шохи, ўнг қўлида эса илоҳий ҳукмронлик рамзи – тасмали гулчамбар ушлаб ўтирибди. Боши атрофида шуълали гардиш, ўнг елкасининг тепасида оташгоҳ тасвирланган. Танганинг ўнг томонида эса, илоҳанинг исми – Ордохшо деб ёзилган (263-расм).

Хоразмнинг Тешикқалъасидан топилган тўртқўлли илоҳ тасвирланган муҳр тамгалари ва айнан шу тасвирнинг ўлкамизнинг ўрта асрларга мансуб кумуш лаганларида мавжудлигига асосланиб, С. Толстов, бу – Анахитанинг Хоразм варианты бўлиб, Кушон даврида ҳинд-буддавийлик таъсири билан қоришган, деб ҳисоблайди.^{402: 200} А. Беленицкий бу тасвирни Кушон тангаларидаги Окшо илоҳаси расми билан уйғунлаштиради. Шунингдек, Сатурн планетаси тўртқўлли инсон шаклида тасвирланиб, Монголияда ҳам Марс шундай ифодаланганини, ўлкамиздан у ерга кўчган сиймо, деб ҳисоблайди.^{58: 69}

Дарҳақиқат, ўрта асрларда ўлкамизда тўртқўлли илоҳа сиймоси кенг тарқалиб, Хоразмнинг кумуш лаганларида қоплон ва шер ҳамда тахт устида ўтиргани тасвирланган: иккита қўлида Қуёш ва Ой тасвирлари, қолганларида эса гул, жом ва салтанат рамзи – асо (скипетр) ифодаланган (264-расм).



263-расм. Қўлида фаровонлик шохи ушлаган илоҳа Ордохшо.



264-расм. Хоразм кумуш лаганларидаги тўртқўлли илоҳа тасвири.

Тешиққалъадан топилган муҳрда тўртқўлли илоҳа тасвири соддалаштирилган бўлиб, юқорида биз кўрган Хоразм кумуш лаганларидаги илоҳаларнинг “муралис тожи” ўрнига икки ўрқачли ётган туя шаклидаги тож кийилган (265-расм).

Бу рамз Хоразм тангаларида III асрдан то VIII асргача учраб, айрим олимлар уни Анахита сиймоси билан тенглаштирган. Унинг қўлидаги Қуёш ва Ой рамзлари эса, коинот нуруни ифодалаган. Бошқа олимлар эса, Қуёш ва Ой рамзларида астрал эътиқод белгисини кўриб, илоҳа билан бирга бу илоҳий учлик бўлганига ишора этган. Энг муҳими – ҳамма бу илоҳани ҳосилдорлик ва фаровонлик ҳомийси, сувлар соҳибаси деб ҳисоблаган.²⁸⁰

Анахитанинг рамзлари қаторига тангалар ва оссуарийлардаги учта нуқтали ҳилол Ой, шохлар ва барглар, кабутар ва товус ҳамда астрал рамзлар тасвирлари киради. Масалан, VIII асрга мансуб Хоразмнинг кумуш лаганидаги тасвирда тахт устидаги оссуарий тепасида *ҳилол Ой ва Қуёш диски рамзлари шоҳ сулоласи аждодлари эътиқоди билан боғлиқ* бўлиб, ёзуви ҳам бор (266-расм).

Сурхондарёнинг Далварзинтепа ва Будрач обидаларидан топилган ва II-III асрларга мансуб бўлган илоҳаларнинг тожсифат бош кийимининг тепа қисмида ҳилол Ой тасвирланган (267-268-расмлар).

Хоразмнинг Миздаккан мажмуасидан топилган оссуарийда шер тасвири Қуёш илоҳи Митра рамзларидан бири ҳисобланади²⁸⁰ (269-расм).



265-расм. Тешиққалъа муҳридаги тўртқўлли илоҳа.



266-расм. Оссуарийдаги астрал рамзлар.

Биз бу тахминни эътироф этган ҳолда, оссуарийдаги асосий мавзулардан бири Ҳаёт дарахти эканлигини таъкидлаб, уни Анахита эътиқоди билан боғлаш мантиқан тўғри бўлади, дея қўшимча қиламиз. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ўлкамизда энг эъвозланган иккита эътиқод рамзлари марҳумга жаннатга тушиш тилаги билан тенг бўлган. Бунга далилни олиманинг ўзи тақдим этади: Хоразмда энг кенг тарқалган осма тақинчоқлар хўроз ва товус шаклида бўлган. Булар эса Анахита ва Сиёвуш рамзлари ҳисобланиб, ўлкамизда Сиёвуш илоҳ сифатида Митра билан уйғунлаштирилган.



267-расм.
Далварзинтепа илоҳаси.



268-расм. Ҳилол ойли тож кийган
илоҳа (Сурхондарё, Будрач
шаҳристони. IV-V асрлар).



269-расм. Оссуарийдаги шер тасвири (Хоразм).

СЎҒДНИНГ ҲОМИЙ ИЛОҲАСИ НАНА

Ўлкамизда Нана (Нанайя) ва Ордохшо – энг эъзозланган маъбудалар бўлган, илоҳанинг чақалоқларга дуои фотиҳа бериши, Нана Самарқанд ва Хоразмда алоҳида эъзозланиб, нариги дунё тақдирининг ҳомийси ҳисобланган, шер устида ўтирган Нана, аждарҳо Макара илоҳа Нананинг рамзларидан бири – саккиз баргли нилуфар тўпбаргини ютаётгани, Ерқўрғон шаҳристонининг ҳомий илоҳаси Нана, тўртқўлли Нананинг тасвирлари, илоҳанинг бир қўлида Қуёш, иккинчисида – Ой, Моҳак – Ой илоҳаси, Ўлкамизда аёл нуфузи кучли бўлиб, оила ҳамда жамоа ишларида мақоми юқори.

Ёзма ва археологик маълумотларга кўра, ўлкамизда Нана (Нанайя) исмли маъбуда эъзозланган. Асли бу маъбуда Инана исми билан қадим Месопотамияда машҳур бўлиб, Евфрат ва Тигр дарёлари оралиғида шер устида ёй ўқлари билан ўтирган тарзда тасвирланган. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, ҳосилдорлик ва муҳаббат илоҳаси Инана(Нана)нинг рамзи – Зухро юлдузи, эри – ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи Думизи бўлиб, ўгли Таммузни тирилтириш учун бу илоҳа тирик сув қидириб, марҳумларнинг ер ости дунёсига тушади.^{202 122-160}

Нана илоҳа қадимги дунёнинг Суз ва бошқа шаҳарлари ҳомийси бўлиб, Евфратнинг ўрта оқимида жойлашган Дура-Эвропас (ҳозирги Солиҳия) шаҳрида эрамиздан олдинги биринчи асрда унга атаб маҳсус ибодатхона қад кўтарган. Ҳозирги Суриянинг мазкур ибодатхонасида ҳосилдорлик илоҳаси Нананинг ёзилган номи ҳозиргача сақланиб қолган. Аслида, ибодатхона унга бағишланиб, кейинчалик, юнон Артемидаси билан уйғунлаштирилган, деб ҳисоблайди олимлар. Артемида эса Юнонда камон ва ўқдон билан тасвирланиб, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳомийси ҳамда ҳосилдорлик рамзи сифатида ҳомиладорларга ёрдам берган. Ўлкамизда Нана сиймоси сўғд, сак ва юнон сиймолари қурамаси сифатида мужас-самлашиб, ҳайвонот ва наботот олами ҳосилдорлиги ҳамда оналик билан боғлиқ бўлган. Сўғд тангаларига қараганда, Нана исломга қадар шаҳарлар ҳомийси мақомини сақлаб келиб, Самарқандда ҳосилдорлик илоҳаси сифатида ўз ибодатхонаси бўлган. Қашқадарё воҳасидаги Ерқўрғон шаҳристонининг ибодатхонадаги ҳайкали олдида ҳам шаҳар ҳомийси сифатида унга аталган маросимлар

ўтказилган. Чирчиқ бўйидаги Хўжакентнинг эрамиздан олдинги IV-III асрларга доир тасвирларида қўлида камон ушлаган аёл расми ҳам Нанани ифодалайди, эҳтимол. Нана номи форсий эмас, балки Анахита билан уйғунлашган бўлиб, Ардвисура-Анахита – “Булганмаган”, “Соф” маъносини англатади. Турли минтақалар маъбудалилоҳларининг соҳаси яқинлигига қараб, уйғунлашиб-қоришиб кетиши қадим дунёда кўп учрайдиган ҳол бўлиб, салавкийлар даврида ҳозирги Ўрта Осиё территориясида эллин худоларига аталган ибодатхоналар қад кўтаради. Маҳаллий халқ назарида турли илоҳ-маъбудалар сиймоси уйғунлашиб, турдош соҳа ҳомийларининг рамэлари ҳам бир-бирига кўчиб ўтади.^{149: 74-87; 441: рис.7; 68: 34-42; 391; 293; 337 171; 470}

XII аср Сурия манбаларида Александр Македонский Самарқанд марказида ҳомий илоҳа Нана шаънига катта ибодатхона бино этгани ва у Сўғдда Анахита билан уйғунлашиб, жанг илоҳаси бўлгани айтилган. Илоҳа Нананинг ҳайкаллари ўлкамизнинг турли обидаларида турганига 270-расм ҳам мисол бўла олади. Дарҳақиқат, VII-VIII асрларга келиб, Нана Сўғд илоҳлар пантеонида марказий илоҳага айланади.^{66: 75-89} Яъни Нана илоҳаси Сўғднинг ҳомий илоҳаларидан бири бўлиб, сопол тасвирлари, марказий шаҳар ибодатхонасидаги ҳайкалдан нусха олинган сопол ҳайкалчалари ва тасвирлари уй меҳробларида турган ва тумор сифатида тақилган. Панжикентдан топилган тангалар ва девор тасвирлари асосида олимлар Нана ҳақида қатор хулосаларга келади. Тангалар орасида яроқсизлари ҳам борлиги ибодатхона қошида танга зарб этиш устахонаси мавжуд бўлганидан далолат беради. Улардаги ёзув “Панча Нана-Соҳиба” – “Панжикентнинг Нана соҳибаси”, яъни асровчи илоҳаси, деб ўқилади.^{149: 75} Худди шундай ном сўғд-моний матнларидан бирида ва Кушон даври тангаларининг орқа томонида ҳам топилган.^{502: 133-144; 417: 136-137}

Кушон даври тангаларига қараганда, *Нана ва Ордохшо энг эъвозланган маъбудалар* сифатида Канишка даврида марказий илоҳа даражасига кўтарилган. Шер, грифон ёки фантастик ҳайвон устида ўтирган илоҳа сиймоси ўлкамизда қадимдан маълум бўлиб, тангаларда



270-расм. Қадим ўлкамизнинг Нана илоҳаси.



271-расм. Асо ва жом ушлаган илоҳа (Бактрия муҳри).



272-расм. Илоҳа Нана (Холчаён).

Нана шер устида ёки бир ўзи тасвирланиб, ҳар доим қўлида ҳукмронлик рамзи – асо ушлаган (271-расм). II аср Канишка тангаларида аёл тасвирининг тагида илоҳанинг исми “Нана” деб ёзилган (272-расм). Айрим тангаларда тасвирланган камон ўқдони эса, қадимги маҳаллий илоҳанинг рамзи сифатида намоён бўлади. Г. Пугаченкова Далварзинтепа кулоллар ибодатхонасидан топилган ҳайвон устидаги илоҳа расми ҳамда оддий кулолнинг кичиккина лой тамғасидаги илоҳани Нана деб, унинг тасвирлари оддий халқ уйларида топилгани мазкур эътиқоднинг кенг тарқалганидан далолат беради, деб ҳисоблайди. Муҳрда ўсимлик билан тасвирлангани эса, нафақат ҳайвонлар, балки ўсимлик дунёсига ҳам ҳомий бўлганига ишора.^{139: 141 358 67-70; 469: 106; 496: 149; 74-84}

Далварзинтепа уйларида бирининг зали деворларида, қолдиқларга қараганда, аёл ва қандайдир ҳайвон расмлари бўлгани аниқланган. Сўғдада тўртқўлли илоҳа Нана девор тасвирларида ифодалангани асосида, Г. Пугаченкова бу топилгани ҳам Нана сиймоси, деб ҳисоблайди. Тўртта қўлини эса, ҳиндлар (Шива сиймоси) таъсири билан тушунтиради. Шу билан бирга, олима бу илоҳани кўп тадқиқотчилар Анахита билан уйғунлаштириши ва Кушон тангаларидаги Нана ва Ордохшо сиймолари Авестода яхлит бўлган Анахита сиймосининг иккиланиши билан тушунтиришига диққатни қаратади. Олима Нана билан Анахитани тахминлар ва

билвосита далиллар асосида бир сиймо, деб уйғунлаштиришни шубҳа остига қўйишига биз ҳам қўшилаемиз. Авестода Анахитадан ташқари олий тартибот илоҳаси Аши-Ванухи, оламни тапқил этган тўрт унсурдан бири бўлмиш Ер илоҳаси – Армаити мавжуд. Шунингдек, Кушон тангаларидан Нана билан бирга Ордохшо, Оммо, Хванинда илоҳаларини таниймиз. Ўлкамизнинг турли минтақаларида турли маҳаллий эътиқодлар ёки барча учун умумий бўлган илоҳанинг қурама хусусиятлари асосидаги ҳайкалчалар учрайди ва, олиманинг фикрича, уларнинг ҳаммасини Анахита деявериш ҳам шубҳа туғдиради. Эътиқод иншоотларининг тури ҳам эллин намуналаридан сезиларли фарқ қилади. Бактрия ибодатхоналари зардуштийлик, муқаддас Олов ҳамда Улуғ илоҳа эътиқодлари билан боғлиқ, деворда тасвирланган илоҳа тангалар ва сополда ўз аксини топган *Нанайя* ёки *Ордохшо* бўлиши мумкин. Ерқўрғон ибодатхонасидаги ўтирган аёл ҳайкалчаси Кушон даври тангаларидаги тахтда ўтирган Ордохшо маъбудасига ўхшашлиги аён. Тахтда ўтирган Анахита ҳайкалининг қўлида ҳукмронлик рамзи – гулчамбар бўлган, Ордохшонинг бир қўлида дарахт шохи, иккинчисида эса, фаровонлик рамзи – бурама шох тасвирланган. Шунингдек, ўлкамизда турли ҳайвонлар устида ёнламасига ўтириб, қўлида турли рамзий нарсалар тутган маъбудаларнинг тасвирлари мавжуд. Тахтда ўтирган маъбуданинг энг қадимги тасвири эрамиздан олдинги VIII асрга тааллуқли бўлиб, Жанубий Арабистонда топилган. Ерқўрғонда эса, ўнг қўлида айрисимон нарса ушлаган яна бир ўтирган маъбуда ҳайкалчаси қолдиқлари топилган бўлиб, олимларнинг фикрича, бу ҳайкалча маҳаллий бўлгани билан, қўшни Кушон даври Бактриясида тахтда ўтириб, ўнг қўлида айрисимон ёки икки баргли нарса ушлаган илоҳалар сиймоси таъсири остида яратилган.^{267 32; 391; 193; 528}


Бу мунозарани давом эттира бориб, академик Э. Ртвеладзе, Далварзинтепа ибодатхонаси деворларидаги эрамизнинг биринчи асрларига мансуб тасвир борасида алоҳида тўхталиб, шундай хулоса чиқаради: бу сиймонинг нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Ўрта Шарқда ҳам ўхшаши йўқ. Далварзинтепадаги Нана ибодатхонасининг девор тасвирий санъати асл бактрияликнинг диний эътиқодини акс эттирган. Тасвирлардан бирида қўлларида боши узра чақалоқ кўтарган оқ кийимли коҳин ва иккита чақалоқ ушлаган коҳина тахтда ўтирган илоҳа олдига яқинлашмоқда. Э. Ртвеладзенинг фикрига биноан, бу саҳнада чақалоқларга *дуои фотиҳа* берилиши тасвирланган^{357: 83-84} (273-расм).



273-расм. Далварзинтепа ибодатхонаси деворий тасвирининг асли.

Далварзинтепа ибодатхонасининг ганч устидаги мазкур деворий расмида оқ пешонабанд таққан коҳин бошининг устида чақалоқни кўтариб турибди, ёнида ҳам бир чақалоқ тасвирланган. Олимларнинг фикрича, бу саҳнада фаровонлик, ҳосилдорлик, уй ўчоғи ва болажонлик ҳомийси бўлган Буюк Она-илоҳа сифатидаги Нана ҳузурига болаларни дуои фотиҳа олишга келтиришган. Тикланган ҳолатдаги 274-расм Э. Ртвеладзеннинг тахминини тасдиқлайди.

Чап томондаги, боши устида шуълали гардиш бор аёл илоҳа бўлиб, чап қўли билан болаларини кўтариб турган аёл ва эркакка дуои-фотиҳа бермоқда. Г. Пугаченкова бу илоҳани уй ўчоғи, фаровонлик ҳомийси Ордохшо илоҳа, деб ҳисоблаган. Аммо Э. Ртвеладзе Кушон даври тангаларида ва Шимолий Бактрия сопол ҳайкалчаларида ҳам Ордохшо оддий тахтда ўтиргани, Нана эса Хувишка тангалари ва ўзининг исми бор муҳрда шер шаклидаги тахтда бошини ўнгга буриб ўтиргани (девордаги тасвирда ҳам шундай) асосида қуйидагича хулоса чиқаради: Далварзинтепа ибодатхонасида Нана илоҳа тасвирланган. Ҳайкал синиқлари



274-расм. Чақалоқларга фотиҳа бераётган Нана илоҳа (Далварзинтепа).

орасидаги йиртқич ҳайвоннинг оёғи эса тахтнинг бир қисми бўлган, деб ҳисоблайди. Олимнинг хулосасига кўра, Ордохшо Кушон даври тангаларининг тўрт турида, Нана эса – 12 турида зарб этилгани унинг халқ орасидаги нуфузидан далолат беради. Тасвирлардаги қуш ва илон расмлари тасодифий эмас, чунки Нана ҳайвонлар оламининг ҳам ҳукмрон илоҳаси бўлган. Девордаги тасвирларда гунча туккан ва гуллари очилган ўсимликлар Нана халқ орасида уйғонаётган табиат рамзи ҳам бўлганини ифодалайди. Бино эса, Далварзинтепанинг Нана илоҳаси ибодатхонасидир, дея яқун ясайди олим. Э. Ртвеладзенинг талқинига кўра, болаларни кўтариб турган шахслар қоҳина ва қоҳин бўлиб, қандайдир диний маросим ижро этилаётганлигидан дарак беради, эҳтимол, уларни Нана илоҳага бағишлаш жараёнини ифодалайди. Далварзинтепада айнан шу илоҳанинг кичик сопол ҳайкалчалари топилгани халқ орасида мазкур илоҳага эътиқод кучли бўлгани ва унинг тасвирлари тумор шаклида ҳам олиб юрилганидан далолат беради.^{350: 88-89}

Илоҳа Нана сиймоси ҳақидаги баҳсларнинг бир қирраси қуйидагича шарҳланади: Қадим Шарқда эъзозланган Нана, зардуштийликда Ер маъбудаси ҳисобланиб, бу борада унинг илоҳа Спента Армаити билан монандлиги туфайли, дафн эътиқоди ва маросимларида муҳим аҳамият касб этади. Нана дафн маросимларида йиғисифида марказий ўрин эгаллагани тасвирлардан маълум. Панжикент деворий тасвирларида жаннат ва жаҳаннам эшиклари тепасида шер устида ўтирган Нана сиймоси фоний ва боқий дунёни боғловчи илоҳа вазифасини англатади. Ибодатхонанинг “Мотам йиғиси саҳнаси” девор тасвирида тўртқўлли илоҳа марказий ўрин эгаллаб, унинг икки дунё орасида воситачи эканлиги кўрсатилади. Айрим олимлар бу тасвирда моний эътиқодига оид мотам маросими ифодаланган деса, бошқалари мазкур саҳнани Сиёвушга мотам деб тахмин қиладилар.^{463: 152; 147}


Р. Сулаймонов мазкур манбаларни ўрганиб, қуйидаги хулосага келади: қадимда ва илк ўрта асрларда ўлкамизда зардуштийликнинг Ер ва сув билан боғлиқ иккита – Спента Армаити ва Ардвисура-Анахита илоҳалар эътиқоди мавжуд бўлиб, уларнинг ҳомийлик соҳалари, ташқи қиёфаси ҳамда ҳамроҳларининг рамзлари маҳаллий маъбудаларнинг қурама сиймосида гавдаланган. Рамзий ҳайвони шер бўлган *Нана Самарқанд ва Хоразмда алоҳида эъзозланиб, нариги дунё тақдирининг ҳомийси ҳисобланган*. Анахита эса, туғилиш ва ҳосилдорлик ҳомийси ҳисобланиб, унинг рамзий ҳамроҳлари сув ҳайвонлари бўлган.³⁹¹

Сўғд тасвирий санъатида икки ва тўртқўлли аёл маъбуда сиймоси бўлиб, у Анахита ҳайвонлари ҳисобланган қанотли кучуклар – сенмурвлар ёки аждарҳо устида ўтиради. Тиллатепадан топилган тилла камарда шер устида ўтириб, кўкрагидан жомга сут соғувчи илоҳа Нананинг тасвири унинг Бактриядаги энг қадимий сиймоси ҳисобланади.^{368: 68: 41} V асрга мансуб Сўғд Панжикенти ибодатхонасининг қарама-қарши иккита деворида иккита илоҳа тасвирланган: бири – шерлар шаклидаги тахтада, иккинчиси – сенмурв тахтада ўтирибди. Иккаласининг қўлида байроқ, сенмурв-лисида эса – мусиқа асбоби ҳам бор. Юз йил ўтиши билан, VI асрда бу деворлар устидан янги девор қад кўтариб, марказидаги тахмонда аждарҳо устида ўтирган тўртқўлли илоҳа тасвирланади: елкаларидан аланга кўтарилиб, боши атрофида нимб ва тасмалар чизилган; иккита қалин қора соч ўрими кўксига тушган; тепа чап қўлидаги байроқда рангли учбурчаклар чизилиб, тагига қўнғироқлар осилган; иккала ўнг қўли эса, афсуски, сақланиб қолмаган. Аждарҳонинг илоннигиға ўхшаш бадани ҳалқаларга йиғилган. Расм ёмон сақланиб қолгани туфайли тадқиқотчилар Хоразмнинг кумуш жомларидаги шунга ўхшаш тасвирларни таққослайди: уларда илоҳа қўлларида Ой ва Қуёш бор.

Эрмитажда сақланувчи ва эрамиздан олдинги III асрга мансуб бўлган Сўғд кумуш лаганидаги тасвир марказида шер устида ўтирган аёл илоҳа ўз ёнидаги парвозда бурғу чалувчи кичикроқ аёлга ўгирилиб қарамоқда. Лаган гарданида олтита медальон ичида шер, айиқ, от, тўнғиз, урғочи арслон ва зебу(ҳўкизсимон ҳайвон) тасвирлари орасидаги ўсимлик нақшларида қалқон ушлаб, найза ўқталаётган жангчилар кўрсатилган. К. Тревер аёлни илоҳа Нана деб, уни Анахита билан уйғунлаштиради.^{416: 96}

Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, шер устида ўтирган Нана фантастик аждарҳо Макара устида ўтирган Ҳиндистоннинг асосий сув илоҳаси Гангага ҳамоҳангдир. М. Массон фикрича, Сўғд тасвирларида аждарҳо устида ўтирган тўртқўлли илоҳа Ҳинд сув муҳити вакилларида бири – Макара тимсолига бориб тақалади.^{260 115} Термизнинг Қоратепа обидасидаги тасвирда аждарҳо Макара илоҳа Нананинг рамзларидан бири – саккиз баргли нилуфар тўпбаргини ютаётгани ифодаланган (275-расм).

Мазкур тасвирда ҳаётнинг мудом давом этиши мажозий маънода акс этиб, Будда таълимотига бориб тақалади. Ўлкамининг сарой ва ибодатхоналарида чизма ва ўймакори тўпбарг (розетка) тасвирлари жуда кўп учраб, улардан тузилган турли-туман



275-расм. Қоратепа нилуфар гулининг тўпбарги ва Макара.

нақшлар қадимда бутун Шарқ бўйлаб кенг тарқалган. Тўпбаргли розеткалар ўлкамиз диний обидаларига хос бўлиб, X асргача сақланиб келади. Умуман олганда, нилуфар тўпбарги рамз сифатида кўплаб қадим маданиятларга хос бўлиб, Коинотнинг тузилишини ифодалаган: марказ – атроф томонлар. Яқин Шарқда унга юлдуз диаграммалари, ҳинд-европа анъанасида эса – ғилдирак диаграммалари мос келган. Нилуфар рамзи қадим ҳинд санъатида, асосан, буддавийлик ва жайнийлик эътиқодларида кенг тарқалиб, энг қадимги зироатчилик маданиятига хос бўлган маросим ва эътиқодларни ўзига қамраб олган, деб ҳисоблайди олимлар. Г. Пугаченкованинг тахминига биноан, учбарг – нариги дунёда қайта тирилишга ишончни билдириб, Бактрия ва Нахшабда эрамининг биринчи 5 асри давомида шу эътиқод ҳомийлари бўлган маъбудаларни ифодалаган.^{320 222} Хоразм Тешиққалъасидан ҳам саккиз япроқли розетка фризлари топилган (276-расм).

Қашқадарёнинг Ерқўрғон ибодатхонасидаги бўйи бир метрдан сал баландроқ маъбуда ҳайкалининг пешонаси, ёноқлари ва иягида тўқ қизил рангли ҳалқалар ичида тўпбарг тасвирланган. Ибодатхона деворида тасвирланган аёл маъбудаларнинг юзида ҳам думалоқ нуқталар бўлиб, нақшларда тўпбаргли розеткалар свастика белгилари билан чизилган. Мазкур ҳайкал *Ерқўрғон шаҳристонининг ҳомий илоҳаси Нанага* бағишланиб, худди шундай кичик ҳайкалча Ерқўрғон кулолчилар



276-расм. Саккиз япроқли тўпбарг (Тешиққалъа).

маҳалласидан ҳам топилган. Яъни шаҳарнинг марказий ибодат-хонасидан ташқарида жойлашган кулолчилар маъбуданинг нусхаларини кўпайтириб, уй меҳробларида бу ҳайкалчаларга сажда қилишган.^{391: 164}

Шунга ўхшаш сиймо Хоразм Тупроққалъасидаги аёл портретида ҳам тасвирланган. Фарғона водийсининг Қайрағоч масканида топилган бутларнинг ҳам юзларида шунга ўхшаш ярим доирасимон тасвирлар бор.^{42: 507-512} Ёноқ, пешона ва иягида розеткалар чизилган маъбуда ҳайкали ўлкамиздан узоқ Фарбдаги Крит-микен маданиятида ҳам топилганидан^{252: 238-244} бу илоҳа қадимда кўп халқларга маълум бўлгани аниқ.

V асрга келиб Хоразмда *тўртқўлли Нананинг тасвирлари* кенг тарқалиб, Ой ва Қуёш ўлкамиз узра унинг рамзлари ҳисобланган. Масалан, Хоразмнинг Бургутқалъа воҳасидаги Тешикқалъа қасридан тахтда ўтирган тўртқўлли илоҳа тасвирланган иккита муҳр топилган. Эрмитаж музейидаги айнан шу тасвир бор кумуш жомлардаги ёзув хоразмий алифбода бўлиб, бу ҳолат унинг келиб чиқиш манбаи хусусида ҳеч бир шубҳа қолдирмайди. Умуман, тиз чўккан шер ёки қоплон устида ўтирган илоҳа тасвири Хоразмнинг афригид сулоласига хос бўлиб, Кушон даври таъсирида яратилган. Хоразм идишларида ҳам шер устида тож кийиб ўтирган илоҳа тасвирлари мавжуд. Тўртта қўлидан иккитасида боши ёнида Ой билан Қуёшни ушлаб турибди, яна иккита қўли тиззалари ёки кўкси даражасида хум ва ҳукмронлик қудратидан дарак берувчи асо (скипетр) ушлаган. Хоразм Тешикқалъасида айнан шундай тўртқўлли илоҳа ҳайкалларининг сопол қолиплари топилган.^{402: 192-194}

Сўғд, Хоразм ва Уструшонада шер ёки тахт устида ўтирган тўртқўлли Нананинг Хотан ва Тумшукдаги тўртқўлли илоҳанинг тасвири билан ташқи ўхшашлиги муҳим аҳамиятга молик, чунки унинг тахтида Sandramata (Спандармат) ёзуви бор. Эҳтимол, шунга асосланиб, Р. Сулаймонов, кейинчалик, Бактрия, Сўғд ва Хоразмнинг қадим аҳолиси тасавурида у зардуштийларнинг маҳаллий қадим Ер маъбудаси Спандармат сиймоси билан уйғунлашиб кетган, дейди. Шарқий Туркистонда топилган тангада унинг икки исми ҳам келтирилган: “Нана – Спандармат”.^{391: 128; 470: 131} Эрамиздан аввалги III асрга тааллуқли Кичик Осиёлик илоҳа Кибела ҳам, зиммасидаги вазифаларига кўра, Нанага яқин турган.²⁹⁴

Шу билан бирга, илоҳанинг тўртқўллилиги Кушон эътиқод пантеонида ҳинд маъбуди Шиванинг хотини – илоҳа Кали сиймосининг таъсири, деб ҳам ҳисобланади. Кали қўлларида қурол-аслаҳа

билан шер устида тасвирланган ва нариги дунё билан боғлиқ бўлиб, Шива эса, ўлкамизда Митра билан уйғунлаштирилган.¹⁴¹ 75-89 Маса-лан, Панжикент тасвирларидан бирида ҳам шер шаклидаги тахтда ўтирган илоҳанинг бир қўлида Қуёш, иккинчисидан – Ой ифодаланган. Ой тагида эгнида қоплон терисидан либос кийган жангчи, Қуёш рамзи тагида эса, йўлбарс терисидаги жангчи турибди. Бу сиймони тадқиқотчилар Шива деб ҳисоблашади, аммо Ҳиндистонда унинг ўхшаши йўқ ва, умуман, маълумотларга кўра, Сўғд аҳолиси Шивага сиғинганлиги ҳақида бирон бир ахборот йўқ, деб тан олишади. Шунингдек, ҳинд расмларида тўртқўлли илоҳалар бор, аммо Сўғд-никига ўхшаши йўқлигини ҳам олимлар эътироф этишади.⁸⁶ 78 Тахмоннинг икки ён биқинида учтадан эркаклар тасвирланиб, бирининг қўлида сўғдча исириқдон-қурбонгоҳ аниқ кўриниб турибди, яъни тасвир муайян диний маросимга бағишлангани аён.

Ерқўрғоннинг VI-VII асрларга мансуб бўлган муҳрида тасвирланган илоҳа жангчилар ҳомийси сифатида, чавандозга жом узатмоқда. Ўлкамизнинг кумуш лаганларида ҳам шер устида ўтирган илоҳа қўлларида юлдузлар, унинг рўпарасида эса – саждада тиз чўккан диндор тасвирланган (277-расм). Яна иккита кумуш лаганда ҳам шер устида ўтирган илоҳа қўлларида Қуёш, Ой, қўнғироқча ва жом билан ифодаланган (278-расм).

Сўғднинг Панжикент уйларидан бирида деярли барча хоналар тасвирлар билан безатилган бўлиб, олимлар уни рассом уйи деб фараз қилади. Хоналаридан бирида тўртқўлли Нана ифодаланган (279-расм).

Айвоннинг деворларидан бирида кўкси баравар аёл бошлари ифодаланган. Шулардан бирининг салла ўралган боши атрофини ҳилол Ой қамраб олиб, унинг учлари ортидан олов алангаси кўтарилмоқда. Орқа томонида эса, Қуёш тасвирланган (280-расм).

Аҳамият беринг, ҳилол Ой учлари ва шуълалари гардиш орасида аланга кўриниб турибди. Эҳтимол, бу илоҳага эътиқод, айни шу пайтда, олов эътиқоди билан биргаликда мужассам бўлиб, қўшма ибодат маросимлари ўтказилгандир. Яна бир аёлнинг салласи




277-расм. Тўртқўлли илоҳа.



278-расм. Тўртқўлли илоҳа.



279-расм. Сўғднинг
тўртқўлли Нана илоҳаси
(VII аср).



280-расм. Ҳилол Ойли илоҳа
(Сўғд).

йўқ, учинчиси эса – ҳилол Ой ва юлдузларнинг рамзлари билан безалган тож кийган (281-расм).

Бу тасвирлардан настроқда катта қизил гуллар ёки анор шохлари бор гулдонлар тасвирланиб, улардан бирининг олдида камтарона кийинган эркак икки қўли билан катта жом ушлаб турибди. Бу, шубҳасиз, атама тортиқ бериш жараёни. Девор бурчагида эркак ва аёл бошли икки қуш тасвирида думлари ўсимлик нишига ўтмоқда (282-расм).

Олимларнинг фикрича, бу тасвирлардан иборат тўлиқ саҳна сеҳрли ёки баракот тиловчи хусусиятга эга бўлган, шунингдек, Панжикент икки ибодатхонаси айвонларининг девор тасвирлари


бир-бирини қайтармаслиги, улардаги эътиқод ҳам турлича бўлгани ёки бир-бирини тўлдирганига ишора этади.^{66: 54-55}

Афросиёб ҳайкалчасининг қўлида ҳам ҳилол Ой тасвирланган (283-расм) бўлиб, аслида, ўлкамизда алоҳида Ой илоҳаси – Моҳак бўлгани маълум. Масалан, Хоразмнинг Тупроққалъасидан топилган ҳужжатларда 2300 йил олдин таркибида худолар номи бўлган исм(теонимлар)лардан диний эътиқодларимиз ҳақида маълумот олиш мумкин. “Моҳак” – “Ой илоҳаси билан боғлиқ”^{187: 191} деган ёзувли тангалар Холчаёндан ҳам топилган (284-расм).

Алқисса, Бактрия, Хоразм ва Сўғдда илоҳа Нананинг ибодат-хоналари қад кўтариб, уй саждагоҳларида ҳам ҳайкалчалари




281-расм. Ҳилол Ойли илоҳа (Сўғд).



282-расм. Инсон-қуш сиймоси (Сўғд).



283-расм. Ҳилол Ой ушлаган илоҳа (Афросиёб, VI-VII асрлар).



284-расм. Моҳ илоҳи.

тургани халқимиз орасида ўрнашиб бўлган қадимий эътиқоддан дарак бериб, аёл нуфузи кучли бўлиб, оила ҳамда жамоа ишларида мақоми юқори турганлигининг нишонасидир. Сак ва массагетларда аёл ролининг аҳамияти борасида форслар шоҳи енгилмас Кирни мағлуб этган малика Тўмарис^{115: 1. 205-214} ва малика Зарина (Ктесий) қаҳрамонликларини эслаш кифоя. Аёл жамиятда эгаллаган ўрнига қараб, унинг худолар пантеонидаги мақоми ҳам юксак бўлгани исбот талаб этмайди. Яъни аёлларнинг ердаги ҳукмронлиги самодаги илоҳалар ҳукмронлигида аксини топиши табиий бўлган. Шу тариқа, ўлкамизда расмий давлат эътиқодлари пантеони шаклланиб, у қадим маҳаллий эътиқодларни, албатта, ҳисобга олган.

ДИОНИСИЙ БАЙРАМИНИНГ МИНА КЕЧАСИ

“Мина кечаси”да ёвуз руҳлар ва инс-жинсларнинг ёмон таъсирини қайтариш одати, табиатнинг янгиланиш жараёнини ифодаловчи ўлиб-тирилувчи илоҳа, амфора ва жом ушлаган илоҳа Мина, “Рақс тушаётган ниқоблар” зали, вакханалия ёки Дионисий байрами, Дионисий ҳамроҳлари, Амир Темур шарафига Самарқандда катта байрам, “тайинланувчи малика”нинг Дионисий билан “тўй”и, Сакейлар – “сақлар байрами”, икки қувилган фаришта Хорут ва Морут, эрот-амурлар, “Рақс тушаётган ниқоблар” залини Дионисий ва Мина маросимлари билан таққослашга омиллардан бири – рақс, Дионисий-Мина ҳосилдорлик байрамларида турли чолғу асбоблари ишлатилган, Форобий доираси, Бактрияда асосан аёллар мусиқачи бўлган, Ўрта Осиёда муқобили бўлмаган бели ингичка уд, қадим аждодларимиз яратган эътиқодлар ва ўтказган маросимлари инсоннинг ҳаётга бўлган ишончи, севинчи ва боқий мадҳияси билан ҳайратда қолдирмай иложи йўқ.

Беруний, XI асрда қадимги хоразмликларнинг тақвимий байрам кунларини тасвирлаб, қуйидаги маълумотларни келтиради: “римаж ойининг 15-куни Минхаб деб аталади. Аввалига у Минаж-Ахиб деб аталган, аммо талаффузи осон бўлиши учун, кейинчалик, ўзгартирилган ва маъноси “Мина кечаси”, дегани. Айтишларича, Мина – Хоразм маликаси ёки зодагон аёл бўлиб, мастона ҳолда юпқа ипак кўйлақда кечаси ташқарига чиқади ва йиқилиб, ухлаб

қолади. (Натижада), кечаси совуқдан ўлади... Хоразмликлар Мина тунида ёвуз руҳлар ва инс-жинсларнинг ёмон таъсирини қайтариш учун буғланиб турган иссиқ таомларни бир-бирига чиқаришган”.^{73: 494}

Хоразм аҳолиси хотирасида Мина қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги билан боғлиқ бўлиб, Беруний Хоразмнинг Мина ҳақидаги афсонасига таяниб, у – табиатнинг янги-ланиш жараёнини ифодаловчи ўлиб-тирилувчи илоҳа вазифасини ўтаган, дейди. Ўлувчи ва тирилувчи илоҳалар қаторига Аямажуз ҳақидаги тасаввурлар ҳам кириб, у ўтган қишни ифодаловчи кампир сифатида, Наврўз арафасида қиш охиридаги қаттиқ совуқлар билан бирга ўлган. Аммо хоразмлик Мина Аямажуздан фарқли равишда, Қадимги Шарқнинг муқаддас ҳисобланган ичимлиги – май билан боғлиқ бўлган. Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасидан топилган ҳайкалчанинг бир қўлида май жоми ва иккинчисида жажжи хум ушлаган аёл тасвирини олимлар Дионис-Вакх (Вакх – қадим Римда май ва айш-ишрат маъбудиди) эътиқоди билан боғлиқ Мина деб ҳисоблайдилар ^{406: 215; 402: 378- 184; 391: 278} (285-расм).

Икки дастали кўза асосан ибодатхоналардан топилгани унинг эътиқод маросимларида ишлатилганидан дарак беради. Бунга мисол – Кампиртепа обидаси топилмаси бўлиши мумкин (286-расм).


Олимларнинг Мина қайси саройдаги маросимда қатнашганлиги ҳақида юритган мунозаралари билан боғлиқ тахминларидан бири қуйидагича талқин қилинади: Хоразмшоҳлар саройи номи билан машҳур бўлган III асрга мансуб Тупроққалъанинг 10x10 м ўлчамли зали шоҳ тахти турган айвон билан бевосита боғланувчи ягона бино бўлиб, унинг марказида тўртта устун орасида 2x2 м квадрат оташгоҳ ўрнатилгани Олов эътиқодидан дарак беради. Квадрат залнинг учта



285-расм. Амфора (кўзасимон қўшқулоқли сопол идиш)ли илоҳа (Хоразм, э. о. IV-III асрлар).



286-расм. Кампиртепа обидаси амфораси.



287-расм. Рақс тушаётган ниқоблар зали
(Хоразмшоҳларнинг Тупроққалъа саройи, III аср).

деворида барельеф паннолар учун кичик равоқлар ва тўрдаги деворда тепаси аркли катта тахмонлар мавжуд бўлган (287-расм).

Равоқлар ичида ғаройиб ниқоблар тақиб, рақс тушаётган одамларнинг деворий тасвирлари муайян шўх маросим ижро этилаётганидан далолат беради. Шунга кўра, С. Толстов уни – “Рақс тушаётган ниқоблар” зали, деб атайди ва Дионисий эътиқодининг қандайдир маросими билан боғлиқ, деган тахминни илгари суради.^{402 145} Шунга асосланиб, Ю. Рапопорт, юқорида биз кўрган афсонадаги сарой – Тупроққалъадаги Хоразмшоҳлар саройи бўлган, Мина эса – эрта баҳорда узум ва май билан боғлиқ қайта тирилувчи табиат байрамида маст бўлган, деб ҳисоблайди. Мазкур зал ва бошқа хоналар ҳам айвонга чиқишини инobatга олиб, тадқиқотчи ҳовлида шоҳни қутлаш ёки заллардаги эътиқодлар билан боғлиқ диний маросимлар ўтказилган, деб хулоса қилади. Залнинг учта деворида ердан бошланган катта тахмонлар бўлиб, ёнида полдан 40 см кўтарилиб, унча чуқур бўлмаган кичик токчаларда рақс тушаётган жуфтликлар тасвири бўлган. Одам бўйи чизилган 58 та суратдан фақат 16 тасида эркаклар тасвирланиб, жуфтликлар ҳар хил, чунки кийими қайтарилмаган. Эркаклар икки хил кийимда тасвирланганидан, эҳтимол, қандайдир муайян иккита афсонавий шахсга бағишланган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди

олим. 16 та паннода жуфт бўлиб рақс тушаётган эчкиқулоқ аёл ва эркаклар саҳнаси акс этиб, паннолар орасидаги токчаларда ёлғизликда ўйнаётган раққосалар тасвирланган. Улар панно томон ўгирилиб рақс тушишидан, Ю.Рапопорт уларни маросимда иккинчи даражали шахслар, эҳтимол, маросим ходималаридир, деб хулоса чиқаради.^{331: 232}

Тасвирларнинг ҳаётийлиги рақс тушаётганлар анъанавий, барчага таниш бўлган ўйин ижро этаётганидан далолат беради.

Шимолий марказий тахмондаги йиртқич ҳайвон билан аёл тасвирини олим, Нана-Анахита мажмуасига доир илоҳа тасвири, раққосалар эса, унинг ибодатхона ходималари, дея тахмин қилади. VIII асрда Хитойда Хоразмдан келтирилган раққосалар шуҳрат қозониб, эркак раққослар ҳайвонларнинг ҳаракатларига тақлид этувчи ўйинга тушгани ҳақида маълумотлар бор. Сурхондарёнинг Холчаёнидан топилган идишда ҳам саҳналаштирилган шўх маросимлар кечаси, яъни *вакханалия* ёки *Дионисий байрами* билан боғлиқ маросим тасвирланган (288-расм).


VII-VIII асрларга мансуб Хоразм кумуш жомиди эса, эчки бошли киши меҳробга қандайдир ўсимликни қурбонлик келтираётгани тасвирланиб, елкаси ортидаги тасмалар унинг шоҳ-коҳинлигини кўрсатади (289-расм).



288-расм. Шўх маросим тасвири.



289-расм. Хоразмлик Дионисий маросимининг иштирокчиси.



290-расм. Далварзинтепа
масхарабози – Сатир

Далварзинтепадан топилган ҳайкалчада қошиқларда ўйнаб, рақс тушаётган эчкиқулоқ киши тасвирини олима – Дионисий шўх байрамларида қатнашадиган масхарабоз Сатир, дея хулоса чиқаради^{110 169-170} (290-расм).

Тупроққалъанинг “Рақс тушаётган ниқоблар” залидан сопол ҳайкалнинг боши топилиб, ҳайвон қулоқли эркак кишини тасвирлагани юқоридаги маълумотлар билан ҳамоҳанг тушади. Бу залда оташгоҳ борлигини инobatга олиб, мазкур саҳна ижро этилган маросимнинг яна бир кўри-нишини акс эттиради, дейиш

мумкин. Шуларга асосланиб, Ю. Рапопорт қуйидагича хулоса чиқаради: ҳайкал ифодалаган шахс – илоҳ ниқобини таққан хоразмлик шоҳ-коҳин бўлиб, Мина воқеаси шу саройда юз берган. Ибодатхонадаги учта катта тахмонда учта илоҳ ҳайкали жойлашиб, марказдагиси энг муҳими бўлган. Саройнинг юнон меъморчилигига алоқаси йўқ, демак, илоҳалар маҳаллий бўлган ва Дионисий ёки шаҳвоний маросимлар ҳамда шу билан боғлиқ эътиқод зиёфатларига мутлақо алоқаси йўқ.^{330: 275-285}

Бу хулосага қўшилиш ҳам мумкин, аммо, шу билан бирга, иккита маросим ўлкамизда битта жараён сифатида бирлашиб кетган, деб тахмин қилишимиз ҳам мумкин. Юқорида зикр этганимиздек, эчки тасвирларининг учраши муайян ва барчага маълум саҳнадан дарак беради. Муҳими – Дионисий мистерияларида кўпинча эчки ҳам иштирок этган. Аристотель маълумотларига кўра, юнон трагедияси ва комедияси Дионисий эътиқодига бағишланган жўр бўлиб ашула этиш одатидан келиб чиққан. “Трагедия” сўзи иккита сўздан иборат: “трагос – эчки” ва “одэ – қўшиқ”, яъни санъат турининг бутун бир номи Дионисийга қурбонликка эчки келтирилганидан келиб чиққан. Қадим Римда қурбонлик гўштини зиёфатга ишлатиб, мусиқа садолари остида рақслар тушиб, шўх байрам маросимлари ўтказишган. Одамлар ман этилган нарсалардан вақтинча озод этилиб, юнонлар ва римликлар Дионис (Вакх) байрами пайти ҳосилдорликнинг рамзи – лингам тасвирини кўтариб юришган.^{454 132}

Эрамиздан олдинги I асрдан эрамизнинг II асри ўртасигача Италияда яратилган рельефларда асосий урғу мифологик ёки диний мазмундаги шахслардан иборат саҳнага қаратилган. Шулардан бирида учта шахс тасвирланган: ўртада – тиз чўккан ярим яланғоч аёлнинг ўнг қўлидаги саватда мевалар орасида лингам рамзи бўлиб, иккинчи қўли билан учишга шай турган қанотли аёлни этагидан ушлаб қолишга уринмоқда. Тиз чўккан аёл ортидаги эркак ҳам қанотли аёлни кетмасликка ундаётгандек қўлини кўтарган. Тадқиқотчи бу тасвир Деметра илоҳаси ва Дионис илоҳининг умумлашма эътиқод рамзи, деб ҳисоблайди. Маълумки, эрамиздан олдинги 496 йили Деметра, Дионис ва Кора илоҳлари шарафига расман тан олинган Юнон ҳосилдорлик илоҳлари эътиқоди учун алоҳида қурама ибодатхона қад кўтарган. Мевалар орасидаги лингамли сават эса, вакханалия мистерияларида рамз даражасига айланади.^{439: 93-106}

Еврипид (Вакханки, 13) ва Страбон (I, II, 20) Дионисий эътиқодининг бутун Шарқ узра кенг тарқалганлигини қайд этишгани, шубҳасиз, диққатга сазовор. Ўлкамизда ҳосилдорликнинг мазкур эътиқоди ўсимлик дунёси билан боғлиқ бизнинг маҳаллий худолардан бири билан тенглаштирилган бўлса керак.^{287 29} Умуман, *Дионис (ёки Вакх)* узум ва узум мусалласи юзага келтирувчи хурсандчилик рамзи сифатида маълум бўлиб, мазкур эътиқодга мусиқа садолари остидаги шўх рақслар хос бўлган.^{431: 428} Ўрта Осиёда қадимда илоҳларга қурбонлик келтирилганда мусиқа асбоблари чалиб, маросим ўтказиш саҳнаси мавжуд (291-расм).

Тупроққалъанинг “Рақс тушаётган ниқоблар” залидан Ариадна-Минанинг рамзий зооморф ҳамроҳи саналган эчки тасвирининг қолдиги топилиб, у эса, одатда, илоҳа ёки Ҳаёт дарахти ёнида тасвирланган. Қўйқирилганқалъада айнан шундай тасвир топилиб, ўртадаги оташгоҳда эса, эчки қурбонлик келтирилган. Фарғонанинг Қалъаи Афросиёбида топилган ва III-IV асрларга мансуб бўлган сопол идиш сатҳида қуш



291-расм. Мусиқачилар иштирокида қурбонлик келтириш маросими.

ниқобида рақс тушаётган киши тасвирланган.^{368: 102} Афросиёбнинг VI-VIII асрларга мансуб сопол лавҳ синиғида эса, муסיқачилар қуршовида эчки боши тасвирланган (292-расм).

Биз юқорида келтирган тасвирларда ҳосилдорлик ва мастона шўхлик маъбуди Дионис-Сабазий-Вакх қурама сиймоси намоён бўлиб, ҳосил байрами маросимларида шовқин-суронли ва сирли саҳналаштирилган ўйинлар кенг оммавий тус олган, деб хулоса чиқариш мумкин. Бунга мисол – Хоразм Хумбузтепасидан топилган ва эрамиздан олдинги I асрга оид сопол сувдонда тасвирланган Дионисий маросимидир (293-расм).

Маросимлар махсус ибодатхоналар ва очиқ ҳавода ўтказилиб, Дионисий ниқобини кийган одамга мастона шўхликларида турли



292-расм. Муסיқачилар қуршовидаги эчки тасвирланган сопол лавҳ синиғи.



293-расм. Хоразм Хумбузтепаси сувдонда Дионисий маросимининг тасвири (эрамиздан олдинги I аср).

сатир, эрот, амур ва силенлар ҳамроҳ бўлган. Шу асосда ниқоблар карнавали ривожланиб, ҳозиргача етиб келган. Зартепадан топилган эчкиқулоқ, соқолли сатир ва Холчаён саройининг масхарабозлари айнан *Дионисий ҳамроҳларини* ифодалайди. Хоразмнинг Тупроққалъасида топилган икки шохли сатирнинг деворий тасвири ҳам шулар сирасига киради.^{345: 120-121}

Хоразм ҳудудидаги турли обидалар, жумладан, Кўҳна Увайс ва Одамлиқалъадан (I-II асрлар) топилган эркак маъбуд ҳайкалчаларининг киндиги устидан салиб рамзи чизилиб, чап қўлида узум шодаси (Хоразмда айнан шу пайт ирригация ривожланиб, узумзорлар кўпаяди), ўнг қўлида эса, қушга ўхшаш бир нарса тасвирланган. Бўйнида йирик маржон, қўллари ва оёқларида биллагузуклар бўлиб, уларни Дионисий эътиқоди билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Шарқ ва Ғарб илоҳларининг айрим хусусиятлари ва шакл-шамойилини ўзида мужассамлаштирган Дионисий Самарқанд сопол ҳайкалчасида қувноқ киши тариқасида ёки Қува (Фарғона) бронза лавҳида зиёфат қилаётган одам сифатида тасвирланган (294-расм).

Сурхондарёдан топилган яримяланғоч соқолли киши ҳайкалчасининг ўнг қўлида жом: эҳтимол, у – Дионисий шўх маросимларининг иштирокчисидир (295-расм). Эрамиздан олдинги асрларда ҳам Сурхондарёдан шу мавзуга доир ҳайкалчалар топилиб, шулардан бири – Маскарон ниқоби (296-расм).



294-расм. Чапда – самарқандлик Дионисий (эрамизнинг биринчи асрлари); ўнгда – фарғоналик Дионисий (VII-VIII асрлар).




295-расм. Дионисий шўх маросимлари иштирокчисининг ҳайкалчаси (Сурхондарё Бароттепаси, эрамизнинг I-II асрлари).



296-расм. Шаҳри Фулғул Маскарони (Сурхондарё, а. о. I аср - эрамизнинг I асри).



297-расм. Селен боши (Далварзинтепа).



298-расм. Селен боши (Далварзинтепа).

Сурхондарё Далварзинтепасидан I-II асрларга мансуб Селен боши ҳайкалчаси топилган (297-расм). Умуман олганда, соқолли фантастик сиймолардан Селен ва Сатир дунё узра вино сақланадиган ёки қуйиладиган кўплаб идишларда тасвирланган. Кушон даврида Сўғд ва Бактрияда хум дасталари тагида эллинизмга хос Селенни тасвирлашган. Шулардан бири – Хоразмнинг Қалъалиқир 2 мажмуасидан топилган мусаллас солиш учун мўлжалланган идиш-

хумлардан бирининг биқинига ҳам соқолли эркак кишининг бош тасвири ёпиштирилган. Олимлар уни Тупроққалъадан топилган ниқобли киши тасвирига ўхшатадилар, яъни Дионисий эътиқоди доирасидаги шахс сифатида эътироф этадилар (298-расм).

Ўлкамизда Дионис сиймоси Митра орқали афсонавор илоҳимиз – Сиёвуш билан ҳам боғлиқ бўлган, назаримизда. Қадим матнларда айтилишича, “Қуёш юқори, яъни кундузги яримфалакда бўлганида Аполлон деб аталади. Қуйи, яъни тунги яримфалакда эса Дионис деб ҳисобланади”. Мазкур икки яримфалак ва ўлганнинг қайта тирилиши ҳақидаги тасаввурлар Рим ва дунё узра тарқалган митраистик тасвирларда иккита чавандоз – Диоскурлар сифатида ифодаланган. Қадим Хоразм тангаларида ҳам Диоскурлар тасвири бор. Эҳтимол, улар қандайдир маҳаллий илоҳлар – эгизак чавандозлар сиймоси билан уйғунлаштирилган, деб ҳисоблайди олим. Шунингдек, Митра ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи Аттис билан ҳам уйғунлаштирилгани маълум.^{328: 84}

Митраистлар маросимларининг асосий мазмуни ўлимдан кейин қайта тирилишга бағишланиб, руҳнинг ўзга шакл олиши муҳим ўрин эгаллаган. Митра ибодатхоналарида одамни қурбонлик этиш орқали унинг ўлими ва қайта тирилиши саҳналаштирилган. Унинг келгуси ҳаётдаги мавқеини белгилаш учун шер, сиртлон, қарға, бургут, қирғий каби ҳайвонлар ва қушларнинг номи ишлатилган.^{328: 86}

IV аср муаррихининг маълумотларига кўра, бу маросимларда “айримлар қушларга ўхшаб қанот қоққан ва қарғага ўхшаб қағиллаган, ўзгалари шер каби ўкиради”. Митра ибодатхоналарида қуш ва ҳайвон бошли митраистларнинг тасвирлари сақланиб қолган. Олимлар уни қадимий тотем маросимлари билан изоҳлайдилар.^{328: 86}

Умуман олганда, ўлкамизда ўрта асрларда ҳайвонларга тақлид этиб, ниқоб тақиш ва кийиниш маросимлари кенг тарқалган бўлиб, Шарафиддин Али Яздий ривоятига кўра, *Амир Тему*р 1404 йили Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришидан қайтаётганида *Самарқандда катта байрам* уюштирилган экан. Айрим ҳунармандлар гепард, ўзгалари йўлбарс, тулки, чия бўри(шоқол), қоплон териларини ёпиниб, саҳналаштирилган томоша қўйишган. Иштирокчилар ўртага ёғоч, қамиш, иплар ва гиламлардан ясалган кўплаб туяларнинг ичига бекиниб, уларни ҳаракатга келтиради. Томошабинлар мазкур “кўринишидан йиртқич ҳайвон, аммо аслида парисифат” туяларни кўриб, узоқ муддат олқишлашади. Маросим рақсларида иштирок этган сўфийлар эса, байрамга сирли диний тус бахшида этади.^{57: 11} Ўрта асрлар миниатюраларида турли ниқоб ва ҳайвонларнинг

терисини кийган одамларнинг маросимларда иштирок этиши тасвирланиб, ўргатилган ҳайвонларнинг ўзи ҳам четда қолмаган. Н. Конраднинг фикрича, буддизм орқали Ўрта Осиёда ривожланган ниқобли саҳналаштирилган маросимлар Хитой ва Японияда ҳам шунга ўхшаш ўйинлар ва саҳналар вужудга келишига таъсир ўтказган.^{200: 168-171}

Тупроққалъа саройида ўтказилган ғаройиб маросимга қайтадиган бўлсак, Мина кечасига ўхшаш байрам Афинада йил бошида ўтказилиб, анфистерия – “гуллар байрами”, деб аталган. “Мина кечаси” айнан шу пайтда ўтказилиб, “Хоразм маликаси” ва Ариадна (Миноида) сиймолари ва маросим жараёни ўхшаш бўлган. Афинада “тайинланувчи малика”нинг Дионисий билан қадимги қасрда ўтказиладиган “тўй”и давлат маросимининг асосий саҳнасини ташкил этган. Мина байрами билан Дионисга бағишланган байрам вақти ва жараёнига кўра ўзаро мос келади. Ғарб олимларидан Дж. Фрезернинг^{131 168 ва} бу байрамга берган тарифи қуйидагича: қадим шоҳ-коҳин вазифаларини бажарган кишининг хотини байрам “маликаси” сайланиб, ёнига 14 нафар зодагон аёлни қўшиб олган ва улар маросим жараёнини сир сақлашга қасам ичган. Маросим шоҳларнинг қадимий саройида ўтказилиб, Дионис билан Ариаднанинг тўй кечасини ифодалаган, “Малика” эса Ариадна ролини ўйнаган. Бутун жараёндан мақсад – баҳорнинг яратувчанлик кучларини уйғотиб, ҳосилдорликка йўналтириш бўлган.

Бунинг учун қадим замонларда юнон саройида рақс тушиш учун майдонча қурилиб, табиатнинг ўлиб-тирилувчи илоҳаси шаънига мотам ва хурсандчилик маросимлари ўтказилгани маълум. Ариадна ҳадя этган Афродита ҳайкали ўрнатилгач, марказдаги меҳроб атрофида рақс тушишган. Ариадна – дарахтлар ва бўстонлар илоҳаси бўлиб, гулчамбари мевали дарахт гулларидан тўқилган. Айрим ғарб олимлари айнан Ариаднани Шарқ диний эътиқодларига хос табиат даврийлигини акс эттирувчи ўлиб-тирилувчи илоҳалар қаторига қўяди.

Мина кечаси ҳам шундай маросим бўлган, деб ҳисоблайди Ю. Рапопорт. Юнон илоҳаси Ариаднани халқ орасида ва ҳатто Овидий шерларида ҳам Minoida деб аташган, яъни исми Мина билан ўхшаш. Хоразмда ўтказилган шўх маросимларда ҳам Мина вазифасини вақтинча сайланган “малика” ўйнаб, жараён табиат ҳосилдорлигини оширишга бағишланган. Ю. Рапопорт, бу маросим эллинизм таъсирида эмас, аксинча, Шарқда қишлоқ хўжалиги даврийлиги асосида келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Анахита ибодатхоналарида ҳар йили ўтказиладиган шўх байрамлардан бири

– Сакейлар (аҳтимол, Соқийга уйғундир?) билан ўтказилгани ҳақида Страбон^{389: XI. 8. 8} маълумот қолдириб, уни “саклар байрами” деб атаган. Шундай байрам Вавилонда ҳам ўтказилиб, унда “вақтинчалик шоҳ” иштирок этган. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда олим қуйидаги хулосага келади: “саклар байрами” Форс, Понт ва Вавилонга саклар томонидан олиб кирилган, демак, асл шажарасининг бир чети сак қабилаларидан бўлган хоразмликлар учун бу байрам маҳаллий бўлган.

Дарҳақиқат, Хоразм маросимини эллинизм таъсири деб бўлмайти, чунки у жуда қадим замонларга мансуб бўлиб, Македонский ўлкамизга келган пайтда ҳатто юнонларнинг ўзи ҳам уни билмаган. Турли халқларда учрайдиган бир хил эътиқод маросимларини зироатчилик моҳиятидан ахтариш тўғри бўлади. Ваҳоланки, Хоразмда узумзорлар суғориш иншоотлари билан биргаликда эрамиздан олдинги биринчи мингйиллик ўрталарида пайдо бўлган. Олимларнинг фикрича, бу маросимлар Юнонга ҳам Шарқдан, аҳтимол, Месопотамиядан келган. Бунга исбот сифатида қуйидаги далил келтирилади: Тупроққалъа ибодатхонаси, ўз тарҳига кўра, Хоразм учун анъанавий бўлган айнан шимолга йўналтириш усулидан фарқли ўлароқ, Вавилон обидаларига хос йўналиш усулини қайтариб, шимолдан азимут бўйича сал силжиган.

Демак, Тупроққалъанинг “Рақс тушаётган ниқоблар” залида тасвирланган маросим “саклар байрами”ни ифодалашчи ҳам аҳтимолдан холи эмас. Залдаги деворий тасвирларда рақс тушаётган аёл ва узум токи расмлари эса – Анахита эътиқоди билан боғланиб, ҳосилдорлик ва май сиқиш маросимларига тегишлидир. Анахита билан умумий меҳробга эга бўлган иккита илоҳдан бирини Страбон илоҳа Анадат деб атаган ва улардан бирининг ёғоч ҳайкалини кўчага олиб чиқиш маросимини ўз кўзи билан кузатган экан.^{XI. 8. 4; XV. 3. 15}

Турли маълумотларга таянган Ю. Рапопорт, Анахита ҳайкалидан икки четдаги деворларнинг марказида айнан шу сиймолар тасвирланган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Шундай тасвирлар эрамиздан олдинги V–III асрларда Хоразмнинг сопол сувдонларида ҳам акс этгани бу тахминни асослайди.^{331: 239} Анахита ёнидаги мазкур иккита илоҳдан бирини олимлар зардуштийликнинг “ўлмас авлиёси”, ўсимликлар ҳомийси Амэрэтат, иккинчисини эса – сув ҳомийси Хаурватат, деб ҳисоблашади.^{474: 84–88} Ю. Рапопорт бу икки маъбудни тушуниш учун Қуръонда *Хорут ва Морут* деб аталган икки қувилган фариштани эслайди. Урта асрлар миниатюраларида улар шундай тасвирланган (299-расм).



299-расм. Хорут ва Морут.

саройда ёғоч ҳайкал атрофида ўтади ва кейин у дарахт танасига қайтади. Олим бу афсонани Страбон маълумотлари билан таққослаб, мазкур зал шоҳ билан илоҳанинг “муқаддас никоҳи”ни тасвирлаган, деб ҳисоблайди. Ниқоблар залидан айвонга маросим учун ҳайкаллар олиб чиқилган ва “тўй”дан кейин маросимни давом эттириш учун залга қайтиб киришган. Тупроққалъада Хоразмшоҳ ва хотини шундай маросимлар ўтказган бўлса керак, деб яқунлайди ўз таҳлилини олим.^{376 205; 334: 56-57, 413: 83-85; 333, 25}

Саройларда ўтказилган Дионисий ва Мина маросимлари умумхалқ байрами тусини олиб, ашулачи, мусиқачи ва ниқоб таққанлар иштирокида хурсандчилик билан ўтказилган. Шу кунлари қўлида узум ушлаган киши, эчкиқулоқ ашулачи ҳамда чанг, қўшнаё ва арфа чалаётган мусиқачи аёллар ҳайкалча-бутлари ишлатилган. Масалан, Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасидан топилган сопол лавҳда тасвирланган киши тимсолини бир қўлида узум, иккинчисидан эса, тоққайчи ушлаган хоразмлик Дионисий, деб ҳисоблашади^{334: 38} (300-расм).



300-расм. Хоразмлик Дионисий.

Холчаён мажмуасидан топилган идишдаги Дионисий тасвирида ҳам узум токи тасвирланган (301-расм).

Дионисий маросимларида қанотли шўх ёш болалар қиёфасидаги эрот-амурлар ҳам иштирок этиб, ўлкамизда уларнинг тасвирлари ўз паитида

тарқалган. Холчаён пештоқида тасвирланган болалар қўлидаги катта оғир гулчамбарларга масхарабозлар, муסיқачилар ва ўзга сиймоларнинг кўкрак баравар ҳайкалчалари тақилган. Шу маълумотларни келтирган Г. Пугаченкованинг фикрича, “гулчамбарли эротлар” Юнон-Рим санъати асосида яратилган бўлса, қолган мавзулар маҳаллий заминда вужудга келгани аниқ. Шулардан бири – Самарқандда топилиб, қўлидаги камондан севги-ишқ ўқларини отаётган эрот(амур)лар ҳайкалидир^{345: 40} (302-расм). Сурхондарё Айритомида эса гулчамбарлар ушлаган аёллар тасвири мавжуд (303-расм).



301-расм. Холчаёнлик Дионис.



302-расм. Эрот (амур)лар
(Афросиёб, VII-VIII асрлар).



303-расм. Айритом фризида гулчамбар ушлаган аёл. Купшонлар даври.

Тупроққалъанинг “Рақс тушаётган ниқоблар” залини Дионисий ва Мина маросимлари билан таққослашга омиллардан яна бири – рақс, деб ўйлаймиз. Қадимдан бутун дунё узра диний эътиқод маросимлари рақс ва мусиқа жўрлигида ўтказилгани маълум. Масалан, маздакий ибодатхоналарда маросим рақсларини ижро этувчи раққосалар ҳам мавжуд бўлган.^{297: 13} Тўйтепада топилган бронза лавҳда маросим рақсига тушаётган қоҳина тасвирланган.^{257:} “Бир зардушт эса, динига қарши равишда Самарқандда еттита Олов уйларида раққосалар борлигидан жаҳли чиқиб, ёзма арз қилади.

Термизнинг Зартепасида топилган раққоса ҳайкалчаси ва унинг илк Юнон-Бактрия тангаларидаги тасвирлари ҳам эрамизнинг бошида ўлкамизда ҳукм сурган Дионисий эътиқоди билан боғлиқ бўлган. Айнан шу пайтга оид бир идишда ҳам Дионис эътиқодига доир рақс тасвири берилган. Хитой солномаларида айтилишича, Хитой императорига юборилган ҳадялар орасида “туркистонлик раққосалар” ҳам бўлган экан. Яъни эътиқод маросимларида раққосалар иштироки эрамиз бошидаёқ мавжуд бўлган.^{75: 311}

Сўғд уйларидан бирида топилган деворий тасвирда йўлбарс терисини устига ташлаган ярим яланғоч киши жўшқин рақс тушмоқда. Кўкраги узра арқонда қўнғироқчалар, боши атрофида шуълали гардиш, елкалари ортидан аланга чиқмоқда. Ундан чап томонда тиз чўккан йигит қўлида қурбонлик учун исирқдон, ўнг томонда эса – қўлида хипчинлар ушлаган йигит ифодаланган. Қўлидаги идишда нимадир қурбонлик қилаётган зодагон аёл чакмонининг этакларида мусиқачилар ва уч тишли айрилар тасвирланган.^{66: 80}

Сўғд обидаси бўлмиш Панжикент ибодатхона мажмуаси ичкари хонасининг маркази (I, 10 а)да энг муҳим илоҳ тасвирланиб, унинг икки томонида бештадан одам рақс тушмоқда, баъзиларининг қўлларида турли шаклдаги доиралар. Яъни марказий деворда диний рақс билан илоҳга сажда қилиш маросими акс этган, деб ҳисоблашади.^{38: 30-31} Варахшадаги паст қисми синган аёл ҳайкалчасида кўкрагининг олди очиқ ва қўллари боши устига кўтарилган раққоса аёл тасвирланган.^{450: 25} Бу тасвирларни таққослаб, тадқиқотчилар улар шаҳар ибодатхонаси, зодагон уй ибодатхонаси ва шоҳ қасри ибодатхонасидаги бир хил маросимни ифодалашини таъкидлайдилар.

Фарғонанинг Олтиариқ туманидан топилган “Вақханка” бронза ҳайкалчасида завқу шавқ ила рақс тушаётган аёл тасвирланган



304-расм. Фаргоналик “вакханка” рақса.

(304-расм) бўлиб, I-II асрларга мансуб кумуш “Бухоро жоми”да нақшланган расмда эса бешта раққосага эчки туёқли сатир ҳамроҳлик қилмоқда. Эрмижада сақланувчи кумуш кўзачалардаги тасвирларга асосланиб, олимлар шундай хулоса қилади: ўлкамизда рақс тақвимий байрам ва улар шаънига ўтказиладиган маросимлар билан боғлиқ бўлган. Кўзачалар ҳам диний, ҳам дунёвий мақсадларда ишлатилиб, сатҳида арк тагида қўлида ҳосилга кирган мевалар ва шохлар ҳамда турли буюмлар ушлаган раққосалар тасвири халқ орасида маълум бўлган тушунчаларни акс эттирган^{345 38} (305-расм).

Эътибор беринг, раққосанинг ўнг қўлидаги очилган гул, осилиб турган шарф ва боши атрофидаги шуълалар гардиш ёки ҳилол Ой белгилари, одатда, Анахитага тегишли бўлган. Эҳтимол, бу саҳна – ҳосилдорлик тақвимий байрамида ўтказиладиган маросимни акс эттирган.

Афросиёбда ҳам деворларда раққосалар тасвирланиб, эфталитлар



305-расм. Арк тагидаги раққоса.

даври (V-VI асрлар) кумуш жомида ҳам арklar тагида ўйнаётган раққосалар ифодаланган (306-расм).

Маросим рақсининг тасвири Қашқадарёда топилган ва XVIII асрга мансуб бўлган қабртошида ҳам мавжуд бўлиб, Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди (XV аср)нинг йўнилган тошларидан бирида ҳам акс этгани эътиқод маросимлари барҳаётлигидан далолат беради.^{345, 38}

Дионис (ёки Вакх) ҳосилдорлик маросимларида ижро этилган шўх рақсларни, албатта, мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди ва *Дионисий-Мина ҳосилдорлик байрамларида турли чолғу асбоблари ишлатилгани* моддий далиллар билан тасдиқланади. Шулардан бири – Сурхондарё Зартепа обидасида қўшна чалаётган мусиқачи аёл тасвири (307-расм).

Сурхондарёнинг яна бир мажмуаси – Кампиртепадан ҳам айнан шундай тасвир топилганлиги муайян анъанавий маросим мавжуд бўлгани ва унда най чалаётган мусиқачи иштирок этганини яна бир бор тасдиқлайди (308-расм).

Сурхондарёнинг Кампиртепа ва Будрач обидаларидан оддий най, сибизга, уд чалаётган аёллар ва сиринг ушлаган яна бир мусиқачи эркак ҳайкалчалари ҳам топилгани ўлкамизда мусиқа санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради (309-311-расмлар).



306-расм. Арк тагидаги раққоса.



307-расм. Зартепа, Сурхондарё. Дионисий маросимлари иштирокчиси – қўшна чалаётган мусиқачи аёл (Санкт-Петербург музейи).



308-расм. Кампиртепа,
Сурхондарё. Флейта
чалаётган муסיқачи.



309-расм. Кампиртепа,
Сурхондарё. Флейта чалаётган
муסיқачи.



310-расм. Кампиртепалик
муסיқачи. Эраמידан
олдинги I аср.



311-расм. Уд чалувчи муסיқачи
аёл (Сурхондарё, Будрач
обидаси. III-IV асрлар).

Қадимда ўлкамизда торли чолғу асбобларидан уд, чанг (арфа), танбур, най, ноғора ва доира ишлатилиб, Термиз ёнидаги Айритом обидаси (I аср) фризида муסיқачилар ансамбли қўлида уд, чилтор, ноғора ва ликопчалар тасвирланган (312-расм). Тупроққалъа мажмуаси деворий тасвирлари орасида эса қўлида арфа, икки торли чилтор ва шакли қум соатига ўхшаш доира унлаган учта муסיқачи ифодаланган.



312-расм. Айритом обидаси мусиқачилари ҳайкаллари.

Афсонага кўра, икки томонлама доирани X асрда турли садолар олиш учун *Форобий* иккига бўлиб, бирининг диаметрини каттароқ, иккинчисини эса – кичикроқ қилади. Шу тасвирларга қараб, 2-қаватдаги топилма жойини “Арфачи хонаси” деб аташади ва унда учта мусиқачи аёл катта барглар ва бошқа нақшлар орасида катта залда тасвирланганлиги бу ерда тантанали зиёфатлар ўтказилганидан далолат беради. Мусиқачилар созларини ушлашига қараганда, куйнинг авж пардаси тасвирланган, деб ҳисоблайди тадқиқотчилар. Яъни бу хонага кирганлар тасвирларга қараб хаёлан мусиқа оҳангини тасаввур этиб, кайфияти кўтарилган. Умуман олганда, аёллар ансамбли Холчаён ва Айритом обидаларида ҳам мавжуд бўлиб, Панжикентда учта эркак мусиқачи тасвирланганидан қадимда қўшма ансамбль урф бўлмаган, деб фараз қилишади. Ўтмишда аёл мусиқачилар ансамбли “Бобурнома” миниатюраларида акс этиб, Хоразмда XX аср бошларида ҳам уларнинг жамоалари мавжуд бўлган.^{365: 162-166}

Ерқўрғонда мусиқа асбoblари (уч торли уд ва шунга ўхшаш бошқа асбоб) ушлаган аёл ҳайкалчалари топилган. Бактриянинг Далварзинтепа ҳайкалчалари орасида турли мусиқа асбoblари чалаётган аёллар тасвирланган: улардан ўтиргани – бурчакли арфа, тик тургани эса – най чалмоқда (313-расм). *Бактрияда асосан аёллар мусиқачи бўлганини* инobatга олсақ, улар ўлкамизнинг маҳаллий мифологик эътиқодлари билан боғлиқ маросимларга жўр бўлгани аёнлашади.^{368: 132}



313-расм. Далварзинтепа мусиқачилари.

Олимлар хулосасига биноан, ўша давр учун Ўрта Осиёда муқобили бўлмаган бели ингичка уд Афросиёб ва Қанқа обидаларида тасвирланган мусиқачи аёллар қўлида акс этганлиги ушбу минтақада мусиқа санъатининг юксак ривожланганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, кейинчалик, мазкур “бели ингичка” уд ўрта асрлар араб уди ва улардан кейин Европа уди (лютня)га асос солган.^{110: 43} Дарвоқе, қадимги ривоятларга кўра, ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи Адониснинг отаси шоҳ Кинир исми юнонча *сипура* – “лира” мусиқа асбобининг номи бўлиб, семит тилидаги *kinnoq* – лира сўзига мос тушади. Яъни диний маросимларда лира мусиқаси жараёнга жўр бўлган.^{431: 373}

Далварзинтепа кулоллар маҳалласининг энг баланд жойида I-III асрлар мобайнида ибодатхона бўлиб, ундан лютня чалаётган узун кўйлак кийган аёлнинг ҳайкалчалари топилган. Т. Визго таҳлилига кўра, Далварзинтепада топилган мусиқачилар ҳайкалчалари орасида узун кийимли, “ой юзли” аёлнинг бошида ғалати бош кийим, қўлида уч торли “калта” лютня бўлиб, араб даврида уни “уд” деб аташган.^{110: 165-171} Тадқиқотчи мазкур удни Ўрта Осиёда энг қадимгиси деб ҳисоблайди ва унинг кейинчалик, Эронга кўчиб, у ерда “барбат” деб аталганига урғу беради (314-расм).



314-расм. Далварзинтепа мусиқачиси.


Т. Визго маълумотига кўра, қадимда Ўрта Шарқда арфа энг севимли асбоб бўлиб, барча мусиқачилар ҳомийси ҳисобланган “самовий мусиқачи” – Венеранинг рамзи сифатида тасвирлангани ҳам бежиз эмас (315-расм).



315-расм. Арфа чалувчи аёл.



316-расм. Сўғдлик мусиқачи.



317-расм.
Далварзинтепалик арфачи тасвири.

Холчаёнда ҳам арфа ва лютня чалаётган аёллар ҳайкалча-ларининг синиқлари топилиб, Сўғд обидаларидан Панжикентдаги тасвир яхши сақланиб қолган (316-расм).

Моддий маълумотларга кўра, арфа Хоразм, Сўғд ва Бактрияда эрамиз бошида пайдо бўлади. Аммо олима ўз хулосасига ўзи қарши чиқиб, қуйидагича зид маълумот беради: Қўйқирилган-қалъадан топилган сопол идишдаги арфа тасвири эрамиздан олдинги IV-III асрларга мансуб. Шунингдек, арфа чалаётган мусиқачилар эрамиздан олдинги Тупроққалъа, Айритом ва бошқа обидалардан ҳам топилган. Бактрияда арфани аёллар чалган бўлса, Афросиёбда тик турган эркаклар мусиқачи вазифасини бажаргани сопол ҳайкалчалардан маълум. Қўлидаги арфа қийшиқ бўлгани учун уни “чанг”, яъни “қийшиқ” (“илмоқ”) деб аташган^{110: 169-170} (317-расм).

Кўриб турганимиздек, Хоразм Тупроққалъасининг “Рақс тушаётган ниқоблар” залидаги 2000 йил олдинги деворий тасвирлар бизни шунчалар кенг ва сеҳрли қадимий эътиқод маросимлари дунёсига олиб кирди-ки, унда турли халқларнинг дунёқараши бир қатра сув томчисида акс этгандек, кўз олдимизда намоён бўлди. Ушбу рисолада Сиёвуш билан боғлиқ бобда ўлиб-тирилувчи табиат ҳақида олиб борадиган ривоятимиз қўлингиздаги саҳифаларда ўзининг яна бир жонли қиррасини намоён этиб, эътиқодлар доирасига Дионисий сиймосини қўшди.

Турли халқларда ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди билан боғлиқ Дионисий илоҳининг қадим халқлар ҳаётидаги ўрни ҳақида В. Иванов шундай деган: “Жазавага келтирувчи Дионисий эътиқоди ўзининг қайта тирилтириш сеҳр-жодуси ва руҳни ўз шўхликлари шуъласи ила ёритувчи, илоҳнинг ўз ўғлони қиёфасида ерда туғилганларга хос эҳтиросли ва, шунга қарамай, илоҳий-ғолибона тарзда орамизга тушишига ишончи билан, ўлиб-тирилувчи илоҳ нурининг ярқираши руҳларнинг қоронғи салтанатини маърифат ила ёритувчи, поклик ва анбиёлик ғоялари билан, ҳаддан зиёда завқу шавқ, қаҳрамонона азоб ва меҳр-шафқати билан ва ниҳоят, борлиқнинг янги, ўзаро баҳам кўрувчи ва илҳомбахш, умумбашарий ва мастонавор хурсандчилиги билан қалб қўридан ўзининг яратувчан қудратининг барча хуфиёна бойликларини эркин ва жўшқин равишда кўтарувчи динига мадҳия ўқийди”^{167: 190-191}.

Дарҳақиқат, қадим аждодларимизнинг кўҳна тарих қатларида яратган эътиқодлар силсиласи ва шу билан боғлиқ ҳолда ўтказган ранг-баранг маросимлари инсоннинг ҳаётга бўлган ишончи, севинчи ва боқий мадҳияси билан ҳайратда қолдирмай иложи йўқ.

ХТОНИК МАЪБУДАЛАР

Учбарг – қадим Шарқ тасвирларидаги нилуфар, урчуқ – олам ўқининг ва нариги дунёнинг рамзи бўлган, коҳина ёки аскар-коҳина, хтоник дунё билан боғлиқ қадимий илоҳалар қаторидаги маҳобатли Кибела, Кибелага сиғиниш ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи – Аттис билан боғлиқ бўлган, ўлкамизда ойна ушлаган маъбуда ҳайкалчалари ва тасвирлари кўплаб учрайди. Я. Фуломов Замонбобо маданияти тушунчасини фанга киритган, ойнанинг акс бериш хусусияти ўзга дунёни кўриш имконини беради деб ишонилган, Фарғона-Тошкент минтақасида кўзгу ишлаб чиқаришда ўзига хос услуб шаклланиб Сўғдга ҳам тарқалади, қабрга ойнанинг ярмини қўйиш одати, ойна ёмон кучлардан сақлайди, Борлиқ ва Яратган ҳақидаги диний тасаввурларнинг ўзгариши.

III-V асрларга тааллуқли Бактрия обидаларидан топилган маҳаллий қиёфали маъбудалар ҳайкалчаларидан баъзиларининг пешонасига учбарг (трилистник) шаклидаги тақинчоқ ёпиштирилган. Хоразм Қўйқирилганқалъасининг эрамиздан олдинги IV асрга мансуб аёл ҳайкалчаси қўлидаги учбарг ҳам қадим Шарқ тасвирларидаги нилуфар бўлиб, шундай ҳайкалчалар яна Қалъалиқир, Кўзалиқир, Ҳазорасп ва бошқа обидаларда ҳам топилган.^{115 189} Масалан, Қўйқирилганқалъадан топилган сопол ҳайкал боши, олимларнинг тахминича, хтоник илоҳага тегишли бўлган (318-расм).



318-расм. Хтоник илоҳа боши (Хоразм).

Чуй воҳасининг Шамши деб аталган жойидаги IV-V асрларга мансуб мадфандан топилган олтин дафн ниқобининг ёноқларида иккита учбарг нуқрасимон тарзда чизилиб, учинчиси қирра бурнидан бошланиб, пешонасига ўтган.^{291: 210} Айнан шундай тақинчоқлар Айритом арфа чалувчиси ва айрим бактриялик маъбудаларга ҳам хос бўлган.

Ерқўрғон ибодатхонаси залининг устунда тасвирланган иккита аёлнинг қўлидаги нилуфар гули қадим халқларда нариги дунё билан боғлиқлик рамзи бўлган. Бирининг иккинчи қўлидаги гулчамбар эса

Туронда ҳукмронлик рамзи бўлгани маълум.^{391: 293} Иккинчисининг иккинчи қўлида мавҳум бир нарса бўлиб, олимлар уни ўртасида ип калаваси бор тўқимачилик урчуғи деб ҳисоблайдилар: азалдан ип йигириш инсон тақдири ва ер ости дунёси, яъни хтоник муҳит билан боғлиқ жараён сифатида кўрилгани маълум. Қадимги файласуфлар таъбирига биноан, *урчуқ олам ўқининг рамзи бўлган.*

Тўқимачилик урчуғи туркий қабилалар истиқомат қилган бошқа ўлкалар мақбараларидан ҳам топилганлиги, бу илоҳа туркийлар учун умумий бўлганидан далолат беради. Шулар асосида Р. Сулаймонов шундай тахмин қилади: Ерқўрғон ибодатхонаси устунида тасвирланган аёллар қўлидаги нилуфар гули, гулчамбар ва урчуқ нариги дунё билан боғлиқ бўлган рамзларни ифодалаган. Демак, Ерқўрғон илоҳаси нафақат сув муҳити, балки ўлимдан кейинги ҳаётга ҳам алоқадор бўлган.^{391 301-302} Биринчи фаразни тўғри деб олиб, иккинчиси борасида шуни айтиш мумкинки, ибодатхона минг йил давомида турли илоҳа ва маъбудаларни ўзгартиргани туфайли, устун тасвирлари биргина Сув илоҳасига тегишли бўлмай, бошқа даврларда чизилган бўлиши ҳам мумкин.

Зардуштийлик даврида ҳам наусларда оссуарийлар ёнига лойдан ишланган тўқимачилик лангарчалари қўйилган. Тозаланган суюқларни дафн ҳайкаллари ва лангарчалар билан кўмиш одати Хоразмда ҳам кузатилган. Масалан, эрамиздан олдинги V – III асрларга мансуб бўлган Бозорқалъа шаҳристони атрофларидаги қабристонда айрим марҳумаларни йигириш урчуқлари билан дафн этишган.^{131: 86} Қўлида урчуқ ушлаган сопол ҳайкалча Сўғддан ҳам топилган.

Яна бир мисол. Олимлар Тупроққалъа ибодатхонасининг жанубий қисмини ўтганларнинг руҳини хотирлаш мажмуаси деб ҳисоблайдилар. Бу ердаги тасвирларда айюҳаннос солиб, фарёд қилаётган аёллар, дафн маросимларида ишлатиладиган мусиқа асбоблари акс этганлиги шу фикрга сабаб бўлган. Хоналардан бирининг марказидаги Хоразмга хос тобут расмини ҳамда чап қўлидан ип ўтказган ва ўнг қўлида урчуқ ушлаган йигирувчи аёл суратини ўрганган олим тобут марказда тасвирланганидан, бу аёл нариги дунё илоҳаларидан бири бўлиши мумкин, дея тахмин қилади. Олимларнинг фикрича, бу маъбуда – тақдир илоҳаси бўлиб, тўқимачилик сўриси қадимдан ўлкамиз мадфанларига Тақдир илоҳасига тортиқ сифатида қўйилган. Жанубий қисм ўлиб-тирилувчи табиат ёки муайян шоҳларнинг мотам маросимлари жойи бўлган ва бу хоналарда сўнмас муқаддас олов сақланган бўлиши мумкин.^{413: 169; 235}

Аёлларнинг кўплаб атама тортиқлар билан дафн этилиши улар бой ёки коҳина бўлганидан дарак бериб, аёл илоҳаларнинг диний пешволари ҳам аёл бўлиши табиий эди. Баъзан нотўғри таржима оқибатида, ибодатхона ва эътиқод тушунчалари ҳамда маросим турлари умуман тескари маъно касб этиб, ўқувчини чалғитиб қўйиши мумкин. Масалан, Сўғд ибодатхоналарида мавжуд бўлган аёл коҳиналар ва ходималарнинг қадимий матнларда учрайдиган номини англатувчи “uzdes” сўзини олимлардан Блоше “куртизанка” – “енгил табиат”, деб янглиш таржима қилгани боис, илмда нотўғри тушунча шаклланади. Аммо, аслида, бу сўз “бутлар” маъносини англатгани олимлар томонидан кейинчалик исботланади.^{121 50}

Чирикработ дафн қўрғонларидан бири иккига бўлиниб, бир хонада боши шимоли-ғарбга қаратилган аёл скелети ёнида қурбонлик қилинган 3 тош ва 1 суякдан ясалган лангарча, тилла буюмлар, бронза ойна қолдиқлари, суяк тароқ, кўк шиша ва ақиқ маржонлар ҳамда камон ўқининг уч қиррали темир найзаси топилган. С. Толстов уни қуролли аёл, жангчи деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, хонада бошқа майитлар йўқлигига қараганда, бу марҳума коҳина ёки аскар-коҳина бўлиши мумкин. Уларни ўлкамиз мадфанлари ва ибодатхоналари бўсағасида ёки кириш хонасида дафн этиш ҳоллари маълум бўлиб, бу одатнинг диний маънога эгаллиги шубҳа қолдирмайди.^{406. 150} Панжикент деворларида қўлида ханжар ва қилич билан жанг қилаётган аёл тасвирланиб, яна бирида эса эркак ва аёл отличларнинг ўзаро жанги ифодаланган.

Сурхондарё Холчаёнидан ҳам жангчи аёл тасвири топилган (319-расм). Афросиёбдан топилган ва I-II асрларга мансуб бўлган 10 сантиметрлик сопол ҳайкалчада эса бир жангчи аёл ўнг қўлида найза, чапида – баҳайбат башара ниқоби тасвирланган кичик қалқон ушлаб турибди. Ф. Гренэ уни *Авесто илоҳаси* – *Арстат* билан таққослайди. У эса, II аср Кушон тангасида Ристо номи билан зарб этилгани маълум.^{68: 37} Эҳтимол, қалқондаги тасвир баҳайбат Киртимукха тасвири бўлиши ҳам мумкин. Термиз Болаликтепасидан топилган кумуш идишда қисич кўзли, оғзи очиқ, учи ўткирлашган қулоқли ҳайвон тасвирланган. К. Тревернинг фикрича, бу – Киртимукха боши бўлиб, ёмон кўздан ва балолардан сақлашига ишонишган. Дарҳақиқат, бундай тасвир ўлкамизнинг Варахша ва бошқа жойларида деворда, кийимда ва гиламларда учраши унинг халқ орасида тумор вазифасини ўтаганидан дарак беради. Ҳинд афсоналарига кўра, у Шива худосининг бошидан чиқиб, эгасини хафа қилаётган одамга дарғазаб ташланади. Шиванинг душманига




319-расм. Сурхондарелик жангчи аёл.

раҳми келиб, Киртимукхани тўхтатади ва у очликдан шикоят қилганида, ўзининг оёқ-қўлларини ейишни буюради. Натижада, фақат боши қолади ва Шива уни Киртимукха, деб атайди.^{416 82-83}

Қадим эллинларнинг жанговар сиймоларидан бири – Сирена ҳам илоҳлар пантеонида худди шунга ўхшаш хтоник маъбуда бўлиб, унинг тасвири, кўпинча, дафн маросими ашёлари ва мақбара тошларида учрайди. Оёқлари ёнидаги нилуфар гули ҳам унинг хтоник моҳиятига ишора этади. Аввалига ёвуз маъбуда бўлган Сирена, вақт ўтиши билан таскин берувчи сиймо моҳиятини касб этади ва бир қўли кўксига, иккинчиси эса, боши узра кўтарилган ҳолатда тасвирланади. Ушбу маъбуданинг қўлида най ёки кифара ушлаган ҳайкалчалари ҳам учрайди. Қадим юнон санъатида бу тимсол аёл бошли қуш сифатида тасвирланиб, кейинчалик одам шаклини ола бошлаган ва сийрати ҳатто қулоқ сирғаларида ҳам акс этган. Қадим Миср тобутларида ҳам тасвирлари бор. Нахшабнинг қадимги яшаш масканларидан бирида ҳам Сирена – иккита кичик кўкраги бор қуш ҳайкалчаси топилган.^{391: 200} Бу тасвир исломдан кейин ҳам 2 аср халқ орасида юриб, мифология соҳасининг барҳаётлигидан дарак беради.

Хтоник дунё билан боғлиқ қадимий илоҳалар қаторига маҳобатли Кибела ҳам кириб, ибодатхоналарга тахтда виқор билан савлат тўкиб ўтирган ҳайкаллари рўпарасида сажда қилингани маълум (320-расм).



320-расм. Кибела ҳайкали.

Шунингдек, тасвирларида ёнида шерлар ўтириб, атрофида Океан ва Вақтни ифодаловчи Қуёш ва Ой ҳамроҳ бўлган. Қоплонлар суяб турган тахтда ўтирган Маъбуда сиймоси эса, инсоният ов билан ҳаёт кечирган даврга тақалиши аёндыр. Қоплон ва шерлар билан тасвирланадиган Маъбуда сиймоси кўҳна дунёда вужудга келиб, кейинчалик Кибела сиймосида мужассамлашади⁵⁵² (321-расм).

Бактриянинг Ой Хоним (Ой Хоним обидаси шаҳристон ёнида жойлашган қишлоқ номи билан аталганлиги унинг ўзбеклар маскани бўлганидан далолат беради. Афғонистон шоҳи Муҳаммад Зоҳир шоҳ у ерда тасодифан иккита қадимги тошни кўриб қолиб, француз олимларини чақиради ва, шу йўсинда, Бактрия дурдоналаридан бири кашф этилади^{294 201}) ибодатхонасида топилган тилла-кумуш дискда қанотли Ника илоҳаси бошқараётган аравани иккита шер тортиб, устида Кибела илоҳасининг ҳайкали турибди. Кибела орқасида соябон кўтарган коҳин тик турибди, олдинда ҳам беш зинали қурбонлик келтириш меҳробида бошқа бир коҳин кичик исириқдонни тутатмоқда ва иккалови ҳам илоҳага қўлларини илтижода узатмоқда. Тасвирнинг тепа қисмида ҳилол Ой, юлдуз ва Қуёш рамзлари чизилган. Тепадаги Гелиос боши атрофида 13 нурли нимб, юлдуз эса – 16 нурли.^{294: 257-259} Олима бу саҳнани Кибела илоҳасининг ғалабаси, деб талқин этади^{109 125} (322-расм).



321-расм. Кибелани қўриқлаётган шер.



322-расм. Кибела илоҳасининг зафар саҳнаси.

Юнон ва Рим санъатида Буюк Она маъбудаси тасвирларини ўрганган олим М. Вермасереннинг таърифича, *Кибелага сиғиниш ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи – Аттис билан боғлиқ бўлган* (323-расм). Бу борада Сурхондарёнинг Холчаён ибодатхонасидан топилган учли қалпоқ кийган йигит ҳайкалчасини олимлар Аттис деб ҳисоблашди (324-расм).

Афсонага қўра, Нана маъбуда анор дарахти мевасини татиб, ҳомиладор бўлади ва Аттисни туғади. Уни ўлимдан Буюк Она қутқаради ва эчки сути билан боқиб, ўстиради. Оқибатда, гўзал



323-расм. Аттис ва Кибела мрамарда (Эраимздан олдинги учинчи асрга доир ҳайкал).



324-расм. Ўлкамиз Аттиси.

йигит ишқ ўтида ёнаётган илоҳанинг зуғумидан ҳалок бўлади. Кейинчалик, ғазабнок Кибела куз ва қиш давомида ўрмонларда изғиб, одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларга ҳаловат бермас экан, баҳор ва ёзда эса, хулқи мулойим бўлиб, фаровонлик келтирар экан. Ривоятларга биноан, Кибела севган ёри Аттисни қидиришларида унга селен сатир Марсий ҳамроҳлик қилган. Аслида у, най чалувчи чўпон бўлиб, илоҳани овутишга уринган. Айтишларича, айнан у, Буюк Она-илоҳа шаънига атаб Она қўшиғини битган. Оқибатда, у ҳам Аттис сингари арча тагида қатл этилади. Сиёвуб ҳам нишонни пойлаган дарахт тагида ўлдирилганини эсланг.^{431: 393-395}

Хтоник илоҳаларга қатор рамзлар хос бўлиб, шулар орасида бронза ойналар, нилуфар гулининг тўпбарги, тўқимачилик-йигириш ашёлари қадимда муҳим ўрин тутган. Бу ашёлар турли халқларнинг мақбараларига марҳумлар билан бирга қўйилгани уларнинг дафн маросимларидаги аҳамияти ва мазмунидан дарак беради.

Ўлкамизда ойна ушлаган маъбуда ҳайкалчалари ва тасвирлари кўплаб учрайди. Умуман олганда, ойна Шарқда эрамиздан олдинги IV мингйилликдан маълум. Қадим Хитойда ҳам ойна сеҳрли хусусиятларга эга деб ҳисобланган. Даос ўлкасининг роҳиблари ойна ёрдамида ёвуз кучларни қувган. Буддавийлар ибодатхонада Будда ҳайкали рўпарасига ойна қўйиб, унинг акси устидан сув қуйишган. Будда юзининг инъикосидан оқиб тушган сув муқаддас ҳисобланиб, уни ичишган ва ибодатга келганларга пуркашган.^{398: 198}

Олимларнинг хулосасига кўра, ўлкамиздаги ойнали маъбуданинг сопол ҳайкалчалари на юнон Афродитаси, на Аргимпаса маъбудаларига дахли йўқ бўлиб, азалдан аждодларимиз эътиқодига кирган.^{233: 97-104} Л. Ремпель қадим Сўғд санъатини ўрганиб, девор тасвирлари ва сопол ҳайкаллар қўлидаги ойна худди мева ёки лотос каби диний маънони англаштириши ҳақида хулоса чиқаради ва ўлкамизда аёл маъбудаларига хос диний эътиқодлар бир хил бўлганлигини таъкидлайди. Айрим олимларнинг тахминича, унга эллинизм даврида Мисрдан четга кенг тарқалган Изид маъбудаси тасвири таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Ойна ушлаган Изид эса тақдир белгиловчи ва уни башорат этувчи илоҳа вазифасини ўтаган.^{343: 87; 304: 124}

Ўлкамизда ойна ушлаган маъбуда ҳайкалчаларининг Ўрта Осиё бўйича энг қадимги нусхаси Хоразмдан топилиб, кейинчалик, бу маъбуда ҳайкалчаси Марвга ўтади, бироқ у ерда тасвирига оёғи

остидаги илон ва аждарҳолар қўшилади. Умуман эса, Ўрта Осиёда ўнг қўлида ойна ушлаб, чап қўли билан қўйлагининг этагини тутиб турган илоҳалар тасвири анъанавий бўлган^{345: 93} (325-расм).

Бундан фарқли равишда, Косонтепа ва Ерқўрғондан топилган ҳайкалчалар чап қўлида кўкси олдида узун дастали ойна ушлаб турибди. Ойна ушлаган маъбудалар икки турда тасвирланиши эллинистик ва маҳаллий шаклларнинг синтезидан далолат беради. Бўйнида кўзасимон маржон тақилганлари маҳаллий бўлиб, балким зардуштийликнинг муқаддас ичимлиги – хаома билан боғлиқдир. Ерқўрғон маъбудасида ҳам ойна, ҳам илон сиймоларининг мавжудлиги аждодларимиз турли эътиқодларни қурама этиб, ўзига хос шакл яратганидан далолат беради.^{391: 192} Термиздаги VI асрга мансуб Болаликтепа ибодатхонасида ойна ушлаган аёл ва эркакларнинг тасвири бор ва қумуш идишда ҳам аёл қўлида ойна билан тасвирланган.



325-расм. Ойна ушлаган илоҳа.

Энг қадимги ойналар бой аёлларнинг мақбараларидан топилган бўлиб, Оролбўйи сакларида ойна билан дафн этиш Тагискен ва Уйгарак аёл мақбараларида эрамиздан олдинги VII-V асрларга мансуб. Сирдарёбўйи Уйгарак аёллар мақбарасининг шарқий қисмида бронза ойналар ва тош меҳроблар учрайди. Марказий мадфандаги аёл мақбараларида дон янчиш ҳовончалари кўп, аммо ойналар йўқ. Учинчи, ғарбий мадфанда эса – топилмалар деярли йўқ. Шу асосда жамиятнинг табақалашуви ҳақида хулоса чиқарилиб, ойнали марҳумалар коҳинлик қилган, дон янчиғиччилари – уй бекаси бўлган ва нарсаларсиз кўмилганлари – камбағал ёки хизматкор бўлган, деб тахмин қилинади. О. Вишневская ўрганган мазкур аёллар мадфани, эҳтимол, Оролбўйи саклари сажда қилган ҳосилдорлик ва туғилишнинг қадим маъбудаси коҳиналарига мансуб бўлган. Бундай табақалашув эрамиздан олдинги VII-VI асрларга хос бўлиб, Сирдарёбўйи қуйи қисмидаги чорвадор қабилалар жамоасининг уч поғонали тизимини ифодалаган.^{101: 267 35-41, 104: 135-147; 105: 188; 97: 133}


Самарқанд вилоятида 7 қўрғон-мақбарадан иборат Кўлқудуқ дафн қўрғонлари эрамиздан олдинги III-II асрларга мансуб бўлиб, аёллар қабрларига бронза ойналар қўйилган: бирида – ўнг

курагининг тагидаги ойнанинг тепа қисмида хўроз ҳайкалчаси мавжуд, иккинчисининг – қорни тагига, учинчисининг эса – бошининг олдига мато бўлаги ва бўйрага ўралган ҳолда ойна қўйилган. Шакли шунга ўхшаш ойналар Хоразмнинг Қўйқирилганқалъа, Миздахкан ва Тиллатепа ибодатхоналарида ҳам топилган. Шунингдек, аёллар қабрларида бронза билагузук, сирға ва узуклар топилганига Хоразмнинг Миздахкан мазоротида аёлларни 326-расмда тасвирланган тилла буюмлар билан кўмишгани ҳам мисолдир.

Иккита қабрда темир пичоқлар қўйилиб, биттасидан 10см баландликдаги тўртбурчак исириқдон чиққан. Бир қабрда аёл устига тупроқдан олдин қум ташланиб, унда кул қолдиқлари бор. Эҳтимол, иримини қилиб, руҳи жаннатга тезроқ тушишини ният қилиб олов ёқишган.^{251 44-60}

Бухоро воҳасининг эрамиздан олдинги III мингйиллик охири ва II мингйиллик бошига мансуб Замонбобо кўли ёнида очилган қабристонда марҳумлар катакомба ва ер қабрларида дафн этилган. Атама ашёлардан думалоқ темир ойналар ва белкурак шаклига ўхшаш тўғноғичлар, сопол идиш ва камон ўқи найзачалари, мис, кумуш ва тилла тақинчоқлар топилган. Шунга асосланиб, *Я. Фуломов Замонбобо маданияти тушунчасини фанга киритган.*¹³³

Одатда, мақбарага ойналарни синдириб ёки юзини ерга қаратиб кўмишган. *Ойнанинг акс бериш хусусияти ўзга дунёни кўриш имконини беради деб ишонишган ва, шу сабаб, у туғилиш ва ўлим*




326-расм. Хоразм мақбараси атамалари.

илоҳаларининг ашёси бўлган. Шунингдек, ойна – сув илоҳасининг ашёси, деган тахмин тўғри бўлса керак, чунки нарсаларни ўзида акс эттириш хусусиятига биноан, қадимдан ойна сувнинг рамзи бўлган. Ойна ушлаган маъбуда Тақдир ҳукмрони бўлгани ажабланарли эмас ва, шунга таянган ҳолда, Ўрта Осиёда қоҳиналарнинг дафн ашёлари сифатида Сополлитепадан бошлаб то IV-V асрларда Бухоро воҳасининг Қизилқиридаги қоҳиналар мақбарасигача кузатилади (327-расм).

Қизилқир обидасига кириш остонаси тагида зардўзи кийимлари билан дафн этилган аёлнинг бош томонида қўй боши, оёқларида эса – бронза кўзгу кўмилган. Унга яқин Сеталак обидасида ҳам худди шундай дафн этилган аёл билан таққослаб, олимлар уларнинг иккалови ҳам қоҳина бўлган деб ҳисоблайди.^{391 284; 233: 97-104; 206: 119}

Шу билан бирга, энг қадимги ойналар Хоразм, Бактрия ва Сўғдада топилиб, бактриялик тури фарғоначасидан фарқ қилади. II-IV асрларда эса, *Фарғона-Тошкент минтақасида кўзгу ишлаб чиқаришда ўзига хос услуб шаклланиб, Сўғдага ҳам тарқалади.* IV-VII асрларда маҳаллий кўзгу турини ишлаб чиқариш давом этади, бироқ уларнинг тури камайиб, Ҳиндистон ва Хитойнинг таъсири пасаяди. Энг кўп кўзгулар Фарғонада топилганлигини олимлар жуда кўп дафн қўрғонлари шу ерда қазиб очилгани ва минтақа алоҳида жойлашгани туфайли, анъаналар узоқ муддат сақланиб, ташқаридан келган таъсир ҳам маҳаллий тус олиши, яъни турли усул ва одатларни ўз асосида қурама этиш хусусияти билан тушунтиради.^{118: 45} Жумладан, Фарғонада эрамиздан олдинги II асрдан то эрамизнинг VII асригача турли мақбаралардан 76 та ойна топилган. Шулардан бири Қорабулоқ топилмаси бўлиб, ўзининг бадий жиҳатдан ўта нафислиги билан ҳайратда қолдирмай иложи йўқ (328-расм).

Шунингдек, Фарғонада аёллар қабрига ойна билан бирга кичик тош хипчин шаклидаги узунлиги 5-8 см, қалинлиги 1 см сурматошлар ва графит бўлаклари ҳам қўйилиб, уларнинг энг қадимгилари эрамиздан олдинги VI-III асрларга мансуб. Шу даврда Фарғонадан



327-расм. Бронза ойна.
Сополлитепа.
Эрамиздан олдинги
II мингйиллик ўртаси.



328-расм. Эрамиз бошига мансуб Фарғона ойнасининг дастаси.

бошқа жойларда деярли учрамаганлигининг сабаби – графит қазилмаларининг йўқлигидир.¹¹⁹

Фарғона водийсида аёлларни Хитойдан келтирилган ва маҳаллий ойналар билан кўмиш ҳолатларини ўрганган Б. Литвинскийнинг фикрича, айрим бронза ойналар атайлаб синдирилгани ва уриб, сатҳида из қолдирилгани билан қизиқарли. Яъни бу одат муайян эътиқод маросимини англатади. Қадимда ўлкамизда қабрга марҳум билан биргаликда қўйилган турли бахшида ашёларни атайлаб синдириш таомили, нарсани ҳам “ўлдириб”, руҳининг эгаси кетидан бориши учун озод этишни билдирган экан. Дарҳақиқат, ҳозир ҳам ойна синса, бахтсизликни кутиш халқимиз орасида мавжуд иллат. Ўлкамизда никоҳ маросимида ишлатилган ойна синиши ажралишга келтиришига ишонч анчагача сақланган. Ўрта Осиё ва, жумладан, Хоразмда келин-куёвнинг ойнага биргаликда қараш одати бўлган ва уни келгуси ҳаёти “ёруғ бўлсин”

деб ўтказишган.^{239 43-47} Ойнада инсон руҳи акс этади деган иримни эсласак, эҳтимол, келин-куёв уларнинг руҳлари ҳам нариги дунёда бирга бўлишини тилаб, ўзига хос “руҳлар никоҳи” маросимини ўтказган. Қабрга ойнанинг ярмини қўйиш борасида тадқиқотчи бир хитой ривоятини келтиради: муайян вақтга айрилишга мажбур бўлган эру хотин садоқат сақлаш рамзи сифатида ойнани иккига синдириб, бўлакларини ўзи билан олади. Хотин бевафолик қилганида ойнасининг ярми қушга айланади ва бу хабарни эрига етказди.

Б. Литвинский турли халқларда ойна родини ўрганиб, қизиқарли маълумотлар келтиради. Қадимги инсон ўз сояси ёки сув билан ойнадаги аксини ўзининг руҳи ёки шахсиятининг бир қисми, деб ҳисоблаган. Ўзининг сувдаги аксига маҳлиё бўлиб, чўкиб кетган Нарцисс ҳақидаги машҳур афсона ҳам шу фикрга мисол бўла олади. Шарқда яқинлар бир-биридан вақтинча айрилганида, ойнани иккига бўлиб олиш ёки махфий маълумот юборилганда ойнанинг ярмини чопар билан жўнатиш таомили орқали қабрга қўйилган ойнанинг ярми нариги дунёда учрашувни таъминлаш рамзи бўлиши мумкин,

деб ҳисоблайди тадқиқотчи. Иккинчи ярмининг бўлақларини қадим фарғоналиклар тумор сифатида тақиб юрган ва ўзи билан қабрга олиб кетган: айрим қабрларда шундай туморлар топилган. Балким, қадимги фарғоналиклар ойнани синдирганларида, марҳумнинг руҳи қайтиб келмаслигига ишонишгандир. Тошкент музейидаги жажжи ойначанинг орқа томонида салиб рамзи акс этган. Умуман, ойна Ғарб ва Шарқда сеҳрли кучга эга бўлган ашё сифатида турли диний маросимлар ва жоду учун ишлатилгани маълум. Японияда ойна тозалик рамзи сифатида ёмон кучларга қарши тумор бўлиб, бронза ойна Қуёш инъикоси ва Қуёш илоҳаси ҳисобланган. Хитойликларда ойна аёл илоҳа рамзи сифатида кўрилиб, унинг орт томонидаги тасвирлар диний эътиқод ва жоду тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Марҳумнинг кийимини бамбук таёққа осиб, атрофда юрган руҳи қайтмаслиги учун ёнига ойнани илишади. Хитойликларда ойнани қабрга қўйиш, у қабрни ёритади, деган тасаввур билан боғлиқ бўлган. Тибетда ҳам ойна аёл рамзи бўлиб, унга эҳтиром қадимги халқ эътиқодидан кейинчалик ламаизм динига ўтади.^{233: 98-104}

Бу мавзуда А. Хазанов мавжуд манбаларга таяниб, қатор маълумотлар келтиради. Даос роҳиблари ойна ёмон кучлардан сақлайди, чунки улар одамни таъқиб этаётганларида ойнада улар касб этган инсон қиёфаси эмас, асл бадбашара кўриниши акс этади. Хитойда урушга кетаётган жангчи кўксига ойна солган; куёв уйига кетаётган келин ойнани юраги устида ушлаш одати XX асргача сақланган. Қўшни уйда нохуш воқеа содир бўлса, ўша томонга ойна осиб қўйилган. Марҳумни қабрга қўйганда ойнани ҳимоя сифатида ёмон кучларни ҳайдаш учун юраги устига жойлашган. Эраמידан олдинги IV асрдан бошлаб ойналар ортидаги ёзувлар уларда сеҳрли куч борлигига ишончдан далолат беради. Шулардан бирида айрилган: “Агарда Сиз бу ойнани ўзингиз билан олиб юрсангиз, Сиз буюк илоҳларни кўрасиз...; Сиз доим бой ва нуфузли бўлинг; Сиз ғам-ғусса ва ташвишлардан холи бўлинг; бу ойна тоза ва ёруғ, Сиз ўз ўғилларингиз ва невараларингизни сақлаб қолинг”. Сибирь қабилалари ойна ёмон кучларга қарши “радди бало” вазифасини ўташига ва келажакни кўрсатишига ишонган. У ердаги туркий қабилалар афсунгар(шаманлар)нинг сеҳрли ойнасини самодан илоҳлар туширган деб, унинг бронза бўлақчалари аралаштирилган суюқликни касални тузатиш учун ичиртирган. Айрим ойналарнинг дастасида ҳайвонлар тасвирлангани унинг сеҳрли кучини оширишга қаратилган. Шоҳларни тахтга кўтараётган илоҳалар қўлида ойна бўлиши ҳам ана шу эътиқоддан далолат беради.^{433 89-95} Сак-

массагетлар билан маданий жиҳатдан алоқадор бўлган сармат қабилаларида ҳам эрамиздан олдинги VI асрдан аёл, эркак ва ўғил болалар қабрларига ойна қўйиш одати кузатилади. Ойналар атайлаб синдирилган, яримта ёки шикастланган ҳолатда учрайди. Славянлар ҳозир ҳам марҳум бор уйда ойналарни мато билан ёпишади, акс ҳолда ўз аксини кўрган одам ҳам ўлади, деган ақида юради.

Сўғддан топилган Анахита ҳайкалчасининг қўлида ҳам ойна бор. Яъни ойна ҳосилдорлик ва қуёш билан боғлиқ аёл илоҳа рамзи бўлиб, ҳозир ҳам никоҳ маросимларида ойна ишлатилиши қадимги эътиқоднинг халқ орасида ҳали-ҳануз ҳаётийлигидан далолатдир. Ўзимизда ойнани “кўзгу” дейилиши ҳам унинг моҳиятини изоҳлайди.

Эрамиздан олдинги бир неча асрлар мобайнида ўлкамизда эркак маъбудлар тасвирлари ва ҳайкаллари устувор бўлиб, Оролбўйи сак қабилалари тарқалиши билан ибодатхоналарда аёл маъбуда ҳайкаллари кўпая бошлайди, эркак маъбудлар эса дафн маросимлари орқали аждодлар эътиқодига кўчади. Масалан, Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасидан 80 та ҳайкалча синиқлари топилган. Шулардан 35 таси – аёлники, 33 таси – ҳайвонники, жумладан 23 таси – от, демак, эркак ҳайкалчалари – 12 та. Аёл бутлари билан эркакларники пайдо бўлиши қабила бошлиғи ва ҳарбий раҳбар вазифаларининг кучайишидан далолат берган. Битта эркак ҳайкали кўксининг чап томонида Шарқда илоҳий қудрат бағишловчи учбурчак рамзи чизилганлиги унинг илоҳ ёки коҳин бўлганидан далолат беради.^{197: 174-178}

Аммо V-VI асрлардан бошлаб аёл маъбудаларининг ҳайкалчалари кескин равишда камайиб, ўрнини эркак маъбудлар эгаллай бошлайди. Шоҳлар ва эркак илоҳларга сажда қилиш ва эркак аждодга топиниш кучаяди. Аёл маъбудалар уй меҳробларига кўчиб, аёлларнинг турли диний маросим ва урф-одатларида сақланиб қолади.

Замонлар ўтиши билан инсоннинг *Борлиқ ва Яратган ҳақидаги диний тасаввурлари ҳам ўзгариб* боради. Ер каби туғувчи аёл маъбуда ўрнини ўз кучи ва заковати билан яратувчанлик вазифасини ўтовчи улуғвор эркак илоҳлар эгаллайди. Илк диний тасаввурлардан ривожланган эътиқодларга ўтиш баробарида афсунгар ва коҳинларнинг салоҳияти ҳам ошиб боради.

IV боб

АЖДОДЛАР РУҲИГА БАХШИДА

АЖДОДЛАРГА СИҒИНИШ

Аждодлар руҳига бахшида, фарзандларнинг марҳум оналарига нисбатан ҳурмат билдириши жамоада ўзаро эҳтиром ва мурувват туйғуларининг кучайишига олиб келгани аён, уч хил дафн маросими, Сўғд ибодатхонаси – худолар пантеони, диққат-эътиборни маҳаллий эътиқодларни ўрганишга қаратиш ва уларга асосланиш лозим, мотам маросимининг ибодатхонадаги деворий тасвири, чодир билан бирга ёндириш маросими.

Ҳозиргача турли халқларда аждодлар руҳига бахшида этиб намоз ўқиш ва қурбонлик келтириш урф-одатлари бу эътиқоднинг инсон жамияти ҳаётида муҳимлигидан далолат беради.

Анимизм ва фетишизмдан аждодлар руҳига сиғиниш пайдо бўлиб, инсоният тарихида у энг қадимги, замонлар узра сақланиб келган ва таъсирчан эътиқодлардан бири ҳисобланади. Аждодлар руҳи эъзозланиб, хотираси муқаддас ҳисобланганлиги туфайли уларга бағишланган ибодат ва маросимлар ҳам муқаддаслик мақомига олган. Айрим олимларнинг фикрича, дин илдизлари аждодларга сиғиниш билан боғлиқ урф-одатлар ва қаҳрамон шахсларни илоҳийлаштириш таомилидан келиб чиққан. Аксарият ҳолларда, қабила-уруғнинг бирламчи аждоди кейинчалик илоҳ даражасига кўтарилган. Умуман, аждодларда ўзларининг кейинги ҳаётида авлодлар тимсолида тирилиб қайтишига ишонч кучли бўлган. Хоразмнинг қадимги Кўзалиқир ва Чирикработ шаҳристонлари қабила ҳукмронларининг мақбаралари атрофида шакллангани халқимизда эътиқод ва ҳурмат даражаси нақадар юксак бўлган-

лигини яққол кўрсатади. Шу асосда бунёд этилган қадимий Пишактепа шаҳристонидан мамлакатимизнинг пойтахти бўлмиш ҳозирги Тошкент шаҳри қад кўтарган.

Аждодларга сиғиниш эътиқодининг турли маросимлари ва ахлоқий жиҳатлари халқ орасида шаклланиб, марҳумнинг яқинлари ўз қайғусини ташқи ифодалашида муҳим аҳамият касб этган. Дафн ва келгуси хотирлаш маросимлари оилада ўтганлар ва тириклар орасида руҳий-маънавий алоқа ҳамда хотира сақланишига хизмат қилиб, инсонларга таскин берган.

Фарзандларнинг марҳум ота-оналарига нисбатан ҳурмат билдириши жамоада ўзаро эҳтиром ва мурувват туйғуларининг кучайишига олиб келгани аён. Шу билан бирга, руҳ(арвоқлар)га атаб пул, озиқ-овқат ва ичимликлар, исириқ аташ таомили ёрдамида тириклар ўзини бахтли ҳисоблаган ва марҳумнинг руҳи олий кучлар орқали тирикларга мадад ва паноҳ беришига ишонилган. Марҳумларни нариги дунёдаги боқий ҳаётда керакли барча нарсалар билан кўмиш одати қадим ўтмиш замонларга тақалиб, барча халқларда кузатилади. Яшаётганлар ва ўлганлар орасида боғлиқлик борлиги ҳақидаги ишонч туфайли турли нарсалар, жумладан, суякларда фол очиш ёрдамида оламдан ўтган руҳлардан ҳаётнинг барча жабҳаларига тегишли маслаҳатлар сўралган. Лекин аждодлар руҳига эҳтиром кўрсатилиб, ҳадялар жойига қўйилмаса, унинг “жасад руҳи” қабрдан кўтарилиб, ёмонлик келтиришига ҳам ишонилган. Аждодлар руҳи тирикларга омад келтириши билан бирга, касаллик ва омадсизлик билан ҳам жазолаши мумкинлиги инсонларни ножоиз, ёмон хатти-ҳаракатлардан тийиб турган. Яъни аждодларга эътиқод инсонларни руҳий жиҳатдан ўзини соф сақлашга ундаган.

Художўй жамиятларда аждодлар руҳи олий илоҳлар ва инсонлар орасида воситачи деб қаралган. Шу билан бирга, қадимда аждодлар шаънига атаб маросим, илтижо ва қурбонлик келтириш таомили Худога мурожаат этилмасдан туриб бажариладиган жамиятлар ҳам мавжуд бўлган. Яъни аждодлар руҳига нисбатан ҳурмат тушунчасини художўйлик тушунчаси билан аралаштириш керак эмас. Ўзбекистонда бундай фарқлаш қадим Турон заминига ислом дини кириб келиши билан аниқ мақом касб этади ва аждодлар руҳига эҳтиром тушунчаси билан боғлиқ маросимлар исломий таомиллар сифатида эътироф этила бошлайди. Аслида, бундай таомиллар ислом динида фарз қилинмаган бўлиб, улар дин аҳкомларида ҳам йўқ. Бундай хайр-эҳсон маросимлари халқимизнинг урф-одатига кириб қолган, холос. Чунончи, исломда йўқ йигирма,

қирқ, йил оши ўтказиш, ҳайитларда марҳумлар уйларига бориб, таъзия билдириш сингари одатлар ана шундай таомиллар жумласидандир. Бу таомиллар тоат-ибодат ўрнида қабул қилинмайди, аксинча, исломгача бўлган энг қадим эътиқодларга бориб тақалади. Халқимизнинг кучли эътиқоди ва маросимларни бекаму-кўст бажариши айнан ўша мозийдан асрлар оша бизга қадар етиб келган.

Мақбаралар ва кўмиш одатларини ўрганиш инсонлар жамиятининг қадим ўтмишдаги ғоявий ва диний қарашларидан дарак бериб, тириклар ва ўтганлар орасидаги муносабатни ойдинлаштиради. Ўлкамизда аждодлар руҳига эътиқод тушунчасининг шаклланишини дафн этиш тури, меъморчилиги ва маросимлар ривожини ўрганмасдан туриб тушуниш мумкин эмас. Бунинг учун афкор омма эътибори археологик қазилмалар ва улар асосида олиб борилган тадқиқотларга жалб этилиши керак.

Кириб келаётган янги – авесточа кўмиш одатлари билан бирга қадимги дафн маросимлари ҳам сақланади ва, кейинчалик, бу урф-одатлар бир-бирига сингиб, ўлкамизда ўзига хос ўрта осиеча дафн этиш шакллари ва маросимлари юзага келади. Алқисса, ўлкамизда қадимда ва илк ўрта асрларда *уч хил дафн маросими* бўлган: 1) ерга кўмиш; 2) тозаланган суякларни дафн этиш; 3) майитни ёндириш. Бундай қурама таомил ўлкамизда турли миллату элатлар тинч-тотув яшаганидан ва урф-одатлари ҳамда ўзлари бир-бирига сингиб борганидан далолат беради. Амударё ва Сирдарё оралиғи ва, айниқса, қадим Сўғд минтақаси эраמידан олдинги I мингйилликда қадимги Ўрта Ер денгизи ва протоевропалик Андронов маданиятига мансуб иккита катта ирқлар қурамасининг макони бўлиб, бу ҳолат қарийб исломгача сақланиб келган.^{320: 12; 391: 240; 438; 471 112}

Айрим ҳолатларда энг қадимги одат сифатида, Аршакийлар дафн маросимига биноан, вафот этган шоҳ билан унинг рафиқалари ҳам дафн этилган. Бундай маросим Тиллатепа сак қабиласи мадфанида ҳам аниқланган.^{321: 209-213}

Қадим Рим тарихчиси Аммиан Марцеллин ёзиб қолдирган маълумотга кўра, Хионит подшоҳи ўғлининг жасади ёндирилиб, кули кумуш идишга солинади ва атрофида нариги дунёда унга ҳамроҳ бўлувчи одамларнинг тасвирлари қўйилади. Хоразмнинг Кўҳна Увайс ва Қанғқақалъа масканларида ҳам шунга ўхшаш маросимлар ўтказилган, деб ҳисоблайди Ю. Рапопорт.^{325: 60-61} Дарҳақиқат, бу ибодатхоналарда гулхан атрофида бош чаноқлари ва суяклар қўйилиб, бўялган сопол бош тасвири ва инсон ҳайкалининг қолдиқлари топилгани бунга яққол далил бўла олади.

Самарқанддан Зарафшон бўйлаб 68 км юқорида қадим Сўғд вилоятларидан бирининг пойтахти бўлган Панжикент жойлашган. Тоғлар этагидаги Сўғднинг мазкур энг шарқий шаҳристони V асрда вужудга келиб, VIII асрнинг 70 – 80-йилларида араблар босқини туфайли харобага айланади. Панжикентнинг охириги ҳукмрони Даваштич аскарлари билан Муғ тоғида қаршилик кўрсатади, аммо асир тушиб, бир мақбара(наус) тепасида чормихланади.

Орадан 1200 йил ўтгач, археолоғлар обидани ер ва қум остидан қазиб очишганида, уларнинг кўз олдида маҳобатли сарой ва иккита ибодатхона қад кўтаради. Уларнинг деворларида рангли паннолар асрлар оша очиқ ҳавода харобалар орасида ўз ранглирини сақлаб қолганлиги, кичик ва катта ҳайкалларнинг синиқлари ва оссуарийлар ўзининг юксак маҳорат билан ишланганлиги туфайли олимларни ҳайратга солади ва мазкур обидалар бир неча ўн йиллар давомида тадқиқотчилар томонидан синчиклаб ўрганилади. Бу обида қадим Сўғд ибодатхонаси бўлибгина қолмай, балки Хоразм ва Бактрия, Чоч ва Фарғона аҳолисининг ҳам диний эътиқодлари ҳамда мифологиясидан гувоҳлик беради. Бу ибодатхоналар худолар пантеони бўлиб, уларнинг турли хоналарида эмас, ҳатто битта хонасида ҳам ўнлаб илоҳлар ва сулола аждодларининг тасвирлари ва ҳайкаллари биргаликда жойлашгани ўлкамиз аҳолиси бу муқаддас қадамжоларни аждодлар руҳига эътиқод юзасидан зиёрат қилганлиги аёнدير.

Ўлкамизнинг ана шундай ибодатхоналарининг девор тасвирларида подшоҳ ва зодагонларнинг диний ва дунёвий ҳаётидан келтирилган саҳналарда асрий эътиқодлар ва қадимий асотирлар (мифология) қоришиб кетганлигига аввалбошданоқ тўғри эътибор қаратилади.^{463: 21}

Ўтмишда ўлкамизнинг ғоявий ва маънавий қарашлари ва шу билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган ҳаётий қоидалари диний эътиқодга асосланган. Турли соҳа ҳомийлари ҳисобланган илоҳлар пантеони мажмуасида мужассамлашган диний эътиқоднинг ўзи мафкура бўлган, десак тўғрироқ бўлади. Ибодатхона ва саройларда зодагонлар зиёфат пайти ёки байрамда диний эътиқод ашёлари билан бирга тасвир этилиши уларнинг диндорлиги ва жорий тартибга бўйсунини кўрсатишга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Шахсларнинг катта ёки кичик қилиб тасвирланганлиги, албатта, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва нуфузини белгилаган. Дарвоқе, юқорида қайд этганимиздек, қадимги аждодларимиз яратган, таъбир жоиз бўлса, илоҳлар жамияти ҳам, мавқеи

бўйича бирламчи ва иккиламчи худоларга бўлинганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Яъни инсон худоларни ҳам ўз қолипига қараб, табақаларга бўлган.

Тадқиқотчиларнинг илоҳларнинг тасвирларига асосланиб таъкидлашига кўра, ўлкамиз худолар пантеонига ўрта асрларда табиат кучлари илоҳлари, само юлдузлари илоҳлари киргани ва аждодлар руҳига эътиқод кучли бўлганлиги шубҳасиз.

Ўлкамизда нафақат ибодатхона ва шоҳ саройи, балки деярли барча зодагонлар ва ўзига тўқ одамларнинг 2, 3 қаватли уйларининг марказий залида ҳам рангли девор тасвирлари ва ҳайкаллар мавжуд бўлганлиги археологик қазилмалар асосида тасдиқланган. А. Беленицкийнинг фикрича, кўп уйларнинг монументал санъати Сўғд қадимотларининг музейи бўла олади.^{58: 32}

Сўғд уйларининг ибодат залида илоҳ ва қўлида қурбонлик учун кўчма исириқдон билан сажда қилаётганлар биргаликда тасвирланган. Ёнидаги кичик хонанинг девори тагида оташгоҳ жойлашиб, тасвирлар бўлмаган. Олимлар, бу кичик хона уй эгаларининг оилавий эътиқод турларига бағишланган ибодат жойи, деб тахмин қилади. Бизнинг фикримизча, бу – оловхона бўлган. Яъни унда шаҳар ибодатхонасидан келтирилган муқаддас олов, ақидага биноан, аждодлар руҳи шод ва чароғон бўлсин деб, ўчирмасдан сақланган.

А. Беленицкий Панжикент ибодатхонасини Олов уйи деб ҳисобламайди, чунки кўплаб ойналардан ёруғлик тушиб турган. Унинг хулосасига кўра, бу – монийлик динига мансуб ибодат жойи.^{58: 64}

Машҳур тадқиқотчи олим А. Якубовский эса, А. Беленицкийнинг, монийлик ўлкамизда ўзга динларга таъсир ўтказган, деган хулосасига қарши чиқиб, маҳаллий диний эътиқодларнинг аҳамиятини пасайтиришни нотўғри ёндашув деб ҳисоблайди ва асосий диққат-эътиборни маҳаллий эътиқодларни ўрганишга қаратиш ва уларга асосланиш лозим, дейди.^{463: 21, 23} Вақт ўтиши билан, бу маслаҳат тўғри эканлигини А. Беленицкийнинг ўзи ҳам тушуниб етади ва ўлкамизда монийлар жуда қадимги ва кенг тарқалган бадий анъана билан учрашганлиги ҳамда ундан фойдаланганлигини тан олади.^{58: 68}

Дарҳақиқат, ўлкамизга Олд Осиё ва Эрондан IV асрда кириб келган монийлик диний йўналиши насронийлик ва буддизмдан фарқли равишда, қадимги маҳаллий эътиқодларни ўз тизимига синдиришдан қочмайди. Монийлар нафақат санъат анъанасини,

балки маҳаллий асотирлар ва эътиқод сиймоларини ҳам ўз диний матнларига киритганлиги эътироф этилган.^{501: 13} Моний динини тарғиб этувчилар ўз ғояларини кенг омма онгига етказишда маҳаллий эътиқодлар билан боғлиқ маҳаллий санъат анъаналаридан фойдаланиши ҳам мантиқан тўғри бўлган.

Ҳозир эса, Сўғднинг Панжикент девор тасвирлари асосида диққат-эътиборингизни битта мавзу – дафн маросими саҳнасига қаратмоқчимиз.

II ибодатхона айвонининг жанубий ва шимолий деворларида ғарб томонга қараб кетаётган отлиқлар тасвирланган. Кийими ва тожларига кўра, улар зодагон ҳукмронлар эканлиги аниқ. Ўнг қўлларини тепага кўтариб, кўрсаткич бармоқларини юқорига қаратганлигидан А. Беленицкий, улар ибодатхона ёки мадфанга яқинлашди, деб хулоса чиқаради (329-расм).

Мазкур айвондан тўрт устунли залга кирганда, тўрдаги девор марказида 8x2 м ўлчамли катта сатҳда *мотам маросими тасвирланган* (330-расм). Пастада бешта кичик арк ва тепа қисмида учта катта аркли қуббасимон дафн иншоотида марҳум йигит ётибди. Тепасида чодир шаклида ёғочларга мато тортилган. Аркларда сочи ёйилган аёллар бошига муштлаб йиғламоқда. Чодир тагида учта оқ кийимли шахс: қўлида бурама дастали машъаллар ушлаган четдаги икки киши рўпара туриб, марказдагиси эса дастасиз хумни икки қўллаб ушлаган. Чодир олдида бир гуруҳ азадорлар



329-расм. Ибодатта келаётган сўғдликлар (VII аср).



330-расм. Сиёвушни дафн этиш маросими.

мотам тутмоқда. Кўпларининг ярим яланғоч бадани ва юзлари тимдаланган, икки киши эса қулоғининг солинчоғини пичоқ билан кесмоқда.

Чап томондаги учта аёлдан бўйи энг баланди тўрт қўлли бўлиб, боши атрофида таралиб турган гардишсимон шуъла(нимб)дан унинг илоҳа эканлиги аён. Энгашиб, қўлидаги елпиғич билан аланга ёндираётган аёлнинг ҳам боши атрофида шуъла, аммо жисми кичикроқ қилиб тасвирланганидан унинг иккиламчи даражали илоҳа бўлиши мумкинлиги англашилади. Учинчи аёлнинг бошида тож ва нимб йўқлиги ҳамда сочлари ёйиқлигидан бу аёлни марҳумнинг яқини деб тахмин қиламиз.

Л. Альбаум таҳлилига биноан, девор тасвирида VII аср охирида Сўғд ва, жумладан, Панжикентда ҳукмронлик қилган туркий хоқон Чакин Чур Билиғни дафн этиш маросими ифодаланган.^{21: 36}

А. Беленицкий ҳам бу одат туркий қабилаларга хос бўлганлигини тан олиб, мазкур йиғи маросимида марҳумни ёндириш одати акс этган, деб ҳисоблайди ва Табарийнинг шу даврга тегишли ҳикоятларини келтиради.^{58: 81} 728 йили араблар билан жангда ўлкамиз туркийларининг ҳукмронларидан бири ўлдирилганида,

“қолганлари қулоқларини кесиб, бошини муштлайди ва шу тариқа азасини билдиради”. 738 йили машҳур туркий хоқон Курсул ўлдирилганида ҳам аскарларининг айнан шундай мотам тутганини ҳикоят этиб, Табарий муҳим қўшимча қилади: “Курсул ўлдирилганида туркийлар қандайдир иншоотни келтириб, уни ёқиб юборишди”. “Шоҳнома”да ҳам Суҳроб жангда ҳалок бўлганида чодирда унга тегишли нарсалар билан ёндирилгани айтилган.

Дарҳақиқат, мазкур дафн маросими Ўрта Осиё билан боғлиқ кўп халқларда маълум бўлиб, “византия, хитой ва араб манбаларида туркий(қабилалар)даги мазкур маросим ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Дафн маросимига биноан, марҳумни чодир ичига ўрнатишган, ўғли ва қариндошлари уй молларидан қурбонлик келтириб, чодир олдига қўйишади ва от устида чодирни етти мартаба айланишади. Кейин чодирга кириш олдида юзини пичоқ билан кесиб, йиғи-сиғи кўтаришади; қон ва кўз ёши аралашиб оқади”. Кейин марҳумни унга тегишли нарсалари ва миниб юрган оти билан бирга ёндиришади.^{75: 230}

Биз ҳам бу саҳнада марҳумни ёғоч чодир билан бирга ёндириш маросими акс этган деб ҳисоблаймиз. Илоҳа муқаддас оловни алангалатмоқда, оқ кийимли икки киши қўлидаги машъалларини ундан ёндириб олиб, дафн иншоотига ўт қўйишади. Бу расм бўёқларининг қатламларини бирма-бир ўрганган олим машъал тепасида тутун ва аланга тасвирланганлигини деворнинг тағлама қатламидаги бўёқ қолдиқларидан аниқлагани фикримизга далил бўла олади.^{201: 183-184}

Қўлида хумсимон идиш ушлаб турган киши эса марҳум хокини тўплаб олади. Бу уч киши оқ кийимда тасвирланганидан, улар ёндириш маросимининг махсус ходимлари, деб хулоса чиқарсак бўлади.

Қўлида елпиғич ушлаган илоҳа олов ёндирмоқда, деб айтишимизга асос бор. Страбон^{XV. III, 13-14} қадимда ўлкамизда олов ва сувга қурбонлик келтириш одатини шундай тасвирлаган: “Оловга қурбонлик келтиришганида пўстлоғидан тозаланган қуруқ дарахт бўлакларини устига думба бўлакларини қўйишади; сўнгра зайтун ёғи қуйиб, тагидан ёндиришади ва оловга пуфлашмайди, балки уни катта елпиғич ёрдамида алангалатишади”. Оловга “пуфламаслик” талаби унинг софлигини инсон нафаси билан макруҳ этмасликка қаратилган. Яъни илоҳа дафн оловидан машъални алангалатиш учун маросим қоидаларига биноан қурбонлик келтириб, олов муқаддаслигини таъминламоқда.

Ўлкамизда дафн ва мотам маросимларининг жараёни ва моҳияти қадим далиллар ва оссуарийлардаги расмлардан ҳам маълум. Бироқ ўлкамиз оссуарийларидаги дафн маросимларини таҳлил этишдан олдин аждодлар хоки сақланган қадимий хум-оссуарийлар масаласига оидинлик киритиш тўғри бўлади.

АЖДОДАР ХОКИГА ЭҲТИРОМ

Майитларни ташқарига чиқариш таомили, марҳум танасига эҳтиром – келгуси ҳаёт ғояси, марҳум олиб чиқиладиган жой – дахма, ката – майитни қиш пайти вақтинчалик сақлаш жойи, дафннинг махсус ходимлар тоифаси, яна бир махсус қурилма – наус, ўлкамизда шоҳларнинг хокини сақлаш одати, тахтиравон шаклидаги хокдон, хум-оссуарийлар, ўлкамиз маросими маздаизмдан олдин шаклланиб, унга таъсир ўтказган, ўлкамиздаги оссуарийлар шакллари, ҳақиқий дафн ибодатхона-қалъасини акс эттирувчи оссуарий, Хоразм оссуарий турлари, ҳайкал-хокдон, дафн ниқоблари.

Эрамиздан олдинги I мингйиллик ўрталаридан Хоразм ва Сўғдда майитларни ташқарига чиқариб, суяклари тозалангач, дафн этиш таомилига ўтилади. Хоразмда эрамиздан олдинги VI-V асрларда шаҳар мақбаралари йўқлиги шу таомил киритилгани ва, натижада, ўзига хос маросимлар ва иншоотлар пайдо бўлганидан далолат беради. Араб босқинидан олдинги бир неча асрлар давомида Хоразм ва Сўғдда оссуарийларда кўмиш кескин равишда кўпайишига эътибор қаратган олимларнинг фикрича, Бактрия ва Тоҳаристонда шу даврда ерга дафн этиш устувор бўлган.^{237 170}

Марҳум танасига эҳтиром – келгуси ҳаётда қайтадан вужудга келиш ғояси билан боғлиқ бўлиб, бу одат ҳаётнинг қайтарилиши ва руҳнинг абадийлиги, яъни ўлганлар руҳи кейинчалик бошқа мавжудотларда ва янги туғилганларда тирилади, деган анимизм ва тотемизм эътиқодлари билан боғлиқ бўлиб, митраизм ва монийлик эътиқодларида ҳам тарқалган. Турли қурама дафн маросимлари асосида пайдо бўлган бу таомил тўртта муқаддас муҳитнинг софлигини сақлаб қолишга қаратилган, деб ҳисобланади. Қайта тирилиш ҳақида Худо Зардуштга шундай тушунтириш беради: “Мен суякларни ер руҳидан сўрайман, қонни – сувдан, сочларни – ўсимликлардан, жонни – шамолдан”.^{471: 93-94}

Чиқариш-тозалаш таомили бошқа халқларда ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Фридрих Барбаросса 1190 йили Кичик Осиёда чўкиб ўлганида, суяклардан ажратилган эти Антиохияда дафн этилади, суяклари эса Фаластинга олиб борилади. Афонда ҳам марҳум кўмилганидан 2-3 йил ўтгач, суяклари тозаланган. Италиянинг Неаполь шаҳри ёнида вулқон лавасида ўйилган ғорларда дафн этилганларнинг суякларидан эти ажратилган. Энг қизиғи, ўлкамизда қадим замонда яшаган несториан насронийлари ва Термизнинг Қоратепа буддавийлари ҳам тозаланган суякларни кўмиш таомилига риоя этган экан.^{54: 167 прим 67}

Қадимги муаррихлар дафн маросимлари, жумладан, зардуштийлик таомилини ўз асарларида акс эттиришган, аммо дахма, наус, ката ёки оссуарий каби махсус дафн қурилмалари шакллари таърифлашмаган.

Ю. Рапопорт қатор олимларнинг тадқиқотларига таяниб, Авестода ақидалаштирилган дафн маросимлари ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: марҳум ер, сув ва оловга тегиши ман этилганлиги туфайли уни баландлик тепасига ёки махсус дахмага олиб чиқиб, этини итлар ва қушлар тозалаши шарт бўлган. Сўнгра суякларни алоҳида иншоот – уздонага қўйиш тавсия этилган, аммо осмон остида қолдириш ҳам рухсат берилиб, бу таомил “ташқарига чиқариш” деб аталган.

Юқоридаги тавсифнинг биринчи қисми, яъни *марҳум олиб чиқиладиган жой – дахмага тўхтасак*. Ўлкамизда зардуштийлик дафн иншоотлари қаторига дахма (кўп ҳолларда табиий баландлик) – йиртқич ҳайвонлар майит суякларини этидан тозалайдиган жой кирган. Г. Хумбах фикрича, дахма – тозаланган суякларни сақлаш учун “деворли қабр, мавзолей” дегани. М. Бойс дахмани “иншоот, қурилма” ва “марҳумларни чиқариш учун очиқ жой” деб талқин этади.^{237 109} Хитой муаррихи Вэй-цзе маълумотида биноан, “дахма” дастлаб “ёндириш жойи”, “дафн олови” маъносини билдирган.

Оролбўйи сак қабилалари марҳумларини олиб чиқиб махсус жойларда ёндиргани учун уларни ҳам “дахма” деб ҳисоблашади. Эҳтимол, айнан шу сак қабилалари Эронга кириб келганидан кейин зардуштийлик таомили кенг тарқалади ва уларда “дахма” сўзи янги жойда “ёндириш” эмас, “чиқариш” маъносида қўллана бошлайди.^{336: 153; 507: 216}

Қадим Хоразмнинг диаметри 60 м келадиган Чилпиқ истеҳкомини С. Толстов қадимги диний мажмуа, эҳтимол дахма, деб ҳисоблайди, чунки унинг ичкарасида бу ерда қачонлардир инсон-

нинг ҳаёт кечирганлиги билан боғлиқ ҳеч бир аломатлар кўзга ташланмайди, ёнидан эса, лойдан ясалган оссуарийнинг қолдиқлари топилган. Ичкари ҳовлисининг ўртасидаги қоя тош турли замонларга тегишли ёзув ва рамзий тасвирлар билан қопланиб, шуларга ўхшашлари яқин орада жойлашган Қоратепа ва Нукус ёнидаги Бештепада ҳам топилгани эътиборга лойиқ.^{402: 71-76} Чилпиқ ва Қоратепада эрамиздан олдинги III-I мингйилликларга мансуб бўлган одам ва ҳайвонлар тасвири йўқ, Бештепада эса – чавандозлар, туялар, жанг саҳнаси расмлари чизилган (331-расм).



331-расм. Қоядаги қадимий тасвирлар.

Айрим олимларнинг фикрича, кўпбурчакли, квадрат ва цилиндрсимон қубба мадфанлар қадимги дахмалардан келиб чиқади.⁴⁰² ^{иқтибос} келтирилган маиба - 535: 345 Saladin A. Manuel d'art musulman. LI L'Architecture. Paris. 1907. p. 345 **XX** аср бошида олимлар, мусулмон мақбаралари науслардан келиб чиққан, деб тахмин қиладилар.^{168: 120} Қайд этилган хусусиятларни Сомонийлар мақбарасида ҳам кўриш мумкин ва шу асосда мадфан-қалъалар Олов уйлари меъморчилиги билан ҳам боғлиқ бўлган, деб ҳисоблашади.^{128: 42}

Зардуштийлик дафн маросимларида ишлатиладиган яна бир қурилма – ката – майитни қиш пайти вақтинчалик сақлаш учун махсус жой бўлган. Майитларнинг этини суяклардан инсон томонидан зўраки тозалаш макруҳ саналгани туфайли, қиш пайти бўлса, иссиқ кунлар келишини пойлашган ва баҳорда қуёшли жойдаги дахмага кўчиришган. Агар қабила ерга кўмишни қўлласа, муз эригандан кейин қабр қазилган. Зардуштийлик китобларида

майитни қишда ташқарига қўйишнинг иложи бўлмаса, уни “қушлар учмагунча, ўсимликлар гулламагунча, яширинган сувлар оқмагунча ва шамол ерни қуритмагунча” катага қўйиш керак дейилган. Ана шу айтилган вақт эса, Наврўзга тўғри келади.^{168: 98}

Хоразм Бургутқалъа воҳасининг Кушон-Афригид ва Афригид даври(IV-VI асрлар)га мансуб қасрлардан бирида топилган катани олимлар, Авесто талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ҳисоблашади. Мазкур 36-қасрда ойналари йўқ гумбазли 4,5x4,5 м ўлчамли хонага кириш учун тор тешикдан ўтилган. Бир девор тагида супа, ўртада эса – одам бўйи узунлигида қум қатламигача чуқурликда ўра қазилиб, ғиштлар ва кул билан ёнган хипчин қолдиқлари топилган. Пол сатҳида сомон, хипчинлар, қўй қумалоқлари ва кўплаб ёғоч-хода бўлаклари топилган. Олим бу хонани ката деб, фикрига асос сифатида Авестонинг Вендидад китобидан иқтибос келтиради: “Ҳар бир қишлоқда марҳумлар учун учта хона ажратишсин... Бу жойда, ер қаттиқ бўлса – бир қарич, юмшоқ бўлса – одам бўйининг ярим баландлигида ўра қазишсин: кейин кул ёки сигир тапписи ташлашсин, устидан эса – ғиштлар, тошлар ёки қуруқ тупроқ сепишсин. Устига икки кеча, уч кеча, бир ойга марҳумни қўйишсин...”^{402: 149} Кириш тешиги эса марҳум қўйилгач, баҳор келгунга қадар ғишт билан териб ташланган: қадим халқларда марҳумни деворда махсус очилган тешикдан олиб чиқиш одати ҳам бўлган.

Хоразмнинг катта ҳовли уйларида марҳумни ювиш учун махсус хона бўлиб, у *кат* деб аталгани диққатга сазовор. Ҳазораспда катта оилавий сағаналарнинг алоҳида қисмлари ҳам кат дейилган: зардуштийлик қоидасига кўра, катга эркак, аёл ва болалар алоҳида ажратилган учта айри қисмларга қўйилган.

Катадан дахмага ва, кейинчалик, наусга майитни олиб ўтиш учун *махсус ходимлар тоифаси* мавжуд бўлиб, улар ҳаммадан алоҳида яшагани тарихий маълумотлардан маълум. Хитой солнома-ларида қадимда зардуштийларда дафн маросимлари билан машғул одамлар алоҳида тоифа ҳисобланиб, шаҳристондан ташқарида яшаган ва бозорга боришганида, одамларни огоҳ этиш учун қўнғироқ чалиб юришгани ҳақида маълумотлар бор.^{75: 262} Вэй-цзе Хитой солномалари ахборотига биноан, Сўғдда “Шаҳардан ташқарида икки юздан ортиқ оила алоҳида жойда яшаб, дафн этиш билан махсус шуғулланишади; улар хилват бир жойда ўзига хос бино қуриб, унда итларни тарбиялайди; кимдир ўлганида танасини шу бино ичига қўйишади ва этини итлар тозалайди; кейин суякларни тўплаб, дафн маросими ўтказишади, бироқ тобутга солишмайди”.

Бу маълумотларни келтирган Б. Ставискийнинг таъкидлашича, зардуштийлик китобларида мазкур тоифа одамлар махсус суюқлик билан тозаланиши уқтирилган.^{383: 49}

Олимлар, Хоразмнинг Миздахкан мазоротида жойлашган алоҳида уйда дафн маросимлари билан шуғулланувчи махсус ходимлар яшаган, деб ҳисоблашади ва уларга ҳамма минтақаларда кўнгилдагидай муносабатда бўлинмаганини таъкидлашади.^{461 154}

XX аср бошларида ҳам Хоразмда ғассоллар алоҳида маҳаллада яшашган ва уларнинг ўз оқсоқоли бўлган. Уларнинг шаҳар ташқарисидида ерлари бўлиб, етиштирган меваларини бошқа жойларда, уларни танимайдиганларга сотишга мажбур бўлишган. Самарқандда дафн маросимларида иштирок этувчи махсус ёлланма “айтиб йиғловчи” аёллар ҳам шу тоифага киритилган ва XIX асрнинг 80-йилларигача шаҳар ташқарисидида алоҳида яшашган. Марҳумни дафн этишдан олдин, “фидия” деб аталган таомилга биноан, унинг гуноҳларини муайян ҳақ эвазига ғассол ўз бўйнига олган. Улар хон ғазнасига солиқ тўламаган, бироқ хон карнайчиси ғассолларнинг ўзига хос раҳбари бўлиб, уларнинг даромадидан ўндан бир улуш фойда олган. Хивада жиноятчини осийганидан кейин ғассоллар уни кўмишдан олдин уч кун қўриқлаган. Умуман олганда, Ўрта Осиёда Ғассоллар пири – пайғамбарнинг куёви Ҳазрат Али ҳисобланиб, у халқ орасида Шоҳи Мардон, яъни “эркаклар шоҳи” номи билан маълум бўлган. Ривоятга биноан, Биби Фотима ўлиmidан олдин эридан ғул одатини ўзи бажаришини илтимос қилади ва у ўғиллари Ҳасан-Ҳусан билан бу илтимосни бажо келтиради. Хива ёнидаги унинг қадамжойи Шоҳи Мардон мазори номи билан маълум бўлиб, Хоразм ғассоллари шу ерга зиёратга келиб, қурбонликлар келтиришган ва улар учун алоҳида дафн жойлари ҳам бўлган. Ҳазрат Али аскарларнинг чавандоз пири бўлгани ҳам маълум ва ҳаётининг бу қирраси, олимларнинг фикрича, Сиёвуш сиймоси билан боғлиқ: Сиёвуш эса ер ости дунёси – марҳумларнинг ҳукмрони бўлган.^{378: 157. 162}

Хуллас калом, дахма ва катада тозаланган суяклар авайлаб яна бир махсус қурилма – наусларга олиб ўтилиши лозим бўлган. Мазкур жараён зардуштийликнинг Додистани-и Диник китобида шундай тушунтирилган: “марҳум суякларини одамлар суякдон (*Astodon*)га олиб бориши зарур, у эса – ер сатҳидан шундай баландликда жойлашиши керакки, на ёмғир томчилари марҳумга томсин, на сув ичкарига кирсин, на туман кирсин ва на ит ёки тулки кира олсин: ёруғлик тушиши учун унда тешик қолдирилиши керак”.^{383: 49}

Бундай иншоот борасида Аҳура Мазда шундай деган: “Агар қурби етса, шундай иншоотни тош, оҳак ва тупроқдан қуришсин, бунга қурби етмаса, марҳумни само шуъласи остида Қуёшга қаратиб, ерга (тўшалган) гилами ёки ёстиғи устига қўйишсин”. Айрим олимлар бу иншоот қаторига супани ҳам киритади.^{450 101-102}

Хитой муаррихи Вэй-цзе қолдирган маълумотга кўра, тозаланган суяклар сақланган мазкур иншоот Авестода уздон, паҳлавий матнларда астодон дейилиб, наус номи кенг тарқалган. Сўғднинг Авесто билан боғлиқ моний матнларидан бирида В. Хеннинг «уздон» атамасини топади. Мазкур III асрга мансуб “Қайсар ва ўғрилар” деб номланган қиссада келтирилишича: “қабр(асл матнда - уздон)да чироқдонлар ёқилгач, ўғрилардан бири бошига шоҳ жаноби олийларининг тожини тақади”.^{197 238}

Х. Бартоломе уздонга шундай изоҳ беради: “ниманидир ўтказиш ёки қўйиш учун иншоот этмоқ, кўтармоқ, тикламоқ; идиш қўйиладиган пойдевор, асос”. Ва ниҳоят, Видевдатга таяниб шундай хулоса чиқаради: “марҳумлар суяклари учун қурилма”. Г. Хумбахнинг фикрича, уздон – тозаланган суякларни сақлаш учун деворли қурилмадир. Айни пайтда, у мазкур атаманинг “деворли қабр, мавзолей” маъносига боғлиқлигини рад этмайди. М. Бойснинг фикрига кўра, уздон – “суякларни сақлаш учун идиш – оссуарийни билдирувчи техник атама” бўлиб, унинг вазифасини тоғ ёки тепалик биқинида ковланган катта тахмон ёки тобут ва ёки махсус идиш бажариши мумкин. Паҳлавий матнларида уздон “астодон” – “суяк сақловчи (нарса)” деб изоҳлангани диққатга сазовор. Э. Ртвеладзе ҳам, Бактриядаги суяклар сақланадиган мадфанларни уздон билан таққослайди. Шу маълумотлар асосида Б. Литвинский қуйидагича хулоса қилади: демак, археология фанида муқимлашган наус атамаси уздон билан уйғунлашиб, ўлкамизда тозаланган суякларни оссуарийсиз сақлаш учун мўлжалланган бир ёки кўп ҳужрали мадфанларни англатган.^{237 109-110} Биз бунга қўшимча тарзда шуни айтишимиз мумкинки, суякларни наусларда ҳам очиқ тарзда, ҳам оссуарийларда сақлаш ҳоллари кузатилади. Турли хил дафн этиш таомиллари марҳум яқинларининг моддий аҳволига ҳам боғлиқ бўлган, эҳтимол.

Араб муаррихлари ҳам ўлкамиздаги науслар ҳақида маълумот қолдирган: наус аслида юнонча сўз бўлиб, арабларга насроний манбалардан ўтган ва айнан дафн қурилмаси сифатида ишлатилган.^{79: 301-310} Табарий ривоятига кўра, 722 йили араблар ноиби Саид ал-Хараший “Робинжонга бориб ад-Диваш (Диваштич)ни ўлдиради

ва наусда чормихлайди”. 730 йили эса, сўғдликлар ибн Холид бошчилигидаги араб лашкарини мағлуб этганида, учта араб аскарари “тунда наусга кириб бекинади, қолганлари эса, қамал этилган қалъадан чиқишга журъат этишмайди”. Табарий, II. 1448. 1543. Иқтибос олинган манба: 383: 39-40

Э. Ртвеладзенинг хулосасига биноан, тозаланган суяклар Хоразм ва Сўғдда оссуарийларда, Бактрияда эса – ер устидаги кўп қисмли наусларда сақланган.^{351: 113} Тошкент вилоятининг VII-VIII асрларга мансуб Туябўғиз масканидан очилган наусларнинг ташқариси думалоқ бўлиб, ичкарисиди тўртбурчак хона жойлашган. Туябўғиздан 12 км нарида жойлашган Пскентда топилган науслар ҳам ташқарисидан думалоқ, ички томонидан – квадрат шаклида бўлган. Яъни само-доира ичидаги дунё-квадрат шакли сақланган.^{13 71-79}

Т. Аъзамхўжаев Ангрен шаҳри ёнида топилган V-VI асрларга мансуб наусларни ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келади: улар ер сатҳи устида 2,5x3 м ва чуқурликка 3 метргача қазилган. Бу эса зардуштийлик қоидаларига тўғри келади: марҳум тирилиш пайти тик туриб, қўлларини ёйганда ҳам ҳеч қаери урилмаслиги керак. Наусга тушиш даҳлизи тор бўлиб, фақат икки киши марҳумни олиб кириши мумкинлиги ҳам Авесто ақидасига мос келади. Ичкарига яқин қариндошлари кириб, турли атама нарсалар, жумладан, кўзалар, тақинчоқлар, пичоқлар қўйган. Чоч минтақаси зардуштийлари, эҳтимол, шу даврда марҳумларни уч хил мадфанда дафн этган: ер усти ғишт-пахса науслари (Туябўғиз), ер ости мадфанлари (Қатортол) ва тош мадфанлари (Ангрен).^{14 104-111} Назаримизда, тадқиқотчи наус билан дахмани адаштирган, чунки унинг, маълум муддат ўтгач, марҳум яқинлари суякларни оссуарийга териб олиб, бошқа жойга олиб кетган, деган тахмини дахмага тўғри келади. Наусда эса, оссуарийлар сақлангани маълум.

Тошкент шаҳрининг “Тошавтомаш” даҳаси ва Дўмбрободдаги кичик тепаликда жойлашган мадфанлар деворларида оссуарийлар учун токчалар ўйилган. Тошкент вилояти ва Тошкент канали бўйида ҳам шундай науслар топилгани қадимда Тошкент воҳасида наусларда дафн этиш анъанавий тус олганидан далолат беради.^{128 97-98}

Тошкентдан 25 км шарқда, Чирчиқда жойлашган Кавардон мазорини ўрганган тадқиқотчилар унда икки хил дафн шакли мавжудлигини аниқлайди: эраמידан олдинги I мингйилликнинг биринчи ярмига мансуб 1000дан ортиқ дафн қўрғонларида ерга кўмиш ва VI – VIII асрларга мансуб ер усти наусларида оссуарийларда дафн этиш. Мазкур хом ғишдан терилган ва диаметри 18 м

келадиган наус, тузилишига кўра, Туябўғиз ва Пскент наусларига ўхшайди. Шаҳарнинг ўзидан топилган қадаҳсимон сопол исирикдонлар, нақшинкор сопол дастурхонлар ва турли идиш-товоқларнинг ҳам Туябўғиз ва Пскент наусларидаги дафн буюмларига ўхшашлиги аниқланган. Қўрғон мадфанлари ва улардаги буюмлар эса, умуман, Тошкент воҳаси учун хосдир.^{17 79-83}

Бўканинг Тоштeпасида катакомба(йўлак) ва дромос(ўра) шаклидаги науслар очилиб, улардан IV-VI асрларга мансуб бир нечта оссуарий топилади. Шу ернинг ўзидан ерга қўйиш мадфанида кўза, қилич, ханжар ва пичоқлар билан бирга устида совут, қалқон, ўқдон таққан мурда чиқди. Олимларнинг, бу ерларда бир вақтнинг ўзида икки хил дафн этиш қўлланилган, деган хулосасига биз ҳам қўшиламыз.^{19 71}

Ф. Гренэнинг фикрича, Ангрeн ва Чоч науслари бир вақтнинг ўзида ҳам наус, ҳам дахма бўлган, чунки уларда махсус ашёлар кўплаб топилган. Асли зардуштийликда ўлик чиққан уйда уч кун махсус ёқилган олов ёниб, гуллар учун сувли идиш қўйилган. Қадимда бу маросимлар дахмага яқин жойда ўтказилгани ҳам маълум. Хоразм ва Оролбўйида дахма ва наус алоҳида жойларда бўлиб, суяклар махсус сопол хумларда олиб ўтилган.^{497 294} Шу билан бирга, эрамиздан олдинги I мингйилликнинг биринчи ярмида, зардуштийлик кучга тўлиши билан оддий инсонлар ҳам ўз марҳумларини турли шаклдаги хокдонларда дафн этиш маросими Хоразмдан ўзга минтақаларга ҳам тарқалади.

Қадим Хитой муаррихлари ўлкамизда шоҳларнинг хокини сақлаш ҳақида қолдирган маълумотлар эътиборга сазовор. Қадим туркий қабилалар хони “ҳар йили ўз зодагонлари билан аждодлар ғорида қурбонлик келтирган” ёки “ҳар йили нуфузли зодагонини наслдан-наслга яшаб келган ғорда аждодлари шаънига қурбонлик келтиришга жўнатган” ва у ерда ҳайкаллари ҳам туриши мумкин бўлган.^{75 230, 279} Тошкентда Оқтепа обидаси қазилмаларида марказда платформа, атрофларидаги деворларда эса – токчалар мавжудлиги аниқланган. Балким айнан шу ибодатхона Хитой солномаларида тавсифланган жойлардан бири бўлиши мумкин.

VII асрга мансуб Хоразм (Бартим топилмаси) кумуш лаганида иккита шер устида тахтиравон шаклидаги хокдон жойлашган (332-расм). Ю. Рапопорт, лаганда шерлар шаклидаги тахтда турган сандиқча оссуарий бўлиб, IV-VI асрлар ва VI-VII асрларга мансуб Хитой солномаларида акс эттирилган Ши давлати (Тошкент воҳаси)да аждодлар руҳига сиғиниш маросими билан боғлиқ



332-расм. Тахтиравон шаклидаги хокдон (Хоразм).

маълумотларга айнан мос келади, деб хулоса чиқарган. Қопқоғида ҳилол Ой тепасида соябонли тахтиравон ўрнатилган. Ўрта Осиёда ҳайвонлар устида тахтда ўтирган ҳукмронлар тасвирлари ва ҳайкаллари табиий ҳолат бўлган, аммо нега зооморф тахт устида хокдон жойлашган, деган саволга Хитой солномаларининг маълумотларига таяниб, Ю. Рапопорт қуйидагича жавоб беришга ҳаракат қилган: ҳукмрон саройидан жануби-шарқий томонда бир бино бўлиб, марказидаги тахт – ўриндиққа ҳилол Ойнинг 6-куни марҳум ота ва онасининг хоки солинган тилла хокдонни қўйишади. Кейин атрофида гир айланиб, хушбўй гуллар ва мевалар сочишади. Ҳукмрон ва зодагонлар хотирлаш маросимида аталган қурбонлик гўштини беради. Маросим тугагач, ҳукмрон билан хотини чиқиб кетишади, қолган зодагон ва бошқа одамлар тартиб билан ўтиришади ва хотирлаш зиёфати тугагач, чиқиб кетишади. Вақт жиҳатидан бирмунча кейинги солномаларда бу маросим еттинчи ойнинг 15-куни қайтарилиши ҳам айtilган.^{75: 272, 273, 282; 328: 113-114}

Сарой ибодатхонасида аждодлар руҳига сиғиниш маросимида хокдонни тахтга қўйиш марҳумларга эҳтиром ва уларнинг тириклигига ишончни билдирган. Ю. Рапопортнинг фикрича, бу маросим баҳор ва кузда ўтказилиши гуллар ва мевалар сочиб, ер ҳосилдорлиги эътиқоди билан ҳам боғлиқ бўлган. Ҳукмрон зиёфатга

қолмаслиги эса ҳукмронлик ришталарини илоҳийлаштирилган аждодларига вақтинча беришини билдирган. Бу маросим камбағаллар оилаларида ҳам ўтказилган, аммо уларнинг имкониятлари чегараланганлиги боис, балким бир йилдан кейин хокдонлар махсус наусларга қўйилган ва яқинлари аждодлар руҳига бағишланган оммавий маросимлар ва диний байрамларда уларни хотирлаган.

Дахмадан марҳум суякларини наусга олиб ўтиш ва сақлаш учун турли шаклдаги хум-оссуарийлар ишлатилган ва уларнинг шакли ҳамда сатҳидаги тасвирлар қадимий диний эътиқод билан боғлиқ урф-одатларимиз ва маросимларимизни тушунишга ёрдам бера олади. Ўлкамизда, тозаланган суяклар сақланувчи хумларни 1885 йили очган Н. Веселовский уларни аввалига “сопол тобут” деб атаса, орадан 5 йил ўтиб, янги атама – “оссуарий”ни киритади. Ossuarium сўзи лотинча матнларда III асрдан бошлаб учрайди: os – “суяк”, ossuarium эса – суяклар сақланувчи идиш, суякдон дегани. Ўлкамиз бўйлаб оссуарийлар турли услубда кўмилган: ер ости ҳужраларида, вайрон бўлган шаҳар деворларида ва қалъаларда, кейинроқ эса, махсус наусларда. Қадим Хоразмнинг Токқалъасида VII-VIII асрларга мансуб бўлган 100дан ортиқ оссуарийлар, жумладан, 20 таси бутун ҳолатда топилиб, улардаги қадим Хоразм ёзувларини ўқиган В. Лившиц ўлкамизнинг ўзига хос диний ва ижтимоий атамаларини киритади, шулар жумласидан, хоразмча шевада мақбара ва хокдонларнинг номи: науслар *фравартик* – “тақводорлар руҳларига мансуб”, оссуарийлар эса *тапанжук* – “қутича, сандиқча” деб аталган. В. Хеннинг бу сўзга турдошини форсча “*tabangoy*” деб, “*sanduq*” – (сандиқ) сўзи билан таржима қилади. Уларнинг қопқоғи алебастр билан хумга ёпиштирилган ва нам тортмаслиги учун идиш таги ҳам сувалган.^{334 43: 505: 168}

Хоразмдан оссуарийлар Сўғд, Еттисув (Семиречье) ва Эронга тарқалади ва, шу тариқа, VII-VIII асрларга келиб, зардуштийлик Сўғд орқали Тошкент воҳасига кириб келади ва оссуарийларда дафн этиш асосий турга айланади.^{384: 59; 14: 245; 86: 104}

Тошкентдаги Қорасув қирғоғида очилган оссуарийлар мазоридида тухумсимон сандиқчалар топилган. Оссуарий қолдиқлари Тошкентнинг Қатортол, Оқтепа, обсерватория территориясида ҳам топилган. 1988 йили эса ҳозирги “Бунёдкор” метро бекати олдидаги Хўжа Фарҳон тепалигида оссуарийлар мадфани очилади. Тепа тупроғи қадимдан турли мақсадларда ишлатилгани боис, битта бутун ва тўртта синиқ оссуарий қолдиқлари сақланган.^{426: 86-87} 3-оссуарийнинг нақши, шубҳасиз, салиб ва квадрат шаклини акс

эштириб, марказида тешик бор (333-расм).


6-оссуарийдаги арча шохлари тасвири эътиборга сазовор. Тепа қисмидаги тешикчалар ибодатхона-қалъаларга хос шинакларга тақлид этиб, қопқоғида эса, одам боши ҳайкалчаси бор. Фикримизча, паст қисмидаги тасвирлар ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди билан боғлиқ.

Оссуарийларда дафн этиш таомили ўлкамиз узра силжиши асносида Бухоро воҳасининг Қуйимозорида ва Эски Пойкент ёнидаги салибсимон мадфанда ҳам

VI-VIII асрларга мансуб сопол оссуарийлар топилди. IX асрда бу оссуарийлар устидан қабрлар тушади: уларнинг таги ва биқинлари хом ёки пишган ғишт билан терилган. Бизнинг фикримизча, бу ерда ислом одатига биноан ерга кўмишган, аммо бирданига эски одатларни тарк эта олмай, оссуарийларга ўхшаган қабрга қўйишган. Қабр устига оссуарийлар қопқоқларига ўхшатиб қавариқ ғиштлар терилиши фикримизга далилдир. Ҳозирги кунда ҳам Хоразм мадфанлари ер устида жойлашиб, шакли қадим оссуарийларга ўхшашлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.^{284: 205ва к}


Бинобарин, ўлкамизда оссуарийлар юзлаб топилган бир пайтда, Эронда атиги иккитаси мавжудлиги, Парфия давлатида эса, эрамиз бошида умуман қўлланилмагани, диний эътиқодлар орасидаги тафовутдан дарак беради. Шу асосда олимлар, ўлкамизнинг қадим зардуштийлик маросимлари Эронниқидан фарқ қилади, деган хулосага келади.^{328: 15-16}

Бу борада А. Борисов^{79 25} диққатимизни қизиқ ҳолатга қаратади: ўлкамизда оссуарийлар кўплаб топилган бир пайтда, Эронда улар деярли йўқ, шу билан бирга, Фаластин, Миср ва ҳатто Мавританияда эса яҳудийларга мансуб оссуарийлар топилган. Шу асосда қуйидагича хулоса қилинади: Мовароуннаҳрда топилган оссуарийлар фақат маҳаллий аҳоли эмас, балки яҳудийлар ва




333-расм. Хўжа Фарҳон (1-5) ва Тўйтепа (6-10) оссуарийлари.

насронийларга ҳам тегишли. Яҳудийларда ҳам марҳумни ташқарига олиб чиқиб, эти суягидан ажралганида, хокдонга солишга рухсат этилган. Тўртта бурчагидаги тешикка тахтиравон ўрнатилиб, Анахитанинг қуш ёки ўсимлик рамзлари ҳамда Митра-Сиёвушнинг доира ва салиб рамзлари қадимги маҳаллий хтоник илоҳлар эътиқодидан бошланган анъанага ишора этади (334-расм).



334-расм. Хоразмнинг Миздахкан обидаси оссуарийларидаги рамзлар.



335-расм. Ўлкамиздаги насроний оссуарийлари.

Ўлкамизда учрайдиган айрим оссуарийларни, улардаги салиб шаклига қараб, олимлар насронийларга, алалхусус, ўлкамизда кенг тарқалган несториан мазҳабига мансуб, деб ҳисоблайдилар ^{79: 25-26} (335-расм).

Аҳамият берган бўлсангиз, биз юқорида иккита атама ишлатдик: хум ва оссуарий. Хўш, уларнинг фарқи нимадан иборат? Қадим Хоразмда дин тарихи бобида Ю. Рапопорт ўзидан олдинги олимларнинг маълумотларини мужассамлаштириб, қуйидаги изоҳларни келтиради: хумларда суякларни сақлаш ўлкамизда эрамиздан олдинги I мингйиллик ўртасидан XIII асргача қўлланилган. Яъни хумларда дафн этиш одати оссуарийлардан олдин мавжуд бўлган ва кейин ҳам

халқ орасида сақланиб қолган.^{328, 92} Эҳтимол, хумларда камбағаллар дафн этилган, чунки ҳайкал ва сандиқ шаклидаги хокдонлар, албатта, қиммат турган. Баъзи оссуарийларда бир нечта эркак, аёл ва бола бош чаноқлари топилгани турли вақтда оламдан ўтган бир оила аъзоларининг хоки биргаликда сақланиб, уларга сажда қилинганидан далолат беради.

Оссуарийларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масалага тўхтал- сак, қадим ибодатхоналаримизда ўтказилган маросимлар ва эътиқод бахшидаларини тушунишга имкон пайдо бўлади.

Аввалига олимлар оссуарийларни ўлкамиз муғлари – маҳал- лий оташпарастлар билан боғлаган, чунки форсларда бундай одат бўлмаган. Оссуарийлар нақш ва ҳайкалчалар билан безатилгани эса халқимизда аждодлар руҳига сиғиниш кучли бўлганидан далолат беради.^{124: 144-150}

К. Иностранцев “оссуарийларда, маздаизм маросимига муво- фиқ хомталаш этилган марҳум дафн этилган”, деб тахмин қилади. Ф. Розенберг ҳам ёзма манбаларга таяниб, сўғдийларнинг илк дини маздаизм бўлганини эътироф этиш билан бирга, суякларни бадийй безатилган нақшинкор сопол хумларда сақлаш одати сосоний маздаизм қоидаларига зидлигини қайд этади. Демак, *ўлкамиз маросими маздаизмдан олдин шаклланиб, унга таъсир ўтказган*, деган хулоса равшанлашади.^{349 85-86}

Айрим олимлар оссуарийларни буддизм таъсири билан боғлашга уринишади. Аммо ўлкамизда археологлар томонидан қазиб очилган ибодатхона мажмуаларидаги деворий тасвирлар ва сопол ҳайкалчалар бизнинг дафн маросимимиз зардуштийлик ва буддизм- дан анча олдинги даврларда шаклланганлигини кўрсатади. Улар орасида ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди билан боғлиқ тасвир ва ҳайкаллар алоҳида ўрин тутганлиги эса, ашъвий далил топди. Шулар асосида А. Якубовский қуйидагича хулоса қилади: бу ўта қадим эътиқодлар ўлкамизда дуалистик дунёқараш ва олов эътиқоди билан ёнма-ён мавжуд бўлиб, сўғдликлар, бактрияликлар ва хоразмлик- ларнинг зардуштийлик ҳамда ўзга динларига сингиб ўтган. Шунинг учун олимлар, биринчи навбатда, ўлкамизнинг ўз қадимги диний эътиқодлари илдизларини ўрганиши керак,^{463 21-22} деб таъкидланади.

Б. Ставиский фикрича ҳам, VII-VIII асрларда Сўғднинг дафн маросими бўйича марҳум устида йиғи-сиғи қилиш ва бутларга сиғиниш Эронда ақидалаштирилган зардуштийликка мос эмас. Айюҳаннос ила шоҳлар ибодатхонасида қурбонлик келтириш, ўлганларнинг руҳига таом аташ маросими, унинг фикрича, Янги

йил кириши, ўлиб-тирилувчи табиат эътиқодига бағишланган қадимий маросим бўлиб, қадим цивилизациялар бешиги бўлган ўлкаларга хос.^{383: 40-43, 52} Дарҳақиқат, ўлкамизда аждодлар руҳига сиғиниш ва табиат қайтарилувчанлигига бўлган ишонч етакчи ўрин тутган.

XX аср ўрталарида олимлар ўлкамиздаги *оссуарийлар* шакллари ва улардаги тасвирларнинг келиб чиқиш манбаини ўрганadi. Ерга кўмиш одати қўлланилган жойларда оссуарийлар тобут ва мақбара шаклини олади, майитларни тапшқарига чиқариш жойларида эса дафн замбиллари шакли тарқалади ва икки ёки уч хилдаги дафн этиш турлари асосида янгиси пайдо бўлади, деб ҳисобланади. Шунингдек, ўтроқ аҳоли орасида оссуарийлар тўртбурчак иншоотлар шаклида бўлади ва кўчманчилар орасида улар яшайдиган чодирларининг шаклини қайтаради, деб тахмин қилишган.^{297: 53; 550, 325; 62}

Кейинги босқичда оссуарийлар айрим дафн иншоотлари шакллари қайтаради, яъни *мадфан-қалъадир*, деган фараз юзага келади.^{108: 37} Бу тахминни Г. Пугаченкова ривожлантириб, оссуарийлар шакли ва деворларидаги тасвирлар Сўғд меъморчилигига хос ибодатхоналар шаклини қайтаради, чодирга ўхшашлари эса кўчманчиларнинг мақбара устига қурган шаклини ифодалайди, деган хулосага келади.^{302: 61; 303: 42, 45}


Мазкур тахминлар борасида ашъвий далилларга мурожаат этсак, аждодларни бой қурбонлик тортиқлари билан дафн этиш



336-расм. Мадфан-қалъа шаклидаги оссуарий.

одати мақбараларни кўчманчилар босқинидан ҳимоялашга ундагани аён. Эллинизм даврида юнон-римликлар ҳам ўз қаҳрамонларининг жасади мадфан-қалъага қўйилишига алоҳида ургу берган. Сурия ва Месопотамияда ҳам шундай иншоотлар бунёд этилгани тарихдан маълум. Наршайининг гувоҳлик беришича, Сиёвушнинг мақбараси Бухоронинг қаттиқ мустаҳкамланган шарқий дарвозаси саналган. Бу маълумотга эргашсак, деворининг тепаси қалъага хос аррасимон қуббалар тарзида ишлангани

мавзуимизга мос тушади. Чирикработ мадфани ҳам мустаҳкам қўрғон билан ўралган ҳимоя марказига айланади. Хоразм Жонбосқалъасидан топилган эрамиз бошига мансуб синиқ оссуарийлар ўз тузилиши билан меъморий иншоотлар тарҳини қайтариб, айримлари дафн ибодатхона-қалъаси шаклида ишланган.^{328, 61; 336: 147-148}




337-расм. Оссуарийнинг аррасимон шаклдаги қопқоғи.

Шулардан бири деярли тўлиқ реконструкция қилиниб, унинг ўлчамлари – баландлиги 42 см, пасти ва тепасининг диаметри 38 см ва 21 см (336-расм).


Оссуарий тепа қисмида икки қатор шинаклар(бойница) тасвирланиб, юқоридагилари тешик, пастдагилари эса – тешилмаган, яъни сохта бўлган. Бу – душманни чалғитиш учун Хоразм қалъаларига хос ҳимоя усули бўлганлиги қадимдан маълум. Юқоридаги камсонли квадрат дарчалар эса ёруғлик тушишига хизмат қилиб, Говурқалъада ҳам сақланиб қолган. Аррасимон шаклдаги қопқоғида ҳам шинаклар бўлган (337-расм).

Олимларнинг фикрича, бу оссуарий Хоразмнинг *ҳақиқий дафн ибодатхонасини акс эттириб*, иккинчи қаватида ҳимоя галереяси жойлашган. Шундан келиб чиқиб, оссуарий акс эттирган иншоотни қуйидагича реконструкция қилишади (338-расм).


Бу оссуарий топилган жойдан 15 км узоқликда эрамиздан олдинги IV асрга мансуб Қўйқирилганқалъа (339-расм) жойлашиб, қалин деворлари тепасидан айланма даҳлиз ўтказилган ва камончилар ўқ отиши учун шинакли галерея (бино ичидаги узун тор йўлак) бўлган. Мазкур марказий иншоот дафн ва астрал эътиқод ибодатхона-қалъаси сифатида қурилгани исботланган бўлиб, яна шунга ўхшаш бошқа



338-расм. Қадимги Хоразм мадфан-қалъаси.



339-расм. Қўйқирилган қалъа мадфан-қалъаси
(диаметри 40 м, баландлиги 10 м).



340-расм. Хоразмнинг Қалъалиқир 2 ибодатхонаси.

ибодатхона-қалъалар ҳам мавжуд. Масалан, Хоразмнинг Қалъалиқир 2 обидаси ҳам шундай тарҳга эга (340-расм). Дафн мажмуаси ташқаридан қалъага ўхшашлиги сабабларини юқорида айтиб ўтдик.

“Шоҳнома”да ҳам шундай дафн мажмуалари номланиб, Рустами дoston ўлдирилган ўғлига “от туёғи” шаклида мадфан қурган. Геродот ҳикоятига биноан, юртимизга бостириб кирган шоҳ Доро қадим қабилаларимизни қўрқоқликда айблаганида, шундай жавоб олади: “Жангни жон-жаҳдингиз билан тезлаштиришга интилсангиз, марҳамат: бизда аждодларимизнинг мақбаралари бор, уларни топиб, вайрон этишга уриниб кўринг. Ана шундан кейин биз сизлар билан шу мақбаралар учун қандай жанг қилишимизни кўриб қўясиз”.^{115: IV, 127} Амир Темур иборасини эсланг: “Агар бизнинг куч-қудратимизга ишонмасанг, биз қурган биноларга боқ!”

Рим империясида ҳам ҳарбий истеҳкомлар ҳақида эра-миздан олдинги III асрда ёзилган рисолада шундай дейилган: “Буюк одамларнинг мақбаралари ва Ватан учун жонини берган ҳарбийларнинг мадфанларини, иложи борича, минора шаклида қуриш керак. Мақсад – шаҳар янада қудратли бўлиб, Ватан олдидаги хизматлари ёки жон фидо қилганлиги учун эъзозланган

инсонлар шон-шарафлар билан дафн этилсин”^{336: 154}.

Илоҳалар шаҳар ва салтанат ҳомийси даражасига ҳам кўтарилиб, бошидаги қалъа-ибодатхона буржи шаклидаги тождор ҳайкалчалар ҳам тадқиқот мавзуимизга алоқадор, деб ҳисоблаймиз^{345: 96} (341-расм).

Бу илоҳани олимлар шаҳарлар ҳомийси Тихе деб ҳисоблайди ва Ҳиндистонда унинг сиймоси шаҳар дарвозаси ёнидаги “Будданинг тантанавор кетиши” тасвирида ҳам борлигига диққат қаратади. Бироқ Бактрияда бу илоҳа соф маҳаллий қиёфа ва либослар касб этиб, ўзга халқлар билан унинг сиймосини адаштириб бўлмайди.^{317: 133}

Ўлкамизда аждодлар руҳига эҳтиром кучли ҳиссиёт эканлигини ҳозирги кунларда ҳам ўтган алломаларнинг мақбаралари тикланиш жараёнида кузатишимиз мумкин. Ўзлигимизни эсдан чиқармасак, келажак сари давлатимиз равнақи йўлида хизмат қилишимиз ҳам фарзандлар учун муҳим маъно касб этиши муқаррар.

Орадан минг йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳамон Ўрта Осиё оссуарийларида дафн ибодатхона-қалъаларининг тарҳи, уларга хос шинак ва аррасимон тепа қисмининг акс эттирилишини VIII асрга мансуб Байрамали мисолида кўришимиз мумкин (342-расм).



341-расм. Шаҳар ҳомийси – Илоҳа (Варахша).



342-расм. Мадфан-қалъа шаклидаги оссуарийлар.



343-расм. Қалъа шаклидаги тагдон
(Далварзинтепа, I-III асрлар).

Далварзинтепа кулоллар маҳалласининг энг баланд жойида I-III асрлар мобайнида ибодатхона жойлашиб, ундан иккита антиқа тагдон топилган (343-расм). Олима уни, ибодат учун керакли нарсалар ёки атама ҳадяларни сақлаш ва хотира маросимларида ишлатишга хизмат қилган, деб ҳисоблайди.^{311: 133} Бунга эътироз билдирмаган ҳолда, аррасимон тишли тепа қисми Сиёвуш мадфани тепасига ўхшашлиги ва найза ўқи шаклидаги шинаклар очилгани ҳақиқий

дафн мажмуаларининг тарҳини қайтарган ва маросим пайти, албатта, эҳтирос туғдирмай иложи бўлмаган, деб ҳисоблаймиз.

Ю. Рапопорт зардуштийлик ақидасига мос бўлган, аммо маҳаллий урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддат давомида шаклланган *Хоразм оссуарий турларини* қуйидагича таснифлаган:

1. Афригид сулоласи даври Хоразмида сопол ёки алебастрдан ясалган тўрт оёқли сандиқсимон, қопқоғи тўрт томонга қия тушган оссуарий.

2. Кушон ва Кушон-Афригид даврида лой, сопол ёки тошдан ясалган тобутсимон, қуббасимон, сандиққа ўхшаш оссуарий.

3. Эрта Кангюй (эрамиздан олдинги IV-III асрлар) даврининг ўзига хос дафн ҳайкал-хокдонлари.

4. Кеч Кангюй (эрамиздан олдинги II аср ва эрамизнинг I асри) даврида ўтирган ҳолатдаги эркак ва аёл ёки чавандоз шаклидаги ҳайкал-хокдонлар.

Назаримизда, тасниф жадвали тўлиқ эмас, чунки кейинчалик, яна сандиқсимон оссуарийлар турига қайтилади, бироқ бу ҳолатни биз кейинроқ кўриб чиқамиз.

Ҳозир эса, мавзуимиз йўналиши бўйича марказий ўрин тутган ҳайкал-хокдонларга қайтсак, Самарқанддан топилган оссуарий қуйидагича тасвирланганини кўрамиз (344-расм).

Қўйқирилганқалъа атрофида топилган 3-даврага мансуб ҳайкал шаклидаги (статуар) оссуарийларни биз *ҳайкал-хокдон* деб атаймиз. Бу – квадрат ёки тўртбурчак сопол қутилар тепасида инсон қомати ҳақиқий ёки ярим баландликда ифодаланган ҳайкал. Шулар



344-расм. Самарқанд
хайкал-хоқдонининг
тепа қисми (VI аср).



345-расм. Қўйқирилган қалъанинг
хайкал-хоқдонлари.

қаторидан оёғини пастга тушириб оссуарий тепасида ўтирган ярим баландликдаги аёл ҳайкали ва оёқларини оссуарий устида чапиштириб ўтирган ўз аслига мос баландликдаги эркак ҳайкали (345-расм). Қалъа атрофларидан ҳайкал-хоқдонлар билан бирга топилган ва олд томонида турли тасвирлар ўйилган ёки дафн ниқоблари ёпиштирилган оссуарийлар, эҳтимол, олдинги босқичга тегишли бўлиши мумкин.^{406: 130-132, рис 70а, 70б, 71}

Бунга эрамиздан олдинги VI-V асрларга мансуб Кўзалиқир ҳам мисол бўлиб, уни С. Толстовдан кейин ўрганган Ю. Рапопорт қатор хулосалар чиқаради. Мазкур ибодат мажмуаси ва шоҳларга сиғиниш эътиқоди марказида эрамиздан олдинги IV-III асрларга мансуб дафн ниқоблари ва ичи бўш ҳайкалларнинг синиқлари топилади. Кул ва майда суюк бўлакларига асосланиб, бу ичи бўш ҳайкаллар, статуар оссуарий – хоқдон-ҳайкал бўлган ҳамда дафн ниқоблари ва кул солинадиган қутисимон идишлардан оссуарийларга ва кейинчалик, ҳайкал-хоқдонларга ўтилган, деб тахмин қилинади.^{325: 58, 328: 1-3}


Бу фикрга далил сифатида у, мазкур таомил бошқа халқларда қандай ривожланганлиги ҳақида қуйидагича маълумот келтиради: “Аввалига, дафн идишларига темир ниқоблар осиб қўйилган, кейинчалик, идиш гардиши бош тасвирига айланиб, идишнинг сатҳида баданнинг турли қисмлари ва кийим ифода этилган ва ниҳоят,

бутун инсон танасини акс эттирувчи идишлар пайдо бўлган".^{325: 63} Дарвоқе, 1886 йили Тошкентдан 26 км узоқликдаги мазоротнинг 100 дан ортиқ оссуарийларидан бирининг қопқоғида одам боши тасвирланган ҳайкалча бўлган.^{54 155}

Умуман олганда, оссуарийлардаги шахслар тасвирида олимп-лар муайян илоҳ-маъбудалар сиймосини, ўсимликларда – муқаддас хаома, спираль расмларида – ер ва самовий сувлар оқимини, салиб, ғилдирак ёки розетка рамзларида – Қуёш ифодасини кўришади. Дарҳақиқат, оссуарийлардаги спираль тасвири ҳаётнинг қайтари-лувчанлиги, қайта тирилиш ғоясини ифодалаган; унинг пастки қисмидаги тасвирлар эса, хтоник кучлар, ҳосилдорлик ва қайта тирилиш рамзи бўлган. Салиблар нафақат Қуёш, балки Ҳаёт дарахти, одам рамзи ёки ҳаёт ва ўлим бирлигининг ифодаси ҳам бўлиши мумкин. Хоразмнинг катта тоғораларида салиб рамзи ичкари томонга чизилиб, фаровонлик ниятини билдирган ёки аёл ва эркак ибтидоларини ифодалаган.^{297: 13; 269: 129-131; 187: 231}

IV асрдан бошлаб ҳайкал-ҳокдонлар муомаладан чиқиб, ўрнига сандиқча шаклидаги сопол оссуарийлар, VII-VIII асрларга келиб эса, муайян шаклдаги ганчкори оссуарийлар кенг тарқалади. Шуларга мисол сифатида, Хоразмнинг Бургутқалъа воҳасидаги 36-қасрдан топилган йирик тўртбурчак алебастр оссуарийни келти-риб ўтиш мумкин (346-расм). Яъни ҳайкал-ҳокдон ўрнига хоразм-ликлар сандиқсимон ҳокдон ишлата бошлайди, бироқ асрлар оша ўзгармай келаётган Хоразмдаги сағаналарнинг шакли ва моҳияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларга эътибор қилиш ўринлидир.^{281: 97-98, 505: 168, 407: 89; 328: 89}

Айрим сандиқсимон оссуарийлар белидан уч марта бойлан-гандек сопол белбоғ-арқонча билан ўралганлигини хоразмликлар



346-расм. Сандиқча шаклидаги оссуарий тури.

марҳумни учта жойидан белбоғ билан бойлашганига тақлид, деб ҳисобланади.^{328: 96} Олимпларнинг фикрича, VII асрга келиб, Хоразм-да бир хил оссуарийлар шакли ўрнатилади. Бу – тўрт томонга нишабли қопқоқ билан ёпилиб, оёқчаларга ўрнатилган тўғри бур-чакли сандиқча (346-расм) бўлиб, тош, алебастр, лой ёки сополдан ясалган. Токқалъа мадфанидан топилган оссуарийлар айнан шу

турга оид бўлиб, улардаги юзга яқин хоразмий алифбодаги ёзувларда марҳум, унинг отаси ва баъзан бобосининг исмлари келтирилиб, руҳлари жаннатда хурсанд бўлиши ҳамда кавийларча (яъни шоҳона) фарнга эришишини ўтириб, дуолар битилган. Оссуарийлардаги саналар “Хоразм эраси”нинг 658-738 йиллар мобайнидаги даврга тааллуқли бўлиб, олимларнинг тадқиқотларига асосан, бу давр бошланиши эрамыздан олдинги 10-30 йилларга тўғри келади.⁴⁰⁷ 50-69: 132: 8-13


Ҳайкал-хокдонларнинг таомилдан чиқишини Ю. Рапопорт бутпарастликка қарши турган ақидалаштирилган зардуштийликнинг кучайиб кетганлиги билан тушунтиришига биз ҳам қўшилаемиз. Шу билан бирга, ислом дини кириб келганидан кейинги таъсирни ҳам унутмаслигимиз керак. Аммо бу билан халқ орасидаги аждодлар руҳига эътиқод маросимлари моҳиятан ўзгармай қолаверади.

ДАФН МАРОСИМИ ВА МАЪБУДЛАРИ

Оссуарийлардаги мотам маросими тасвирлари, “ёлланиб йиғловчи” азадорлар, Токқалъа оссуарийларидаги мотам маросимининг тасвири, дафн маросимининг жараёни, “азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди”, ўз маҳаллий урф-одатларимиз ва қадим эътиқодларимизга хос анъанавий маросимлар, дафн маросимини тайёрлаш, дафн маъбудалоҳлари тасвирланган Самарқанд оссуарийлари, Амеша Спента – “Ўлмас халоскорлар”, зардуштийлик Хоразмда вужудга келганлигини қатор хорижий олимлар тан олади, оссуарийда инсон тасвирлари ўрнини турли нақшлар босади.

Халқимизнинг замонлар оша сақланиб келаётган дафн маросимларини тушуниш учун ашёвий далил сифатида оссуарийлардаги мотам маросимлари тасвирларини ўрганиш ўринлидир.

А. Потапов оссуарийларни шакли ва материалга қараб, қуйидаги турларга бўлади: 1) Сўғд тури – Самарқанд атрофида топилган сопол қутисимон, қопқоғи алоҳида ясалган; 2) Хоразмча тури – тўрт оёқли ганчқори қутисимон; 3) Чирчиқ-Ангрен минтақасига оид тури – чўзинчоқ овал ўтов шаклида (347-расм).



347-расм. Ўлкамиз оссуарийлари.

Шулардан, Сўғд оссуарийларидаги ўймакор тасвирлар мавзусига қараб уч турга бўлинади: 1) йиғи саҳнаси; 2) дафн юриши ва 3) ҳакамлик саҳнаси.^{297: 128}


Мазкур таснифнинг 1 ва 2 турлари бизнинг мавзуимизга оид бўлиб, ибодатхоналардаги девор тасвирлари ва халқимизнинг қадимий дафн маросимларини тушунишга калит бўла олади.

Масалан, қадим Хоразмнинг Говурқалъасидаги мадфандан топилган оссуарийдаги рангли тасвирларда марҳум хотирасини ёд этиб, ўзини қийнаётган *азадорлар* ифодаланган. Оссуарийнинг қопқоғи ибодатхона-қалъа деворининг тепасига хос арра тишлари шаклида ишланганлиги асосида Ю. Рапопорт, йиғи маросими айнан шундай бино олдида ёки ичида ўтказилаётганига ишора, деб ҳисоблайди. Оссуарий қопқоғидаги сопол қуш ҳайкалчаси эса марҳум руҳининг самога учиши билан боғлиқ бўлиб, ҳайкал-хоқдонларни эслатади. Қопқоғининг четидаги тешикчалар, оссуарий устига хотирлаш маросимлари пайти тахтиравонни эслатувчи махсус қурилма ўрнатилган, хоқдон эса тахт вазифасини ўтаган. Юқорида кўрганимиздек, музейлардаги Хоразм кумуш лаганида ҳам шунга ўхшаш тасвирлар мавжуд.^{328: 101; 327: 50-60}

Варахша ва бошқа обидалардаги девор тасвирларидан тахтиравон шоҳлар тахти устида ўрнатилгани маълум ва бундай оссуарийлар ҳамда уларнинг қопқоқларидаги қушлар ёки одам боши тасвирлари Бухоро, Тошкент ва ўлкамизнинг бошқа

минтақаларида ҳам топилганлиги халқ орасида чуқур илдиз отган зардуштийлик анъаналаридан далолат беради.^{285: 103-104; 257: 20-30; 123: 134, рис. на стр. 128}

Дафн маросими тасвирларида тождор иккита эркак ва иккита аёл – кийимда, аммо оёқ яланг. Ҳар бирининг ўзига хос рамзлари ва тожлари бор. Оссуарийлардаги мотам маросими доим эшик олдида тасвирланиши мадфан-ибодатхонанинг кириш жойи ва, кенгроқ маънода, эҳтимол, нариги дунё эшигини билдирган бўлиши мумкин. Афросиёб ҳайкалчалари “ёлланиб йиғловчилар” бўлиб, йиғи саҳнасини акс эттирган (348-расм).



348-расм. Ёлланиб йиғловчилар.

Хоразм Токқалъа мазорининг наусларидаги VI-VII асрларга мансуб ганч оссуарийларда ҳам мотам маросими тасвирланган. Оссуарийлардаги *tnbryk* ёзуви “танадон – тана сақланувчи жой – оссуарий” дегани бўлиб, шунингдек, марҳум ва отасининг исмлари келтирилган ҳамда руҳи жаннатга тушишига ниятлар билдирилган: “Унинг руҳи хавф-хатарга тўла дунёдан бехатар дунёга равона бўлсин”.^{407: 63}

Оссуарийлардан бирининг биқини ва қопқоғида дафн маросими кўрсатилган (349-расм).



349-расм. Аза тутиш сахнаси.

Обидани ўрганган олима унга қуйидагича изоҳ беради^{131 95-97}:
расм марказида очиқ эшик кесакиси тагида марҳума ётибди. Эҳтимол, дафн иншооти ёки нариги дунёга ўтишни ифодалаган эшикнинг икки ёнидаги чизиқлар аллақандай бинонинг тепасини билдиради. Кириш жойи тепасида ўрнатилган диск ҳилол Ойни ифодалаб, марҳумнинг олдида оташгоҳ ёки исириқдон ёнида тиз чўккан шахс кўрсатилган. Оссуарийнинг икки томондаги оёқчаларида чизиқлар ва учбурчаклар туширилган. Чапда – аёллар, ўнг томонда – эркаклар айюҳаннос солиб, ўзини тирнаш-тимдалаш учун қўлларини кўтариб туришибди. Юқорида ўнг томонда тасвирланган одамлар кийимининг тепа қисми йиртилиб, яланғоч бадани кўринмоқда.

Олиманинг, йиғи маросими зардуштийликда ман этилишини тушунтиришга етарли далил йўқ, деган фикрига қўшилмаймиз. Бошқа тадқиқотларда, марҳум ўлим дарвозасидан абадийликка кўтарилиши туфайли унинг тепасида йиғи-сиғи қилиш худоларнинг қаҳрини келтириши мумкин, деб ҳисобланади.

Олима маросимга бошқа изоҳ бермаган, шунинг учун расмдаги маросим моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Оссуарийдаги

тасвир уч қисмга бўлинган: хокдон оёқчаларидаги чизиқлар ва учбурчаклар ер ости сувларининг рамзи; хокдон деворидаги тасвир борлиқнинг ўрта қисми – Ерни ифодалайди. Ўртадаги кўчма оташгоҳдан ўнг томонда ўтирган киши ибодатхонадан олинган муқаддас олов устида қурбонлик келтирмоқда. Оқ кийимига қараганда, у – дафн маросимларининг махсус қоҳини. Рўпарасида марҳуманинг соч ўримиани ушлаб турган оқ кийимли аёл ҳам дафн маросимларининг махсус ходимаси, эҳтимол, хаома ичимлигини қурбонлик учун тайёрловчи аёл бўлиши мумкин. Тобутнинг икки томонида тик турган одамлар – марҳуманинг қариндош-яқинлари. Тепадаги ўнг томонда тасвирланган оқ кийимли одамлар махсус йиғи-сиғи ходимлари бўлиши керак. Қопқоқдаги тасвир учинчи муҳит – осмонни ифодалайди: ҳилол Ой – Анахита рамзи, диск эса – Қуёш сифатида Митранинг рамзи бўлиб, марҳумага абадий ёруғлик илоҳларига, яъни жаннатга эришиш тилагини билдиради.

Эшикнинг ўзи – дарахт танаси, икки томонидаги қанотга ўхшаш шакллар эса – дарахт шохларини ифодалайди. Ҳаёт дарахти рамзи бутун борлиқнинг ибтидосини англатиб, ундан барча мавжудотлар ҳаётга қайтиши ҳақидаги қадимги тасаввурлар маълум ва бизнинг тадқиқотимизда ҳам ана шулар ҳақида фикр юритилади. Эшик кесакисининг четидаги шакллар қанотни ҳам ифодалаш мумкин, бу эса марҳум руҳи қуш бўлиб, самога учишига ишора этган. Тепа томонига қараб торайган қопқоқ ўлкамиздаги анъанавий чодир шаклини айнан такрорлаган. Яъни ёндириш маросимида марҳуманинг руҳи олов ёрдамида тўғри жаннатга тушиши ғояси акс этган.

III. Шукуров, тасвирда эркаклар – ўнг ва аёллар – чап томонда жойлашиб, марказий чизиқ пастдаги учбарг ва тепадаги ҳилол Ой ўртасидан ўтганлиги композиция жиҳатидан Ҳаёт дарахтига бағишланган санъат обидаларига мос тушади, деб ҳисоблайди. Шунга биноан, оссуарийдаги тасвир вертикал равишда ҳам уч қисмга бўлинади: тепа осмон билан, ўрта – Ер билан ва пастки қисми – Ер ости дунёси билан боғланади. Идиш ушлаган илоҳа эса хаома келтирди деб фараз этиш мумкин. Қадимги ҳинд-европа жамияти уч тоифага бўлиниб, марҳумга сув, сут ва асал билан тўлдирилган учта идиш қурбонлик келтирилиши қоҳинлар, жангчилар ва деҳқонлар тоифаларини билдирган. Панжикентда устун тепасида тасвирланган солибсимон ғилдиракни олим Хоразмнинг қадимги обидаларидан Қўйқирилганқалъа, Тагискен, Чирикработ ва Баланди обидаларининг тарҳи билан таққослайди. Марвдан топилган V асрга мансуб гулдонда ҳам




350-расм. Гулдондаги мотам саҳнаси.

яна шу мавзу қайтарилганлиги диққатга сазовор^{456, 105-106} (350-расм).

Токқалъанинг яна бир оссуарий-сида ҳам дафн маросимидаги йиғи-сиғи жараёни акс этган (351-расм). Марказда ётган марҳум тепасида мотам рамзи сифатида сочларини ёйиб, бошига муштлаётган бева ўтирибди, унинг атрофида эса яқинлари тасвирланган.^{131, 97}

Аслида, марҳум шаънига йиғи-сиғи қилиш ман этилиши ҳақида зардуштийликнинг бирмунча кейин-ги даврларидаги китоблардан Сад-Дарада шундай айтилган: “Кимдир бу оламдан ўтганида, яқинларига бақирини, мотам тутиш ва йиғи кўтариш керак эмас, чунки ҳар бир



кўз ёши томчиси Чинвот кўприги (тагидаги) дарёнинг сувига қўшилади ва марҳум руҳи шу жойда тўхтаб қолади; сувдан кечиб ўтиш қийинлашади ва у Чинвот кўпригидан ўта олмайди”.



351-расм. Оссуарий юзасидаги расмлар.

Шунингдек, мотам маросими пайтида оёқ яланг юриш ҳам ман этилган.^{383: 53-57}

Токқалъадан топилган учинчи оссуарийнинг олд қисми ва икки биқинида ҳам анъанавий дафн маросими тасвирланиб (352-расм), эркакларнинг қўлидаги нарса нималигини олима аниқлай олмаган.^{131 100} Назаримизда, бу – кичик пичоқ бўлиб, эркаклар ўзини тимдалаш ёки қулоғининг четини кесиб, қон чиқаришга тайёр турибди, деб ҳисоблаймиз. Беруний ёзганидек, Хоразм ва Сўғд одатлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, дафн маросимларида марҳумнинг яқинлари “айюҳаннос солиб, юзини тилишган”.^{74: 256}



352-расм. Оссуарийдаги нақшлар: тепада – юза томони; пастда – ён томонлари.

Махсус “ёлланма айтиб йиғловчилар” вазифаси ислом кириб келиши билан ўлкамизда қаландар-дарвешлар зиммасига ўтади: улар мўътабар марҳумлар устида зикр тушиб, кейин қабр устида аёл қариндошлари “садр” тушган.^{393: 58}

Дафн маросимларидаги марсиялар ва йиғи айтишмалари азал-азалдан барча халқларда мавжуд бўлиб келган. Улар орасида Озарбайжон курд-язидлариники туркий халқлар доирасида шаклланганлиги ва мавзуга яқинлиги билан ўта қизиқарли бўлиб, биз тушунишга ҳаракат қилаётган жараёни янада ойдинлаштиради. Курд-мусулмонлар ҳам “йиғловчиларнинг” маҳоратига тан бериб, ўз дафнларига чақирган. Марҳум уйда бўлганида, мазорга бориш йўлида ва дафн этишдан олдин ижро этилган марсиялар XX аср ўрталарида М. Руденко томонидан бевосита дафн маросими жойида ўрганилиб, ёзиб олинган.^{360: 70-85}

Махсус “ёлланма йиғловчилар” бўлмаган, бироқ халқ орасида маълум моҳир одамлар чақирилган. Марсия фақат кундузи айтилган, чунки кечқурунгисидан марҳум қабри ҳўл бўлишига ишонилган. Биринчи бўлиб, энг яқин аёл қариндошлари йиғини бошлайди, марҳум мазорга тайёрланганидан кейин унинг атрофига

энг яқин қариндошлари ўтириб, марсия бошлайди: уларни *“dilsewat – юраги ёнаётган”* дейишади. Улардан кейин хоҳлаган одам ўтиради, бироқ, биринчи бўлиб, шу яқин орада ўз яқинларини йўқотганига навбат берилади ва улар *“dilşikesti – дили шикаста”* деб аталади. Улар марсияга ўз марҳумининг ҳам номини қўшиб мотам тутади. Ўзбеклардаги *“азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди”* деган мақол бу ҳолатни ёрқин тасвирлайди. Аёллар йиғи маросимидан кейин, эркаклар ҳам худди шу навбатни сақлаб марсия айтади. Дафн этиш жараёнида “котэл” деб аталувчи маросимда фақат эркаклар иштирок этган, яъни дафн этиш кунда марсиялар айтиб, марҳумнинг отини қишлоқ кўчаларида олиб юришади. Отни эгарлаб, устига марҳумнинг қуроли, кийими ва қалпоғи (ko'loz – эҳтимол, хато кетиб ёзилгандир, аслида кўлоҳ)ни қўйишган. Марҳум қария бўлса – отнинг бўйнига қора, ёш бўлса – рангли мато ташлаб, одатда, ўрилган от думини ёйишган ва хина билан бўяшган. Жамоанинг мўътабар аъзоси қўлига *“beyraq – байроқ”* кўтариб, отни жиловидан ушлаган ва қишлоқ бўйлаб сиполик билан олиб юрган. Қолган эркаклар марсияларда марҳумнинг ҳарбий шуҳрати, иштирок этган жанглари ва дўсту биродарларининг қайғусини изҳор этишган. Атроф қишлоқлардан отларда ва пиёда келган одамлар ҳам ўз байроғини марҳумнинг оти устига қўйган ва у олд қаторда юрган. Марсияларда марҳумни кўпинчалик *“чавандоз”, “чавандозлар шоҳи”, “думи ёйилган от устидаги чавандоз”, “гўзал йигит”* деб аташлари Сиёвуш мавзуига ҳамоҳанглиги билан таажжубга солади.^{360 70-85}

А. Гудкова Токқалъанинг бошқа оссуарийларидан фақат қолдиқларгина сақланиб қолганлиги ҳамда унинг бўёқлари вақт ва ёгин-сочин таъсирида ўчиб кетганлигидан афсусланади. Науслардан бирида ит суяклари дафн этилиб, хокдонлардан бирида оғзини очиб, бўйни устидаги жуни диккайган, яъни ҳамлага шайланган ит тасвирланган. Зардуштийликка хос дафн маросимларида итнинг вазифаси нимадан иборат бўлганлигини биламиз: суякларни тозалашдан ташқари, дафн этилишидан олдин тепасида руҳини қўриқлаб ўтирган ҳамда нариги дунёга элтувчи Чинвот кўприги олдида ёмон кучлар марҳумнинг руҳини олиб кетишидан ҳимоялаган ва ҳеч кимни яқинлаштирмаган.

Олима оссуарийлардаги дафн маросими тасвирларини монийлик дини билан тушунтирган А. Беленицкий фикрига қарши чиқади. Унинг, ит тасвири ва мазор ёнидаги шаҳристонда Олов уйи бўлиб, унда сўнамас муқаддас олов ёниб туриши зардуштий-

ликка хос, деган хулосасига биз ҳам қўшилаемиз.^{131: 102} Шу билан бирга, тасвирлардаги маросим ўлкамизда зардуштийликдан олдин вужудга келган ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи мавзуи билан ҳам боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қадимда ўлкамизда марҳумни кузатиш маросимида зардуштийлик ва исломга зид бўлган қатор фарқлар орасида олимлар йиғи-сиғи, ажод-фравашилар руҳига эътиқод ва нариги дунёга ўтишда Нана илоҳасининг воситачилигини тан олиш кабиларни санаб ўтадилар.^{391 304: 497: 264. 275} Демак, юқорида кўрсатилган маросимлар қандайдир ташқаридан, четдан келган диний эътиқодлар эмас, аксинча, *ўз маҳаллий урф-одатларимиз ва қадим эътиқодларимизга хос анъанавий маросимлардир*. Юқоридаги далилларга таяниб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: ўлкамиздан топилаётган тасвирлар V-VIII асрларда Сўғд ва Хоразмда халқ орасида ўрнашган ҳақиқий анъанавий маросимни ифодалайди. Бунинг учун ҳатто махсус ер сотиб олишгани ҳам маълум. Сўғдда ер участкасининг ярмини сотиш ҳақидаги Муғ расмий ҳужжатида шундай ёзилган: “участканинг бу ярмида, марҳумни келтириб, мотам маросимини ўтказишади”.^{223: 48}

Дафн маросимида биноан, зардуштий ўлим тўшагида ётганида унинг бош тарафидаги қоҳин диний матнлар ўқиб, абадий ҳаёт ичимлиги – хаома ичиртирган. Ўлганидан кейин ёмон кучларни ҳайдаш учун тепасида икки киши ўтирган. *Дафн маросимини тайёрлаш* ва марҳумни даҳмага ўтказишда махсус ходимлар иштирок этган. Марҳум ётган жойда уч кунгача олов ёқилиб, сувли кўза қўйилган. Уйдагилари уч кун олов ёқмаган ва овқат тайёрламаган. Хоразмда ҳам марҳум тепасида иккита одам ўтирган, руҳга озор етказмаслик учун улар гаплашмаган ва шайтон сув таклиф этиб, васвасага солмаслиги учун оғзига пахта ёрдамида сув томизган. Ҳассоллар ҳам икки киши бўлиши керак, марҳум уйида эса – минтақасига қараб, 3 кундан 40 кунгача чироқ ёниб турган ва идишда сув қўйилган. Қариндошлари сочини ёйиб, йиғи маросимлари ўтказган. Хоразмнинг катта ҳовли уйларида марҳумни ювиш учун махсус хона бўлган экан ва биз юқорида унинг кат деб аталганига эътиборингизни қаратган эдик. Авестода марҳумга теккан кийимни Қуёш нурлари остига покланишга қўйиш айтилган бўлса, хоразмликлар эса, “юлдуз кўрсин” деб, айрим нарсаларни томга қўйишган. Ўрта аср миниатюраларидан бирида зардуштий дафни расмида махсус ходимлар оппоқ либос кийиб, қўлларида қўлқоп билан тасвирланган. Марҳум устига пашша ўтирмаслигига эътибор

қаратиш одати ҳам Авестода Насу ажинаси пашша шаклини олиши билан боғлиқ.^{378: 131-135}

Хоразмнинг э. о. VI асрга мансуб Тупроққалъасининг “Халқалар зали” ибодатхонаси деворида чуқур арксимон тахмон рўпарасида оташгоҳ жойлашган. Бу хонадан жуда паст эшик орқали кичик тор хонага ўтилган (353-расм). Унда оташгоҳ-меҳроб рўпарасидаги девор тоқчасида аёлларнинг тобут тепасида мотам тутиши тасвирланган: олд томонда ўтирган сочлари ёйиқ аёл юзини тимдаламоқда. Бу – Ўрта Осиё санъатида топилган энг қадимги ва ички руҳий ҳолатни ифодалаши бўйича энг таъсирчан мотам йиғиси саҳнаси, деб хулоса қилади олим^{334: 62-63} (354-расм).

Яна бир арк(равоқ)ли хонадаги самовий жисмлар тасвири эса аждодларимизнинг фазовий эътиқодидан далолат беради. Яъни бу хоналарда аждодлар танаси сақланиб, уларга оташгоҳ алангасида қурбонликлар келтирилиб, сажда этилган.


Олимларнинг фикрича, Миздахкан обидаси оссуарий деворларидаги ёмон сақланган хира, ноаниқ расмларда одамлар юзи ва кўкрагини тимдалаб, қонатган ҳолда мотам маросимини ўтказаятганлиги тасвирланган (355-расм). Айрим одамларнинг кийими белигача туширилиб, баданида қон излари кўриниб турибди. Расм қолдиқларидан маросим қандайдир иншоот олдида ўтказилиб, одамлар тепасида равоқлар борлигини тушуниш мумкин. Пастда, ўнг қўлда тасвирланган қуш оссуарий қопқоғида ўрнатилиб, марҳум руҳининг самога учишини ифодалаган.^{460: 80}

Бу тасвирлар ҳам Сиёвуш дафн маросимига ўхшашлиги билан эътиборга сазовор бўлиб, арклар оссуарийнинг Бухоро



353-расм. Тупроққалъанинг “Халқалар зали”.


дарвозаси ва девори тепасидаги арксимон тишли шаклларга ўхшашлиги билан ўқувчини қатор хулосалар чиқаришга ундайди. Олимларнинг қушнинг тожи сариқ рангда, дегани Сиёвушга атаб хўроз қурбонлик келтирилишига ишора эмасми? Оссуарийнинг тўрт томонидаги чуқурчаларга тахтиравон ўрнатилиб, атрофида хотирлаш маросимлари ўтказилган.



354-расм. Азадорлар.



355-расм. Нақшинкор оссуарий.



356-расм. Нақшинкор оссуарий.

Яна бир Миздахкан оссуарийсида дафн юриши акс этган бўлиб, унда ҳам ўзини қийнаётган ярим яланғоч одамлар тасвирланган^{160: 121} (356-расм).

Ўлкамизда қадимда дафн маросимлари қандай ўтказилганлиги ҳақида оссуарийлардаги расмлар муайян тасаввур бергани каби, шунга ўхшаш яна бир қатор тасвирлардан дафн маъбуда-илоҳлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Масалан, Самарқанднинг *Биянайман оссуарийлари*дан бирида шундай тасвир бор (357-расм).


Бунга қўшимча равишда, ўзбек-француз археологик экспедицияси олиб борган

изланиш натижалари бўйича Ф. Гренэ, Самарқанддан ғарбда жойлашган Миёнқалъа ва Иштихон оссуарийлари асосида яна янги маълумотларни жалб этади. Мазкур оссуарийларда ҳам турли илоҳлар тасвирлари муҳрланганлиги уларга бўлган эътиқод анъанавий тус олганидан далолат беради (358-расм).

Оссуарийда тўртта равоқ тагида тўртта илоҳ тасвирланган бўлиб, марказда – икки томони қанотли тож кийган ёш илоҳнинг қўлларида кўчма оташгоҳ ва олов куракча кўзга ташланади. Ундан ўнг томонда соқолли илоҳнинг қўлида муқаддас ичимлик сепиш учун қошиқ ва қандайдир ҳайвонча ўрнашиб олган ликопча. Ўнг томонда – ҳовонча ва ўғир дастасини ушлаган илоҳа қўли кўриниб турибди, чап томонда эса – қўлида ўсимлик новдасини ушлаган илоҳанинг бошида қалъа-ибодатхонанинг кунгурали девор тепасига ўхшаш тож тасвирланган. Айнан шундай кунгурали қалъа деворининг шакли оссуарийнинг тепа қисмида ҳам қайтарилган. Камон отиш шинаклари ҳам белги-ланган.^{144: 312}



357-расм. Биянайман оссуарийсидаги илоҳлар тасвири.




358-расм. Оссуарийдаги илоҳлар тасвири
(Самарқанд, VII аср).

Яна бир Самарқанд оссуарийси сатҳининг чап томонида тождор шахс, ўнг томонда эса – қўлларида айри, ҳовонча ва ўғир ушлаган аёл тасвирланган. Равоқларда ва уларнинг орасида тўпбарглар тасвирланган^{144, 313} (359-расм).




359-расм. Оссуарийдаги илоҳлар тасвири.
(Самарқанд, Иштихон қабристон. VII аср).



360-расм. Оссуарийдаги илоҳлар тасвири.
(Самарқанд, Иштихон қабристон. VII аср).

Яна бир тасвирда эса, чап томонда қўлларида айри, ҳовонча ва ўғир ушлаган аёл, ўнг томонда – маросим қошиғини ушлаган эркак кишининг ўнг қўли сажда ишорасида тепага кўтарилган^{144, 313} (360-расм).

Олимлар турли бўлаклардан бир яхлит тасвир яратишга муваффақ бўлиб, у 361-расмда акс этган. Оссуарий сатҳининг уч қисмли равоқлари тагида чапдан биринчи аёл қўлида ўсимлик новдаси, марказда – қошиқ ва ашёлар ушла-



361-расм. Оссуарийдаги илоҳлар тасвири.
(Самарқанд, Иштихон қабриstonи. VII аср).

ган эркак киши, ўнгда эса – айри, ҳовонча ва ўғир ушлаган аёл тасвирланган. Оссуарийнинг ён биқинларида ҳам шундай тасвирлар нақшланган бўлиб, тепа қисми кунгурали девор шаклида ишланган^{144: 313} (362-расм).

Г. Пугаченкова мазкур топилмалар асосида тасвирлардан 13 та шахсни уйғунлаштириб, улар ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди ва Сиёвуш билан боғлиқлиги ҳақидаги ўз хулосасига Фравардикан кунлари ўтказиладиган марҳумлар байрами маросимини ҳам



362-расм. Оссуарийда илоҳлар тасвири. (Самарқанд, Иштихон қабриstonи. VII аср).

қўшади.^{304: 62-64} Француз олимларидан М. Моле⁵²⁴ таҳлилига таяниб, Г. Пугаченкова мазкур шахсларнинг сулоланинг тождор илк шоҳ-коҳинлари эканлиги ҳамда уларнинг *Амеша Спента* – “*Ўлмас халоскорлар*” мавзуси билан яқинлигини таъкидлайди.^{314: 86} Зардуштийликка биноан, улар дунёни яратиш ва уни энг сўнгги янгилашда иштирок этади. М. Моле сингари бизнинг олима ҳам йил охирида ўтказиладиган ўлиб-тирилувчи табиат илоҳига бағишланган қадим ўлкамиз маросимини Амеша Спенталар дунё охирида ижро этадиган вазифа билан уйғунлаштиради, аммо уларни оссуарий тасвирлари билан боғламайди. Ф. Гренэнинг фикрича, Амеша Спенталар 6 та ёки 7 та бўлади, Г. Пугаченковада эса – 13 та. Марҳумлар байрами маросимида оссуарийлар тасвирларидан (357-расм) кўчма олов қўлланилган, болта ўтин ёришга ишлатилган, хаома шарбати марҳумлар руҳига тайёрлаб, патнисдаги таомлар ўтганларга бахшида этилган. Ф. Гренэ, оссуарий тасвирларида Амеша Спенталар сиймоси акс этганига қуйидаги далилларни келтиради:

1) Биянайман оссуарийларидаги тасвирларда жами 6 та шахс ифодаланган;

2) мавзу дунёвий маросимни тасвирламайди, балки аллегорик (мажозий) саҳнани акс эттиради;

3) шахслар қўлидаги рамзлар Амеша Спенталарнинг нариги дунё билан боғлиқ вазифаларини акс этади.

Шу билан бирга, Ф. Гренэ шахслар қўлидаги ашёлар ўлкамизнинг Фравардикан байрамида ишлатилиши мумкинлигини рад этмайди^{121 44-45} ва оссуарийлардаги шахслар Амеша Спенталарни тасвирлайди, деган ўз фикрини батафсил равишда тушунтиради. Унга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, диққатини бир муҳим омилга қаратмоқчимиз. *Зардуштийлик Хоразмда вужудга келганини қатор хорижий олимлар тан олиб*, бизнинг қадимги маҳаллий диний эътиқодлар ва илоҳ-маъбудалар, кейинчалик, Авесто Эронда коҳинлар томонидан ақидага айлантирилган даврда янгича маънолар касб этган, дейишади. Ф. Гренэ айнан ўша маънолардан келиб чиқиб, таҳлил юритади, ваҳоланки, ўлкамизда дин тарихини, авваламбор, ўз эътиқодларимизни тушуниш орқали изоҳлаш тўғри услуб бўлиши айрим рус олимлари томонидан аллақачон тан олинган.

Масалан, Хоразмнинг Тупроққалъасидан топилган ҳужжатларда 2300 йил олдин таркибида худолар номи бўлган исм(теоним)лардан бири “Вахумандот” – “Вахуман яратган” бўлиб, зардуштийликда “ўлмас авлиёлар” – амешаспенталардан бирини билдирган. Унинг вазифаси инсонларни ёмон йўлдан қутқариш бўлгани маълум.^{187 191}

Юқорида VII асрга мансуб бўлган оссуарийлардаги тасвирлар деярли бир тарзда қайтарилган бўлса, қуйида VIII асрга мансуб бўлган оссуарийда инсон тасвирлари ўрнини турли нақшлар босади (363-расм).

Равоқлар ўрнига пештоқлар ва илоҳлар ўрнига гул ва юрак расмлари нақшланди. Назаримизда, бундай кескин ўзгариш ислом дини кириб келганидан кейинги диний тақиқлар билан боғлиқ бўлиши керак.



363-расм.
Самарқанд, Иштихон қабристони
(VII-VIII асрлар).

ЎЛИБ-ТИРИЛУВЧИ ТАБИАТ ИЛОҲИ СИЁВУШ

Сиёвуш эътиқоди, Сиёвуш Самарқанд ва Қанғға шаҳрига асос солган, хоразмликларнинг йил санаси, Бухоронинг Сомонфурунлар дарвозаси, аجدодларга атама қурбонлик маросимлари, “Ал-букот” маросими, илоҳий самовий ўғлон, ўлиб-тирилувчи табиат илоҳига бахшида, Вақт илоҳи Зурван, Куёш илоҳининг рамзи кийик, ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи, Таммуз эътиқоди, “Нон илоҳи”нинг қаҳрини юмшатиш, “Қизил гул” байрами, Сиёвушнинг ўлими ва қон ҳақи тутиши, Наврўзни нишонлаш, Бобо-Деҳқон.

Хўш, ўлкамизнинг турли минтақаларида девор ва оссуарийларда тасвирланган дафн маросими кимга атаб ўтказилмоқда: у бир номаълум киши, ҳукмрон сулола вакили ёки афсонавий қаҳрамонми, деган савол туғилади. Олимлар, бу маросим саҳналари аجدодлар руҳи ва унга туташ *Сиёвуш эътиқоди* билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, Сиёвуш Хоразм, Бухоро, Самарқанд асосчиси ва кўплаб сулолалар аждоди сифатида эъзозланганлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқат бўлиб, буни ғарб олимлари ҳам эътироф этади.^{520: 150}

Хоразмнинг (Аников) кумуш лаганларидан бирида Сиёвушнинг ўғли қайтиб келиб, отасининг хоки ётган қалъани забт этиши ва бир оссуарий олиб чиқилиши тасвирланган. С. Толстов қалъани, Сиёвуш бунёд этган афсонавий Кандиз, Канг-и-Сиёвахш, оссуарий эса – унинг тобути, деб ҳисоблайди. Тепадаги ўнг бурчакда турган киши – Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав, дарвоза тепасидаги ойнадан қараб турган аёл эса, унинг онаси – Сиёвушнинг хотини. Ибн Ҳавқал тарихида Хоразмшоҳлар “Хусрави Хоразм” номи билан аталгани ҳақидаги маълумот ҳам бу талқинга тўғри келади. Кеч паҳлавий матнларида ҳам *Сиёвуш Самарқанд ва Қанғҳа шаҳрига асос солгани* қайд этилади.^{402: 205}

М. Дьяконов зардуштийлик I мингйилликнинг ўрталарида шаклланиб, III-VII асрларда Эронда сосонийлар даврида ҳукмрон динга айланганидан сўнг қоҳинлар томонидан ўз манфаатларига биноан мослаштирилган ва қайта кўчирилган, деб ҳисоблайди. Шу асосда, Авестода Сиёвуш ҳақида нега яхлит қисса йўқлиги ва унда атиги бир нечта узуқ-юлуқ маълумотгина берилгани тушунарли бўлади. Ўрта Осиёда яратилган асл Авестода эса у ҳақда маълумот кўп бўлганлиги асло шубҳа туғдирмайди. Сиёвуш афсонаси сак қабилалари эпосидан бизнинг кунларгача етиб келган энг тўлиқ ҳолатида “Шоҳнома”да ўз аксини топган, аммо қадимги маълумотлар қатлами унда жуда заиф. Рус олимлари “Шоҳнома”да ҳикоят қилинган воқеалар Мовароуннаҳр ва Хуросонда содир бўлганлигини исботлаб, Фирдавсий ижоди маданий жиҳатдан Ўрта Осиё ва Амударёнинг юқори оқими минтақаси билан боғлиқ бўлганлигини қайд этишган. “Шоҳнома”да Рустам ҳақидаги сак-сўғдликлар ва Сиёвуш ҳақидаги Сўғд-Хоразм ва Исфандиёр ҳақидаги Бактриянинг қадим афсоналари Авестода акс этган. Рустам ҳақидаги афсоналар сак қабилаларига мансублиги ҳақида ғарб олимларидан Нельдеке айтиб ўтган.^{147: 39; 301: 293-311; 158: 205; 526: 138-139}

Хоразм тарихини ўрганишга ўз ҳаётини бахшида этган таниқли олим С. Толстов Сиёвуш сиймоси Хоразмдан келиб чиққанига астойдил урғу берган. Беруний маълумотида кўра, қадимда *хоразмликлар ўз йил санасини* эрамиздан олдинги 1200 йилдан, яъни ўлкага Авестонинг афсонавий қаҳрамони Сиёвуш келган пайтдан бошлашган экан. Унинг ўғли Кайхусрав асос солган Хоразмшоҳлар сулоласи X асргача ҳукмронлик қилади ва, шу билан боғлиқ ҳолда, Хоразм солномаси шоҳларнинг ҳукмронлик даврларига қараб тизмаланади. Шу тариқа, ўз наслини илоҳий Сиёвушдан бошловчи қабила бошлиғи ва, айни пайтда, қоҳин, яъни ўзида ҳам дунёвий,

ҳам диний ҳукмронликни мужассамлаштирган шахс томонидан бошқарилувчи қабилалар иттифоқи ортда қолади.^{402: 89-90}

Олимлар қуйидаги хулосани тан олади: “Афросиёб, Сиёвуш ва Кайхусрав ҳақидаги афсона Бухорога тааллуқли”.^{46: 257-282} Наршахий маълумотига кўра, Сиёвуш Бухорони бунёд этган ва унинг қалъадек мустаҳкамланган шарқий – Сомонфурушлар дарвозаси ичида дафн этилган. Сўғд оссуарийларидаги эшик тасвирлари айнан шу Бухоро дарвозасига ишора бўлиши мумкин. Шу билан бирга, нариги дунёга кириш дарвозаси маъносини ҳам англатади, аммо бу икки тахмин бир-бирига зид эмас, деб ҳисоблаймиз. Бухоро аҳолиси Сиёвушнинг ўлдирилишига аталган марсияни мусиқачилар жўрлигида ижро этган: уни “муғларнинг йиғи марсияси” деб ҳам аташган. Суриялик муаррихлар Сиёвушга ўсимлик дунёси илоҳаси Хаома ёрдам бергани ва у турли қиёфаларга, жумладан, дельфин ва хўроз шаклига кирганлиги ҳақида ривоятлар келтиради. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, Янги йил куни Қуёш чиқишидан олдин Бухорода ҳар бир эркак Сомонфурушлар дарвозаси ёнида Сиёвуш хотирасига ва Қуёшга бағишлаб битта хўрозни қурбонлик келтирган. Бу маросим XX асргача шу куни хўроз гўштидан турли таомлар пишириш одатида сақланиб келган.

“Шоҳнома”да келтирилган ривоятга кўра, Сиёвуш ўзи қурган шаҳар ёнидаги далада ўлдирилиб, ўша жойда дарахт ўсиб чиқади ва унинг баргларида Сиёвуш сиймоси акс этади. Яъни бу жой Бухоро теvaraги, деб ҳисобланган қадимдан. Маҳмуд Кошғарий ҳам шуни таъкидлайди: ҳар йили “оташпарастилар” Бухорога яқин бир далага бориб, шовқин-сурон билан қурбонликлар келтирган ва қонини (Сиёвуш) қабри устига тўккан.

Мазкур маълумотларни IV-VI асрлар ва VI – VII асрларга мансуб Хитой солномалари ҳам таъкидлайди: Сўғд ҳукмронларининг сулола эътиқодига биноан, йилнинг (Хитой тақвими бўйича) олтинчи ойида саройдаги ибодатхона(аждодлар мадфани)да аждодлар руҳига атаб қурбонлик келтириш маросими ўтказилган. Хитойликларнинг “Олтинчи ойи”га Сўғд тақвимининг биринчи ойи тўғри келган, яъни шоҳона аждодларга қурбонлик келтириш ва оддий аҳолининг наусларга таомлар чиқариш маросими сўғдликларнинг Янги йилига тўғри келган. Турли вилоятлар ҳукмронларининг маросимдаги иштироки эса, унинг бутун Сўғд учун расмий давлат тақвимий байрами миқёсига кўтарилганидан далолат

беради.^{328: 115} Хитой солномаларида, шунингдек, деярли барча Ўрта Осиё давлатларида, бошқалардан фарқли равишда, ҳосилдорлик камаймасин, деб шоҳ сочини олдирмагани айтилган.

Назаримизда, бу одатлар ўлиб-тирилувчи табиатнинг шоҳ-илоҳига бағишланган маросимларга ҳамоҳанг бўлиб, машҳур ғарб олимларидан Дж. Фрэзер дунё халқларининг бу эътиқодига хос бўлган қуйидаги белгиларни санаб ўтади ва, шу асосда, Сиёвуш сиймосида халқ қатор фазилатларни нега эъзозлаши ойдинлашади: 1. Шоҳ сулоласи илоҳийлаштирилган. 2. Илоҳийлаштирилган шоҳ ўз қавмини намоён этиб, унинг хавфсизлиги ва фаровонлигининг сақловчиси бўлган. Шу сифатда шоҳнинг жисмоний ҳолати ер унумдорлиги билан боғланган. 3. Шоҳ касал бўлиб қолса ёки заифлашса, давлат фаровонлиги сусаяди деб, уни ўлдиришган ёки шоҳ ўз тахтига даъвогар билан беаёв олишган. 4. Шоҳнинг ўлиб-тирилувчи табиат, ўсимликлар илоҳининг қоҳини вазифасини бажариши ва ўзи ҳам шу илоҳни намоён этиши.^{431: 685-689}

Дунё халқларида мазкур эътиқод маросимининг қандай ўтишини таққослаш учун диққатингизга қуйидаги маълумотни ҳавола этамиз. А. Беленицкий ғарб олимлари ва “Фихрист”дан иқтибос келтириб, Қуёш тақвимининг еттинчи ойи бўлмиш Таммузда ўтказиладиган собийларнинг бир байрамини тавсифлайди: “Унинг (ой) ўртасида “Ал-букот” маросими ўтказилиб, бу – “йиғлаётган аёллар” дегани. Шу куни илоҳ ўлдирилиб, суяклари тегирмонда майдаланиб, хокини шамол узра сепилгани ҳақида аёллар дийдиё қилиб, йиғи-сиғи кўтаришади. Ва аёллар (шу кунлари) тегирмондан чиққан ҳеч қандай таомни тановул этишмайди”.^{486: 27}

Европада ҳам шундай ривоят “Джон – арпа дони” ўлими ҳақидаги Бернс шеърисида ўз аксини топган:

Этини эса, тегирмончи
Алангага ташлади,
Суякларин аямасдан,
Тегирмон тошида янчди.

Ғарбдаги Деметра илоҳасининг исми критча “*deai* – арпа” сўзидан келиб чиққан, яъни у – Арпа ёки Нон илоҳаси бўлган. Европада шунга ўхшаб Буғдой Онаси, Америкада – Маис Онаси, Ҳиндистонда эса – Гуруч Онаси бўлган.^{431: 442, 456} Яъни қайси халқ нимани истеъмол этса, ўша дон номига илоҳани атаган.

Хитой муаррихи Вэй-цзе Самарқандда Янги йил байрамларининг қизиқ маросимларини шундай таърифлаган: “Олтинчи

ойнинг биринчи куни самарқандликларда Янги йил боши саналади; шу куни шоҳ ва аҳоли янги кийимлар кийиб, соч-соқолини тартибга келтиради... Улар (самарқандликлар) самовий худога сиғинишади ва уларнинг эътиқодларига кўра, илоҳий(самовий) ўғлон еттинчи ойда ўлдирилган ва суяклари йўқотилган, деб ҳисобланади; шунга ишонган диндорлар мазкур ой келиши билан қат-қат қора мотам кийимларини кийишади; яланг оёқ юриб, ўзларининг кўксига уриб йиғлашади ва кўз ёши билан бурун сувлари юзидан аралашиб оқади; 300дан 500гача эркак ва аёллар илоҳий ўғлон суякларини қидириб, далаларга тарқалади. Еттинчи куни маросим ниҳоясига етади”^{75: 116-117}

Сўғдда "илоҳий ўғлон"га мотам йиғиси, шоҳлар ибодат-хонасида ажодларга қурбонлик келтириш, ўлганлар руҳига атаб таомлар тарқатиш ва йиғи-сиғи қилиш маросимлари Янги йил кириши, яъни ўлиб-тирилувчи табиат эътиқодига бағишланган бўлиб, буларнинг барчаси қадим цивилизациялар яратган ўлкаларга хосдир. Бу одатлар мисрликлар, бобилликлар, юнонлар ва бизларда инсонларни табиатнинг уйғониши – оламдан ўтганларнинг келгуси тақдири, яъни тирилишига ишонтаришга қаратилган. Сўғдда бундай маросимлар ажодлар руҳига сиғиниш ва қайта тирилувчи табиат эътиқодига ишонч кучли бўлганидан далолат беради.^{383: 35, 40-43, 52}


Ю. Рапопорт таҳлилига биноан, сўғдликлар ва хоразмликларнинг ажодлар руҳига атаб ўтказган маросимлари Бухорода Сиёвушга қурбонлик келтириш вақтига мос келган. Демак, уларнинг мазмун-моҳияти ҳам бир хил бўлиб, олимларнинг таъкидлашича, бундай маросимлар ўлиб-тирилувчи табиат илоҳига бахшида этилган. С. Толстов ҳам бу ривоятларни Сўғдда Сиёвуш билан боғлайди ва уни кичик осиёлик Сабазий – ўлиб-тирилувчи худо сиймоси билан таққослайди. Икки илоҳ исмларининг ўхшашлиги ҳам олимлар эътиборидан четда қолмаган: ҳинд-европалик хеттлар илоҳларидан бирининг исми Сийуши (Шауша) бўлиб, у юқорида зикр этилган икки илоҳ билан тенглаштирилади ва VIII аср Хоразм-шоҳининг Шаушафар исми эса ҳинд-европалик шоҳ Шаушатар исми билан мос келади. Шу тариқа, Хоразм – Хетт йўналиши намоён бўлади.^{402: 195, 202-203}

“Илоҳий ўғлон” шаънига мотам тутиш одати Самарқандда асрлар ўтиши билан Шоҳизинда (Тирик шоҳ), яъни Қусам ибн Аббос сиймоси билан ҳам боғлиқ бўлиб, ривоятларга биноан, душманлар томонидан боши кесилган шоҳ қудуққа тирик ҳолатда тушади. Яъни ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди ўзининг шундай ифодасини

топади. Хоразмда Нажмиддин Кубронинг шогирди – гўзал Ҷамил-жон ҳақидаги ривоят юқоридаги мавзу билан ҳамоҳангдир, яъни у ҳам туҳматга учраб, шоҳ томонидан ўлдирилади ва дарёга ташланади, бироқ устозининг қаромати билан тирик чиқади. Унинг мазорини ҳаминча аёллар зиёрат этиб келганлар ва бу ривоятнинг Самарқанддаги “илоҳий ўғлон” эътиқоди билан яқинлиги ўлкамизда ўлиб-тирилувчи табиатга бўлган эътиқоднинг илдизлари ўта қадимийлигидан далолат беради. Ҳар иккала минтақа доирасида мазкур эътиқоднинг сув билан боғлиқлиги ҳам қизиқ таассурот уйғотади. Хоразмда бирданига ғойиб бўлган авлиёлар мазоротлари кўп бўлиб, халқ орасида улар тирик ҳолатда қайтишига ишонишган. Бу қабрлар Ғойибота ёки Ғойиббобо деб аталган. Булар орасида, биз юқорида кўрган, Амударё илоҳи Султон Ҳубби ҳам бор.^{178 208-209}

Сиёвуш ўлкамизда Қуёш илоҳи Митра билан уйғунлашиб, уларга қурбонликка от ва кийиклар келтирилгани маълум. Масалан, Хоразмнинг Қалъалиқир 2 мажмуасига кириш майдони(тахминан 50х60 м)нинг акустикаси яхши бўлиб, атрофини ўраган баланд ва қалин деворларда қурбонлик ва бахшида ҳадялар келтириш учун махсус тоқчалар ўйилган. Шимолий қисмидаги кириш дарвозаси ёнида катта оташгоҳда олов ёнган. Олимлар тахминига кўра, мазкур катта майдонда халқ оммаси коҳинлар иштирокида минтақанинг асосий диний маросимларини ўтказган. Одамлар деворлар ёнида туриб, ичкаридан муқаддас оловни олиб чиқаётган коҳинларнинг эътиқод ва афсоналар билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини муқаддас ҳаяжон билан кузатган; қишки ва ёзги Қуёш туриши даврларида кийикни қурбонлик келтириш маросими ўтказилган. Мажмуадан топилган лавҳадаги қавариқ нақшнинг чап томонида кийикка камон отиб, уни қурбонлик келтираётган илоҳ Митра саҳнасининг тасвири айнан шу маросимлардан бирини ифодалайди, назаримизда.^{187: 91} Лавҳа марказидаги бургут расми ёнидаги камончи ва кийиклардан катта бўлиб, ўзгалардан ажралиб туриши учун қавариқ тасвир эмас, ўймакор услубда бажарилган (364-расм).

Бургут тепасида эса, қаторасига 13 та тождор шахс бошлари, икки томонида олтидан тасвирланган. Бу сиймони олимлар Вақт илоҳи Зурван деб ҳисоблайди.^{187: 217} Унинг тепасида акс этган қатор бош тасвирлари эса, Аҳура Мазда бўлиб, Авесто тақвимида кўра, унинг 13 куни табиатнинг икки бурилиш пайтини – қишки Қуёш туриш куни ва баҳорги куну тун тенглигини, яъни кийикни қурбонлик келтириш ва унинг тирилиш кунларини бир-биридан ажратиб туради.^{229 320} Дарҳақиқат, кийикни муайян кунларда, яъни турли



364-расм. Вақт илоҳи Зурван тасвири.

юлдузлар туркумларининг ўзаро жойлашувига қараб қурбонлик келтириш таомили чуқур диний мазмунга эга бўлган.


Зардуштийлик ва маздаизм эътиқодларидан илгари Ўзбекистон территориясида қадимги *Зурван эътиқоди* бўлган. Илоҳ Зурван митраизм, кейинчалик эса монийликда олий илоҳ – “Улуғлик отаси” мақомида турган. Аристотельнинг шогирди Евдем Родосский (э. о. IV аср) айтишича, Зурванизм Ўрта Осиё ва Эрон халқлари орасида тарқалган диний эътиқод бўлиб, Мутлақ Зурван – Абадий Вақт тушунчаси зардуштийликда фалсафий идрок этилган, чунки барча ҳақиқатлар замон қобиғида мавжуд. Аҳура Мазда эса шу абадиятнинг эгаси деб тушунилган”.¹²⁻¹⁶ Дарҳақиқат, Зурван, бир-бирига қарама-қарши эгизаклар – Аҳура Мазда ва Ахриманнинг отаси ҳисобланган. Ўғилларидан бири худди Зевс ўз отаси Хронос – Вақт худоси билан курашгани каби, кейинчалик, унга қарши чиқади. Зурванизм – Аҳура Мазда ва илоҳийлаштирилган аждодларини тан олган аҳамонийларнинг сиёсий тус олган диний эътиқоди, деб ҳам ҳисобланган. Қадим эронликларда Зурван биринчи илоҳ ҳисобланиб, уни – бадани илонлар билан ўралган қанотли ва шер бошли қария сиймосида тасаввур этишган. Қўлида болта ушлаб ўтирган соқолли кишини ҳам “чексиз вақт” худоси Зурван-Акарана билан таққослашади.^{414, 244, табл III, IV, VI}

Кийик ҳам, от сингари, *Қуёш илоҳининг рамзи* ҳисобланган ва эрамиздан олдинги асрлардаёқ Бўстон-4 обидаси сопол жомининг гардишида шохли кийиклар бир қатор бўлиб тизилиб кетаётгани тасвирланган. Қадим Шарқда кийик ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи билан боғлиқ бўлиб, эрамиздан олдинги V асрга доир Пазариқ мақбарасидан топилган гиламда ҳам улар тасвирланган. Хоразмнинг

эрамиздан олдинги I мингйилликка мансуб Еттиосор-2 обидасидан топилган сопол ҳайкалчасида иккита кийик бир-бирига қараб турган ҳолатда тасвирланган. Варахшада кийик тасвирлари кўплаб учраб, Қашқадарё Ерқўрғонида кийикнинг жажжи сопол ҳайкалчаси ва Бухоро кийигининг шохлари топилган. Бухоро кийиги эса, маълумки, деярли барча қадимги дунё халқларида муқаддас ҳисобланган. Термиз Зартепасида идишларнинг бурни кийик боши шаклида ишланган. Шунингдек, отга ўхшаш узун бўйинли бошида шохсимон ғурраси бор мазкур ҳайвонларнинг ҳайкалчалари эрамиздан олдинги III асрдан то эрамизнинг I асригача Термизда ва Хоразмнинг Тешикқалъа, Жонбосқалъа ва Бозорқалъасида учрайди. Сўғднинг VI-VII асрларга мансуб кумуш идишларида кийик ўта ҳаққоний ва нафис ишланган бўлса, “Минг Будда” ғорида топилган ипак матоларида кийиклар геральдик мазмунда, яъни жуфт қилиб тасвирланган. Фақат XII асрда, ислом ўрнашиб бўлганидан кейин, кумуш буюмлар ва матоларда кийик тасвирининг ўрнини нақшинкор расмлар эгаллайди.^{345: 28-29; 20: 36; 405: 201; 340: 27; 213: 518}

Монголияда “кийик тошлари” дейилиб, гранит, мрамор ва тошдан ясалган 4-5 м баландликдаги тўртбурчак устун сатҳида турли расмлар ўйилган. Энг кўп учрайдигани – оёқларини букиб, тез чопаетган кийик. Устуннинг пастки қисмида турли қурол-аслаҳа тасвирланиб, уларнинг тепасида думалоқ ойна чизилган. Тепа қисмида доимий тасвир – ҳалқачалар-доирачалар ва уларнинг турли комбинациялари. Олимлар уларни Қуёш, ойна ва сирға деб ҳисоблашади. Устунлардаги тамғалар эса, Хоразм, Бухоро ва Самарқанднинг эрамиздан олдинги II аср тамға расмларига ўхшаш.^{96: 66-71}

Хоразмнинг Тупроққалъасида (II аср) махсус “Кийиклар зали”



365-расм. Кийик тасвири (Хоразм, II аср).

бўлиб, бу ердаги тасвирлар ўзининг бениҳоя нафислиги билан кишини ҳайратга солади. Мазкур Хоразмшоҳлар саройи “Кийиклар зали”нинг ўймакор пештоқида узум новдалари чирмашган дарахтлар орасида ўтлаб юрган кийиклар, тепасида эса – грифонлар тасвирлангани ўлиб-тирилувчи табиат ва тилкалаш мавзулари билан боғлиқ (365-расм).

Хоразм кумуш лаганларидан бирида эчки бошли одам меҳробга қандайдир ўсимликни қурбонлик келтириши тасвирланган (366-расм).

Хоразм Кўҳна-Увайс мажмуасининг II асрга мансуб сопол лагани ва Тупроққалъа деворларидаги эчки ва қуш бошли мавжудотлар тасвири қурбонлик келтираётган шоҳ-коҳинни ифодалайди, деб ҳисоблашади. С. Толстов бу шахсни Сиёвуш деб эътироф этиш баробарида, *ўлиб-тирилувчи табиат илоҳига бағишланган* баҳор байрамида унга ўсимлик қурбонлик келтирилиши табиий, деб ҳисоблайди.



366-расм. Эчки ниқобидаги киши қурбонлик келтирмоқда.

Мазкур эътиқоднинг моҳияти бўйича, *Ригведанинг* X мандасида коинот ва борлиқнинг яратилиши, худолар пантеони ва вақтнинг даврий равишда қайтарилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар келтирилган. Шунга мувофиқ равишда, ҳар йилнинг бошида коинот ибтидоий тартибсизлик ҳолатига тушиб, ундан кейин яратувчанлик жараёни яна қайта бошдан қайтарилар экан. Шу асосда, Ригведанинг энг қадимги қисми коинот яратилиши билан боғлиқ Янги йил маросимига бағишланган гимн(алқов)лар тўпламидан таркиб топган. Уларда олий илоҳ Индранинг ёвузлик деви билан кураши натижасида тартиб ўрнатилиши ва олов илоҳи Агнига бағишланган гимнларда қиш қоронғилигидан сўнг Қуёш нурлари қайтиши тараннум этилади. Коинот, йил даврийлигига биноан, бетартиб ҳолатга келганида яратувчанлик жараёни содир бўлади. Одатда, бу матнларда ёруғлик кучларининг ёвузлик-қоронғилик-тартибсизлик кучларини ифодаловчи дев-маҳлуқотлар устидан ғалаба қозониши ва, натижада, тартиб ўрнатувчи кучлар ўртага чиқиши тушунтирилади. Бу жараёнда унинг иштирокчилари сифатида турли илоҳлар ўз хусусиятларига биноан табиат ёки бирор руҳий ҳолатнинг ҳомийси ҳисобланиб, само, ҳаво ва ер муҳитларига тегишли бўлади. Яъни табиатнинг муайян ҳодисаси илоҳийлаштирилади.^{347: 43-44; 516: 52}

Ибтидоий эътиқодларга биноан, табиатни яшнатувчи илоҳа ўзи ҳам ҳосилдор бўлиши, яъни ёнида эри бўлиши лозим эди. Худди шу алфозда, Венеранинг ҳамроҳи – Адонис, Илоҳлар Онасида

эса – Аттис бўлган. Айрим римликлар илоҳа рамзи бўлган муайян дарахт тагида ётган ва уни мусаллас билан суғоргани маълум. Ҳиндистонда эса, XIX асргача одамлар дарахтлар билан никоҳ ўқитган.^{431: 16-17}

Ғарбий Осиёда ўлиб-тирилувчи табиат илоҳлари қаторига қадим дунёда Кибела ва Аттис орасидаги муҳаббат ва илоҳнинг ўлиб-тирилиши ҳақидаги ривоят киради. Дж. Фрээр уни қуйидагича ҳикоя қилади: ҳар баҳор одамлар Аттиснинг ўлимига мотам тутиб, тирилишига – байрам ўтказишган. Кибеланинг Осиё минтақаси бўйлаб Ҳосилдорлик илоҳаси ва Илоҳлар Онаси сифатидаги асосий ибодатхонаси Фригияда бўлиб, Аттис эса – Нана илоҳадан анорни кўкрагига текизгани натижасида бокира туғилган гўзал чўпон бўлган. Эрамиздан олдинги III асрда римликлар Кибела эътиқодини ўзлаштиради: бир башоратга биноан, Буюк Шарқ илоҳаси уларнинг ўлкасида ҳукмронлик қилиши билан римликлар мустақилликка эришиб, фаровонликка эга бўлишар экан. Элчилар илоҳанинг рамзи сифатида қора тош ва ҳайкалини олиб келишади ва шу йили мисли кўрилмаган ҳосил олишади ва, шу йўсинда, келгуси йили мустабидлар ўлкани тарк этади. Бу борада олимлар киноя қилади: Шарқдан ҳарбий босқинни даф этган Европа, охир-оқибат, Шарқнинг илоҳларига бўйсунди. Кибеланинг таомил бўйича бичилган қоҳинлари илоҳа ҳайкалчаларини бўйнига осиб, мусиқа садолари остида Рим кўчаларидан ўтарди. Рим императорларидан бири муқаддас дарахт ва ўлиб-тирилувчи Аттис эътиқодини давлат диний эътиқодлари қаторига қўшиб қўяди. Одат бўйича, 22 март куни ўрмондан арчани кесишган, ўртасига Аттиснинг ҳайкалчасини ўрнатиб, Кибела ибодатхонасига келтириб, худога монанд эҳтиром кўрсатишган. 23 март куни карнайлар чалишган. Учинчи кун “қонли” деб аталган: қоҳинлар турли мусиқа асбобларининг жарангдор садолари остида зикрга ўхшаш рақслар ёрдамида жазавага тушиб, сопол синиқлари ва пичоқлар билан ўзига жароҳат етказган ва ўз қонини меҳроб ҳамда муқаддас дарахт устига тўккан. Шу тариқа, Аттисга унинг тирилишига қўшимча куч бағишлаш ниятида мотам маросими ўтказилган. Айрим қоҳинлар ўзидан кетиб қолиб, пастки олат аъзоларини кесиб ташлаган ва уларни ҳосилдорлик кучларини мустаҳкамлаш, Аттиснинг тирилишини тезлаштириш мақсадида ерга кўмишган. Осиёнинг бошқа ҳосилдорлик илоҳалари қаторидан Артемида ва Астарта илоҳаларининг қоҳинлари ҳам ҳарамнинг бичилган ходими бўлган: рамзий маънода улар илоҳага яратувчанлик кучини қурбонлик келтириб,

ҳосилдорликни таъминлаган. Маросим тугагач, Аттис ҳайкалчасини ерга кўмишган ва тўртинчи кун – 25 мартга ўтар кечаси илоҳнинг тирилиши муносабати билан байрам шодиёналари бошланган. Шу кун Римда карнавал тусини олган.^{431: 364-366, 374-375}

Қадим замонларда одамлар табиатни бошқарувчи илоҳлар ҳам инсон сингари туғилади, оила қуради ва ўлади, деб ишонишган. Шу туфайли, янгидан туғилаётган илоҳга мадад бериш мақсадида, баҳор кириб келиши билан турли маросимлар ўтказилган. Дж. Фрээрнинг фикрича, айнан шу тариқа, қадимги магия (афсунгарлик) диний эътиқод билан боғланади. Шу тариқа, қадимги Шарқ халқларида ҳар йили ўлиб-тирилувчи илоҳ тасаввури пайдо бўлиб, турли халқларда у Таммуз, Осирис, Адонис ва Аттис номларини олади. Уларга бағишланган маросимлар номи ва жараён тафсилотлари билан ўзаро фарқ қилса-да, аслида, уларнинг мазмун-моҳияти ягона мақсадга, яъни табиат ҳосилдорлиги ва ҳаётнинг бардавомлигини таъминлаш ҳамда уни тараннум этишга қаратилганлиги диққатга сазовор.

Плутархнинг ҳикоятига кўра, Мисрнинг қадимги ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи Осирис ўлдирилиб, танаси 14 бўлакка парчаланади ва турли жойларга сочилади. Унинг хотини – илоҳа Изида бу бўлакларни топиб, жуфтининг қайтиб келишини илтижо этиб, тепасида куну тун йиғи-сиғи қилади. Кейинчалик, унинг марсияси барча махсус “ёлланма йиғловчилар”нинг мотам ашуласига айланади. Мотамсара илоҳа малика Изида мум ва зираворлардан табиий катталиқдаги Осирис ҳайкалларини ясаттириб, ичига жасадининг бўлакларини жойлайди. Кейин коҳинларни чақириб, ҳар бирига марҳумни кўмишни айнан унга ишонишини айтади ва, шу тариқа, Осирис мақбаралари бутун Миср бўйлаб пайдо бўлади ҳамда унинг атама-рамз ҳайвони сифатида муқаддас буқага сажда қилиш таомилга киради. Бу ҳам ҳосилдорлик ғояси билан боғлиқ бўлган. Вақт ўтиши билан мисрликлар, ўлимидан кейин қайта тирилишига ишониб, ўз марҳумларини Осирис билан тенглаштирадилар ва унга “фалончи Осирис”, деб мурожаат этадилар. Нил водийсида археологлар томонидан очилган минглаб қабрларда учраган турли расмлар ва ёзувларга кўра, ҳар бир марҳум, худди Осирис каби ўзининг ўлиб-тирилишига ишонганлигидан далолат беради. Марҳумлар ва мумиялар билан бирга қабрга Осириснинг буғдой донларидан ясалган ҳайкалчаларини кўмишган: улардан нишурган кўкатлар рамзий маънода шу марҳум ҳам ҳаётга қайтишини ифодалаган. Яъни инсоннинг барҳаёт яшаш ғояси ўзининг моддий

ифодасини топган ва инсонлар эътиқодини мустаҳкамлаган. Шу ривоятга биноан, ҳайкалтарош ва рассомлар доим Осирисни ўралган мумия сифатида тасвирлашган. Мисрликлар Сириус юлдузини илоҳа Изиди рамзи деб ҳисоблагани ҳам диққатга сазовор. Геродот маълумотларига кўра, қадимгилар йилига бир марта Осирисга мотам маросими ўтказишган: йиғи-сиғи кўтариб, ўзларининг кўксига муштлашган. Мисрнинг барча уйларида бир кеча давомида чироқлар ёқилган ва бу фақат Осирис эмас, балки, олимларнинг фикрига биноан, барча марҳумларни хотирлашни англатган. Тириклар мозорлардан уйларигача қатор чироқлар ёқиб, уйларида руҳлар учун таомлар тайёрлаб қўйган.^{431: 405-408, 411}

Шу тариқа, хоразмликлар ва сўғдликларнинг ўз марҳумларини Сиёвуш ва Анахитага таққослаш таомили ўзининг қадимий диний илдиэларини намоён этади.

Осирис номи қадимги миср тилида “экиш” ёки “ўрим-йиғим” маъносини англатгани унинг нон илоҳи бўлганидан далолат беради. Шу билан бирга, у – дарахт руҳи бўлган: кесилган арчанинг ўртасини олиб, Осирис тасвирини ўйишган ва марҳум сингари қайтариб жойига “қўмишган”. Бир йил ўтгач, бу бут ёндирилган. Шу сабаб, Осирис эътиқодига ишонган одамларга мевали дарахтларга зиён етказиш ман этилган. Умуман, Осирис, ўзга ўлиб-тирилувчи табиат илоҳлари сингари, одамларни буғдой ўстириш, узум етиштириш ва ўсимликлар экишга ўргатган, деб ҳисобланади. Яъни у ҳосилдорлик илоҳи бўлган.^{431: 420-422} V асрга мансуб “джд” деб аталувчи бронза чироғи папирус поялари ғужуми шаклида ишланган ва у абадий барҳаёт Осирис рамзи бўлган.^{94: 56}

Сатурн сайёрасининг рамзи бўлмиш ўроқ Италияда ҳар йили ҳозир ҳам ҳосил йиғим-теримида ишлатилади, аммо қадимда унинг шаънига одамларни қурбонликка келтирган лестригонлар одати аллақачон йўқ бўлиб кетган. Мазкур илоҳлардан Таммуз эътиқоди Бобил ва Сурияда вужудга келиб, унинг моҳияти ҳақида қадимги адабиётларга таянган машҳур олим Дж.Фрэзер шундай маълумотлар келтиради.^{431: 364-368, 374-375}

Аслида, Таммуз, қадим Бобил диний адабиётига кўра, табиатнинг қайта яратувчи кучларини ифодалаган Буюк Она Илоҳа – Иштарнинг эри ҳисобланган. Ривоятларга биноан, Таммуз ҳар йили зулматли ер остига тушган ва Иштар илоҳа уни излаб, ортидан “борса-келмас ерга, қоронғулик салтанатига” равона бўлган. Шу пайт инсон ва ҳайвонлар орасида ҳаётни давом эттириш ҳиссиёти сўнган ва жонзот турининг йўқолиш хавфи пайдо бўлган. Шунда

Иштарни халос этиш учун Олий илоҳ элчиси ер остига – зулмат маликаси Аллату (Қуръонда исломдан аввал араблар сиғинган бутлардан бири Ал-Лот деб аталганлиги диққатга сазовор) ҳузурига жўнатилган. Ноилож қолган зулмат маликаси Иштар ва Таммузга “тирик сув” пуркаб, уларни тепага – ёруғликка чиқарган. Бу илоҳлар ерга қайтиши билан табиат ва жонзотларнинг қайта тирилиши бошланган. Таммузнинг ўлими ҳар йили най садолари остида одамлар томонидан маърака йиғиси билан ўтказилган ва шу ой арабларда Таммуз деб аталган. Илоҳ тасвири тоза сув билан ювилиб, мой суртилган ва қизил кийимларга буркалган. Уни ўлим оғуши уйқусидан ҳаётга қайтариш мақсадида исириқлар тутатилган. Маърака марсияларида на бирон ўсимлик ўсиши ва на бирон ҳайвон кўпаймаслиги, сув қуриб қолиши ва дарахтлар ҳалок бўлиши ҳақида мунг кўтарилган.

А. Беленицкий бу эътиқодни араб муаррихи Маймонид талқинида қуйидагича келтиради: бутпарастларнинг авлиёси Таммуз янги динга даъват этиб, сайёралар ва юлдуз туркумларига сажда қилишга чақиради. “Бироқ унинг даъватини эшитган шоҳ уни энг мудҳиш равишда қатл этади. Ўлдирилган туни ернинг барча томонларидан келган илоҳлар Қуёшга бағишланган Вавилон ибодатхонасида ер ва осмон орасида муаллақ осилиб турган тилла бут атрофида тўпланишади. Шундан сўнг бу илоҳ (Қуёш) ибодатхона ўртасига тушади ва бошқа илоҳлар унинг атрофида тўплангач, ўлдирилган(Таммуз)ни йиғлаб хотирлайди ҳамда кечирган азобларини ҳикоят қилади. Илоҳлар туни билан йиғлаб, уни хотирлайди, тонг юлдузи кўтарилганида эса, ҳамма илоҳлар ўз ибодатхоналарига қайтади. Шундан одамлар орасида таммуз(ойи)нинг биринчи куни Таммуз шаънига йиғи-сиғи қилиш, аза тутиш ва қайғуриш одати пайдо бўлади”⁵⁸. 95 – иқтибос олинган мавба – 486. 206

Месопотамиянинг Мари шаҳри ҳомий илоҳаси *Иштар ибодатхонаси* эрамиздан олдинги ХХХ асрдан фаолият юрита бошлаган. Ибодатхонанинг ўзи катта девор билан ўралиб, ғарбий қисми махсус ибодат биноларидан таркиб топиб, шарқий қисмидаги бинолар ибодатхона коҳиналари ва ходимларининг яшашига мўлжалланган. Ибодатхона қисмида топилган қимматбаҳо тақинчоқлар бу ерда коҳиналар алоҳида яшаганидан далолат беради. Хоналар ва даҳлиз деворлари узра супалар ўрнатилган. Ички ҳовлида қурбонлик келтириш сатҳи, меҳроб, таҳорат учун ҳовуз ва қудуқдан иборат алоҳида мажмуа бўлган. Диндорлар қурбонлик олдида атама тортиқлари(асосан, сопол ҳайкалчалар)ни қўйишган, ичкарига эса, фақат

коҳинлар кириши мумкин бўлгани туфайли, улар бахшидани ичкаридаги муқаддасхонага олиб кириб қўйган. Топилган нарсалар сирасига тортиқ сифатидаги шер бошли бургут рельефи, улкан илон устидан ғалаба қозонаётган шернинг идишдаги тасвири, буқа, буқа бошли соқолли киши, укки ва бургут шаклидаги кичик туморлар, йиртқич ҳайвонларни мағлуб этаётган қаҳрамонлар тасвирланган муҳрлар, бронзадан ясалган мих ва тўғноғичларни киритиш мумкин. Асирларни қўриқлаб кетаётган аскарлар орасида учуда муқаддас буқа шакли бор туғ кўтарган жангчини акс эттирган қадама нақшинкор лавҳ, тадқиқотчи тахминига кўра, Мари салтанатининг Шумер устидан эрамиздан олдинги 2900 йили қозонган ғалабасига бағишланган. Кейинчалик, ибодатхона дарвозасида Мардук илоҳининг аждарҳоси тасвирланади¹¹ 160-163 (367-расм).

Замонлар ўтиши билан, Таммуз эътиқоди эрамиздан олдинги VII асрда юнонлар томонидан Адонис номи билан ўзлаштирилади. Аммо бу сўз аслида “адон” бўлиб, “хўжайин, илоҳ” маъносида Таммузга нисбатан ишлатилган, юнонлар эса уни янглиш тушуниб, илоҳ исмига айлантирган. Юнон мифологиясига кўра, мазкур гўзал қиёфали шарқий илоҳни юнонларнинг Афродита илоҳаси севиб қолади ва уни ҳеч ким кўрмаслиги учун гўдаклигида сандиққа бекитиб, ер ости салтанати маликаси илоҳа Персефенага вақтинчалик сақлашга топширади. Аммо Персефена гўдакка маҳлиё бўлиб, омонатини олиш учун ер остига тушган муҳаббат илоҳаси Афродитага қайтаришдан бош тортади. Шунда севги ва ўлим илоҳаларининг можаросини Олий худо Зевс муроса асосида ҳал қилади: Адонис йилнинг бир қисмини – ер остида Персефена билан ва иккинчи қисмини –



367-расм. Вавилонда Иштар ибодатхонаси пештоқидаги аждарҳо.

ер устида Афродита билан ўтказишига келишилади. Ўсимликлар ҳам йилнинг ярмини ер остида, иккинчи ярмини эса, ер устида ўтказиши диққатга сазовор. Ўсимликларнинг кузда сўлиб, баҳорда тирилишининг ўзи бу эътиқодни таърифлашни тан олишимиз керак.

Европалик файласуфларнинг фикрига кўра, деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларда ўлиб-тирилувчи илоҳ шаънига ийги маросими

донларни териб, тегирмондан чиқариш пайти “Нон илоҳи”нинг қаҳрини юмшатишга қаратилган. Эркаклар далада дон бошоқларини янчаётган бир пайтда, аёллар – ўлаётган табиат шаънига йиғи-сиғи маросимлари ўтказган. Қадим замонларда эса овчи қабилалар овқатга ишлатган ҳайвонларига эҳтиром билдириб, ҳатто тотем даражасига ҳам кўтаргани бунга мисол бўла олади. Афинада ўсимликлар куртак отиб, гуллар очила бошлаганида марҳумларни хотирлаш байрами ўтказилгани ҳам диққатга сазовор. Март ойида “Адонис боғлари” деб аталган саватларга буғдой, арпа, турли кўкат ва сабзавотлар экиб, бир ҳафтадан кейин ниш отгач, ҳосил мўл-кўл, сув эса – етарли бўлишини тилаб, денгиз ёки оқар сувга ташлашган. Германия ва Францияда ўтган асрга қадар ҳам янаги йили ҳам сув етарли бўлиб, ҳосил баракасини таъминлаш ниятида охириги боғ буғдойни даладан олиб келган деҳқон устидан сув сепишган. Дунёнинг турли халқларида мазкур одатни ва шунга ўхшаш Аттис ва Кибела илоҳларининг муносабатларини олимлар жуда кенг таърифлаган.^{431. 360-365}

Табиатнинг даврийлиги ҳақидаги мазкур тушунчалар турли халқларда бир хил эътиқод маросимларини вужудга келтириши таажжубланарли эмас. Қадимгилар дон бошоқларининг ўриб олиниши ва баҳорда қайта ниш уришини Иштар ва Аллату (Афродита ва Персефена) орасидаги тортишув ва Таммуз (Адонис)нинг ҳар йили йўқолиб-пайдо бўлишига боғлаган.

Масалан, Хоразмда ҳосил териб олингач, хирмон атрофи доира шаклида чизилган, яъни ёмон кучлар ўтмаслиги учун дон ҳимоя остига олинган. Хирмоннинг тўртта томонидан дон олиниб, тир(тешиги йўқ ғалвирга ўхшаш тахта идиш)га солинган ва четроққа тўкилган. Бу ҳаққуллоҳ саналган ва садақа вазифасини ўтаб, донни софлашга бағишланган. Баъзи жойларда бу донни сувда ювишган. Авестонинг Вендидад китобида донни софлаш таомили айнан шундай тавсифланган: тўрт томонидан бир қисм дон ажратиб олинади, кейин хирмонга сув сепилади. Назаримизда, бу одат Авестога Хоразмдан ўтади: ахир бор нарса муқаддас мақомга кўтарилиши аён.^{378: 220-223}

Ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи шаънига бағишланган ҳар йилги маросимларда Афродита ва Адонис (Иштар ва Таммуз) тасвирлари ўрнатилиб, уларнинг олдига турли мева-чева қўйилган ва, шу тариқа, мазкур илоҳларнинг тўйи нишонланган. Эртасига эрталаб эса ёлланма “айтиб йиғловчилар” сингари мотамсаро кийинган аёллар сочларини ёйиб, кўкрагини очган ва йиғи-сиғи билан унинг тасвирларини тобутда кўчалардан олиб ўтиб, денгиз ва сув ҳавзаларига ташлаган. Най садолари остида одамлар йиғи-сиғи

қилиб, ўзининг кўксига урган, сочини юлган. Аммо ашулаларда илоҳ тирилишига умид билдирилган ва эртасига унинг тирилиши хурсандчилик билан нишонланган. Шу пайт гуллайдиган қизил анемон номли гуллар илоҳнинг қонидан унган деб ҳисобланган. Гулнинг қадимги номи эса “азизим” дегани бўлиб, Дамашқнинг қизил атиргули ҳам шу маънода маросимларда ишлатилган.

Хива ва унинг атрофидаги қишлоқларда баҳорда “Қизил гул” байрами ўтказилиб, яқинларига қизил атиргул ҳадея этишган. Қизлар мазор олдидан ўтишганида йигитлар суйганлари ва унаштирилганлари йўлига поёндоз тўшалган каби қизил гуллар, олма ва бўялган тухумлар ташлашган. Беруний маълумотларига биноан, Айёр ойининг тўртинчи куни Хоразм насронийлари черковларга атир гуллар олиб келган ва бу байрам вақт жиҳатидан Қизил гул байрамига деярли тўғри келган.^{378: 205-206}

Қаршида ҳам қадимда сунъий гуллар ясаб, байрам қилиш ва Бухорода ўтказиладиган “Ийди гули сурх” – “Қизил атиргул байрами” табиатга қадимий эътиқод қолдиқлари бўлиб, халқ урф-одатларига сингиб ўтган. Бухоро вилоятининг Шоффрикон ва бошқа туманларида XX асргача мунтазам равишда ўтказилган “Қизил гул тўйи” байрами ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди билан боғлиқ бўлган. Бир ой давом этувчи бу байрам баҳорги экин мавсумида, яъни март ойида бошланган. Хивада бўлгани каби, Бухорода ҳам мазкур сайил пайти – унаштириш вақти бўлган. Байрам ҳар куни бир жойдан иккинчисига кўчиб борган ва одамлар чиройли кийиниб, бир-бирларига атиргуллар ҳадея этган ва ҳосилдорликка аталган қуйидаги қўшиқни қуйлашган:

Янги йил – кунлар куни,
Турли чаманлар очилур.
Осмондан ер юзига
Дурри гавҳар сочилур.

Турли халқ ўйинлари қатори кураш ва ишти (тош ўйин), туя, қўчқор ва хўроз жанглари, кўпқари, дор ўйинлари уюштирилган. Қишлоқ бозорлари катта савдо майдонига айланиб, кечқурунлари байрам давом этган ва “кечки бозор” деб аталган; одамлар мусиқа ва рақслар билан зиёфатлар уюштирган, қиз-жувонлар янги келинларнинг уйига борган.^{435: 72-73}

А. Беленицкий X асрнинг доришунос олими Абу Мансур Муваффақ маълумотларидан қудуқлар чеккасида ва дарёлар қирғоқларида ўсувчи “бар-сиёвуш” номли ўсимлик билан боғлиқ иқтибос келтиради. Ал-Хоразмийнинг “Илмлар калити”да бар-

сиёвушон ўсимлигининг яна қатор номлари келтирилган: “жин сочлари”, “қудуқ ўсимлиги”, чунки у қудуқ тошлари орасида ўсади. Шунингдек, айрим жойларда узум нави “ал-сиёвушон” деб аталгани ҳам диққатга сазовор. Беруний ўсимликдан олинадиган ранг тури ўлкамизда “Сиёвуш қони” деб аталганига ишора этади, чунки “бу ўсимлик Сиёвушнинг ерга тўкилган қонидан ўсиб чиқади”.^{58 79-80}

Ўтган аср ўрталарида ўлкамизнинг тоғлик аҳолисидан баҳорда кўкатлар борган сари юқорида жойларда гуллаши билан боғлиқ ҳолда, “Сиёвуш табиатни янгилаб, тепага чиқмоқда”, деган иборани эшитиш мумкин бўлган.^{28 141} Бундан кўриниб турибдики, халқимиз орасида аждодлар эътиқоди ва табиат эътиқоди бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва минг йиллар оша айнан шу қурама шаклда сақланиб қолган. Энг қизиғи шундаки, салкам бир ярим мингйиллик ислом ҳукмронлиги ҳам бу тасаввурларни халқ эътиқоди ва онгидан тўлиқ ўчириб юбора олмаган.

Сиёвушнинг ўлими ва қон ҳақи тутишини А. Болдирев ўта шоирона тарзда шундай ифодалаган: “Сиёвуш – бегуноҳ тўкилган қон учун қасос ғоясининг шахсийлаштирилган сиймоси бўлиб, шажараси Авестодан илдиз отиб, Сўғднинг халқ марсиялари узра “Шоҳлар китоби”га ўтади ва ундан халқ мақолларида униб чиқади”.^{78 252}

Мифологик вақт назариясига биноан, табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар муайян вақтда, муайян тартибда такрорланиб туради, деб ҳисобланган. Қуёш ҳаракати ва ўсимликлар ҳаётининг даврийлиги билан боғлиқ тақвимий байрамлар қадимда вайронгарчилик кучлари устидан илоҳ, афсонавий илк аждод ёки қаҳрамон ғалабаси шаънига уюштирилиб, дунёда тартиб тикланишини билдирган. Бу ғалаба ҳар йили муайян кун, яъни Наврўз байрамида ҳукмрон шоҳ томонидан саҳналаштирилган халқ ўйинларида қайтарилган. Шу тариқа, ўзига хос маросимлар пайдо бўлиб, тегишли эътиқод шаклланган. Шу куни турли халқларда оқ от қурбонлик келтирилган ва “қиш ёндирилган”.^{137: 388 43-50}

Қатор тадқиқотларга таяниб, *Наврўзни нишонлаш* ҳақида шундай маълумотлар келтирилган: шу куни Қуёш турганда мунажжим ишорасига биноан шоҳ: “Ана Янги йилнинг Янги куни”, деб эълон қилади ва одамлар сўнмас оловни алангалатишган, сув сепишган, келгуси ҳосил ҳақида еттита ўсимликнинг унган донларига қараб фол очишган, ўйинлар (кўпкарига ўхшаган) ташкил этишган, отчопар уюштиришган, камон отишган, бир-бирига ҳадялар ва бўялган тухум беришган, янги либослар кийиб, эски идиш-товоқларни синдириб ташлашган, маҳалла-маҳалла бўлиб шаҳар ташқарисига чиқиб,

зиёфатлар қилишган, йигитлар қизларга лола берган, аёллар эса сувда чўмилиб, муҳаббат тилашган. Шоҳ жамоа зиёфатида 7 жом, 7 шох ва 7 дон олган, бу эса халқ фаровонлигининг мўл-кўл бўлишини ифодалаган. Қоҳинлар байрамнинг муайян кунлари турли табақа вакилларидан, жумладан, аскарлар ва раиятдан ҳадялар қабул қилган. Берунийнинг маълумот беришича, шоҳ байрамнинг бош қаҳрамони бўлиб, илк аждод сингари қурғоқчилик юборган кучларни енгиб, Қуёш каби самога чиққан ва барча қақшаган нарсалар гуллаб-яшнашини таъминлаган. Беруний ва Наршахий маълумотларига кўра, Наврўзни Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва Фарғонада қутлашган.^{205. 79}

Наврўз кунини тухум ҳадя этиш барча нарсаларнинг ибтидоси сифатида дунёнинг яратилишини билдирган. Деворларда ҳалқалар чизиш, арғимчоқ учиш ва олов ёқиш Қуёшга эътиқодни англатган. Эски нарсаларни ташлаб, гуллар бериш, уй устунини Ҳаёт дарахти маъносида безаш, далада биринчи эгат тортиш табиатнинг янги-ланиш рамзи бўлган.^{409 54}

Наврўз сумалагини тайёрлаш таомилида ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди жуда яққол сақланиб қолган. Аёллар томонидан тайёрланадиган сумалакнинг моҳияти – ҳосилдорлик ва шахсий фаровонликни таъминлашдан иборат бўлиб, бу маросимни 10-15 ҳовли биргалашиб ўтказишади. Буғдой донларини етти сувда ювиб, тахта устига ёйиб қўйишади ва у, одатда, етти кун давомида ниш отади. Кейин уни талқон қилиб, яна етти сувда чайишади ва сиқишади. Ҳосил бўлган суюқлик қозонда ун билан аралаштирилади. Қозон қулоқларига ёмон кўзга қарши туз сепишади, сумалак ҳам яхши чиқиши учун оловни ёноқлари қип-қизил аёл ёқади, жараённи эса катта ёшдаги серфарзанд онахон бошқаради. Сумалакни истеъмол этишгани асосида олимлар, ўлкамиздаги ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди Адонис ва Таммуз одатларидан қадимийроқ, деб ҳисоблайди: ибтидоий инсон, шу тариқа, сеҳр-жоду орқали табиатга таъсир этишга уринганлигининг сабаблари энг қадим замонларга бориб тақалади. Берунийнинг маълумот беришига қараганда, Наврўз арафасида патнислардаги арпа донлари атрофига етти хил дон экилган. Унган донларга қараб бу йилги ҳосил қанақа бўлишини аниқлашган. Сеҳр-жоду ёрдамида ер ҳосилдорлигини кучайтиришга интилишган. Бу борада яна бир қадимий Наврўз таоми – гўжани еттита дондан тайёрлаш лозим бўлган: жўхори, буғдой, арпа, тариқ, гуруч, мош, ловия. Баҳорги экин-тикин мавсумини бошлашдан олдин мўътабар оқсоқол қатор сафланган ер ҳайдовчи ҳўкизларнинг шохларини бўғирсоқ қовурилган мой билан суртиб чиққан.

Олимларнинг фикрича, янги экин мавсумида бўғирсоқ ишлатилиши тасодифий эмас: унинг иси аждодлар руҳи билан боғлиқ бўлган ва, шу тариқа, ўтганлардан мадад сўралган. Улар орасида энг муҳими деҳқонлар пири – Бобо-Деҳқон бўлган. Ўрта Осиёда унинг сиймоси Одам Ато билан боғланиши ислом таъсири остида юз берган, деган тахминга биз ҳам қўшилаемиз. Уни Хизр билан тенглаштириш эса қадим ҳосилдорлик илоҳлари билан боғлиқдир. Айрим ривоятларга кўра, *Бобо-Деҳқон* одамларга олов ёндиришни, темир ашёлар ясашни ўргатган. Унинг шаънига бўғирсоқ иси бахшида этилган, терим мавсуми охирида хирмон тўй оши аталган, намозлар ўқилган. Бобо-Деҳқон руҳидан аждодлар билан бараварига мадад сўралган, ҳовли тўйларида ҳам хотирланган.^{378 212-220}

Наврўз (Янги йил) байрамига атаб идишларда арпа ниҳолларини ўстириш одатини ҳам Ю. Рапопорт ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди билан боғлайди ва, Ўрта Осиё халқлари хтоник илоҳни дон билан уйғунлаштирган, далада йиғи-сиғи билан илоҳ суякларини қидириш удуми эса, янги ҳосил унумдорлигига аталган, дейди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам, хоразмликлар ўтганларнинг хокини аввалига хумларда сақлаганлар ва воҳада ҳозир ҳам марҳумлар ер остига кўмилмайди.

ОҚҚАН ДАРЁ – ОҚМАСДАН ҚОЛМАС

Сиёвуш-чавандоз синови, ҳукмронларнинг ўзга дунёга ўтиши хтоник илоҳа билан никоҳ, бир кунлик шоҳ, орқага ўгирилиб камон отиш, “қочиб, ғалаба қозонишади”, “Хоразмлик чавандоз” – Хоразмшоҳлар тамғаси, Ғалаба илоҳаси Ника, “Давлатчилигимизнинг қадимий рамзи – “Хоразмлик чавандоз” сосоний қурбонгоҳнинг ғолибона ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди”, Қўйқирилганқалъанинг мозий сирлари, ўлкамизда астрономик кузатишлар ва астрология ривожланган, “Оққан дарё – оқмасдан қолмас”.

Ўлиб-тирилувчи табиат илоҳи *Сиёвуш чавандоз* сифатида тасвирланган ва унинг “Шоҳнома” ҳамда ўрта аср миниатюраларидаги қора оти – хтоник – ер ости дунёсининг рамзи бўлиб, нариги дунё – “ўлганлар олами”га элтувчи восита ҳисобланган. Шу боис, ўлкамизда от ва чавандоз тасвирлари ҳамда ҳайкалчалари дафн маросимлари билан боғлиқ бўлган: кўчманчиларнинг дафн жараёнларида, албатта, отнинг бирон қисми ёки нарсалари



368-расм. Сўғднинг сопол чавандозлари.

ишлатилган. Тобутнинг “аспичўбин” – “ёғоч от” дейилиши ва тобут ҳақидаги “Кўрмаганни кўрдилар, тўрт оёқли отга миндилар” ўзбек халқ мақоли бунга ёрқин ва ифодали мисолдир.

От устида ўтирган чавандозлар ҳайкалчаларини Хоразмшоҳларнинг илоҳий аждоди ва ўлиб-тирилувчи табиат худоси Сиёвуш билан боғлашади. Бундай ҳайкалчалар ўлкамизнинг кўплаб обидаларидан, жумладан, Хоразмнинг Бургутқалъаси ва Қарши воҳасининг қадим пойтахти Ерқўрғондан ҳам топилган. Сўғдда шу хилдаги чавандозларнинг сопол ҳайкалчалари (368-расм) ва Далварзинтепа намуналари (369-расм) эрамиз бошига оид тасаввурлардан дарак беради.



369-расм. Далварзинтепалик чавандоз ҳайкалчаси (I-II асрлар).

Авестода қаҳрамонимиз “Сиёваршан” – “қора от” номи билан маълум ва тухматга қолганида синов сифатида қора оти устида оловдан ўтади (370-расм).

Бу мавзу бўйича М. Дьяконов Сўғд уйларидаги девор тасвирларидан бир далил келтиради: хоналардан бирининг деворида тўшакда ётган аёл қочиб кетаётган чиройли бир йигитни қўли билан ортга қайтишга имламоқда. Бу саҳна Инжилда Гўзал Иосиф ва

Пентефрейнинг хотини, Қуръонда эса – Юсуф ва Зулайҳо қиссасининг мазмунини эслатади. Шу билан бирга, ўлкамиз эпосида айнан шундай афсона мавжуд бўлган: Сиёвушнинг қайнонаси уни ўзига ром қилишга бўлган уринишлари беҳуда чиққач, шоҳ эрига унинг устидан “шаънимга тегмоқчи бўлди”, деб туҳмат қилади. Сиёвуш ўзининг бегуноҳлигини исботлаш учун от миниб, катта аланга устидан ўтади. Сиёвушнинг кейинги ҳаёти Нишопурийдан ривоят этган Наршахий маълумотида шундай ҳикоят қилинади: Сиёвуш туҳматдан қутулиш учун қочиб, Жайхундан ўтади ва шоҳ Афросиёб ҳузурига келади. Унинг қизига уйланиб, Бухоро вилоятига ҳукмронлик риштасини олади. Ўздан кейин эсдалик қолдириш ниятида қалъа-қаср қуради, бироқ яна туҳматга учраб, ўлдирилади ва ўзи қурган қасрда, Сомонфурушлар дарвозаси олдида дафн этилади. Саълибий тарихига биноан, Пойкент 589 йили босиб олинганида “Афросиёб хазинаси... ва Сиёвушнинг тожи, камари ва сирғалари ўлжа олинган”. Туркий халқларда “Қуёш” отлари оқ, “Сув” отлари эса қорамтир бўлиб, оқ ранг – коҳинларга хос, қизил ва оловсифат ранг эса – жангчиларга хос бўлгани маълум. Шоҳлар ўзида бу икки вазифани мужассамлаштиргани боис, Сиёвуш – икки дунё сарвари ҳисобланган. Ўлкамизда сувдан чиқиб, ердаги отларга ажойиб насл қолдирувчи сув оти ҳақидаги афсоналар XX асрда Панжикент ёнида яшовчи ўзбек қишлоғининг аҳолиси орасида ҳам сақланиб қолган.⁴⁰²

129 и сл.; 391: 299; 497: 285; 147: 41-42

Сиёвуш эътиқоди мисолида халқнинг “қора от” билан боғлиқ ибтидоий тотемистик тасаввурларининг илоҳ-шоҳ эътиқоди даражасига кўтарилиши фалсафий қарашлар ривожидан далолат беради. Аждодларимиз тасаввурида, ўлим – руҳнинг янги сифатга, янги ҳолатга ўтиши, деб тушунилган. Бу борада Сўғд ва Хоразмда Сиёвуш эътиқоди зардуштийликнинг Йима илоҳи билан уйғунлашиб, ўлимидан кейин унинг нариги дунё подшосига айланиб, ўлганларга ҳукмронлик қилишига ишонилган. Ерда қазилган қабр эса, Йиманинг ер ости дунёсига йўл очган. Руҳнинг осмонга



370-расм. Сиёвушни олов билан синаш.

қоғозга битта тилла тангани тикишади: ким уни нишонга олса, бир кун давомида шоҳ вазифасини ўтайди”.^{75: 296, 319; 328; 316-117, 205; 80}

“Шоҳнома”га биноан, Сиёвуш чопаётган от устидан камондан нишонни пойлагач, душманларининг нафрати қўзғалади ва, кейинчалик, айнан шу нишон олдида уни бўғизлаб ўлдиришади. Бухоро яқинидаги Варахша обидаси “Шарқий зал”ининг деворида, исириқдон рўпарасида тахтда ўтирган шоҳ ва яқинлари, қаршисидаги деворда эса – бошдан-оёқ совут кийган бир чавандоз чопаётган от устидан орқага ўгирилиб, камон ўқи отаётгани тасвирланган. Яна бир ҳайкал синиғида чавандознинг чап елкаси юқори кўтарилиб, ўнг елкаси пастга туширилган, ўнг қўли, сақланиб қолган қисмининг ҳолатига кўра, кўкси олдида бўлганидан, ортига қараб камон отаётгани аён бўлади. Варахшани тадқиқ этган В. Шишкин бу тасвирини ов саҳнаси дейди. Балким, бу – Сиёвушнинг танга пойлашидир? Варахшада қанотли учар отлар тасвирлари бор: Сиёвушнинг оти ҳам афсоналарга кўра қанотли бўлган.^{402: 204-205, 445; 163-165}

Геродот ва Страбон маълумотларига кўра, қадимда ўлкамиз чавандозлик ва камондан ўқ отиш маҳорати билан донг таратган. “Сўғдиёнадан кейин, Яксарт оқими бўйлаб саклар яшайди, улар камон ўқи билан жангга киришади, барча камон отувчилардан энг моҳири бўлиб, ўқларини беҳудага отмайди”, деб ёзган Дионисий Периегит.^{402: иқтибас олинган манба – 122}

Чопаётган отдан орқага ўгирилиб камон отиш ўзига хос “сак услуги” бўлганлигини қадим муаррихлардан Климент Александрийский (1,4) ва Плутарх қайд этган. Уларнинг маълумотларига кўра, сак ва савромат қабилаларининг аёллари эркаклар билан бараварига жанг пайти душман устига бостириб келиб, кейин эса, тўсатдан орқага қайрилишган ва ўзларини қочаётганга солиб, от чоптирган ва орқага ўгирилиб, камон отишган. Шу туфайли, улар жанг майдонидан “қочиб, ғалаба қозонишади”, деб ҳайратланишган ва аждодларимиз камон ўқчилари сифатида дунё узра шуҳрат қозонган. Олимлар, ортига ўгирилиб камон отиш услуги Ўрта Осиёда туркий қабилалар ҳукмрон бўлган даврда Эрон ва Мўғулистонга ўтган, деб ҳисоблайди ҳамда аждодларимиз маҳорати борасида “Хориждан ўзлаштирилмаган, аксинча, ўз анъаналаридан вужудга келган санъат тез орада ўлмайди ҳам”, деб хулоса қилади.^{50: 5; 156; 6; 20}

Дарҳақиқат, чавандознинг орқага ўгирилиб, камон отиш саҳнаси Холчаён саройининг деворий тасвирида ҳам акс этгани юқоридаги хулосага далил бўла олади (375-расм).

бўялгани Сиёвуш чавандоз эътиқоди билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Эҳтимол, чавандознинг ўзи ҳам тепасида ўтирган бўлиши мумкин, ammo бизга фақат шу қолдиқнинг ўзигина етиб келган (371-расм). Айнан шу обидадан топилган кийик шохидаги тасвирда шерга камон отаётган чавандозни ҳам Сиёвуш тимсоли билан боғлаш мумкин^{187: 186-187} (372-расм).

Қалъалиқир 2 мажмуасидан топилган сувдон синиқларида от устидаги чавандоз тасвири сақланиб қолган (373-расм) бўлиб, ўлкамиз музейларида сақланувчи лаганда ҳам айнан шу тасвир учрайди (374-расм).



373-расм. Қалъалиқир 2 сувдонидаги чавандоз тасвири: чапда — фотосурат, ўнгда — расм.



374-расм. “Хоразм чавандози”.


Қатор афсоналар ва маросимлар Сиёвуш-чавандоз эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, шулардан бири – “бир кунлик шоҳ” таомилдир. “Вақтинча шоҳ” маросими турли халқларда ўлиб-тирилувчи табиат эътиқоди доирасида ҳосилдорликни оширишга қаратилган. Яъни табиатнинг янгиланиш байрами шаънига тахт “ҳалоллаб олинган”, десак бўлади ва бундай таомил кўп халқларда мавжуд бўлган. Масалан, қадим Бобил коҳини Бeroузнинг маълумотига кўра, ҳар йили муайян ойнинг беш куни давомида байрам ўтказилиб, хўжайин ва хизматкорлар ўрин алмашган, ўлимга маҳкум этилган жиноятчини эса шоҳ тахтига ўтқазилган ва у барча инъомлардан, ҳатто канизаклардан ҳам баҳраманд бўлган. Байрам тугагач, уни ўлдиришган ва, шу тариқа, худолар қаҳрини қайтариш учун шоҳни ўлдириш каби қадимий таомилни бажо келтиришган. Бошқа халқларда ҳам шоҳни ўлдириш одати вақт ўтиши билан юмшайди ва йилига бир марта шоҳ тахтдан қисқа муддатга воз кечиб, ўзга одам ўтиради, аммо ўлдирилмайди, фақат ўлим саҳнаси ўйналади. Европада ўрта асрларда баҳор келишини март ойида ўлиб-тирилувчи табиат байрами сифатида ўтказилган. сомондан ўлим қўғирчоғи ясалиб, ёндирилган, кўчалардан олиб ўтилган ва дарёга ташланган.^{431. 317-318. 344}

Наврўзда ўлкамизда қўй, от ва туяларни уриштириш, кўп-кари ва спорт ўйинлари ўтказилиши ёмонлик ва яхшилик кучлари орасидаги фазо миқёсидаги курашни ифодалаган. Айнан баҳор байрамида Юнонистонда олимпия ўйинлари ва Римда гладиаторлар жанглари ўтказилгани диққатга сазовор. Табарий маълумотларига кўра, Самарқандда Сўғднинг энг жасур жангчисини аниқлаш учун ҳар йили бир марта турли таомлар билан безатилган дастурхон ёзилиб, курашда ғолиб чиққан одам йил давомида Сўғднинг биринчи қаҳрамони унвонини сақлаган. Янаги йили эса маросим яна қайтарилган.^{402: 319}

Ҳиндистонда баҳор Қуёши шаънига ва янги шоҳ сайлаш жараёнида камондан ўқ отиш маросимини ўтказилган. Зардуштийликда Аҳура Мазда Наврўз куни Йимага ҳукмронлик рамзи сифатида тилла камон ўқини беради. Хитой муаррихи Вэй-цзе Самарқандда Наврўз куни ўтказиладиган байрамнинг қизиқ маросимларини шундай таърифлаган: “шу куни шоҳ ва аҳоли янги кийимлар кийиб, соч-соқолини тартибга келтиради; шаҳардан шарқ томонда жойлашган бир ўрмон бошида етти кун давомида чавандозлар камон ўқи отишади; охириги куни эса (дарахтда) оқ

Хоразмнинг чавандоз тасвирланган тангалари бажаради: илк тангалар эрамиздан олдинги биринчи аср, айнан машҳур жанг содир бўлган пайтга тўғри келиши диққатга сазовор. Хоразм Жонбосқалъасидан топилган, эрамиздан олдинги иккинчи асрга мансуб бўлган идишдаги чавандоз тасвири ва эрамиздан олдинги учинчи асрга мансуб Бозорқалъадан топилган от ҳайкалчаси жабдуғининг шакли айнан ўша қадимги машҳур чавандозларнинг совут билан от минишига мос тушади. Қадим римлик муаррих Арриан лашкарбоши Александр Македонский ҳузурига элчи бўлиб келган хоразмлик Фарасманга 1500 хоразмлик чавандозлар ҳамроҳлик қилганини айтади. Кейинчалик, Александр Сирдарё бўйларида саклар билан жанг қилганида ўқ отувчи ускуна зарбидан “чавандозлардан бирининг қалқони ва совути тешилиб, отдан йиқилиб тушади” (Арриан, IV, 4). С. Толстов фикрича, бу – хоразмлик лашкарбоши бўлган. Геродот ва бошқа қатор муаррихлар массагетлар қаторига хоразмликларни ҳам киритгани маълум бўлиб, уларни шундай таърифлашган: “Камон ва найзалар ҳамда шамшир ва тўқмоқлар ёрдамида от устида ва пиёда жанг қилишади. Барча кийим ва ашёлари тилла ва мисдан ясалган, бош кийимлари, камарлари ва ўровлари тилла билан безатилган. Отларига ҳам мисдан кўкрагига совут ясашади” (Геродот, I, 25). Страбон (XI, 8) жангчи аждодларимизга шундай баҳо беради: “Улар яхши чавандоз ва пиёда жангчилар бўлиб, камон, қилич, совут, мис болталар билан қуролланган; жангларда тилла камар ва тилла ўровлар тақишади”. Аников номи билан тарихда маълум Хоразм кумуш лаганидаги чавандоз кийимининг хос белгиси тилла камар бўлиб, араб манбаларига биноан, VIII асрда Сўғд деҳқон зодагонлари ва улар қаторидан ёлланадиган отлиқ лашкарнинг ҳам хусусий белгиси бўлган. Наршахий маълумотига кўра эса, X асрда Бухоро ҳукмронлари Аркдан чиққанида, тилла камар таққан зодагон деҳқонлар шарафли посбонлар вазифасини ўтаган. Шундай қилиб, Оролбўйи чўллари қуршовида қолган қадим Хоразмда оғир зирҳланган отлиқ чавандозлар пайдо бўлиши эрамиздан олдинги, камида VI-V асрларга тўғри келади; Эронда эса – эрамиздан олдинги биринчи асрда.^{402: 219}

Ўрта Осиё қурол-аслаҳалари тарихида Хоразмнинг ўрни салмоқли бўлиб, VIII асрга мансуб Моисей Хоренский “География”сида бу ердан хорижий давлатларга “ажойиб камонлар” олиб чиқилгани қайд этилган. Мазкур маълумотни илк ўрта аср араб муаррихларидан Мақдисий ҳам такрорлаб, “Хоразмда тайёр-



375-расм. «Холчаенлик чавандоз».

Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати давлатчилигимизни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш борасида мустақкам пойдевор хизматини ўтаган ва душманларни тегишли оралиқ масофада ушлаб туриш имконини берган. Эрамиздан олдинги 53-йили ҳозирги Ўрта Осиёни босиб олишга келган Рим империясининг лашкарбоши Красс раҳбар-

лигидаги 40 000 кишилик армияси, шу жумладан, 4000 отлиқлари қақшатқич мағлубиятга учраб, 20 000 нафар аскар ҳалок бўлади, 10 000дан ортиғи асир тушади (Плиний, VI, 16, 46). Гап шунчаки оддий мағлубият эмас, балки илк бор қадимги дунё ҳарбий тарихида римликларнинг машҳур тактикаси ўзидан устун жанг олиб бориш услубига дучор бўлиб, ютқазганлигида эди. Бир қатор тизмаланувчи зирҳланган оғир пиёдалар жанг усулига бир қатор сафланувчи зирҳланган оғир отлиқ чавандозлар қарши чиқади. Ўрта Осиёлик камончилар туяларда бетўхтов етказиб турилган ўқларни римликлар устига бетиним ёғдириб, уларни чекинишга мажбур этади, оғир отлиқлар эса душманни икки томондан қуршаб, қира бошлайди.

Бундай тактика нафақат римликлар, балки парфияликлар учун ҳам янгилик бўлиб, ҳаммани довдиратиб қўяди. Парфия тангаларида уларнинг жангчиси енгил қуроолланган камончи бўлган. Дарвоқе, Аршакийлар сулоласига, Беруний маълумотига кўра, Сиёвушнинг невараси, Кайхусрав ўғли Ашк томонидан асос солинган. Мазкур маълумотларни иқтибос келтирган С. Толстовнинг таҳлилига кўра,^{402 211-227, 235} оғир зирҳланган чавандознинг ташқи қиёфаси ва қуролининг ўзига хослиги унинг асли Хоразмдан келиб чиққанлигидан далолат беради. С. Толстов мазкур маълумотларни ва тарихий далилларни кенг манбалар асосида турли халқларнинг лашкар тури билан таққослаб, чуқур таҳлил этади ва, пировардида, жангчининг кийими, соvuти, қуроли, камон ўқларини учи билан тепага қаратиб, ўзгалардан фарқли равишда ўқдонга солиб юриши ва отларнинг хусусиятларига таяниб, ўз тахминини илмий исботланган хулоса даражасига кўтаради. Асосий далил вазифасини



379-расм. Шоҳона ов саҳнаси (Окс ибодатхонаси).



380-расм. Шоҳона ов (Хоразм
бронза ойнасидаги тасвир).



381-расм. Шоҳона ов (Термиз
шиша медальони, XII аср).

йигитнинг қиялаган салласи остидан узун сочлари кўриниб турибди, чап биқинида эса камон осилган. Шунга ўхшаш тасвирлар Термиздаги шиша медальонларда ҳам учрайди. Олимларнинг, бу – ўлибтирилувчи табиат ва ҳосилдорлик билан боғлиқ Сиёвуш сиймоси, деган хулосасига биз ҳам қўшиламыз. Мазкур тасвирларда чавандоз йигитнинг бахтиёр жилмайиши Авестода Сиёвуш "бахтиёр" деб номланишига мос келади.^{386. 49-54}


ланадиган камонларни фақат энг кучли одамлар таранг тортиши мумкин”, дейди.^{402: 224} VI аср охирида массагетлар чавандозлари машҳур Кир лашкари билан бўлган жангда ғолиб чиқиб, ўз маҳоратини яна бир бор исботлайди.

С. Толстов хулосасига биноан, Хоразм қурол-аслаҳасининг айрим унсурлари қадим Оссуриядан нусха олган бўлиб, юнон ва рим ҳарбий тактикаси ҳам шу манбадан намуна олган. Бизни қизиқтирган Хоразм-массагет тактикаси эса икки босқичдан ўтади: 1. Чавандоз-найзачилар ва чавандоз-камончилар аввалига айри равишда мавжуд бўлган ва эрамиздан олдинги VI-V асрлардаёқ шаклланиб бўлган. IV асрда эса, Хоразмнинг ташқи хуруж юришларига мустақкам ғолибона асос таъминлаган. 2. Ҳам узоқдан, ҳам яқиндан жанг қилиш учун қуролланган чавандозлар даври. Яъни оғир қуролланган ва совут кийган чавандоз ўзида камончи вазифасини ҳам бирлаштиради. Шу тариқа, чавандоз узоқдан туриб камон ўқлари билан душманни саросимага солган ва унга яқинлашиб, оғир отлар билан босган. Айнан шундай шиддаткор ҳарбий ҳаракатлар асносида массагет-юечжилар юнон-македон ҳукмронлигини тор-мор этиб, буюк Кушонлар империясини барпо этади.

Хоразмнинг тангалари, қадимий муҳрлари, сопол ҳайкалчалари, ганч рельефлари ва кумуш лаганлардаги тасвирларида айнан римликларга қарши турган чавандоз гавдаланиб, минг йил давомида давлатчилик рамзига айлангани бежиз эмас. Қадим Хоразм-Қанғҳанинг буюк сулолаларига асос солган чавандоз Сиёвуш сиймосининг эътиқод даражасига кўтарилганлиги ҳам шу тариқа ўз талқинини топади. Сиёвуш эътиқодига хос Қуёш рамзлари аста-секин ўзга эътиқодларни чекинтира бошлайди ва ўзига сингдиради. Қарийб икки аср давомида юнон-македониялик босқинчиларга қарши ўз мустақиллигини сақлаб қолган Хоразм-Қанғҳа давлати ташкил этган ва бошқарган кураш галаба қозонади ва Эллинлар империяси қулайди.

Хоразмнинг IV асрга мансуб Аёзқалъа 2 обидасидан топилган Хоразмшоҳ Шрам тангасининг олд қисмида шоҳ икки ўркакчи туя шаклидаги тожда тасвирланиб, танга ортида эса, таомилга биноан, хоразмлик чавандоз аке этган (376-расм).

Туя борлиги қизиқарли ва Бухоро ҳукмронларининг тангаларини эслатади. Бухорода туя шаклидаги тахтада ўтирган ҳукмрон тасвирларини олимлар Сўғд учун умумий бўлган илоҳ эъюзлангани ва унинг рамзи туя бўлгани билан тушунтиради. Бунга Бухоро ҳукмронлари тангаларида туя аке этгани ҳам мисол бўла олади^{452: 60} (377-расм).




376-расм. "Хоразмлик чавандоз".

Мазкур мавзу такрор-такрор учраши бу эътиқод ўлкамизда ва Сўғд давлати колониялар барпо этган минтақаларда кенг тарқалганидан далолат беради.

Умуман олганда, чавандоз мавзуи ўлкамизда қадим замонлардан маълум. Масалан, Навоий вилоятининг Коронгурсой ва Сармиш масканларида эрамиздан олдинги I мингйиллик ўртасига мансуб тоғда нуқта услубида ўйилган расмларда эчки овлаётган чавандозлар тасвирланган.^{395: 37}

Эрамиздан олдинги II асрдан бошлаб эса, сополдан ясалган от устидаги чавандоз ҳайкалчалари пайдо бўлади. Улар ўлкамизда кулоллар маҳаллаларида аёл ҳайкалчалари билан энг кўп учрайдиган ҳайкалчалар сирасига киради. Санъатимизда чавандоз мавзуи ислом даврида ҳам анъана сифатида узоқ муддат сақланиб келади. Россия олимлари ўз музейларида сақланувчи кумуш лаганларни Сўғд ва Хоразмга мансуб, деб таъкидлайдилар. Шулардан бирида шер ва тўнғиз овлаётган чавандоз тасвирланган лаган VII аср Сўғд санъати намунаси бўлиб, ибодатхоналардаги тасвирларга айнан ўхшашлигига М. Дьяконов эътибор қаратган (378-расм).

Камон ипи букилган катта бармоқ билан тортилиб, баъзан унга ҳимоялаш учун фил ёки қаттиқ шох суягидан ясалган ҳалқа



377-расм. Бухоро ҳукмронлари тангасида туя тасвири.



378-расм. Шер ва тўнғиз овлаётган “Сўғдлик чавандоз”
(Лагандаги тасвир VII аср, Сўғд).

кийилган. Шундай темир ҳалқалар Самарқанд музейида сақланади.^{156 4-5}

Хоразмнинг Қаватқалъа масканидан топилган диаметри 5см келадиган бронза нишона XIII асрга мансуб бўлиб, унда от устида ўнг қўлида лочин, чап қўлида – думалоқ бошли тўқмоқ ушлаган чавандоз тасвирланган. Тўқмоқ чавандознинг шоҳ ёки лашкарбоши эканидан дарак беради. Икки чеккаси қулоққа ўхшаб кўтарилган бош кийимидан орқага тасмалар тушган.^{251: 86-87}

“Окс ибодатхонаси”да ҳам шоҳ ови тасвирида ортга қараб камон отиш расми бор (379-расм). Хоразмда ов тасвирланган бронза қопламада (XI-XII асрлар) ҳам шоҳона ов тасвирланган (380-расм). Термиздан топилган шиша медальонда ҳам ов саҳнаси мавжуд (381-расм).

Тошкентнинг Хўжа Фарҳон қадим мадфанидаги оссуарийнинг икки четида сополдан ясалган иккита от қулоғини олимлар, ер ости дунёси билан боғлиқ Сиёвуш чавандоз эътиқодининг акси, дейдилар.^{426: 91}


Тошкент воҳасининг Шоҳжувор шаҳристонидан XIII асрда вайрон этилган ўзига тўқ хонадондан топилган жомнинг тубида қора от устида чопаётган ёш йигит тасвирланган. Расм атрофида ўсимлик нақшлари тортилиб, бирида ним очилган йирик анорлар расми бор. Худди шунга ўхшаш тасвир Нукетдан топилган XII асрга мансуб жомда ҳам дарахтлар фонидан акс этган. Иккала тасвирда



383-расм. Кампиртепа тангаси
(э. в. II аср).

40 км наридаги Холчаён эса – иккинчи қароргоҳ бўлган. Аввалига, шоҳ Гелиокл, юнонлар ҳукмронлиги давридаги тангалар ортидаги илоҳ Зевс ўрнига от тасвирини туширади. Эрамиздан олдинги аср ўртасида эса, Кушон қабиласи ҳукмрони Герай ўз сулоласи исми акс этган илк тангани зарб этади: олд томонида шоҳнинг расми тагида ўз номи ва сулола аталиши ёзилган, ортида эса – парвоз этаётган Ғалаба илоҳаси Ника от устидаги чавандозга тож кийдириш моқда^{307: 11-12} (384-расм).

Ҳукмрон Сотер Мегас даврида эса, танганинг орқа тарафида – қўлида жанговар болта ушлаган ва учли қалпоқ кийган чавандоз елкасидан тасмалар тушган, пастда эса ҳалқали уч тишли айри



384-расм. Холчаёнлик чавандозга тож кийдириш саҳнаси.

Эрамиздан олдинги I асрдан бошлаб то VIII асргача муомалада бўлган *Хоразм тангаларида* энг кўп учрайдиган тасвир Сиёвушнинг илоҳ-чавандоз сиймосидир. Хоразмнинг Тупроққалъа ва бошқа обидаларидан топилган 1000дан ортиқ тангаларнинг кечкиси VIII асрга мансуб бўлиб, олимлар уларни икки турга бўлишади: 1) аврасида шоҳ тасвири, астариди эса – отлич чавандоз тасвирланиб, тамға ёнида хоразмча ёзув бор; 2) астариди шоҳлар тожининг а) олд қисмида ҳилол Ой; б) олди, орқаси ва тепасида ҳилол Ой; в) салла ёки дубулғага ўхшаш тожнинг тепа қисми олдинга эгилган кичик спираль шакллари тарзида; г) тожининг тепаси арра тишлари шаклида. Тангалардаги тасвирларга асосланиб олимлар, уларни турли давлатларда топилган идишлардаги тасвирлар билан таққослаш асосида мазкур тангалар, шубҳасиз, Хоразмда ишланганлиги ва халқимизнинг қадим санъати ҳамда диний рамзларидан далолат беришини таъкидлайдилар.^{401. 53}

С. Толстов таҳлилига биноан, энг биринчи Хоразм тангаларининг орқа томонида эллинизм таъсирида отлич Диоскурлар зарб этилган (382-расм). Сурхондарё Кампиртепа обидасидан топилган э. о. II асрга мансуб тангада ҳам от чоптираётган Диоскурлар тасвирланган (383-расм). Аслида, айланма бўйлаб от чоптираётган чавандозлар тасвири рамзий маънода туну кун бир-бирига етиб олмасликнинг эгизаклар мавзуига шама қилади.

Бироқ вақт ўтиши билан, эрамиздан олдинги 140-йили саклар зарбаси остида Юнон-Бактрия салтанати қулайди ва, кейинчалик, Кушонлар бу ерларни забт этиб, мустақил ҳукмронлик рамзи сифатида ўз тангаларини зарб эта бошлайди. Салтанат пойтахти Сурхон воҳасининг Далварзинтепа шаҳристонида жойлашиб, ундан



382-расм. Ўнг томонда – Диоскурлар тасвири (Холчаён топилмаси).

нинг яна бир тангасининг орқа томонидаги аёл тасвирини Ника деб ҳисоблаймиз (394-расм).

Ника, Зевснинг қизи – уруш, ҳунар ва ақл-заковат илоҳаси Афинага дугона бўлиб, ривоятларга кўра, Искандар Зулқарнайнга ғалабаларида ҳомийлик қилгани учун эътиқоди кенг тарқалади. Ника, кўпинча, ғолибга қўлидаги гулчамбар ёки пальма шохини бераётган тарзда тасвирланган. Кейинчалик, Ника маънавий кучларнинг ғалабасини ифодалайди. Унинг тасвирлари Кушон даври тангаларида зарб этилади. Термиз Зартепасида 6x6 см ўлчамли қанотли Ғалаба илоҳаси Ника ҳайкалчаси ўнг қўлида қалқон (ёки гулчамбар), қулоғида узун сирғалар билан тасвирланган. Хоразм-шоҳлар саройининг “Ғалабалар зали”да шоҳ ва Ғалаба илоҳаси Никанинг катта ҳайкаллари бўлган.^{20: 22; 160 62}

Сурхон воҳасининг Холчаён саройида Афина ҳайкалининг синган бўлаклари эрамиздан олдинги асрга мансуб бўлиб, Г. Пугаченкованинг хулосасига биноан, унинг юз қиёфаси эллинизм намунасидан узоқ ва маҳаллий миллий турни ифодалайди (395-расм). Эҳтимол, бу сиймо ўша пайт, ҳукмронликнинг илоҳий манбаини таъкидлаш учун ҳукмрон сулола маликасининг қиёфасини ифодалаган бўлиши мумкин.^{307: 76-77}

Ерқўрғонда топилган ҳайкалчалардан бири эллинистик хитон либоси кийган аёлни ифода этади. Чап қўли тепага кўтарилиб, илдам қадам ташлаётган ҳолати э. о. V асрга мансуб юнонлик Ғалаба маъбудаси Ника ҳайкалини эслатади. Бироқ Никага хос гулчамбар, қанотлар ва зайтун дарахтининг шохи йўқ. Кушон тангаларида



394-расм. Ника илоҳа тахтда.



395-расм. Холчаёнлик илоҳа Афина.

шаклидаги тамға. Тангадаги сатрларда “Шоҳлар шоҳи буюк Халоскор” деган ёзувни ўқиймиз^{316: 98-104} (385-расм).

Мазкур қадим тангалардаги Сиёвушийлар сулоласига мансуб Хоразмшоҳларнинг уч тишли айри шаклидаги тамғаси ҳам аслида от устидаги чавандознинг соддалаштирилган рамзи деб ҳисоблайди олимлар: бу – икки томонга қараган иккита от ва улар ўртасидаги чавандоз тасвирларидир (386-расм). Бу хулосага қиёсий далиллар сифатида олимлар славянларнинг шунга ўхшаш тасвирларини мисол келтиради (387-расм).

Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаган сакларнинг от жиловни бронза тақинчоқлари ҳам қўшалоқ от – Хоразм тамғасини эслатади (388-расм). Эфталит империяси ҳам кушонларга ўхшаб Хоразм таъсирида ривожланади. Тангаларида шоҳ қалпоғидаги ярим Ой ва орқа томонида тамға тасвири хоразмликлардан олинган.^{403: 218} Иккита от орасида шуълали гардишли нур илоҳининг тасвири бор (389-расм).

Самарқанд музейида сақланувчи ўрта асрлар муҳрида қанотли илоҳа турли томонга чопаётган иккита от устида тик турибди, иккита чавандоз уни ушлаб турибди. Бошининг тепасидаги ҳилол Ой тасвирига биноан, олимлар уни, Ғалаба илоҳаси – Ника, деб ҳисоблайдилар^{345: 91-92} (390-расм).



385-расм. “Шоҳлар шоҳи буюк Халоскор” (Холчаён).



386-расм. Сиёвуший Хоразмшоҳлар тамғаси.



387-расм. Шимолий рус нақши.




388-расм. Хоразмнинг
тамғасига ўхшаш бронза
тақинчоқ.



389-расм. Нур илоҳи иккита
от орасида.

Бу фикрга қўшилиб, битта тахмин билдирамиз: эҳтимол, чавандозларнинг ҳар бири ундан ўзи учун галаба ато этишини илтижо қилаётгандир. Қуёш ва Митра отларда само кезишини эсласак, бу рамаз тушунарли бўлади.

Шаҳристонда (Қалъаи Қаҳқаҳа I кичик залида) эса, отлар устидаги тахтда ўтирган илоҳ тасвири арк ичида жойлашиб, ён томонларида арфа чалувчилар акс этган^{452 60} (391-расм). Сўғдга мансуб



390-расм. Иккита чавандоз
орасидаги илоҳа.



391-расм. Отлар шаклидаги
тахтдаги илоҳ.




392-расм. Иккита от қўшилган аробадаги илоҳ ёки шоҳ тасвири.

ёғоч нишонада ҳам иккита от қўшилган аробани бошқараётган илоҳ (ёки тожиги қараганда шоҳ) тасвирланган (392-расм).

Хоразмшоҳларнинг тамғаси ўз илдизларига асосан вужудга келгани қуйидаги таҳлилдан ҳам аён бўлади. “Герай тангалари” номи билан маълум тангалар ўлкамизнинг кўп жойларида топилиб, орқа томонида чавандоз тепасида Ника тасвири бор, олдида эса – ҳукмрон тасвири. Эрамиздан олдинги I асрга мансуб бу тангада илк бор Кушонлар номи акс этган. Хоразмнинг Тупроққалъасидан

топилган кумуш танга Хоразм Сиёвушийлар сулоласига мансуб бўлиб, олд томонида шоҳ ва тепасида ғалаба илоҳаси Ника тасвири бор, танганинг ортида эса, салобатли қадам ташлаётган от устидаги чавандоз билан сиёвушийлар тамғаси акс этган. Аммо улар юнонларга тақлид қилмайди: юнонларнинг отлиқ эгизаклари бўлмиш Диоскурлар ўрнини сулола аждоди Сиёвуш тасвири олиб, Хоразмшоҳлар тамғаси пайдо бўлади. Тасвир санъати ҳам хоразмликларнинг ўзига хос нафис ва бадий услуби тарзида бажарилади.^{403: 147}

Юнон мифологиясида *Ника* илоҳ Зевсга ҳамроҳ бўлиб, курашида ғалабани нишонлайди. Эрамиз бошида зарб этилган Юнон-Бактрия тангаларининг олд томонида ҳукмрон шоҳ Аминтас, орқа томонида эса тахтда ўтирган илоҳ Зевс қуйидагича тасвирланган (393-расм) бўлиб, айнан шу даврга оид мазкур шоҳ-



393-расм. Ўлкамиз тангаларидаги Зевс тасвири.

нинг яна бир тангасининг орқа томонидаги аёл тасвирини Ника деб ҳисоблаймиз (394-расм).

Ника, Зевснинг қизи – уруш, ҳунар ва ақл-заковат илоҳаси Афинага дугона бўлиб, ривоятларга кўра, Искандар Зулқарнайнга ғалабаларида ҳомийлик қилгани учун эътиқоди кенг тарқалади. Ника, кўпинча, ғолибга қўлидаги гулчамбар ёки пальма шохини бераётган тарзда тасвирланган. Кейинчалик, Ника маънавий кучларнинг ғалабасини ифодалайди. Унинг тасвирлари Кушон даври тангаларида зарб этилади. Термиз Зартепасида 6x6 см ўлчамли қанотли Ғалаба илоҳаси Ника ҳайкалчаси ўнг қўлида қалқон (ёки гулчамбар), қулоғида узун сирғалар билан тасвирланган. Хоразм-шоҳлар саройининг “Ғалабалар зали”да шоҳ ва Ғалаба илоҳаси Никанинг катта ҳайкаллари бўлган.^{20: 22; 160: 62}

Сурхон воҳасининг Холчаён саройида Афина ҳайкалининг синган бўлаклари эрамиздан олдинги асрга мансуб бўлиб, Г. Пугаченкованинг хулосасига биноан, унинг юз қиёфаси эллинизм намунасидан узоқ ва маҳаллий миллий турни ифодалайди (395-расм). Эҳтимол, бу сиймо ўша пайт, ҳукмронликнинг илоҳий манбаини таъкидлаш учун ҳукмрон сулола маликасининг қиёфасини ифодалаган бўлиши мумкин.^{307 76-77}

Ерқўрғонда топилган ҳайкалчалардан бири эллинистик хитон либоси кийган аёлни ифода этади. Чап қўли тепага кўтарилиб, илдам қадам ташлаётган ҳолати э. о. V асрга мансуб юнонлик Ғалаба маъбудаси Ника ҳайкалини эслатади. Бироқ Никага хос гулчамбар, қанотлар ва зайтун дарахтининг шохи йўқ. Кушон тангаларида



394-расм. Ника илоҳа тахтда.



395-расм. Холчаёнлик илоҳа Афина.

тасвирланган Хваниндада бу рамзлар бўлган, аммо Ерқўрғон ҳайкалчаси Хванинда бўлганми ёки бошқа илоҳами – ноаниқ.^{391: 202: 348: рис.47, 48; 496: taf. 168, 1-2}

I асрга мансуб Холчаённинг сопол медалёнида Ника тахтда ўтирган шоҳ тепасида парвоз этмоқда. Зартепа сопол тасвирида Ника қалқон ёки гулчамбар ушлаган равишда ифодаланган. Герай ва Хувишка тангаларида Ника – Хванинда шоҳларга аталган гулчамбар билан тасвирланган. Эрамизнинг II-III асрларига доир Хоразмнинг Тупроққалъа саройида ҳам Ғалаба илоҳаси деворий тасвирда акс этган.^{145: 118-119} Фарғона ёнидаги Ашт масканидан топилган I-IV асрларга мансуб суяк лавҳда иккита Ника парвозда гулчамбар эмас, маржон ушлаган ва иккинчи қўлининг кўтаририлган бармоғи маросим рамзини билдиради.^{366: 86} Кейинчалик, бу сиймо Варахша саройининг VII асрга мансуб “Шарқий зали”даги қанотли ёш қизлар сиймосида тасвирланади, бироқ олимлар уни фарр (фраваша) – инсонга шоҳона омад келтирувчи қанотли фаришта билан боғлашади.^{345: 119} Шу тариқа, илоҳий фарн – омадни фравашисимон илоҳа Ника тақдим этиш ғояси сингдирилган.

Қадим ўлкамиз ўз мустақиллигини қайтариб олиши баробарида, босқинчи халқлар илоҳлари ўрнини Хоразмлик чавандоз – Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган илоҳий аждоди Сиёвушнинг рамзи эгаллайди. Бироқ Б. Вайнберг бунга қарши чиқиб, Хоразмлик чавандоз – Сиёвуш илоҳ эмас, балки қандайдир шоҳ тасвири, дейди.^{90: 44-47} А. Беленицкий бу хулосани қабул қила олмайди: Хоразм ва Юнон-Бактрия тангаларининг барчасида олд томонида шоҳ тасвири, ортида эса – илоҳ ёки унинг рамзи зарб этилгани маълум. Шоҳлар ўзгариши билан уларнинг расми ва танганинг орқа томонидаги улар эътиқод қилган динининг рамзи ҳам ўзгарган. Юнон-Бактрия тангаларида бундай сиймо йўқ ва у минг йил давомида сақланиб қолганлиги ҳайратомуз ҳол.^{63: 214-215} Биз бу фикрга қўшилаемиз: икки томонида шоҳ тасвири берилиши мантиққа зид. Қолаверса, шоҳлар халқ орасида энг муҳим эътиқод рамзини зарб этиш билан ўз ҳукмронлигининг илоҳий манбасига урғу берган.

С. Толстов таъбири билан айтганда, “Давлатчилигимизнинг қадимий рамзи – “Хоразмлик чавандоз” сосоний қурбонгоҳнинг ғолибона ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди”. Хоразм кумуш лаганларида учрайдиган чавандоз тепасидаги Ой тасвири илоҳжангчилар рамзи бўлиб, “Буюк илоҳанинг чавандоз-илоҳ ҳамроҳи”

сифатида баҳоланади. Алқисса, чавандоз-илоҳ тасвири Хоразмда минг йил давомида давлатчилик рамзи бўлган.^{402: 202-203}

Сиёвуш-чавандоз сиймоси деворий тасвирлар, ҳайкалчалар ва тангалардан ташқари оссуарийларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Хоразмнинг Миздахкан мазоротида топилган ва III асргача бўлган даврга мансуб отлиқ чавандоз ҳайкал-хоқдони бўлаклари шулар жумласидандир.^{460: 133} Хоразмнинг Уйқалъа шаҳристонидан топилган I-II асрларга мансуб оссуарийнинг қопқоғи чавандоз ҳайкали шаклида ясалган. Бургутқалъа воҳасининг 29-Қалъаси, Қубатау оссуарийлар мазори ва Ойбукирқалъада ҳам шундай оссуарий синиқлари топилган. Ҳайкал шаклидаги оссуарийлар дафн ниқоби, бош ҳайкалчаси ва инсон танаси шаклида ишланган оссуарийлардан келиб чиққан, деб ҳисобланишини эслатамиз.^{325: 55-56} Бу Хоразм воҳасига хос оссуарийлар тури бўлиб, унинг чегараларидан ташқарида ҳам қопқоғида одам боши ҳайкалчаси бор хумлар топилган. Шунга ўхшаш оссуарий Самарқанд ёнидаги Мингчуқур деб аталмиш жойдан ҳам топилган.^{458: 140-143}

Сиёвуш эътиқоди билан Хоразмнинг яна бир обидаси — эрамиздан аввалги IV асрга мансуб *Қўйқирилганқалъа сирасрорлари* ҳам боғлиқ бўлиб, бу ерда Сиёвуш-чавандоз мавзуи биринчи ўринга чиқади. Қўйқирилганқалъада ёндириш таомили билан боғлиқ мадфан бўлиб, унда Хоразмшоҳ кўмилган, деб ҳисоблайди С. Толстов. Марказий иншоот атрофида коҳинлар ва хизматкорлар яшаган. Оссуарий қопқоқларидан бирида топилган тасвир бино тарҳини қайтаради ва, эҳтимол, у астрал мақсадларга ҳам хизмат қилган бўлиши мумкин, деган тахминлар йўқ эмас.

Обидада топилган квадрат ёки тўртбурчак сопол сандиқчалар устида асл ёки ярим баландлиги катталигида ўтирган ёки тик турган инсон ҳайкали шаклидаги оссуарийлар ичида марҳум хоки сақланган. Ҳайкаллар марҳумларнинг тасвири бўлиб, хтоник (ер ости дунёси) эътиқодига тақалади. Қалъа атрофларидан ҳайкал-хоқдонлар билан бирга олд томонида ўйилган тасвирлар ёки дафн ниқоблари бор оссуарийлар топилиши, эҳтимол, олдинги босқичга тегишли бўлиши мумкин.^{406: 130-132, рис. 70а, 70б, 71}

Бизнинг мавзуимизга мазкур ҳайкал-хоқдонлар қаторидан оёғини пастга тушириб, оссуарий тепасида ўтирган ярим баландликдаги аёл ҳайкали ва оёқларини оссуарий устида чалиштириб ўтирган натурал баландликдаги эркак ҳайкали тааллуқли^{325: 64} (345-расм).



396-расм. Шоҳ сулоласи вакилининг ҳайкал-хоқдони.

Эркак ҳайкали чавандозни ифодалаб, бош кийимида ҳайвон қулоқлари тасвирланган (396-расм).

Хоразмшоҳлар сулоласининг асосчиси Сиёвуш доим чавандоз сифатида тасвирланганини биз юқорида кўриб чиқдик. Мазкур ҳайкал-хоқдон Тупроққалъанинг Шоҳлар залидаги Сиёвушийлар сулоласига мансуб шоҳларнинг ҳайкаллари билан узвий боғланиб, катта маросимларда ишлатилган, кичик ҳайкалчалар эса уй ибодат-хоналарида ўрнатилган. Яъни Сиёвуш сиймоси аждодлар руҳига сажда қилиш тушунчасини англ

латиш баробарида, шоҳ сулоласи эътиқоди билан ҳам уйғунлашган.

“Шоҳнома”да Сиёвушнинг Фарангиз билан никоҳи Қуёшнинг Анахита билан никоҳига ўхшатилади. Ю. Рапопорт, Хоразмда Қуёшга эътиқод Митрада мужассамлашган, деб эътироф эта туриб, айна пайтда, мазкур тимсол турли олимлар томонидан ҳосилдорлик илоҳи, ўлганлар салтанатида ҳакам ва Анахита аждоди сифатида саналганига эътибор қаратади. Шунингдек, Митра чавандоз сиймосида ифодаланганлиги ҳам тадқиқотимиз мавзуига бевосита боғлиқдир. Хоразмдан топилган бир оссуарийда учидан анор ўрнатилган туғ ёнида турган шерлар тасвирланган. Шер – Митра рамзи, анор эса – Анахита рамзи бўлиб, Сиёвуш – Хоразмда Қуёш, яъни Митра билан уйғунлаштирилганлиги маълум. Шунинг учун Сиёвуш сиймосининг рамзлари орасида қуёшли (соляр) белгилар бўлган.^{402 318} Геродот ҳам, массагетларда Қуёш от билан тенглаштирилади, деган.^{115: 1. 216} Ва, дарҳақиқат, Қуёш рамзлари хоразмликлар ва массагетларда муҳим бўлганлиги туфайли, салиб (соляр рамз) тасвирлари оссуарийлар ва эътиқод маросимлари идишларида кўплаб учрайди.

Шунингдек, Хоразмнинг Жонбосқалъасидан топилган аёл ҳайкалчалари Амударё ва сув тизимлари ҳомийси Анахита бўлиб, эркак ҳайкалчалари унинг ҳамроҳи – Сиёвуш илоҳи ҳисобланади.^{403 123}

Шуларга асосланиб, Ю. Рапопорт қизиқ ва, бизнинг фикримизча, тўғри хулосага келади: Сиёвуш Хоразмнинг энг муҳим хтоник илоҳи ҳисобланганлиги туфайли, чавандоз шаклидаги

хайкал-хоқдон Сиёвуш сиймосида мужассамлашган марҳумга бағишланган. Хтоник хусусиятларга молик илоҳа Анахита сиймоси дунё узра дафн маросимлари тасвирларида ифодаланганлиги маълум ва улар Хоразм хайкалларига ўхшашдир. Яъни аёл хайкал-хоқдонида марҳума илоҳа Анахита билан уйғунлашган.

Қадим диний эътиқодларимизга биноан, марҳумлар бегуноҳ бўлса, руҳлари мўътабар илоҳлар ҳузурига кўтарилиб, улар билан бирлашади, деган тасаввурлар мавжудлигини эътиборга олсак, бундай тахмин диққатга сазовор бўлиб чиқади. Устига-устак, Ю. Рапопорт ўз тахминига қуйидаги моддий далил ҳам келтиришга интилади. Яъни Қўйқирилганқалъанинг марказий қуббасимон икки қаватли биноти салибсимон тарҳда қурилган бўлиб, бир-биридан айри иккита мажмуага бўлинган. Иншоотнинг биринчи қаватидаги марказий хона ғарб-шарқ чизиғи бўйлаб ўртасидан девор билан бўлиниб, икки томонидан тепага, иккинчи қаватга зиналар кўтарилган.^{406. 120-123}

Шунга таянган Ю. Рапопорт қуйидагича хулоса қилади: демак, мажмуанинг бир қисми аёл маъбуда Анахита ва иккинчиси – эркак илоҳ Сиёвушга бағишланган бўлиши мумкин. Иншоотнинг шарқий қисмидаги ойналар шарқ ва жанубга қаратилгани, у Қуёш эътиқодига бағишланганини билдиради. Ғарбий қисмида қудуқлар борлиги эса, сув ва ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлиқ хтоник илоҳа Анахитага бағишланганига ишора. Аёл хайкал-хоқдонлари ва Анахита сопол хайкалчалари айнан шу ғарбий қисмда жойлашгани мазкур тахминга далил бўла олади, олим фикрича. Балки марказий бино Хоразмшоҳ ва маликани дафн этишга мўлжаллангандир. Ибодатхонанинг “аёл илоҳа” қисмига кириш иншоот битмасидан туриб, ғишт териб ташланганлиги боис, у ерда бевақт вафот этган Хоразмшоҳ маликаси дафн этилган, деб ҳисоблашади.^{326: 7-8}

Энг муҳими, марҳум ҳукмронларни минтақанинг ҳукмрон илоҳлари билан мужассамлаштиришган ва шу орқали уларнинг ҳукмронлигини илоҳийлаштиришган. Сиёвуш ва Анахита илоҳлари ва аждодлар руҳига бағишланган *Қўйқирилганқалъа, ўз тузилиши ва топилмаларига кўра, ўлкамизда астрономик кузатишлар ва астрология ривожланганидан ҳам далолат беради.*


Астрология ривожини учун астрономияни ривожлантириш керак эди. Самовий жисмлар ҳаракатининг қайтарилувчанлиги ва даврийлигини ўрганиш орқали, астрологлар фикрича, келгусидаги ҳодиса ва жараёнларни башорат этиш ва уларга таъсир этиш мумкин бўларди. Бактрия ва Сўғдда маҳаллий мунажжимлар барча асосий сайёралар ва Зодиак системасининг номини аниқлаб, шоҳ

саройида гороскоп (тақдир жадвали) тузган ва бирор қарор қабул қилиш учун яхши-ёмон кунларни белгилашган. Бунга мисол сифатида, Соҳибқирон Амир Темурнинг туғилиши икки юлдузнинг баракали учрашуви остида бўлганлиги ва, натижада, Амир Темур буюкликка мансуб этилганлигини эслаб ўтиш кифоя.

Муаррих Қазвиний маълумотларига кўра, 29та юлдуздан иборат фазовий туркум қадимда Бар-Сиёвуш деб аталган. Юлдузларнинг жойлашув шакли қуйидаги тасвирни ифодалайди: ўнг оёғи ва ўнг қўли тепага кўтарилган, чап оёғи ерда, чап қўлида эса – кесилган бошни ушлаб турган одам. Афросиёбдан топилган оссуарийдаги тасвир шунга жуда ўхшаш: шер ёнида тож кийиб турган йигитнинг бир қўлида қилич, иккинчисида эса – кесилган бош. А. Беленицкий бу тасвирни Сиёвушнинг қасдини олаётган ўғли деб, ўлкамизда астрал эътиқод кучли бўлганини тан олади. Дарҳақиқат, Авестода Сиёвушнинг ўғли шоҳ Кайхусрав отасини туҳматларга асосан қатл этган шоҳ Франгхрасенни ўлдириб, қасдини олишга илоҳа Ашидан ёрдам сўрайди.


Қалъа-мадфаннинг 6 метр қалинликдаги деворлари узра ичкаридан – ташқарига, ердан – осмон томон қия қилиб очилган тор дарчалар юлдузларни кузатишга мўлжалланган, иккинчи қаватдаги ўта мустаҳкам пойдевор эса, эҳтимол, астрономик квадрант тағламаси бўлган, деб ҳисоблашади. Қадимги ҳиндлар ва муғ(зардуштий)лар ҳам ўз дафн иншоотларининг деворларида фазони кузатиш учун дарча очганлигини Беруний айтиб ўтган.^{406 133-134}

Қўйқирилган қалъанинг қуёш билан юлдузларни кузатишга мўлжалланган тепа қисмидаги дарчалар ва мақбара зинасининг бино ҳамда фазовий жисмларга нисбатан йўналтирилган равишда қурилиши фазовий кузатишлардан далолат беради (397-расм).



397-расм. Қўйқирилган қалъа ибодатхонасининг тикланган тасвири.

Беруний X асрда тасвирлаган қадимий ясси астролябия ва Қўйқирилганқалъадан топилган астролябия аждодларимизнинг астрономик билимлари ва маҳоратини исботлайди. Диск-астролябияда 8 нафар эркак боши тасвирланган бўлиб, тўрттасининг сочи орқа томондан сал кўтарилган ва тўрттасиники — текис туширилганига эътибор қаратади олимлар (398-расм).



398-расм. Хоразм астролябияси (Э. о. V аср).

Диск чеккасидаги 18 та ички ва 18 та ташқи учбурчак жами 36 та бўлиб, 10 даражадан санаганда 360 даражани ташкил этади. Тадқиқотчилар^{197:259} хулосасига биноан, бош тасвирларидаги бурун ва сочининг орқа томонига қараб, ички доира ҳам 12 га бўлинганлиги само жисмларини кузатишга мўлжалланган. Қўйқирилганқалъа астролябиясидаги сочи қайрилган бош тасвирлари 90 даражани, сочининг орқаси тўғрилари эса 45 даражани беради, бурун ва сочлари бўйлаб ўтказилган радиуслар эса — 30 даражадан иборат 12 қисми ташкил этади. Шу тариқа, мазкур диск эрамиздан олдинги IV асрда аждодларимиз томонидан Зодиак юлдузлари туркумларини кузатишга мўлжаллангани аниқ. Бундан мақсад —

Хоразм эрамиздан олдинги II мингйилликдан сунъий суғориш усули(ирригация)га ўтганлиги туфайли, ўлкада юлдузлар ва қуёшга қараб табиат фасллари, сув тошқинлари ва куну тун тенглик пайтларини, бир сўз билан айтганда, тақвим кунларини аниқлашга эҳтиёж кучли бўлган. Беруний Хоразм тақвими Шарқнинг ўзга тақвимларига нисбатан анча аниқлигини таъкидлагани бежиз эмас, демак.

Қўйқирилганқалъа тадқиқотчиларининг фикрича, Хоразмнинг қадим тақвими эрамиздан олдинги IV- III асрларда ҳар бири 45 кундан 8 қисмга бўлинган ва баҳорги кун-тун тенглик пайтидан янги йил ҳисоби олиб борилган. Қўйқирилганқалъанинг 6 м қалинликдаги деворларида ўйилган дарчалар ва бинонинг дунё томонларига нисбатан умумий жойлашуви асосида олимлар қатор ўзга сайёра ва юлдузларни кузатиш схемаларини келтирган.^{197 260} Шулар орасида асосий ўринни эрамиздан олдинги 400-йили азимути қалъанинг жойлашувига мос келувчи Фомальгаут юлдузи эгаллайди, деб ҳисоблашади. У эса, қадим Шарқда эътиқод қўйилган юлдузлардан энг ёрқини бўлиб, қалъа жойлашувининг дунё тарафларига нисбатан 21 даражага силжитилгани айнан шунга мўлжалланган. Қуёш ва Фомальгаут юлдузининг азимутларини қалъа жойлашуви билан солиштириш асосида олимлар, у баҳорий кун-тун тенглиги ва ёзги Қуёшнинг тик туриши орасида йўналтирилган, деган хулосага келади. Бу кузатувлар Амударёнинг тошиш вақтини аниқлаш учун ҳам қўлланилган.^{197 262-263}

Олимлар яна қизиқ бир хулосага келади: Қўйқирилганқалъа айнан шу юлдуз ва Қуёшга қараб йўналтирилганлиги тасодиф эмас, чунки Фомальгаут араб тилидан таржимада “Балиқ оғзидаги сув” маъносини англатган. Хоразмда эса сув эътиқоди жуда муҳим бўлган. Дарҳақиқат, саҳродан сув кетгач, қадим цивилизация бу ўлкада чекинади. Вавилонда Фомальгаут юлдузи сув ва донишмандлик илоҳи Эа рамзи бўлган. Кўпинча, ёнида кўзадан тушаётган ҳаётбахш сув оқимида балиқлар тасвирланган, баъзан балиқлар унинг елкаларидан тушаётган сув шаршарасида тасвирланган. Кейинчалик, бу рама аёл маъбудаларига ҳам ўтиб, сув оқимини ифодаловчи кўйлагининг тўлқинларида балиқлар тасвирланган бўлиб, ўлкамизнинг Анахита эътиқоди ҳам айнан сув билан боғланган.^{197 264}

Хоразмнинг яна бир мажмуаси – Қалъалиқир 2нинг доирасимон ибодатхона тепасидаги очиқ платформадан коҳинлар юлдузларни кузатиши ва зироатчилик учун муҳим бўлган кеча-кундуз бараварлигини аниқлаши мумкин бўлган. Мазкур ибодатхона ҳамда

Қўйқирилганқалъа ва Говурқалъа кўҳна обидаларининг дунё томонларига қараб йўналтирилган горизонтал ва вертикал тарҳи ва тарихига биноан ўтмишдаги диний маросимлар ва мунажжимлар амалиётини тиклаш мумкин.^{187 9-21} Одамлар ва астрал рамзлар тасвирлари эрамиздан олдинги XIII-XII асрларга мансуб Сополлитепа ва Жарқўтон ибодатхоналаридаги атама ёки сарой маросимларида ишлатиладиган кичик бронза болта ёки асоларда ҳам учрайди.^{7: 26}

Дарҳақиқат, “Оққан дарё – оқмасдан қолмас”, деганларидек, Мирзо Улуғбекнинг астрономик даҳоси қадим билимларимиз мажмуасидан келиб чиққанлиги таажжубланарли эмас.

ШОҲОНА СУЛОЛАГА САЖДА

Шоҳ-сулола ва илоҳийлаштирилган ҳукмрон аждод сиймоси, халқ назарида шоҳ ҳукмронлигининг илоҳий фатво олгани тасдиқланади, “эвгемеризм” назарияси, “Қуёшнинг укалари”, “Худо ўғли”, салтанат – империяни илоҳийлаштириш, “фағбурия” – “шоҳ чиқиши” маросими, кави – башоратгўй шоҳ, халқ халоскори – шоҳ аждод, илоҳий паноҳ қасрлари, Тупроққалъа, “Ер киндиги”, Сўғднинг Қалъаи Қаҳқаҳаси, Далварзинтепа зодагонлари, Холчаённинг зирҳланган шоҳлари, Сўғд Панжикенти, ўлкалар очувчи сўғдликлар, шукуҳли пойтахт – Афросиёб, хотирлаш маросимлари.

Сиёвушга шоҳ-сулола ва илоҳийлаштирилган ҳукмрон аждод сифатида эътиқод қилиш ўлкамизда турли ҳукмронлар сулоласи ва аждодлар руҳига атаб ибодатхоналар қуриш ва маросимлар ўтказиш анъанасига асос солди.

Ўтмишда ўлкамизнинг ғоявий ва маънавий қарашлари ва шундан келиб чиқадиган ҳаёт қоидалари диний эътиқодга асосланган. Турли соҳа ҳомийлари ҳисобланган илоҳлар мажмуасига бўлган эътиқоднинг ўзиёқ тегишли даврнинг асосий мафкураси даражасига кўтарилган, десак тўғрироқ бўлади. Ибодатхона ва саройларда зодагонлар зиёфат пайти ёки байрамда диний эътиқод ашёлари билан бирга тасвир этилиши, эҳтимол, уларнинг диндорлиги ва жорий тартибга бўйсунганини кўрсатган. Шахсларнинг тасвирда катта ёки кичик қилиб ифодаланиши уларнинг жамиятда тутган ўрни ва нуфузига боғлиқ эканлиги шубҳасиз, албатта. Дарвоқе, қадимги аждодларимиз яратган илоҳлар пантеони (ўзига

хос жамияти) ҳам мавқеи бўйича бирламчи ва иккиламчи худоларга бўлингани диққатга сазовор. Таъкидлаганимиздек, қадим файласуфлар худо инсонни ўз шакли-шамойилига мувофиқ равишда яратган бўлса, инсон ҳам ўз худоларини ўз шакли ва жамиятининг тузилишига қараб тасвирлаган, деб уқтириши бежиз эмас.

Ибодатхоналарда ўтказилган маросимларни тушунишда меъморчилик, рассомчилик ва ҳайкалларнинг бир-бири билан мазмун-моҳияти бўйича узвий боғлиқлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шаҳар ва сарой ибодат мажмуалари таркибида сулоланинг ҳомий аждодлари ва илоҳларига бағишланган махсус хоналар бўлган. Катта зал ўртасида олов ёқилган, уларга аталган ичимлик тўкилган, девор атрофидаги супаларга маросим таомлари тортилиб, хотирлаш йиғинлари ўтказилган.

Ўлкамиз қадим ибодатхоналари ва саройларининг девор тасвирларида шоҳ-зодагонлар ҳаётидан келтирилган лавҳалар диний эътиқод ва мифология мавзулари билан боғланиб кетиб, ҳомий илоҳлар ҳайкали билан бирга сулола шоҳларининг ҳам ҳайкаллари ўрнатилганлиги аждодлар руҳига бўлган чуқур эътиқод ва саждани билдирган.

Масалан, Бактрия ибодатхоналарида илоҳлар ҳайкаллари билан бир қаторда фақат ҳукмрон Канишканинг эмас, барча олдинги шоҳларнинг ҳам ҳайкаллари ўрнатилиб, уларга сажда этилгани Рабатак битикларида акс этган.^{357, 82} Эрамиздан олдин Хоразм ва Бактрияда катта ҳайкаллар мазмунан аждодлар руҳига сиғиниш маросимларига боғланиб, асосан, сулола аждодлари эътиқодига бағишланган: “ҳукмрон сулоланинг қудрати, шукуҳи ва худоларнинг унга мойиллиги мавзуини мадҳ этиш асосий ўрин тутган”.^{307, 80}

2300 йил олдин ўлкамизда тангаларнинг олд томонида оташгоҳ олдида турган шоҳ тасвирланиб, танга орқасида эса ҳукмрон сулоланинг ҳомийси бўлган илоҳ расми акс этган. Унга сажда этган ҳукмрон эса ўзида ҳам шоҳ, ҳам олий коҳин вазифаларини мужассамлаштирган. Масалан, буюк Кушонлар салтанатида сулола аждодлари эътиқоди кучли бўлиб, Вима Кадфиздан бошлаб тангаларда ҳукмрон шоҳ оташгоҳ олдида қурбонлик келтирувчи коҳин сифатида тасвирланади. Кейинчалик, шоҳлар саройида сулола ҳукмронлари билан биргаликда илоҳлар ҳайкали ўрнатилиб, улар ибодатхона мажмуасига айланиши диққатга сазовордир.

Қадим тангалардаги тасвирларда халқ орасида эъзозланган турли илоҳалар шоҳлар бошига тож кийдиради, ғалаба гулчамбарини тақдим этади, шоҳ қудратли ҳайвонлар шаклида ишланган

тахт устида виқор билан савлат тўкиб ўтиради, сарой ибодатхона-сининг оташгоҳи олдида қурбонлик келтиради, яъни олий коҳин – диний раҳбар мақоми тасдиқланади. Бир сўз билан айтганда, *халқ назарида шоҳ ҳукмронлигининг илоҳий фатво олгани тасдиқланади*. Холчаён саройининг деворларидаги расмларда ҳукмронларнинг ҳарбий шукуҳига илоҳларнинг фотиҳа бериши тасвирланган.^{317: 39}

2500 йил олдин пайдо бўлган “эвгемеризм” назариясига биноан, илоҳ ва илоҳалар сиймосида ўтмишда яшаган шоҳ ва маликалар хотираси мужассамлашган. Шоҳларга бундай муносабат дунёнинг барча халқларида мавжуд бўлган. Масалан, қадим Италия ва Юнонда шоҳ айна пайтда коҳинлик вазифасини ҳам бажариши оддий ҳолат бўлган. Боз устига, унинг шахси илоҳийлаштирилган ва бунга ишонч қатъий бўлган. Кўп ҳолатларда шоҳ фақат инсонлар ва худо орасидаги воситачи эмас, балки ўзи ҳам илоҳий кучга молик шахс сифатида эъзозланган. Яъни шоҳнинг раиятга фаровонлик келтириш қобилияти ва қудратига ишонишган. Кейинчалик, Республика ўрнатилиб, шоҳ вазифаси бекор этилганида ҳам Афинада рамзий сифатда шоҳ ва малика сайланган ҳамда диний вазифаларни ўтаган. Рим шаҳрининг коҳини эса Қурбонликлар Шоҳи ёки Муқаддас Маросимлар Шоҳи деб аталган ва унинг хотини Муқаддас Маросимлар Маликаси сифатида турли мистерия(диний удум)ларда иштирок этган. Юнон демократияларида тождор шоҳлар Марказий Давлат Ўчоғи деб аталувчи бино ёнида коҳинлик вазифаларини бажарган.^{431: 18-19}

Қадим Бобил ҳукмронлари ҳаётлигидаёқ ўзини худо деб эълон қилган ва айрим сулола вакиллари шаънига ибодатхоналар қурилиб, уларнинг ҳайкаллари ўрнатилган ва халқ у ерда қурбонликлар келтириши мажбурий бўлган. Йилнинг саккизинчи ойи шоҳларга сиғинишга бағишланган: янги Ой туғилиши ва унинг ҳар ўн бешинчи куни уларга қурбонликлар келтирилган. Парфиялик шоҳлар ўзларини “Қуёшнинг укалари” деб эълон қилган ва илоҳлар сифатида эъзозланган. Миср фиръавнлари ҳам ҳаётлигидаёқ илоҳийлаштирилган ва уларга атаб қурбонлик келтирилган: уларга эътиқод маросимлари махсус ибодатхоналарда махсус коҳинлар томонидан бажо келтирилган. Мисрликлар эътиқодида Фиръавн худо саналиб, унинг ҳукми нафақат Миср, балки бутун дунёга – еру осмондаги жамики мавжуд нарсаларга тарқалган. Ўлганидан кейин эса фиръавн илоҳийлаштирилиб, худоларга мансуб барча сифатлар унга ўтган.^{431: 123-124}

Шу аснода, ўлкамизнинг қадим ҳукмронлари ўзларини худога тенглаштиргани, замона зайлига кўра халқни бошқариш учун

зарурий омил бўлган, десак хато қилмаймиз. Муғ тоғидан топилган қадим ҳужжатларда Сўғд шоҳларига “Худо” деб мурожаат этишгани маълум. Кушон шоҳлари эса ўзини расман “Девапутра – Худо ўғли” деб аташгани тангалардан маълум. Покистондан топилган ёзувда ҳам Кушон шоҳи Важешку “Девапутра” ва “Деваманус” – “инсон қиёфасидаги худо”, деб номланган. Афғонистондан яқинда топилган Рабатак ёзувида ҳам Кушонлар шоҳи Кушон I га Худо маъносини англлатувчи “Баго” нисбасини беришган. Яъни Кушон императори ўзини нафақат “Худо ўғли”, балки Худонинг айнан ўзи билан тенглаштирган. Тангаларда Кушон шоҳи бошининг орқасидаги нурли нимб шу ғояни етказишга қаратилган, деб ҳисоблайди бу маълумотларни келтирган олим.^{270: 175}

Кушон империяси ибодатхоналаридан топилган шоҳларининг ҳайкаллари уларга илоҳларга ўхшаб сажда қилишганидан далолат беради. Матхурада шоҳ Хувишкага ўрнатилган ҳайкал ўзининг ҳаётлик пайтидан сақланиб келмоқда, деб ҳисоблашади. Рабатак ёзувида айтилган: “Канишка I (аждоди) Куджула Кадфиз, (бобоси) Садашкан, (отаси) Вима Кадфиз ва ўзининг ҳайкалларини ясаб, ибодатхонага қўйишни амр этган”. Яъни ҳаётлигидаёқ ўзига ва шоҳ сулолага топинишга мажбур қилган. Канишканинг бир томонида Қуёш ва бир томонида Ойни ифодаловчи икки илоҳ орасида турган тасвири мавжуд.^{270: 175}

Кушон подшоси Канишка ўзи зарб этган тангаларда чавандоз сифатида намоён бўлиб, бошининг тепасида тасмалар билан безатилган илоҳий ҳукмронлик гулчамбарини баланд кўтариб турибди (399-расм).



399-расм. Илоҳий ҳукмронлик рамзи – гулчамбар кўтарган шоҳ.

Ўзини илоҳийлаштиришга интиланган Кушонлар қадим дунёда ёлғиз бўлмаган. Хитой императори само ижозати билан ҳукмронлик қилиши ва ўлимидан кейин “муқаддас мақом” олишига ишонган. Аршакийлар империяси тангаларида ҳукмронлар ўзини “Теос” (Худо) деб атаган. Месопотамияда ҳам шоҳларни илоҳ даражасига кўтариб, уларга сажда қилишган ва, шу тариқа, шоҳ сулоласи ило-

ҳийлаштирилган. Рим императорларига ҳам сажда қилиш эътиқоди юзага келган.^{270: 176}

Олимлар фикрига биноан, кушонлар фақат шоҳларини эмас, балки ўз салтанати – империясини ҳам илоҳийлаштиришга уринган. Канишка ва Хувишка тангаларидаги “Фарро” ёзуви орқали бутун салтанат илоҳий кучлар паноҳида ривожланишига ишора қилинади. Рабатак ёзувида Аҳура Мазда исмидан кейин иккинчи турган Мазда Вана – “Буюк Жаҳонгир” ёки “Зафарли” илоҳи Кушон тангаларида чавандоз шаклида тасвирланганлиги ҳарбий қудратни ифодалаган. Шу ёзувда Канишка ўз ҳукмронлигини “Нана ва барча илоҳлар қўлидан олган”и ҳам айтилган. Кушонлар босиб олган халқларини бўйсундириш учун ўз илоҳий мақомини омма онгига сингдирганлиги аниқ ва улар ўзларининг бу мақсадига эришади ҳам. Одамлар империя бўйлаб улар шаънига диний бахшидалар қилиб, ибодатхоналарда ёзувлар қолдиради: “Буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи, само ўғлони Кушонга саломатлик тилаймиз”, “Худо ўғли Хувишкага фаровонлик бўлсин” ва ҳоказолар.^{270: 177}

С. Толстовнинг фикрича, Хитой солномаларидаги Хоразм, Бухоро, Кабудан, Тошкент, Кушания, Маймург, Вардана ва Кеш шоҳларининг Чжао-ву шаклидаги исми аслида Сиёвуш исмининг хитойча талаффуз этилиши билан боғлиқ бўлган. VIII асрга доир Сўғд хатларида шоҳга “Худо” деб мурожаат этишган.^{402 319} Шу тариқа, одамлар ўзларини ҳам Буюк салтанатнинг буюк аъзолари деб ҳис этишган ва шоҳ сулоласи эътиқоди уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Беруний куз келганида, Хоразмшоҳ ўғузларни чегарадан ҳайдаш учун анъанавий бўлиб қолган юришга чиқиш “фагбурия” – “шоҳ чиқиши” маросимини таърифлайди. Хурзод исмининг маъноси “Қуёш ўғли” бўлиб, хоразмча багпур (арабча фағфур) – Хоразмшоҳга дунёвий ҳамҳукмрон маъносини билдирган. Яъни Хоразмшоҳлар шахси муқаддас ҳисобланиб, улар ерга тушган илоҳ сифатида кўрилган.

Ўлкамиз обидаларидаги шоҳлар ва шоҳ оиласи аъзоларининг ҳайкаллари ҳамда тасвирлари шу анъанани давом эттирган ва шоҳ сулоласи эътиқодини ривожлантирган, десак хато бўлмайди. Шоҳнинг номини ибодат пайти ёдга олиш ва тангаларда ёзиш ҳам муҳим кўрсаткич ҳисобланган. Бактрияда танга зарб этиш юксак чўққиларга чиқиб, Юнон-Бактрия шоҳларининг тангалари, бадий жиҳатларига кўра, дунёда энг яхшиларидан бири ҳисобланади:


олд томонидаги шоҳларнинг портретлари ўта салобатли бўлиб, танганинг орқа томонидаги илоҳлар ўша давр халқ эътиқодларининг ҳужжатлаштирилган далилидир. VIII асрда Сўғдда зарб этилган тангаларнинг ёзуви қўшалоқ – сўғд ва хитой тилларида ёзилганидан хитойликлар тангаларимизни Буюк ипак йўли савдосида тан олгани аёнлашади.^{357: 75-76, 127}

Ўрта Осиё ҳукмронларининг илм-фанга маълум энг қадимий унвони – кави бўлиб, аҳамонийлар давридан олдинги Бактрия шоҳларининг нисбаси бўлган. И. Дьяконов фикрича, аввалига, кави – “шоир, башоратгўй” дегани бўлиб, кейинчалик, шоҳ унвонига айланади. Айтиш мумкинки, кави – башоратгўй шоҳ деган маънони англатган. Бу борада Муҳаммад пайгамбарни ҳам қабиладошлари аввалига, “бир шоир-да...”, дегани эътиборга сазовор. В. Лившиц фикрича эса, кави унвони асосан, зардуштийлар жамоасига қарама-қарши турган кўчманчи қабилалар бошлиқларига мансуб бўлган. Шунингдек, кави – қабиланинг олий коҳини ҳам бўлиб, ўз қўлида ҳам дунёвий, ҳам диний ҳукмронликни бирлаштирган. Олимнинг тахминига кўра, бу ном – э. о. II мингйилликка оид унвондир. Кейинчалик, Хоразмшоҳлар ва ўлкамизнинг ўзга ҳукмронлари ҳам ҳукмронликнинг юқорида номланган иккала риштасини ўз қўлида сақлагани эътиборга лойиқдир. Э. Ртвеладзе қуйидагича хулоса қилади: демак, ўзининг дастлабки ривожланиш палласидаёқ, ўлкамиз давлатлари теократик, яъни сиёсий ҳукмронлик руҳонийлар қўлида мужассамлашган тизма бўлган. Кушон тангаларида шоҳ оташгоҳ ёнида коҳинлик вазифасини бажариши тасвирлангани шунга далил бўла олади.

Бу анъана ўлкамизнинг барча минтақаларида қўлланганидан Сурхондарёнинг Кампиртепа обидасидан топилган шоҳ ҳайкалчаси ҳам далолат беради (400-расм). Олимларнинг фикрича, ҳайкалчанинг бўйнидаги қалин тақинчоқ ва чап қўлидаги ҳукмронлик асосига қараганда, шоҳ тасвирланган.^{144: 292} Ҳайкалча ибодатхона мажмуасидан топилгани эса, унинг дафн маросимларида ишлатилганидан далолат беради. Назаримизда, Сурхондарёнинг шу даврга оид яна бир ҳайкалчаси ҳам коҳинни тасвирлаган (401-расм), чунки унинг бошидаги серҳашам қалпоқ, ўша пайтдаги дин пешволарига хос ҳалқачали пешонабанд билан бойланган бўлиб, ўнг қўлида йирик гул чаноғи, эгнида эса, шалвар эмас, коҳинларга хос чопон кийилган. Эҳтимол, у хаома тайёрловчи коҳинлар табақасига мансуб бўлган.



400-расм. Шоҳ ҳайкалчаси
(Кампиртепа, I-II асрлар).



401-расм. Коҳин ҳайкалчаси
(Сурхондарё Чақмоқтепаси,
II-III асрлар).

Биз юқорида тадқиқ этаётган кави атамасига қайтадиган бўлсак, В. Лившиц тахминига кўра, эрон мифологиясида кави – Зардуштга ҳомийлик қилган ва мартабаси улуғ ҳукмронлар бўлган.^{357: 59-60} Авестода иккига бўлинган коҳинлар жамоалари орасидаги беаёв кураш тасвирланган бўлиб, кави номлиларидан Зардушт издошлари ажралиб чиқади. Улар орасидаги кураш Айрьянем-вэджо – Хоразмда бошланиб, Бактрияда тугалланади. Қадим Хоразм афсоналари эрамиздан олдинги V-IV асрларда бактриялик “атраванлар” – олов коҳинлари томонидан ўзлаштирилиб, маҳаллий диний муҳитга мослаштирилади.

Масалан, Бухоро воҳасида эрамизнинг IV-V асрларида муомалада юрган ва “Турон” серияси номи билан танилган тангаларда ҳам оташгоҳ тасвири ёнида “кави” сўзи ёзилган. VI-VII асрларга мансуб бўлган Бухорхудотларнинг тангаларида мавжуд “pwe’r xwb k’w” ёзувини, одатда, “Бухоро ҳукмрони – шоҳ”, деб таржима қилади олимлар. Бу ёзувда “k’w” – шоҳ, дегани. Э. Ртвеладзе хулосасига биноан, “кави” унвони – маҳаллий, Ўрта Осиё

заминида вужудга келиб, айрим минтақаларда салкам бир ярим минг йил давомида халқ орасида муомалада бўлган.^{357: 61}

Ўлкамиз афсоналарида қаҳрамонлик кўрсатган аждодларимиз шоҳ деб номланиб, Шаҳристоний маълумотида биноан, Самарқанд қурилишини Ковус ўғли Сиёвуш ниҳоясига етказган. Унинг ўғли Кайхусрав Самарқандда туғилиб, ўша ерда Варахран шаҳнига атаб Олов уйи бунёд этган. Самарқанднинг VI-VIII асрларга мансуб сопол ҳайкалчалари ва буюмларида илоҳалардан кейин тождор шоҳларнинг тасвири иккинчи ўринда туради. Тожида қуш қанотлари ва боши тепасида сайёра рамзи ифодаланган.^{345: 135}

Қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз халқига фаровонлик келтирувчи шоҳ-аждод ҳақидаги афсоналардан бири ўлкамизда ашъвий далил топган. Эрамиздан олдинги I мингйилликнинг ўртасига мансуб Хоразмнинг Чирикработ обидасида мақбаралар қадимдаёқ талон-торож қилинганига қарамай, пахса остида айрим буюмлар сақланиб қолган. Шулар ичидан бир муҳрда шоҳнинг фантастик ҳайвон-аждарҳо билан кураши тасвирланган^{406: 147} (402-расм).

Бу саҳнани олимлар қадимги Вавилон эпосида акс этган Мардукнинг Тиамат билан жанги саҳнасига ўхшатади (403-расм). Мардук камон, найза, чақмоқ, тўр ва сеҳрли ўт олиб, тартибсизлик рамзи Тиаматга қарши жангга бўрондек отилади. Ғалаба қозониб, Тиаматни иккига ёради ва ер билан осмонни яратади. Бу мавзу кўп халқлар мифологиясида акс этади ва Кушон тангаларида шоҳ “Буюк халоскор” сифатида гавдаланиб, танга ортидаги Чавандоз тасвири эса ҳомий ва қаҳрамон тимсолида ифодаланади.^{345: 135}




402-расм. Қаҳрамон шоҳнинг аждарҳо билан кураши.
(Хоразмнинг Чирикработ обидаси).

Аждод-шоҳнинг сулола равнақи йўлида ёвуз кучлар рамзи аждарҳо билан кураши Қарши воҳасининг III-IV асрларга мансуб тангаларида ҳам акс этган (404-расм).

Сўғд шаҳристонларидан бирида ҳам қаҳрамон Рустамнинг илоноёқли жодугар билан кураши тасвирланган (405-расм).

Кейинчалик, бу мавзу ўрта аср миниатюраларида Рустамнинг аждарҳо



403-расм. Мардукнинг Тиамат билан олишуви
(Вавилон).



404-расм. Шоҳ-аждоднинг аждарҳони мағлуб этиши.
(Қарши воҳаси, III-IV асрлар).



405-расм. Рустам илоноёқли жодугар билан курашмоқда.

билан кураши сифатида кўплаб тасвирланади. Бунга мисол – Мурад Муҳаммад Самарқандийнинг 1557 йили “Шоҳнома”га чизган миниатюралари.^{112: 51}

Аждарҳога қарши курашувчи ўлкамиз қаҳрамонлари қаторида Македонский босқини билан Римдан кириб келган Гераклни ҳам номласак бўлади. Эрта Кушон тангаларида унинг йўлбарс терисидаги, қўлида гурзи ва олма ушлаган тасвири мавжуд (406-расм). Шунингдек, унинг ҳайкали Жолчаён саройининг пештоқида тасвирланиб, эрамизнинг биринчи асрларига доир Зартепа идишида ҳам ўйилган (407-расм).



406-расм. Геракл (I асрга мансуб Кушон тангаси).



407-расм. Зартепалик Геракл (эрамизнинг биринчи асрлари).



408-расм. Афросиёблик Геракл.



409-расм. Гурзи кўтарган афросиёблик шоҳ-Геракл.


Гераклнинг қаҳрамонликларидан бири – Лернея гидрасини янчиши Афросиёб чироғдонида ҳам тасвирланиб (408-расм), шу ернинг яна бир сопол ҳайкалчасида маҳаллий ҳукмрон ўзини Геракл каби гурзи билан ифодалагани диққатга сазовор^{345, 136} (409-расм).

Эрмитажда сақланувчи ва VI-VII асрларга мансуб лаганда Геракл Сўғд тўйида зиёфатда ўтиргани тасвирланган (410-расм).


Далварзинтепада шоҳ сулола эътиқоди доирасида топилган тиллакори бўйинтақинчоқ (зебигардон)нинг сердолик тошидаги Геракл тасвири қаҳрамонлар мавзусини давом эттиради (411-412-расмлар).



410-расм. Сўғдлик Геракл тўй зиёфатида. (Эрмитаж, VI-VII асрлар).



411-расм. Тилла бўйинтақинчоқ (Далварзинтепа, I аср).




412-расм. Далварзинтепалик Геракл (I аср).

Худди шундай тақинчоқлар Айритом (Термиз) пештоқида ўйилган мусиқачиларнинг ҳам бўйнида акс этгани эътиборга сазовор.^{144, 271} Геракл тимсоли ўлкамизда халқ орасида анча таниш бўлиб, унинг шоҳона сулола шукуҳи билан боғлиқлиги ҳақида Юнон-Бактрия даврига оид танганинг олд томонида Геракл боши, ортида эса – чопаётган от тасвирлангани ҳам дарак беради (413-расм).

Сурхондарёнинг Далварзинтепа обидаси тангасининг ҳам олд томонида – фил шаклидаги дубулға кийган шоҳ тасвири, ортида эса – Геракл қиёфаси зарб этилган (414-расм).

Тангадаги худди шундай тасвир Сурхондарёнинг яна бир обидасидан топилгани бу тангаларнинг халқ орасида кенг муомалада бўлганидан, демакки, унда тасвирланган ва биз ўрганаётган




413-расм. Геракл тасвири. Кампиртепа тангаси (э. о. 230-200 йиллар).



414-расм. Геракл тасвири. Далварзинтепа тангаси (э. о. 200-185 йиллар).



415-расм. Кампиртепа тангаси (э. о. II аср).



416-расм. Далварзинтепа тангаси (э. о. I аср).

тарихий сиймонинг ўз даврида етарлича юқори нуфузга эга бўлганлигидан далолат беради (415-расм).

Ўлкамизда шоҳлар ўз ҳукмронлигини яна қатор Юнон-Бактрия илоҳ-қаҳрамонлари билан уйғунлаштиргани Далварзинтепа тангасида ҳам уз аксини топган (416-расм) бўлиб, орт томонида ўнг қўлида бир тутам чақмоқлар ва чап қўлида – айри ушлаб турган илоҳ тасвирланган. Яна бир медальонда эса Геркулес акс этган (417-расм).

Тадқиқотчиларнинг, қадимда ҳукмронлик қасри ҳам шоҳ ҳукмронлиги каби *илоҳий моҳиятга эга* бўлган, деган кузатишлари Беруний асарларида ўз аксини топган: “Ҳукмронликка ҳуқуқ ўзгалардан лойиқроқ бир киши қўлида мужассамлашади ва ундан авлодларига, меросхўрига ўтади ва, пироварднатижада, салтанат унга мансуб бўлиб қолади. Бунга... юқоридан мадад ва илоҳий амр қўшилиб, салтанат риштаси қайси сулола шажарасидан



417-расм. Веретрагна-Геркулес тасвирланган медальон.

четга чиқиши ман этилиши кўрсатилади... Шоҳлар ўзгалардан шу хусусиятлари билан фарқланиб..., саройлар барпо қилади, катта қасрлар, кенг ҳовлилар ва майдонлар қуради ҳамда ўз тахтларида – юқорида ўтиради. Бунинг барчасини самога кўтарилиш ва зодагонлар ҳамда оддий(халқ)дан юксак бўлиш учун бажаради”^{74: 27}

Дарҳақиқат, олимларнинг фикрича, *Хоразмдаги Тупроққалъа* обидаси жаҳон цивилизациясида антик шаҳарнинг мумтоз намунаси бўлиб, унинг маҳаллалари, сарой, ибодатхона ва Олов уйи бир пайтнинг ўзида бир тарҳ асосида қурила бошлаган.^{462 1} Тупроққалъага миллионлаб ғиштларни (40x40x10 см ва оғирлиги 38 кг) бутун Хоразм усталари тайёрлагани турли обидаларда ишлатилган ғиштлардаги тамғалардан маълум.^{334: 53}

Тупроққалъа саройининг квадрат шакли дунёнинг тўрт томонлама тузилиши, жаҳон тоғи маъносини англатиб, қадимгиларнинг тасаввурига кўра, унинг марказидан дунё ўқи ўтган ва у “*Ер киндиги*” деб ҳисобланган. Айнан шу жойда меҳроб ўрнатилиб, қурбонликлар келтирилган. Фаразий ўқнинг сарой квадрати билан кесишув маркази уч аркли пештоқ билан белгиланиб, шунинг ўзи ҳам дунё тузилиши рамзи ҳамда Ҳаёт дарахтининг кўринишларидан бири ҳисобланган. Қадим ибодатхоналарда айнан шу марказда турли диний маросимлар ўтказилган. Тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, шоҳ маросимлари ва зал ёнидаги ибодат хоналарида бошланган диний маросимлар шу марказда ниҳоясига етган. Марказий арк тагида шоҳ жойлашиб, иккита ёнидагисида эса илоҳ ҳайкали ва муқаддас олов ёндирилган оташгоҳ турган. Учта равоқ Аҳура Мазда, Митра ва Анахита илоҳлари эътиқодига бағишланган бўлиши ҳам мумкин. Умуман, сарой тарҳида учлик ғояси бот-бот учраши бундай фаразларга йўл очиши табиий. Бироқ вақт ўтиши билан, сарой ташлаб кетилганида диний рамз ва сеҳрли қудрат намойиши сифатида кўрилган равоқли пештоқ ва марказий тахмон, эҳтимол, ирим юзасидан вайрон этилган.^{413: 72-73}


Ю. Рапопорт обидани шундай тасвирлайди: 80x80 м сатҳда жойлашган саройнинг баландлиги 14,5 м бўлиб, биринчи қаватининг ўзидаги 100дан ортиқ хона деворларида илоҳлар ва шоҳлар тасвирлари ҳамда ҳайкаллар одамни ҳайратда қолдиради. Марказий зал ёнидаги шахтани олим 7 м чуқурликка кавлаб, тубига етмагани туфайли, балки у муқаддас ҳисобланган қудуқ бўлиши мумкин, деб фараз қилади. Саройдан чап томонда тантаналар ҳовлиси ва айвон бўлган.^{331: 228, 231-232}

Шоҳларга эътиқодга бағишланган Тупроққалъанинг “Шоҳлар зали” меъморий тарҳи ва безатилишига кўра, мазкур обидалар орасида энг маҳобатлиси бўлгани табиийдир. Деворлари атрофида

кенг супалар кўтарилиб, ингичка тўсиқлар ёрдамида тахминан 23 та алоҳида олди очиқ “хужралар”га бўлинган. Жами залда 138 та ҳайкал ўрнатилган: марказда инсон баландлигидан бир ярим баравар катталиқда бажарилган тождор ҳайкаллар шоҳларни ифодалаган. Уларнинг ўнг тарафида ҳақиқий баландликда ясалган иккита аёл ҳайкали (бири – кичик тагкурсида), чап томонида эса эркак ҳайкали ўрнатилган. Ҳар бир қисмининг бурчагида зинали тепалик бўлиб, эҳтимол, унга кичик ҳайкал ёки исириқдон қўйилган ва аждодлар руҳига атаб қурбонлик келтирилган (418-расм).

Кириш эшиги бурчакда жойлашиб, остона ёнидаги томонлари 2,5 м квадрат шаклидаги оташгоҳда аланга ёнган. Оташгоҳнинг қизиқ жойлашувини олимлар қурбонлик келтирувчи одам супалардаги ҳайкалларга орқасини ўтирмаслиги ва ҳамма томондаги алоҳида хужралардан кўриниб туришини таъминлаш билан тушунтиради. Деворларда турли расмлар чизилиб, ҳайкалларга ўзига хос кўзгу вазифасини бажарган. Бу зални ўрганган тадқиқотчи барча 23 та хужрадаги ҳайкалларни бирма-бир тавсифлаб, қуйидаги хулосаларни чиқаради.^{413 120-130}

“Шоҳлар зали” ибодатхона бўлиб, кираверишидаги оташгоҳда муқаддас олов ёнган ва қурбонликлар келтирилиб, хужралардаги катта ҳайкалларга сажда қилинган. Марказий девордаги учта хужра энг муҳим илоҳларга бағишланиб, ҳар бирида қолган учта шахс барельефи марказий ҳайкалга қаратилган. Марказий ҳайкаллар турли шахсларга тегишли бўлганлиги (уларнинг) тузилиши ва кийими, жумладан, бошларидаги қалпоқларидан аён. Марказий ҳайкалдан ўнг томонда иккита аёл барельефи тасвирланган, бири пирамидасимон баландликда жойлашиб, чап томонида эркак киши барельефлари ўрнатилган. Бу



418-расм. “Шоҳлар зали” (Хоразм Тупроққалъаси).

мақомнинг барча ҳужраларда бот-бот қайтарилиши диний маросимдан далолат бериб, чеккалардаги шахслар сажда қилаётганларни ифодалаган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди тадқиқотчилар. С. Толстов марказий ҳайкалларнинг бургутсимон тожларига асосланиб, улар шоҳларни ифодалаган, деб ҳисоблайди. Бургут эса Қуёш рамзи сифатида Хоразм эътиқодига мос тушади. Унда марказда ўтирган эркак – сулоланинг марҳум аждоди, тагкурсидаги аёл эса, ғалаба ёки омад илоҳаси, супа четдаги аёл – малика, четдаги эркак ҳайкалчаси бўлса, сулола меросхўри – тирик шоҳни англатади. Бурчақда эса, эҳтимол, қурбонлик идиши тасвирланган бўлиши мумкин (419-расм). Яна бир ҳайкалчанинг ёмон сақланиб қолган боши ҳам ўзининг улуғворлиги ва салобати билан қадим аждодларимизнинг қиёфасини намоён этади (420-расм).

Шунга асосланиб, олим қуйидаги хулосага келади: расмда акс эттирилганидек, айни пайтда ҳукмронлик қилаётган шоҳ-коҳин оташшоҳ устида исириқ тутатиш, суюқлик сепиш ёки атама ҳадялар қўйиш ёрдамида оламдан ўтган сулола аждодига атаб қурбонлик келтирган. Хоразм салтанати Сиёвуш ва ўғли Кайхусрав томонидан асос топганлиги тўғрисидаги Беруний қолдирган маълумотларга таяниб, олимлар “Шоҳлар зали”нинг марказида, эҳтимол, шу икки афсонавий шахс, қолганлари эса – Хоразмшоҳлар сулоласининг намояндалари, деб тахмин қиладилар.

Шу билан бирга, “Шоҳлар зали”нинг моҳиятини тушунтириш билан боғлиқ иккинчи тахмин бўйича, бу – илоҳлар пантеони



419-расм. “Шоҳлар зали”даги ҳайкал.




420-расм. Тупроққалъа ҳайкали.

ибодатхонаси бўлиши мумкин. Унда марказдаги илоҳа Анахита бўлиб, ёнидаги бола Апам-Напат – «Сув фарзанди» бўлган. Бу ўғлонга бағишланган қандайдир жойда тақвимда белгиланган «сув куни»да Анахитага қурбонлик келтирилгани Авестода ўз аксини топган.^{413: 135}

Назаримизда, марказдаги энг катта тахмонда эҳтимол, малика ва боласи билан шоҳ-аждод тасвирланган бўлиши мумкин, чунки Хоразмнинг Қўйқирилганқалъасида айнан шундай саҳна оташгоҳ рўпарасида акс этгани маълум. Зал илоҳлар ва илоҳийлаштирилган аждодларга сиғиниш учун сарой ибодатхонаси вазифасини ўтаганлиги аён. Тупроққалъанинг жануби-шарқий қисмидаги хонанинг марказида оташгоҳ бўлиб, девор тасвирларидан ҳилол Ой тақилган тож кийган аёл боши сақланиб қолган. Хонага кириш деворида эса иккита жуда катта рисола ўрамани эҳтиром билан махсус ёстиқчада олиб кираётган киши тасвирлангани диққатга сазовор.^{405: 214, рис 89}


Бу шахс тепасида катта уч баргли гуллар чизилганлиги асосида уни коҳин деб ҳисоблашади. Кийимида оқ ва қизил ранг аралашгани эса унинг шоҳона моҳиятини акс эттиради. Хонанинг шарқий деворида рисолаларга мосланган 75 см узунликдаги токча борлиги асосида Ю. Рапопорт бу шахс шоҳ-коҳин бўлиб, муқаддас битикларни токчада сақлашга ёки оташгоҳ олдида сажда қилишга кетмоқда, деб тахмин қилишида жон бор. Коҳин кираётган хонада девордан бўртиб чиққан оташгоҳ яна фақат “Шоҳлар зали” ва “Ниқоблар зали”да борлиги саройнинг мазкур учта ибодатхонаси жамиятнинг етакчи уч тоифаси, яъни коҳинлар, ҳарбийлар ва деҳқон(зодагон)ларга шоҳ раҳбарлик қилишини билдиради.^{331: 2335-236} Мазкур тизма шоҳга эътиқод ғоясини акс эттириб, унинг аҳамиятини яққол ва бўрттириб кўрсатган. Ибодатхоналардаги ўзига хос эътиқод ашёлари ва тасвирлар эса махсус ибодат ва сажда маросимлари ўтказилганидан далолат беради. Деворларга тақаб терилган бир турдаги бўртик тагкурсилар кўчма оташгоҳ ёки исириқдонлар учун яратилгани аён.

Тупроққалъанинг бошқа, “Аскарлар зали”да ҳайкаллар жойлашган 11 та катта тахмон бўлиб, шарқий девордаги катта оташгоҳ рўпарасидаги деворда асосий, энг катта тахмон ўйилган (421-расм).



421-расм. “Аскарлар зали” (Хоразм Тупроққалъа обидаси).

Ярим одам бўйи баландлигида ясалган ҳайкалларда совут кийган аскарлар тасвирланган ва улар марказдаги катта ҳайкалларга, назаримизда, шоҳ-лашкарбоши томон эҳтиром ила ўгирилиб турган (422-расм).




422-расм. “Аскарлар зали” деворий тасвири.

Катта ҳайкаллар бурама (спираль) шакл ичида тасвирлангани борасида айрим олимлар, бу – қўй шоҳлари бўлиб, фарн – омад рамзи, деб ҳисоблайди. Тупроққалъа шаҳар ибодатхоналаридан бирида тасвирланган тоғ қўйининг катта шоҳларида зарҳал билакузуклар бўлган. Зардуштийликда эса, қўй – уруш ва ғалаба илоҳи Веретрагна қиёфасининг рамзларидан бири бўлган. Яъни “Аскарлар зали”даги қўй-фарн белгиси шоҳ сулоласининг ғалаба қозонишини ифодалаган бўлиши эҳтимол. Веретрагна номи билан зардуштийликда олий табақа муқаддас оловларни аташгани залда катта оташгоҳ борлигини тушунтиради: демак, бу ерда шоҳ иштирокида унинг лашкарбошилиқ вазифалари билан боғлиқ маросимлар ўтказилган, бутун мажмуа эса шоҳларга сажда маросимлари учун ишлатилган.^{413 106}

Мантиқий равишда шоҳ ғалабаларини илоҳалар фотиҳаси ёрдамида мадҳ этиш учун Тупроққалъа “Ғалаба зали”нинг ғарбий деворида оташгоҳ бўлиб, рўпарасидаги девор марказидан кичик саҳна бўртиб чиқарилган. Шимолий деворидаги катта девор

тасвирида ўртада тахтда шоҳ ўтирибди, икки ёнида эса аёл ҳайкаллари тик турибди. Уларни олимлар шоҳ ҳукмронлигининг илоҳий илдиэлари ва ўзгармаслигини ифодаловчи илоҳалар, деб талқин этишади. Ўнг томондаги ҳайкал Ғалаба илоҳаси Ника бўлиб, у кушонларда Хванинда деб ҳам аталган. Чап томонда эса фаровонлик ва осойишталик илоҳаси Ордохшо тасвирланган (423-расм). Бу қайта тикланган расм сақланиб қолган асл ҳайкалдан амалга оширилган (424-расм).



423-расм. “Ғалаба зали” девор тасвири.



424-расм. Асл ҳайкал қолдиғи.

Бошқа деворлардаги тасвирлар ва ҳайкал қолдиқларини олимлар ўша давр тангаларидаги тасвирлар билан солиштириб, шоҳга муқаддас олов ёниб турган оташгоҳ рўпарасида ҳукмронлик рамэларини бераётган илоҳалар ва шу билан боғлиқ маросимлар ўтказилган дейишади.^{413: 114-115} Тупроққалъадагига ўхшаш саҳналар ўлкамиз тангалари ва тасвирларида акс этгани шоҳ-сулолага эътиқод кучли бўлганлиги ва бу ҳолат одамларни ўтганларнинг ҳурматини сақлаб, уларни доимий равишда муносиб тарзда хотирлаб туришга чорлаганлигини кўрсатади.

Шоҳ аждоднинг ёмонлик кучлари билан курашиб, ўз халқига фаровонлик ато этиш мавзуси *Сўғднинг Қалъаи-Қаҳқаҳа* саройининг девор тасвирларида ҳам ўз аксини топган. Квадрат шаклидаги кичик залнинг 5м баландликдаги деворий тасвирларида шоҳнинг ўз лашкари билан девлар ва ёвуз кучлар тўдаларига қарши кураши

тасвирланиб, яхшилик томонида илоҳ, илоҳа ва ўзга самовий кучлар мадад бермоқда. Кириш рўпарасидаги супа-эстрада тепасида от шаклидаги тахтда салобатли эркак ўтирибди. Ибодатхона остонасида ҳам от кўмилгани диққатга сазовор. Тепасидаги равоқ остида арфа чалаётган аёл ва эркак мусиқачи тасвирланган. Бу марказий тасвирнинг икки томонида уч қаватли турли расмларда зодагонлар ва жангчилар акс этган. Маросимлар пайти пастдаги супада тирик шоҳ ўтирган ва, шу тариқа, аждодлар руҳи ва сулола бошлиғига эъзоз билдирилган, деб ҳисоблайди тадқиқотчи Н. Ниғматов. Шоҳга “Илоҳлар илоҳи” деб мурожаат этишгани туфайли, у, айна пайтда, бош қоҳин ҳам бўлганлиги муқаррар, албатта.^{277: 147-150}

Шундай тасвирлар Сўғднинг Панжикент ва Варахша девор расмлари ва ҳайкалларида ҳам ўз аксини топгани анъанавий эътиқод шаклланиб бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, В. Шкода, бу ерда маҳаллий аҳоли ўртасида эъзозланган илоҳ тасвирланган, Панжикентда эса шер устидаги илоҳа ибодатхонаси бўлган, деб ҳисоблайди.^{452 63} Бунга Н. Ниғматов эътироз билдириб, шоҳ ўтирган супа рўпарасидаги деворда илоҳанинг иккита тасвири борлигига урғу беради.

Бизнинг фикримизча, бу залда иккита эътиқод, яъни аждодлар руҳига сизиниш ва маҳаллий илоҳлар эътиқоди уйғунлашиб кетган. Буларнинг ўртасида эса маросимлар пайти тахтда ўтирган тирик шоҳ илоҳийлаштирилган аждодларидан ўз яқинлари, мулозимлари билан бирга давлатига фаровонлик тилаб ва, айна пайтда, ёмонлик кучлари, жумладан, рақиблари устидан ғалаба қозонишда мадад сўраб мўътабар илоҳларга сажда қилганлиги тасвирланган.

Н. Ниғматов ўз тадқиқотларини шундай тавсифлайди: икки ён деворларда от устидаги уч бошли ва тўртқўлли илоҳ камон отмоқда ва турли қиёфали иккита тўртқўлли илоҳалар ҳам тасвирланган. Илоҳ тожида ҳилол Ой тақилган ва 425-расмда тасвирланган биринчи илоҳада ҳам шундай рамз бор. Иккинчи илоҳа шер устида ўтирибди, бир қўлида – Қуёш, иккинчисида – Ой, учинчисининг бармоқлари диний рамзий ифодада шаклланган, тўртинчисида эса – асо (426-расм).

Иккала илоҳанинг кийимлари ва рўмоллари ҳаво ранг бўлиб, эҳтимол, сувга ишора этади. Унга қанотли отлар қўшилган аробада тиз чўккан шоҳ яқинлашмоқда. Н. Ниғматов бу илоҳа Сўғд ва Бактрияда шер устидаги машҳур Нана, от устидаги уч бошли илоҳ эса, унинг эри – Вешпаркар деб ҳисоблайди.



425-расм. Бошининг тепасида
ҳиллол Ой тасвирланган
сўғдлик илоҳа.



426-расм. Шер устидаги
сўғдлик илоҳа.

Яна бир деворий тасвирда шер устида ўтирган илоҳанинг бир қўлида шер бошли скипетр, иккинчи қўлида – тепасида олтин қушли туғ, учинчисида – грифон, тўртинчисининг бармоқлари сажда рамзларини ифодаловчи тарзда жипслашган. Юзи атрофидаги ҳиллол Ой учларида олов алангалари чиқмоқда. Ўзидан чапда – Ой, ўнгда эса – Қуёш рамзлари.

Яхшилик кучларига қарши курашаётган девлар ва ёвузлик кучларини сочлари орасида учта бош чаноғи бор дев тасвири ифодалайди (427-расм).



427-расм.
Сўғд обидаларидаги
девлар тасвирлари.

Тасвирлардан шундай маъно чиқариш мумкин: сулола асосчиси бўлган шоҳ самовий кучлар ёрдамида ёвузлик устидан ғалаба қозонади ва кейин тинч фаровон ҳукмронлик даврида авлодлари ва яқинлари билан уларга сажда қилади. Сўғд ва Хоразмда ҳам Қуёш ва Ой рамзлари бор бундай уч бошли ва тўрт қўлли илоҳлар тасвирларининг мавжудлиги минтақа учун умумий ва анъанавий эътиқод рамзлари мавжуд бўлганидан далолат беради.

Панжикент уч бошли илоҳи тепасида ёзилган “Вешпаркар” номи “барчани яратувчи” дегани бўлиб, сўғд, моний ва буддавий матнларда турли талаффузда учрайди.^{66 79} Ой ва Қуёш рамзларини ушлаган Ой илоҳаси Кушон тангаларида юнонча “Селана” ёки купонча “Мао” исми билан зарб этилган. Аш-Шаҳристоний Фарғонада Қуёшга бағишланган Каусан ибодатхонаси 830-йилларда халифа ал-Муътасим томонидан вайрон этилганини маълум қилади.

Мазкур эътиқод эъзозланганига яна бир мисол келтирамиз. Сурхондарё вилояти қадимда Шимолий Бактрия таркибига кирган бўлиб, унинг Шўрчи туманида жойлашган қадимги *Далварзинтепа шаҳристон* Ўзбекистон олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Олимлар уни қадим Чағониённинг эрамиздан олдинги биринчи асрларда шаклланган маркази, деб ҳисоблашади ва у араб босқинидан кейин ҳалок бўлган, деб тахмин қилишади. Дарҳақиқат, у Ўзбекистон жанубида кўҳна Термиздан кейинги энг қадимги шаҳар бўлиб, у ерда эрамиздан олдинги II мингйилликда суғориладиган зироатчилик ривожланган. Эрамиздан олдинги I мингйилликнинг биринчи чорагида Сурхон воҳасида шаҳар туридаги цивилизация шаклланади, эрамиздан олдинги IV асрдан то бизнинг III асргача шаҳар маданияти юксак ривожланади.^{139: 5}

Эрамиздан олдинги II аср ўртасида Кушон қабиласи ҳукмрони Герай ўз сулоласининг исми аке этган илк тангани зарб этади: олд томонида шоҳ расми тагида ўз номи ва сулола аталиши ёзилган, ортида эса, парвоз этаётган Ғалаба илоҳаси Ника от устидаги чавандозга тож кийдирмоқда. Салтанат пойтахти, юқорида таъкидлаганимиздек, Сурхон воҳасининг Далварзинтепа шаҳристониде жойлашган. Ундан 40 км наридаги Холчаён эса иккинчи қароргоҳ бўлган.^{307 12}

Асрлар ўтади, диний эътиқодлар ўзгаради ва уларнинг қурамасидан янги эътиқодлар пайдо бўлади, аммо халқимиз орасида аждодлар руҳига сажда қилиш ва ўтганларнинг хотирасини ёдлаш ҳамда уларнинг руҳларига эҳтиром кўрсатиш анъанаси ўзгармайди. Илгари илоҳалар ибодатхоналари, Олов уйлари ва алоҳида сарой мажмуаларида ўтказилган аждодларга эътиқод қилиш маросимлари буддавийлик кириб келиши билан Будда ҳайкали ўрнатилган

залларда ўтказила бошлайди. Бунга мисол қилиб, саждага келганларда аجدодлар руҳига ҳурмат-эҳтиром ҳисларини уйғотиш учун Далварзинтепа шаҳристонидagi “Шоҳлар зали”да Будданинг катта ҳайкали ёнида шоҳ сулоласига мансуб учта зодагоннинг аслидан каттароқ ҳайкаллари жойлашганлигини курсатиб ўтиш мумкин.^{139 94-95} Шулардан бири ёш шаҳзоданинг бошини тасвирлайди (428-расм).



428-расм. Кушон шаҳзодасининг боши (Далварзинтепа).

Қолган иккита шахс ҳайкалларида кичик бўлақлар сақланиб қолган ва улар, ўз тасвирига кўра, сулоланинг ёши улуғларидан бўлган. Олимларнинг фикрича, эғнидаги зеб-зийнатли либос ва конус шаклидаги учли қалпоқларига қараганда, уларни Кушонлар сулоласига мансуб, дея тахмин қилиш мумкин. Шоҳ-сулола вакиллари атрофида зодагонларнинг ҳайкаллари жойлашган бўлиб, улардан айрим қисмлари сақланиб қолган. Бошида қалпоқ йўқлиги сажда эҳтиромини билдиради (429-расм). Сурхондарёнинг Кампиртепа обидасидан топилган зодагон ҳайкалчасининг Далварзинтепадагига ўхшашлиги Бактриянинг шоҳ-сулола ва аждодлар руҳи билан боғлиқ санъати учун ягона асос ва усул мавжуд бўлганлигидан далолат беради (430-расм).

Зал бурчагида эса иккита аёл ва роҳиб ҳайкалларининг боши сақланиб қолган (431-расм).

Зодагонлар ва аёллар қўлларида гулчамбарлар ушлаганлиги шоҳ-сулолага ва аждодлар руҳига саждага келганидан далолат беради. Бутун саҳна эса икки минг йил олдинги ўлкамиз санъатини ва одамларини ёрқин ифодалайди. Чағониён маркази Далварзинтепада Будда ҳайкали ва шоҳ-сулола эътиқоди битта ибодатхонада мужассамлашганлиги эрамизнинг биринчи асрида у маҳаллий



429-расм. Далварзинтепалик зодагон ҳайкали.




430-расм. Кампиртепа обидаси зодағони (эрамиз боши).



431-расм. Кампиртепа обидаси роҳиби (эрамиз боши).

устувор диний эътиқод даражасига кўтарилганидан далолат беради, деган хулосага биз ҳам қўшилаемиз. Аммо орадан икки аср ўтгач, Будда ҳайкаллари синдирилади ва ибодатхона зардуштийлик саждагоҳига айланади, тангаларда эса, фақат Ордохшо илоҳа зарб этилади ҳамда вайроналар устида науслар пайдо бўлади (432-расм).

Хоразм, Сўғд ва Чочдан фарқли равишда, Далварзинтепадаги ер усти наусларида тозаланган суяклар оссуарийларсиз дафн этилади, бу эса, умуман олганда, Шимолий ва Жанубий Бактрияга хос бўлган таомил, дея хулоса чиқаради Э. Ртвеладзе. Бошқа минтақаларда бир йил давомида оссуарий уйда туриб, унга сажда қилишган бўлса, Бактрияда эса – наусларда маросим ўтказилган. Бунга далил сифатида олим наусларга киришда ерда кул ичида қурбонлик келтирилган нарсалар мавжудлиги, наусларнинг ичида эса кўп мартаба ишлатилган идиш-товоқ ва чироқлар борлигини келтиради.




432-расм. Далварзинтепа науси.

Эсланг, Беруний маълумотларига биноан, муайян кунларда наусларга аждодлар руҳига атаб таомлар қўйишган ва исириқлар тутатишган.^{351: 97-114} Энг муҳими – асрлар оша турли диний эътиқодлар билан аждодларга сажда этиш халқимизда сақланиб бораверади.

Амударё ирмоқларидан бири Сурхондарё қирғоғида Денов ёнида эрамиздан олдинги I асрга мансуб Холчаён сарой мажмуаси жойлашган. У ўзининг сопол ҳайкаллари ва девор тасвирлари билан олимлар эътиборини тортган ва қадимги жаҳон ҳайкалтарошлигининг энг мумтоз намуналари қаторида баҳоланган. Бу бетакрор санъат обидаси кўҳна Бактрия ва Кушон маданиятларининг соф маҳаллий ривожига маҳсули, деб хулоса чиқарилган.^{306: 307 7}

Дарҳақиқат, Александр Македонский қўшинлари билан ўлкамизга эллинизм маданияти кириб келганида, ўзига тенг муҳитга дуч келиб, маҳаллий маданият янада бойиб, қурама шакл асосида ривожланади. Ғарб олимлари томонидан эллинизм маданиятига Шарқ цивилизацияси таъсир ўтказгани тан олинганлигини ҳам унутмайлик.

Холчаёнда эрамиздан олдинги I мингйиллик ўртасидан то эрамизнинг III асригача ҳаёт давом этган. Атрофи 240x240 м квадрат шаклида деворлар билан ўралган қалъа қадимги шаҳар тузилмаси асосида шаклланади. Г. Пугаченкованинг фикрича, Холчаён саройининг марказий зали илоҳийлаштирилган аждодларга сифиниш маросимлари маконига айланади ва у, эҳтимол, аввалдан сулола эътиқодининг ибодатхонаси сифатида қад қўтарган бўлиши мумкин.^{104: 56} (433-расм).



433-расм. Холчаён “Аждодлар зали”.

Холчаёнда аждодлар ҳайкаллари юнон-рим усулида эмас, маҳаллий ўзига хос бетакрор – барельеф (девордан бўртиб чиққан нақш) усулида яратилганига урғу беради Г. Пугаченкова. Яъни ҳайкалларнинг белидан пасти девор ичида бўлиб, елкалари ва кўкси тўртдан уч ҳажмда девордан чиқиб туради ва, ниҳоят, бошлари деворга тегмасдан, асл табиий шаклида ишланган. Шу алфозда ҳайкал оёқлари пол сатҳидан 3 м, боши эса 4,5 м баландликда жойлашиб, деворнинг умумий баландлиги 6м бўлган. Томошабин диққати асосан ҳайкалнинг бош қисмига қаратилиб, салобати босиб турган: шу тариқа, аждодларнинг буюклигига урғу берилган. Бундай усул Сўғд ва Бактриянинг кичик ҳайкалчаларини ясашга ҳам кўчирилганлиги алоҳида диққатга сазовордир.^{307: 46-47} Масалан, Холчаён ҳайкалчаси аскарнинг бошини моҳирона ифодалайди (434-расм). Холчаён саройи залининг чап саҳнасида тасвирланган аскарнинг бошидаги дубулға қулоқлари, ёноқлари ва пешонасини ҳимоялаган (435-расм).

Мазкур тасвирда акс этган кишининг бошидаги дубулға олдинги расмдаги аскарникига ўхшаш, бироқ фарқи – бўйни ҳам совут билан ҳимояланиб, зодагон лашкарбоши эканлиги қиёфасидан ҳам кўриниб турибди. Олдингиси – эҳтимол, оддий аскар бўлиши мумкин.



434-расм. Холчаёнлик аскар ҳайкалчаси. (Холчаён, э. о. I аср – эрамизнинг I асри).



435-расм. Холчаёнлик лашкарбоши ҳайкалчаси. (Холчаён, э. о. I аср – эрамизнинг I асри).



436-расм. Холчаён шоҳ сулоласи вакиллари.

Г. Пугаченкова турли давлатларда сақланиб қолган тасвирлар ва ёзма маълумотларга асосланиб, Холчаён залидаги эрамиздан олдинги I асрга мансуб ҳайкаллар саҳнасини ўхшатиб реконструкция қилади (436-расм).

Марказда, тахт устида қимматбаҳо либосларда Герай сулоласининг шоҳи ўтирибди. Умуман, Шарқда тахтнинг ўзи ҳам илоҳийлаштирилган ҳукмронлик белгиси ҳисобланиб, тахт устида ўтирган шоҳ давлат улуғворлиги ва қудратининг рамзи бўлган. Масалан, Бухоро вилоятидаги Варахша саройи шарқий залининг жанубий деворида икки томони қанотли туяларга таянган тахтда ўтирган шоҳнинг чап томонида қўлида жом тутган одамлар, ўнг томонида эса қурбонлик келтириш тоши олдида ўтирган одамлар тасвирланган^{449: 66} (437-438-расмлар).

Холчаёндан топилган медальонда тахтда ўтирган шоҳ тасвири, олиманинг фикрича, оддий халқ орасида шоҳ сулоласига сажда тарғиб этилганидан далолат беради. Учли қалпоқ кийган шоҳ иккита шер шаклидаги тахтда ўтирибди, унинг ўнг томонида худди шундай кийим ва қалпоқда кичикроқ қилиб тасвирланган киши



437-расм. Варахша ибодатхона-қалъаси.



438-расм. Варахшанинг равоқли шоҳ айвони.


тик турибди, тепасида эса, парвоздаги Ника шоҳга тож узатмоқда. Бу медальондаги шерли тахтга қараганда, Кушон шоҳи Кадфиз ўтирганлиги тангалардаги тасвирдан аён. Ўнг томонида эса кийими ва қиёфасига қараганда меросхўр шаҳзода турибди. Ника борлиги галаба қозонилгани ва ҳайвонлар шоҳи шер шаклидаги тахтда ўтирган ҳукмрон илоҳий изн билан ўрнашганлиги ифода этилмоқда. Олима тахмин қилади: тахтда эндигина Ҳиндистонни забт этган шоҳ Кадфиз II ўтирибди, ёнида эса Буюк Кушонлар давлатини шуҳрат чўққисига кўтаришга муваффақ бўлган ўғли Канишка тик турибди.³⁰⁷⁻⁵²

Холчаён девор тасвиридаги шоҳ ўз қиёфаси ва кийими билан медальондаги тасвирга айнан ўхшаш бўлиб, улар бир-бирини қайтармайди, бироқ ўша пайтда кенг тарқалган ва ҳаммага маълум саҳнани акс эттиради. Бу мажмуавий тасвирларда якка шоҳ ҳукмронлиги эмас, балки сулола қудрати ифодаланади. Яъни Герай уруғининг сиёсий мақоми мустаҳкамланиши шаклланган давлатчилик ва, пировардида, Буюк Кушонлар империясининг юзага келишига асос солди. Холчаён девор тасвири айнан шу мавзуни акс эттиради.¹¹⁷⁻⁵³

Олиманинг таҳлилига биноан, саҳна марказида Герай сулоласининг шоҳ вакили ўтирибди: ўзгаларнинг бошида пешонабанд бўлган бир пайтда, унинг бошида учли қалпоқ (унинг тепа қисми сақланиб қолмаган, бироқ бой безатилгани шубҳасиз). Ёнида малика ўтирибди: унинг улуғвор қиёфаси ва кийимлари ўша пайтда машҳур бўлган Бактриянинг Буюк илоҳалари, жумладан, Ордохшога тақлид қилиши аён. Шу орқали шоҳона ҳукмронликнинг илоҳий дуо олгани инсонлар онгига сингдирилган. Афросиёбнинг эрамиз бошига мансуб сопол медальон қолипида тасвирланган илоҳа ёки малика ҳам

Холчаён сиймосига ўхшаш, аммо Сўғдга хос қиёфа ва қўлидаги рамзлар – гул, тасмалар тақилган ҳукмронлик асоси, зардўзи кийими ва қимматбаҳо тошлар тақилган тожи билан фарқ қилади, деб таъкидлайди олима. Малика ёнида турган ёш йигит ва қизни олима тахт меросхўрлари деб ҳисоблашига қўшимча қилишимиз мумкин: кийими ва қиёфасига қараганда, йигит – сўғдлик куёвдир. Дарҳақиқат, шу тариқа, турли минтақа ҳукмронлари ўз салтанатини мустаҳкамлагани маълум. Чап қўлда турган шахслар ҳам турли минтақаларнинг, эҳтимол, Чағониёнга тобе бўлган ҳукмрон сулолаларнинг вакиллари бўлиши мумкин, чунки улар ўз либослари ва қиёфаси билан шоҳдан фарқ қилади. Олима улардан бирини парфиялик ҳукмрон деб ҳисоблайди.

Чағониён ҳукмрон сулоласига тўхталадиган бўлсак, Совринжонтепа ва Будрач обидаларидан топилган Чағониён тангаларига бир умумийлик хос: олд томонида шоҳ ва малика расми, орқасида эса – учлари қайрилган ромб шаклидаги тамға (439-расм).



439-расм. Чағониён бронза тангалари. (Тепادا: Совринжонтепа, VII-VIII асрлар. Пастда – Будрач, VII-VIII асрлар).



440 -расм. Холчаёнлик шаҳзода.



441-расм. Холчаёнлик ҳукмрон ҳайкали.

Холчаён обидасининг яна бир ҳайкали Герай сулоласи шаҳзодасини улуғворона тусда ифодалаши эътиқод таъсирини кучайтириш билан бирга қадим аجدодларимиз қиёфасини ёрқин тасвирлаши жиҳатидан диққатга сазовордир (440-расм). Шу залнинг ғарбий деворидаги барельефнинг марказида сулола ҳукмрони ўтирибди (441-расм).


Бутун саҳна эса олимлар томонидан қуйидагича реконструкция этилган (442-расм). Шоҳона аробада тик турган илоҳани олима ғалаба ҳомийси Ника деб ҳисоблашга иккиланади, чунки бу илоҳа устида тантанавор оғир кийимлар ифодаланган, Ника эса енги очиқ туникада тасвирланган. Эҳтимол, бу – қонун-тартибот илоҳаси Аши бўлиши мумкин.^{307 61-62}



442-расм. Холчаён шоҳ сулоласига илоҳа Ника (чапда) омад келтириши.

Уни Авестонинг 17-Яшти шундай тавсифлайди: “Биз гулди-ровчи ароба устидаги ярқировчи, буюк, улуғвор, олий ҳиммат илоҳа Ашига, қудратли, қонунга баракот берувчи, ғолиба, пурҳик-мат, қудратлига қурбонлик келтирамит!” Демак, бу – омадли тақдир илоҳаси бўлиб, унга ғалаба тилаб мурожаат этишган. Тавсифи девордаги тасвирга монанд келишига ҳам аҳамият беринг: “ароба устидаги ярқировчи, улуғвор”. Қатор ғарб олимларининг хулосасига кўра, Аши Амударёбўйи қабилаларида асл маҳаллий илоҳа бўлган.⁵²⁷⁻²⁶²

Залнинг жанубий деворида жанг лаҳзаси тасвирланган (443-расм).



443-расм. Холчаён деворий тасвиридаги жанг лаҳзаси.

Герай сулоласининг камончилари отларининг жабдуғи енгил бўлиб, чавандозга эркин ҳаракат қилиш имконини беради. Бундай жабдуқ бошқа жойлардан топилмаганлигига асосланиб, олима, у Кушон ҳукмронлари лашкаригагина хос бўлган, деган хулосага келади (444-расм).



444-расм. Кушон ҳукмронлари отининг жабдуғи.

Шунингдек, марказдаги чавандоз ва от устидаги оғир совут ҳам на қадимги тасвирий санъат, ва на археологик топил-маларда кузатилмаслиги олимани ҳайратлантиради. Яъни кичик темир бўлакларидан тузилган бу ҳарбий кийим Шимолий Бактрия, яна ҳам аниқроғи, Сурхон воҳаси маданиятига хос бўлган. Мазкур совутнинг шакли, назаримизда, эрамиз бошида лашкаримизни ислоҳ этишда илк бор русумга

киритилганлиги ҳақидаги С. Толстов хулосасини исботлайди (445-расм).

Буюк Кушонлар тангаларида ҳам шоҳлар шундай совутда зарб этилган. Маълумотларга кўра, хитойликлар совутни VIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд сўғдликларидан ўзлаштирган.^{21 57}

Авестода Вараҳран – Баҳром шундай тасвирланган:

Оёқлари темирдан –
Олди ҳам, орқаси ҳам,
Томирлари ҳам темирдан,
Қуйруғи ҳам темирдан,
Жағлари ҳам темирдан.

(58-б)

Яъни ўлкамизда зирҳланган аскарлар тарихи мозий тарихдан манба олган. Авестода Вараҳран – уруш ва ғалаба маъбуди бўлиб, Аҳура Мазда яратган борлиқнинг тартибини назорат этиб, ҳимоялайди. Ўрта асрлар ва ҳозирги ўзбек тилидаги шакли – Баҳром. Авестода Зардушт Аҳура Маздадан сўрайди:

Самодаги маъбудлар
Ичра ким жанговарроқ?
Аҳура Мазда деди:
Илоҳий зот Вараҳран.

(95-б)

Вараҳран ўзига сажда қилганларга афсунгарона жасорат ва қудрат бахш этиб, “Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ғалабасини таъминлайди”. Жанговар ғолибликни хаома, сигур тоши каби манбалардан янгилаб турган Вараҳран (Баҳром) Авестода Зардуштга биринчи марта кучли шамол, иккинчисида – олтин мугузли буқадек, учинчи бор – оппоқ от, тўртинчи марта – кучли туя, бешинчисида – дарғазаб тўнғиз, олтинчи маротаба – ёш гўзал йигит, еттинчи бор – Вараҳн қуши, саккизинчи марта – тоғ қўчқори архардек, тўққизинчи маротаба – ёввойи така, ўнинчи, охириги бор – девқомат эркак бўлиб кўриниш беради. Шунингдек, кўринишларидан бири – кийик шаклида бўлган.^{12: 95} Бухорода эса, Баҳромнинг кўринишларидан бири туя бўлган.



445-расм. Холчаён
ҳукмронлари
аскарининг совути.

Хоразмнинг эрамиздан олдинги I мингйилликнинг ўрталарига мансуб Чирикработ обидасининг хоналаридан бирида аскар кўкси, қўллари ва оёқларини ҳимоялаган темир совутининг қолдиқлари топилиб, улар Кушон тангаларидаги шоҳ Васудева тасвирига мос. С. Толстовнинг фикрича, мазкур мадфан Хоразм лашкари ислоҳ этилиб, илк бор ўлкамизда оғир отлиқлар, яъни айнан шундай совут кийган аскарлар қўшини киритилиш вақтига тўғри келади.^{406: 150}

Самарқандлик жангчининг камарбандида совут кийган отлиқ ва пиёда жангчиларнинг кураши тасвирланган бўлиб, 2000 йил олдинги ҳарбий либослардан ва қурол-аслаҳадан дарак беради (446-расм).



446-расм. Камарбанддаги саклар ва юечжилар ўртасидаги жанг тасвири:
А – асли, Б – расми (Самарқанд вилоятининг Орлот қабристони, I-III асрлар)

Яна бир аскарнинг белнишонасида ҳам зирҳланган ва дубулға кийган жангчилар кураши тасвирланган (447-расм). Айнан шу қабристондан топилган камарбандда тотем ҳайвон тасвирлангани тумор вазифасини ўтаганидан далолат беради, назаримизда (448-расм).

Юқоридаги учта ашё Самарқанднинг Орлот қабристонидан топилгани, у ерда асосан жангчилар дафн этилганини тахмин қилишга асос беради. Ва бу ашёлар вақт жиҳатидан Кушонлар салтанатининг кенгайиш даврига тўғри келишига эътибор қаратамиз.



447-расм. Аскарнинг белнишонаси.
(Самарқанд Орлот қабристони,
2-қўрғон. I-III асрлар).



448-расм. Аскар камарбандида йўлбарс тасвири.
(Самарқанд Орлот қабристони, 6-қўрғон. I-III асрлар).



449-расм. Хоразм ва Сўғднинг зирҳланган жангчилари.

Хоразмнинг кумуш лаганларидан биридаги расмда икки жангчининг уст кийими зирҳланган бўлиб, М. Дьяконов улар Сўғдда VII асрда яратилган ва, умуман, Сўғд билан Хоразмнинг ўзида вужудга келиб, ривожланган маҳаллий анъаналарни намоён этади, деб хулоса чиқаради^{148 149} (449-расм).

Яна бир девордаги барельефлар яхши сақланмаган, ammo тиз чўккан ҳайкалларнинг синиқларига қараб, олима, учинчи деворда мағлуб этилган халқларнинг тиз чўккан ҳукмрон-

лари ифодаланган, деб ҳисоблайди. Шу тариқа, залда келажак Буюк Кушонларнинг аждодлари тасвирланиб, уларнинг тобе этилган халқлар билан кураши, қозонган ғалабаси ва ҳукмронлиги илоҳий дуога моликлигини илоҳалар тасдиқламоқда. Бу мавзуда шоҳ-сулола эътиқоди ўзининг ёрқин ифодасини топган ва икки минг йил аввал яшаб ўтган аждодларимиз ўз ташқи қиёфаси орқали ҳозирги ўзбекларга ўхшашлиги билан ўқувчини ҳайратга солади.^{307: 64-65}

Буюк Кушонлар даври тангалари зарбида шоҳ-сулола ҳукмронларининг тасвири олдинги даврга мансуб инсон характери ифодалашдан йироқлашади. Шоҳлар улуғвор ва инсоний ҳиссиётлардан холи тарзда ифодаланиб, оддий оммадан етиб бўлмас баландликда турганлиги тарғиб этилади. Шоҳ оташгоҳ ёнида ёки илоҳалар билан тасвирланиши ҳам унинг дунёвий ҳукмронлик билан бирга диний, яъни илоҳийлаштирилган ҳукмронлик ришталарига моликлигини кўрсатишга қаратилади. Қурол-аслаҳа билан тасвирланган шоҳ эса ҳарбий қудрат ва ғалаба нашидаси рамзига айланади.^{307: 94-95}

Сўғднинг Панжикент сарой ибодатхонаси катта залларининг ғарбий деворида иккитадан катта тахмон бўлиб, уларга катта ҳайкаллар қўйилган, деворларда муайян мавзуларга бағишланган катта рангли саҳналар тасвирланган. I ибодатхонанинг иккита тахмонли хонасида уч киши ўнг томонга қараб турибди, бирининг қўлида машъал. Улар қараб турган томонда боши атрофида нурли тож ва нимб бўлган илоҳ тасвирланган. У ҳам ўнг томонга қараб

турганлиги боис, А. Беленицкий марказда асосий илоҳ жойлашган, деб ҳисоблайди.^{58: 29. Табл. VI}

Бизнинг фикримизча, тожли одам тасвири илоҳ эмас, балки ҳукмрон сулола аждодини акс эттирган. Шоҳ аждодларини илоҳийлаштириш ва у сиғинган муайян эътиқод илоҳига яқинлигини кўрсатиш ўлкамизда кенг тарқалган таомил бўлиб, улар шаънига ўтказилган турли маросимлардан бири ифодаланган бўлиши керак. Аҳамият беринг, бу саҳна асосий залда эмас, ён хоналардан бирида тасвирланган. Эҳтимол, бош залда сулоланинг биринчи аждодига сажда этилиб, бу хонада эса, ҳали тирик ёки ўтган аждодлардан бирига эътиқод қилинган. Сўғдликларнинг худолари мажмуаси турли диний эътиқодлар ва илоҳ-маъбудаларни ўз ичига қамраб олганлигини эсласак, бу саҳна тасвирлари турли илоҳларга эътиқод қилишга бағишланган, деб ҳам хулоса чиқариш мумкин. Сарой ва ибодатхоналарда дунёвий ва диний мавзулар чамбарчас боғланиб кетганлиги асосида шу икки тахминни бирлаштириб, сулола аждодларига эътиқод сулола вакиллари эътиқод қилган динлар худолари билан бирга тасвирланган, дейилса тўғрироқ бўлади.

Панжикентдаги I ибодатхона айвонининг учта деворларидаги бир-бири билан боғлиқ саҳналар ибодатхоналаримизда аждодлар руҳига сиғиниш маросими ўша даврда қандай ўтказилганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Ғарбий деворда гилам устида чордона қуриб ўтирган икки кишининг бир қўлида дарахт шохи, иккинчисида эса пиёла (450-расм).

Учли бош кийимидан тушган тасмаларига ҳам шу дарахт шохчаси тақилган. Уларнинг тепасида қуш қанотли ва сув маҳлуқи думли фантастик учта ҳайвон тасвирланган. Шунга ўхшаш тасвир айвоннинг шарқий деворида ҳам акс этиб, икки жуфтлик (тўрт киши) бир-бирига



450-расм. Аждодларни хотирлаш маросимлари.


қараб ўтирибди. Уларнинг ҳам қўлида шохча ва пиёла, тепасида унчалик яхши сақланиб қолмаган ва учаётган фантастик маҳлуқот (451-расм).

Шимолий деворда эшикдан ўнг томонда оташгоҳ-исириқдон олдида коҳин бошчилигида қурбонлик келтирувчи бешта ёрдамчилари тасвирланган (452-расм).

Қурбонлик келтириладиган исириқдон учта бронза қисмдан иборат: конуссимон баланд тағлама, унинг тепасида доирасимон



451-расм. Аждодларни хотирлаш маросимлари.



452-расм. Аждодларни хотирлаш маросимлари.

катта цилиндр ва унинг марказига ўрнатилган тухумсимон жом. Унда эса мевалар қўйилиб, устидан олов алангалари кўтарилмоқда. Исириқдон ёнида чап қўлида темир жом ушлаган қоҳин ўтирибди. Ўнг қўлидаги темир қошиқ билан мевали жомга суюқлик қуймоқда. Қоҳин билан исириқдон ўртасида темир хум турибди. Бошининг тепасида чўзинчоқ лавҳа ёзувлар бўлган, ундан чапда эса қанотли мавжудот. Қоҳин орқасида бешта шахс тасвирланган. Тўрттаси ўтирибди ва фақат биттаси, эҳтимол, ёш йигит, чап қўлида пиёла ушлаб тик турибди. Ингичка бели тор белбоғ билан тортилган, қуроли йўқ. Шу тасвирлар асосида А. Беленицкий қуйидагича хулоса чиқаради: тасвирлар диний маросим рақслари ва қурбонлик келтириш саҳнасини акс эттирган.^{58: 31-33}

Панжикентнинг II ибодатхонасида қурбонлик келтираётган қоҳин ва зиёфатда ўтирган бой сўғдликлар тасвирланган. Ҳар бирининг боши олдида сўғдча ёзув ва учаётган фантастик мавжудотлар тасвирлангани расм қолдиқларидан аён. Қоҳин ёрдамчиларига нисбатан каттароқ, зиёфатдагилар эса ундан катта. Қоҳинда – ханжар, ўтирганларда эса ханжар ва қилич бор. Ўтирганларнинг кийими ва катталиги ҳам ҳар хил. Улардан биттасини эса, энг катта қилиб тасвирланганлигига қараб, Панжикент ҳукмрони деб хулоса чиқарилади. Энг муҳим шахс доим оташгоҳ ёки исириқдонга энг яқин жойда тасвирланган. Деворда тасвирланган энг муҳим илоҳ тагидаги супа қисми ибодатхоналарда сал қавариб чиққан. Баъзан бу жойда аждод тасвирланган. Қасрда топилган тасвирда шоҳнинг тожида ҳилол Ой ва икки томонида қанотлар ифодаланган. Бошқа хонада зиёфатда ўтирганларнинг фақат ханжари бор ва қилич ўрнига кичик қора қопчалар кўрсатилган. Шунга қараб улар савдогарлар, дейиш мумкин, биринчи залдагилар эса – бой лашкар-бошилардир.^{66: 83} Муғ тоғида топилган ҳужжатлардан маълумки, Сўғднинг фуқаролик жамияти учга бўлинган: зодагонлар, тижоратчи-савдогарлар ва ишчилар.^{223: 94-95, 100}

Шу уч тоифадан тижоратчиларнинг бажарган вазифасида тўхталсак, ўтмиш саҳифалари бирмунча ойдинлашади. Қадимда ўлкамизнинг хорижий давлатлар билан савдо алоқалари Ипак йўли орқали эмас, балки Ўзбекистон жанубида жойлашган Сурхон ва Қашқадарё ҳавзаларидаги ўтиш қийин бўлган тоғли сўқмоқларда ҳам ривожланган. Амударёдан Бойсуннинг Темир дарвозасига ўтказилган шундай йўллардан бири 3500 (Буюк ипак йўлидан 1500 йил) йил олдин ўзлаштирилиб, Қашқадарё ва Зарафшон водийларига ўтиб, Хоразм, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига тармоқ-

ланган. Бу йўлда кашф этилган яшаш масканлари ва қалъалар бир-биридан 30 км узоқликда, яъни от устида бир кунлик ўтиш масофасида жойлашган.^{84: 120}

Қадимда Хитой, Ҳиндистон ва Бактрия билан Сўғд орасида тоғлар орқали сўқмоқлар ўтказилиб, даралар устидан энгил осма кўприклар ташланган. Шундай сўқмоқлар ўтган Карокорумда бир неча ўн минг тоғ тасвирлари ва 17 тилда 1,5 мингдан ортиқ ёзувлар топилди, уларнинг салмоқли қисмини сўғд ёзувлари ва тасвирлари ташкил этади. Сўғдликларнинг исмлари орасида “Анахит издоши”, “Ой илоҳаси ходими” учраб, ёнида Самарқанд тангаларидаги рамзларни қайтарувчи рамз ва тамгалар чизилган. Шунга кўра, олим қуйидагича хулоса чиқаради: эрамизнинг бошиданоқ сўғдликлар бу ерларда савдо моллари работларини барпо этган ва Ҳиндистондан келган шерикларига узатган. Шу билан бирга, сўғдликлар бу сўқмоқлар орқали нафақат маҳсулотлар, балки маданий ва диний дунёқарашларини ҳам тарқатгани аён. Чилас кўприги ёнидаги тоғдаги расмлардан бирида байрамона кийинган сўғдликнинг тасвири Афросиёб ва Панжикент девор тасвирларига ўхшаб, қўлида ушлаб турган исириқдон устида афсонавий қанотли мавжудот парвоз этмоқда, ёнида эса буддавийлик ступаси турибди. Шунингдек, расмларда V-VI асрларга мансуб Сўғд матолари, муҳрлари ва тангаларидан яхши маълум бўлган от, тасмалар билан ўралган қанотли эчкилар, ҳамла қилаётган шерлар ифодаланган. Умуман олганда, сўғд тили ўша пайтдаги савдо йўлларида халқаро муомала тили бўлган экан.^{89: 161}

Шу билан бирга, эрамиздан олдинги охириги асрлар ва эрамизнинг илк асрларида Ўрта Осиёда асосий савдо маркази Бактрия бўлиб, сўғдликлар иккинчи даражали йўлларни назорат этган. Бироқ вақт ўтиши билан *сўғдликлар турли минтақаларга кўчиб, ўз колонияларини барпо этади* ва, оқибатда, IV асрга келиб Хитойда ҳам аввалги ҳукмронлар – кушон ва бактрияликларни сиқиб, асосий савдо кучига айланади, деб ҳисоблайди олимлар. Сирдарёдан Сўғдга кўчиш оқибатида деҳқончилик кучаяди, янги шаҳристонлар қад кўтариб, айна шу пайтга келиб, Бактрия инқирозга учрайди ва, шу асосда, Сўғд савдоси кескин равишда ривожланади. Улар эфталитлар империясига кумуш киримининг кўпайишидан фойдаланиб, Чоч ва Семиречьега савдогарлар юбордилар ва янги колониялар ташкил этадилар. III асрда Сўғднинг Семиречье ва Синцзян сари йўналтирилган колонизацияси бошланиб, мазкур ҳаракат VI-VIII асрларда авжига чиқади. Бу ҳаракатда асосий

ролни сўғдлик тижоратчилар бажариб, маданиятимиз ва диний эътиқодларни ташқарига, айниқса, Хитой томонга айнан улар олиб чиқади (453-расм). Натижада, Буюк ипак йўли ривожланиб, сўғдликлар Хитойга кириб келади. Улар Ипак йўлининг ҳам жанубий, ҳам шимолий тармоқларидан фойдаланиб, у ерларда деярли ҳамма катта воҳаларни эгаллаб, юқори даражада ривожланган тизимли жамоа барпо этишади. Унинг таркибига ўша пайтда мавжуд бўлган барча ҳунар эгалари, қоҳинлар, роҳиблар, аскарлар, дипломатлар ва ҳоказолар кирган. Натижада, сўғдликлар ўз юртларидан 1500 км узоқликда бўлган Шимолий Хитойда ҳам савдо соҳасида якка ҳукмронга айланадилар ва ўз таъсирини ҳатто Тибетга ҳам тарқатадилар. Бироқ форслар уларга Ҳинд океани йўлларида рақобат қилишган бўлса, Евроосиё минтақасида фаолият юритувчи яҳудий савдогарларни ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмасди.⁵⁵¹ 118-140; 93: 224-228



453-расм. Сўғдлик тижоратчилар.

Албатта, бундай кенг қамровли колонизация ўлкамиз маданияти ва диний эътиқодларини ҳам ўзга халқларга сингдирмасдан иложи йўқ эди. Турли йўналишлар қоришиб, Сўғд маданияти ўзга цивилизацияларга таъсир этади ва, бинобарин, улардан ўзи ҳам озуқа олади.

Француз олимларининг фикрича, бундай муваффақиятга туркий-сўғдий муҳит асос яратади. Ёзма манбалар асосида Буюк ипак йўли ривожининг чўққисига туркий-сўғдий маданият намояндалари воситасида эришилади. Қурама оилалар илк Сўғд колониялари Семиречъегачиқиши ва туркий хоқонлик ўрнатилишидан олдинроқ вужудга келади ва Ипак йўлининг авжи туркий ва ўзга қабилалар қурамаси ривожининг маҳсули сифатида юзага келади. Диний эътиқодлар, ёзув ва сиёсий қурилмалар синтези тезкор ва кенг қамровли тараққиётга том маънода йўл очиб беради. Ўрта Осиёда Ҳиндистон денгизидан келтирилган каури чиганоқлари “ит боши” қадимда кўплаб учраши ибтидоий жамоада ипак билан биргаликда “пул” вазифасини ўтаганига боғлиқ бўлиб, маҳсулотлар айирбошлашда ишлатилган. Кейинчалик, уларнинг ўрнини тангалар босади, сўғдликлар эса уйғурлар орасида юқори мартабаларга эришиб, Хитой билан Уйғур хоқонлиги орасида бирлаштирувчи

воситачи вазифасини ўтайди. Сўғд тили XII асргача Тарим ҳавзаси ва Семиречьеда кундалик муомала тили даражасида сақланиб қолади. Ана шулар асосида француз олими хулоса қилади: Буюк ипак йўли минглаб километр масофада сўғдликларнинг савдо маҳорати туфайли ривожланади ва ўз яхлитлигини сақлаб туради, сўғдликларнинг турли халқлар ва давлатларда ҳукмрон сиёсий кучлар билан тил топа олиш қобилияти тизимнинг собитлигини таъминлайди. Ипак йўли фақат шарқ-ғарб эмас, балки жануб-шимол йўналишида ҳам савдо ва ғоялар айирбошлашувини юзага келтириб, биргина сўғдликлар маҳорати уни асрлар оша сақлаб тура олди.^{551: 197-332} VIII аср ўрталарида Шимолий Хитойда айнан шу қурама муҳитда савдо-ҳарбий сабабларга кўра авж олган қўзғолон бостирилиб, тибетликлар бостириб киради, шарқда уйғурлар келиши эса сўғдлик савдо колонияларига қақшатқич зарба беради. Шу тариқа, уларда ҳаёт сўна бошлайди ва сўғдликлар асосий эътиборини ҳазарлар ёрдамида ғарбга, Қрим ва Ғарбий Кавказга кўчиради. Ислом даврида сўғдлик савдогарлар орасида арабларга тобе иттифоқ шаклланмайди, босқинчилар орасида эса савдогарларга ён босувчи куч топилмайди. Сўғдлик савдогарлар Яман ва Омангача етиб боргани маълум, бироқ шаҳарларни талон-торож этиш сиёсати пойтахтни Самарқанддан Бухорога кўчиришга олиб келади ва савдо жамоалари сусаяди. Шу дамдан бошлаб савдо маҳсулотини ип-газлама матолари ва гиламлар ташкил этиб, ҳозиргача ғарбда ипак гиламларни “Бухорий” деб аташади. Қоғоз, муск (зиравори) ва балиқ маҳсулотлари ҳам араб ва форс манба-ларида сўғд маҳсулоти сифатида кўрилади.

Сўғд тижоратчиларининг қадим жамиятимизда муҳим ўрин тутганини ғарб олимлари ҳам тан олади. Масалан, ЮНЕСКО нашр этган “Инсоният тарихи” китобининг муаллифларидан бири – Ричард Фрай шундай деб ёзган: “Ғарбий Осиё цивилизациясининг асоси зироатчилик бўлган бир пайтда, Марказий Осиё чорраҳалари, яъни Буюк ипак йўлининг марказларида ҳаёт манбаи тижорат бўлган ва тижоратчиларга бу ерда, Сосонийлар даври Эронига нисбатан, анча кўпроқ эҳтиром кўрсатишган”.^{178: 445}

Шу тариқа, Сўғд маданияти ва эътиқодлари ўзга ўлкаларга кириб боради. Будда ибодатхоналаридаги тасвирларнинг ҳаммаси Сўғд таъсири ва анъанасини кўрсатади, деб М. Дьяконов VI-VIII асрларда Сўғднинг хориждаги колониялари Осиё маданий тарихида жуда катта роль ўйнаганлигини таъкидлайди. Натижада, Синцзян (Шарқий Туркистон) монийлик тасвирлари ва умуман, рассомчи-

лиги ўлкамиз анъаналари ёрдамида янгича талқин топиши керак, деб хулоса қилади. Яъни Синцзян рассомчилик мактабининг бизга эмас, бизнинг уларга таъсиримиз ҳақида гап бориши керак.^{148: 89-90}

Колонизация даврида мусофирчиликда вужудга келган обидалардан бирини ғарб олимлари ўрганган. Шулардан Г. Скалья томонидан Хитойда топилган IV асрга мансуб сўғдликнинг тош мақбараси ҳайкаллар ва тасвирлар билан безатилиб, икки ёнидаги дарвоза устунларида ҳам расмлар ўйилган. Устунларда қилич билан қуролланган одамлар кетмоқда. Биринчиси бошқалардан каттароқ тасвирланиб, бошида дубулғага ўхшаш нарса. Унинг ортидан келаётганларнинг баъзиларида ҳам дубулға, айримлари эса бош кийимсиз. Орқада иккита жиловланган отни етаклашмоқда. Устун биқинида қурбонлик келтирилиши ифодаланган. Катта қурбонлик тошида олов ёқилган, олдида эса баланд асо ушлаган коҳин турибди. Унинг қуроли йўқ, оғзи эса фаровез билан тўсилган. Ён лавҳларида тасвирлар учта қитъага бўлинган: ўртасида отлиқлар ва пиёдалар қўлида байроқ ва мусиқа асбоблари ушлаб кетмоқда. Бу лавҳ баландлиги бўйича алоҳида қисмларга бўлиниб, ҳар бирида бир қатор одамлар кўрсатилган. Ҳар бир қитъада битта отлиқ боши устида соябон тутганлиги билан ажралиб туради. Иккита ён тарафдаги лавҳларнинг пастиди қандайдир бино эшиги томон кетаётган пиёдалар тасвирланган. Айримлари от етаклаб, қўлида соябон тутган. Биттаси эса қурбонлик тортиқлар солинган патнисни кўтариб олган. Ён қитъанинг ўрта қисмида ток ишқомлари остида ўтаётган зиёфат тасвирида қўлида жом ушлаган зиёфат хўжайини чордона қуриб ўтирибди. Атрофида товонларида ўтирган, тик турган ва яқинлашаётган эркак ҳамда аёллар тасвирланган. Улар орасида мусиқачилар, шунингдек, қўлида патнис ва хумларда таом ёки бошқа тортиқлар келтираётган одамлар кўп. Ишқом тепасида учаётган қушларнинг боши атрофида нимб, бўйнида эса тасмалар. Бу тасвирларнинг барчасида Сўғднинг қандайдир маросими ифодаланган бўлиб, хотира зиёфатида ўтирганларнинг қўли ва бош кийимидаги сариқ гуллар ҳам айнан мотамдан дарак беради. Оссуарийлардаги тасвирларда ҳам хотира зиёфатида ўтирганларда гуллар борлигини эсланг.^{66 84-85: 536: рт.1}

Дарҳақиқат, шаҳар ва сарой ибодат мажмуалари таркибида сулоланинг ҳомий аждодлари ва илоҳларига бағишланган махсус хоналар бўлган. Катта зал ўртасида олов ёқилган, бахшида суюқликлар сочилган, девор атрофидаги супаларга маросим таомлари тортилиб, хотирлаш йиғинлари ўтказилган. Шоҳлар ибодатхонасида

қурбонлик келтириш, ўтганлар руҳига таом аташ ва йиғи-сиғи қилиш маросими, унинг фикрича, Янги йил кириши, ўлиб-тирилувчи табиат эътиқодига бағишланган қадимий маросим бўлиб, қадим цивилизациялар яратган ўлкаларга хос. Сўғдда аждодлар руҳига сиғиниш ва табиат қайтарилувчанлигига ишонч етакчи бўлган.^{383: 40-43: 52} Беруний ҳам Сўғдда зардуштийликка оид байрам кунлари Олов уйларида жамоа бўлиб тановул этиш одати бўлганлигидан хабар қолдирган. Каттақўрғондан топилган оссуарийларда иккита аёл-коҳина ва иккита эркакнинг диний маросимдаги иштироки тасвирланган.²⁹⁷⁻¹³ Сосонийлар Эронда аёллар, умуман, диний маросимларда иштирок этиши мумкин бўлмаган бир пайтда, ўлка-мизда диний бағрикенглик мавжуд бўлган. Масалан, Болаликтепадаги девор тасвирларида хотирлаш зиёфати маросими акс этган.

Хитойнинг Суйшу солномалари таърифлаган V-VII асрларга мансуб Самарқанддаги “Аждодлар уйи” шоҳлар мадфани ва аждодлар сулоласига сиғиниш маркази бўлиб, олтинчи ой пайти у ерда қурбонликлар келтирилган. Бошқа ҳукмронлар ҳам келиб, қурбонлик ўтказишга ёрдам берган”.^{75 271-273, 282} Термиз Зартепасидаги V-VII асрларга мансуб ҳайкалчаларда эркаклар тасвирланган бўлиб, уларнинг бош кийимида еттита қабариқ зеб-зийнат бор. Самарқанд ҳукмдори эса, Хитой манбаларига кўра, “еттита қиммат-баҳо тош қадалган тилла тож кийган”.

Афросиёб залининг жанубий деворида Самарқанд шоҳи Вархуман ҳузурига Сурхон воҳасидан Чағониён элчиларининг келиши тасвирланган. Шимолий деворида эса, Шарқий Туркистон элчиларининг Самарқанд шоҳига ҳурмат билдириш учун қайиқларда сувдан етиб келиши ва қирғоқда йиртқич ҳайвонлар билан олишаётган чавандозлар ифодаланган. Шарқий деворидаги тасвирлар ёмон сақланган бўлиб, унда, эғнидаги либосларига қараганда, ҳиндларнинг элчилари тасвирланган.

Афросиёбда юриб кетаётган одамлар ва хотира зиёфатининг тасвирлари услуб жиҳатидан Панжикентникидан фарқ қилиб, Хитойдаги тош лавҳ тасвирларига ўхшашлиги бор. Одамлар қаторлари устма-уст кўрсатилиб, юқори қатор отларнинг туёқлари паст қатор одамларининг бошлари устига тўғри келади. Бу ерда ҳам фаровезли одамлар ва жиловланган от ишком томон кетмоқда. Бошқа девордаги зиёфат тасвирида юқорида чордона қуриб ўтирган одамлар орасидаги Самарқанд шоҳи ҳузурига қўлларида тортиқлар келтираётган турли халқ вакиллари кўтарилмоқда. Баъзиларининг миллатини кийими ёки қиёфасига қараб ажратиш мумкин,



454-расм. Самарқанд ҳукмрони қабулига келган Чағониён элчилари.

қолганларининг тепасида сўғдча ёзувда тушунтириш берилган. Олимлар бу тасвирда ибодатхонада хорижий элчилар билан ўткази-лаётган маросим ифодаланган, деб ҳисоблайди.^{450: 12-22, рис. 11; 66-85}

Ғарбий деворда Самарқанд шоҳи энг тепада яқин зодагонлари қуршовида ўтириб, навбатма-навбат унга ҳадялар келтираётган хорижий элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланган. Марказда, шоҳ рўпарасида Хитой элчилари, улардан чапда Чағониён элчилари, ўнг томонда эса – Чоч ва Корея элчилари тасвирланган.^{21: 19-20}

Л. Альбаум асосий эътиборни ғарбий деворга қаратади: ундаги тасвирлар учта горизонтал қисмга бўлиниб, энг пастида икки томондан марказдаги шоҳ томон юраётган элчилар тасвирланган. Ўртадаги қисмда томошабинга орқа ўтириб ўтирган шахслар тасвирланиб, учинчи қисмдаги шахслар иккинчи гуруҳга юзларини ўгириб ўтирибди. Иккинчи ва учинчи гуруҳ шоҳнинг аъёнлари бўлиши керак, чунки қўлларида ҳадялар йўқ. Деворнинг чап қисмида Чағониён элчилари тасвирланган (454-расм). Элчиларнинг олдида уларни шоҳ олдида йўл кўрсатиб олиб кетаётган сарой надими тасвирланган (455-расм).

Чағониён элчилари тепасидаги сўғдча ёзувда улар Самарқанд ва Сўғд ҳукмрони Вархуман ҳузурига Чағониён шоҳи Туронтош номидан келгани айтилиб, шундай мурожаат бор: “Сиз мендан шубҳаланманг: мен (Чағониён вазири-элчи) Самарқанд илоҳлари ҳамда Самарқанд ёзувидан яхши хабардорман”. Яъни элчи ўзининг дини ва у билан боғлиқ ёзувини



455-расм. Шоҳ надимлари.

Самарқандда тарғиб этмаслигини билдирмоқда. Олимнинг фикрига биноан, сўғдликлар маздаизмга эътиқод қилган бир пайтда, ҳукмдор Чағониён ва Термизда VII-VIII аср бошида буддизмнинг кучайишини хоҳламаган. Элчилар тепасида борлиқнинг уч муҳитини акс эттирувчи фантастик ҳайвон тасвирланган: боши ва олд оёқлари эчкиники бўлиб, Ерни ифодалаган; катта қанотлари – ҳавони ва илон бадани – сувни. Бу Самарқанд шоҳининг фарни – омади бўлиб, меҳмонларни ўз паноҳида сақлаб келмоқда.^{21: 71}

Зарафшондаги Сўғд хонликларидан бири Кушонияда эса “Кангюй ҳукмронига қарашли қадимги Фуми шаҳрининг шарқий томонида икки қаватли бино бор. Унинг шимолий деворида Ўрта салтанат императорларининг исмлари бўёқ билан ёзилган; шарқий деворида эса, туркий хонлар ва ҳинд маликлари; ғарбий деворида – форс ва Шарқий Рим вилоятларининг ҳукмронлари. (Самарқанд) ҳукмрони уларга таъзим зиёратини бажо келтиради”.^{75: 315} Яъни ўлкамизда ҳукмрон сулола аждодлари эътиқодидан ташқари, умуман қадим ҳукмронлар руҳига эътиқод ҳам мавжуд бўлган.

Замонлар ўтиб, тарихий манбаларда Амир Темурнинг хорижий элчиларни қабул қилиши билан боғлиқ тасвирлар халқимиз санъатида узвийлик, яъни анъана борлигини яққол кўрсатади.

ФАРН – ШОҲОНА ОМАД

Қўй ва эчки сиймоси шоҳона фарн ва қурбонлик келтириш рамзи бўлган, Фарн – шоҳона омад, Фарн – бахтли омад, Фарн – инсон ва илоҳ орасида самовий кучлар вакили, Бухоро тангаларида “кавийлар фарни” ибораси, Хварно – илоҳий омад, қўй тасвири – “кўза қўриқчиси” ҳамда ўзига хос бахт тумори, Бактрия – Сўғд – Кангюй фарни ҳақидаги тасаввурлар халқимиз орасида ҳозиргача ҳам сақланиб қолган.

Эрамиздан аввалги IV асрга мансуб Қўйқирилганқалъадан топилган ҳайкал-хокдон эркак қоматини ифодалаб, эҳтимол, шоҳ тасвирланган, дейишади (456-расм).

Бўйин тақинчоғининг ўртасидаги медальоннинг икки атрофида қўй ҳайкалчалари ўрнатилган бўлиб, калта қилич қинида ҳам шундай тасвир бўлган. Хоразмдаги Миздахкан мозоротининг қатор оссуарийлари қопқоқларида ҳам шохлари бурама бир жуфт қўй боши ҳайкалчаси ёки шохларининг ўзи ўрнатилган (457-расм).

Пскент наусларидан биридаги оссуарийларда ҳам қўшалоқ эчки ва қўй бошлари ҳайкалчалари айнан шу даврга мансуб.^{86 134-138} Қорақалпоғистон Говурқалъа маскани ёнидаги мазордан IV-VIII асрларга оид айрим оссуарий қопқоқларида товус ёки қўй ҳайкалчаси бор. Сополлитепадаги соч тақинчоғида тоғ қўйи олдида турган киши тасвирланган бўлиб, Термизнинг Зартепасида ғиштда қўй туғининг тасвири ўйилган тамға босилган.^{20 44}



456-расм. Ҳайкал-хоқдон жисмининг бўйнидаги қўй тасвири (Хоразм, э. о. IV аср).

Сўғд тилида қурбонлик жараёни учун махсус сўз бўлиб, кўпинча, турли маросимларда қўй қурбонлик келтирилган. Дарҳақиқат, *қўй ва эчки сиймоси шоҳона фарн ва қурбонлик келтириш рамзи* бўлган. Масалан, Чирчиқ дарёси бўйидаги Хўжакент қоясида эчкини қурбонлик келтириш маросими тасвирланган бўлиб, олд оёқлари тиз чўккан, орқасида эса қўлини кўтариб турган эркак ифодаланган. Бошидаги учли қалпоққа қараганда, у — сак қабиласига мансуб. Олимларнинг фикрича, бу саҳна — скифларда қурбонлик келтириш маросимининг Геродот ёзиб қолдирган таърифига мос келади: “Қурбонлик ҳайвонининг олд оёқларини боғлашади. Қурбонлик келтирувчи орқасида туриб, арқонни тортади ва ҳайвонни ерга йиқитади. Шу пайт, коҳин қурбонлик аталган илоҳга илтижо қилиб, бўйнига сиртмоқ ташлайди ва ундаги таёқ ёрдамида, бўғади”. Л. Лелековнинг фикрича, қурбонликни бўғиб



457-расм. Қўй боши шаклидаги оссуарий қопқоғи.



458-расм. Қабртошидаги қўй тасвири (Хоразм).

ўлдириш, ҳинд-орий маросимга хос бўлиб, одатда, қурбонликка эчки келтирилган.^{391: 243; 441- 92; 115: IV, 60; 221: 120}

Шунингдек, қўй сиймоси дафн ва аждодлар руҳига эътиқод билан боғлиқлигини Хоразмнинг XIV-XV асрларга доир қабртошидаги нақшинкор ишланган тасвир ҳам исботлайди (458-расм). Назаримизда, ислом таъсирида қўй тасвири нақшлар билан кўзга ташланмайдиган равишда бажарилган, аммо халқ эътиқоди бу сиймо билан боғлиқ маънони унутмаган.

IV асрга мансуб бўлган кумуш жомда қўй боши шаклида ишланган тож кийган Кушон ҳукмрони ов пайтида тасвирланган. Олимларнинг фикрича, бундай тож уруш ва ғалаба илоҳи Веретрагна шаънига аталган, чунки у қадимда қўй шаклини олишга қодир бўлган рамзлардан бири саналган. Шу билан бирга, қўй ҳукмрон сулола омадини билдирувчи рамз бўлган. Шу тариқа, идишлар дастасининг қўй шаклида ясалиши ҳам шу икки йўналишда талқин этилиши мумкин.^{234: 88-89} Дарҳақиқат, зардуштийликда қўй уруш ва ғалаба илоҳи Веретрагнанинг кўринишларидан бири ёки фарн – шоҳ ҳукмронлиги ва қудратини ифодалаш маълум.

Марҳумни уйдан олиб чиқишганида, “инсон ва қўй руҳлари бирлашиб, нариги дунёга равона бўлиши учун” қўйни қурбонлик келтиришган. Бу борада хиваликлар, “қўй руҳи одамга киради”, деб ҳисоблашган.^{378: 115} Қорақалпоқ эпоси “Қирқ қиз”да қаҳрамонларнинг қўй ва бўрига муносабатида ҳам уларга инсонийлик хислатларни бериш кузатилиши тотемистик тасаввурларга бориб тақалади.

Эчки ҳамма халқларда ҳам муқаддас ҳисобланмаган. Масалан, Инжилда “қўйларни эчкилардан ажратиб олиш” ибораси солиҳ-

ларни гуноҳкорлардан айри этишни билдирган. Қадим яҳудийларда эса, гуноҳларни эчкига тўнкаш маросими бўлиб, “айбини тўнкашга эчки яхши” ибораси шундан келиб чиқади.^{454 131}

Қадимда турли халқларда қут-баракаси ўзи билан кетиб қолмасин деб, ўлган одамни уйнинг ўзида кўмишган. Римликларда бу одатни Вергилий қуйидагича таърифлаган: ўлганларнинг руҳи уйнинг ҳомий илоҳларига айланиши туфайли пир бўлиб ўлган марҳум ташқарига чиқарилмаган. Фаргона водийсида қут-барака йўқолмаслиги учун энг қари аёл қўрғошинни эритиб, уни сувга соларкан ва ҳосил бўлган ғаройиб шаклни қўйга ўхшатиб, уйнинг қўр-қути, баракаси сифатида уни асрашар экан. Ўзбекларда, қўй қут-барака келтиради, дейилиши ҳам бежиз эмас: қадимдан сақланиб келаётган фарн – бахт, омад мазмуни бўлганлиги аниқ. “Қут” сўзи “ҳаёт”, “бахт” маъносини англатиб, сўғд тилидаги “фарн”га мос экан.^{27 113}

Мазкур тасвирлар ва урф-одатлар нима маънони англатганини тушуниш учун қадимий ўлкамизда “Фарн – бахтли омад” тушунчасини таҳлил этишимиз керак. Бир сўз билан айтганда, *Фарн – инсон ва илоҳ орасида самовий кучлар вакили* сифатида воситачи вазифасини бажариб, худо берган омадни билдирган.^{541 119-149}

Фарн ҳақида Б. Литвинский ғарб олимларининг қуйидаги маълумотларини келтиради. Қадим Сўғд ёзувларида фарн “бахтли тақдир” маъносида талқин этилиб, сўғднинг буддавий матнларида эса, “бойлик”, “фаровонлик”, “бахтли тақдир” ҳамда Будданинг “мақоми”, “зинаси” сифатида ишлатилган. Сўғд ёзувларидан бирида айтилган: “Мен Канишка ступаси ва вихараси фарнига эҳтиромимни билдираман”.^{471 53-56, 60-82} “Фарн” қўшимчаси бор отлар сўғдликларнинг исмларида ишлатилиши қадим матнларда аксини топган. Қадимги хат ёзишмалар ва Муғ тоғи ҳужжатларида “Нанафарн” ёки “Нанаифарн”, яъни “Нана илоҳаси фарнига молик” исмлари мавжуд. Самарқанд Сўғдида фарн сўзи тангалар ва муҳрларда ҳам ўз аксини топган ва шу асосда, олимларнинг фикрича, Сўғд илоҳлар пантеонига Фарн исмли илоҳ бўлгани аниқ.^{457 40, 52-53, 81} Миздахкан оссуарийларидан биридаги қўшма таркибли исмда ҳам “фарн” сўзининг борлиги Хоразмда ҳам мазкур эътиқод ҳукм сурганидан далолат беради.^{460 82} Дарҳақиқат, Хоразмнинг Тупроққалъасидан топилган ҳужжатларда 2300 йил олдин ҳам таркибида худолар номи бўлган исм (теонимлар)лар учраганлиги мазкур эътиқод кенг тарқалганини таъкидлайди: “Авговфарн” – “Фарн (омад)и зиёда бўлувчи”, “Товфарнак” – “Буқа фарнига эга”. Қадимда Ўрта Осиёда

– “Atarmihr” – “Олов илоҳи ва Митра яратган” ва “Atarfarnah”
– “Олов илоҳи ва фарн яратган“, деган исмлар бўлгани қадим
диний эътиқодлардан далолат беради.^{230: 6, 8}

Беруний маълумотига биноан, ўрта асрлар Хоразмшоҳларидан
бирининг номи Шовшафар бўлган. У зарб этган тангалар юзида ўз
номи, ортида эса, “Сиёвуш фарни(бахти)га эга”, деган ёзув бўлган.^{407:}
⁵⁰⁻⁶⁹ Бухоро тангаларида “кавийлар фарни” ибораси бўлиб, Авесто
тилида “шоҳнинг бахтли омади” маъносини билдирган. Сўғдда
“Кавифарн” – “шоҳлар (қаҳрамонлар) фарнига молик” деган исмлар
ҳам кенг тарқалган қадимда. Паҳлавий зардуштий матнларидан бирида
Хоразмда “фарнбоғ” номли “олов” таъсис этилгани айтилган.^{457: 187}

Фарб олимлари ҳам Хоразм ва Сўғд илоҳлари пантеонида
“фарн” илоҳи мавжуд бўлган, деб хулоса қилган.^{504: 242} Фарн
Авестода Хварна атамасига мос тушиб, Хварна яратиш ва дунёни
янгилаш жараёнида иштирок этиши Авестода қуйидаги мисрада
аниқ айтилган: “Биз Мазда яратган улуғвор Кавийлик хварнасига
топинамиз, у энг ғолибона, энг яратувчан”. Хвар – Қуёш дегани
бўлиб, хварна Қуёш, самовий олов, нурланувчи ҳаёт кучи рамзи
ҳисобланган. Авестода хварн учувчи олов ва йиртқич қуш
сиймоларида маълум. Зардуштийлар муқаддас олови – коҳинлар
оловининг номи ҳам Атур хварра ёки Атур Фарнбаг бўлган. Бу
олов Хоразмда ўрнатилган. “Жам ўз ҳукмронлиги даврида ато этган
барча аъмоллар мазкур учта олов ёрдамида бажо келтирилган. У
Атур Хваррани унга муносиб ер – Хоразмдаги Хваррахоманд тоғида
ўрнатади”.^{329: 65-68} Александр Македонский Хоразм шоҳи Фратафарн
билан учрашгани ҳақида тарихий маълумотлар мавжуд.^{191: VIII, 1. 8}

Самарқанднинг Биянайман оссуарийларидан бирида шундай
тасвир бор (459-расм).



459-расм. Биянайман оссуарийсидаги илоҳлар тасвири.

Чапдан иккинчи туриб, чап қўлида қилич, ўнг қўлидаги кичик оташгоҳдан эса, олов алангаси кўтарилаётган шахсни олов илоҳи Боғу-фарн, деб ҳисоблашади.^{79: 42} Л. Ремпельнинг, бу илоҳ қўлида – оташгоҳ эмас, “Сиёвуш тожи”, деган тахминига Ю. Якубов қўшимча қилади: Биянайман оссуарийларидаги тасвирлар нариги дунё худолари билан боғлиқ бўлгани учун улар орасида қўлида қилич ушлаган маъбудлар Варахран, Фарро, Митра ёки Сорун бўлиши мумкин. Фарро илоҳи Кушон даври тангаларида айнан шу нарсалар билан тасвирланишига биноан, олим уни Фарро дейди.^{461. 168} Фарб олимларидан В. Хеннинг фикрича, Фарро Сўғд пантеонида мустақил илоҳ бўлган.^{504: 256} Сўғд монийлари орасида кенг тарқалган машҳур бир афсонага кўра, Қайсар мақбарасига ўғри тушиб, тож ва шоҳона кийимларни кияди ва тобутдаги Қайсар тепасига келиб, ҳазиллашади: “Эй, Қайсар! Уйғон, уйғон! Қўрқма, қўрқма, мен сенинг Фарнингман”. Шоҳона либос кийиши Кушон тангаларидаги тасвирга мос тушиши диққатга сазовор.^{503: 477-479}

Кушон тангаларида ҳам Фарро исмли тақдир ва фаровонлик илоҳи тасвири бўлиб, Авестодаги хварнони англатиши олимлар томонидан тан олинган. Хварно – фарр – илоҳий омад деб тушунилгани ва у “қўнган” одам шоҳ, пайғамбар мартабаларига эришишига ишонилгани бежиз эмас. Хварно афсонавор, кўзга кўринмас бир сиймо бўлиб, бахт қуши, ҳумони ифодалаган (460-расм).



460-расм. Кушон тангаларида Фарро илоҳининг тасвири.

Шу билан бирга, тангаларда бу илоҳ турли рамзлар билан тасвирланишига урғу берилган: узатилган қўлида алангали идиш, хуржун, найза, елкалари тепасида олов алангаси ва ҳоказо. Шу орқали буддизмда айрим сиймолар боши атрофида “нимб” – гардишсимон шуъла пайдо бўлган.^{491: 32, 35}

Демак, юқорида кўрганимиздек, қўй – бахт-омад рамзи бўлган. Жумладан, ҳукмронларнинг тахтларини турли ҳайвонлар шаклида яшаш илоҳлар рамзларини ифодалаган ва шоҳнинг маҳаллий аҳоли учун маълум илоҳ томонидан тахтга кўтарилишини шаръийлаштирган. Тахтни қўй ёки бошқа ҳайвон шаклида ишлаш ҳукмрон сулола фарни – омад-бахт-саодати сифатида кўрилган.

Хитой тарихий солномаларида айтилишича, айрим Ўрта Осиё ҳукмронларининг тахтлари тилла қўй шаклида ишланган.^{75: 274-275, 285, 287} “Шоҳнома”да Кайковус Рустамга қўй шаклида ясалган “феруза тахт” ҳадя этади. Панжикент ибодатхонаси девор тасвирларидан бирида эса “орқага буралган бақувват шоҳли қанотли қўй таналари тахтни икки томонидан суяб турибди. Уларнинг ранги тилла ёки бронзадан ишланганидан далолат беради”.^{61: 17}

1940 йили Жанубий Тошкент каналини қозиш пайтида э. о. III-I асрларга оид оилавий катакомба дафн қабрлари топилиб, уларда дастаси қўй-тумор шаклида бажарилган хумчалар бўлган. XIX асрда ҳам Тошкент атрофидаги қўрғонларда айнан шундай хумлар топилган бўлиб, улар, шубҳасиз, қадимий диний эътиқодларнинг изидир.

Эрамиздан олдинги I мингйилликка мансуб ўлкамиз обидаларида қўй тасвирлари кўплаб учрайди. Эрамизнинг биринчи асрларида Сўғднинг Қовунчи ва Еттиосор маданиятларида қўй сиймоси биринчи ўринга чиқади. Эрамиздан олдинги асрлардан то илк ўрта асрларгача мансуб бўлган барча қатламларда эса, эчки тасвирлари кўпроқ учрайди. Зардуштийликда эчки сиймоси Веретрагна илоҳининг кўриниши сифатида маълум бўлиб, Эллинизм даврида эса, Эллададан то Ўрта Осиёгача бўлган Дионисий эътиқодида эъзозланган. Нахшабда аёл илоҳаси эътиқоди кучли бўлганлиги сабабли, эчки кўпроқ учраса керак, чунки у – чорва ва зироат ҳосилдорлиги рамзи бўлиб, қадим Шарқда Ҳаёт дарахти олдидаги тасвирлари ҳам кўплаб учрайди. Масалан, Ерқўрғон ибодатхонаси идишларида эчки бошларининг ўйма тасвирлари тумор сифатида ишлатилган. Термиз атрофидаги Зартепада ҳам сопол идишларда тоғ эчкисининг бош ҳайкалчаси ёпиштирилган ва хумларнинг дасталари унинг шаклида ишланган.^{20 19}

Эрамизнинг I мингйиллик ўрталарига келиб, қўй шаклидаги дастали хумлар Сирдарёнинг қуйи оқими бўйлаб кенг тарқалади ва улар фарн тушунчаси билан боғланиб, қўриқлаш вазифасини бажаради. Пскент наусларидан бирида топилган оссуарийлардаги қўшалок эчки ва қўй бошлари ҳайкалчалари ҳам айнан шу даврга мансуб.⁶⁶ 134-136 Чирчиқ наусидан топилган ва VI-VIII асрларга мансуб бўлган бир кўза дастаси тепасига бўрттириб ўйилган “аждарсимон маҳлуқ икки қўли билан кўза лабини чангаллаб, ичига важоҳат билан қараб турибди... бу каби жонзотлар қўриқчилик вазифасини бажаришган, яъни идиш ичидаги суюқликни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилган”¹⁹ ⁶⁸

Авестонинг Бахман-Яшт 2,1да фарн – сув шаклидаги мутлақ донолик бўлиб, уни Зардушт ичиши айтилади. Шунинг учун ҳам, ҳайвон шаклидаги дасталар, асосан, ичишга ёки суюқлик сақлашга мўлжалланган жом ва кўзаларда учрайди. Тошкент вилояти ва Сирдарёнинг ўрта оқими бўйидаги ҳудудларда ҳамда Жанубий Ўзбекистон билан Жанубий Фарғонада эрамиздан олдинги I мингйилликнинг биринчи ярмига мансуб қабрлардан дастаси ҳайвонларнинг боши билан безатилган сопол идишлар кўплаб топилди (461-расм).

Кўпчилик дасталарда қўй боши ёпиштирилган, шу билан бирга эчки, тўнғиз, ит (тулки, бўри), қоплон, йўлбарс, от ва бошқалари ҳам учрайди. Уларнинг боши идиш гардишидан ичкарига қаратилган. Шарқий Туркистонда топилган йиртқич ҳайвонлар, бургут бош ва от танали грифон ва маймун тасвирлари эса, Б. Литвинскийнинг фикрича, ўзга диний эътиқодлар доирасига киради



461-расм. Ҳайвон бошлари билан безатилган идишлар.

ҳамда Эрондаги нусхаларнинг ўлкамизга алоқаси йўқ.^{234: 6-7} Чирчиқнинг Кавардон наусидан топилган бир дафн хумчасининг дастаси тепасига ит ва иккинчисига қўй ҳайкалчалари қуббалаштирилгани диққатга сазовор.

Далварзинтепадаги кулоллар маҳалласининг энг баланд жойида I-III асрлар мобайнида ибодатхона бўлиб, ундан тоғ қўйи ҳайкалчаси ёпиштирилган икки дастали ритон топилган (462-расм). Қўй боши ҳайкалчаси бир томонда бўлганига қараб, олима, у ибодат мақсадида тағламага ўрнатилган, деб ҳисоблайди.^{139: 133}

Фарғонадан топилган I асрга мансуб дастаси қўй шаклидаги кўза (463-расм А), Хоразмдан топилган III асрга мансуб қўй



462-расм. Далварзинтепа ибодатхонасининг маросим идишлари.



463-расм. Идиш-туморлар.

А-расм

Б-расм

В-расм

шаклидаги дастали чўмич (463-расм Б) ва Кофирқалъанинг VII асрга доир хум (463-расм В)ларидаги тасвирлар бу эътиқоднинг ўлкамизда кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Айрим олимларнинг хулосасига биноан, идишлар гардишидаги қўй ва бошқа ҳайвонлар тасвири декоратив безак сифатида ишлатилган. Аммо кўпчилик олимлар, нега бўлмаса муайян ҳайвонлар тасвири кўрсатилган, деган саволни ўртага ташлайдилар ва *ҳайвонлар тасвири “кўза қўриқчиси”, яъни ўзига хос тумор вазифасини бажарган ва тотем эътиқоди билан боғлиқ бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бунга мисол тариқасида бир мақолни келтиришади: “Дастасиз идишнинг оғзини ёпиш керак, дастали идишга эса шайтон кирмас”. Ўрта Осиёда идишларда ҳайвон шаклидаги дасталар ва шох ҳамда розеткалар тасвири тотем-ҳайвоннинг фазовий тотем – Қуёш билан алмашилиши деб тушунилган.*^{372: 182-184, 215-217; 126: 56}

А. Беленицкий бу тасвир идишдаги суюқликни қўриқлашга бағишланганига қўшилмайди. Бизнинг фикримизча, бу томонини инобатга олиш керак, чунки қадимги инсонларда ёмон кучлардан сақловчи туморларга ишонч ўта кучли бўлган. У ҳолда ўша давр идиш дасталарида учрайдиган от, қуш, ит ва бошқа ҳайвонларнинг тасвирларини қандай тушунтириш керак? Назаримизда, даста тасвирлари маҳаллий эътиқодлар, жумладан, тотемлар таъсирида ривожланган ва турли диний тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган. Қадимги инсон бирданига бир нечта илоҳга ишониши ва ҳар бири ўз соҳасига ҳомий бўлиши тан олинган ҳақиқат экан, демак, эътиқодлар ва уларга хос рамзларнинг қурама моҳият ҳосил қилиши ҳам таажжуб туғдирмаслиги, аксинча, инсоннинг ҳимоя қатламларини кучайтиришга бўлган табиий интилиши сифатида кўрилиши тўғри бўларди. Сўғд ва Хоразмда чўпонлар ва пода ҳомийси сифатида Чўпон-ота эътиқоди кучли бўлган. Самарқанд ёнида мозори бўлиб, Тошкентда ҳам Чўпон-ота номли жой мавжуд. *Демак, Бактрия – Сўғд – Кангюй фарни ҳақидаги тасаввурлар халқимиз орасида у ёки бу кўринишда ҳозиргача ҳам сақланиб қолган.*

Фарб олимларининг бир қисми қўй – жаннатий жонивор, деб ҳисобласа, иккинчиси эса, уни шоҳона хварно – омад рамзи дейди. Шу билан бирга, у Зодиак белгиси сифатида борлиқ сирлари билан боғлиқ. Шу жиҳатлари билан, у қурбонликка айланади ва, маҳаллий эътиқодларга биноан, уларни қўнғироқчалар ва шарфлар билан безатишади. Самарқанд хоқонига



464-расм. Элчилар устидаги либос тасвири.

қабулга келган элчилар устидаги либосларда айнан шундай эчкилар тасвирланган (464-расм).

Сўғд сопол лавҳларидан бирида тоғ қўчқори устида қўлида ҳилол Ой ушлаб ўтирган аёл тасвирланган (465-расм).

Биз тадқиқотимизда турли рамзларнинг маъносига тўхталиб ўтарканмиз, доира, салиб, свастика бутун дунё бўйлаб олов, Қуёш ва ҳаётнинг, учбурчак эса – Ернинг рамзлари бўлганини эслатамиз. Яна бир кенг тарқалган рамз “қармоқли ромб” бўлиб, Фарғона водийсида уни омадли ов рамзи сифатидаги тоғ эчкисининг тўртта боши, деб талқин қилишган (466-расм).

Ромбнинг ўзи аёл ибтидосининг рамзи бўлгани маълум, илмоқлари билан эса – ҳосилдорлик чақирувчи сеҳр-жодуни билдиради, деб ҳисоблашади. Унинг Ҳаёт дарахти рамзи билан учраши шунга далил. Турли композицияларда турли рамзлар билан




465-расм. Тоғ қўчқори устида ўтирган аёл (сопол лавҳ).

у турфа халқларда ер, ўсимлик ва аёлни билдирган. Кейинчалик, қармоқли ромб кийим ва тасвирларда оддий орнамент (нақш) сифатида сақланиб қолади^{23, 14-16}.

Афросиёбдан топилган бир оссуарий биқинида тасвирланган аёл пешонабандида қатор ҳалқачалар тасвирланган^{155, 30} (467-расм).

Олима пешонабанд тепасидаги қанотга ўхшаш тасвирни талқин этмаган. Назаримизда, бу – фарн рамзи бўлиб, ўртасидаги ҳалқа эса, Ойни ифодалайди. Самарқанд музейида



466-расм. Қармақли ромб – тоғ эчкисининг рамзи (Фарғона водийси).



467-расм. Оссуарийдаги тасвир (Афросиёб).

шунга ўхшаш сопол ҳайкалчалар кўплаб учрайди. Самарқанд ёнидаги Талли Барзудан топилган эрамиздан олдинги I асрга мансуб идиш дастаси тагидаги аёл боши тасвирида ҳам пешонабанди (468-расм) ва Афросиёбдан топилган яна бир сопол тасвирдаги аёл пешонабанди ҳам шуларга ўхшаш (469-расм).

XX аср бошида қадим замонларни эслаган хоразмликлар сайил кунлари устига эчки терисини кийиб, бошига эчки шохларини тақиб, мусулмон пешволарини қоралаб юргани ҳақида маълумотлар бор. Хоразм Хонқасида эса янги туғилган ўғил болага “тўрт тимақли



468-расм. Пешонабандли аёлнинг сополдаги тасвири. (Самарқанд, Талли Барзу).



469-расм. Сополдаги аёл бошининг тасвири (Афросиёб).

тўппи” – тўртта бурчагида қулоққа ўхшаш шохчалари бор етти қулоқли тўппи кийдиришган экан. Шу орқали, кейинчалик, унда яна учта ука пайдо бўлишини ният қилишган.^{376 33, 95} Бундай тўппи қадимги Хоразмшоҳларнинг тожидаги қулоқ тасвирларига айнан ўхшашлиги билан диққатга сазовор.

Термиздаги муҳрда иккита ёйилган қанот орасида эчки шохлари тасвирланган. Сурхондарёнинг Болаликтепа обидасининг девор тасвирида ҳам икки қанот орасида қўй шохлари ҳукмрон сулола фарни – омадини билдирган (470-расм). Айнан шу мавзу Киш обидасида қўй бошининг тўлиқ тасвири орқали ифодаланган (471-расм).

Самарқанднинг VII асрга мансуб девор тасвирида эса дарёда яшовчи қанотли қўй-илон ифодаланган (472-расм).


Қанотли мавжудотлар мифология ва эътиқод рамзи сифатида илоҳий фотиҳани англагани бу мавзуда қўй – фарн-омад-хварно маъноси билан уйғунлашиб, сарой ҳукмронларининг мавқеи илоҳийлаштирилгани ва уларга ғалаба фарн томонидан таъминланганини билдирган бўлиши керак. Шоҳ сулоланинг бошқа саройларида ҳам зиёфат ёки ибодат қилаётган ҳукмронлар тепасида қанотли мавжудотлар тасвирлангани бунга далил бўла олади, назаримизда.

Буюк Кушонлар империясининг асосчилари Кадфиз I ва Кадфиз II (эрамизнинг II асрлари) зарб этган тангалар мазкур давр диний эътиқодларидан далолат беради. Шулардан бирининг олд томонида қурбонгоҳ устида жанговар болта ушлаган шоҳнинг тожидан тасмалар тушган ва ёзув “Шоҳлар шоҳи Канишка Кушон”, деб ўқилади. Орт томонида тўртқўлли илоҳнинг ўнг қўлларида болта ва кўза, чап қўлларида уч тишли айри ва эчки тасвирланган^{155: 76-77} (473-расм).

Туркий хоқонлар ўз тамғаси сифатида тоғ эчкиси тасвирини олган. Тоғ эчкиси эътиқоди туркман ва тожикларда кўп учрайди. Туркманларда 8 қабила номи у билан боғлиқ бўлиб, энг йирик қабилалараро иттифоқ “теке” – эчки дегани. Тожиклар, сут мўл бўлади, деб уйларининг деворларида эчкини тасвирлаган. Турли халқларда қасам сифатида эчки гўшти ейилиб, қони ичилган.

Умуман олганда, Сўғд ва Хоразм илоҳлари тасвирлари Сосоний Эрон пантеонидан кескин фарқ қилиши тан олинган факт бўлиб, Ўрта Осиё қабилаларида фарн рамзи сифатида қўй гавдаланиши ўлкамизда форслардан бир неча юз йил олдин тарқалган.^{242 33}

Ўлкамизда ҳозир ҳам айрим жойларда қабр олдида туғ устига қўй боши ёки шохларини осиб қўйиш одати марҳум руҳини қўриқлашга қаратилгандир.



470-расм. Болаликтепа девор тасвирида қўй шохлари.



471-расм. Киш I. Ҳймакор ганҷда герб шаклидаги қўй боши.



472-расм. Қўй-қуш-илон тасвири (Самарқанд).



473-расм. Бактрия тангалари.

* * *

Тадқиқотда кўрганимиздек, замонлар ўтиши билан диний эътиқодлар алмашиб, халқ хотирасидан кўтарилиши ҳам мумкин, аммо қадим маросимлар ва урф-одатлар халқ орасида барҳаёт бўлиб, ўзида узоқ асрлар, мингйилликлар ғояси ва моҳиятини сеҳрланган кўзада сақлагандек махфий тутати.

Айнан шу сир-асрорларни баҳоли қудрат очишга жазм этган мазкур асар мозий диний эътиқодларимиздан дарак бериб, шукуҳли ўтмиш саҳифаларини варақлар экан, Сиз азиз китобхонни аждодларимизнинг теран ва ўта бой меросига шерик қилиб, чуқур фалсафий дунёқарашини яна бир бор намоён этишга бир уриниш бўлди, холос. Таҳлил доирасига киритилган ёзма ва моддий манбалар йил сайин бойиб бориши муқаррар ва кейинги поғоналарда янада чуқур ўрганилиб, яккахудолилик динларининг вужудга келиши янги тадқиқотларга асос солишига умид боғлаймиз.

КАТАЛОГ

I боб. ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР УЗВИЙЛИГИ

Расм рақами

Расм

Расм олинган манба

1-расм. Пардоз
ғишлари. (Самарқанд,
Иштихон. VI-VIII
асрлар).




Fig. 286 - 288. Facing
brick. 6th - 8th centuries.
Antiquities of Sousem
Uzbekistan. Japan. 1991.

2-расм. Чироқдоннинг
(сузувчи) қуш
шаклидаги дастаси
(Сурхондарё, Работ-
Малик. XI-XII асрлар).



Fig. 339. Handle of a
lamp. 11th-12th centuries.
Antiquities of Sousem
Uzbekistan. Japan. 1991.

3-расм. Икки танали
мавжудот (Самарқанд,
XI-XII асрлар).



Рис. 30 г. Бронзовая
подставка (деталь),
Мавераннахр. XI-XII
вв. Ремпель Л.И. Цепь
времен. - Т., 1987.

4-расм. Икки танали
мавжудот (Термиз,
XI-XII асрлар).



Рис. 30 д. Резьба по
штуку, дворец
правителей Термеза,
XII в. Ремпель Л.И.
Цепь времен. - Т., 1987.

5-расм. Оҳангаронлик
Ромул ва Рем
эгизаклари.




Рис. 61 з. Золотой
брактеат из Ахангарана
(Узбекистан). Ремпель
Л.И. Цепь времен. -Т.,
1987.

6-расм. Тилла
камарбанд
(Далварзинтепа, I аср).



Fig. 96. Buckle. 1st
century. Antiquities of
